

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ  
КЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МАЪНАВИЯТ ВА  
МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

### НАСР

ПОЛ ГЕЛЛИКО. Томасина. Роман .....	3
ИРВИН ШОУ. Тунги дарбон. Роман .....	93

### ДРАМА

САЪДУЛЛА ВАННУС. Султон барибир султон .....	50
----------------------------------------------	----

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

У.УИТМЕН. Кўкат барглари .....	41
Р.РОЖДЕСТВЕНСКИЙ. Сен боқийсан, Ватан .....	150

### ПУБЛИЦИСТИКА

А. ГОРБОВСКИЙ. Жоду ва ҳокимият .....	155
---------------------------------------	-----

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

А.ЭГАМНАЗАРОВ. Ойдин йўл .....	175
--------------------------------	-----

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Т. ЛОБСАНГ РАМПА. Учинчи кўз .....	179
------------------------------------	-----

Ноябр '99

Бош муҳаррир: **Озод Шарафиддинов**

Таҳрир ҳайъати: **Неъмат Аминов, Муҳаммадали Аҳмедов, Шароф Бошбеков, Жамолиддин Бўронов, Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов, Неъматулла Иброҳимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Мирпўлат Мирзо (Бош муҳаррир муовини), Абдулла Орипов, Абдухамид Пардаев (масъул котиб), Жавлон Умарбеков, Шоир Усмонхўжаев, Рустам Шоғуломов, Саидбек Ҳасанов.**

**Жаҳон адабиёти, 11. 1999**

**ИНДЕКС 828,829**

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, № 172.

Таҳририят манзили:

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир **Г. МУҲАММАДИЁРОВА**

Рассом **М. КАРПУЗАС**

Техник муҳаррир **М. НИЗОМОВА**

Мусахҳиҳ **Т. ОРИПОВА**

Матн терувчи **Н. АҲМЕДОВА**

Теришга берилди 07.01.2000 й. Босишга рухсат этилди 17.02.2000 й. Бичими 70×108<sup>1/16</sup>.  
Газет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Жами 1700 нусха. К-7617 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг “Ўзбекистон” нашриётида  
компьютерда терилиб, ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.

© **Жаҳон адабиёти, 1999 й.**

## Пол ГЕЛЛИКО

# Томасина

### БИРИНЧИ ҚИСМ

#### I

**К**ия турган эшикдан ветеринар Эндрью Мақдьюининг чўччайган пахмоқ малла соқоли кўринди. Кейин у қабулхонада ёғоч курсиларда ўтирган одамларга ҳамда улар қўлларида кўтариб олган ёки оёқлари остида ястаниб ётган жониворларга ўқрайиб қаради.

Ҳам энагалик, ҳам санитарлик қиладиган ёрдамчиси Вилли Бэнноко кимлар қабулни кутиб ўтиришганини айтган эди. Шу сабабдан доктор қўшниси ва дўст роҳиб Энгус Педдини кўришини биларди. Бузрук Энгус ўзи яхши кўрган қари кучукчаси вазидан тез-тез келиб турарди. Кучукчага ҳадеб ширинликлар беравериб, ўзи уни лоҳас қилиб кўярди. Доктор паканагина, дўмбоққина роҳибга қаради ва кучукча гамгин нигоҳ билан ўзига термулиб турганини кўрди. Кучукча биларди — бу ернинг ҳидлари ва паҳлавон докторнинг яноқларини қоплаган пахмоқ юнг уқубатлардан халос бўлиш билан боғлиқ.

Озод  
ШАРАФИДДИНОВ  
таржимаси

Пол Геллико (1897—1979) — америка ёзувчиси. Унинг отаси италян, онаси австриялик бўлган. Ўзи эса Нью-Йоркда туғилган ва умрининг охиригача Америкада яшаган. Пол Геллико машҳур Колумбия университетида ўқиган, уни битиргач, кўп йиллар журналист бўлган. Биринчи бадий асарини 40 ёшдан ошганда эълон қилади. Бу “Қор ғоз” деган қисса бўлиб, муаллифга катта шуҳрат келтиради.

Унинг бундан кейинги ҳамма асарлари китобхонлар ўртасида эўр муваффақият қозонди. Булар “Женни” (1950), “Эшак мўъжизаси” (1952), “Етти кўғирчоққа муҳаббат” (1954), “Томасина” (1957), “Миссис Харрисга аталган гуллар” ва “Миссис Харрис Нью-Йоркка боради” (1960) кабидир. Бу асарларнинг кўпчилиги жанрига кўра замонавий эртақлардир, уларнинг қаҳрамонлари — турли жониворлар. Муаллиф, айниқса, мушуклар тўғрисида ёзишни яхши кўради. У уйда йигирма учта мушук сақлаган экан. Муаллиф гарчи ҳайвонлар ҳақида ёзса ҳам, аслида одамлар тўғрисида, унинг табиий майллари ва хислатлари ҳақида, инсон билан табиат ўртасидаги уйғунлик ҳақида мулоҳаза юритади.

“Етти кўғирчоққа муҳаббат” қиссаси асосида “Лили” деган фильм яратилган. “Томасина” асосида ҳам Дисней ажойиб фильм яратган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Доктор глаголик бадавлат пудратчининг хотини ҳам қабулга келганини кўрди. Бу аёл ҳозир уларнинг шаҳарчасида дам олмақда эди. У ҳам бодга чалинган кучукчасини етаклаб келипти. Кучукчанинг бўйнига шоҳи матодан духоба боғичли бўйинбоғ боғланганди. Докторнинг бу кучукчани кўргани кўзи йўқ. Миссис Кинлох ҳам шу ерда экан — у ҳам мушугини олиб келипти. Мушук унинг тиззасида ётипти. Унинг кулоғи оғрияпти. Оғриқнинг зўридан бошини силкитиб, миёвлаб қўяди. Шу ерлик баққол мистер Добби маъюс нигоҳ билан итига термулиб ўтирипти. Ити кўтир бўлиб қолган, бунинг оқибатида жуни тўкилиб кетган. Уни докторга судраб юришининг фойдаси қолмаган кўринади.

Булардан бошқа яна беш киши бор. Шу жумладан, битта озгингина бола ҳам ўтирипти. Доктор уни аллақерда кўрган, лекин қайда эканини эслолмайди. Энг катта курсида эса гўё бу ерда докторнинг қабулини кутиб ўтирганларнинг сардоридай Миссис Лагган ялпайиб ўтирипти. Қартайиб қолган, тоши оғир бу аёлнинг тамаки ва газета сотадиган дўкони бор. У Рэбби деган қопқора кўппакни етаклаб келган. Бу аёлнинг ўзи ҳам, қари кўпнаги ҳам кўпдан бери шаҳарча аҳлининг тилида достон.

Бу аёл етмишни уриб қўйган, йигирма бешиде бева қолган, ўн беш йил умрини вафодор Рэбби билан бирга ўтказган. Шаҳар аҳли елкасига шотланд шол рўмоли ташлаб юрадиган бу кекса бевага ва унинг тумордаккина дўкончаси олдида ҳаммиша золдирдек кучала бўлиб ётадиган қора итига ўрганиб қолган. Рэбби доимо тумшугини олдинги оёқларига қўйиб, зина устида ётади ва дўконга келиб кетадиганлар беихтиёр унинг устидан сакраб ўтишади. Шаҳардаги миш-мишларга қараганда, туғиладиган гўдаклар ҳам бу ит устидан сайрайдиган бўлиб туғилар эмиш.

Доктор Макдьои ўтирганларга қаради, ўтирганлар докторга қаради. Кимдир хавотирланиб, кимдир лоқайд, кимдир умидвор бўлиб қаради. Кимларгадир докторнинг қаҳри юққан шекилли, нигоҳида ёвқурлик бор эди. Докторнинг башараси қаҳр-ғазабдан лов-лов ёнарди — унинг кенг пешонаси ҳам, қалин малла қошлари ҳам, ҳокимона боқувчи мовий кўзлари, гўштдор бурни, истехзоли дўрдоқ лаблари, соқол босган ўткир ияги — ҳамма-ҳаммасида қаҳр ифодаси. Шаҳар аҳли уни бекорга бағри тош деб ҳисобламайди, шекилли.

Табиийки, кичиккина шаҳарчада Макдьюидай машҳур одам тўғрисида турли-туман гап-сўзлар юради. Бу шаҳарча Арбайль графлигида жойлашган бўлиб, доктор бир неча йилдан бери шу ерда ишларди. Кичкина шаҳарчада мол доктори катта одам саналади, чунки у нафақат ит билан мушукларни даволайди, балки теварак-атрофдаги фермалардаги паррандаларни ҳам, қўй, чўчқа, сигир каби мол-ҳолни ҳам муолажа қилади. Бунинг устига бизнинг доктор шунчаки оддий доктор эмас, бутун вилоят бўйича ветеринария назоратчиси ҳам эди.

Макдьюини ҳалол, билагон ва тўғри сўз одам деб ҳисоблашарди, бироқ у сал-пал ғалатиноқ эди, шунинг учун Худо яратган тилсиз-забонсиз махлуқларни унга ишониб топширишга кўнгиллари чопавермасди. У жониворларни яхши кўрмас эди. У Худони ҳам ёқтирмасди. У Худога ишонармиди, йўқми, бундан қатъий назар, черковга қатнамас эди, лекин роҳиб билан дўст эди. Миш-мишларга қараганда, хотини ўлгандан кейин тошбағир бўлиб қолипти, юрагида етти яшар қизчаси Мэри Руининг муҳаббати сиғадиган жиндай жойигина соғ қолипти. Қизалоқни ҳеч ким ҳеч қачон Томасина деган малла мушуксиз кўрмаган экан.

Йўқ, йўқ, дейишарди ивгогарлар, аслида у яхши доктор. Касал жониворни бир зумда тузатиб юборади ёки ўлдириб қўя қолади. Шуниси бор — жониворларни дори бериб ухлатиб қўйишни жуда хуш кўради. Кўнгли бўшроқ одамлар докторнинг ёнини олишарди — у раҳмдиллигидан шундай қилади, жониворларнинг азоб чекиб қийналишини кўришга тоқати йўқ деб ҳисоблашарди. Доктордан алам кўрган ёхуд дийдаси қаттиқроқ одамлар эса доктор одамларни ҳам, жониворларни ҳам жонидан бадтар ёмон кўради, уларнинг тақдирига тамом бепарво деб айтишарди.

Аммо уйда жонивор сақлайдиган одамлар бошқача фикрда эдилар — модомики, бу одам бузрук Энгусдай инсон билан дўсту биродар экан, демак, унинг аллақандай яхши томони ҳам бор. Улар болалиқдан дўст бўлишган, мак-

табда бирга ўқишган. Макдьёининг хотини Энн вафот этганда, оғир хотиралардан халос бўлмоқ учун уни бу ерга келишга кўндирган ҳам бузрук Энгус бўлган.

Баъзилар глазолик қари мол доктори Макдьёини яхши эслашарди. Ўғлидан фарқли ўлароқ, у нафақат айтганини қилдирадиган чўрткесар, балки такводор ва художўй одам ҳам эди. Ҳикоя қилишларича, Эндрью жарроҳ бўлмоқчи бўлган экан, лекин отаси унга ветеринарлик касбини давом эттириш шарти билан мерос қолдирипти. Бу ернинг аҳолисидан қайси бир одам уларнинг эски уйига борган экан, у ердаги аҳволни кўриб, ёш Макдьёининг ҳозирги феълу атворига таажжуб қилмай қўйипти.

Энгус Педди Макдьёининг отаси чинакамига риёкор одам бўлганини, унинг хонадонида яратган Эгам полициячилик вазифаларини ўтаганини яхши биларди, шунинг учун у ҳам Эндрьюнинг аввалига Худони ёмон кўриб қолганига, сўнг ундан буткул юз ўгирганига ажабланмас эди. Хотини Энн икки яшар қизи Мэри Руани қолдириб оламдан кўз юмганидан кейин Макдьёининг Худога ишонмаслиги янада авж олди.

Қабулхонада ўтирганларни кўздан кечириб бўлгач, доктор соқолини миссис Лагган томонга чўччайтирди. Бу кабинетга кириш мумкинлигига ишора эди. Бева юраги така-пука бўлиб томоқ қирди-да, шўрлик Рэббини бағрига босиб, зўр-базўр ўрнидан кўзғолди. Кучукнинг оёқлари шалвираб осилиб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди. У бўкиб қолган тўнғиз боласига ўхшар, хуррак отаётган чолдек пихиллаб чийилларди.

Энгус Педди ўрнидан туриб, бевага кўмаклашиб юбормоқчи бўлди ва унга қараб фаришталарникидай маъсум бир табассум билан жилмайди. Бунга сабаб шуки, у ҳеч бир жиҳати билан бизга китоблардан яхши таниш бўлган шотланд роҳибларига ўхшамас эди. Итининг исми Сесессия эди. Ўтган асрнинг охирларида муайян услубда ясалган уй анжомларини шундай деб аташарди. Эндрью хонадонидагилар ҳазиллашиб итни ҳам шу ном билан атай бошлашди. Ит роҳибнинг тиззасидан сакраб ерга тушди. Эндрью уни олдинги оёқларидан ушлаб, ғоз турғизди-да, деди:

— Кўрдингми, Сесси, бу — Рэбби Лагган! Шўрликнинг аҳволи чатоқ.

Итлар бир-бирига думалоқ кўзлари билан маънос нимоғ ташлашди. Миссис Лагган докторнинг кетидан муолажа хонасига кирди ва Рэббини узун оқ стол устига ётқизди. Унинг оёқлари шалвираб қолган, ўзи ҳансираб оғир нафас оларди.

Доктор унинг юқори лабини очиб, тишларига қаради, қовоқларини очиб кўрди, кейин залварли қўлини қаппайган қорнига қўйиб:

— Неча ёшда? — деб сўради.

Ўзини қадрлайдиган ҳамма бевалар каби қора қўйлак кийиб, майин шол рўмол ўраб олган миссис Лагган юраги така-пука бўлди.

— Ўн бешдан сал ошди, — деб шоша-пиша жавоб берди у. Кейин қўшиб қўйди: — Йўқ, ўн тўрт ёшда..., — гўё шу билан итининг умри узайиб қоладигандай. Ўн беш ҳақиқатан ҳам анча кўп, ўн тўрт эса бир нави. Балки миссис Кэмбэллнинг итидай ўн бешга ёки ўн олтига кирса ҳам ажаб эмас.

Доктор бош ирғади.

— Қийналиб нима қилади. Кўриб турибсиз-ку бўғилиб кетибди. Зўрға нафас оляпти. — Шундай деб у итни стол устидан олиб, ерга қўйди. Ит оёқда туролмай, қорнига ётиб олди ва вафодорлик билан бекасининг кўзларига термудди. — Юришга ҳам мадори йўқ, — деди доктор.

Беванинг бақбақалари қалтираб кетди.

— Уни дори бериб ўлдирмоқчимисиз? Итсиз менинг ҳолим нима кечади? Ўн беш йилдан бери бирга турамыз, бошқа ҳеч кимим йўқ... Рэбби бўлмаса, мен нима қиламан?

— Бошқа ит топасиз, — деди Макдьёи. Бунинг қийин жойи йўқ. Бу ерда ит сероб.

— Вой, нималар деяпсиз! — деб хитоб қилди бева. — Бошқаси Рэбби бўлолмайди. Ундан кўра итни яхшилаб даволанг. Тузалиб кетади. У ҳаммиша соғлом бўлган.

“Жониворлар билан ишлашнинг мушкули йўқ, — деб хаёлидан ўтказди Макдьои, — уларнинг эгаларига гап уқтириш қийин”.

— Ахир, жони чиқай деб турипти-ку, — деди у. — Жуда қариб қолипти. Соғ жойи қолмапти. Яшаб кетиши жуда қийин. Майли, мен уни даволай. Унда сиз икки ҳафтадан кейин келасиз. Лекин шунда ҳам яшаса бир ой яшайди. Жуда нари борса олти ойга боради. Мен бандман. — Кейин юмшоқроқ оҳангда кўшиб кўйди: — Агар уни яхши кўрсангиз, мен билан айтишиб ўтирманг.

Энди унинг бақбақаларидан ташқари кичкинагина оғзи ҳам титрай бошлади. Миссис Лагган Рэббисиз ўтказадиган кунларини кўз олдига келтирди — бир оғиз гапирадиганинг йўқ, чой ичаётганингда ёки ухлаётганингда ёнингда ҳеч ким бўлмади. У кўнглидаги гапни эмас, хаёлига келиб қолган гапни айтди:

— Харидорлар уни излаб гаранг бўлишади. Ҳамма унинг устидан одимлаб ўтарди.

Хаёлида эса бошқа гап: “Мен қариб қолдим. Беш кунлигим борми-йўқми? Ёлғиз бўлсам... Биз бир-биримизга жуда қадрдон бўлиб кетгандик.”

— Ҳа, албатта, албатта... — деди доктор. — Тезроқ ҳал қилақолинг, мени одамлар пойлаб туришипти.

Бева саросима ичида бу соғлом малла одамга қаради. — Менимча, шўрликни ташлаб кетсам, жуда ҳам қийналади. Яхши бўлмади.

Макдьои жавоб бермади.

“Қандай қилиб Рэббисиз яшайман? — деб ўйларди бева. — Кафтимга сурканадиган муздек бурни бўлмади. Ҳеч ким хурсандлигидан ўйноқламайди, ҳеч кимни силаб-сийпалай олмайсан. На ҳамдардинг бўлади, на гаплашадиган яқининг”. Қари итлар ҳам, қари одамлар ҳам бу дунёни тарк этмоғи керак. Бева ялиниб-ёлвориб Рэбби учун яна бир ой, бир ҳафта, лоақал бир кун сўраб олмоқчи бўлди, лекин ҳаддан ташқари ҳаяжонланаётгани учун бунга журъат қилмади.

— Шўрликни кўп ҳам қийнаманг, — деди у.

Макдьои энгил тортиб хўрсинди-да, ўрnidан турди.

— У ҳеч нарсани сезмайди. Тўғри қилдингиз.

— Хизмат ҳақи қанча бўлади? — деб сўради миссис Лагган.

Доктор унинг лаблари титраётганини пайқайди ва негадир ўзини жуда нохуш ҳис қилди.

— Ҳеч нарса керак эмас, — деди у.

Бева ўзини тутиб олди, бўзига келаётган йиғини аранг босиб, деди:

— Хизмат ҳақингизни бераман.

— Майли. Икки шиллинг бўлади.

У қора ҳамёнини кавлаштириб, пулни олди-да, стол устига қўйди. Рэбби тангаларнинг жарангини эшитиб, бир лаҳзага қулогини диккайтди. Миссис Лагган эса энг яқин дўстига ортиқ ўтирилиб қаролмай эшикка йўналди. У қаддини ғоз тутиб, кибор билан юриб борарди — у одамлар кўзига шалвираган кампир бўлиб кўринишни истамасди. Миссис Лагган ҳар қалай йиқилмай-туртинмай мағрур одимлаганича хонадан чиқиб кетди.

Озгин аёллар ғам чекканида жуда аянчли бўладилар, лекин дунёда ғуссага ботган семиз аёлдан кўра аянчлироқ бўлмади. Унинг дўмбоқ башараси фожианиқобини кия олмайди, бу башара мурданикидек кўкариб кетади, холос.

Бева Лагган қабулхонада пайдо бўлиши билан, у ерда ўтирганларнинг ҳаммаси унга қаради, Энгус Педди эса бир лаҳзада ҳамма гапни тушунди-ю, баланд овозда хитоб қилди:

— О, Парвардигор! Наҳотки, аҳвол чатоқ? Биз энди нима қиламиз усиз? Кимнинг устидан ҳатлаб ўтамиз?

Бу ерда — ўзиникилар орасида миссис Лагган тўйиб-тўйиб йиғлаши мумкин эди. Бир қараганда ҳеч нарса рўй бермагандай эди, лекин навбат кутиб ўтирганларнинг ҳаммаси данг қотиб қолди, Энгус Педининг юрагини эса алақандай бир қўлғимлаб эза бошлади, юракнинг оғриғи беванинг оғриғи билан тенглашмагунча ғижимлаб эзишда давом этди. Роҳиб даҳшатли дақиқалардан бирига рўпара келган эди — бундай дақиқаларда у Худо ундан нима кутаёт-

ганини ва унинг ўрнида бўлса Худонинг ўзи нима қилажагини билолмай хуноб бўларди.

Энгус Педдининг назарида Худонинг зулмату хунобгарчиликка дахли йўқ эди. Яратган ҳам, у яратган олам ҳам шоду хуррамликдан иборат эди, шунинг учун бу қувончни қавмига юқтиришни, Худонинг мўъжизаларига қойил қолиб бунинг учун яратганга ҳамд-санолар ўқишни ўзининг бурчи деб ҳисобларди. У Худонинг мўъжизалари қаторига жониворларни ҳам қўшарди.

Семиз хотин унинг қаршисида кўзларини ишқалаб йиғлапти, ияги, яноқлари ёшланган. Мана ҳозир у чиқиб кетади ва унинг ити учун ўлим соати етиб келади.

Энгус Педдининг “Тўхта, Эндрыо! Ўлдирма! Ўлса ўз ажали билан ўлар! Унинг Худо билан мулоқотига аралашиб нима қиласан!” деб хитоб қилмоқ учун муолажа хонасига югуриб киришига сал қолди. Лекин ўзини тўхтатиб қолди. Унинг аралашмоғи жоизмикин? Макдьёи — яхши доктор, врачлар эса кўпинча кўрқинчли нарсаларни гапиришади ва қилишади. Одамларга қараганда жониворлар билан ишлашнинг афзаллиги шундаки, жониворларни азоб-уқубатлардан халос этмоқ мумкин.

Миссис Лагган ҳеч кимга мурожаат қилмай ўз-ўзича деди:

— Мен Рэббисиз яшаёлмайман!

Шундай деб чиқиб кетди. Ярим очиқ эшикдан яна чўччайган малла соқол кўринди.

— Кимнинг навбати? — деб сўради Макдьёи. Пудратчининг хотини дудмалланиб ўридан турди, унинг лайчаси кўрққанидан вангиллаб юборди. Буни кўриб Макдьёининг энсаси қотди.

— Кечирасиз, сэр, — деган ингичка овоз эшитилди. Сизни бир дақиқага мумкинми?

— Бу Жорди Макнэб, базознинг ўғли, — деб кимдир тушунтирди.

Юмалоқ юзли, қорамғиз хитойга ўшаш жиддий, яшил ранг кўйлак кийиб, бўйнига скаутлар бўйинбоғини боғлаб олган саккиз яшар Макнэб қўлида бир қутини ушлаб олган эди. Қутининг ичида унинг бугун қилмоқчи бўлган савоб иши дир-дир титраб ётарди. Макдьёи улуғ хоқон каби унга юқоридан қаради, кейин энгашиб, малла соқолини қутига теккудай қилиб сўради:

— Қутингдаги нима?

Бола унинг дағдағасидан чўчимоди. У докторга қурбақани кўрсатиб илтижо қилди:

— Оёғи лат епти, шекилли. Сакраёлмаяпти, шўрлик. Мен уни кўлнинг бўйидан топиб олдим. Ўтиниб сўрайман, бир амаллаб уни даволанг. Яна сакрайоладиган бўлсин.

Баъзан Макдьёининг ичидан эски аламлар ёпирилиб келгандай бўларди. Бундай вақтларда у истаган гапини, истаган ишини қилолмай қоларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. У қутига энгашиб турар экан, биров қулоғига “Қурбақалар доктори! Сен қурбақалар докторисан” деяётгандай бўлди.

Шунда бирдан унинг юрагида қаҳр-ғазаб жўш урди. Агар дунёда ҳақиқат бўлганида, манави одамлар ҳам, манави бола ҳам унинг ҳузурига даволангани келишарди. Шундай бўлса у бу одамларнинг ҳаёти учун курашар, уларни дарддан фориг қиларди. Бироқ бунинг ўрнига бу одамлар пишиллаган, ириллаган, миёвлаган махлуқларни унинг ҳузурига олиб келишади. Улар ялқовликлари ёхуд худбинликлари сабабли фарзанд кўришни иташмайди-да, унинг ўрнига ана шу жониворларни парвариш қилишади.

Хаста лайча унинг ёнида турипти. Бекаси унга аямай атир сепипти. Макдьёи атир ҳидини туйиб, кўнгли айниди ва фигони кўкка чиқиб Жордига жавоб берди:

— Бекорчи ишларга вақтим йўқ. Нима бало, навбатда ўтирганларни кўрма-япсанми? Олиб бор қурбақангни, ҳовузга улоқтир. Жўна! Бор!

Кичкина Макнэбнинг юмалоқ қора кўзларида болалар катталар билан гап-лашганида пайдо бўладиган ифода барқ урди.

— У хаста, — деди у. — Аҳволи ёмон. Ўлиб қолади!

Мақдьюи унинг юзини эшик томон бурди-да, елкасига шапатилади.

— Бор, борақол, — деди у бир оз юмшаб. — Қаердан олган бўлсанг, ўша жойга элтиб қўй. Табиат ўзи парвариш қилиб олади. Киринг, миссис Сондерсон.

## II

Агар сизни менинг шажарам қизиқтирса, глазголик Женни Макмурга қариндошлигим борлигини билиб ҳайрон қолсангиз керак, албатта. Женни ҳақида бутун бошли китоб ёзилган, у ҳатто босилиб чиққан.

Бизнинг она авлодимиз Эдинбургдан. У ерда менинг аждодларим дорилфунунга дахлдор бўлган. Баъзилари эса бавосита эмас, ҳатто бевосита илмга ҳам хизмат қилишган. Ота авлодимиз Глазгодан, Женни катта бувимнинг яқин қариндошларидан бўлади. У чинакамига соҳибжамол бўлган — ҳақиқий мисрча чиройга эга экан — боши кичкина, мўйловлари узун-узун, кўзлари қийғоч, қулоқлари юмалоқ, чучварадеккина, бақувват. Гарчи рангимиз ҳар хил бўлса-да, мени унга ўхшайди дейишади. Мен буларни мақтаниб гапираётганим йўқ; бу шундан далолат берадики, биз икковимиз ҳам уруғимиз илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади дейишга ҳақлимиз. У замонларда одамларнинг ақли кўпроқ бўлгани важдан улар бизга тобинишган.

Ҳозир сохта худоларга тобинишади, у пайтларда Мисрда бизнинг авлодаждодларимизни эҳромларда эъюзлашган. Бундан одамларга анча-мунча масрурлик етган, шекилли. Аммо у замонлар аллақачон ўтиб кетган, мен у замонлар ҳақида гапирмоқчи эмасман. Лекин шундоқ бўлса ҳам, бир замонлар сенга тобинишганидан хабардор бўлсанг, бир эмас-бир кун асқотиб қолиши мумкин.

Сизни ортиқча толиқтирмай қўя қолай — гап қотиллик тўғрисида бўлади.

Бунақа воқеани сиз ҳали ўқиган ҳам эмассиз, эшитган ҳам эмассиз, чунки ўлдирилган менман-да!

Менинг исмим Томасина. Одамларнинг тез-тез учраб турадиган бир бемаъни хатоси туфайли менинг исмим шунақа бўлиб қолган. Кичиклигимизда одамлар бизнинг жинсимизни аниқлашмоқчи бўлиб кўп адашишади. Мени Томас деб аташди, кейинроқ эсларини йиғиб олишди — уйимиздаги миссис Маккензи деган оқсоч аёл исмимни аёлларникига ўхшатиб Томасина деб қўйиб олди. Бу воқеа Глазгода бўлган эди, Мэри Руа ҳали иккига тўлгани йўқ эди.

Сира тушунмайман-да — нега одамлар бунақа бепаросат экан? Бизнинг эркакми-урғочи эканимиз тўғрисида фол кўришгани-кўришган. Фол кўргандан кўра бир қараб қўяқолишса бўлади-ку — анави савил урғочиларникида ёнма-ён туради, эркакларникида эса бир-биридан анча нари жойлашган. Бу масалада истисно бўлмайди, бу ёшга ҳам боғлиқ эмас.

Бизнинг хўжайинимиз Эндрю Макдьюи буни бир зумда айтиб бериши мумкин эди, чунки у доктор, билади, аммо у жониворларни ёқтирмайди, улар билан иши йўқ, менга ҳам ҳеч қачон эътибор берган эмас. Мен ҳам унга эътибор берган эмасман, бошимга ураманми уни?

Биз сўхтаси совуқ каттакон уйда турардик. Бу уй мистер Макдьюига отасидан мерос қолган. Унинг биринчи ва иккинчи қаватида шифохона жойлашган бўлиб, биз, яъни хўжайин, бека, Мэри Руа ва мен учинчи ҳамда тўртинчи қаватда яшар эдик. Уларнинг уччови ҳам малла ранглик эди, мен ҳам малла эдим. Аниқроқ айтсам, тўқ тилла рангда эдим, кўкрагим оқ қашқа эди. Айниқса, оёқларимнинг оқлиги билан думимнинг учгинаси ҳам оппоқ экани одамларга жуда ёқар эди. Мени ҳамиша мақташарди, мен мақтовга ўрганиб қолгандим.

Мен бор-йўғи олти ойлик бўлган бўлсам-да, бекамизни яхши эслайман. Уни Энн деб аташарди. У жуда чиройли бўлиб, мис тоғорачадай сапсариқ эди. У ҳамиша қандайдир қўшиқларни хиргойи қилиб, шоду хуррам юрарди. Унинг борлигида ҳатто ёғин-сочинли кунларда ҳам уйимиз унчалик зулматли кўринмасди. Мэри Руани у жуда-жуда талтайтириб юборган эди. Улар доимо пичирлашгани пичирлашган эди. Хуллас, хўжамизнинг феъли-хўйига қарамай, хонадонимиз масрур ва мамнун ҳаёт кечирарди. Бироқ орадан кўп ўтмай ҳамма



нарса остин-устун бўлиб кетди. Миссис Макдьюи тўтиқушдан аллақандай касални юқтириб олди-ю, оламдан кўз юмди.

Билмадим, миссис Маккензи бўлмаганида, менинг ҳолим нима кечарди? Хўжамиз буткул ақдан озиб қолди, у бор овози билан бақириб-чақириб, ҳамма ёқни тўс-тўполон қиларди. Унинг бутун муҳаббати қизига кўчди. Бунни кўриб биз ўлгудай қўрқиб кетдик. У аллақайларда дайдиб юрарди, ҳайвонларга бутунлай қарамай қўйди. Рўзгоримизда ҳамма нарсанинг расвоси чиқди. Яхши ҳамки, унинг эски қадрони, қишлоқ роҳиб мистер Педди бор экан. Шу одам келиб қолди-ю, турмушимиз аста-аста изга туша бошлади. Мистер Педди билан бизнинг хўжамиз дорилфунунда бирга ўқишган экан. Ҳойнаҳой, улар дорилфунунда менинг қариндошларимни кўришган бўлишлари керак.

Шундай қилиб десангиз, биз уйни ҳам, шифохонани ҳам сотиб, бу ерга — Аргайл графлигига Лох Файн қўлтигининг соҳилига кўчиб келдик.

Менинг бошимга фалокат тушганида Мэри Руа еттига тўлиб, саккизга кетаётган эди. Биз Аргайлленн кўчасининг охиридаги уйда яшар эдик. Энг охириги уйда эса роҳиб яшарди. Унинг Цесси деган жуда ярамас ити бор эди. Ф-ф-уф!

Аниқроқ айтганда, биз кўчанинг охиридан санаганда учинчи ва иккинчи уйларда яшар эдик. Бу уйлар оққа бўялган, узун, икки қаватли, томига черепица ёпилган, ҳар бири икки мўрили, ҳар қайси мўрининг устида оқ чалқар қўниб турадиган уйлар эди. Яна ҳам аниқроқ айтганда, буларнинг бирида биз турар эдик, иккинчисида хўжамиз ишлар эди. У ишлайдиган жойга бизни киритишмасди. Глазгодаги бахтсизликдан кейин хўжамиз қасам ичиб, уйига касал жониворларни яқин йўлатмасликка сўз олган.

Глазгога қараганда Инверанох менга кўпроқ манзур бўлди, чунки бу ерда оқ чалқарлар кўп эди, ҳар томондан денгиз ва балиқнинг ҳиди келар эди, яқин теваракда эртақлардаги сингари гўзалдан гўзал ўрмонлар, жарлар, қоялар салтанати — бу ерларда мазза қилиб ов қилса бўлади. Глазгода мени кўчага чиқаришмас эдилар, бу ерда эса ҳақиқий тоғликка айланиб кетдим. Тоғликлар эса, маълумингизким, ўзларидан бошқа ҳаммага юқоридан қарашади.

Бу шаҳар Глазгодан кичикроқ, унинг аҳолиси минггага ҳам етмайди, бироқ бу ерга дам олгани жуда кўп одам келади.

Ёзда хўжамиз жуда банд бўлади, чунки кўплар ўзи билан итларини олиб келишади, баъзида эса мушукларини ҳам, қушларини ҳам, ҳатто маймунларини ҳам олиб келишади. Баъзи жониворларга бизнинг бу жойларнинг иқлими тўғри келмайди, бир хил жониворлар эса биз — тоғликлар билан қир-пичоқ бўлишади. Э-э, биродарлар, сенлар ҳамманг арзанда, тегма-нозик бўлсанг, ким қўйипти сенларга биз билан олишишни?! Хуллас, уларнинг эгалари менинг хўжамга мурожаат қилади. Хўжамнинг эса жаҳли чиқади, у ҳайвонларни ёқтирмайди, айниқса, уй жониворларини ёмон кўради, фермадаги молларни муолажа қилишни афзал билади.

Бироқ бу ишларнинг ҳеч қайсисининг менга дахли йўқ. Мен қандай хоҳласам, шундай яшардим. Ишларим жойида эди. Фақат Мэригина ҳамиша мени қўлида кўтариб юрарди.

Агар сизнинг қизингиз бўлса, мени тушунасиз, қизингиз бўлмаса, қизалоқлар кўғирчоқни қандай кўтариб юришларини эсланг. Баъзи қизалоқлар мушукларни қўлдан қўймайди. Улар мушукни қоринларининг тагига кўтариб олишади, уни шундай тутишадик, мушук шўрликнинг орқаси кўкракларига қапишиб туради, олдинги оёқлари ва бошлари қўлларидан чиқиб осилиб қолади, таг томони эса муаллақ қолиб, шалвираб туради. Жуда ноқулай ва таҳқирли.

Лекин Мэри Руа мени баъзан мўйна ёқага ўхшатиб бўйнидан айлантириб кўтариб юрарди. Одамлар завқланиб томоша қилишар ва унинг сочлари билан менинг мўйнамни бир-биридан ажратиб бўлмайди дейишарди. У мени чақалоқдай бошимни пастга қилиб қўлида ҳам кўтариб юрарди. Буниси, энди ўта ноқулай эди.

Бундан бошқа ҳам ноқулайликлар бўлиб турарди. Мен улар тўғрисида гапириб ўтирмакчи эмасман. Лекин гап келиб қолгани учун баъзиларини айта қолай. Бўйнимга оқ рўмолча ўраб, зодагон хонимлардай сол ёнига ўтқазишарди. Рост,

бунақа ҳолларда менга сут беришарди, ялпизли печенье билан сийлашарди, лекин шундоқ бўлса ҳам иззат-нафсимга қаттиқ тегарди.

Мен Мэри Руанинг кроватчаси ёнида ухламоғим керак эди, ўзим яхши кўрадиган ўриндиқ устида ётолмас эдим, чунки мен йўқ бўлсам, Мэри йиғлайвериб ҳаммани хуноб қиларди. Баъзан эса мен ёнида бўлсам ҳам, Мэри “Ойи! Ойи!” деб йиғлар, кроватидан тушиб, мени кўлига олар ва юзини биқинимга тақаб, ёнида олиб ётарди. Бўғилиб нафасларим қайтиб кетарди. Бизни гижимлаб эзиллашганини жуда ёмон кўрамиз-да...

У кўзларидан ёшини оқизганича, “Томасина, Томасина, мен сени жуда яхши кўраман, кетма” деб хониш қиларди. Мен эса унинг юзларини ялаб кўярдим, йиғидан тиниб, қовоқ-тумшуғи очилмагунча, “Вой, Томасина, қитиғим келиб кетди” деб ухлаб қолмагунча унинг шўртрак кўз ёшларини ялашдан тўхтамасдим.

Мен унинг муомаласини бардош билан кўтарардим. Унинг ўрнида бирон ўғил бола бўлганида-ку, аллақачон жуфтакни ростлаб қолган бўлардим-а! Нима, зарур келиптими менга? Ўрмонга қочиб кетардим ёки бошқа эга топардим. Ўзимнинг кунимни ўзим кўриб кетаоламан, кўчада қолмайман. Кўринишим жуда нозик, зодагоний бўлгани билан, ўзим бакувват, соғлом ва жуда бардошлиман. Бир куни бир ёш бола велосипедда мени туртиб кетди. Миссис Маккензи дод солиб уйдан югуриб чиқди, Мэри Руа роса бир соат йиғлади. Аслида эса бола йиқилиб қаеридир лат еди-ю, мен бўлсам, бир силкиниб, ўзимга келиб, йўлимда кетавердим.

Энди, хўжамиз масаласига ўтсак, мен бу одам тўғрисида бири биридан совуқ гапларни қалаштириб ташлашим мумкин. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг — мол доктори бўлатуриб жониворларни ёмон кўради. Сал нарсага дори бериб, ўлдириб юбораверади. Одамлар шунақа дейишади. Унинг кўлига туштулик қилмасин-да... У кизини мендан қизганарди. Қизганса ҳам гўрга-я, мени, умуман назар-писанд қилмас эди. Бурни шифтгача кўтарилган, соқоли хурпайган, аззойи баданидан дори ҳиди бурқсайди... Уф-ф! У кечкурунлари уйига келиб, Мэри Руани кучоқлаб ўпганида, ўзимдан кетишимга сал қолади (чунки эсингизда бўлса, мен ҳаммиша Мэрининг кўлида бўламан).

Албатта, мен кўлимдан келганича унинг жигига тегишга ҳаракат қилардим: унинг олдида тумшуғимни ювардим, ўриндиққа ётиб олардим, оёқлари тагида ивирсиб ювардим, энг яхши костюмини кийганида унга суйканиб турардим, ўтириб газета ўқимоқчи бўлганида сакраб чиқиб тиззасига ўтириб олардим, ҳамма ёқни саситишга тиришардим. Албатта, Мэри Руанинг олдида у менга кўполлик қилишга ботина олмасди ва мени сезмаганга оларди-кўярди — худди трубкасини олиб чекмоқчи бўлгандай жимгина туриб кетар, индамай мени тиззасидан тушириб юборарди.

Хуллас, қочиб кетай десам сабаблар бор эди, лекин мен қочмадим, сабабки, мен Мэри Руани севиб қолгандим.

Гап шунда бўлса керакки, қиз бола билан мушук бир-бирига ўхшаб кетади. Қиз болаларнинг ҳам ўз сирлари бўлади. Гўё улар бир нарсаларни биладилару айтмайдилар, улар ҳам хаёл суришга мойил, ниҳоят улар ҳам катталарга худди бизга ўхшаб — синчиклаб, тушуниб бўлмайдиган тарзда қарашади.

Агар сиз қиз бола билан бирга яшаган бўлсангиз, уларнинг нечоғлик ўжар эканини, ўлгудай эрксеварлигини, бўлар-бўлмас тақиқлар уларга кор қилмаслигини, улар қараб туриб алақайларга — ўз дунёларига шўнғиб кетишларини яхши биласиз. Бизнинг ҳам айни шу сифатларимиз катталарнинг гашига тегади. На кизни, на мушукни уларнинг ихтиёрига қарши бирон иш қилишга мажбурлаб бўлмасди, ўзингизни-ку икки дунёда севдира олмайсиз. Ҳа, биз Мэри Руа билан кўп жиҳатдан ўхшаш эдик.

Шундай қилиб, десангиз, мен Мэри деб кўп ғалати ишларни қилганман. Мени кўтариб мактабга олиб боришга, кўнғироқ чалингунга қадар болалар мени силаб-сийпаб гижимлашларига чидар эдим, кўнғироқдан кейин уйга қочиб бориб, ўзимнинг ишларимни қилардим.

Мэрининг мактабдан қайтишини эшик олдида орқа оёқларимга думимни ўраб ўтириб кутардим. Албатта, шу зайлда ўтирсам, қўшнимизнинг жирканч

итига бурнимни жийиришим қулайроқ бўларди, лекин мен Мэри Руани деб ўтирардим. Одамлар менга қараб соатни тўғриласа бўлади дейишарди.

Йўқ, ўзингиз ўйлаб кўринг — кимсан мен, Томасина эшик олдида аллақандай бир малла қизни пойлаб ўтирсам-а? Бу қиз кетиб юборган соҳибжамол бўлганида ҳам гўрга эди?

Баъзан-баъзан ўйлаб қоламан — бизнинг орамизда ҳали менга номаълум бўлган бирон-бир алоқа йўқмикин? Айниқса, қуёш ботиб, унинг ўрнига ёлғизлик ва қўрқув чўкканида, жуда ҳам бир-биримизга муҳтож бўлиб қолар эдик.

Ёлғизликдан халос бўлишнинг чораси бундоғ: юзингни юзига, мўйнангни сочига ёки юзига босасан. Баъзан шундай бўладики, ярим тунда алаҳсираб уйғониб кетасан, аммо ёнингда ётган эганнинг бир маромда нафас олаётганини эшитасан, устидаги тоза чойшаб қимирлаётганини ҳис қиласан. Шу билан қўрқувнинг тарқаб кетади, яна ухлайверасан.

Ҳозиргина мен Мэри Руа унчалик соҳибжамол эмас дедим. Очиғини айтсам, бу гапимдан жиндай хижолат чекапман, чунки у мени дунёдаги жамики мушуклар ичида энг чиройлиси деб ҳисоблайди. Ўшанақа деган бўлсам, мен унинг чеҳраси тўпоригина бўлганини назарда тутган эдим. Лекин кўзлари жуда бошқача эди. Улар чиндан ҳам жуда ажойиб эди, айниқса, тикилиб қарасанг, бу кўзларда алланечук бир нарса борлигини кўрардинг. Мен бу кўзларга узоқ тикилиб қараёлмасдим. Улар осмон ранг, мовий эди. Мэри баъзан нималар тўғрисидадир ўй ўйлаб кетарди, нимани ўйлаётганини мен ҳам билолмас эдим. Бундай пайтларда кўзлари бўрон пайтидаги бўғоздай қорайиб кетарди.

Одатда эса у бурни пучуқ, юзини сепкил босган, қоши-ю киприклари шу қадар оқиш эдики, баъзан уларни кўриш ҳам амри маҳол бўларди. Аммо унинг ажиб бир муаттар ҳиди бор эди.

Унинг кийим-кечагини миссис Маккензи ювади, дазмоллайди, атир сепиб кўяди.

Миссис Маккензи тинмайди: кир ювади, дазмол босади, нималарнидир ямаб-чатади, сабабки унга қизга нисбатан туйғуларини фақат шу йўл билан изҳор қилишга изн берилган. Агар унинг ўзига ихтиёр бериб қўйилса, миссис Маккензи Мэрини кучиб, бағрига босиб, силаб-сийпалаб эркалатгани эркалатган бўларди, худди биз ташландиқ мушук болаларини ўйнаб силаб-сийпаганимиздек, миссис Маккензи ҳам Мэрини ўз ҳолига қўймаган бўларди. Бироқ мистер Макдьюнинг рашки қаттиқ, Мэри Руанинг миссис Маккензига ҳаддан зиёд боғланиб қолишидан қўрқади.

Мен атир ҳидини яхши кўраман. Ҳидлар товуғлардан ҳам кўпроқ яхши-ёмон хотираларни кўзгайди. Бир замонлар нимадан хурсанд бўлганинг ёки нимага аччиғинг келгани эсингда бўлмайди, аммо бир ҳидни туясан-у, яна нимадандир хурсанд бўласан ёхуд бир нималарга аччиғинг келади.

Муаттар атир ҳиди масрурлик ҳидига ўхшайди. Уни туйганимда чангалимни қисиб олиб, баланд овозда хуриллашга тушаман.

Баъзан шундай бўладики, миссис Маккензи ювилган кирни дазмоллаб, тахларди-да, паришонхотирлиги сабабидан уни жовонга яшириб қўйиш эсидан чиқиб қоларди. Шунда мен жовонга кириб олардим-да, муаттар ҳид анқиб турган халтага тумшугимни тираганча чўзилиб ётиб олардим. Мана буни жоннинг роҳати деса бўлади! Бунақа лаззат оламда камдан-кам бўлади.

### III

Жорди Макнэб қўлида қутиси билан боши оққан томонга кетиб борарди. Қутининг ичида жабрдийда қурбақа похол тўшак устида ётипти. Аҳён-аҳёнда у ҳамма нарсани унутиб, шаталоқ отиб югуриб қолар, аммо ишлари аянчли аҳволда экани эсига тушиб қолиб, яна одимлай бошларди.

У қаёққа кетаётганини билмайди, бир амаллаб катталардан узоқроқ кетса, бас. Тез-тез қутини очиб ичига қараб кўяр, бармоғини қурбақага оҳиста тегиб кўрар ва унинг оёғи синганига яна бир ишонч ҳосил қилар эди. Қурбақани уйига олиб боришнинг иложи йўқ — бунга уйдагилар ижозат бермайди, лекин

уни ташлаб ҳам юбора олмайди. Жоржи биринчи марта амин бўлдики, қимда-ким бошқа махлуқ учун масъулиятни бўйнига олишга жазм қилса, дунё унга нисбатан душман бўларкан — қоларкан.

У шаҳар чеккасига етиб борди. Бу ерда кўчалар кесилгандай бирдан тугаб қолиб, давомида далалар ва ўтлоқлар бошланади. Ундан нарида қоп-қора сирли ўрмон чўзилиб кетган. Ўрмонда Малла Алвасти яшайди. Жорди тўсатдан пайқаб қолдики, у анчадан бери шу Алвастининг олдига боришни ўйлаб юрипти. Лекин кўрқади, чунки бу жуда ҳам хавфли-да!

Одамлар Малла Алвасти ёхуд Савдойи Лори деб атаганлари аёлнинг ҳузурига боришга юраклари бетламас эди, айниқса, супурги миниб учадиган ҳар хил бурундор кампирлар ҳақидаги эртагу афсоналарни эшитиб улғаяётган болалар ҳаммадан кўпроқ кўрқишарди. Бирор зарурият мажбур қилмаса, унинг ҳузурига боришнинг ҳожати йўқ.

Аммо унинг тўғрисида бошқа гаплар ҳам юрарди — унинг ҳеч кимга зарари тегмас эмиш, у ўрмон ичидаги пастқам жойда якка ўзи яшармиш, бўз тўқирмиш, паррандалар ва жониворлар билаш тиллашармиш, уларни даволармиш, очларнинг қорнини тўйдирармиш, беморларини парвариш қилармиш. У фаришталару филмонлар билан ошначилик қилармиш. Ҳар бир кичкина болага ҳам маълумки, ўрмоннинг хилват жойларида яшайдиган фаришталару, ҳури-филмонларнинг саногига етиб бўлмайди.

Жорди бу гапларнинг ҳаммасидан хабардор. Кийиклар унинг ҳузурига келиб, унинг қўлидан овқат еса, қушлар тортинмай унинг елкасига қўнса, жилгалардаги балиқлар унинг қақирғига сузиб келса. ўйининг орқа томонидаги оғилда хаста ҳайвонлар яшаса, уларни унинг ўзи ўрмоннинг ҳар хил жойларидан топиб келган бўлса ёхуд жониворларнинг ўзи унинг ҳузурига келса, агар шуларнинг бари чин бўлса, қурбақани унга олиб борса бўлмасмикин?

У дўнғалак кўприқдан ўтиб, дарахтлар билан қопланган адир тепасига кўтарила бошлади. Адирнинг нариги томони пастқамлик эди. Кўҳна қаср харобаларидан кейин Алвастиникига етиш учун яна икки чақиримдан мўлроқ йўл босиш керак. Бу жойларда ўрмон яна ҳам қуюқ. Зулматли ўрмон қаърида аллақандай Малла Алвасти яшайдиган жойга боришга Жордидай ёш бола, албатта, кўрқар эди.

Жорди ўрмон ичида анча йўл юрди, ниҳоят Алвастининг уйини кўрди. Шунда у тўхтади ва нафасини ростлаб, теварак-атрофга назар ташлади. Унинг уйи икки қаватли бўлиб, бўйига чўзилган эди. Томида мўрилари қуённинг қулоғидай чўччайиб турарди. Деразалардаги зангори дарпардалар берк. Уй гўё уйкуга чўмгандек кўринарди. Унинг орқа томонида яна бир тикроқ гиштли иморат бор — афтидан, у омбор ёхуд молхона ўрнида хизмат қиларди. Уйнинг олдида кенггина ўтлоқ ўртасида баҳайбат эман дарахти ўсган эди. Унинг шохлари ҳар томонга тарвақайлаб кетган. Эман камида икки юз ёшга кирган эди. Унинг пастки шохига қумуш қўнғироқча илиб қўйилган, қўнғироқчадан узун ип осилиб турарди.

Жорди қимир этмай тик турганича турфа хил шитирлашларни эшитар, қандайдир сокин, лекин жарангдор қўшиқ қулоғига чалинарди. Галати тиқир-тиқирлар янграмоқда. “Жодугар жоду қияпти!” деб ўйлади у ва орқасига эмак-лаб кетишига сал қолди, аммо тиқир-тиқир борган сари кўрқинчи-роқ кўринаётган бўлса-да, жарангдор қўшиқ уни аллақачон маҳлиё қилиб олган эди.

Овоз жуда ёқимли ва жарангдор эди. Жорди бу оҳангни авваллари ҳеч қачон эшитган эмас, бироқ ҳозир нимага эканини ўзи ҳам билмаган ҳолда икки қўли билан кўзини беркитиб, йиғлаб юборди. Унинг тепасида чарх ураётган қушлар тиниб қолди, майса ичида қуённинг оқ думи лип этиб кўзга ташланди.

Жорди Макнэб эман томонга эмаклади. У қутини дарахтнинг тагига қўйиб, оҳиста арқондан тортди. Қўнғироқнинг майин жаранги ўрмон бўйлаб таралди, тиқир-тиқир тинди, уй ичида қандайдир овоз эшитилди. Жорди тура қочди-ю, бутазор ичига кириб яширди.

Бикиниб ўтирган жойида у итнинг вовулашини эшитди, кейин омбордан бир қора кўппак югуриб чиқди. Юзларча қушлар қанотларини шапиллатиб осмонга учди. Уй ичидан бири қора, бири тарғил иккита мушук виқор билан

чиқиб, думларини кўтариб майса устига ўтирди. Ўрмон ичидан кийик кўринди, кўнғир кўзлари билан уйга бир оз қараб турди-да, яна ўрмон қўйнига кириб кетди. Унинг намхуш тумшугида қуёш шуълаланди. Уйнинг эшиги қия очилди.

Жордининг юраги така-пука бўлиб кетди. Қочиб кетмоқчи бўлиб ўрнидан кўзғолди-ю, лекин нима бўлишини билиш иштиёқи кўрқув туйғусидан зўр келди.

Эшик ланг очилди, лекин эшикка қараб Жордининг ҳафсаласи пир бўлди. Негаки, у уй ичидан алвасти чиқиб келади деб кутган эди, алвасти ўрнига бир қиз чиқди. Қиз ҳам эмас, қизалоқ. Устида жўнгина фақирона кофта билан юбка, оёғига қалин пайпоқ кийган, устида катак гулли шол рўмол.

Бу қизнинг алвасти бўлиши мумкин эмас эди, чунки алвастилар жуда бадбашара, ёки жуда гўзал бўлишади. Шундай бўлса-да, Жорди негадир ундан кўзини узолмай қолди. Қизнинг бурни алланечук доно бурун эди, лабларида табас-сум ўйнайди. Унга қараганда одамнинг жилмайгиси келади. Қизнинг ўзи жуда нафис ва ёқимтой жилмаяр экан, мовий кўзлари эса қаёққадир олис-олисларга тикилган. У қишлоқ қизларидай сочини орқасига ташлаб олипти. Бу сочлар худди қизиган темир каби қил-қизил эди.

У пешонасидаги бир толим сочини худди бошини қоплаб олган ўргимчак тўридай бир силтаб орқага ташлади. Жорди эса қорнини ерга бериб ётган жойида унга суқланиб қарарди. Унинг юрагида бу хилқатга нисбатан борган сари меҳр товланиб борарди. Жорди унинг сеҳргарлиги-ю, жодугарлигини паққос эсдан чиқариб, уни яхши кўриб қолди ва унинг борлигидан юрагида қувонч тўлқинлари жўш урди. Бирдан жувоннинг оғзидан жарангдор бир хитоб чиқди, гўё ўрмондаги кумуш кўнғироқ яна жаранглагандай бўлди. Ўрмон ичидан кийик чиқиб келди. Кийик ўтлоқдан юриб унинг олдига борди, жувон эса унга меҳр билан қараб турар ва майин жилмаяр эди. Кийик тўхтаб, жувонга шунақа бир муғомбирона қараш қилдики, жувон кулиб юбориб деди:

— Яна кўнғироқни сен чалдингми? Қорнинг очқаб қолдимми?

Афтидан, кийик очқаб қолгани йўқ кўринади. Ёхуд Жордидан кўрқиб кетдими, ҳар ҳолда тўсатдан ўрмон ичига қочиб кетди. Унинг ўрнига мушуклар уйдан чиқишди-да, жувоннинг оёқларига суркана бошлашди. Ит эса югуриб қутининг олдига борди, уни обдон искаб кўриб, вовуллаб юборди.

Бека унинг ёнига кийикдай енгил югуриб борди. Ерга тиззалаб ўтириб, этаги устида қўлларини чирмаштирди, кейин қутига қаради-да, уни кўлига олиб, ичидан шўрлик бемор қурбақани олди.

Қурбақа унинг кафтида ётар, оёғи эса бир ёнда осилиб турарди. Жувон эҳтиётлик билан унга бармоқларини теккизди, кейин уни юзига босиб, “Сени ким олиб келди? Фаришталарми ё филмонларми? Майли, ҳечқиси йўқ. Ўзим сени қўлимдан келганича даволайман”, деди-да, сапчиб ўрнидан турди ва орқасидан эшигини ёпиб уйига кириб кетди.

Уй аҳли яна кўзларини юмиб уйкуга чўмди. Иккала мушук ҳам, ит ҳам ўзларининг жойларига кетишди, қушлар чирқиллашдан тинди, фақат Жордининг тепасида ёлғиз бир олмахонгина шохдан шохга сакрашда давом этмоқда эди. Жорди ўзини енгил ҳис қилди. У бутун борлигида аллақандай эркинлик туярдими. Бунақа туйғуни у шу пайтгача ҳали ҳис этмаганди. У ўрнидан туриб, зулматли ўрмон орқали уйига йўл олди.

\* \* \*

Қабулни тугатгач, доктор Макдьёи ҳаммадан кейин қолган Энгус Педдига бош ирғади.

— Қани, кир, — деди у. — Куттириб қўйганим учун узр. Бу тентаклар роса вақтимни олади. Қани, нима бўпти итингга? Яна конфет бериб бўктириб қўйдингми? Неча марта айтиш керак сенга?

У ўзининг дўстини ҳам тентаклар қаторига қўшиб юборганини пайқамай қолди.

— Гапинг тўғри, Эндрю, — деб жавоб берди роҳиб гуноҳкор қиёфада. — Аммо иложим қанча? Орқа оёқларига туриб олиб, шунақа ялиндики...

Доктор энгашиб итни искаб кўрди, қорнини ушлади ва бурнини жийирди.

— Ҳм-м... — деди у. — Яна бадтар бўлипти... Нима бало, художўй одамсан-у, ўзингга кучинг етмайди-я! Итни бўктиришга не ҳожат?!

— Художўй бўлганим билан иложим қанча? — деб унга эътироз билдирди Энгус Педди. — Мен ҳам оддий бир бандаман. Худонинг хизматкори бўлсам, шунақа хизматкорманки, ақл кучи билан битмаган ишларни юрак амри билан битқазаман. Одамларнинг сараси аскарликка кетади, сиёсатчи, адвокат бўлади. Худонинг хизматига эса менга ўхшаганлар қолади.

Макдьюи очик чеҳра билан унга юмшоқ қаради.

— Сенингча, сизнинг Худойингизга бу хушомадларнинг бари хуш ёқадими?

— Менимча, — деб унга гап қайтарди Энгус, — Худо фақат бир марта хато қилган — у одамларга Худони ўзларининг шакл-шамойилларига ва турқи-тароватларига ўхшатиб тасаввур этишга изн берган. Лекин сирасини айтганда, Худо изн ҳам бермаган, буни биз ўзимизча топганмиз. Чунки бу Худога эмас, бизнинг шаънимизга яхши...

Макдьюи қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Ҳали шунақа дегин! — дея хурсанд бўлди. — Демак, инсон Худони ҳам ўзининг гуноҳларига шерик қилган-у, энди ибодат қилаётганида шуни ҳам назарда тутати? Шунақами?

Роҳиб итининг бошини силади.

— Худо Одам Атони жазолаганда, — деди у салмоқлеб, — биз худога биродар бўлганимиз йўқ, балки мана шу итга биродар бўлдик. Анча кулгили ҳукм! Худо камдан-кам ҳазил қилади, аммо бир ҳазил қилса, мўлжалга аниқ уради.

Эндрью Макдьюи жавоб бермади.

— Сен бўлсанг, — деб давом этди роҳиб баҳсни бу хатарли йўлдан буриб юбориш учун, — бу қариндошликка ишонмайсан ҳам. Мен бу шўрликни яхши кўраман, унга раҳмим келади. Уни ҳам ўзимни аягандай аяйман. Менга қара, Эндрью, наҳотки, сен уларни яхши кўрмасанг? Наҳотки, шу ит сенга ялинчоқлик билан ишониб термулиб турганида юракларинг эзилиб кетмайди?

— Йўқ, — деб жавоб берди Макдьюи. — Мен мол доктори бўлсам ҳамки, докторман. Агар ҳар бир қариндоши ёхуд ҳар бир беморни кўрганда докторнинг юраги эзилаверса, бунақа доктор узоққа бормайди. Бу текинхўрларга туйғуларимни беҳуда сарфлаб ўтирмақчи эмасман.

Роҳиб Энгус Педди унга бошқа томондан таъсир кўрсатишга урина бошлади.

— Наҳотки, сен Лаганнинг лайчасига ёрдам бераолмас эдинг? Нега унга дори бериб ухлатиб қўйдинг?

Макдьюи соқолига ўхшаб қизариб кетди, кўз ўнги қоронғилашди.

— Нима бало, бева шикоят қилдимми? — деди у.

— Шикоят қилса, нима? Йўқ, у ҳеч нарса дегани йўқ. Фақат роса қийналди, шўрлик. У чиқиб кетаётганида унинг кўзларига кўзим тушиб қолди. Бу бебақо дунёда у энди якка-ю ёлғиз қолди.

— Э-э, барибир, у уч ҳафтадан кейин, борингки, бир ойдан, жуда нари бўлса бир йилдан кейин ёлғиз қоларди. Жуда зарур бўлса, унга ўзим бирорта ит топиб бера қолай. Кучукларини бирон хонадонга жойлаштиришга ёрдам беришимни сўраб менга кўп одам мурожаат қилади.

— Унга ўзининг ити зарур эди-да, — деди роҳиб. — У бу итни яхши кўрарди, ит билан икковлари битта оила эди, биз билан Цесси икковимизга ўхшаб. Наҳотки бир ҳақиқатни билмайсан — кўнглингда ишқ билан бу дунёдан яшаб ўтиш анча осон.

Макдьюи яна ҳеч нарса деб жавоб бермади. У хотинини яхши кўрар эди, уни Макдьюдан тортиб олдилар. Ишқ дегани хавфли бир тузоқ. Бу дунёда муҳаббатсиз тинчроқ яшаш мумкин. Мана, у ҳозир Мэри Руани яхши кўради. Бироқ бирор ходамисол ё тош бўлиб, ҳеч нарса ҳис қилмай яшамоқ минг бор осон эди.

— Албатта, калит бўлмоғи керак, — деди Энгус.

— Қанақа калит?

— Ҳарқалай, теварак-атрофимизда яшайдиган тўрт оёқли, қанотли ва тан-галик махлуқларга бизнинг муносабатларимиз калити муҳаббат бўлса керак.

— Э-э, кўйсанг-чи, — дея бурнини жийирди Макдьюи. — Биз ҳаммамиз бир баҳайбат, ўта беъмани тизимга солиб қўйилганмиз. Биз оёққа турганмиз, улар туролгани йўқ. Ўзларидан кўришсин.

Роҳиб кўзойнаги орқали докторма қаради.

— Буни қара-я, Эндрю! Билмай қолибман — жуда ўсиб кетган экансан! Шундай қилиб, бизни биров бу тизимга солиб қўйган, дегин. Қизиқ, ким солган бўлсайкин? Эгаси йўқ мажҳул бир кучга ишонадиган даражада мутаассиб эмассан-ку, Эндрю?

— Сен, албатта, Худо солиб қўйган дейсан-да?

— Бўлмаса, ким?

— Аксил Худо. Бу тизим ҳаддан ташқари ёмон ишлайди. Ҳатто мен ҳам бундан тузукроқ эплардим.

Макдьюи тоқчанинг ёнига бориб, дори соладиган шишача олди. Кучук дори ни ичиб, кекирди-да, орқа оёқларига тик турди. Одамлар бир-бирларига қараб кулиб юборишди.

## IV

Мэри Руа Глазгодан келадиган кемани қарши олиш учун мени бандаргоҳга олиб кетгани келганида, мен сичқоннинг инини пойлаб ўтирган эдим.

Менинг бу ердан кетгим йўқ эди, сичқонларни анчадан бери пойламоқда эдим, назаримда, ҳадемай улар пайдо бўладигандай эди.

Ин жуда муҳим эди, у омборнинг ёнгинасида. Сичқонларни қийратиш бизнинг бурчимиз, мен уни ҳамиша ўринлатиб бажаришга ҳаракат қиламан: Мэри Руанинг яхшироқ ва бахтлироқ ҳаёт кечирмоғи учун ҳар қанча вақтим ва кучим кетса кетсин — сира аяб ўтирмайман.

Одамлар ҳамиша бизнинг ишлашимиз кераклигини, ишламасак расво бўлишимизни унутиб қўйишади. Уларга қолса, бизни ўзлари учун қўғирчоқ ўрнида кўришади. Касби-коримиз ҳақида одоб билан эслатиб қўйиш мақсадида одамларга сичқон тутиб келтирсак, улар ўзларининг тентакликлари ва такаббуриклари сабабидан буни уларнинг уйида яшаётганимизни оқлаш учун қилинган иш деб эмас, шунчаки бир тўхфа деб ҳисоблайдилар.

Биз, афтидан, иннинг олдида ўтириш осон деб ўйлайдиган кўринамиз. Унақа бўладиган бўлса, ўзингиз ўтириб кўринг. Чўккаланг-да, қимир этмасдан бир нуқтага кўз тикиб, ўзингизни гўё йўқдай кўрсатиб соатлаб ўтириб кўринг-чи! Биз ит эмасмизки, бир искаб кетаверсак. Биз жиддий жонивормиз. Масалан, мени оладиган бўлсак, ишга жуда кўп вақтим кетади. Айниқса, инлар бир нечта бўлса ва улардан чиқадиган йўллар иккита деб тахмин қилишга асос бўлса, қўяверасиз.

Билиб қўйингки, асосий масала — сичқонни тутишда эмас. Сичқонни ҳамма ҳам ушлаёлади. Энг муҳими — уйдан унинг тухумини қуритишда. Биз сичқонларга қарши асаб уруши олиб борамиз, бунинг учун эса вақт, бардош ва ақл керак. Ақл билан бардошим етарли, фақат вақтим унча етишмайди. Мендан жуда кўп бошқа нарсаларни кутишади. Ҳа, бизнинг ишимиз енгил эмас...

Сизларга мисол билан айтиб берай: иннинг олдида сутканинг ҳар хил вақтида ўтириш керак. Сичқон аҳмоқ эмас, сизнинг келадиган вақтингизни тез эслаб қолади. Демак, нима қилиб бўлса-да, уни чалғитиш керак. Вақтни танлаш учун эса мушуклик сезгингиз ўткир бўлмоғи керак. Сезгингиз ўткир бўлса, пойлоқчиликка бориш фурсати келганини биласиз-у, инга қараб равона бўласиз.

Иннинг олдида келасиз, ҳамма ёқни искаб кўрасиз, кейин ўтириб кузата бошлайсиз. Агар сичқон инида бўлса, у чиқмайди, ташқарига чиққан бўлса, қайтиб кирмайди. Униси ҳам, буниси ҳам унга ёмон. Сиз ўтириб кузатишда давом этаверасиз. Анча ўтириб кўниқиб қолганингиздан кейин, сиз фикрлай бошлашингиз, мулоҳаза юритишингиз, ўтган ҳаётингизни ёки узоқ авлодла-

рингизнинг ҳаётини эслашингиз ва, ниҳоят, кечки овқатга нима бўлишини тус-моллаб кўришингиз мумкин бўлади.

Кейин кўзингизни юмиб, ўзингизни ухлаганга солиб ўтиринг. Бу — энг қийини, чунки энди сизнинг ихтиёрингизда фақат қулоғингиз билан мўйловингиз қолади, холос. Худди шу фурсатда сичқон кўзингизни шамғалат қилиб, ёнингиздан ўтиб кетмоқчи бўлади. Сиз бир кўзингизни очасиз.

Ишонаверинг, бу сичқонга жуда ёмон таъсир қилади. Билмадим, бунда гап нимада экан? Сичқон бир кўзингиз билан ухлаб, иккинчи кўзингиз билан кузатиб ўтирганганини кўриб кўрқиб кетса керак-да! Ҳар ҳолда, бу аҳвол бир неча марта такрорланса, сичқон калавасининг учини йўқотиб қўяди. Унинг оиласи ҳам ташвишга тушиб қолади, улар ўзаро маслаҳатлашиб, уйни тарк этишга қарор қилишади.

Масъулиятни ҳис қиладиган мушуклар сичқон масаласини ана шунақа ҳал қилишади. Ўзингиз кўриб турибсиз, бу ерда малака, топқирлик, ақл керак, энг муҳими — вақт бемалол бўлмоғи лозим. Мен уйда қаттиқ тартиб ўрнатишга муваффақ бўлгандим. Бунинг учун менга ҳамма хоналар ва буюмларни ҳидлаб чиқишга, тез-тез ювиниб туришга, қўшнилари билан суҳбатлашишга, Мэри Руанинг аҳволидан хабардор бўлиб туришга тўғри келган бўлса ҳам, мен буларнинг ҳеч қайсисидан эринганим йўқ. Хўш, нима деб бўлайсиз? Буларнинг бари учун менга раҳмат айтишдими? Миссис Маккензи дийдиё қилди: “Вой ялқов-ей! Вой такасалтанг-ей! Сичқонлар яна омборга йўлаб қолипти. Нима бало, сичқон ушлашга ярамай қолдингми?” Бу унинг ҳазил-мутойибаси-ю эркалатгани бўлса керак. Мен бунга парво ҳам қилмадим.

Шундай қилиб, мен иннинг олдида пойлаб ўтирганимда, бизникига хуштагини чалиб, анави Хьюги деган бола келди. Кейин кўк пайпоқ ва кўк фартук кийиб олган бекам мени кўтариб, бутун шаҳар орқали бандаргоҳга олиб кетди. Мен ҳали бирон марта бирон кемани қарши олган эмас эдим.

Хьюги деганлари бизнинг лордимизнинг ўғли. Ёши ўнларда, лекин кўринишидан каттароққа ўхшайди, бўйи ҳам роса баланд. У бизга яқин жойда туради. Мэри Руа билан жуда иноқ.

Сизни билмадим-у, лекин мен ўғил болаларни ёқтирмайман. Улар номигагина ювинишади, роса шовқин-сурон солишади, ҳеч кимга раҳмлари келмайди. Лекин Хьюги бунақа эмас. У менга жуда мулойим муомала қилади. Ундан ҳеч қанақа бадбўй ҳид ҳам келиб турмайди.

У Мэри билан тез-тез сайр қилиб турарди. Сирасини айтганда, ўғил болалардан ким ҳам қизлар билан сайр қилади, дейсиз. Хьюгининг ҳам бизга ўхшаб на ака-укалари, на опа-сингиллари бор. У тез-тез бизникига келиб туради. Биз уччовимиз бирга ўйнаймиз. У, афтидан, мени жуда қадрлайдиган кўринади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас — ҳар на қилганда ҳам у — аслзода-да...

Атиргулдан кейин мен ҳаммадан кўра денгиз ҳидини ёқтираман — қайинлар, арқонлар, яшиклар, энг муҳими эса — балиқлар, қисқичбақалар, денгиз кўкатларининг ҳидлари бирам ажойиб бўлади-да. Айниқса, эрталаблар денгиз жуда хушбўй бўлади — қуёш ҳам кўтарилиб, туманни қувиб юборган эмас, ҳамма нарса намхуш, шудринг ва туз билан қопланган.

Шундай қилиб, биз — Хьюги билан Мэри уччовимиз денгиз бўйидаги майдонга йўл олдик. Бу майдонда шотландларнинг Робин Гуди — Роб Ройга ҳайкал қўйилган. Мен жуда мамнун бўлдим, у ерда қизиқ нарсалар кўп эди. Аммо кема бирданига чинқариб юборди, мен кўрқиб кетиб, Мэрининг елкасидан йиқилиб тушдим.

Сиз “нима учун йиқилганимда тўрт оёғинг билан тушмадинг?” деб сўрашингиз мумкин. Кема сира қутилмаганда чинқариб юборди, мен улгурмадим. Мен уни томоша қилаётган эдим, у менга жуда маъқул тушган эди. Унинг тўсатдан чинқариб юборишини билиб ўтирибманми? У тинчгина пишиллаб тургани, бир силкиниб сал-пал орқага берди, кейин жиндай олдига юрди, унинг устидаги одамлар бир нарсалар деб хитоб қилишарди. Шунда бирдан чинқариб юборди.

Мен йиқилмаслигим ҳам мумкин эди, аммо бунинг учун Мэри Руанинг бўйинини чангаллаб олмоғим зарур эди. Хуллас, мен бирон нарсани ўйлаб улгурмай, шалоп этиб ерга тушдим.



Мэри Руа мени дарров кўтариб олиб, орқаларимни силади, Хьюги ҳам силади. Кейин кулиб туриб деди:

— Томасина пароходнинг гудогидан кўрқиб кетди. Бунақа нарсаларга ўргангин, Томасина, ҳали сенга кўп марта денгизда сузишга тўғри келади.

Улар Мэри Руа билан елканли кемада дунё саёҳатига чиқишни ўйлаб қўйишган, шекилли. Мэри Руа саёҳатга менсиз бормаслигини айтганди.

Мэри мени бағрига босиб тинчита бошлади, кеманинг иккинчи гудогидан унча кўрқмадим. Мен соҳилга қопларни туширишаётганини кўрдим, кейин йўловчилар тушиб келаётганини, уларнинг чемоданларидаги ёрликларни томоша қилдим. Кўнглим анча таскин топгандай бўлди.

Кўплар болаларини етаклаб олишган эди. Мэри Руа, Хьюги ва бизнинг олдимизга келган Жорди Макнэб уларни томоша қилишди. Бештача ит ҳам бор эди. Бир корзинага мушук болаларини солиб олишипти. Уларнинг тепасида оқ чарлоқлар чийиллаб учиб юрипти. Таксичилар йўловчиларни чақириб, сигнал беришади. Жорди бизга янгиликларни гапириб берди.

— Дарёнинг нариги томонидаги пастқамликка лўлилар келишипти, — деди у. — Бирам кўпки... Аравалари, қафаслари бор. Йўқ нарсаси йўқ. Мистер Макквэри уларнинг олдига бориб келди.

— Афсус, мен бўлмабман-да! — дея хитоб қилди Хьюги. — Хўш, кейин нима бўлди?

— “Улар ҳозирча бирон ножўя иш қилишгани йўқ. Майли, тураверишин”, — деди констебль.

Хьюги бош ирғади.

— Улар нима дейишди?

— Уларнинг ичида биттаси бор экан, энлик белбоғ боғлаб олипти. Ўша белбоғига қўлини тикиб олиб, роса кулди.

— Вой аҳмоғ-ей, — деди Хьюги, — мистер Макквэрининг устидан кулиб бўлар эканми?

— Жилетка кийган, шляпалик яна бирови эса, — деб давом этди Жорди, — уни бир ёнга суриб қўйди-да, “ғоятда миннатдормиз, ҳеч кимга азият етказмаймиз” деди. Тинчгина ҳалол пул ишламоқчи эмиш. Мистер Макквэри ундан “жониворларни нима қиласизлар?” деб сўради.

— Ие! — деб хитоб қилди Хьюги. Биз ҳам Мэри Руа икковимиз бесаранжом бўлдик. — Жониворлари ҳам бор эканми?

Жорди ўйланиб қолди.

— Ҳа, энди... Битта айиғи бор. Ёввойи мушук, маймунлар, тулкилар, фил...

— Кўйсанг-чи! — деди Хьюги. — Қаёқдан айиғи бўлсин?

— Ҳа, фили бўлмаса керак. Лекин айиқ бор, мушук ҳам, бургут ҳам бор. Ҳаммасига бир шиллинг олишади.

— Шунақа дегин... — деб дудмалланди Хьюги. — Агар ойм пул берса, бориш керак экан-да...

Бироқ Жорди ҳам гапини тугатмаган эди.

— Улар томоша қўйишар экан. Мен соябонли аравалари ичида нима борлигини кўрмоқчи бўлувдим, битта катта бола қўлида хипчини билан қувлаб солди.

Отаси чўмилтираётганда буларнинг барини Мэри Руа унга айтиб берди. Отаси бу гапларни индамай тинглади. Ана шуниси мени ҳайрон қолдирди. Одатда, катталар болалар билан ҳам, биз билан ҳам жуда бемаъни бир тарзда, чучмал гаплашишади. Бу, ахир, алам қилади. Бироқ мистер Макдьюи қизининг кулоқлари ва орқасини совунлаб туриб, унинг гапларини индамай эшитди. Мистер Макдьюининг қизини чўмилтирганини кўриб миссис Маккензи анча хижолат чеккан бўлса керак, аммо мен ўзим шоҳидман — биронта ҳам мушук боласини бу қадар ҳафсала билан чўмилтирмайди. Қизини чўмилтириш унинг ўзига жуда хўш ёқарди, шекилли, чунки чўмилтираётиб ўзи ҳам очилиб кетарди. Рост, унинг очилиб яйраб кетганидан менга наф йўқ эди, мени у ерга киритишмас эдилар, мен буларнинг барини даҳлизда ўтириб, эшикнинг тирқишидан кўрганман.

Чўмилиб бўлгандан кейин улар кечки овқатга ўтиришарди. Мэри ёстиқ устида ўтириб овқатланар эди. Кейин улар Мэрининг хонасига киришар, бу ерда мистер Макдьюи қизи билан ўйнар ё бирон нарсани гапириб берарди.

Мэри хандон отиб кулар, қиқир-қиқир қилар, унинг соқолидан тортқиларди, баъзан эса улар танца тушишар ёхуд от-отакам ўйнашарди.

Ўша куни оқшом Мэри жуда ҳам ўйинга берилиб кетди, ибодат қилгиси келмай, хархаша қила бошлади. Мистер Макдьюи уни ҳар гал мажбурлаб ибодат қилдиар, Мэри эса буни хушламас эди. Биров мени мажбурлаганини ўзим ҳам ёмон кўраман.

Мистер Макдьюи жуда ҳам ёқимсиз бўлиб кетар ва малла соқолини чўччайтириб ўшқирарди:

— Бас, ўйин дегани ҳам эви билан. Қани, дарров ибодат қил-чи... Бўлмаса, таъзилингни ейсан.

— Дада, — деб савол берарди Мэри. — Нима учун ибодат қилиш керак?

У эса ҳар гал бир хил жавоб берарди:

— Онанг шунақа қиларди, билдингми?

Шунда Мэри Руа яна сўрарди:

— Томасинани ушлаб туриб ибодат қилсам майлими?

Мен кулгимни яшириб, бошқа томонга юзимни буриб олардим. Мистер Макдьюининг газаби кўзиб кетишини билардим-да...

— Йўқ! Йўқ! Йўқ! Қани, ҳозироқ ибодат қил!

Мэри Руа унинг жаҳлини чиқаришни истамасди, у бирон кун келиб отаси чиндан ҳам фикрини ўзгартиради ва ибодат қилмасликка рухсат беради, деб ишонарди. Лекин у қаттиқ газабланарди. Бунақа пайтларда мени кўргани кўзи бўлмай қоларди.

— Ё Парвардигор, — деб бошларди Мэри, — кўкда онамни ҳам, дадамни ҳам, Томасинани ҳам ўзинг асра...

Шундан кейин ибодатга мистер Доббининг, Вилли Бэннокнинг, мистер Брайднинг ҳам, яна анча-мунча одамнинг ҳам номлари қўшиларди. Мистер Брайди фаррош бўлиб, Мэри у билан жуда иноқ эди. Мен ўзимнинг номим чиқиши биланоқ мистер Макдьюининг почасига суркана бошлардим. Бу ишим мистер Макдьюига ёқмаслигини яхши билардим, аммо қизи “Омин!” деб ибодатни тугатмагунча, у қимир этолмас эди. Ибодат тугаши билан эса мен каравотнинг тагига кириб кетардим. У ердан мени чиқариб бўларди, дейсизми?

Мэри ўрнига ётиб, уйкуга тайёрлана бошлагач, у газаби жунбушга келганини паққос унутиб юборар, чеҳраси ҳам нуруний тус касб этарди, десам бўлмасу, алланечук ифодасиз бир тусга кирарди. Кейин у чуқур хўрсинарди, орқасига ўгирилиб, хондан аста юриб чиқиб кетарди.

Мен эса ҳамон каравотнинг тагида ўтирган бўлардим.

Мэри Руа чақирарди:

— Миссис Маккензи! Миссис Маккензи! Қани Томасина?

Кампир қийналмасин учун, мен берироқ эмаклаб келардим. У қўлини узатиб мени оларди-да, Мэрининг ёнига — тўшакка кўярди. Мистер Макдьюи буларнинг барини эшитар, лекин ўзини эшитмаганга оларди.

Ўша оқшомда ҳам шундай бўлди. Фақат менинг думим оғриди, аниқроқ айтганда, думгазам қаттиқ оғриди. Сабабки, бандаргоҳда мен йиқилиб тушиб, орқам лат еган эди. Эртасига эрталаб эса мени ўлдирдилар.

## V

Пайшанба куни эрталаб олтидан ўтиши билан мистер Макдьюи фермага кетди. Кимнингдир моли оғриб қолипти. Мистер Макдьюи соат ўн бирга — қабулнинг бошланишига қайтиб келмоғи, тушликдан кейин зарур бўлса, учтўртта беморни уйига бориб кўрмоғи лозим эди. Шу куни фермага жўнаш олдидан у жониворлар ётадиган хастахонасини айланиб чиқди. Садоқатли Вилли унга ҳамроҳлик қилди. Шу куни у ҳар доимдагидан кучлироқ тарзда ҳис қилдики, бу айланиши Эдинбург ёхуд Глазгодаги клиникада қиладиган ишлари ол-

дида майнавозчиликка ўхшайди. Мистер Макдьёи билади — у ердаги клиникада жарроҳ ҳар куни эрталаб ординаторлар, ҳамширалар ҳамроҳлигида палаталарни айланиб чиқади; иситма варақаларини текшириб кўради, беморларнинг ёнига боради, кимнидир кўриб кўяди, кимгадир нигоҳ ташлайди, ҳар бири билан ҳазиллашади, ҳар қайсисига далда беради. Буларнинг баридан одамларда хасталикка қарши курашмоқ учун қувват пайдо бўлади. Аммо мистер Макдьёи буларнинг баридан, маҳрум, шунинг учун у ҳам беморларни ўзининг севгисидан маҳрум этган.

Беморлар озода қафасларда ўтиришипти. Вилли ҳар куни ўн марталаб уларнинг тагини алмаштиради. Беморларнинг яралари боғланган, қоринлари тўқ, ювиб сидирилган, лекин ҳеч қайсисининг ўз докторига кераги йўқ. Афтидан улар буни ҳис қилишади ва доктор шу ердалигида миёвлаб, ирилламасликка тиришишади.

Хастахонани айланиб бўлгач, Макдьёи сумкасини кўлига олди. Қайси фермада ким нима билан оғриганини ҳамиша яхши биладиган Вилли сумкага керакли асбоб-ускуналар ва дори-дармонларни жойлаб қўйганди. Доктор уйдан чиқди-да, машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Вилли мистер Макдьёи муюлишда кўздан ғойиб бўлгунча кутиб турди-да, кейин югуриб жониворларнинг олдида борди. Жониворлар уни қувонч билан шовқин-сурон кўтариб қарши олишди. Кимдир вовулар, кимдир увиллар, кимдир миёвлар, яна кимдир қақағлар, кимдир чирикларди. Қўйинг-чи, жониворлар чуввосида ҳайвоннинг инсонга муҳаббатини ифодаловчи ҳамма товушлар муҳайё эди.

Макдьёининг ёрдамчиси аввалги мол докторидан мерос қолган эди. Вилли бу дунёга келиб, етмишни қоралаб қўйган. Шундан эллик йилини у жониворларга бахш этди. Унинг бўйи унча баланд эмас, бошининг теварагида оппоқ сочларидан чамбар ҳосил бўлган, кўнғир кўзларида эса ҳамиша интиҳосиз бир меҳр чақнайди.

Жониворларнинг яйрайдиган вақти келган эди. Итлар орқа оёларида ғоз туришди, қушлар қанотларини қоқишди, мушуклар думларини хода қилиб панжаранинг темирларига сурканишди. Ҳатто энг ночор беморлар ҳам бир амаллаб ўз дўстларини муборақбод қилишди.

— Бўлди, бўлди, бас, — дерди Вилли. — Битта-биттадан, навбат билан!

Биринчи бўлиб, у тикмачоқ лайчани кўлига олди. Лайча қувончидан чийиллаб, унинг юзини ялай бошлади. Кейин у қафасдан қафасга ўтиб, ҳар бир жониворга меҳр деган хуфия доридан улашиб чиқди. Баъзи бир бақувватроқ жониворлар билан ўйнашди, ожизларини силаб-сийпади, қашлади, қулоқларини чўзғилади, тўтиқушнинг бошини силади, ҳаммасини тинчлантирмагунча, ҳаммаларига меҳрибончилик қилди, шундан кейингина ҳар доимдаги муолажа ишларига киришди.

Доктор Макдьёи эса ғиштли уйлар оралаб кетиб борарди. Яхшилаб сувалган бу уйлар баланд, энсиз, томларига черепица ёпилган бўлиб, қўлтиқнинг кулранг сувлари томон саф тортиб тушиб келганди. Уни на денгизнинг ҳиди, на ўрмондан анқиган муаттар бўйлар хурсанд қилди, у на чалқарларга қаради, на денгиз сувининг хира кўзгусида липиллаб кўринган кўк қайиқ унинг нигоҳини жалб қилди. У шимол томонга — Кэрндоу-роудга бурилди, дўнғалик кўприкдан ўтди ва адрларга кўтарила бошлади.

У зарда билан роҳиб дўстининг ноҳақлигини ўйлаб борарди. Роҳиб уни совуқ одам деди-я! Ҳолбуки, унинг бутун ҳаётининг мазмуни кичкина Мэри Руага муҳаббатида зоҳир бўлади. Лекин, рост, у бошқа ҳеч кимни яхши кўрмайди. Буни тан олиш керак.

Роҳибнинг айтишича, сен агар хотин кишини яхши кўрсанг, тунни ҳам, юлдузларни ҳам, шу аёл нафас оладиган ҳавони ҳам, унинг сочларини нурлантириб турган қуёшни ҳам яхши кўришинг керак. Бўлмаса, яхши кўрганинг ёлгон. Қиз болани севсанг, шу қиз сайрдан қайтишда кўтариб келадиган дала гулларини севмаслик, шу қиз судраб юрадиган кўпакни ёхуд кўлидан кўймай кўтариб юрадиган мушукни яхши кўрмаслик мумкин эмас. Уни севсанг, ҳатто унинг оддий читдан тикилган фартугини ҳам севасан. Денгизни яхши кўриб,

тоғларни ёқтирмаслик мумкин эмас, ёз кунларини яхши кўриб, ёмғирни ёмон кўриб бўлмайди, қушларни жондан ортиқ кўриб, балиқлардан нафратланишнинг имкони йўқ. Одамларни — майли, ҳаммасиними ё бир қисминими — яхши кўриб, даладаги жониворларни, ўрмондаги ҳайвонларни ёмон кўриб бўлмайди. Ҳайвонларни яхши кўрган одам эса майсаларни ҳам, дарахтларни ҳам, буталар, гуллар, кўкатлар ва ҳатто сассиқ алафларни ҳам яхши кўради.

Роҳиб бу гапларни авж пардаларда кўтаринкилик билан гапирди. Сўнгра жўнгина қилиб, худди йўл-йўлакай айтаётгандай, “бир нарсага сира тушуна олмайман — қандай қилиб Худони яхши кўрмай туриб, бу ёруғ дунёда бирон нарсани яхши кўриб бўларкин?” деб қўшиб қўйди. Мол доктори эса унга қараб бурнини жийирди-да, “сиз гапларингизни шоирона услубда гапираверсангиз тузук экан” деб қўйди.

Соат ўндан чорак ўтганда фермаларни айланиб чиққач, доктор Макдьюи машинасида хастахонасининг орқа эшигига келиб тўхтади, сумкасини Виллига иргитди, қаерда нима қилганини қисқагина маълум қилди, ёрдамчисининг гапини тинглаб туриб, қўлини ювди ва тоза халатини кийиб, малла соқолини зарда билан чўчайтириб қабулхонага чиқди.

Қабулхонада қорамтир рўмол ўраган, плаш кийган, иш либосидаги маҳаллий одамлар ва башанг кийинган дам олувчилар ўтиришарди. Шулардан бири қўлида лайча кўтарган соҳибжамол аёл эди. Уларнинг кўриниши ҳар доимгидек докторнинг энсасини қотирди. У ҳамма нарсани — одамларни ҳам, жониворларни ҳам, ўзининг касбини ҳам ёмон кўрарди.

Лекин шунга қарамай, у ўтирганларни диққат билан кўздан кечирди ва навбатнинг охирида, курсининг бир чеккасида омонатгина ўтирган қизи Мэри Руани кўриб ҳайрон бўлди.

У аччиғи келганидан бўзариб кетди. Қизига хастахонага яқин йўлашни манъ этиб қўйганди. Бошига тушган битта кулфатнинг ўзи ҳам етиб ортади.

Жаҳл билан қизига синчиклаб қарар экан, доктор пайқадикки, унинг елкасида буралиб ётган нарса қизининг кокили эмас, мушуги. Қизи фарзандини суёйиб эркалаётган онадай иягини мушукнинг бўйнига босиб, кучоқлаб ўтирипти. Шу заҳоти Вилли унинг қулоғига шипшиди:

— Томасинанинг мазаси қочиб қолипти. Юра олмаяпти. Мэри Руа сизни пойлаб ўтирипти.

— Ўзингиз мендан кўра яхшироқ биласиз, — деди Макдьюи, — мен уни бу ерга киргизмайман. Модомики, келган бўлса, навбатини кутиб ўтирсин.

Шундай деб у муолажахонага миссис Кэхнини таклиф қилди. Шу пайт бирдан кўчада шовқин-сурон кўтарилиб, эшик ланг очилиб кетди. Қабулхонага бир тўда аллақандай болалар, қўлларини фартуғига артаётган холалар ва эркаклар ёпирилиб кирди. Уларнинг орқасидан эса бузрук Энгус Педди сўқир Таммас Моффатни етаклаганча кириб келди. Таммас Моффат одатда муюлишда қалам-палам, ботинка ипига ўхшаш майда-чуйдалар сотиб ўтирарди. Тўданинг охирида мистер Макквэрининг ўзи келмоқда. Констебль Брюс деган итни кўтариб олганди. Художўйлар кўплашиб Таммас Моффатга сотиб олиб беришган бу ит ҳозир қонга беланиб ётарди.

— Машина босиб кетди, сэр, — деди Макквэри.

— Ҳали жони узилгани йўқ, — деб унинг гапини давом эттирди Педди. — Уни олиб қолишга уриниб кўр.

— Қани менинг Брюсим? — дея нола чекарди Таммас. — Қани у? Уни ўлдиришдими? Нима қиламан энди мен? Ҳолим нима кечади?

Энгус Педди унинг қўлларини олди.

— Тинчлан, Таммас. Итинг ўлгани йўқ. Биз доктор Макдьюининг ҳузурида-миз.

— Мистер Макдьюи! — деб хитоб қилди кўр қария. — Мистер Макдьюи! Биз сизнинг ҳузурингиздами?

— Хонага олиб киришлар, — деб буюрди Макдьюи. Вилли констебльнинг қўлидан итни олди. Доктор итга бир қараб, афтини бужмайтирди.

— Бу сизмисиз, мистер Макдьюи? — деб такрорлади сўқир ва тўсатдан қўллари олга чўзиб, илтижо қилди: — Менинг кўзимни қутқаринг!

Бу сўзлар Макдьюининг юрагига санчилган пичоқдек ёриб кирди. Бу сўзлар унга қирқ йилдан ортиқроқ умрини беҳуда яшаб ўтганини эслатди. Парча-парча бўлиниб кетган қисмлардан итни янгидан барпо этиш эмас, одамларни қутқариш, даволаш, уларни севиш учун яна қирқ йил умрини беришга тайёр эди у.

Энкус Педди унинг ҳолатини тушунди. Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Эндрю унга улуг жарроҳ бўлмоқчи эканини айтган эди. Дорилфунунда ўқиб юрганида отаси мол доктори бўлишни буюрганида у қанақа йиғлаб-сиқтаганини ёлғиз Энкуснинг ўзи кўрганди.

— Таммас айтмоқчики... — деб бошлаган эди роҳиб, доктор унинг гапини бўлди:

— Унинг нима демоқчи эканини билман. Итдан номигагина ит қолипти, холос. Уни қийнаб ўтирмоқнинг ҳожати йўқ эди. Аммо мен бу сўқирнинг кўзларини асраб қоламан. — Шундай деб у навбатдагиларга ўтирилди: — Боринглар, кетаверинглар. Эртага келасизлар. Мен бугун бандман.

Ҳамма ўзининг жониворини олиб, битта-битта чиқиб кетди. Доктор роҳибга деди:

— Сен ҳам борақол. Бекорга кутиб нима қиласан? Таммасни ҳам олиб кет. Ўзим хабар қиламан... — Шундай деб эшикни ёпиб жарроҳлик хонасига кириб кетди.

Кетатуриб Педди бурчакда мунғайиб ўтирган Мэри Руани кўрди ва унинг олдига борди:

— Яхшимисан, — деди у. — Нима қилиб ўтирибсан?

Қиз умид билан унга кўзларини қадаб, жавоб берди:

— Томасинанинг аҳволи ёмон. Шўрлик юролмапти. Уни дадамга кўрсатгани олиб келдим.

Роҳиб бош ирғади ва ҳар доимдагидек, паришонхотирлик билан мушукнинг малла бошини силаб, қулоқлари ортини қашлаб қўйди. Таммас туфайли у жуда изтироб чекмоқда эди. У Эндрю учун ҳам изтироб чекмоқдайди.

У яна бир марта бош ирғади, оҳиста деди:

— Ҳа, даданг уни даволайди, — шундай деб у эшик олдида констебль Маквэрининг орқасидан етиб олди.

## VI

Ўша мудҳиш кунда мен ҳар доимдагидек жуда эрта турдим ва одат тусига кириб қолган ҳаракатларни бажаришга киришмоқчи бўлдим. Булар эснаш, керишиш, белни букиб дўнгалак қилиш ва айланиб сайр қилиб келиш эди. Эрталабдан сайр қилишни яхши кўраман — ҳеч ким халақит бермайди. Мэри Руанинг уйғонишига ҳамиша қайтиб келиб улгураман.

Лекин сайрга чиқишга муваффақ бўлмадим. Сайр бир ёқда турсин, ҳатто жиндай силжишнинг ҳам иложи бўлмади. Оёқларим менга бўйсунмай қолган эди. Бу ҳам ҳолва экан — кўзим ҳам ёмон кўра бошлади. Кўз ўнгимда ҳамма нарса сочилиб тарқалиб кетаётгандай бўлаверди. Диққатимни жамлаб тикилиб қарайман десам, нарсалар ғойиб бўлиб қоларди.

Бирдан нима учундир Мэри Руанинг қўлига ўтиб қолдим.

— Ҳали ҳам ухлаяпсанми? — деди у таъна қилиб. — Вой Томасина-ей, сени бирам яхши кўраманки...

Шу пайтда бунақа суйиш-суйкалалар кўнглимга сиғмай қолганди. Касал бўлиб қолибман. “Касалман” деб айтолмас эдим, хасталигимни бирор йўл билан кўрсата олмас ҳам эдим. Оёқ-қўлларим ҳам, кўзим ҳам менга бўйсунмай қўйди. Мэри мени қўлида кўтариб турган бўлса ҳамки, мен уни кўраётганим йўқ. Бунақа пайтда одамлар дардингни билармиди? Хуноб қилиб юборишади. Мушук бўлганда-ку дарров биларди — ҳидлаб кўрарди, сезарди, мўйловлари билан сигнални қабул қиларди.

Эрталаб бошланган мудҳиш воқеалар борган сари авжга чиқмоқда эди. Миссис Маккензи келди, Мэри Руа кийиниб булгунча мен каравотда ётиб тур-

дим, кейин Мэри мени ошхонага олиб бориб, ўриндиққа қўйди. Мен ўриндиқ-да чўзилиб ётдим, Мэри нонушта қилди. Маккензи бўлса фаррош билан гап сотишди. Ниҳоят, миссис Маккензи сут қўйиб, мени чорлади.

Лекин мен қимир этмай ётавердим. Мен фақат бошимни-ю думимнинг учини қимирлатардим, холос. Иштаҳам ҳам буткул йўқ эди. Аҳволим нима кечаётганини улар тушунишини истардим, тушуниб, менга ёрдам беришларини хоҳлардим. Кучим борича миёвламоқчи бўлардим-у, лекин овозим чиқмасди.

Мэри Руа менга “ялқов” деб дашном берди, ликопчанинг олдига олиб борди-да, оёқларим узра турғизиб қўймоқчи бўлди. Мен ёнбошимга йиқилиб тушдим.

— Томасина, ич сутни! — деди Мэри Руа буйруқ оҳангида. Миссис Маккензи ҳам унга мажбуран овқат едирмоқчи бўлганида, худди шунақа оҳангга гапирди. — Сутни ичмасанг, анҳорга олиб бормайман.

Мен анҳор бўйида гулзорда ётиб, сув тагидаги балиқчалар думларини ликиллагиб сузиб-ўйнашларини томоша қилишни яхши кўраман. Балиқларни ушлаб олиш осон бўлса ҳам, ўзим балиқ овламайман. Балиқлардан биронтаси жойидан қўзғалиб, сувнинг чуқурроқ жойига сузиб кетадиган бўлса, мен сувга тикилганча, унинг орқасидан бораман. Болалар теварак-атрофда югуришиб ўйнашади, мен анҳор бўйидан кетмайман. Ҳозир эса бирдан шунини фаҳмлаб қолдимки, бундан кейин ҳеч қачон у ерга бормайдиган кўринаман.

Мен ёнбошлаганча ётибман. Ҳатто бировни ёрдамга чақиришга ҳам мажолим йўқ.

Ниҳоят, яна ўша Мэрининг ўзи жонимга ора кирди. Мэри Руа мени кўтариб турғазиб қўймоқчи бўлди, мен яна йиқилдим. Мэри кўрқиб кетди.

— Миссис Маккензи, Томасинанинг аҳволи чатоқ-ку. Бу ёққа келинг!

Миссис Маккензи югуриб келиб, ёнимда тиз чўқди. У ҳам мени кўтариб турғазиб қўймоқчи бўлди, мен яна йиқилдим. Миссис Маккензи деди:

— Вой, Мэри, касалга чалинипти. Оёғида туролмаяпти.

Мэри Руа мени қўлига олиб, саннай кетди:

— Томасина! Томасина! Томасина!

Ўзим биладан — бу қилигим бемаъни — лекин мен хуриллаб юбордим. Миссис Маккензи икковимизни ҳам қучди-да, комил ишонч билан деди:

— Сен йиғлама. Дадамиз — доктор. У киши бир зумда тузатиб юборади!

Мэри Руа дарров тинчиб қолди. Унинг кўзидаги ёшлар қуриди, у менга қараб жилмайди.

— Эшитдингми? Биз дадамнинг олдига борамиз. Бир зумда тузалиб қоласан.

Очиғини айтсам, мен тез тузалиб кетишимдан унча умидвор эмас эдим. Бундан ташқари, бу малла одамнинг қўлига тушишга кўзим ҳам учиб кетаётгани йўқ. Негаки, бу ярама одамнинг мени кўргани кўзи йўқ. Бироқ мендан сўраб ўтиришармиди? Мен-ку, иложим бўлганида бирор бурчакка бориб пусиб ётардим. Миссис Маккензи бизни қўшни уйга олиб чиқиб қўйди. Хўжамиздан ҳаммиша дори-дармонларнинг қўланса ҳиди келиб турар эди. Ҳозир шу ҳидни туйдим-у, кўнглим яна беҳузур бўлди.

Мен Мэри Руанинг қўлида ўзимга келдим. Ҳамма нарса аниқ-таниқ, равшан эди. Билмадим, тузала бошлаганмидим ёхуд ўлим олдидан бир енгил тортидимми? Ҳар нима бўлганда ҳам, сезгиларим ўткирроқ бўлиб қолди.

Мен хўжамизнинг овозини эшитдим. Қабулхонада одамлар қолмаган, биз ўзимиз ёлғиз ўтирган эдик. Мэри Руа мени кўксига босиб олганди.

— Мэри Руа! — деб қичқирди доктор. — Бу ерда нима қилиб юрибсан? Сенга айтгандим-ку бу ерга келмагин деб...

Мэри унинг пўписасидан қўрқмади.

— Дада, — деб қатъий оҳангга жавоб берди у, — Томасинанинг аҳволи ёмон. Миссис Маккензи уни сен шифолай оласан, деди.

— Қанақа Маккензи? Нега у бошқаларнинг ишига бурнини суқади? Умуман, мен ҳаммага эртага келинглар дедим. Бугун бандман. Бор, сен ҳам уйга кетавер.

— Йўқ, — деди Мэри Руа. — Мен кетмайман. Томасинанинг аҳволи ёмон, дада. У оёқда туролмаяпти, овқат емаяпти. Уни даволамаса бўлмайди.

— Мэри Руа, — деб гапини бошидан бошлади мистер Макдьюи. — Мен жуда муҳим операцияни ўтказишим керак. Мен сўқир одамни етаклаб юрадиган итни кутқариб қолмоғим керак. Қани айт-чи, қайси бири муҳим, аллақандай мушукми ёки сўқир одамми?

— Мушук муҳимроқ, — деб қатъий жавоб берди Мэри. Мистер Макдьюи ҳайрон бўлиб аччиғи чиққанидан энтикиб қолди. Кейин нима сабабдандир жаҳлидан тушди-да, гўё бизни авваллари ҳеч қачон кўрмагандай, икковимизга тикилиб қаради.

— Бўпти, менинг хонамга олиб кир уни. Ҳозир қўлим жиндай бўшроқ. Мен уни кўриб қўймагунча башарангни унга суйкайверма! Бир камим — энди сендан жудо бўлиб қолишми? Мен буни истамайман!

Биз муолажа хонасига кирдик. Оппоқ стол устида, жуда ёруғ лампа остида нимадир ётипти.

— У ёққа қарама! — деди мистер Макдьюи. — У ёққа ўтма ҳам! Қани, мушугингни менга бер-чи. Ўзинг қабулхонада ўтириб тур.

Шундай деб мени қўлига олди. Мэри сўнгги бор мени силаб-сийпади-да, деди:

— Хафа бўлма, Томасина! Дадам дори ичирадилар, дарров тузалиб қоласан. Ахир, биласан-ку, мен дадам билан сени бу дунёда ҳамма нарсдан ортиқ яхши кўраман.

Мистер Макдьюи эшикни ёпди. Оппоқ стол устида ётган нарса ит экан. Ҳамма ёғи қон, оғзи очиқ, кўзлари шунақа ғамгин эдики, ит бўлса ҳам, жуда раҳмим келиб кетди. Фартуғи қонга беланган Вилли Бэннок унинг оғзига эми-зикли шиша тутди. Столнинг олдида челақ турарди, ундан сассиқ ҳид келиб турипти. Ёнимда Мэри Руа йўқлигига жуда афсусландим.

Мистер Макдьюи мени пайпаслаб кўра бошлади. Ғалати-я — унинг қўллари дағал эмас, жуда юмшоқ эди. У қорнимни пайпаслади, биқинимни, орқамни кўрди ва ниҳоят оғриётган жойни топди. Бир оз индамай турди-да, кейин елкасини қисиб, Виллига “миясига инфекция тушипти” деди. Унинг бу гапини тушунмадим. Бир оз индамай тургач, “дори бериб ухлатиб қўймоқ керак” деди. Бу гапни тушундим. Кўрқувдан аъзойи баданим музлаб кетди.

— Ие, — деди Вилли Бэннок. — Мэри қаттиқ хафа бўлади-ку! Балки бирор жойи лат егандир. Қани, мен ҳам кўрай-чи...

— Бемаъни гапни қўйинг! — деб унинг шаштини қайтарди доктор.

— Манави итнинг ўзи камлик қиляптими? Мэрига бошқа мушук топиб бераман.

У эшик олдида бориб, шундай туриб олдики, мен Мэрини кўра олмадим. Аммо докторнинг гапини аниқ эшитдим:

— Мушугинг қаттиқ касал экан...

— Биламан, дада, — деди Мэри Руа. — Даволайсан деб олиб келдим-да...

— Қўлимдан келишига кўзим етмаяпти, — деди у. — Агар у соғайиб кетган-да ҳам, иккала орқа оёғи судралиб юрадиган бўлиб қолади. Мушугинг билан видолашақол.

Мэри Руа гапга тушунмади.

— Мен у билан видолашмоқчи эмасман. Унга ичгани дори беринг. Мен уни уйга олиб кетиб, ётқизиб қўяман. Ўзим парвариш қиламан.

Стол устидаги ит хириллади-да, “вов” деб овоз чиқарди. Мистер Макдьюи унга назар ташлаб, қизига насиҳатомуз деди:

— Сен шуни билиб қўйки, одамлар касал бўлишганида баъзан тузалиб кетишади, баъзан эса тузалишмайди. Беҳуда азоб чекмасликлари учун жониворларни олдинроқ ухлатиб қўйса бўлади. Сенинг мушугингни ҳам шундай қиламиз.

Мэри Руа сапчиб туриб, менинг олдимга кириш учун ўзини эшикка урди.

— Дада! Дадажон! — деб қичқариб юборди у. — Йўқ, керак эмас! Уни давола. Уни ухлатиб қўйишга бермайман! Бермайман! Бермайман!

Вилли луқма ташлади:

— Итнинг нафас олиши анча дуруст, сэр.

— Инжиқлик қилма. Бемаъни гапни қўй, — деб аччиғи келди Макдьёу.

— Ўзинг кўриб турибсан-ку, жони илиниб турипти. Сенинг мушугингсиз ҳам бўларим бўлиб ётипти.

Мэри Руа йиглаб юборди. Мистер Макдьёунинг бўйнидаги томирлар бўртиб, авзойи яна ҳам бузилди.

— Мэри Руа! — дея ҳайқирди у. — Жўна уйга!

— Ижозат берсангиз, сэр, — деди Вилли. — Мушукни бир кўрсам...

Мистер Макдьёу унга ўгирилди.

— Мошхўрдага қаттиқ бўлмасангиз-чи! Дорини олиб, буюрганни қилинг. Тугатиш керак, ит кутиб ётипти.

Тугатиш керак! Мени тугатиш керак! Менинг ҳаётимни, менинг фикрларимни, туйғуларимни, орзуларимни, қувончларимни — бари-барини тугатиш керак. Мэри Руанинг менинг олдимга кирмоқчи бўлиб уннаганини эшитдим, лекин унга ёрдам беришга ожиз эдим. Қани энди соғ бўлсам-у орқасидан келиб, докторнинг устига сапчисам. Роса таъзирини берардим-а...

— Ижозат берсангиз... — деб илтижо қиларди Вилли.

— Дадажон! Керак эмас! Дада! Унақа қилманг! — дея ёлборарди Мэри Руа.

— Кўй, ўзингни қийнаб йиғлайверма, Мэри Руа, — деди Вилли Бэннок ҳаяжон ичида. — Юрагим тарс ёрилиб кетай деяпти. Сен менга ишонавер, мен мушугингга ёмонлик қилмайман.

Бир неча муддат мен ҳеч нарса эшитмай қолдим, кейин бутунлай нотаниш бир овоз қулогимга чалинди:

— Дада! Агар сен Томасинани ўлдирсанг, мен сен билан ҳеч қачон гаплашмайман!

— Яхши, яхши! — деб у қўл силтади. — Боравер. — Шундай деб тезгина эшикни ёпди.

Мен Мэри Руанинг муштлари билан эшикни тарақлатиб урганини ва жон-жаҳди билан:

— Дада! Дада! Томасинани ўлдирма! Ўлдирма! Томасина-а-а! — деб қичқирганини эшитдим.

Мистер Макдьёу:

— Тезроқ, Вилли! — деди-да, итнинг устига энгашди. Вилли менинг ёнимга келди, бир латтага аллақандай чучмал суюқликдан қуйди-да, латтани бурнимга босиб турди. Мен Мэри Руанинг муштлари билан эшик қоқаётганини борган сари ёмонроқ эшита бошладим. Яна бир марта унинг жон-жаҳди билан қичқиргани эшитилди:

— То-ма-си-и-на-а-а-а-а!

Шундан сўнг қоронғилик чўқди. Ҳамма ёқ жимиб қолди. Мен ўлган эдим.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### VII

Ҳайвонлар хастахонасининг орқа томондаги ҳовлисида ахлатлар ёқиладиган печка бор эди. Оқшом пайтлари Вилли Бэннок унда кир бинтларни, ҳар хил чиқиндиларни ёқиб юборарди. Ўлган жониворларнинг жасадини ҳам шу печкада ёқишарди. Печка янги эди, электр қуввати билан ишларди. Мистер Макдьёу бу печкасидан ғоятда мағрурланиб юарди.

Кўчадан ва миссис Маккензининг тасарруфидаги томорқадан ҳовлини девор ажратиб турарди. Албатта, Мэри Руага хастахонанинг ҳовлисига чиқиш ҳам, у ерда ўйнаш ҳам қатъий тақиқлаб қўйилган эди, аммо Мэри томорқада ўйнаб турарди. Томорқада унинг отаси ҳам қўшни роҳиб билан чақчақлашиб ўтирадиган пайтлар бўлиб турарди. Роҳиб ажалхонанинг шундоққина ёнида кўкарадиган гулларни ҳам, сабзавотни ҳам, кўкатни ҳам жуда яхши кўрарди.

Кундузги тамаддига ҳали пича бор эди. Миссис Маккензи юқорида кирларига дазмол уряпти. Шунинг учун сеvimли мушугидан айрилиб етимдай бўлиб қолган бекасининг қайтиб келганини ва йиғлаганини эшитмади. Бунинг устига



Мэри бақириб, фарёд солиб йиғлагани йўқ — кўз ёшлари ўз-ўзидан куйилиб келиб, икки бетидан юмалаб тушарди. Гўё авваллари қулиб, жилмайиб, хушнуд ҳаёт кечирган бўлса, бундан буён фақат йиғлаб, кўз ёши тўкиб яшаши керакдай...

Қовоғи солинган кўйи Мэри Руа ошхонага шиддат билан кириб келди. Ошхонада ерда Томасинанинг шифо топиб келишини кутаётгандай, ликопчада сут турипти. Унга ҳеч ким теккани йўқ. Мэри Руа ошхонадан ўтиб, томорқага чиқди ва деворга яқинлашди. Девор унинг бўйидан баланд эди.

У ёқ-бу ёққа қараб иккита яшиқни топди, уларни бир-бирининг устига қўйиб, тупасига чиқди. Хастахонанинг орқа томонидаги ҳовлида бир уюм ахлатнинг устида зарҳал мўйнадай Томасина чўзилиб ётарди. Унинг кўзлари юмуқ, лаблари қисилган.

Мэри Руа ўзига хос бўлмаган синчковлик билан ҳар икки уйининг деразаларига қаради. Уйларда ҳеч ким йўқ эди. Миссис Маккензи аллақандай кўшиқни хиргойи қилиб, кирини дазмол қиляпти (афтидан, дазмол ичидаги лағча чўғ унга дўзах оловини эслатмоқда, шекилли). Отаси билан Вилли итнинг устига энгашганларича нимадир қилишяпти.

Мэри Руа чаққонлик билан девордан ошиб ўтди-да, ахлат уюмининг олдига югуриб бориб, мушугининг жасадини кўтариб олди. У жанг майдонида ботир жангчининг жасадини излаб топган шотландиялик бева аёлга ўхшарди. У мушукнинг жасадини елкасига олди, бошқа яшйқлардан олиб келиб, улар ёрдамида деворга чиқди, оёғи билан уларни бир томонга сурди-да, сакраб ерга тушди. Кейин ҳали бадани совимаган мушукни кўкрагига босганича девордаги эшикчани очиб, кўчага чиқди.

Соҳилдан бир миляча масофада жойлашган каттагина иморатда истиқомат қиладиганларнинг ўғли Хьюги йиғи овозини эшитиб, унинг ёнига келди. Мэри Руа тинкаси қуриб, баланд эман остидаги майсага ўтириб олган эди.

— Вой, Мэри! — деди у. — Томасинага нима бўлди?

Мэри йиғидан жиққа ҳўл бўлиб кетган юзини кўтариб, дўсти ва ҳимоячиси ёнида тиз чўкиб турганини кўрди. Хьюги эса чучмал хидни туйиб, нима бўлганини фаҳмлади-да, эҳтиёт билан гап бошлади:

— Балки шундоқ бўлгани тузук бўлгандир... Томасина бедаво дардга чалинган бўлиши мумкин.

Мэри унга ночорлик билан энсаси қотиб қаради. Кўнгли бўш Хьюги бунақа деб бўлмаслигини дарров тушунди, лекин бир зумда йиғи-сигидан, дод-фарёддан бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. “Дадам унаб ҳам кўрмади, — деб фиғони кўтариларди Мэрининг. — Дадам — ёмон... Сен ҳам ёмон... Ҳаммаларинг бир гўр...” Шундай деб, йиғлаб-сиқтаб у бошини мушукнинг мўйнасига босганича, тирноқлари билан ерни тирнай бошлади.

Хьюги битта мушукни деб шунчалик йиғлаб-сиқташ мумкинлигини сира тушуна олмас эди. Уларнинг боғида мушук деганининг саноғи йўқ, тиқилиб ётипти. Хьюги уларни бир-биридан ажрата ҳам олмайди. Бироқ унинг қулоғига бир гап ўрнашиб қолган — одамлар ғамдан ўлишлари мумкин. Шунини ўйлаб, у Мэри учун жуда кўрқиб кетди. Тақкин бераолмасанг, уни чалғит. Хьюги анча катта бўлиб қолган, шунинг учун шуни тушунади.

— Менга қара, Мэри, — деди у. — Биз уни ўрнига қўйиб дафн этамиз. Ҳозирнинг ўзида. Қўлимизда яхши қути бор. Ушани тобут қилиб, Томасинани шунга соламиз. Қутининг тагига қалин қилиб барглар тўшаймиз, юмшоқ бўлади... Гапимни эшитяпсанми, Мэри Руа?

Мэри унинг гапларини эшитаётган эди. Гарча у бошини кўтармаган бўлса ҳам, йиғиси борган сари пасайиб бормоқда. Хьюги Мэрининг қулоқ солаётганидан далдаланиб, фикрини давом эттирди:

— Жасадни бутун шаҳар орқали кўтариб ўтамиз. Дафн маросимига ҳамма болаларни чақирамиз. Сен қора қиясан, тобутнинг орқасидан баланд овозда йиғлаб борасан.

Мэри Руа қаддини кўтариб, Томасинанинг жасади оша унга қаради.

— Миссис Маккензининг қора шол рўмоли бор, — деб маълум қилди у.

— Мен оймдан бошга ўраладиган қора ёпинчиғини сўраб оламан, — деб унинг гапини қувватлади Хьюги. — Джеми сурнай чалади! У махсус ўрганган, жуда ўрнига кўяди. Бир кўз олдинга келтир — юбка кийган, тасмали қалпоқчада, “Макинтошга марсия”ни чалса — зўр-да!

Мэри Руа бу гапларни эшитиб анграйиб қолди. Унинг кўзлари худди иккита тангадек юм-юмалоқ бўлиб қолди, кўз ёшлари буткул қуриди.

Хьюги деди:

— Мен ҳам юбка кийиб оламан, устимга ёпинчиқ ёпинаман, ханжар билан хуржунни илиб оламан. Қараган ҳам, қарамаган ҳам бизга қарайди. Сени кўрсатиб, “Ана, бева Макдьёи кетяпти” дейишади. Томасинага ишора қилишиб, “жойи жаннатда бўлсин” деб дуо қилишади.

— Ростданми, Хьюги?

— Бўлмаса-чи! — Ўзи тўқиган ҳавойи гапларга Хьюгининг ўзи ҳам маҳлиё бўлиб қолганди. — Қабрнинг тепасига ёзиб ҳам қўямиз.

— Нима деб ёзамиз? Қаерига ёзамиз?

— Қабр тошига ўхшаган ёдгорлик ўрнатамиз-да... Агар шошилинич бўлса... аввал оддий бир тахгача ўрнатилади... — Унинг мовий кўзлари чакнаб кетди, бармоқларини тим қора сочлари ичига тиқиб, ўқиётгандай оҳангда чўзиб, қироат билан ўқиди: “Бу ерда... 1957 йилнинг 26 июль куни... ваҳшиёна ўлдирилган... Томасина ётипти!”

Мэри Руа маҳлиё бўлганича унга тикилиб қолганди, у эса гапида давом этарди:

— Мен қабр тепасида сўз айтаман... “Унинг хоки яна тупроққа қайтяпти...” Уни мақтайман. Қабр устини гулларга кўмамиз... Кейин Жеми яна сурнайини чалади... Қайтиб келиб, Томасинани хотирлаймиз...

Мэри уни кучиб, Томасинанинг устига эгилди.

— Ҳа, баракалла! — деди Хьюги ва тоза дастрўмоли билан унинг юзини артиб, бурнини қоқишга ёрдамлашди. Кейин саришталик билан унинг фартуғига ёпишган япроқлар ва ўт-ўланларни қоқиб қўйди.

— Мушукни мен олақолай, — деди у туришга шошилиб. — Уни қутига соламан. Жемини чақираман, болаларни тўплайман. Сен эса югуриб уйга бор, кийимингни ўзгартир. Беваси йўқ дафн маросими бўладими?

Мэри Руа итоаткорлик билан уйига югурди. У ҳам йиғлар, ҳам жилмаяр эди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ унга “Ваҳшиёна ўлдирилган” деган жумла манзур бўлган эди.

## VIII

Мол доктори Эндрю Макдьёи ўзи ўлдирган жониворнинг дафн маросимини кўргани йўқ — у ўзининг роҳиб дўсти билан бирга шаҳарнинг бошқа томонига — сўқир тиланчининг ёнига кетмоқда эди.

Бир оз олдинроқ — соат учларда Энгус хастахонага келиб, итнинг аҳволи қанақа эканини сўраб-суриштирди:

— Бўлди, — деди унга Макдьёи унинг қойил қолиб, мақтовлар ёғдиришини кутиб. — Сенинг Таммасингнинг кўрар кўзини асраб қолдим. Уч ҳафтадан кейин кучук ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади.

— Жуда яхши бўлипти-да, — деди роҳиб. — Шундай бўлишини билардим.

— Менга шунчалик ишонганингдан мамнунман! — деб гап бошлади Макдьёи.

— Йўқ, — деб соддадиллик билан унинг гапини бўлди Энгус, — сени айтаётганим йўқ... Мен...

Макдьёи зарда билан кулди.

— Э, Худони айтяпман дегин! Тушунарли... Кошки билсанг — неча марта-лаб бутунлай умидимизни узиб қўйдигу-... Бу ит бир мўъжиза билан омон қолди-да...

Шундоқ деди-ю, оғзидан чиқиб кетган сўзи ўзига бошқачароқ туюлди, шеклли, гапдан тўхтаб қолди.

Энгус Педди чехраси ёришиб бош ирғади.

— Мен сендан мўъжиза яратишни илтимос қилган эдим-да... Биласанми, бизда ишнинг самарасига қараб баҳо беришади. Сенинг иқтидорингга ҳеч шубҳа қилганим йўқ, албатта. Қани, юр, Таммасга бориб хабар қилайлик.

— Ўзинг бориб айта бер. Мен нима қиламан?

— “Менинг кўзларимни кутқаринг” деб сендан илтимос қилганди. Сен уларни кутқардинг.

— Шунақа дегин? Ахир, ҳозиргина ўзинг бошқача гап гапирувдинг-ку?

— Йўқ, бошқача гапни сен гапирдинг. Майли, ҳечқиси йўқ, Худо билан Унинг қўлидаги қуроллини аралаштириб юрадиган одам битта сен эмас. Қани, юр, Эндрью, Таммаснинг боши осмонга етганини кўрсанг, сенга ҳам фойдаси тегиб қолар...

Чиқиб кетишларидан олдин улар бориб итни кўришди. Унинг тагига топ-тоза похол тўшалган, орқа оёқлари тахтакачада, олдинги оёқлари бинт билан боғланган. Аммо унинг кўзлари зийрак йилтиллар, қулоқлари диккайиб турарди. Меҳмонларни кўриши билан думини ерга ура бошлади.

— Мунча гўзал-а... — деди роҳиб.

— Уни ҳадеб суяверманг, ўрганиб қолади, — деди доктор ва нарироқда ивирсиз юрган Вилли Бэннокка ишора қилди. — Жониворлар шу одамга ўрганишган.

Таммас Моффат шаҳарнинг нарига чеккасида яшарди. Тор кўчалардан кетиб боришар экан, Энгус Педди таниш садоларни эшитиб, бир зум тўхтаб қолди.

— Ғалати-я... — деди у. — Аллақаерда “Макинтошга марсия”ни чалишяпти. Холбуки, бугун ҳеч қанақа дафн маросими йўқ.

— Сенга шундай туюлгандир-да, — деди Макдьюи ва улар яна юриб кетишди.

Кекса Таммас устига толь ёпилган, шувоқлари кўчиб тушган уйда иккинчи қаватга яшар эди. Йўлка устида болалар ўйнашяпти, қувур устига чўлоқ чорлоқ қўниб олган, остона олдида эса қўлида супурги тутган фаррош кампир турипти.

— Таммас уйдами? — деб сўради ҳазрат Энгус.

— Уйда, — деб жавоб берди кампир. — Ҳач қаёққа чиққани йўқ, шекилли.

— Раҳмат. Ижозат берсангиз, биз уникага чиқсак дегандик. Доктор ити тўғрисида унга хушxabар келтирди.

Улар торгина нимқоронғи зинадан — олдида роҳиб, унинг орқасидан доктор иккинчи қаватга кўтарилишди. Ҳаммаёқда осойишталик, фақат пастан супургининг шитир-шитири-ю, юқорида қанотларнинг силкингани эшитилди, холғс.

Зинанинг ярмига етганда роҳиб тўхтади.

— Эндрью... — деди у.

— Нима дейсан? — деб сўради доктор.

Бироқ роҳиб нима сабабдан тўхтаганини тушунтириб ўтирмади. — Майли, ҳозир кўрамиз, — деди у ва гурс-гурс қадам ташлаб, иккинчи қаватга кўтарилди-да, эшикни тақиллатди. Лекин жавоб бўлмади. Роҳиб бир оз кутиб туриб, кейин эшикни оҳиста очиб ичкарига кирди.

— Ё Парвардигор... — деди у. Сўқир тиланчи юзи билан эшикка қараб ўтирар эди. Боши эгилиб қолманти ҳам, гўё ажал кириб келганида, у нималаргадир қулоқ солиб, қадам товущларини кутиб ўтиргандай...

Макдьюи унга томон талпинди, қўлини ушлаб кўрди, қулоғини кўкрагига тутди. Юрак уришдан тўхтаган эди, гарчи қўли ҳали совимаган бўлса-да, томир уриши сезилмасди.

— Тамом, — деди доктор.

Роҳиб бош ирғади.

— Ҳа, ҳа... Билгандим... — дея тўнғиллади у.

— Ахир, мен унинг кўзларини кутқариб қолдим-ку! — деб хитоб қилди Макдьюи. — Қани сенинг Худойинг?

Буни эшитиб, ҳазрат Энгуснинг аччиғи келди. У қаддини ростлади, думалок юзига қон югурди, кўзойнак ортида кўзларида газаб чақнарди.

— Овозингни ўчир! Шаккоклик қилма! — деб хитоб қилди у. — Мунча сур бўлмасанг? Минг лаънат-е...

— Лаънат ўқишга жуда чапдастсизлар, — дея бўш келмади Макдьюи. — Лекин сен менга жавоб бер!

— У Худо, сенинг хизматкоринг эмас, — деб қичқирди Энгус Педди. Бу унинг умрида биринчи қичқириши бўлса ҳам ажаб эмас эди. — Нима бало, у сенга хушомад қилишини истайсанми? Сенинг ишингга қойил қолиб мақтасинми?

— Йўқ! Сен менга бошқа нарсани айт, — деб бақирди Макдьюи. — Сенинг Худойингдан шу қилган иши учун нима деб миннатдор бўлиш мумкин?

Улар майитнинг тепасида туриб даҳанаки жанг қилишар, қари тиланчи эса гўё уларга қозилик қилаётгандай ва тобора жўш ураётган газабларини чинакам инсоний ожизликдай авф этаётгандай туюларди.

Роҳиб биринчи бўлиб ўзига келди.

— Таммас қари эди, — деди у. — У хотиржам жон берди. Кўнглида умид билан кўз юмди. — Ҳазрат Энгус бошини кўтарди. Унинг кўзларида теран мунг бор эди. Улар гуноҳкорона бир тарзда жовдирар эди. Буни кўриб доктор ларзага тушди. — Сен эса мени кечир, Эндрью...

— Ўзим ҳам тузукман, — деди у. — Мурданинг тепасида бақириб ўтирибман-а... Сени хафа қилдим...

— Йўқ, мени эмас, — деб бардам жавоб берди Ҳазрат Энгус. — Мен буни назарда тутганим йўқ. Хўп, майли, икковимиз ҳам пича қизишдик. Лекин мен буни зинадан чиқаётибоқ билган эдим...

У бениҳоя авайлаб сўқирнинг кўзларини юмиб қўйди, бошига чойшаб ёпти. Кейин тўсатдан яна аллақайси иш носоз қолганини ҳис қилди.

— Қабулхонангда Мэри ўтирганди, — деди у. — Мушуги бетобланиб қолувди, шекилли. Кейин нима бўлди?

Булар Макдьюининг паққос эсидан чиқиб кетипти... Ҳозир кўз олдида ҳаддан ташқари аниқ ва тиниқ намоён бўлди. У ҳатто эфирнинг чучмал ҳидини ҳам туйгандай бўлди, ҳатто ушоққина бемажол қўлларнинг эшикни тақиллатаётгани қулоқларига урилгандай бўлди.

— Дори беришга тўғри келди, — деди доктор. — Афтидан, миясига инфекция тушган, шекилли. Шундай қилганим тузук бўлди. Барибир, омон қолмасди.

Энгус Педдининг хотиржам юзида саросима белгилари пайдо бўлди. Ундаги меҳр ўрнини қаҳр эгаллай бошлади.

— Е Парвардигор, — дея шивирлади у. — Ўзинг раҳм қил, Худо!

## IX

Дафн маросими шаҳардан ўтиб, ўрмон томон кетиб борарди. Тобутнинг — ичига атлас мато ўралган катта қутининг орқасидан Мэри Руа бормоқда. Тобут ичида барглардан ва ўт-ўланлардан қилинган тўшак устида худди тирикдай Томасинанинг ўзи гужанак тушиб ётипти. Унинг устига байроқ ўрнига бир бўлак чойшаб ёпилган.

Бошдан-оёқ мотам либосига бурканган Мэри Руа Хьюгининг қўлига таяниб олган. Хьюги эса дафн муносабати билан роса ўзига зеб бериб кийинипти. У нафталинлаб қўйилган жойидан олий зотларни кутиб олишда кийиладиган хос костюмини олипти, кумуш тугмачалар қадалган қора духоба жилетининг ичидан оппоқ қўйлаги ярақлаб кўринади. Енгида ҳақиқий Брабант кашталари қадалган. У оқ қўлқопни ҳам, ханжарни ҳам, чарм хуржунни ҳам унутмапти.

Мэри Руа миссис Маккензининг қора шол рўмолини елкасига ташлаб олган. Шол рўмол унга катталик қилипти, бу рўмолда у мусулмон қизга ўхшаб қолипти. Хьюги онасидан бир замонлар бувиси тутган шарифини ҳам олиб келипти. Бир замонлар аёллар автомобилда сайрга чиққанларида бунақа шарф билан бошларидаги қалпоқчаларини боғлаб олишар экан. Ҳозир эса бу шарф-

нинг тагидан қалдиरोқли булутлар орасидан мўралаган қуёшдай малла сочлар юз кўрсатиб турипти. Манзара жуда чиройли ва бир оз кўрқинчлироқ ҳамда жуда ножоиздек кўринади.

Шаҳарда маросимга ҳеч ким алоҳида эътибор бермади — ҳозирги болалар нима хунарлар кўрсатмайди, дейсиз. Кўзини шафақ босган бир қария бош кийимини олди, бир неча одам жилмайиб қўйди, вассалом.

Дафн қилинадиган жойни Жорди танлади. Бу жойни у Малла Алвастига қурбақасини олиб борган чоғида ёқтириб қолган экан. Шунинг учун у тобут олдида одимлаб, маросимни орқасидан эргаштириб борарди. Ниҳоят, улар баҳайбат эман дарахтига етиб боришди. Бу эманнинг соясида бир замонлар Роб Ройнинг ўзи дам олган бўлса, ажаб эмас. Эманга етгач, маросим бир ёнга бурилди. Пастқамликнинг қия ёнбағри бўйлаб бир оз юришгач, улар сувнинг жилдираб оқаётганини эшитишди ва тўхташди. Ирмоқнинг шилдираши сурнай навосига жўр бўлаётганга ўхшарди. Дарахтлар ортидан қуёш чарақлаб кўринди, унинг шуъласи Хьюги Стерлингнинг кумуш тугмачаларида ярақлади.

Яқин ўртада доривор ўсимликларни йиғиб, кўзиқорин териб юрган девонаваш Лори қуёшнинг чарақлаганини кўриб, ғалати муסיқа овозини эшитиб сергакланди. Унинг елкасида кўк шол рўмол бор эди. Бу рўмолни унинг ўзи тўқиган. Сочларини кўк тасма билан таңғиб олган. Қўлида мўъжазгина корзина. Унинг ичида белкурак билан пакки ётипти.

Аввалига у булар хурлар бўлса керак деб ўйлади — Лори хурлар, филмонлар, фаришталарга ишонар ва тез-тез улар билан суҳбатлашиб турарди. Дарахтлар орасидан ёрқин доғлар, духобалар, тўрлар кўзга ташланар, куйдан эса юраклар сел бўлиб, эзилиб кетмоқдайди. Шу пайт у кимнингдир ҳокимона хитобини эшитди:

— Ҳой, гўрков, қани, ишингни бажар!

Бир неча фурсат ўтгач, яна ўша овоз эшитилди:

— Қайтиб тупроққа кир, чунки сенинг... ҳам... ўзинг ҳам тупроқдан бино бўлгансан ва тупроққа қайтасан. Омин... — Бир неча дақиқадан сўнг яна деди: — Биронта кўшиқ айтсак бўлармиди?

Ҳеч ким Инжил олиб келмаган экан, кўшиқнинг сўзлари ҳеч кимнинг эсида йўқ эди. Бир қизалоқ баланд пардада бошламоқчидай бўлди-ю, кейин кўрқиб кетиб дарров тинди. Жорди жонга ора кириб қолди — у ҳали ёш бўлгани важдан маросимпарастлик дардига чалиниб улгурмаган эди. “Бонни-Бонни-Бонни!” деб у қувноқ оҳангда куйлаб юборди. Ҳамма енгил тортиб, унга жўр бўлди. Алвасти эътибор билан қулоқ солди. Кейин Хьюги томоғини қириб гап бошлади:

— Исо алайҳиссаломга содиқ оға-инилар ва опа-сингиллар! Биз бевақт ҳалок бўлган Томасинанинг хокини тупроққа қўймоқ учун бу ерга тўпландик. Марҳума — ҳаммамиз яхши танийдиган Мэри Руанинг севимли нуридийдаси эди. У яхши эди. Менга қолса, энг яхшиларнинг яхшиси дердим. Уни яқиндан билганлар у билан дўст бўлганлари учун ифтихор қилганлар! Улар Томасинани ҳеч қачон унутмайдилар!

Кимдир қарсак чалиб юборди, бироқ Хьюги дарров уни жойига қўйиб қўйди.

— У ёмонлик қилган эмас, у ҳеч кимни тишламаган ва ҳеч кимнинг юзига чанг солмаган. Агар у сичқонни тутиб олса, уни Мэри Руага олиб келиб берарди. У ҳар доим озода бўлиб, ювиниб юрарди. У ҳаммадан ўтказиб хуриллар эди. Хулласи калом, жуда яхши мушук эди. Мана, унинг жасади кўз ўнгингизда, аммо унинг жони самога учиб кетди. Самода у Худонинг ўнг қўлида ўтирипти, шу ерда ўтириб, Мэри Руани кутади; улар учрашишгач, мангуга бир-бирларидан ажрамайди. Омин!

Унинг “Омин!” дегани нутқи тамом бўлганини яққол кўрсатиб турарди. Болалар қарсак чалиб, шов-шув кўтаришди. Хьюги камсуқумлик билан таъзим қилиб, гапига илова қилди:

— Энди биринчи бўлиб Мэри Руа бир сиқим тупроқ ташласин.

Бироқ Мэри қалтираб кетди, шикаста овозда деди:

— Йўқ! Ташлаёлмайман! Уйга кетгим келяпти!

Ростини айтганда, Хьюгининг ҳам уйга кетгиси келиб кетганди. Бундан ташқари, у қизнинг кўзларидан ёш тирқираганини кўрди ва эркакларга хос мардоналик билан деди:

— Майли. Ташламай кўяқол!.. Ҳой, гўрков, вазифангни бажар.

Гўрков шўрликнинг ҳам уйга кетгиси қистаб қолганди. Хьюги даладан гуллар терди-да, уларни янги қабр устига ёйди, кейин Жемига буюрди:

— Чал қувноқроғидан...

Жеми итоаткорлик билан чала бошлади, Хьюги Мэри Руани қўлтиқлаб олди ва болалар ғойиб бўлди.

Девонаваш Лори кўрқа-писа қабр олдига югуриб борди-да, тезгина тиз чўкди. Қабр устидаги тахтачага “Бу ерда Томасина ётипти. 1952 йилнинг 18 январида туғилган, 1957 йилнинг 26 июль куни ваҳшиёна ўлдирилган. Жойинг жаннатда бўлсин, дўсти содиқ!” деб ёзиб қўйилганди.

Лори жилмайди, бироқ тўсатдан ёзувни қайта ўқир экан, “ваҳшиёна ўлдирилди” деган сўзлардан сескариб кетди. Бу ерда ёвузлик содир бўлганини сезди у.

У ўрnidан турди, бир оз ўйланиб қолди, уч-тўрт қадам нари кетди, кейин қайтди-да, яна тиз чўкди. Ким ётганикин бу ерда? — деб ўйларди у. Ким кимни ўлдирган? Нима қилиб ёрдам берса бўларкин? Лорининг иши тириклар билан, ўликларга ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ. Лекин шундоқ бўлса ҳам... У тиз чўкиб ўтирган жойидан кетолмай қолди...

## X

Мол доктори Эндрю Макдьюи эшикни очиб, остонадан ҳатлади-ю, бир-икки қадам қўймай тўсатдан бир нарсани унутгандай тўхтаб қолди. У чўнтақларини текшириб кўрди, хотирасини кавлаштирди, лекин нима сабабдан тўхтаб қолганини эслаёлмади. Фақат уйга киргандан кейингина пайқадик, елкасида малла мушугини кўтариб олган малла қиз унинг истиқболига пешвоз чиқмапти.

На даҳлизда, на йўлакда кичкина оёқчаларнинг тапир-тупури эшитилди, ҳеч ким “Дада!” деб қичқирмади. Бироқ овқат хидини туйиб бир оз унинг кўнгли очилди, ўзининг хонасига кирди, ювинди, таранди, ўзига оро берган бўлди, кейин ошхонага тушди. Бу ерда уни ғалати манзара кутарди.

Стул устидаги дастурхон икки кишига тузалган бўлиб, Мэри Руа ёлғиз ўзи ўтирипти. Устида мотам либоси. Яъни миссис Маккензининг қора шол рўмоли елкасида, бошидаги тўқ бинафшаранг шарфнинг учи эса худди Мадоннаники сингари елкасига тушиб турипти.

Эшикнинг нариги томонида — ўчоқ бошида миссис Маккензи ивирсиб юрипти. Докторинг қадам товушларини эшитиб, у ошхонага бош суқди, аммо Мэри Руа қимир этмади: у ерга тикилганича қўлларини тиззаси устида чалиштириб, ўтирган жойида ўтираверди.

— Яхшимисан! — деди унга очик чеҳра билан Макдьюи. — Устингга нима балоларни кийиб олибсан? Тун қироличасимисан? Дуруст, чакки эмас, чиройлиг-у, лекин жуда мотамсаро экан. Бугун куним шундоқ ҳам жуда оғир бўлди. Қани, еч устингдагиларни, бир овқатланайлик.

У бошини кўтарди ва мижжа қоқмай унга қаради, тўғрироғи, унга эмас, унинг нигоҳи доктор орқали ўтиб, аллақачонларга қадалган эди.

Миссис Маккензи яна эшикдан бош суқди.

— Мэри, — деб чақирди у хавотирлик билан. — Нима учун отанг билан саломлашмаяпсан?

Мэри Руанинг юзидан икки томчи ёш юмалаб тушди. У ҳўнграб йиғлаб юборганида, отаси уни қучиб олган бўлармиди, эҳтимол, уни эркалатар, бошларини силар, таскин берарди. Балки ўрганган илиқлигини туйиб Мэрининг кўнгли юмшармиди? Аммо унинг кўзларидан бошқа ёш чиқмади, унинг болаларча башараси тундлашди ва унда жирканиш ифодаси пайдо бўлди.

— Миссис Маккензи! — деб қичқирди доктор. — Ҳой, миссис Маккензи! Мэрига нима бўлди?

Миссис Маккензи ҳаяжонланиб қўлларини фартугига арта-арта хонага кириб келди.

— Мушугига ичиқяпти, — деб аҳволни тушунтирмақчи бўлди у. — Томасинасиз жуда қийналиб кетди, шўрлик.

Доктор ҳеч нарсани тушунмай унга бақрайиб қолди.

— Болалар мушукни кўмиб келишди, — деб давом этди миссис Маккензи.

— Дафн маросимига кўп бола келди. Жеми деган бола мотам куйларини чалди...

— Бўпти, — деб унинг гапини бўлди Макдьюи. — Болалар ҳамма вақт нима балоларни бошлаб юришади. Сиз менга бошқа нарсани айтинг — нега қизим менинг гапларимга жавоб бермаяпти?

Миссис Маккензи бутун жасоратини жам қилиб жавоб берди:

— Қизингиз айтдики, сиз мушугини қайтариб бермагунингизгача, у сиз билан гаплашмас экан.

## XI

Менинг исмим — Баст. Мен Бубастда ҳукмронлик қилган илоҳаман. Мен Шарқнинг ҳукмдори ва тонгги само юлдузи деб аталаман. Мен муқаддас тутанжир тагида Апоп деган илонни маҳв этганман.

Менинг отам — Куёш — Ра. Менинг онам — Ой — Хатор. Самолар илоҳаси Нут — менинг опам, ёвуз руҳларни тумтарақай қувлагучи Хонсу — менинг акам.

Ер юзига Исо Масих Худо бўлиб келмасидан 1957 йил аввал Эҳромда менга тобинишган. Мен яшаганман, ўлганман ва яна тирилганман.

Эндиликда ҳамма нарса бошқача бўлиб кетди. Менинг эҳромим — чоққина бир уйча, муҳибим ҳам битта. Уни Лори деб аташади, менинг аввалги ўн иккита муҳибларим янглиғ у хуснда танҳо эмас; унинг териси туссиз, кўзлари мовий, меникига ўхшаш қўнғир эмас, сочлари пахмоқ. Лекин у менга меҳрибон, иззатимни ўрнига қўяди, мақтовимни келтириб қўшиқлар айтади.

Мен бошқа мамлакатдаман. Эндиликда замонлар ҳам ўзгариб кетган. Орадан 3914 йил ўтди. Яна 1957-йил бошланди — тўққизинчи сулолага мансуб буюк ҳукмдор Елизавета Иккинчи салтанатининг тўртинчи йили. Мен Шимолда яшайман. Бу ерда ўрмонда, жилга бўйида менинг жоним вужудимга қайтди. Мен ўзимни илоҳа деб атасам, ҳозирги эҳромим аҳли менинг гапимга ишонишмайди ва мендан кулишади. Ҳатто менинг номим ҳам ўзгариб кетди — муҳибим мени Талифа деб чақирапти.

Муҳибим менинг қудратимни пайқаялмаганига ҳайрон бўламан, чунки унинг ўзи ҳам қудрат ато қилинганлардан бири. У инсонлар дунёсида эмас, менинг дунём ичра яшайди деган тўғрироқ бўлар. У ўрмонда яшайдиган ҳайвонларни шифолайди ва уларнинг кўнглини кўтаради. У нутилиб кетган кичкина бир халқ билан мулоқот қилади — одамлар бир замонлар улар билан иноқ бўлишган. Муҳибим янги чиққан илоҳлар, яъни ҳар хил фаришталар-у инсу жинслар билан ҳам жуда қалин.

Бундан ташқари, у мато тўқийди. Унга юнг олиб келиб беришади, у юнгни йигиради, ундан мато тўқишади ва тўқиган матосидан кийим тикиб, уни фермерларга беради. Фермерлар унга пул беришади, у бўлса бу пулга хастахонаси учун зарур нарсаларни харид қилади, ўзи эса ҳайвонлари учун аллақандай дори-ларни пиширади ёки кўкатларни туйиб, талқон ясайди.

Мен, яъни улуг илоҳа Бест унинг ерида 1957 йилнинг ёзида қайтадан туғилдим.

Менинг жоним жисмимга қайта кирган кунни ва Лори мени эҳромга олиб келганини яхши эслайман.

У мени тош устига ўтқазди-да, хонадонидаги жониворларга таништирди. Бу жониворлар ҳам ҳайвонлар, ҳам қушлардан иборат бўлиб, учта мушук, ола қарға, бир нечта мушук бола, олмахон ва иккита ит бор эди. Мушуклар менга қараб

пишқирдилар, итлар вовуллашди, олақарға қағиллади, олмахон алланималарни бидирлади.

— Вой, қанақасизлар сизлар?! — деди Лори. — Уялмайсизларми? Меҳмонни хафа қилдиларинг-ку.

Оддий мушук (кейин маълум бўлишича, уни Макмердон деб аташар эканлар) орқасини ёй қилиб букди, иккинчи мушук эса (у ҳам оддий хашаки мушук экан, лекин қора экан, отини Вулли дейишаркан) менинг ёнимга келди.

— Сен ким бўласан? — деб сўради у. — Кўриб турибсан, ўзимиз кўпчиликмиз. Бир қарич бўш жой йўқ, Сенсиз ҳам сиғмай ётибмиз.

Мен бор гапни ҳалол айтдим.

— Мени ҳукмбардор Баст деб аташади. Менинг отам — Қуёш, онам — Ой. Отамнинг исми Ра, онамнинг исми Исида. Мени ҳамма одамлар эҳтиром этади ва Машриқ юлдузи деб аташади.

Мушук болалар думларини ўйнашни бас қилиб, оналарининг ёнига югуришди. Оналари — Доркас деган тарғил бароқ мушук экан.

— Эшитмаган эканман! — деди Вулли. — Бундай қараса, туллаган малла мушук экансан-у, осмондан келасан-а...

Менинг вужудимда илоҳий ғазаб жўш урди, жунларим ҳурпайди, ўзим пишқирдим, улар бўлса хахолаб қотиб қолишди. Олақарға қанотларини шапиллатар, итлар ўзларини ерга отиб думалашарди. Олмагон дарахтга чиқиб олди. Итларнинг биттаси думини тишлаб тортқиламоқчи бўлган эди, ўхшатиб бурнини тирнаб ташладим. Билиб қўйсин-да, ким кў қар экан ундан?

Менинг Горага тавалло қилишдан бошқа иложим қолмаган эди — у бир юмалаб лочин бўлди-ю, самодан ўқдай учиб тутиб, уларнинг жигарини чўқилайди. Бир йўла Апоп деган илонга ҳам, одамларнинг бошига турли касалликлар ёғдирувчи Атумга ҳам тавалло қилиб, ҳимояларига олишларини илтижо қилдим.

Бироқ менинг илтижоларимга ҳеч ким жавоб бермади. Бу худобезорларни ҳеч ким жазога мустаҳиқ ҳам қилгани йўқ.

Шундай қилиб, мен биринчи марта худоларга ишонмайдиган махлуқларга рўпара келдим. Мен нима қилишимни билмай ноилож қолдим, лекин Лори ишни бартараф қилди. У мени қўлида кўтариб, эҳромга олиб кирди ва муқаддас оловнинг ёнидан менга жой қилиб берди. Мен уни муҳибим ўрнига қабул қилдим ва аста-аста жойлаша бошладим.

Бизнинг ўрмондаги эҳромимиз ғалати жой. Бу жойга одамлар қатнамайди. Чўпонлар билан фермерлар қопқонга илинган жониворларни ундан чиқариб олишади, уни эманнинг тагига ётқизиб қўйишади-да, меҳр-шафқат кўнғироғини чалишади. Лори эҳромдан чиқиб бориб, жониворни олиб келади.

Одамлар Лоридан ҳадиксирашади, шекилли, тўғри қилишади. Чунки у чи-накам илоҳанинг муҳибиди-да! Эшик тақиллаганига чиқмайди, биров овоз бериб чақирса, чиқмайди, фақат кўнғироқнинг жарангига чиқади, холос. Кўнғироқ садолари менга аввалги — қадимий эҳромимдаги кимваллар садосини эслатади. Вулли оддий мушук бўлса ҳам, эса бутун. У менга айтиб берди — Лори кўнғироқни ўрмондан топиб олган экан. Бир замонлар бу кўнғироқ қароқчи Роб Ройники бўлган экан — қирол қўшинлари яқинлаб қолса, жиринглаб уни огоҳ қилиб турар экан.

Эҳромда биринчи қаватдаги бир хонада ўчоқ бор — менинг муқаддас даргоҳим шу ерда. Яна бир хонада йигириладиган юнг сақланади. Иккинчи қаватда Лорининг хобхонаси бор — у ерга ҳатто мени ҳам яқин йўлатишмайди.

Эҳромнинг нариги томонида гиштин бино бор. Унинг томидаги черепицаларнинг анча-мунчаси тушиб кетган. Макмердок ичкарини томоша қилмоқ учун у ерга мени бошлаб борди. Ичкарида Лори хаста жониворларни қандай парвариш қилаётганини кўрдик. У ерда бемор жониворлардан қуён, дала сичқонлари, инидан тушиб кетган чумчуқ полапони, оёғи лат еган оқсувсар, узунбурун бор эди. Қафасларнинг баъзи бирлари бўш. Лекин Макнинг менга айтганига қараганда, баъзан қафасларнинг ҳаммаси тўла бўлармиш.

Ҳа, энди мен уни Мак дейдиган бўлдим. Вулли билан ҳам иноқлашиб кетдик. Ҳатто Доркас билан ҳам тузукмиз. Фақат Доркасининг димоғи осмонда,



лекин шундоқ бўлса ҳам, баъзан-баъзан менга болаларини ялаб туришимга йўл қўйиб қўяди. Ўзимнинг илоҳалардан эканимни уларга гапириб ўтирмайман, лекин ўзим бунини доим эсимда тутаман, қонимда илоҳий бир куч гупириб ҳам турарди.

Муҳибим мени яхши кўради, силаб-сийпайди, қулоқларим ортини қашлайди, менга қўшиқлар айтиб беради. Унинг овози менинг қадимий эҳромларимдаги найлар каби жуда тоза ва нафис. У қўшиқ айтганда кўзимни юмаман-у, хаёлан ўтмишга кўчиб ўтаман. Хуллас, туриш-турмушим ёмон эмас. Ейишишим жойида, фақат сичқон тутишимга рухсат беришмайди. Тирик махлуқотки бор, Лори биронтасига тегишга йўл қўймайди.

Ҳамма ишлар яхши кетмоқда эди, шикоят қиладиган жойи йўқ эди. Аммо бизникига Малла соқол келди-ю, ишларнинг пачаваси чиқди.

## XII

— У билан бир гаплашиб кўрсам бўларди, — деди ҳазрат Энгус кўчада дўстининг ёнида майда қадам ташлаб борар экан. — Қай сабаб билан бўлмасин, унинг сен билан гаплашмаётгани менга унча маъқул тушмаяпти.

— Сабаб дейсанми? Ҳеч қанақа сабаб йўқ, — деб жавоб берди Макдьёу зарда билан. — Ўжарлик, холос. Мэри ўлгудай ўжар. Кимга ўхшайди десамкин?

— Бор, ана, менга ўхшайди, деяқолай.

— Сен унга бошқа жониворларни таклиф қилиб кўрдингми?

— Бўлмаса-чи! Сиам мушугини келтириб бердим. Зотдор мушук. Бунақаси бўлмайди. У бўлса, дод солиб қочиб бориб миссис Маккензининг фартуғига юзини яшириб олди. Мушукни олиб кетмагунимча, фарёдини тўхтатмади. Кўниқўшнилари доктор қизини савалаяпти, деб ўйлаган бўлсалар керак, ҳойнаҳой. Тўғрисини айтганда, ўзи ҳам жуда калтакбоп бўлиб юрипти-да...

— Қамчи билан муҳаббат қозона олмайсан, — деди Энгус Педди.

Макдьёу маъюсгина бош ирғади. Бунини ўзи ҳам яхши биларди. У яна шуни билардики, қўшнилари орасида гап оралаб қолган — мол доктори ўзининг мушугини қизганмас экан, унинг қўлига жониворларни ишониб топшириб бўлмайди. Бу миш-мишлар энг олис фермаларгача етиб борди. Бу жойларда авваллари уни яхши кўришмаса ҳам, лоақал ҳурмат қилишарди. Кейинги икки ҳафта мобайнида биронта фермер унга молини олиб келгани йўқ.

— Билмадим... Билмадим-ов... Сира ақлим етмай қолди... — дея овозини чиқариб мулоҳаза қиларди доктор гўё ёнида Педди бирга келмаётгандай. — Кошки эди иложи бўлса... Ўша мушукни бажону дил тирилтириб берардим. Бироқ Мэри мушукни ҳозир олиб келса, унга Лори бериб яна қайтадан ухлатиб кўярдим!

— Томасинасиз Мэри жуда ёлғизланиб қолди, — деди роҳиб.

— Мени нима қил дейсиз? — деб сўради Макдьёу жаҳл билан. — Ўрнига келиб қолар, жаҳлидан тушар деб роса кутдим, аммо у тошдан бадтар қаттиқ туриб олди. Мени сира назар-писанд қилмайди.

Энгус Педди ишни орқага ташлашни ёмон кўрарди.

— Бориб бир гаплашиб кўрай, — деди у. — Балки бирон самара чиқар.

Улар кўчанинг охирига боришди ва Макдьёу хайр-маъзур ўрнига:

— Ҳеч нарса чиқмайди! — деди-да, хастахонасига кириб кетди.

Роҳиб эса қўшни уйнинг олдига борди ва эшик олдидаги зинага ўтирган Мэри Руани кўрди. У узун курсига шляпаси билан зонтигини қўйиб, ўзи “нимадан бошласамикин” деган ўй билан Мэрининг ёнига ўтирди.

— Шунақа... — деди у хўрсиниб анча ўтиргандан кейин. — Ёмғир ҳам эзиб юборди-е... Тинай демайди... Ёки меникига борамизми? Жиндай Цесси билан ўйнардиг.

Мэри унга тантанавор нигоҳ ташлади-да, ҳамма нарсдан ҳафсаласи пир бўлган одамдай қатъийят билан бош чайқади.

Роҳиб ҳам унга қаради. Қаради-ю, юраклари эзилиб кетди. Ушоққина, кўрим-сизгина малла қиз гиштин зина устида ўтирипти. На қўғирчоғи, на дугонаси, на мушуги бор. Роҳиб ўзининг ишини биладиган одам эди — ҳозир у қизнинг дарди гоётада оғир эканини юраги билан ҳис этди. Шу пайтгача у бунақа оғир дардни фақат катталарда учратган эди. Фақат врачина хонанинг ҳавосига қараб, бунда ўлимга олиб борадиган оғир хасталик борлигини топади.

— Мэри Руа, — деди у юмшоқ ва жиддий оҳангда, — Томасинанг туфайли жуда қаттиқ ғам чекапсан-а!

Қизнинг кўзларида қаҳр чақнади, у нигоҳини бошқа томонга бурди, аммо роҳиб давом этди:

— Мушугинг жуда яхши эсимда. Мана у, биз билан бирга шу ерда тургандек кўз ўнгимда турипти. Гапимни тинглаб тур, бирор нарсани адаштираман, айтаман.

Мэри Руа истамайгина унга қаради, аммо ана шу арзимасгина эътибори ҳам унга далда берди.

— Мушугингнинг бўйи мунча эди... — У қўлини икки ёнга чўзди. — Баландлиги бундоғ, йўғонлиги мана бундоқ. Ранги байрамларда сотиладиган тешик кулчанинг рангига ўхшарди. Тарғил эди, кўкрагида уч бурчак оқ қашқаси бор эди. — Шундай деб роҳиб бармоғи билан ҳавода учбурчак шаклини чизди.

Мэри Руа бошини чайқади.

— Қашқаси юмалоқ эди, — деди у.

Роҳиб бош ирғади.

— Ҳа-я, ростданам, юмалоқ эди. Учта оёғи оқ эди.

— Тўртта.

— Думининг учи ҳам оқ эди.

— У ерда тангадеккина оқи бор эди.

— Ҳа, — деб давом этди Педди. — Боши жуда чиройли эди, дум-думалоқ, кулоқлари кичкина. Лекин ўзига катта эди. Кулоқлари ўткир, ҳамиша диккайиб турарди, шунинг учун мушугинг ҳар доим сергак тургандай бўларди.

Мэри Руа ундан кўзини олмай, ютоқиб тинглаб турарди. Кўзларидаги қаҳр аста-аста сўниб бормоқда. Бетларига қон югурди.

— Энди бурнига ўтайлик. Ҳозиргидай эсимда — черков томига ёпилган черепица рангидай, фақат қора доғи бор эди.

— Бурнидаги доғи иккита эди, — деб унинг гапини тўғрилади Мэри Руа. Гапи янада ишончлироқ чиқмоғи учун у иккита бармоғини кўрсатди. Кейин унинг юзида кулгичлари пайдо бўлди.

— Ҳа, тўғри, — деб унинг гапига қўшилди Педди. — Иккинчиси биринчисидан пастроқда эди. Лекин уни дафъатан кўриш қийин эди. Энди кўзига келайлик. Унинг кўзлари эсингдами, Мэри Руа?

Қиз бош ирғади.

— Ҳамма жойидан ҳам кўзи зўр эди. Бамисоли олтин гардишли зумрад. Тилини айтмайсанми! Тили пушти рангда. Худди менинг янги очилган атиргулларимнинг рангига ўхшайди. Эсимда, бир куни у стол ёнида сенинг рўпарангда ўтирган эди. Бўйнида оқ фартук. Бир қарасам, оғзидан гул баргининг учи чиқиб турипти. Нима бало, атиргул еганми бу деб ўйладим.

Мэри Руа баланд овозда кулиб юборди. Буни эшитиб, миссис Маккензи эшикдан бош суқди.

— У атиргул еган эмас! — деб қичқирди Мэри Руа. — У тилини чиқазиб олган эди!

Педди бош ирғади.

— Ўрни келганда, айтиб ўтай — столда қандай ўтирар эди-я! — деб давом этди у. — Ана савлат-у, ана виқор! Баайни зодагон хонимнинг ўзи-я! Рухсат бўлмагунча, ликобчасига тегинмайди. Унга печенье берганинг эсингдами? Уни карсиллатиб чайнай бошлашдан аввал уч марта бурнини теккизиб кўрганди...

— У ҳар нарсадан кўра ялпизлигини яхши кўрарди, — деди Мэри Руа. — Нега ўшанда бурнини теккизиб кўрганди?

— Ким билсин! — дея ўйланиб қолди роҳиб. — Эҳтимол, уни искаб кўргандир. Ундай десам, бу одобга қирмайди. Дастурхон устида бунақа қилинмайди...

Эҳтимолки, у “Ие, бу менгами? Вой, қўйинг, унақа қилманг. Қўймадингиз-қўймадингиз-да... Майли, тотина қолай, бўлмаса” демоқчи бўлгандир.

— У жуда одобли мушук эди, — деди Мэри ва комил ишонч билан бош ирғади.

— Юришлари қанақа эди? Туришлари-чи? Сен елкангда кўтариб юрсанг, гўё ухлагандай жим ётарди...

— Биз кечаси ҳам бирга ётар эдик, — деди Мэри Руа. Унинг кўзлари чарақлаб кетди.

— Эсингдами, у сени қандай чақирар эди? Бир куни мен шу ўртадан ўтиб кетаётган эдим, у сени қидираётган экан... Кейин бирдан қўшиқ айтаётгандай бир овоз чиқарди...

Мэри Руа сергакланди ва қўлидан келганича ўхшатишга ҳаракат қилиб, мархума дугонасининг севги қўшиғини такрорлади:

— Кур-люр-люр-р...

— Қойил, — деди Педди. — Ўхшатдинг. Чиндан ҳам “кур-люр-люр-р...” Ана кўрдингми, Мэри Руа, мушугинг ўлмаган, у биз билан бирга, у биз учун ҳаёт!

Мэри Руа унга индамай тикилиб қолди, унинг малла кокили остидаги пешонасида ажинлар пайдо бўлди.

— У бизнинг хотирамизда яшаяпти, — деб тушунтирди роҳиб. — Сен билан биз унинг бутун ҳусни таровати-ю, шон-шухратини унутмай эсимизда сақлар эканмиз, демак, у ўлмайди. Кўзингни юм. Мушугинг шу ерда. Ҳеч ким уни сендан тортиб ололмайди, тунда эса у аввалгига қараганда ўн чандон гўзалроқ ва вафодорроқ бўлиб ёнингга келади, тушларингга кириб чиқади.

Мэри Руа кўзларини паққос юмиб олди.

— Ҳа, — деди у ҳаяжонланиб. Кейин кўзини очди, роҳибга тик қаради-да, жўнгина деди: — Мен усиз яшаёлмайман.

Роҳиб бош ирғади.

— Ҳа, албатта. Шунинг учун сен уни чорла, у келади. Катта бўлганигда сен яна бирор кимсани яхши кўриб қоласан. Ўшанда биласанки, бизнинг мушкул ҳаёт йўлларимизда севиш бағоят оғир иш. Ўшанда ҳозир мен сенга уқдирмоқчи бўлаётган гапларимни эсла: муҳаббат хотирасидан шифо топмайдиган жароҳат бўлмайди, ғусса бўлмайди, ғам бўлмайди. Нима дейсан, Мэри Руа, гапларимни уқдингмикин?

Мэри жавоб бермай унга жиддий боққанича тураверди. Шунда роҳиб гапининг энг мушкул жойини бошлади:

— Томасина дадангнинг ҳам хотирасида яшайди. Уни қучоқла, у билан аввалгидай гаплаш, шунда икковинглар уни бирга эслайсизлар. Томасина яна ҳам тирикроқ намоён бўлади. Бизнинг эсимиздан чиққан нарсалар дадангнинг хотирасида бўлса керак...

Мэри Руа оғир бош чайқади.

— Иложим йўқ, — деди у. — Дадам ўлган.

Энгус Педди ҳар қанча кўпни кўрган ва ҳар қанча доно бўлмасин, бу гапни эшитиб қўрқиб кетди.

— Нималар деяпсан?! — дея хитоб қилди у. — Даданг тирик!

— Ўлган, — деб хотиржамгина унинг гапини тўғрилади Мэри. — Мен уни ўлдирганман.

### XIII

Орадан кўп ўтмасдан Эндрю Макдьюи амин бўлдики, унинг қилган ишлари аллақачон ҳамманинг озига тушиб кетипти. Унинг тўғрисида юрган гаплар анча маломатли эди. У аптекага ёхуд почтага кирса, одамлар бирдан жимиб қолишарди, кўчада кетаётиб ҳам одамларнинг ўзига қинғир қараганларини ҳис қилар, кўпинча орқасидан шивир-шивир қилиб қолишганини сезарди.

Баъзи сўзлар қулоғига аниқ-таниқ етиб келарди, улардан шундай маъно чиқарди: агар у ўзининг қизининг мушугиники қутқариб қолмаган ёхуд қутқариб

қолишни лозим деб ҳисобламаган экан, бунақа одамга хаста ҳайвонларни даволатиб бўлмайди. Бу хавфли, олиб келган молингни дори бериб ухлатиб қўйса нима бўлади? Майли, буни ҳам қўядигу, гапнинг индаллосига қўчайлик — агар ўз фарзандингки сен билан гаплашишни йиғиштириб қўйган экан, сен нима деган одам бўлдинг?

Макдьюнинг энсаси қотар, ғазаби ўт олар, хижолатга ботар, юзи шувутлигини ҳис қилар ва ғамга ботарди, шу сабабдан бемор ҳайвонларга ҳам, уларнинг эгаларига ҳам муомаласи борган сари дағаллашиб борарди. Энг жўн гап ҳам унга тегиб кетар ва ҳаммага кўрслик қиларди. Шаҳарда яна битта мол доктори бўлганда-ку ҳатто дам олишга келганларнинг ҳам биронтаси Макдьюнга мурожаат қилиб ўтирмас эди.

Маҳаллий аҳолининг кўпчилиги эса билардики, ўрмонда пастқамликнинг шундоққина ёнгинасида тарки дунё қилган бир аёл яшайди, у фаришталар-у, хури-ғилмонлар билан мулоқот қилиб турарди ва, албатта, уларнинг ёрдамида ҳайвонлар ва қушларни даволаш йўлини билади. Шундан эманга илинган қўнғироқ тез-тез чалинадиган бўлиб қолди.

Малла Алвастини зиёрат қилиш кучайиб бораётгани ҳақидаги миш-мишлар шаҳарда тарқалгандан кейин Макдьюи ўзига рақиб пайдо бўлганини англади.

Албатта, Малла Алвасти ҳақидаги гапларни доктор авваллари ҳам эшитган. У Малла Алвастини маҳаллий девоналардан бири деб ўйлаган эди. Бундай девоналар битта эмас-ку... Мана, Маккени деганлари бор — у пивохонанинг олдида туриб олиб, нақд “Рэбби Бернсинг ўзидан” соатлаб шеърлар ўқийди. Ёки Мери деган кампир бор — у кўчада ҳар хил канопу арқонлар билан қоғоз парчаларини йиғиб юради. Ҳозирга қадар деярли ҳамма бу аёлга худди шундай муносабатда бўлиб келган, мабодо уни эслашса, ўрмонда ёлғиз яшайдиган, руҳлар ва ҳайвонлар билан тиллашаоладиган, кичкина болаларни кўрқитадиган алвасти тўғрисидаги ғаройиб ҳикоя билан бирда-ярим келадиган меҳмонларни лол қолдириш учун эслашган. Лекин тўғрисини айтганда, болаларнинг Алвастининг ўзи эмас, унинг тўғрисида тарқалган чўпчаклар кўпроқ кўрқитган.

Баъзан шаҳарга келиб қолган меҳмон аптекада ёхуд баққолнинг дўконида камсуқумгина жувонга рўпара келарди. Унинг тип-тиниқ зангори кўзлари ҳаммаша чарақлаб турарди. Агар меҳмон унга бир бора эмас, икки марта кўз ташлашни ихтиёр этса, кўрардики, жувоннинг табассуми ҳаддан ташқари майин ва ёқимли. Бироқ меҳмон ўзига ва ўзининг забонсиз жониворларига озиқ-овқат ҳамда дори-дармон харид қилиш учун адирлардан тушиб келган бу жувон Алвастининг ўзи эканини сира ҳам идрок этмасди.

Макдьюи унга рўпара келган эмас, унинг тўғрисида ўйламас ҳам эди. Негаки, бунақа маҳаллий ажойиботлар уларга кўшни турадиган одамларга унча қизиқ туюлмайди.

Ҳозир эса Макдьюи тўғрисида ҳам, бу аёл ҳақида ҳам дув-дув гап юрипти. Садокатли Вилли Бэннок шифо топган қўйлар, сеҳру жодулар, кумуш қўнғироқ ҳақидаги, унинг ҳузурига қорин тўйғазгани келадиган дала ва ўрмон ҳайвонлари тўғрисидаги гапларни оқизмай-томизмай докторга етказиб туради.

Бир кун Макдьюи фермага борди-ю, негадир иши сира юришмай қайтиб келди. Хастахонасига кириб, қабулхонада аста ириллаб ўтирган Сецессиясини ушлаб ўтирган Энгус Педдидан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўриб, бирдан жаҳли чиқиб кетди. Авваллари одам кўп бўлса шунақа аччиғи келарди.

Лекин дўстини кўриб хурсанд бўлди. Сирли рақобатчи аёл тўғрисида шу дўстидан бошқа ҳеч ким маънироқ ва тўқисроқ гапириб беролмаслигини сездди.

— Менга қара, Энгус, — деди у керакли дори шишани ғайришуурий тарзда олар экан, — Лори деган девона хотин ҳақида нима биласан? У ўрмоннинг аллақайси бурчагида яшар экан, ўзини алвасти кўрсатиб юраркан.

Роҳиб дори шишани олиб, оғзини очди. Цессига дори берди, унинг орқасини силади, кейин ити кекирмагунча қаппайган қорнини силади.

Ўшандан сўнггина мамнун жилмайиб, бундай гап бошлади:

— У девона эмас, Эндрю. Менга қолса, мен уни ўз дунёсини топиб олган бир аёл деб атар эдим. Унинг дунёси бизникидан яхшироқ. Уни зинҳор-базинҳор алвасти деб бўлмайди.

— Ахир бирор сабаби бўлмаса, одамлар уни савдойи деб ҳисобламайди-ку. Бунисини қўйиб турайлик, майли. У чорвани даволар экан, ахир тиббиётдан маълумоти йўқ-ку? Менинг олдимга ҳеч ким келмай қўйди. Бу унинг қилмиши!

Педди одамларни яхши биларди, шундоқ бўлса-да, одам бу даражада ўзига бино қўйишини ва ўзини бегуноҳ ҳисоблашини кўриб, лол қолди. У билиб турипти — бу ишда бирон нарсани тушунтириб ўтириш беҳуда, бекорга жиқиллашганлари қолади. У бошқа нарсани ҳам тушуниб турипти — гап феъли атворларига тафовутда эмас. Бу дунё ўзи шунақа! У маъно-ю мазмундан маҳрум, уни бошқариб бўлмайди. Шундоқ бўлгач, одамларнинг табиатлари, феъли-атворлари ўртасида муқаррар тарзда ўтиб бўлмас жарликлар ҳосил бўлади. Ахир, атеизм деганининг жазоси ўзи билан бирга бўлади, худога ишонмайди-ган одам ўзини ўзи қамчилайди ва унга ҳеч нарса билан ёрдам бериб бўлмайди. Шунинг учун у жўнгина сўраб қўяқолди:

— Хўш, нима қилмоқчисан?

— Полицияга арз қилмоқчиман, — деди Макдьои.

Бу гапни эшитиб, Энгус Педди энсаси қотганини яшириб ўтирмади.

— Ё Парвардигор! — деди у. — Сира ҳожати йўқ-да. У шўрлик хизматига бир чақа олмайди. Йўқ, мен бўлсам, арз қилиб юрмасдим.

— Нимаси бор? — деб ўжарлик билан эътироз билдирди Макдьои. — Сирасини айтганда, қонун, қонун-да! Минг азобда ўқийсан, тер тўкиб меҳнат қилсан, бирор-бир билағон чиқади-ю, молларга дуч келган ўт-ўланни бериб, қиришга тушади.

Педди хўрсинди.

— Қонун, албатта — қонун. Шуниси ёмон-да. Лекин, биласанми, полициядагилар Лорини ҳурмат қилишади. Бу аён — яхши одам, жуда ҳам яхши одам, полициячилар эса ёмон одамларни кўравериб безор бўлиб кетишган.

— Хўш, нима бўпти? Улар ўз бурчларини бажаришдан бўйин товлашадими?

— Нега ундоқ дейсан? Бўйин товлашмайди. Ўзинг биласан, улар шотландчасига тушунади бурч туйғусини. Айтаман-да...

— Сира ақлим етмаяпти. Мен бу аёлни айбдор қилсам...

— Ҳа, ҳа, албатта. Ундан кўра, кел, мен сенга бошқачароқ тушунтирай.

Роҳиб индамай қолди-да, қўлига чақалоқни кўтаргандай ёки чўчка боласини олгандай Цессини олди. Ит эгасига меҳр билан термулар эди.

Унинг оёқлари тўрт томонга тарвақайлаб турарди. Роҳиб эса итни ридосига босганича, қорнини силашга киришди. Шундай қилар экан, унинг нигоҳи бениҳоя юмшади, чехрасида майин табассум пайдо бўлди. Шу майинлик бўлмаса, роҳибнинг ҳозирги аҳволини кўриб, роса хандон отиб кулса бўларди.

— Бир аёл қўшни аёлга депти: “Мазам қочиб қолди. Кирим тоғдай уюлиб ётипти, менинг бўлса оёқларим юришга ярамай қолди”. Қўшниси жавоб берипти: “Уйда ярим шиша дорим бор. Ўтган йили шамоллаганимда бир зумда тузатган эди. Ҳозир олиб чиқаман”.

Ҳазрат Энгус Сецессияни чалқанча ётқизиб олди-да, калтагина думи бошланган жойини уқалай бошлади. Итнинг афтига қараб, ҳаддан ташқари лаззатланаётганини билиб олиш қийин эмас эди.

— Қўшниси спиртга аралаштириб қўйган дорисини олиб келади. Ҳалиги хотин аслида кир ювишдан безор бўлиб сиқилиб кетган. Доридан бир-икки култум ичади, бадани қизий бошлади, кайфияти кўтарилади. Қани, нима дейсан, доктор қўшнисига дори олиб чиққан хотинни судга судраши керакми?

Роҳиб масал дўстининг мустаҳкам бош чаноғидан сирқиб ўтиб, миясига етиб боришини кутиб турди-да, гапини тугатди:

— Йўқ, Эндрю, агар сен Лорини гуноҳкор қиламан десанг, ўзинг жуда кулгили аҳволга тушиб қоласан. Полиция жуда яхши билади — қўйи, ити ё мушуги ҳасталанган чўпонларга, аёлларга, болаларга бу хотин бегараз маслаҳатлар беради.

— Майли, ўзинг борақол, — деди Макдьои. — У билан ўзинг гаплашиб кўр. Унинг қанақа эканини яхши биласан.

— Нима деяпсан?! — деб хитоб қилди Педди. — Мен уни бутунлай билмайман. Уни ҳеч ким билмайди.

— Бемаъни гапларни гапирма, Энгус! Бирорта биладиган одам бордир, ахир! Бирор тайинли жойдан келган-ку, у?

— Уни биладиган одам бордир дейсанми? — деб сўради роҳиб. У бу гапларни шу даражада секин шивирлаб айтдики, гўё ичида гапираётгандай бўлди. — Ҳа, биронтаси чиқиб қолар... Унинг исми Лори Макгрегор. Бизнинг юртимизга қаердан келиб қолгани маълум эмас. У келганида ҳозирги турган уйи ва омбор эгасиз, бўш ётган эди. У мато тўқийди. Эҳтимол, у жуфтини йўқотган, опа-сингилларидан айри тушган бир муштипардир...

Макдьюи энсаси қотиб ўшқирди.

— Шундоқ бўлгач, ўзинг гаплашиб қўяқол. Савдойилар роҳибларнинг гапини бажону дил тинглашади.

Педди чуқур хўрсиниб бош чайқади.

— Сени тушунасан деб ўйлаган эдим. Мен унга дохил бўлишни истамайман. Мен унга халақит бермоқчи эмасман. Унинг йўли бошқа, бизнинг йўлимиз бошқа. У ночор ва ҳимоясизларга хизмат қилади. Унга ўхшаган одамларни девона деб аташади. Ҳозир ер юзиде бунақалар кам қолган.

Бунақа гапларни эшитишга Макдьюининг ортиқ сабри чидамади.

— Девона эмас, қип-қизил жинни уларинг! — деб қичқирди у.

— Майли, ўзим борганим бўлсин. Бораман-да, бировнинг ишига тумшуғингни тикма, дейман.

Энгус Педди стулда омонатгина ўтириб, итини силар ва ўйини ўйларди. Ниҳоят, у эҳтиёт қилиб итини ерга туширди, аста ўрнидан турди, дори шишани олиб ёнига солди, шляпасини бошига кийди ва жиддий кўзларини Эндрью Макдьюиго тикди.

— Майли, — деди у. — Борсанг борақол. Фақат, Эндрью, мен сенинг ўрнингда бўлсам, эҳтиёт бўлган бўлардим. У ерда катта хатарга дуч келишинг мумкин.

— Яна нималар деяпсан? — деб дағдаға қилди доктор. — Эс-песингни еб қўйганмисан?

— Мен Худони тилга олаётганимда, сенинг жаҳлинг чиқмасин, — деб бошлади ҳазрат Энгус. — Менинг касбим шунақа. Эмлаш ҳақида гапирсанг менинг жаҳлим чиқмайди-ку!

Макдьюи жавоб бермади.

— Менинг назаримда, Лори Худога жуда яқин туради. У Худога хизмат қилади ва бутун ҳаёти билан Уни шарафлайди.

— Мен қанақа хатарга дуч келарканман? Менга нима?

Роҳиб итини қўлга олди.

— Эҳтиёт бўл-да... — деди у. — Тагин ўзинг Унга ошиқ бўлиб қолма.

Остонада у орқасига ўгирилиб, қўшимча қилди:

— Унинг эшигини тақиллатиб овора бўлма. Барибир очмайди. Уйининг олдидаги дарахтда қўнғироқ бор. Шафқат қўнғироғи. Ҳатто ҳайвонлар ҳам шу қўнғироқни чалишади.

— Лоф ҳам эви билан-да!.. — деб гаши келди Макдьюи. — Менга нима ҳожати бор...

— Ҳамма гапирганда ҳам сен индамай тур, — деди ҳазрат Энгус. — Меҳр-шафқат сенга жуда зарур.

Шундай деб эшикни оҳиста ёпиб чиқиб кетди.

## XIV

Мен — Баст деган илоҳаман. Менга Талифа деб лақаб қўйилган. Бизникига Малла соқол келган кунни яхши эслайман.

Малла соқол бизникига келмасдан аввалроқ тушимга кирган эди. Бунинг сабаби шундаки, биз илоҳалар назаркардалармиз, яъни башорат қилиш иқтидорига эгамиз. У тушимга кириши биланоқ, мен уйғонмай қичқириб юбордим: “Мушуклар кушандасига ўлим!” Унинг сочлари қип-қизил алангадай ловуллайди, қўллари қип-қизил қон! У интиқомдан қочиб қутула олмайди. Ўликлар

китобида ёзиб қўйилган: бизлардан биронтамизни ўлдирганнинг ўзи ўлимга маҳкум!”

У шу қадар даҳшатли ва қудратли эдики, ҳатто илоҳа бўлатуриб қўрқинчдан уйғониб кетдим.

Мен ўчоқнинг ёнида ётгандим. Сўнаётган олов худди қондай қип-қизил эди. Менинг қичқиригимни эшитиб Лори баландроқ овозда сўради:

— Талифа, нима туш кўрдинг? — Шундай деб ёнимга келди, мени қўлига олди ва силаб-силаб юпата бошлади: — Кўрқма, ҳеч нарсадан кўрқма! Мен шу ерданман.

Лекин мен билардимки, қисматдан қочиб қутулиб бўлмайди, ҳадемай ўнгимда малла соқолли мудҳиш махлуққа рўпара келишим муқаррар. Шундоқ бўлиб чиқди — мен уни иккинчи кун кўрдим.

Бизнинг уйимизнинг яқинида баҳайбат бир эман бор, аввал айтганимдек, унинг қўйи шохига Шафқат кўнғироғи илиб қўйилган. Лорининг уйдан чиқмоғи учун ергача осилиб тушган ипдан тортиш керак. Жониворларини даволатишга олиб келадиган одамлар ҳам, жониворларнинг ўзлари ҳам шу ипдан тортишади.

Сизлар ҳайрон бўлаяпсизлар, мен заррача таажжубланмайман. Менинг замонамда ҳеч ким бунга ҳайрон бўлиб ўтирмас эди, чунки у пайтларда даладашдаги жониворлар ҳам, самолардаги қушлар ҳам, одамлару худолар ҳам бир оила бўлиб аҳил яшар, бир-бирларига кўмаклашишар ва деуу жинларнинг хазиналарига биргаликда эгалик қилишарди.

Ўша куни эрталаб кўнғироқ жиринглади ва ҳаммамиз бизникига ким келганини кўргани югуриб чиқдик. Лори кўзларини кундан пана қилиб бўсағада туриб олган эди. Биз жароҳатланган бўрсиқни кўрдик.

Унинг орқа оёғида қопқон осилиб қолганди. Кўнғироқнинг ерда ётган ипи-га шу қопқон тегиб кетган экан. Бунинг ҳеч қанақа ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Ташвиш қиладиган жойи шунда эдики, бўрсиқнинг елкасидан суяги туртиб чиқиб турар, оёғи узилиб кетай деб, шундоққина илиниб қолган эди-ю, шўрлик шу аҳволда менинг эҳромимга, менинг муҳибим ҳузурига судралиб етиб келипти.

Биз мушуклар ақлимизни ишлатиб сал нарироқда ўтира қолдик — бўрсиқ бизга ташланиб қолмасин дедик-да. Унинг лаблари оппоқ кўпикка кўмилиб кетипти. Итлар безовталана бошлади — улар шунақа — сал нарсага васвасга тушиб қолишади. Уларнинг ўзи бўрсиқнинг устига ташланишларига сал қолди. Шундоқ қилишса ҳам ҳечқиси йўқ эди, чунки, барибир бўрсиқ шўрликнинг куни битиб қолганди.

Бироқ Лори бошқача гап айтди.

— Жим! Унга тегманглар!

Лори бўрсиқнинг ёнига келиб, унга қаради (мен зийрак кўзларим билан унинг тишлари Лорининг қўлига ботганини кўриб турибман), сўнгра унинг ёнига тиз чўкди. Мен Лорига ҳам, бўрсиққа ҳам сеҳримни сепишга зўрға улгуриб қолдим.

Лори эҳтиёткорлик билан қопқонни ажратиб олди, бўрсиқни қўлига кўтарди ва унга алланималарни шипший бошлади. У дарров тинчланди. Унинг боши бир ёнга қийшайди, лекин кўзлари юмилмади. Биз ҳаммамиз унинг кўзларининг оқи сарғишроқ эканини ва у Лорига термулиб турганини кўрдик. Лори ўрндан туриб, уни хастахонамизга олиб кирди, биз ҳаммамиз унинг кетидан кирдик.

Бизнинг хастахонамиз — гиштин омборхонада жойлашган. Мен остонага ўтириб қараб турибман — менинг муҳибим бир қўли билан тоза рўжа ёзди, бўрсиқни стол устига ётқизди, ликобча, кўкат, совунларни олди-да, плитанинг устига иситгани сув қўйди.

У қайтиб келиб, кафтининг бир чеккаси билан бўрсиқнинг бошига тегиб кетди, бўрсиқ шўрлик шунақа инграб юбордики, мен умримда бунақа аянчли овозни сира эшитмаган эдим. Умуман, бирорта катта жонивор сичқондай чийиллашга бошласа, менинг юракларим эзилиб кетади.

Мен бошимни бурдим-да, зўр бериб орқамни ялай бошладим. Мен яна Лорига қараганимда унинг кўзларидан тирқираб ёши оқарди. У бўрсиқнинг қонларини ювмоқдайди. Ярасидан оппоқ суяги чиқиб турипти, олдинги оёғи мажакланиб кетган, биттами-иккита томирида зўрға илиниб турипти. Орқа томонда нималар бўлаётганини гапириб ўтирмайман.

— Кўряпсанми, Талифа? — деди менга Лори. — Унга қандай ёрдам беришни билмай қолдим. У қопқонга илиниб қолипти. Бунинг устига итга таланипти. Ит билан тикка олишипти-я! Уни қочишга мажбур қилипти! Жуда довюррак экан... Шундоқ жонивор ўлиб кетаверадимиз?...

Бўрсиқ оқ рўжа устида ётипти, Лори жуда эҳтиёткорлик билан унинг юнгини, терисини, гўштини, тирноқларини, суягини ювди. Бўрсиқ ёнбошида ётипти, унинг бир кўзи қўриниб турипти, холос, аммо шу кўзи билан у Лорига ишониб ва ёлвориб қараб ётипти.

— Билмадим, нима қилсам экан, Талифа, — дейди менга Лори. — Чиндан ҳам нима қилишни билмай қолдим. Нимадан бошласам экан-а? Шўрлик ҳализамон ўлиб қолмаса гўрға эди... Қара, бирам чиройлик-а, жонивор? Худо уни менга жон таслим қилиш учун юбормаган бўлса керак...

Бир лаҳза у саросимага тушди, кейин бошини кўтарди — унинг кўзлари чақнаб турарди.

— Ҳозир сен билан икковимиз илтижо қиламиз! — деди у менга.

У мендан илтимос қилиш кераклигидан бутунлай беҳабар эди. Мен, албатта, унинг учун бажону дил мўъжиза ҳам яратар эдим.

У менинг ёнимга келди, остонага омонатгина чўккан бўлди, осмонга қараб туриб, орқамни силади, қулоғимнинг кетини қашлади. Унинг лаблари шивирлар, кўзларида нур порларди.

Начора — унга қўшилиб мен бир замонлар менга ўргатишганидек, отам Рага, онам Хаторга, буюк Горга, Исидага, Осирисга, Птахга, Нутга ва ҳатто кўрқинчли Анубисга ҳам тавалло қила бошладим.

Мен энг қадим худоларга — оламдаги жаъмики мавжуд нарсаларни яратган Хонсу ва Атому — Рага илтижолар қилдим.

Бир қанча муддат вақт ўтиб, яна кўнғироғимиз жиринглади.

Мен икки ҳатлаб дарахтга етиб бордим ва даҳшатдан қотиб қолдим. Жунларим ҳурпайиб тикка бўлди, қулоқларим диккайиб қолди, томоғимдан алам ва ғазабга йўрилган бўғиқ “миёв!” деган садо отилиб чиқди, кейин пишқириб юбордим.

Дарахтнинг ёнида кўнғироқ тагида нотаниш одам турарди. Унинг кўриниши ғоят жирканчли эди. Сочлари тулкиниқига ўхшаш сап-сарик, соқоли ҳам шунақа, кўзлари қаҳрли. У гўё кўнғироғимизни дарахтдан юлиб олмоқчидай бўлиб, ипни жон-жаҳди билан тортқиларди.

Шу пайтда мен уни таниб қолдим. Мени тушларимга кириб кўрқитиб чиққан, мушуклар кушандаси, илоҳа Бастнинг қарғишига учраган малъун махлуқ айнан шунинг ўзи эди. Мен унинг маҳкумлигини кўриб турган бўлсам-да, ундан шундай кўрқдимки, суякларим зирқираб кетди.

У менинг уйдан чиқиб дарахт олдига учгандай келиб қолганимни пайқамасди, энди эса мен бир зумда дарахтга чиқиб кетдим, унинг иси етиб бормайдиган энг баланд шоҳга ўрнашиб олдим. Қоронғи тушмагунча ўша ерда қимирламай ўтирдим.

Ҳа, мен илоҳа бўлатуриб, оддий бир бандадан қочдим. Нега шундоқ бўлганини ўзим ҳам билмайман.

*Давоми бор.*





Уолт УИТМЕН

## Кўкат барглари

### ТУШИМДА БИР ШАҲАР КЎРДИМ

**Т**ушимда бир шаҳар кўрдимки, оламдаги барча мамлакатлар  
ёпирилса-да, ожиз эмиш уни енгмоққа,  
Дўстлик шаҳри экан тушда кўрганим, ҳеч ким ўнгда кўрмас бунақасини,  
Бу шаҳарда жуда баланд экан муҳаббатнинг баҳоси,  
Оқшому наҳор ўша муҳаббатнинг тафти бор шаҳар аҳлининг ҳар бир ишида,  
Ҳар сўзи ва ҳар боқишида.

### БИРИНЧИ ҚОҚИГУЛ

Сўлим, содда ва гўзал: тарк этиб қиш асирлигини,  
Майса қоплаган, офтоб илитган кандукдан чиқиб,  
Баҳорий илк қоқигул юз очди умидвор,  
Гўё бу дунёда на ясан-тусан, на сиёсат бор, на пул ташвиши,  
У покиза, ювош эди, шафақдай заррин.

### СЕНГА

Эй, ногоҳ дуч келган йўловчи, агар оёқ устида туриб, менга  
дил очмоқчи бўлсанг, очавермайсанми?  
Мен ҳам сенга кўнгил ёрсам, ким монелик қилар?

**Хусниддин  
ШАРИПОВ**  
таржималари

Уолт (Уолтер) Уитмен 1819 йил 31 май куни Нью-Йоркдан эллик чақиримча наридаги Уэст Хиллс қишлоғида туғилди. Оила деҳқончилик ва қурувчилик билан кун кечирарди. Шунинг учун, эҳтимол, меҳнаткаш инсонга ҳурмат ҳисси Уитменнинг қонқонига болалигидан сингиб кетган, кейинчалик шеър бўлиб униб чиққандир. У одамнинг ҳам руҳан, ҳам жисман гўзаллигидан илҳомланди, гўзалликни улуғлади.

Мен ҳам Уитмен шеъриятининг ўзига хос дунёси ҳақида қарийб ўттиз йил, уни дастлаб таржима қилган давримдан буён ўйлаб юраман. Бу сирга Иван Тургенев, Стивен Крейн, Амир Райҳоний, Ҳамид Олимжон, Нозим Ҳикмат, Карл Сендберг, Миртемир, Уолтер Лоуэнфэлс каби ўнлаб шоирларнинг сарбаст шеърларидан жавоб изладим; “Забур”ни қараб чиқдим; ўзбек







## ЧИРОЙЛИ АЁЛЛАР

Бир аёл ўлтирар, бошқаси юрар, бири ёш-у, бирови кекса,  
Ёшлари чиройли, кексалари эса улардан ҳам анча гўзалроқ.

### АЖОЙБОТ

Ким, нега яратар шунча ажойботни?  
Агар менга келсак, ажойботдан ўзга ҳеч вақони билмаганим  
учун бўлса керакки,

Хоҳ Манхеттен кўчаларидан сайр этиб ўтай,  
Хоҳ кўкка интилган уйлар томига ташлайин назар,  
Хоҳ оромгоҳ кумлоқда сув ёқалаб оёқ яланг юрганимда ҳам,  
Хоҳ ўрмон аро, дарахтлар остида турганимда ҳам,  
Хоҳ суҳбат қурайин кўнглим торганлар билан,  
Хоҳ маъшуқам ила ўтказай тунни,  
Хоҳ ўлтирай ўзгалар билан дастурхон узра,  
Кўзим тушадими ё машина рулин тутган мусофирларга,  
Ё бир қиёмга етган ёзнинг кунда асалпаз ариларнинг ин теграсида  
ғужғон ўйнашини кузатаманми,

Ёки жониворларнинг далаларда ўт чимдишини,  
Ёки қушлар, ҳашаротларнинг парвоздаги жозибасини,  
Ёки шафақ ловуллаши-ю, сокин ва ёрқин юлдузларнинг гўзаллигини,  
Ё баҳорий бир тунда нозик ҳилол жилвасини томоша қиламанми,  
Буларнинг барчаси, ҳатто айтилмаганлари, униси ҳам, буниси  
ҳам, ҳа, ажойбот бўлиб кўринар менга,  
Ҳаммаси — ўз ўрнида, ўзига хос, турар ярашиб.

Ажойбот эрур наздимда нур ва зулматнинг ҳар бир соати,  
Ажойбот эрур оламнинг ҳар бир сиқими,  
Ажойбот эрур ер саҳнининг ҳар бир қаричи,  
Ботиний дунёнинг ҳар парчаси ҳам ўшади, ўша.

Менинг назаримда, денгиз ҳам давомидир ажойботнинг,  
Ана — биланглаган балиқлар — қоялар — кўпирган тўлқинлар —  
одам ортмоқлаган кемалар.  
Қанақа ғаройиб ажойботлар бўларкин унда?

### УЗОҚ ВАҚТ, ЭЙ АМЕРИКА, ЖУДА УЗОҚ...

Узоқ вақт, эй Америка, жуда узоқ вақт  
Текис ва тинч йўллардан саёҳат қилиб, фақат шодлик,  
ободликдан сабоқлар олдинг,  
Лекин энди, мана энди ташвишлардан дарс олмоқ, даҳшатли  
офатлар билан чекинмасдан олишмоқ фурсати етди,  
Мана энди фарзандларинг ҳамма-ҳаммаси кимлиги ва қандайлигин  
аниқлаб олмоқ ва жаҳонга кўрсатмоқ мумкин  
(Ахир, фарзандларинг ҳамма-ҳаммасин не сиёқли эканини  
ҳозиргача мenden ўзга ким ҳам биларди?)

### ОСЦЕОЛА

Мен ақлимни анча-мунча таниган пайтларим (1838 йил ўрталари)да Нью-Йорк штатининг Бруклин шаҳрида Молтри (Жанубий Каролина) қалъасидан қайтиб келаётган бир ҳарбий денгизчи билан учрашиб қолдим. Узоқ суҳбатлашиб, ундан қуйида ҳикоя қилинган воқеа, яъни Осцеоланинг ўлимини эшит-

дим. Осцеола семинўл қабиласининг навқирон ва довюрак сардори эди. Флоридадаги уруш кунлари у бизнинг аскарларимизга таслим бўлиб, қамоққа тушди ва Молтри қалъасида айнан “дилхасталик”дан ўлди. У озодликни соғина-соғина шу касалликка чалинган эди. Шифокор ҳам, зобитлар ҳам унга хайрихоҳлик билан қарашар, қамоқ азобларини енгиллатишга ҳаракат қилишарди. Оқибати эса шундай тугади.

Яқинлашиб келгач сўнги нафаслар,  
У аста кўзғолди полосдан,  
Жанговар зирҳи ва кўйлагин кийиб, қайишларин тортиб боғлади,  
Тасма-ла ўради оёқларини,  
Шундан сўнг қирмизий бўёқларини келтиришни буюрди  
(унга тутиб туришарди ўз кўзгусини),  
Юзининг ярмини, бўйнини, билагини, кафтини бўяди бирма-бир,  
Белбоғига осди яхшилаб тери шиладиган овпичоғини, кейин яна  
ёнбошлаб бир оз, ҳордигини ёзди,  
Кейин яна кўрпасидан туриб, ҳаммага қўл бериб хайрлашди у  
жилмайганча жим  
Ва, беҳол, қулади полосга; сўнг қаттиқ сиқди-ю томагавк сопин,  
Қотиб қолди сўнгги нигоҳи хотини ва болаларида.  
(Зора унинг номини, хотирасини, жони қандай узилганини асраб  
қолса ушбу қисқа сатрлар.)

## О, ДАРҒА, МЕНИНГ ДАРҒАМ!

Кема мўлжалга етди, о, Дарға, менинг Дарғам,  
Бўронлар ортда қолди, сув ости тошлари ҳам.  
Ана, олдда бандаргоҳ, одам гавжум қирғоқда,  
Хушқомат кемамизга, бизларга кўз тутмоқда.

О, раббим, о, худойим!  
Даҳшат солар қизил қон!  
Менинг дарғам палубада  
Музлаб, ётибди бежон.

О, Дарға, менинг Дарғам, туриб атрофингга боқ,  
Шайнингга карнай янграб, кўтарилмоқда байроқ.  
Гулчамбар ва дасталар сенинг учун тузилган,  
Халқ зиналар пойида ҳурматингга тизилган.

Отам! Қўлинг бер менга!  
Тилсиз, худди совуқ тош  
Палубада ётишинг  
Тушдир балки, кўзинг оч!

Эшитмас мени Дарға, жавоб ҳам бермас, эвоҳ,  
Ҳеч нарса сезмас қўли, лаби қисилган, оппоқ.  
Кемамиз эсон-омон, мана, ташлади лангар,  
Кураш, жанг оташлари оша кучди у зафар.

Кувон, халқ! Янгра, карнай! —  
Кема етди мўлжалга!..  
Палубада ётар Дарғам,  
Кулоч ёзиб ажалга.

## ЎЗ ҲАҚИМДА ҚЎШИК

(Достондан лавҳалар)

Мен ўзимни олқишлайман ва ўзимни куйлайман,  
Менга неки маъкул бўлса, маъкул тушар сизга ҳам,  
Чунки менинг ҳар заррам сизнинг ҳам заррангиздир,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Мен юрибман бекор, мана, қалбимни дараклаб,  
Юриб-юриб, эгиламан эринибгина ва нигоҳим қадалади ёзнинг бир  
кўкатига.

Менинг тилим, қонимнинг ҳар зарраси шу тупроқ ва шу ҳаводан яралган,  
Менки,  
Шу заминлик аждодлардан шу ерда туғилмиш ота-онанинг шу ерлик ўгли,  
Ўттиз етти ёшимда, соғу саломат, қўшигимни бошлайман  
Ва умид қиламанки, ўлгунимча давом этар у.

Сокинлик истаган ё мағрур диний таълимотлар, оқимлар  
Энди қўлмак каби олинар эсга,  
Яхшию ёмонга бағримда жой бор, ҳатто инкор этса ҳам мени,  
Ахир тафтиш қилмайди азалий оташин табиат.

\* \* \*

Қочоқ қул ҳовлимга чошиб кирди-ю, тўхтади уйимнинг ёнгинасида,  
Оёғининг остидаги шох-шабба шилдираганини эшитдим,  
Ҳолдан тойган у шўрлик бир холада ўлтирганини ошхонам  
эшигининг тирқишидан кўрдим-у,  
Олдига чиқдим, уйга олиб кирдим, юпатдим  
Ва сув келтириб, тоғорани тўлдирдим, тер босган баданини,  
яра-чақа оёғини ювиб олсин, деб,  
Ётоғим ёнидаги хонани унга бердим, топ-тоза бўз кўйлак  
узатдим;  
Ҳамон чиқмас ёдимдан унинг аланг-жаланглаб, хижолат ва  
чўчиброқ тургани,  
Унинг шилинган бўйни ҳамда иликларига дори-дармон қилганим  
ҳам ҳамон ёдимда;  
У бир ҳафта яшади менинг уйимда, бир оз ўзига келгач,  
шимолга жўнаб кетди,  
Дастурхон ёзилганда ўтқизардим уни ёнимга, овмилтигим эса  
бурчакда эди.

\* \* \*

Бу дастурхон ҳамма учун ёзилган, бу таомлар барча-барча  
дарҳақиқат очлар учун қўйилган,  
Яхши-ёмон демасдан, мен ҳаммага висол тайин этганман,  
Ҳеч бирини хафа қилиб, қолдирмасман кўчада,  
Ўғрими ё текинхўр, кимнингдир ўйнашими, келаверсин, марҳамат,  
Лаби дўрдоқ қул бўлса ҳам, марҳамат, сўзакманд бўлса ҳам;  
Ранжитмагай бунда ҳеч ким ҳеч бир кимсани.

Сен, эҳтимол, мени фирром, бирор хуфия нияти бор киши дея чўчирсан,  
Тўғри, менда ният бор, лекин у  
Худди апрель ёмғиридай мусаффо, қоялардан сизиб чиққан томчи  
каби беғубор.

Сен, эҳтимол, ўйларсан ҳайратга солмоқчи деб!  
Нима, кундузги зиё ҳайратга соладими? Ёки қизилқуйруқнинг  
дарахтзорда саҳарлаб куйлашидан ҳеч бир киши  
ҳайратга тушадими?

Наҳот мен улардан кўпроқ ҳайратомуз бўлсам?

Ҳозирги бу гапларим ўртамизда қолсин,  
Сендан ўзга ҳеч кимсага айтмас эдим буни, бир ўзингга айтдим.

\* \* \*

Энди сизга айтиб берай болалигимда, Техасда эшитганим бир воқеани.

Бу — тўрт юз ўн икки навқирон йигит совуққонлик ила қандай  
қириб ташлангани ҳақидаги бир қисса.  
Саф-сафга турдилар улар чорқирра бўлиб, фақат ашқал-дашқаллари  
қалқон эди уларга,  
Ярадор бўлиб полковниклари, ўқлари ҳам тугаган эди,  
Улар яхшиликча таслим бўлишди, муҳрли қоғоз ҳам олишди,  
қуролларин топшириб, ҳарбий асир сифатида йўл олишди  
уруш ортига.

Техас ўспиринларининг сараси эди улар,  
Илғор эди ҳар бири от чопса ҳам, ўқ отса ҳам, куйласа ҳам,  
қувнаса ҳам, севса ҳам,  
Қайноқ, бўйдор, сахий, мағрур, жазман, чиройли,  
Соқоллари, ўзлари ҳам офтобда жизғанақ, барчаси ҳам кенгу  
мўл овчи кийимида,  
Бирортасин ёши эса ўттиздан ўтмаган.

Эртасига, якшанбада, взводма-взвод олиб чиқиб, бирин-кетин  
ўлдира бошлашди уларни; баҳорнинг бир гўзал тонги эди,  
Соат бешда бошланган иш саккизларда тугади.  
— Тиз чўк! — деб буюрдилар. Лекин бирортаси ҳам буйруқни бажармади,  
Баъзилари, қони қайнаб, бекор олға ташланди, баъзилари, эси  
оғиб, қотиб қолди жойида,  
Баъзилари, чаккаси ё юрагидан ўқ еб, қулади дарҳол, тириклар  
ва ўликлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди,  
Чала ўлик ярадорлар тирноқлари билан ер тирнаганда, янги  
ҳайдаб келинганлар кўриб турар эди уларни,  
Жони чиқмаганлар, ўрмалаб, ҳаракат қиларди қочиб қолишга,  
Уларни найза ёки қўндоқ билан тинчитишарди,  
Ҳали ўн еттига кирмаган бир йигитча шундоқ ёпишдики ўз жаллодига,  
яна икки жаллод чақиринди уни кутқармоқ учун,  
Уларнинг кийимин бола чилпаррон қилди ва учовин бўяди ўз  
қони билан.

Соат ўн бирда мурдаларни куйдириш бошланди,  
Тўрт юз ўн икки навқирон йигитни қандоқ ўлдирганлари ҳақидаги  
ҳикоя мана шу.

\* \* \*

Соатлар ўлчайди дақиқаларни, лекин мангуликнинг соати борми?  
Триллионлаб баҳор ва қишни чуваб битирдик,  
Олдимизда эса триллион карра триллионлар турибди ҳали.

Бизга беҳад бойлик инъом этган бўлса аввал туғилганлар,  
Кейин туғилгувчилар ҳам ҳали янги бойликлар келтиришар бизга.

Ҳамма нарса бир-бирига тенгдир: на униси катта-ю, на буниси кичик!  
Ўз вақти ва ўрнини эгаллаган ҳар нарса барча ўзга нарсаларга  
мутаносибдир.



Менинг оға-иним, менинг синглим, айт-чи, сенга шафқатсизлик  
қилдиларми, ҳасад қилдиларми одамлар?  
Раҳмим келади сенга, лекин менинг ўзим одамлардан на газаб,  
на ҳасад кўрганман,  
Атрофимда кимки бор, менга меҳр кўргузди, арзга асло ўрин йўқ.

(Дарҳақиқат, нимадан арз қилай?)

Неки яратилган бўлса, мен унинг чўққисиман, истиқбол куртагиман,  
Мен зинанинг энг баланд поясига етдим,  
Хар пояда — асрлар, асрлар бор пояларнинг орасида ҳам,  
Биронтаси қолмади, ҳаммасини босиб ўтиб, интиламан ундан  
ҳам юқорироққа.

Кўтарила бораман ва шарпалар қолиб кетар ортимда,  
Пастда эса, тубанларда аслий улкан Ломакон чалинади кўзимга,  
биламанки, мен ҳам унда бўлгандим,  
Мен унда кўп замонлар мудроқ зулмат кучоғида кўзга кўринмай  
яшаб, ўзим ҳам мудраганман,  
Навбатимни кутганман ва углерод дудларидан эсон-омон ўтганман.

Пинҳон яшадим узоқ, жуда-жуда узоқ.

Олам мени яратгани узоқ меҳнат қилди,  
Мени йўлга солгувчи қўллар меҳрибон ва ишончли эди.  
Фазовий шамоллар, чарх уриб, бешигимни элтарди олға, абжир  
қайиқчилардай эшкак эшиб бетиним,  
Айланиб ўз доирасида, менга жой берарди юлдузлар ўзи,  
Мен она қорнидан чиққунча йўлимни ёритди қанча авлодлар,  
Ялқовлик қилмади тухмим ҳеч қачон, тўхтата олмади уни ҳеч нарса.

Уни деб, фазовий туманлар, қуюқлашиб, сайёра бўлди,  
Қатламлар қатланди узундан-узун унга таянч яратмоқ учун,  
Унга улкан ўсимликлар ем қилди ўзини,  
Сўнг баҳайбат эчкиэмарлар тил остида авайлаб уни, ундан нари  
олиб кетдилар.  
Дунё дунё бўлганидан бери ишлади тинмай мени яратмоқ ва шод  
этмоқ учун,  
Турибман бу ерда ниҳоят, мана, менга ҳамроҳ чайир қалбим ҳам.

### ЁШЛИК, КУНДУЗ, КЕКСАЛИК ВА ТУН

Улкан, оташин ва севги ёр ёшлик — назокатли, кучли, жозибадор ёшлик,  
Биласанми сенинг изингдан худди ўшандай назокат, куч, жозоба  
билан кексалик келиши мумкинлигини?!

Еллар ювиб ўтган ажойиб бир кун — қуёши беқиёс, тиниб-тинчимас,  
ўзига ишонган, қаҳқаҳли бир кун  
Изидан, миллионлаб қуёшни тўсиб, тун келар ва зулмат  
таратганича, уйқуга кетар.

Саъдулла ВАННУС

# Султон барибир султон

*Икки қисмли томоша*

ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР:

Султон.  
 Вазир.  
 Жаллод.  
 Қўриқчилар бошлиғи.  
 Маймун.  
 Абу Аза ал-Муқаффал.  
 Ум Аза, *унинг хотини.*  
 Аза, *унинг қизи.*  
 Арқуб, *унинг хизматкори.*  
 Таҳо шайх, *мулла.*  
 Шоҳбандар, *савдогарлар бошчиси.*  
 Убайд.  
 Зоҳид.

Воқеа бўлиб ўтадиган жой — хаёлий мамлакат.  
 У содир бўладиган вақт — ҳамма давр.

## МУҚАДДИМА

Иштирок этувчи шахслар сахнада сайёҳ актёрлар гуруҳи каби пайдо бўлади. Улар хушчақчақ, цирк кўзбоғлагичлари ва акробатларига хос чаққонлик билан томошабинлар кўз ўнгида ўзлари ўйнайдиган қаҳрамонларнинг либосларини кия бошлайдилар. Шу тарзда сахнада

**Мирпўлат**  
**МИРЗО**  
 таржимаси

Саъдулла Ваннус араб драматургиясининг кўзга кўринган на-  
 мояндаларидан бири саналади. У 1944 йили Сурияда туғилган.  
 С. Ваннус ўз пьесаларида асосан тарихий мавзуларни ёрита-  
 ди. Шу боисдан бўлса керак, театршунос олимлар унинг дра-  
 маларини тарих томошалари дея талқин қиладилар.  
 С. Ваннус ўз асарларида мозий саҳифаларини жонлантирар  
 экан, уларнинг руҳига бугунги куннинг теран муаммоларини,  
 ўй ва ташвишлари, орзу ва умидларини маҳорат билан синг-  
 диришга интилади.  
 Таниқли араб драматургининг мазкур ва “Мамлук Жаббор-  
 нинг боши”, “Фил. аъло ҳазратлари” номли пьесалари жаҳон-  
 нинг кўп сахналарида муваффақият билан ўйналган.  
 С. Ваннус пьесалари ўзбек тилига илк бор ўгирилмоқда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

50

Султон, вазир, жаллод, қўриқчилар бошлиғи, Маймун, Абу Аза ал Муқаффал, Ум Аза, Аза, Арқублар пайдо бўладилар.

Таҳо шайх ва савдогарлар бошлиғи Шоҳ бандарни ўйновчи икки актёр сахнанинг тўрига ўтиб, арқонларга осилган қўғирчоқлар билан машғул бўладилар. Саҳна олдида Убайд ва Зоҳид чиқиб келади — томошани бошдан-охиригача улар бошқаришади.

**У**байд (*бошқаларнинг шовқин ва овозини босиб*). Бу ҳаммаси — ўйин!  
Абу Аза. Ҳаммаси ўйин!  
Султон. Биз шунчаки томоша кўрсатамиз!

Бир муддат ҳамма иштирок этувчи шахслар ҳар хил овозларда буни такрорлашади. Кейин Убайд таёғи билан полга қаттиқ уради. Ҳамма жим қотади.

Убайд Хўш, тайёرمىсизлар?  
Овозлар (*ҳар хил тарзда*). Ҳа, ҳаммамиз тайёرمىз! Қани бошлайлик!  
Жаллод. Сўрасам майлими? Мен кимни ўйнайман — жаллодними ёки қўриқчилар бошлиғиними?  
Зоҳид. Сенга бари бир эмасми?  
Жаллод. Менинг кўлимдаги қилич эмас, ойболта-да.  
Убайд. Майли. Жаллод бўла қол. (*Ҳаммага мурожаат қилиб*.) Хўш, бошлай-мизми?

Қатнашувчи шахслар икки гуруҳга ажраладилар. Уларнинг биринчисини Зоҳид бошқаради. Улар — Арқуб, Абу Аза, Ум Аза ва Аза. Убайд атрофида Султон, вазир, жаллод, қўриқчилар бошлиғи, Маймун тўпланади. Гуруҳлар бир-бирига бақамти туришади.

Таҳо шайх ва Шоҳбандар. Биз қаяққа?  
Убайд. Мулла Таҳо шайх ва Шоҳбандарлар чеккага чиқишсин-да, қўғирчоқларни ўйнатишсин.

Таҳо шайх Шоҳбандар саҳна тўридаги аввалги жойларига қайтишиб, яна қўғирчоқлар билан машғул бўладилар. Убайд ва Зоҳид сахнанинг бошқа бурчагига ўтишади.

(*Таёғи билан полга уради.*) Шундай қилиб...

Арқуб (*унинг орқасидан биринчи гуруҳ жой олган*). Бошлашимиз мумкин.  
Жаллод (*унинг орқасидан иккинчи гуруҳ жой олган*). Бошлаш мумкин эмас.  
Арқуб. Мумкин!

Жаллод. Мумкин эмас!

Арқуб. “Мумкин” ва “мумкин эмас”ларнинг ўзаро олишувлари асносида ба-шарият тарихи дунёга келган. Биз — камбағаллар, уйсизлар, йўқсиллар, — майли, яна нималар деб аташмасин, — “мумкин” деган сўз учун курашишдан ҳеч қачон чарчамаймиз!

Жаллод. Бу дунёнинг кучлилари — бизлар-чи? Қироллар, шаҳзодалар, султонлар, боёнлар. Биз ҳам “мумкин эмас” нарсаларни тақиқлашдан ҳеч қачон толмаймиз.

Арқуб. Биз жонимизни жабборга берамиз.

Жаллод. Биз ҳам қараб турмаймиз.

Арқуб. Ҳамма шу борада асрлар давомида баҳс куриб келади. Эндиликда эса... (*Чайналиб, қўлларини ҳолсиз туширади.*) Буни узоқ тушунтириш керак. Муҳими, бизнинг қудратли давлатимиз қатъий бир тартиб жорий қилди, яъни шунга кўра юртга қанчалик изн берилса, шунчалик ман ҳам этилади. Муваффақияту собит имон, омадсизлик ва тушкунлик орасидаги мувозанат путур топмаслиги учун эса...

Арқуб. Тасаввур қилмоқ...

Жаллод. Мумкин.

Арқуб. Хаёл сурмоқ...

Жаллод. Мумкин.

Арқуб. Орзу қилмоқ...

Жаллод. Мумкин, лекин эҳтиёткорлик билан.

Арқуб. Бу орзунинг рўёбга чиқмоғи...

Жаллод. Мумкин эмас.

Арқуб. Хаёлнинг ҳақиқатга айланмоғи...

Жаллод. Мумкин эмас.

Арқуб. Тасаввурнинг тартибсизликларга сабаб бўлиши ҳам...

Жаллод. Мумкин эмас.

Арқуб. Шавқатли салтанатимиздаги қанчалик изн берилса, шунчалик тақиқланади, деган қоида мана шу тарзда юзага келган.

Май мун. У ҳолда ўзимизча бир мамлакатни хаёлга келтирамиз...

Аза. Қандайдир бир тарихий воқеани ҳам хаёлан тўқиймиз...

Султон. Майли-майли, буларнинг бари хаёл бўла қолсин.

Арқуб. Энди орзу қилишга бошлаймиз. Зеро ҳар биримизнинг ўз орзуимиз бор ва у изимиздан соядай эргашиб юради, бир зум ҳам холи қўймайди. *(Қичқиради.)* Келинлар орзу қиламиз! Орзу қилиш мумкин!

Жаллод. Лекин... эҳтиёткорлик билан.

Арқуб. Йўқ-йўқ, булар шунчаки орзулар, ҳеч қачон рўёбга чиқмайдиган ва ҳеч нарсани ўзгартира олмайдиган орзулар, холос. Хуллас, орзу қилинлар! Орзуга изн берилади!

Ҳамма иштирок этувчи шахслар саҳнага тарқаб кетдилар ва бир-бирларидан ўтиб тушиб, ўз орзулари ҳақида гапира бошлайдилар.

Абу Аза *(телбалардек гир айланганча, ҳиргойи қилиб, рақсга тушади)*.

Султон бўлсам эди бу мамлакатда,  
Олардим улусни қўлимга маҳкам.  
Оқ қоғозга босиб муҳрни тезроқ  
Билмасдим — дунёда нима ғам-кулфат?

Икковин савалаб-тепкилаб роса,  
Сўнг мени тарк этган, талаган манфур  
Дўстларнинг олдига борардим шоша  
Ва барин зиндонга тикардим бир қур.

Таҳо Шайх — у маккор товламачини  
Осардим ўзининг салласига нақ.  
Шоҳ Бандарни ҳам соғ қўймасдим, чунки  
Иккиси бозорда ҳукмдор мутлақ.

Агар мамлакатда бўлсайдим султон,  
Кетарди ёвларим дунёдан бадар.  
Кейин ёзар эдим тўкин дастурхон,  
Майхўрлик қилардим то тонгга қадар.

Ум Аза *(қўполлик билан уни туртади)*. Ақлдан озиб қолди бутунлай! Сен аввал каллангдаги аҳмоқона фикрларни йўқотсанг бўларди.

Абу Аза

Кейин бу қариган қоқвош кампирни  
Алишардим мингта гўзал жазманга!

Ум Аза *(мулоҳаза билан)*. Мен нима қилишим керак энди? Арз-додимни кимга айтай? Эрим бутунлай ақлини еб қўйиб, ароқхўр, бекорчихўжага айланди. Атрофдагиларнинг ҳаммаси қаллобу фирибгар. Улар уни талаб, шўрини қуритишиб, бор будини шилиб олишди. Ҳамма нарсамизни сотиб бўлдик, бошимиздаги том билан тагимиздаги иккита бўйрамиз қолди, холос. Ҳикилдоғимизга қадар қарзга ботганмиз. У эса эсини йўқотгунча ичиб, валдирагани-валдираган. Яккаю ягона қизимиз бор, энди уни биронта дуруст хонадон сўраб келмайди. Додимни кимга айтай? Қўлимдан келсайди, султонга бориб арз қилардим. Балки у бизни бу тубсиз чоҳдан қутқариб олар?

Абу Аза.

Султон бўлсам эди бу мамлакатда  
Улусни қўлимга олардим маҳкам.

Арқуб. Нима ҳам дердик, майли, орзу қилаверсин... Орзу учун ҳаммага изн берилган.

Вазир. Мен вазир Барбирман, лақабим — Ёмон кўз. Менинг орзуим битта — ҳамиша Султон билан ёнма-ён бўлишдир. Унга маслаҳатлар бериб, фикр-мулоҳазаларимни айтиб туриш ва мамлакат сиёсатини бошқаришдир.

Султон. Мен эса — ҳамма орзу қилган одамман. Султон менинг ўзимман! Шундоқ экан, мен нимани ҳам орзу қилишим мумкин? (*Ғамгин.*) Ҳеч нарсани. Менга ҳеч нарса керак эмас, шунинг учун ҳам жуда зерикапман, вазир. (*Кетади.*)

Вазир. Мен — сизнинг соянгизман, ҳамиша изингиздан қолмай юраман. (*Султон ортидан эргашади.*)

Арқуб. Менинг исмим Маймун. Мен султонни кўриқлайман, унинг хобхона-сига ва тахтига соқчилик қиламан. Бирдан-бир орзуим — олампаҳоим зериккан пайтларида мени баъзан-баъзан ёдга олсалар, бас.

Аза (*тортинчоқлик билан, нигоҳларида орзулари ёниб. Унга Арқуб ошиқона термулади.*)

У узоқ мамлакатлардан ташриф буюради. Шаҳарга шамолдек ёки бўрондек кириб келади. Юзи худди кўёш каби нурлидир, нигоҳлари шамширнинг дамидек учкун сочади. Уни бир кўрган жамики эркаклар кўрққанларидан уйларига яшириниб оладилар. Кўчалар бўм-бўш бўлиб қолади... Шаҳарни телбалик ва тубанлик, зулм ва ҳақорат тарк этади. У куюндек чарх уриб, айланиб, мени топади. Ўшанда унинг юзлари меҳрдан янада нурланади. Бизга сўзнинг ҳожати бўлмайди, чунки унинг қалби менинг қалбим билан ҳамоҳанг ура бошлайди. Шунда биз кокилдаги икки тола сочдек бир-биримизга боғланамиз ва бошимиз оққан томонларга, узоқ-узоқларга йўл оламиз. Узоқ-узоқларга... Ҳаволари мусаффо, ҳаёт қувончлари лиммолим ёқларга. У ёқларда ҳамма одамлар тенг яшайди, ҳеч ким очликдан, ҳақоратдан азоб-укубат чекмайди. Мен у томонларнинг қардалигини яхши биламан. Фақат жуда олисларда... Мен уни кутмоқдаман, унинг йўлларига кўзим тўрт, кутишдан сира чарчамайман.

Абу Аза (*кўшиқ айтиб, рақс тушади.*)

Кейин ёзар эдим дуркун дастурхон,  
Майхўрлик қилардим то тонгга қадар!

Арқуб. Орзу қилинглар! Ҳамманглар орзу қилинглар!

Жаллод. Кўнгли юмшоқ одамлар бош кесишни жуда разил иш деб ҳисоблайдилар. Ҳатто айрим нотавонлар менга ўхшаган жаллодларни уйқусизлик касалига мубтало деб ўйлашса ҳам керак. Лекин мен сизларга анигини айтаман, билганим учун гапираман, — бу ҳунар ажойиб ҳунар, одамга завқ беради. Болтанинг каллага тушиши ва унинг юмалаб кетишини, сўнг қоннинг фаввора бўлиб отилишини кўриш, кузатиш мароқли эмасми, ахир! Ҳа, бу завқни сўз билан ифода этиб бўлмайди. Султоннинг ўзи буни бир куни синая кўрди. Қатлини ўз қўллари билан амалга ошириш истаги унинг хаёлига қаёқдан келдйкин, билмайман, лекин юзидан аён сездимки, у ҳам худди мен туйган завқни ҳис этди... Агар мен жаллод бўлмаганимда, билмайман ким бўлардим?

Арқуб. Арқубнинг ўзи-чи, у нима ҳақда орзу қилади?

Абу Аза (*айланиб хиргойи қилишда давом этади.*)

Оқ қоғозга босиб муҳрни тезроқ  
Билмасдим дунёда — нима кулфат-ғам.

Арқуб (*Абу Азани кўрсатиб*). Бу менинг хўжайиним. Мен эса унинг хизматкориман. Мен у бадавлат бўлган замонларда унинг хизматига кирганман. Кейинчалик ишлари орқага кетиб, ўзи инқирозга юз тутса-да, мен уни ташлаб кетмадим. У менга кўпдан буён ҳеч вақо тўламай қўйган. Ўзим йиғиб-териб қўйганларимни ҳам қарзга деб тортиб олди. Буларнинг ҳаммасини, албатта, қайд қилиб қўйганман, лекин нега ундан кетиб қолмаганимга ҳануз ўзим ҳам ҳайронман. Унинг менга хўжайинлиги, менинг эса хизматкор эканлигим жудаям эриш туюлади. Ҳамма мени, ундан ҳам ўтиб тушган аҳмоқсан, дейди. Албатта, мени азбаройи олижаноблигим туфайли юрганлигимни гапирадиганлар ҳам йўқ эмас. Лекин ҳақиқатда мен улар ўйлаганчалик аҳмоқ ҳам, олижаноб ҳам эмасман. Ҳамма гап шундаки, мен хўжайинимнинг қизини яхши кўриб қолганман. Агар мен бундан кетар бўлсам, ҳам унинг қизидан айрилган, ҳам пулларимни бой берган бўламан. Унинг мендан қарзи эса кундан-кун ўсиб боряпти, шу кетишда, албатта, бир куни бу қарзлар қизининг сеп-сидирғаси ўрнини босиши муқаррар. Ана шунда унинг қўлидан нима келиши мумкин? Мен ўз ниятимга эришаман. Ва севгилим Азанинг висолига орзуимда эмас, ростакамига етишаман.

Абу Аза. Арқуб! Ортимдан юр!

Оқ қоғозга босиб муҳрни тезроқ,  
Билмасдим дунёда — ғам-кулфат нима?

(Кетади.)

Арқуб (унинг ортидан эргашади.) Ҳечқиси йўқ, қачондир сен менинг изимдан эргашасан... (Атрофга аланглаб, қичқиради.) Сизлар эса орзу қилинглар, орзу қилинглар, орзу қилинглар! Орзуга рухсат берилган! (Кетади.)

Таҳо шайх ва Шоҳбандар (биргаликда). Биз, биримиз бозордан, биримиз масжидданмиз. Ҳаётнинг ҳамма томири бизнинг қўлимизда.

Таҳо шайх. Битта томир — дин, у бутун халқни тутиб туради.

Шоҳбандар. Иккинчиси — озиқ-овқат, савдо-сотик, у ҳам бутун халқни жони демакдир.

Таҳо шайх ва Шоҳбандар (биргаликда). Биз ҳатто саройни, султонни ва бутун сиёсатни қўлимизда тутиб турамиз. Бу — вақтинчалик эмас, ҳамиша шундоқ бўлади. (Ипларга боғланган қўғирчоқларни ўйнатганча, кетишади.)

Убайд Зоҳид ёрдамида орқасига ёстикча боғлаб, букри-гадой қиёфасига киради. Зоҳид эса ҳаммоллар ишлатадиган йўғон арқонни елкасидан сўчириб ташлаб олади.

Убайд. Бизлар эса... яхшиси, тилимизга маҳкам бўлиб, калламизда нима борлигини ошкор қилмаганлигимиз маъқул.

Зоҳид. Биз, яхшиси, чеккада турамиз. Ҳаётда ҳам аслида шундоқ бўлади доим.

Убайд. Бир гал бу жойда пайдо бўламиз, иккинчи гал — у жойда. Лекин иккаласида ҳам ўйиндан ташқари ҳолатда.

*Кўриқчининг ҳуштаги эшитилади.*

Зоҳид. Қочдик.

Улар кўздан ғойиб бўладилар. Кўриқчилар бошлиғи кўринади, кимнидир ахтариб юргандек, саҳнани кўздан кечиради, сўнг кетади.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Ёзув-лавҳа: “Султон зерика бошлаганда ўз фуқароларининг хушхандон ва аломат қилиқларини эсга олади.”<sup>1</sup>

Қасрдаги султон тахти жойлашган хона. Қимматбаҳо гилам тўшалган зина қора оғоч ва фил суягидан ишланган улкан муҳташам тахт турган саҳнга олиб боради. Тахтга олтиндан жило берилиб, унга ёқуту гавҳарлар қадалган ва тирсак суянчиқлари қизил тилини чиқариб турган аждаҳо шаклида ишланган. Унинг теграси бўшлиқ — на бирон ашё, на инсон қиёфаси кўзга ташланади. Тахт жойлашган хона совуқ ва бўм-бўш. Фақат тахт орқасида хос хобхонага олиб борувчи эшик кўзга ташланади.

Султон тахтда ўзининг султонлик либосларига бурканиб ўтирибди. Айни чоғда бу либос кўпроқ филофга ҳам ўхшаб кетади, зеро, у султонни ўрабгина қолмай, унга алоҳида виқор, улуғворлик ҳам бахш этади. Олтин ва қумуш иплар билан тикилган улкан тўн гўё султон вужудини босиб тушгандай, каттақон лаъл ёниб турган салла унинг қошигача сурилган. Султон бу ҳашаму зийнатларга чулганган кўйи ингичка қўлларига улкан асони ҳорғин тутганча ўтирибди. Унинг ёнида вазир, у ҳам асьасая дабдабага бурканган, унинг фақат боши кўринади, холос: Узокроқда, эшик ёнида, тавозе қилганча Маймун турибди. Ёнида жўровоз кўшиқ айтадиган сарой ҳофизлари. Бу саҳнада иштирок этаётганларнинг хатти-ҳаракатлари жуда оддий ва зўрма-зўраки. Бу ҳолат тахт теграсидаги хувиллаган бўшлиққа ишора қилгандек, этни жунжиктирувчи совуқ кайфият яратади.

<sup>1</sup> Ёзув-лавҳани Убайд ва Зоҳид овоз чиқариб ўқийди. (Муаллиф изоҳи.)

Жўровоз ҳофизлар (*куйлайди*).

Сен бизнинг нажотимиз,  
Мунаввар ҳаётимиз,  
Тилақларинг ҳаммаси,  
Орзуларинг барчаси —  
Оллоҳ қилса иноят,  
Бўлур, албат, ижобат,

Тилақларинг ҳаммаси,  
Орзуларинг барчаси.  
Кўзларинг нурли боқар,  
Кўлингдан ҳиммат ёғар.  
Сен — бизнинг нажотимиз,  
Мунаввар ҳаётимиз...

Султоннинг юзи чексиз мунгни ифода этади. Ишора билан ҳофизларни тўхташларини буюради. Улар радиоприёмник ўчгандек бирдан тўхтайдилар.

**В а з и р** (*ҳофизларга*). Кетишингиз мумкин.

Ҳофизлар секин тарқалади. Маймун аввалги, тавозе ҳолатида.  
Ноқулай сукунат чўқади.

Улуғ султоним, айрим шошилич ишларни кўришга майллари борми?

Султон. Кайфиятим йўқ пайтида шошилич ишлар бўлиши мумкин эмас.  
**В а з и р**. Илоҳим сизга яхши кайфият ато этсин.

*Сукунат.*

Султон. Маймун, бармоқларимни уқалаб қўй.

Маймун (*итоаткор қиёфада, кўзларини ердан олмай, султонга яқинлашади*). О, улуғ султон, хоксор қулингизга бу беҳисоб ҳузурлар бахш этгай... (*Тахт қаршисида тиз чўқади ва худди ёмбини тутгандай, эҳтиёткорлик билан, султоннинг қўлини қўлларига олиб, уқалай бошлайди.*)

*Жимлик чўқади.*

**В а з и р**. Кеча сизнинг тахтга ўтирганлигингиз шарафига ўтказиладиган ҳар йилги байрам тадбирлари муносабати билан сарой аъёнлари йиғилишганди.

Султон. Ҳар қанақа майда-чуйда масалаларни муҳокама қилавериш наҳотки уларнинг жонига тегмаган бўлса?

**В а з и р**. О, улуғ султон, сиздаги, баъзан содир бўладиган кўнгили бўшлиқ аломатлари уларни қаттиқ ташвишга солмоқда. Бу сизни ва уларнинг ўзларини ҳам ёмон оқибатларга дучор қилиши мумкин эмиш.

Султон. Уларнинг олампамоҳи жамики хавфли йўлларни аллақачон босиб ўтган, энди уни давлат тақдирига доир масалаю муаммолар сира ташвишга солалмайди.

**В а з и р** (*журъатсиз оҳангда*). Ҳар қалай... Сизнинг тахтга чиққанлигингиз байрами яқинлашиб келмоқда. Ўтказиладиган тадбирлар тараддудини кўрмоқ керак.

Султон (*бир зум ўйга чўмиб*). Йиллар кетидан йиллар ўтиб бормоқда, мен эса ҳамон тахтда қаққайиб ўтирибман.

**В а з и р**. Сизнинг тахтда туришингиз биз учун энг олий бахтдир. Биз мамлакатни ёш келинчақдек ясантириб, сизнинг шарафингизга шу чоққача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиб байрам ташкил қиламиз. Амирларимиз, бойларимиз ҳамда тижоратчиларимиз бу тарихий айёмга атаб ўз совғаларини тайёрлаб қўйганлар. Заргарларимиз соф тиллаю дуру жавоҳирлардан ясалган ҳайкалингизни ўзингизга инъом этмоқчилар. Дўкандорлар жамики байрам иштирокчиларини шойию атласларга буркаш ниятида...

Султон (*вазир гапини кескин бўлиб*). Нима, сен мени тадбиру тадориклар билан лол қолдирмоқчимисан? Ёки байрамда менга совғаю саломлар келишига билдираётган шубҳангми бу?

**В а з и р**. Астафурилло, зинҳор-базинҳор!

Султон. Мамлакатимиз менга ўхшаган султонларнинг жуда кўпини кўрган.

**В а з и р**. Бироқ уларнинг барчаси, ўз бобокалонларингиз ҳам порлоқ ва мунаввар сиймонгиз қаршисида нурнинг олдидаги бамисли ожиз соядирлар. Султонлардан қайси бири сизчалик узоқ ўтирган бу тахтда? Уларнинг қайси бири сизчалик

юртимизда тартиб ўрнатиб, уни обод қила олган? Сизга тенг келадиган султон дунёда ўтганми ўзи?

Султон. Баъзан ўз мамлакатим менга муносиб эмасдек туюлиб кетади. (*Бир зум сукутга толиб.*) Маймун, шу қадар майинки бармоқларинг, улар энг чиройли хотинларимнинг ҳам ҳавасини кўзгатса, ажаб эмас.

Маймун. Бармоқлар ноёб ва бебаҳо нарсаларни силагач, майинлашиб кетади...

Султон (*қўлини тортиб олишга уриниб*). Мана, ҳаммаси ўтиб кетди.

Маймун ихлос билан уқалашда давом этади.

(*Қўлини кескин тортиб олади.*) Этади дедим-ку.

Маймун (*чўчиб тушади ва эшик томонга чекинади*). Маъзур тутинг, улуг султоним!

Султон (*тахтдан қўзғалиб, зиналардан пастга тушади*). Зериккандан зерикиб кетаяпман, кўнглимга чироқ ёқса ёришмайди.

Вазир. Ҳарам сизга мунтазир-ку, ахир, султоним! Унда бир-биридан сулув юзлаб канизақларингиз сизнинг ташрифингизга муштоқдирлар.

Султон. Мени тинч қўй. Ҳарамга хоҳишим йўқ. Мен унда ўзимни кўпикларга чўкиб кетаётгандай ҳис этаман.

Вазир. Амир Уардшоҳникида бугун саройимизнинг зийнати бўлган одамлар тўпланишмоқда. Сиз бу давра тўрида узукка кўз қўйилгандек ўтирсангиз, кўнглингиз жиндек завқ-шавқ олармикин дейман.

Султон. Бунақа давралар жонимга тегиб кетган. Барибир сизлар билан давлат ишларини гаплашишга тўғри келади. Қанақа завқ-шавқ бўлиши мумкин бунда?

Вазир. Хоҳласангиз, шатранж мураббийсини чақириб берай?

Султон. Бари бир у менга ютқазади, бу аниқ.

Вазир. Балки кўнглингиз масхарабозларни тусаётгандир?

Султон. Уларнинг қизиқчиликлари мени аллақачон кулдирмай қўйган. Мен эса кўнглим ёзилишини бирам истаяпманки. Кимнидир таҳқирлаб, мазах қилсам-микин? Ҳа, мана, энди топдим кўнглим нима тусаётганлигини. Кимнидир роса мазах қилиб кулгим келяпти.

Вазир. Садоқатли вазирингиз сиздек улуг султоннинг ҳар қандай таҳқиру ҳақоратларини жон-дили билан қабул қилишга тайёр.

Султон. Сенми? Йўқ. Сени таҳқирлаб, устиндан кулишим дилгир кайфиятимни заррача ўзгартиролмайди. Кўнглим жуда қалтис ҳазилини тусаяпти. Истасам, бутун мамлакатнинг, бутун халқнинг устидан кулишим ҳам мумкин (*Қабулгоҳи бўйлаб ўйчан қадам ташлайди, сўнг Маймунга қайрилиб боқади.*) Маймун! Энди даф бўла қол.

Маймун. Бир оғиз сўзингиз, олампаҳо! (*Фойиб бўлади.*)

Султон. Бир шаҳар айлансак-чи?

Вазир. Мен худди мана шундан қаттиқ хавотирда эдим. Ҳазратим, ўтинаман, ўзингизга бошқа эрмак топинг.

Султон. Бошқа эрмакка майлим йўқ. Сен нимага шаҳарга чиқаман десам, хавотирга туша бошлайсан?

Вазир. Билмайман. Маъзур тутасиз мени, улуг султон. Бироқ бу кийимни ўзгартириб олиб сайр этишлар ҳамиша мени қаттиқ хавотирга солади. Ҳатто қасрга қайтиб кирганимиздан кейин ҳам анча маҳалгача ўзимга келолмайман.

Султон. Сен бизнинг тахтни ва вазирликни йўқотиб қўйишлигимиздан қўрқаётгандирсан?

Вазир. Қандай нобакор шундоқ хаёлга бориши мумкин! Мен бундай фикрдан мутлақо йироқман, лекин шаҳар аҳолисининг қурбақадек вақиллашини тўхтатиб бўлармиди? Балким ўзингиз ҳам сезгандирсиз, йўл бўйи бизга фақат оғзи шалоғу шикоятбозлар дуч келди. Ношукур одамларнинг тили узун бўлади. Уларнинг заҳарзаққум тупуклари олампаҳоимга сачрамасин дея менинг доим жоним ҳалак, мабодо заррача сачрагудек бўлсами, сизнинг кайфиятингиз янада бузилиб, кўкрагингиздаги ғазаб учкунлари аланга олиши мумкин. Бундан кўра шаҳарга айғоқчиларни чиқарганимиз маъқул эмасми, — улар ким қаёққа борганини, нима деганини, ким нима ҳақида ўйлаётганини миридан-сиригача қўймай аниқ қилиб етказиб келишадди. Шундай экан, олампаҳоим, нега сизнинг кезишингиз ва гаразу бўҳтонларга рўпара бўлишингиз керак экан?



Султон. Шунинг учунки, бу менга ҳамиша қизиқ туюлиб келган. Ҳар гал шўрлик одамчаларнинг бир тийинлик чақа ёки бир бўлак нон атрофида гир айланишларини кўрсам, юрагимни ғалати бир завқ чулғай бошлайди. Бу чиркин ҳаёт шу қадар ғалати ва кулгилики, унга ўхшаш ҳолатларни бирорта сарой масҳарабози ўйнашга қодир эмас. Бироқ бугун менинг режам бошқача. Мен бугун бутун мамлакатни мазах қилиб, унинг устидан кулмоқчиман ва нималарнидир ўйлаб пишириб ҳам қўйдим. Вазири аъзам, менга оддий шаҳар фуқаросининг уст-бошини келтир.

Вазир. Сиз ростакмига аҳд қилдингизми?..

Султон. Мен буюраман. Буйруғим муҳокамадан ҳам, мунозарадан ҳам мустасно.

Вазир (тундлик билан). Бош устига, олампаҳоҳ. (Султоннинг ётоғига олиб борадиган эшик орқасига ўтади.) Султон (қабулгоҳ бўйлаб ўйчан юра бошлайди). Ана унда кўринг томошани! Менинг, албатта, кайфиятим чоғ бўлади! Юрагимдаги мажхул гусса губори тарқаб кетмагунга қадар ўзимни кулгудан тўхтатмайман. (Асосини даргазаб ерга уради.) Ўшанда, бўлажак байрамдаги маърузамда, эҳтимол, бу ҳақда сўйлаб ҳам берарман.

Асо овозига Маймун чиқиб келади.

Маймун. Хизматингизга шайман, олампаҳоҳ.

Султон. Маймун, менинг қўлларим яна қайтадан увишиб қолганга ўхшайди. (Қўлини унга узатади.)

Маймун чаққон тавозе ва ихлосу эҳтиром билан султоннинг бармоқларини қўлига олиб силай бошлайди.

Бугун мен, афтидан, жуда барвақт ётадиганга ўхшайман.

Маймун. Уйқунгиз оромли бўлсин. Ширин тушлар кўриб ётинг.

Султон. Агар мабодо маликам мени сўраб қолгудек бўлса, айтгин, толиққан-ман, безовта қилишмасин.

Маймун. Мен бу сўзингизни маликамизга зудлик билан етказаман.

Султон. Тонгда эса, кўёш чиқиши билан мени уйғотгин. Аввал оёқларимни уқала. Фақат жуда эҳтиётлик билан. Илкис уйғониб кетишни ёмон кўраман.

Маймун. Олампаҳоҳ, мен субҳи сабодан ҳам майинроқ бўлишга ҳаракат қиламан.

Вазир кириб келади.

Султон (вазирнинг келганини пайқаб). Энди сен боравер.

Маймун (ўрнидан туради). Бош устига, олампаҳоҳ. (Ҳойиб бўлади.)

Вазир. Эҳтимол, аҳдингиздан қайтарсиз, султоним?

Султон. Сенинг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳинг тахтми?

Вазир. Улуғ султонининг ташрифи учун у ҳамиша тахт.

Султон. Буюр, у ёққа нима даркор бўлса, ҳаммасини етказишсин, сўнг ўзлари даф бўлишсин. Биласанми, биз қаёққа йўл олаёғиз?

Вазир. Қаёққа десангиз, жоним билан, олампаҳоҳ.

Султон. Эсингдами, бир сафар нуқул султон бўлишни орзу қиладиган ғалати кимсани учратгандик, унинг мақсади...

Вазир. ...мақсади — ўз бахтсизлиги учун бутун дунёдан ўч олиш эди, ўшамми?

Султон. Худди ўша. Исм-шарифи нима эди?

Вазир. Исм-шарифи... исм-шарифи... чамамда, Абу Аза аль-Муқафтол.

Султон. Бу оқшом ўша кимсанинг олдига йўл оламиз. Ана ўшанда кўрасан, сенинг олампаҳоҳинг қанақа ҳазилни ўйлаб қўйганини. Фақат бундан ҳеч ким огоҳ бўлмаслигини истайман. Маймун мени ухлаш учун ётоққа кириб кетди дея ўйлаши аниқ. Биз эса яширин ер ости йўлагидан чиқиб кетамиз.

Вазир. Қўриқчилар-чи... улар биз билан боришмайдимми?

Султон. Ҳеч бир кимса бормайди.

Вазир. Бироқ ўтган гал қўриқчилар бизни узоқдан кузатиб юришганди. Эҳтиёт лозим, улуғ султон.

Султон. Мен ҳеч бир кимса бормайди дедимми, бас. Кийимимни ўзгартириб олишимга кўмаклаш.

Вазир (*султонга ҳашаматли либосларини ечишда ёрдамлашади*). Бу улугвор либослар елкаларидан тушаётганида нималарни ҳис этдилар, менинг олампаҳоҳим?

Султон. Енгилликни ҳис этипман.

Вазир. Яна?

Султон. Бу нима деганинг, албатта, ҳеч нарса. (*Секин-аста ечинади*.)

Вазир (*ўзи ечинади*). Мен, ростини айтсам, либосларимни ечаётганимда ўзимда қандайдир заифлик ва ожизликни ҳис этипман. Бу, эҳтимол, сизга кулгили туюлар, лекин менинг оёқларим бўшагандан бўшашиб, остимдан ер силжиб кетаётганга ўхшаяпти.

Султон. Биламан, сен вазирлик салтанатидан тушсанг, бир кун ҳам яшолмаслигинг мумкин. Чолвор қани?

Вазир. Мана, олампаҳоҳ.

Кийимни ўзгартиришда давом этадилар.

*Саҳна қоронғилашади.*

## ИНТЕРМЕДИЯ

Ёзув-лавҳа: “Энди бутун халқ кийимини ўзгартириб яшаши керак”.

Шаҳар ташқарисидаги жой. Ҳассасига суйанган қўйи Убайд турибди; елкасида катта букри-си кўзга ташланади. Эҳтиёткорлик билан атрофга аланг-жаланг назар ташлайди, кимнидир ахтараётган кўринади. Бирмунча вақтдан кейин ҳаммол кийимдаги Зоҳид пайдо бўлади.

Убайд. Адашиб қолдингми, деб хавотирда эдим.

Зоҳид (*унга шодон назар ташлаб*). Тангри номига қасам ичаманки, сени кўчада тасодифан учратиб қолсам, танимаган бўлардим.

Убайд. Муҳими, мени соқчилар танишмади.

Зоҳид (*унинг юзига диққат билан тикилади*). Бўяб олдингми буни?

Убайд. Йўқ, ростакамига кўкарган. Нима, жуда сезиладими?

Зоҳид. Бўлмасам-чи, кўкариб, шишиб кетибди-ку.

Убайд. Демак, зиёни йўқ, қайтага яхши.

Зоҳид. Нима, муштлашдингми?

Убайд. Нақ латифанинг ўзи. Бозор оралаб юргандим, бир сотувчининг саватидаги олмаларга кўзим тушиб қолди, бирам чиройли, оғзингнинг суви оқади... Ўйлаб ўтирмай, бир жуфтини олиб, халтамга солдим. У эса пайқаб қолиб, бир ташланса бўладими. Қочишга қочолмайман, мушт ҳам қайтаролмайман, миршабларни чақириб қолишлари мумкин. Имонли одамлар келиб ажратиб олгунларича калтак ейишимга тўғри келди. (*Жилмаяди*). Ҳар қалай, олма бари бир халтамда қолди-ку.

Зоҳид. Сен ақлингни еб қўйибсан, иккита олма учун шунақа иш қиладими? Тасаввур қилсанми, агар тутиб олишганда ва шаҳар миршаблари сени қидирувдаги одам эканлигингни билиб қолишганида нима бўларди?

Убайд. Мен ўзим учун қилганим йўқ бу ишни. Аза учун қилдим, унга бирам олма олиб боргим келгандики.

Зоҳид. Бунақада ўзингга бирон қор-қол қилиб қўясан.

Убайд. Биласан-ку, у қизни жондан яхши кўришимни. Агар у билан танишганимда, билмадим ҳолим нима кечарди. Ака-укаларимникига қадам босолмайман, масжидда эса кийимларини ўзгартириб олган айғоқчилар бисёр, Аза онасини менга жой беришга кўндирди, у бирам ширин муомалали, гапларимни эшитишни жуда ёқтиради... Уларникида ҳар доим ҳузур-ҳаловат топаман, фақат анави хизматкор доим халал бергани-берган. У менга сира тоқат қилолмайди. Кўргани кўзи йўқ. Бирон зиён-заҳмат етказмасайди, деб кўрқаман.

Зоҳид. Демак, сен уни ўзингга оғдира олмагансан. Афсус. Унга ўхшаганлар бизнинг сафимизда бўлиши керак.

Убайд. Қиролларнинг мулоҳазаси қўша бўлади. Албатта, мантиқан олиб қараганда, улар биз билан бўлиши керак. Ҳаётда эса бунинг акси, хўжайинларининг

ҳаёти уларга ҳамиша қизиқ туюлиб, юракларида ҳавас уйғотади. Ва улар таҳқиру хўрланишлар ҳамда ўз соҳибларидек мартабали бўлиш каби ҳою-хоҳишлари орасида мудом иккиланадилар. Ҳолбуки, биз бу масалаларни муҳокама қилиш учун учрашмадик. Хўш, сенда қандай гаплар бор?

Зоҳид. Бир хилват жойни топдик, унда учрашиб туришимиз мумкин.

Убайд. Яхши гап. Бу ҳақда ҳаммани хабардор қилдингми?

Зоҳид. Деярли.

Олисан ўткинчи кўзга ташланади. Убайд бун пайқаб, Зоҳидни туртиб юборади ва аввалги ҳолати қиёфасига киради.

Убайд (*тиланчи овозида*). Ўзингизни ва болаларингизни яратган паноҳида асрасин...

Зоҳид (*ўткинчини кўриб, қиёфага киради*). Сенга худонинг ўзи хайр-садақа берсин. (*Чеккага ўтади*.)

Ўткинчи Убайдга яқинлашади.

Убайд (*ўзича пичирлайди*). Эзгулик — бу худди дон кабидир, ҳар биридан яна еттигадан дон пайдо бўлади. (*Ўткинчи унга тенглашганида Убайд унинг тўни этагидан тортади*.)

Ўткинчи. Уҳ, холи қўй мени!

Убайд. Яратган фарзандларингизни ўз паноҳида асрасин, сизга ҳамиша ҳақ йўлни кўрсатсин.

Ўткинчи (*жирканиб силтаб ташлайди*). Холи қўй мени, дедим-ку сенга. (*Жавраб узоқлашади*.) Пичоқ ўқталиб садақа сўраладиган кунларга ҳам етиб борамиз шу кетишда. (*Кетади*.)

Зоҳид яна Убайд олдида келади.

Убайд (*жулади*). Етиб борамиз, етиб борамиз, оз қолди.

Зоҳид. Нимага етиб борамиз?

Убайд. Бояги ўткинчи, пичоқ ўқталиб садақа сўраладиган кунларга ҳам етиб борамиз, дея башорат қилди.

Зоҳид. Ўшанда гадойлар ҳам бўлмайди.

Убайд. Биз ҳам яшириниб ўтирмаймиз. Қани, гапингда давом эт, намоз пайти яқинлашяпти, ўткинчилар кўпаяди.

Зоҳид. Мурожаатномани ҳамма маъқуллади. Уни Абдулла кўпайтиради. Тахтга чиқилган кун нишонланадиган байрамга ҳаммаси тайёр бўлади.

Убайд. Уни қандай тарқатамиз?

Зоҳид. Ҳамма кўчаларга сочамиз, бу қийин эмас. Бироқ кўпчилик, ўша куни бошқа муҳимроқ ишни ҳам амалга ошириш мумкиндир, дея умид қилмоқда...

Убайд. Бошқа нимани амалга ошириш мумкин? “Йўқолсин султон!” дея қичкириб, ҳаммамиз биргаликда зиндонга равона бўлашимиз керакми?

Зоҳид. Халқнинг қаҳру газаби, дарди шу қадар жунбушдаки, унга бир турткининг ўзи кифоя. Ўшанда тахт лиқиллаб қолади ва бизнинг олдимизда ёрқин имкониятлар очилади.

Убайд. Тўғри. Халқ қашшоқликдан қақшаб, кўрқувдан титраб турибди, бироқ ҳали вақт етилгани йўқ. Иккиланганларнинг ҳар бирига етказ. Султонда ягона йўл — қийноғу қатлларни баттар кучайтириш йўлигина қолган. Биз қурбонлар бермаслик учун пинҳона иш тутишимиз керак.

Кучга миниб олганимиздан кейин эса айни мавридида — эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас, ишга киришамиз.

Азон товуши эшитилади. Узоқдан иккита ўткинчи кўринади.

Ҳали тери ошлаш устахонасидаги кўришувда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги ҳақида ҳам менинг гапларим бор. Бу ерда хавф туғилмоқда. Индинига кун чиқишдаги қабристонда учрашамиз. (*Гадой овози оҳангида*.) Оллоҳ сизни бало-қазодан асрасин.

Зоҳид (*унга садақа узатади*). Кун ботаётган пайтда... (*Кетади*.)

Иккинчи ўткинчи яқинлашади.

Убайд. Бечора ногиронга садақа қилинг. Оллоҳ сизни ва болаларингизни ўз паноҳида асрасин...

*Саҳна қоронғилашади.*

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Ёзув-лавҳа: “Абу Аза ал-Муқафолнинг уйида ҳақиқат ва хаёлот бир-бирига қўшилиб, қоришиб кетди”.

Арабий катта хонадон. Ичкарида икки хонага олиб кирувчи иккита эшик. Ўнг томонда — кўчадан кирувчи кенг эшик. Аза деворга осиглиқ иккита шамни ёқади. Сўнг хонанинг увада тўшак ётган чап бурчагига ўтиб, уни чиройли қилиб тузаб қўяди. Орқа томондан унга Арқуб яқинлашади. Узоқдан Абу Азанинг бўғиқ товуши эшитилади, у хиргойи қилмоқда: “Султон бўлсам эди бу мамлакатда, олардим улусни қўлимга маҳкам...”

Арқуб. Гўзал қиз, мени чақирдиларми?

Аза (*хайрон бўлиб ва қуруққина*). Ҳеч кимни чақирганим йўқ.

Арқуб. Менга эса кимдир жуда майин овоз билан “Арқуб” деб чақиргандек туюлди.

Аза. Сенга шундоқ туюлгандир.

Арқуб. Гўзал қиз менга ҳеч нарсани буюрмайдиларми?

Аза. Ҳеч нарса керак эмас менга.

Арқуб. Юрагим тарс ёрилиб кетай дейди сен бир букри учун нозик қўлчаларингни уринтирганингни кўриб.

Аза. Менинг қўлларимга қайғурмай қўя қол, у ҳақида эса ёмон гапиришга журъат қилма.

Арқуб. Субҳоноллоҳ! Уни кўрарга кўзим йўқ менинг!

Аза. Нима сабабдан шунчалик?

Арқуб. У бу уйда пайдо бўлганидан буён менинг қора кўз, қора қош гўзалимининг нигоҳлари қандайдир хаёлчан ва паришон бўлиб қолди. Ёки сени сеҳрлаб қўйдими — нукул унинг ғамини ейсан? У ростдан ҳам жодугар бўлиб чиқса, сира хайрон бўлмайман.

Аза. Арқуб! Қандоқ бетинг чидади шу гапларни айтишга? У, ахир, хаста одам-ку!

Арқуб. Хаста? Сенингча, мен соғманми? Нега менга юрагинг ачишмайди?

Аза. Сенга нима бўлди?

Арқуб. Бу саволни юрагимни чил-чил қилган одамнинг ўзи бермоқда. Гўё менинг дардим нимадалигини сира билмайдигандайсан! Ахир, менинг букурим уникидан кичкина эмас-ку, боз устига, у менинг мана бу еримда, кўкрагимда ва у нақ юрагимни қаттиқ эзиб турибди.

Аза (*янада қуруқ оҳангда*). Яна бошляяпсанми?

Арқуб. Нима қилай, сенинг бепарволигинг мени ўлдирмоқда. На ётишимда, на туришимда ҳаловат бор...

Аза. Сенга неча марта айтай яна — ҳеч нарсани эшитгим келмаяпти.

Арқуб (*унга яқинлашади, хатти-ҳаракати ва овози ғалати тус олади*). Оҳ, юрагимни эҳтирос алангаси ёндирмоқда! Раҳм қил менга! Сенинг толма белингдир менинг дардим, оғушингдадир унинг шифоси! (*Уни қучмоқчи бўлади*).

Аза (*нафрат билан итариб ташлайди*). Ақлдан оздингми?

Арқуб. Ахир, шундай маҳлиқо ақлдан оздирмаслиги ҳам мумкинми?

Аза. Даф бўл ҳозироқ, йўқса отамни чақираман.

Арқуб. Сен бари бир меники бўласан, Аза, эртами-кечми, меники бўласан.

Аза. Бундан кўра ўлганим яхши. Агар ҳозироқ отамни чақирсам, елканда таёқ синдиради.

Арқуб (*нафрати ва аламини ифодалаб*). Сенинг отанг-а? (*Таҳқиромуз хиргойи қилади*.)

Отанг ҳушёр тортиб, ақли кирган он  
Ҳисоб-китоб қилар бир йўла, ишон.  
Узрлар сўрарсан мендан ўшанда,  
Эй мағрур сарвқад, ой юзли жонон.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Аза (*алам билан*). Нимага бунчалар сур бўлиб кетяпсан, Арқуб?  
 Арқуб. Сенинг бепарволигинг, нозу фироқларинг туфайли, жоним.  
 Абу Аза (*товуши*). Арқуб! Қаердасан, Арқуб!  
 Арқуб. Ана, хўжайиннинг ўзлари чакириб қолдилар.  
 Аза (*бошини чангаллаб, фиғон қилади*). О, худойим, бу дўзахда қандоқ яшаш мумкин! (*Уйнинг ичкарасига кириб кетади*.)

Абу Аза пайдо бўлади.

Арқуб. Лаббай, хўжайин?  
 Абу Аза. Бу ёққа кел-чи. (*Атрофга аланглайди*.) Менга кимнингдир овози эшитилгандек бўлди... Нима, анов аёл ҳали қайтмадим?  
 Арқуб. Қанақа аёл? Уйимизнинг бекасими? Ҳали қайтгани йўқ.  
 Абу Аза. Ўзинг қаёқларга йўқолиб кетдинг?  
 Арқуб. Ҳожат юзасидан чиққандим.  
 Абу Аза. Вақтни топибсан. Сен оламшумул лаҳзага шоҳидликдан қуруқ қолдинг — сенинг соҳибинг тахтга чиқди.  
 Арқуб. Қачон?  
 Абу Аза. Ҳозиргина. Тушида.  
 Арқуб. Қора терга тушиб кетибсиз, толиққандирсиз-да, а?  
 Абу Аза. Нега толиқарканман?  
 Арқуб. Тахтга чиққан бўлсангиз, дейман. Тахтга минорага кўтарилгандек кўтарилишса керак-да, ахир... Унинг зиналари айланма ва қалтис ҳам бўлса керак.  
 Абу Аза. Аҳмоқсан, Арқуб!  
 Арқуб. Сиз жуда ҳам ақлисиз-ку, хўжайин.  
 Абу Аза. Албатта, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Сендек оми йигит тахтга қандай чиқишни қаёқдан ҳам билсин. Сен, чамамда, унга чиқишни томга чиқишдек бир гап деб ўйлайсан, шекилли. Сен бир бор кўргангизда у тахтни! Унинг икки томонида соқчилар адл теракдек саф тортишган, мен улар орасидан гўёки кушдек учиб бордим. Ортимда эса — жами аркони давлат, олдимда — кўшиқ куйлаб турган ҳофизлар. Мен унга кўтарилганимда ҳамма бирдан тавозе билан таъзимга эгилди ва борлиққа сукунат чўкди. Нақадар улугвор лаҳзалар!  
 Арқуб. Ва ўша улугвор лаҳзаларда мени унутиб юбордингизми, хўжайин? Шунча йиллар қилган меҳнатимнинг мукофоти шу бўлдимми? Мени бир зум ҳам кутиб туролмадингизми?  
 Абу Аза. Тентаксан сен. Бунақа ишларда кутиб ўтиришмайди, шоширишмайди ҳам.  
 Арқуб. Ишқилиб, ҳожатимни бажо қилиб келгунимча ўзингизга вазирни таъинлаб қўймадингизми?  
 Абу Аза. Ташвишланма, Арқуб. Ҳали ўзимга вазир тайинлаганим йўқ.  
 Арқуб (*унинг бўйнига осилади*). Сиз менга қайта жон ато этдингиз, хўжайин! Энди тезроқ тайинланг. Бу мамлакатда мендан яхши вазирни топа олмайсиз.  
 Абу Аза. Мен эса ҳали бир қарорга келолмай турибман.  
 Арқуб. Нима учун, соҳибим?  
 Абу Аза.

Вазир керак менга, баҳс не ҳожат,  
 Энг эзгу ишларни қилсин у одат.  
 Мени ардоқласин, кў\*арсин бошга,  
 Жонин қурбон қилсин, келса гар офат.

Арқуб. Худо асрасин! Наҳотки мени қандайдир аҳмоқона қофияни деб қурбон қилиб юборяпсиз-а?!

Абу Аза. Султон қаламига бу қофия жуда муносибдир. Биласанми, мен нима учун иккиланяпман? Мен, албатта, садоқатингни қадрлайман, лекин вазирлик лавозимига тўғри келмайсан деб қўрқаман. Сен жуда ҳам паст табақадансан. Вазир эса зодагон, бой, олийҳиммат бўлиши керак. Сен хафа бўлмагин, оғайни, ҳаммага ўхшаган бир жайдари одамсан-да.

Арқуб. Ҳаммага ўхшаб... Ўзингиз-чи, ҳаммага ўхшамаганмисиз? Ерга тушинг. Балки сиз ўзингизни нақ олтин ёмбининг устида ўтиргандек ҳис қилаётгандирсиз? (*Кетаётгандек тараддулланади*.)

Абу Аза. Менми? Ҳой, тўхта, қаёққа?

Арқуб. Мен бориб сизнинг ва ўзимнинг насл-насабим кимлигини аниқлаб келаман.

Абу Аза. Бу ёққа кел.

Арқуб. Қўйинг.

Абу Аза. Соҳибинг сенга олдига келишингни буюряпти.

Арқуб. Яна нима гапингиз бор?

Абу Аза. Яқинроқ кел. Сен менинг насл-насабим билан қизиқяпсан. Қани, менга синчиклаб боқ-чи. Юзимга, қани...

Арқуб Абу Азанинг бошини қўлига олиб, қулоғидан ушлаб, бошини у ёқдан-бу ёққа дағаллик билан силталайди.

Нимани кўряпсан, хўш?

Арқуб. Нимани кўряпман? Сармаст кўзларни... Сарик терини, ширакайф башарани, бароқ соқолни...

Абу Аза (*жаҳлга миниб*). Соқолимни ўз ҳолига қўй. Наҳотки сен юзимда шоҳлик муҳри акс этиб турганлигини, султон бўлишим муқаррарлигини кўрмаётган бўлсанг?

Арқуб. Йўқ, кўрмаяпман. Мана бу чизиқлар касаллик белгилари, бу эса дунёдан равона бўлмоқлик аломатлари...

Абу Аза (*жаҳл билан Арқубни силтаб ташлайди*). Оллоҳ кўзингнинг нурларини тезроқ сўндирсин-е! Менинг юзимда шоҳлик аломатлари юлдуздек шуъла сочиб турганлиги шак-шубҳасиздир. Ойнага боқиб, бу шуъладан кўзларим қамашиб кетди. Тагин сени ўзимга вазир қилиб оламан деб юрибман-а.

Арқуб. О, мени ушлаб қолинг, бу бахтдан бошим айланиб гуппа йиқилиб тушаман.

Абу Аза. Энди кўряпсанми?

Арқуб. Ҳа-ҳа, мени вазир қилиб тайинлаган дақиқангиздан бошлаб. Бу шуълар юзингиздан учар юлдузлар каби пориллаб учмоқдалар.

Абу Аза. Агар сен ўзингни шундоқ тутсанг, мен ҳам қароримдан қайтмайман.

Арқуб. Хотирингиз жам бўлсин бу борада, соҳибим. Нимадан бошлаймиз.

Абу Аза. Жамики дўсту душманларни дўзах оловида ёқишдан. Бироқ аввалига жиндак хурсандчилик қилиб олсак ёмон бўлмасди. (*Қўшиқ айтади*.)

Тирикманки, шароб ичмоққа шайман,  
Шу қадаҳни отсам, кўпроқ яшайман.

Арқуб! Сен ҳам давлат хазинасига ўз ҳиссангни қўшарсан?

Арқуб. Мана энди гапнинг индаллосига келдингиз. Афсус, менда бир чақа ҳам қолгани йўқ.

Абу Аза. Нима, сен вазирлик лавозимини текинга қўлга киритмоқчимисан? Ёки хўжайиннинг диёнатли одам эканлигига шубҳа қиляпсанми?

Арқуб. О, оллоҳим, ўзинг асра, бироқ хўжайиним шунақа аҳволдаки, қарзларини узишга сира кўзим етмайди.

Абу Аза. Мен тахтга чиққанамда бу сўзларинг учун афсус қиласан. Гапингдан, сен менга жуда кўп пул берганга ўхшаб кўриняпсан.

Арқуб. Ҳа-ҳа, бўлмасам-чи, қанчалигининг ҳисоби йўқ. Лекин менда ҳаммаси қайд қилинган.

Абу Аза. Унда сенга ўшаларнинг ёнига қандайдир яна бир шишанинг пулини ҳам қўшиб қўйиш унчалик мушкул бўлмаса керак, а?

Арқуб (*ўзини қандай олиб қочишни билмай, нимагадир қулоқ солаётган тусга киради*). Жи-имм! Бекамиз келдилар, шекилли.

Абу Аза (*унинг енгидан тортиб*). Шугомбирлик қилма, сен уни қадамидан билсанг, мен ҳидидан сезаман. Пулдан чўз.

Арқуб. Ахир, бекам сизга ҳеч нарса бермаслигимни тайинлаган. Кимга қулоқ осишимни ҳам билмай қолдим.

Абу Аза. Жаҳлим чиқиб, бир дўппослаб берсам, билиб оласан. Бу уйда мен хўжайинман ва бу ерда ҳамма менинг амримга бўйсунди. Тахтга чиққанамдан кейин эса...

Арқуб. О, соҳибим, тахтни ўз ҳолига қўйиб туринг. Бироқ... сиз хўжайин экан-сиз, демак, бу ерда ҳамма сизга бўйсунини керакми?

Абу Аза. Бошқа ҳеч кимга.

Арқуб. Агар сиз ниманидир ечмоқчи бўлсангиз ёки ваъда берсангиз, ўз аҳдингизда туришингизга ҳеч ким монелик қилмайдими?

Абу Аза. Агар сўзим икки бўладиган бўлса, шу уйни кунпаякун қиламан.

Арқуб. Бу бошқа гап. Энди биз ҳамма нарсани келишиб оламиз.

Абу Аза. Нимани келишардик?

Арқуб. Менинг бахтли ёки бахтсиз бўлишимни. Айна чоғда бунинг ҳаммамиз-га ҳам дахли бор. Агар соҳибим менинг илтимосимни бажарса ва...

Абу Аза. Бажараман. Фақат сен аввал меникини бажар.

Арқуб. Умуман, мен ҳақимда гаплашиб олиш мавриди етилганми дейман? Йўқса, ортиқ тоқатим қолмади. Менинг ишим юрак билан боғлиқ, ахир. Сизнинг бир сўзингиз билан, соҳибим, мен еттинчи осмонга кўтарилишим мумкин.

Абу Аза. Юрак билан? Юрак билан боғлиқ ишларни томоқни хўлламай туриб гаплашиш мумкинми, ахир? Қани, менинг ҳисобимга яна қандайдир майда чақани тиркаб қўй-да, дўконга югур.

Арқуб (*қўйнидан дафтарчани ва бўйнига осилган кичкина қаламни олади*). Бунга яна яримтанинг пулини ҳам қайд қилиб қўйишга тўғри келади. (*Ёзиб қўяди*.)

Абу Аза. Яримта нарсани ёмон кўраман, бутун қилиб ёза қолгин.

Арқуб. Ярим шиша, етади. Имзо чекиб юборинг мана бу ерга.

Абу Аза (*имзо чекади*). Мана сенга бўлмасам. Молни олмасдан туриб ҳақини тўлаяпман.

Арқуб (*дафтарча ва қаламни яшириб, эшик томон юради*). Қаранг, тўлов ҳақида оғиз очяпти тағин. Бор буд-шудимни талаб бўлди-ку. Агар ўз ниятимга эришмасам, шунақанги томоша кўрсатаманки! У менинг тузоғимдан кутулиб кетолмайди.

Абу Аза. Дўконда узоқ ушланиб қолма!

Арқуб қайрилиб қарайди, бошини қимирлатади ва жўнайди.

Абу Аза (*гир айланиб, хуш-хандон қўшиқ куйлайди*).

Султон бўлсам эди бу мамлакатда  
Олардим улусни қўлимга маҳкам.  
Оқ қоғозга босиб муҳрни тезроқ,  
Билмасдим дунёда — нима кулфат-гам.

(*Тобора ўзининг ўйинига андармон бўла бошлайди*.) О, мен нимани кўраяпман? Менинг қошимга эмаклаб келган бу сенмисан? Даҳшатдан титраб-қақшаяпсанми? Ишониш қийин — савдогарлар бошчиси Шохбандарнинг ўзлари мендан шафқат сўраса-я! (*Хаёлидаги Шохбандарнинг кўксига оёғини қўяди*.) Бор-йўғимни шилиб, қип-яланғоч ҳолда кўчага ҳайдашга қасам ичган сенмасмидинг? Сен, баттол, охириги иштонимни ҳам тортиб олганингдан сўнг, ўзимни хонавайрон бўлганлигимни эълон қилганимда, менга қайта рўпара келмайман, дея ўйлагансан, шекилли? Лекин, мана, ниҳоят яна учрашиб турибмиз, энди тарозининг палласи бошқа томонга ўйнаяпти. Сен оёғим остида эмаклаб, ҳамманинг олдида тавба-тазарру қилмоқдасан, мен эса... сендан ўч олишга шошилмайман, аксинча, сенинг аянч қисматингдан ҳузурланаман. Сен эса, сен, Тоҳо шайх, тасбеҳингни ўзинга пана қилма. Сен ҳам кулфатга дучор бўлган пайтимда ҳамтовоқларинг билан сотиб кетгансан мени. Устига-устак, мени телба деб ҳам эълон қилгансан. Менинг ўрним сизларнинг ораларингизда эди, сизлар эса мени йўқотмоқ учун сафларингизни зич олиб, бир-бирларингиз билан жипслашдингизлар. Энди, мана, барчангиз ҳузуримда турибсиз. Қисматларингиз менинг битта оғиз сўзимга боғлиқдир. О, менинг қасосим даҳшатли бўлади! Йўқ-йўқ, узр сўраманглар, ёлворманглар! Энди кеч бўлди!

Аза кириб келади, юзида кўз ёши излари.

Энди, мен сизларнинг султонингизга айланган пайтда...

Аза. Ёлғиз ўзингизмисиз, ота?

Абу Аза. Йўқ, қизим. Мен бу ерда душманларим билан ҳисоб-китобимни қилмоқдаман.

Аза. Ота, ахир...

Абу Аза. Йўқ-йўқ, мен уларни кечиримни илтимос қила кўрма. Агар улар бўлмаганида сен қайсидир бир амир қасрининг жавоҳирига айланган бўлардинг.

Аза (*қичқиради*). Ҳеч қанақа қасрни хоҳламайман, ҳеч қанақа амирни ҳам, ҳеч қанақа зодагонни ҳам, ҳеч нарсани хоҳламайман!

Абу Аза (*ўзига келиб*). Нима бўлди сенга, қизим?

Аза (*ёшли кўзлари билан унга қарайди*). Ҳеч нарса. Онам ҳали йўқ, қош қорайиб қолди.

Абу Аза. Хавотир бўлма. Биласан-ку, онанг ўз турмушидан шикоятга тушса, тўхтатиб бўлмайди.

Аза. Ахир, у бизларнинг гамимизда юрибди-ку...

Абу Аза. Сен ҳам бошляясанми, Аза? Етар онангнинг дакки-дашномлари, ҳаммаси ҳиқилдоғимга келди. (*Фамгин.*) Ҳамма мени ақлдан озган, телба дейди, хотинининг қўлига қарам дейди, дейишса дейишаверсин, бундан ор қилмайман...

Аза. Буни назарда тутаётганим йўқ, ота.

Арқуб кириб келади.

Арқуб (*ҳиргойи қилади*). Тирикманки мен, ичишга шайман...

Абу Аза (*жонланиб*). Шу қадахни ичсам, узоқ яшайман. (*Қизига, жиддий оҳангда*). Хавотир олма, онанг тезда қайтади.

Арқуб (*Азага яқин келади*). Ёш бекам, менга ҳеч бир нарсани буюрмайдиларми?

Аза жавоб бермай, ундан узоқлашади. Арқуб унинг ортидан бир неча қадам эргашади.

Абу Аза (*Арқубни тутади*). Ҳей, қани шаробингдан келтира қол тезроқ!

Арқуб. Мана. Сақланганидан, тилла ранг. Сиз ниятингизга эришдингиз. Энди менинг эришим қолди. Қулоқ солинг, келинг, эркаклар каби гаплашиб олайлик.

Абу Аза. Хўжайин ўз хизматкори билан гаплашгани каби. (*Шишани очади*.) Пиёла керак эмас, ўзидан ичишни яхши кўраман. (*Қўшиқ айтади*.)

Қадахларсиз, косаларсиз

Ичамиз шаробни биз,

Ла-ла-лам, ла-ла-лам...

(*Шишани кўтаради, лекин бирдан қулоқ осиб тек қотади*.) Келди... Эшикни очди... Уйга кирди... (*Оёғи билан қўшиғига урғу беради*.) Ла-ла-лам, ла-ла-лам. (*Кўзини юмган кўйи шишанинг оғзидан ичади*.)

Арқуб (*чўчиб аланглайди*). Мана, энг қулай лаҳзани бой бердим. Энди қай биримиз аҳмоқ эканлигимиз ойдек равшан...

Ум Аза киради.

Ум Аза. Ноғора ёки сурнай етишмай турибди, холос. Тўғри, сенга нима? Турмушимиз ажойиб, уй батартиб.

Абу Аза. Аввал нафасингни ростла.

Ум Аза. Сен нафас ростлашга қўясанми ўзи? Мен манглаймни терлатиб заҳмат чекапман, сен эса уйда ўтирибсан, ейсан, ичасан, кайфиятинг ҳам аъло, албатта. Бу заҳар-заққумни қаердан олдинг?

Аза киради.

Абу Аза. Осмондан кабутар учиб ўтаётганди, мана шу шишани ташлаб ўтди...

Арқуб (*Абу Аза орқасига беркиниб яширинади*). Нақадар чиройли жавоб!

Ум Аза (*Арқубга ташланади*). Ҳа, сендан чиқдим бу, Арқуб?

Арқуб. Йўқ, шароб сотувчидан, бекам, шароб сотувчидан.

Ум Аза. Пул-чи, пул? Демак, эртага тагин биронтаси қарзини тиқилинч қилиб, эшикнинг зулфинини синдираркан-да?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ



Арқуб (*Абу Азани туртиб, шивирлайди*). Сиз, ахир, бу уйда мен хўжайинман, дегандингиз шекилли...

Ум Аза (*Арқубнинг ёқасидан бўғиб олиб, силталайди*). Сен нима деб минғирля-япсан? Жавоб бер! Яна қайси қарз берган кимса эшигимизнинг зулфинини синди-ради?

Арқуб. Ўша — илгаригининг ўзи.

Ум Аза. Ким у — илгариги?

Арқуб. Бу — менман, бекам.

Ум Аза (*уни бўғиб ўлдиргудек вазоҳатда*). Мен сендан ўтингандим-ку, унга пул берма деб. Энди сенга қандоқ қайтаради? Сенга қарзини тўлаш учун у пулни қаяқдан олади?

Арқуб (*унинг қўлидан қутулиб чиқишга уринади*). Хўжайин, мени қутқаринг.

Абу Аза (*шишани бўшаптиб*). Ҳой аёл, менинг вазиримни тинч қўй.

Ум Аза (*Арқубни қўйиб юбориб, эри томон қайрилади*). Сен мени ақлдан озди-расан! Сен бизни бутун дунёга саргардон қиласан! Сен билан бирга нақ ажалнинг комига борамиз!

Аза (*онасини тинчлантиришга уринади*). Сизга нима бўлди, ойижон?

Абу Аза. Арқуб, менга таёқни келтир, Арқуб. Ё у мени савалайди, ё мен унинг жонини қоқиб оламан. (*Муштини ўқталади*.)

Аза отасини тинчлантиришга уринади. Арқуб Абу Азани жиловлашга ҳаракат қилади.

Абу Аза. Таёқни келтир менга! Агар бас қилмасаларинг, мен ўзимни ўзим ўлдираман!

Арқуб. Тинчланинг, соҳибим, тинчланинг!

Ум Аза (*қизининг қўлларида бўшашиб*). Ортиқ мадорим қолмади! Бир ўзимман, ҳамма томонимда эса ғам-ташвиш.

Эшик тақиллайди. Арқуб очмоққа шошилади.

Тамом бўлдик. Энди бизга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Энг охириги нарсамиз — бор-йўқ мулкимиз уй ҳам қўлдан кетади энди.

Арқуб (*қайтиб, Абу Азанинг қулоғига шивирлайди*). Хўжайин, остонада Ҳожи Маҳмуд ва Ҳожи Мустафолар туришибди. Сиз улар билан қачондир учрашган экан-сиз.

Абу Аза (*таажжубга тушиб*). Топган вақтларидан ўргилдим...

Оддий фуқаро уст-бошини кийиб олиб, ўзини Ҳожи Мустафо деб таништирган Султон, унинг ортидан кийимини ўзгартириб олган вазир — Ҳожи Маҳмуд киради.

Улар эшик олдида тўхтайдилар.

Ум Аза. Акам берган қарзи ҳисобига уйни тортиб олмоқчи, бизни эса кўчага ҳайдамоқчи. Ўзимнинг акам. Туғишганим. Буни кўриб, қандоқ қонинг қайнама-син? (*Тағин Абу Азага ташланади*.) Эшитяпсанми? Нима, биз сенинг қурбонликка атаган молингизми? Ҳамма бизга пичоғини қайрайди!

Арқуб (*соҳибининг диққатини кириб келганларга қаратишга уринади*). Хўжайин...

Абу Аза. Бу тиглар яқин орада туғларга айланади. Агар мен султон бўлганим-да эди, бу баттолларга қандай жазо қўллашни билардим.

Арқуб. Хўжайин, улар киришди.

Ум Аза. Бунга ортиқ чидаб туролмайман! Ташла бу лаънати заҳар-заққум ши-шангни! (*Эрига ташланади*.)

Абу Аза (*ҳаммани чалғитиб*). Таёқни бер менга! Таёқ қани, Арқуб? (*Олдинга югуради ва кириб келганларга тўқнашади. Узига келади*.) Хуш келибсизлар, Ҳожи Мустафо ва Ҳожи Маҳмуд. Сизлар уйимизга ташриф буюриб, катта эҳтиром бил-дирдингиз, аксига олиб, бизда жанжалу бақир-чақир авжидалигини кўрмайсизми!

Мустафо. Оллоҳ номига қасам ичаманки, сизнинг мутойибангиз дилдаги ҳар қандай губорни ҳам тумандек тарқатиб юбора олади.

Ум Аза (*у ҳам жойида тек қотиб, қутилмаган меҳмонларга таажжуб билан разм солади*). Булар тагин ким бўлди?

Арқуб. Бу — Ҳожи Мустафо, униси — Ҳожи Маҳмуд. Олдин ҳам уйимизга келишган. (*Ум Азага кўз ишораси қилиб, шивирлайди.*) Айтмоқчи, ўшанда пул ҳам беришганди.

Ум Аза. Ичкарига кир, Аза.

Арқуб. Ҳа-ҳа, Аза, ичкарига, ичкарига кир.

Аза унга қаҳрли нигоҳ билан боқиб, ичкарига йўналади.  
Маҳмуд ва Мустафо хонага киришади.

Маҳмуд. Биз бу ерда аввал бўлганимизда, хонадон маъқул келиб, эгаларини яхши кўриб қолгандик. Яна келишга ваъда бергандик, агар ишларимиз кўпайиб кетмаганида, аллақачон ўз ваъдамизнинг устидан чиққан бўлардик. Бу гал бемаврид келиб қолганга ўхшаймиз. Агар ташрифимиз сизларга ёқмаган бўлса, кейинги сафар келишимиз ҳам мумкин. Чунки бунга вақт топимиз, ўзинглар ҳал қилинглар.

Абу Аза. Сизларнинг ниҳоятда олижаноб, боодоб ва хушмуомала одам эканликларингиз шундоқ кўриниб турибди! Қадамранжида қилиб, бизларга катта ҳурмат-эҳтиромингизни намоён этмоқдасиз.

Мустафо (*муғомбирона*). Ўйлаймизки, сизда ҳамма нарса батартиб, жойида бўлса керак?

Ум Аза. Модомики сўраб турган экансиз, оллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, сиздан ҳеч нарсани яширмайман. Бизда ҳеч қанақа тартиб йўқ.

Абу Аза. Унинг гапига қулоқ солманглар. Аёл дегани умуман жанжалсиз туролмайди, ана кўринг, бу галвани ҳам ўзи бошлади.

Ум Аза. Менми жанжалсиз туролмайдиган? Агар меҳмонлар бўлмаганидами, мен сени...

Мустафо (*унинг олдига келади*). Кўп куюнма. Балки сизларни яраштириб қўярмиз...

Абу Аза. Бунга асло тоқатим йўқ! У аввал бу уйда менинг хўжайинлигимни тан олсин. Менинг гапимни гап десин.

Ум Аза. Қулфатимиз битта эди, энди иккита бўлди. Аввал бизни муттаҳам одамлар хонавайрон қилганди, энди бу ақлдан озиб ўтирибди. Додимни бориб айтадиган кимса қолмади, яхшилар. Агар султоннинг ўзига рўпара келганимдами, мен...

Мустафо. Хўш, нимани гапирган бўлардинг?

Ум Аза. Нимани? О, айтадиган дардларим тўлиб-тошиб ётибди. Мен унга айтардимки... Мен унга шундай дердим: “О, бизнинг олампаноҳимиз! Сенинг мамлакатингда фирибгару товламачилар ҳукмронлик қилмоқда. Адолат билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ҳамма ёқда ўғирлик, талончилик ва зулм. Ҳеч қанақа қонун ҳам, ҳеч қанақа нажот ҳам йўқ... Ва... яна... Сиз безовта бўлманг. Агар султонни бир кўрсам эди, унга керакли гапларимни айтиб олардим.

Мустафо. Сен жуда ошириб юбормаяпсанми?

Ум Аза. Унинг ўзи тахтидан тушиб, ўз кўзлари билан бир қарасин-чи. Агар мен ошириб юборганимда, муҳтарам зот, бизни бу аҳволда кўрмаган бўлардингиз. Мана, ўзингиз шоҳидсиз, уй — хонавайрон, унинг эгаси ақлдан озган.

Абу Аза. Нима қилиб мен бу баттол аёл билан шунча вақт бирга яшаб юрипман! Худди минглаб канизақларнинг эгаси бўлмайдигандек. Арқуб! Бизга энг чиройли тўшақларни тўшагин, азиз меҳмонлар учун юмшоқ парёстиклардан кўша-кўша ташла!

Арқуб. Қанақа парёстиклар тагин, хўжайин? Ахир, бизда...

Абу Аза. Кечки таомни кумуш идиш-товоқларда тортинглар.

Ум Аза. Эй, азиз одамлар, сизлар учун бирон егулик нарса қўя олмасак, айбга буюрманглар.

Маҳмуд. Худодан ўтиниб сўрайман, ўзларингни кўп қийнаманглар. Биз сизникига, аксинча, уй соҳибини меҳмонга таклиф қилгани келдик. Сизни биз меҳмон қиламиз, гапларингизга қулоқ осиб, ҳазил-мутойибаларингиздан роҳатланмоқчимиз.

Арқуб. Хўжайиннинг хизматкори-чи?

Маҳмуд. Сен ҳам биз билан борасан.

Абу Аза. Агар Оллоҳ номини ўртага қўймаганингизда, Ҳожи Маҳмуд, мен сизларни кечки таомсиз қўйиб юбормаган бўлардим.

Ум Аза. Хўш, мен-чи? Айтинглар, мен нима қилай?

Мустафо. Менда шундай фикр туғилди. (*Маҳмудни чеккага етаклайди.*) Менга бир парча қоғоз билан муҳрни бер.

Маҳмуд. Нима қилмоқчилар ўзи?

Мустафо. Бу аёл султон билан кўришишга муяссар бўлсин.

Маҳмуд. Шунча вайсагани озмиди унинг?

Мустафо (*қоғоз ва муҳрни олиб*). Энди мазкур эрмагим янада мароқлироқ бўлади.

Абу Аза (*Маҳмудга шивирлаб*). Ҳой, Ҳожи Маҳмуд, нимани шивирлашмоқдасиз? Дўстинг, афтидан, яхши тарбия кўрганга ўхшамайди.

Маҳмуд. Ҳечқиси йўқ, ҳали қадаҳлар шаробга тўлдирилганида унга панд-насиҳатларингни бераверасан.

Мустафо. Мана, синглим. Оғзингдан гуллаб қўймассан, деб умид қиламан. Гап шундаки, менинг султон билан айрим алоқаларим бор, сени у билан учрашишингга ёрдам бераман.

Ум Аза (*кўрқиб кетиб*). Султоннинг ўзи билан-а? Вой шўрим, нималарни вақлаб ўтирибман-а?..

Мустафо. Кўрқинчли жойи йўқ. Фақат, ҳеч кимга оғзимдан гулламайман, дея сўз бер.

Ум Аза (*зўрга ўзига келиб*). Бу сирни қудуқнинг тубида сақлагандек сақлайман.

Мустафо. Унда ушбу қоғозни олиб эртага соқчиларга кўрсат. Улар сени шу заҳоти султоннинг қабулига элтиб боришади.

Ум Аза. Сизга ўхшаган олижаноб одамлар кўпроқ бўлса эди. Менинг ҳаяжондан тилим танглаймга ёпишиб қолди. Қизимни ҳам олиб борсам майлими? Ҳар қалай, ёнимда тиргак бўлиб турарди-да.

Мустафо. Бўлади.

Маҳмуд. Хўш, кетдикми, Ҳожи Мустафо?

Мустафо. О, Оллоҳ, ўзинг мадад бер. (*Ум Азага.*) Бугун сен яхшилаб дамингни ол, эринг эса бизнинг даврамизда бўлади.

Ум Аза. Оллоҳ паноҳида асрасин сизларни, эй яхшилар.

Мустафо (*секин*). Бу ғалати оила билан гаплашиш мен учун жуда мароқли-да...

Улар кетишади. Абу Аза ва Арқуб уларга эргашади.

Арқуб (*кутилмаганда таққа тўхтайдди*). Хўжайин! Келинг, эшикни сиртидан кулфлаб кетамиз. Анов букри келиб қолса, аёлларнинг ўзи ёлғиз. Шундоқ ташлаб кетиш яхшимас.

Абу Аза. У букрини ўз ҳолига қўй. Балки, қизим унга мурувват кўрсатиб, Оллоҳнинг иноятига эришмоқчидир.

Арқуб ва Абу Аза кетишади.

Ум Аза (*қувонч билан чақиради*). Аза! Аза!

Аза пайдо бўлади.

Оллоҳ улуг ва карами бисёрдир, қизим. Биласанми, биз эртага сен билан қаерга борамиз? Ҳар қанча уринма, барибир тополмайсан. Биз саройга, нақ султоннинг ҳузурига борамиз!

Аза. Султон ҳузурига?

Ум Аза. Ҳа-ҳа. Нақ султоннинг ҳузурига. У ерда ҳамма дардимизни айтамыз ва ундан нажот тилаб, адолат қарор топишини сўраймыз. Кел, энди бир оз тамадди қилиб, ўзимизни эртага қандай тутишимиз ҳақида гаплашиб олайлик.

Аза. Вой, ойижон!

Ум Аза. Ҳечқиси йўқ, кўрқма. Онангнинг ақли кетгани йўқ, ҳали ўзида. Юр, мен сенга бу ерда нималар содир бўлганини сўзлаб бераман.

Улар кетишади.

Саҳна қоронғилашади.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

67

## ИНТЕРМЕДИЯ

Ёзув-лавҳа: “Давлатда нима учун ҳамманинг хуфиёна ҳаракат қилиши ва уст-бошини ўзгартирмоғи хусусида ҳикоя”.

Тун кирган. Абу Азанинг уйда фақат Аза кўрпача тўшаган бурчаккина кўзга ташланади. Майин ой шуълалари кўрпачада ўтирган Убайдни ёритади. Деворга суянган ҳолда у ниманидир ёзиб ўтирибди. Бирмунча муддатдан кейин Аза пайдо бўлади. Убайд чўчиб тушади, қоралаган қоғозини дарҳол яширади, девордан ўзини олиб, оғриқ чекаётган қиёфага киради. Аза унга кўз узмай термилади.

Убайд (*таажжубда, айни чоғда севинч билан*). Ҳали ҳам ухламадингми?

Аза (*тундлик билан*). Йўқ, уйқум келмаяпти.

Убайд. Рухсорингдаги тундлик ажойиб тун сурурига ярашмаяпти. Бирон қор-ҳол бўлдимми?

Аза (*қийналиб*). Бирам даҳшатга тушиб, бирам ўзимни ёлғиз туймоқдаманки.

Убайд. Нима учун?

Аза сўз қотмайди.

Айт, кўрқма. Агар одам юрагида борини тўкиб солса, ўзини анча енгил ҳис этади.

Аза. Билмасам (*жим туриб, портлайди*). Бу дўзахда ортиқ яшашга тоқатим қолмади! Мен худди ғорнинг ичидаги телба шарпалар орасида яшаётганга ўхшайман, бунда на ҳаво бор, на шуъла.

Убайд. Бироқ бу ғор — сенинг уйинг-ку, шарпалар — сенинг туғишганларинг, дўзах эса, ҳар қанча давом этмасин бир куни барҳам топади.

Аза. Ортиқ тоқат қилолмайман.

Убайд. Дилни ғам-қайғу эзганда ҳамиша шундоқ туюлади. Бироқ тоқатнинг асло чегараси бўлмайди, одам ҳар қандай дўзахга ҳам бардош беради, чунки бахтсизликнинг мангу давом этмаслигини билади у.

Аза. Қачон тугайди бу бахтсизлик?

Убайд. Бир замонлар — айни сенинг ёшингда бўлган кезларим мана шунақа чиройли кечаларда юрагим ажиб ҳаловат ва фароғат ҳисларига лиммо-лим бўларди. Ўшанда мен нимагадир илҳақ эдим. Масрур қалбим қандайдир қувончбахш ва сирли нарсани кутарди.

Аза. Мен кутавериш чарчадим. Баъзан теран ғусса чулғаб олади, ўшанда кўнглим қандайдир даҳшат хуружини туюб, ўзимни бирам ёлғиз ҳис этаман. Наҳотки бу дўзах бир кун барҳам топса?

Убайд. Шак-шубҳасиз.

Аза. Айтинг-чи, биз ҳаммамиз энтикиб, интиқ кутадиған қувончбахш ва сирли нарса ҳозир қаерларда?

Убайд. Балки у ҳозир шу ерда, шаҳардадир.

Аза. Шаҳарда? Ундоқ бўлса, нимани кутиб турибди? Нега кўриниш бермаяпти? Нега ҳавони мусаффо қилмайди, қашшоқликка барҳам бермайди, нега келмайди... мени излаб... (*Мунгли ҳолатда жимиб қолади.*)

Убайд (*халтасини кавлайди*). Келади, мавриди етганда. (*Олмани олади.*) Қара, мен сенга нима олиб келдим. Кўпроқ келтирмоқчи эдим, иложи бўлмади...

Аза. Керак эмас.

Убайд. Ола қол. Сенинг юпанганингни, олма яётганингни, бу гўзал кечада ширин хаёлларга берилаётганингни кўрсам, ажиб фароғат туяман.

Аза. Жуда оқкўнги одамсиз... Сўзларингизни эшита бошласам, ҳаётнинг барча қусуру чигалликларини унутгандек бўламан. (*Журъатсиз.*) Бироқ сизни кўриб ҳайрон қоламан. Тегрангизни қандайдир сир ўраб туради. Сиздан ўтинаман, жаҳлингиз чиқмасин ва имонингиз комил бўлсин, агар тилингни кесиб ташлаймиз дея кўрқитишса ҳам, ҳеч кимга бирон оғиз сўз айтмайман. Лекин икки кун илгари ўз елкангизга ёстиқча боғлаётганингни кўриб қолдим.

Убайд. Ниҳоят сиримни топдинг.

Аза. Нима сабабдан бундай қилаётганингни билмайман. Кўриб жуда ҳайрон қолдим, шундан бери ўз-ўзимдан сизга нимага букрилиқ керак бўлдикин, дея сўрайман.

Убайд. Мени ҳеч ким танимаслиги учун.

Аза. Нега?

Убайд. Шунинг учунки, ҳозирча мен яшириниб юришга мажбурман.

Аза (*тортиниб*). Балки сиз мен илҳақ кутаётган ўшадирсиз...

Убайд. Толиқмадингми, уйқунг келаётгандир?

Аза. Йўқ-йўқ.

Убайд. Ундоқ бўлса, сенга бу бошқа қиёфага киришлар қачон ва қандоқ бошланганлиги ҳақида сўзлаб бераман.

Аза. Сиз менинг саволимга жавоб бермадингиз.

Убайд. Сўзлаб беришимни хоҳламайсанми ёки?..

Аза. Хоҳлайман, лекин аввал айтинг...

Убайд. Кейин, ҳозир кулоқ сол. (*Ўйга толган кўйи*.) Қаердадир, қачонлардир, узоқ-узоқ замонларда одамлар куш-хандон турмуш кечирешарди, айни чоғда улар қўшиқ каби эркин эдилар. Ҳаммалари тенг эди ва бу тенглик қулларнинг тенглиги эмас, ҳуррам одамларнинг тенглиги эди. Улар ўзларининг умумий ерида меҳнат қилишар ва йиғиштирилган ҳосилни худди бир оиланинг фарзандларидек тенг бўлишарди. Бир қозондан овқат ейишар, бир хилда кийинишарди. Бу одамларнинг юзлари оқ, кўзлари эса мовий эди. Улар бир-бирларидан ички сирларини ҳам, ташқи сирларини ҳам асло яширишмасди. Ёлғон ҳам, ҳасад ҳам, нафрат ҳам йўқ эди. Ҳаёт силлиқ кетиб, жилға ёки қўшиқ мисоли бир маромда оқарди. Бироқ кунлардан бир кўни... ва бу кун тарихнинг бошланиши бўлди... одамларнинг ҳаётидаги тартиб бузилди. Бир одам бошқалардан ажралиб чиқди. У кучли эди, у маккор эди, лекин буниси муҳим эмас. У энг чиройли либосларни кийди, юзининг ифодасини ўзгартирди ва ернинг ҳамда мулкнинг катта қисмини ўзиники қилиб олди. Ана шу тарзда мулкдор, ер эгаси пайдо бўлди. Бу кийимни ўзгартиришнинг илк босқичи эди! Мулкдор ҳашаматлар ичида юксалиб борди ва шоҳга, султонга айланди — бу энди кийимни ўзгартиришнинг олий босқичи эди. Ўшандан буён одамларнинг оддий ва содда ҳаёти барҳам топди, кийимни ўзгартириш эса кучайгандан кучайиб борди. Амирлар ва вазирлар, аскарлар ва ёлланганлар пайдо бўлди — ҳаммаси ўз либосига буркандилар, вазифаларини бажаришга тутиндилар. Хуллас, ҳаммаси бир-бири билан ўзаро ёвлаша бошладилар. Улар ҳукм юргизиш учун кийимларини ўзгартиришарди, бошқаларни ўзларига хизмат қилишлари ҳамда таҳқирланишлари учун кийимларини ўзгартиришга мажбурлар эдилар. Уларнинг ҳаммаси устидан эса шоҳ ёки султон — ўша биринчи мулкдорнинг зурёди ҳукм юргизди, зеро у ўзининг улуғвор либоси виқорини сақлаб қолмоқ учун ҳаммадан кўпроқ жон куйдирар эди. Бу мудом давом этиб келмоқда, лекин мангу давом этиши мумкин эмас.

Аза (*ўйга толиб*). Бу қаллобликлар қачон барҳам топиши мумкин ва қачон одамларнинг юзларига яна оқлик, кўзларига мовийлик қайтади?

Убайд. Тарихда бир мамлакатдаги бир халқнинг зулмга, ҳақоратга, очлик ва қашшоқликка чидай олмаганлиги ҳақида ривояти бор, шундан кейин бу халқ исён кўтариб ўз шоҳини ўлдирди ва уни еб қўяди.

Аза (*титраб кетиб*). Шоҳини еб қўяди?

Убайд. Тарихда шундай бўлган.

Аза. Заҳарланишмаган ҳамми?

Убайд. Жиндек қоринларини оғриқ тутган, албатта, кимнингдир кўнгли айниган, кейин эса соғайиб кетишган. Шундан сўнг ҳамма одамлар яна тенглашишган. Сўнгра ҳеч кимнинг хуфия юришига, кийимини ўзгартиришига ҳожат қолмаган. Сохталик ва қаллоблик йўқолган. Ҳаёт яна силлиқлашиб, ўзининг гўзал маромига тушган.

Сўзсиз сукунат.

Ум Аза (*овози*). Аза! Ҳали ҳам ухламадингми? Эртага тонг отмасидан туришимиз керак!

Аза. Уйқум қочиб кетди, нимагадир. Ҳозир ётаман.

Ум Аза (*овози*). Эртага бардам ва тетик бўлишимиз керак, билдингми! Тезроқ бориб ухла!

Аза (*шивирлаб*). Мен ҳеч кимга оғиз очмасликка сўз бергандим, лекин сизга айтаман. Эртага биз султон хузурига борамиз.

Убайд. Султон ҳузурига?

Аза. Ҳаммасини кейин айтиб бераман. (*Ўзига ишончсиз ҳолда.*) Энди билдим, менинг кутаётганим сиз экансиз. Сиз энди мени ҳеч қачон ташлаб кетмайсиз. (*Кетади.*)

Убайд. Агар у юрагимга қанчалар дард солганини билса эди! Бу дамни қанчалар илҳақ кутган ва ундан қанчалар чўчиган эдим! Эртага мен яна уйни, кийимимни алмаштиришим, яна қайтадан яширинишим керак бўлади.

*Саҳна қоронғилашади.*

## УЧИНЧИ КҶРИНИШ

Ёзув-лавҳа: “Султон ўз ётоғи ва ўз либосини фуқаро Абу Аза ал-Муқафтолга тақдим этади”.

Султоннинг ётоғи. Ҳожи Мустафо, Ҳожи Маҳмуд ва Арқуб кириб келишади. Улар паст овозда гаплашишади. Хира чироқ ёнади. Султон ётоғидан кучли хуррак овози эшитилади.

Маҳмуд. Бу қанақаси? Одам хуррак отяптими ёки эшак қанграяптими? Бутун саройни уйғотиб юборади-ку бу.

Арқуб. Қандай шармандалик! Агар ҳўжайиним қаерда ётганини билганида эди, нафас олишга ҳам уялган бўларди.

Мустафо. Биз унга қаттиқ ухлатадиган дори бердик.

Маҳмуд. Арқуби давлатдан биронтаси уйғониб қолсами — ана томошаю, мана томоша.

Арқуб (*чўнтагидан йиртиқ дастрўмолни олади*). Ҳозир бу рўмолчани унинг ҳалқумига жойлаб қўяман.

Мустафо. Нимага энди? Балки бу олампаҳоимиз — султоннинг кўнгиллари-га хуш келиб, завқ бағишлаётгандир. Фуқароларнинг хуррагини ҳар куни эшита-вермайдилар-ку, ахир.

Арқуб (*ҳаяжонга тушиб*). Султонга? Ҳожи Мустафо, олампаҳоимиз — султонга дедингизми?

Мустафо. Ҳа-ҳа. Нима гаплигини сенга тушунтириш вақти келди.

Маҳмуд. Шошилманг, Ҳожи Мустафо.

Мустафо (*кескин*). Гапимни бўлма, Ҳожи Маҳмуд. Биз, Арқуб, султон аёнларидан бўлиб, бу ҳазилни унинг фармонига кўра амалга оширдик. Мақсадимиз — унинг димоғини чоғ қилиш. Биз султонга Абу Азанинг гаройиб орзуси ҳақида сўзлаб берганимизда бу унга ёқиб қолганди, шундан кейин бир оз унинг кўнглини ёзишга қарор қилдик. Сенинг соҳибинг айни чоғда олампаҳоимиз — султоннинг ётоғида ухламоқда.

Арқуб (*сакраб тушади*). Султоннинг ётоғида? Шармандалик бу! Шу заҳотиёқ бу хурракни даф қилишим керак.

Мустафо. Уни холи қўй. Агар сен бизга ёрдам бермасанг, ўйлаганларимиз рўёбга чиқмайди. Сенинг соҳибинг уйқудан бемалол уйғониши, султонлик салласини бошига кўндириши ва султон ўрнига бутун кун давомида салтанатни бошқармоғи керак. Сен эса вазирнинг либосини киясан.

Маҳмуд. Қанақасига? Менинг либосимни-я? (*Ақлини йиғиштириб.*) Яъни вазирнинг либосини-я?

Арқуб. Вазирнинг?

Маҳмуд. Балки вазир унинг либосини биров кийишини хоҳламас?

Мустафо (*кескин*). Агар султон хоҳласа, вазир ҳам хоҳламоғи шартдир.

Арқуб (*ҳаяжонланиб бет-қўлини силайди*). Мен... вазирнинг либосини-я?

Мустафо. Ҳа-ҳа! Сўнгра сен ўзингни соҳибингга нисбатан бошқача тутасан, уни бамисоли ҳақиқий султондек кўрасан. Хушёр бўлмоқлик зарур. Ҳар қандай эҳтиётсизлик ҳаммасини чиппака чиқариши мумкин.

Арқуб. Хотиржам бўлинг, Ҳожи Мустафо. Бунақа ишда менинг тажрибам катта.

Мустафо. У ҳолда... сизнинг султонингиз эртанги кунни мароқланиб кутади. Барча бу бемаъни ҳазиллар, шубҳасиз, унинг кўнглидаги чигилларни ёзади.

Арқуб. Кейин... кейин мен ҳақиқий султонни кўраманми?

Мустафо. Албатта, кўрасан. У сени муносиб тақдирлайди. Энди эса ухла. Арқуб, ёдингда бўлсин, тонгда барвақт уйғон.

Арқуб. Кўёшнинг илк нурлари билан бирга уйғонаман. Рухсати олийингиз билан сизга ширин тушлар тилайман. (*Кетаётиб, султон ётови олдида тўхтайди.*) Рухсат беришган экан, хурракни уравер, хўжайин. Эртага эса сени нақ жиннихонага олиб бориб қўйишади. (*Кетади.*)

Маҳмуд. Олампаҳоҳ, ҳали ҳам бўлса, бу эрмакдан воз кеча қолайлик. Менинг бурчим эрмагингиз жуда қатгислигини огоҳлангирмоқдир.

Мустафо. Вазирам, кўркувинг туфайли сен ҳазил туйғусидан Мосуво бўлибсан. Мен сенга айтдим-ку, кўнглим қаттиқ бир эрмакни хоҳлаётибди деб. Мен ўзимни худди тузоқни ўрнатиб, унга илк ўлжа тушишини пойлаётган гўдак мисоли ҳис этмоқдаман. Бугун биз кулгудан ёрилиб ўламыз.

Маҳмуд. Лекин сиз тузоқни менинг либосларимдан ясадингиз, ҳар қалай... (*Хушёр тортади.*) Меникию ўзингизникидан, албатта.

Мустафо. Яна либос ҳақида гап бошладингми? Бунчалик майдалашмасанг.

Маҳмуд. Олампаҳоҳим мени маъзур тугсин, мен устимдаги либоссиз бамисоли вужудимдан ажралиб қолгандекман. Қандай аҳволга тушишимни худо билади, агар ўз либосимни бу қаролнинг устида кўрсам!

Мустафо. Менинг вазиримга бунақа латтафеълик ярашмайди. Нега бунча ич-этингни ейсан?

Маҳмуд. Шунинг учунки, бу ўйинлар жуда хавфлидир.

Мустафо. Шуниси билан қизиқ-да. Албатта, хавфли. Балки бу телба кечга бориб умуман ақлини йўқотиб қўйиши мумкин. Лекин ҳар ҳолда мен унинг устидан кулиш истагимдан воз кечолмайман-ку. Тасаввур қиламан, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетади! Даставвал, албатта, Маймун даҳшатга тушади. Ундан кейин эса, саройга худди жинлар кириб қолгандек, аркони давлат ҳар ёққа тўс-тўс бўлиб кетади. Бирин-кетин ақлга тўғри келмайдиган англашилмовчиликлар юз бера бошлайди. Кечга бориб эса мен ҳамманинг устидан мароқ билан кулганча, уларга исбот қиламанки, султон бўлиш шунчаки осон иш эмас, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келармайди.

Маҳмуд. Агар бу англашилмовчиликлар тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келса-чи?

Мустафо. Жуда ошириб юбординг! Биз истаган пайтда воқеага аралаша биламиз, ахир.

Маҳмуд. Олампаҳоҳ, бу ўйинда мени вазир бўлиб қолмоғимга изн берсангиз. Мен унинг ёнида туриб, юз бериши мумкин бўлган хунук оқибатлар ва хатоликлар олдини олмоқ учун воқеа ривожига бош-қош бўлиб турсам.

Мустафо. Эҳ, бунчалар нодонсан-а! Наҳотки вазирлик лавозимингдан бир кунга ҳам воз кеча олмасанг! Йўқ, мен қаерда бўлсам, сен ҳам шу ерда бўласан. Яхшиси, бориб ухлайлик.

Маҳмуд. Ундоқ бўлса, келинг, мен сизга уйқу олдидан бир эртакни сўйлаб берай. Қаердадир, қачонлардир, жуда узоқ замонларда балиқчи денгиздан тўрини тортибди, қараса, унда оғзи маҳкам тиқинланган шиша ётганмиш. Балиқчи шишани қўлига олибди, ундан эса фарёд ва йиғи таралмоқда эмиш...

Мустафо. Керак эмас, мен бугун эртаксиз ухламоқчиман.

Маҳмуд. Бир оғиз сўзингиз, олампаҳоҳ. (*Табзим бажо қилади.*)

Мустафо кетади.

Маҳмуд (*унинг изидан ғазаб ва нафрат билан боқиб*). Султон агар ўз бурчини унутиб, устидаги либосини тарк этса — бу ёмон қисмат аломатидир. Майли, унинг бурнига бир сув кирсин. Лекин нима юз берган ҳолда ҳам, мен шай бўлиб туришим керак. Энг муҳими — ўзимнинг либосимни асраб қолиб, қўшимча чораларни кўриб қўёлсам, бас.

Саҳна қоронғилашади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

71

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ИНТЕРМЕДИЯ

Ёзув-лавҳа: “Эслатиб ўтамиз, буларнинг ҳаммаси ўйин. Келинг, яхшиси! бу ўйиннинг нима билан тугаши борасида баҳс бойлашамиз”.

Арқуб ва жаллод пайдо бўлади, улар айни чоғда ўзларини худди томоша бошидаги сингари цирк артистлардек тутишади. Улардан узоқда — Убайд ва Зоҳид.

Жаллод (*акробатик машқни бажариб*). Энг муҳими, ҳисобни тўғри олмоқликдир, ҳисобни тўғри олмоқ учун эса ҳамма нарсани ёдда сақламоқ лозим.

Арқуб. Ўйинга ортиқча берилиб кетмаслик ва ҳеч нарсани назардан соқит қилмаслик учун биз бир дақиқа тўхтаيمиз ва ҳаммасини бир-бир хаёлдан ўтказамиз...

Жаллод. Бу давлат — хаёлдаги давлат, воқеалар эса тўқиб чиқарилган.

Арқуб. Биз шунчаки орзуга бериляпмиз, холос.

Жаллод. Ким нимани орзу қилса — ўз хоҳиши.

Арқуб (*сакрайди*). Тасаввур. Таҳайюл. Орзу.

Убайд. Шу чоққача уни ағдармасларидан бурун ўз тахтини бўшатиб берган ҳукмдор бўлган эмас.

Зоҳид. Шу чоққача ўз тахтини қарзга ёки ҳаттоки ҳазил учун ҳам ижарага бериб турган ҳукмдор ўтмаган.

Арқуб. Биз шунчаки ўйин кўрсатмоқдамиз.

Жаллод. Шу чоққача мутлақо ёмон ўйга бормаган ҳолда.

Арқуб. Шундоқ қилиб бугун менинг соҳибим тахтга чиқади ва мамлакатни бошқаради. У ҳам ҳаммамиз каби орамиздаги битта инсондир, биз билан бир мавзеда яшайди. У бизга ёрдам бериши шарт.

Жаллод. Йўқ, энди у аёнлар тоифасига киради, у бадавлат савдогар эди, у бизга ёрдам бериши шарт.

Арқуб. У халқ ичидан чиққан, бизларнинг биттамыздир.

Жаллод. Йўқ, у бизларнинг биттамыздир, жаллодлардан биридир!

Арқуб. У бизларга ёрдам беради!

Жаллод (*жанжал кўтаришга шайланиб*). Йўқ, бизга!

Арқуб. У — бизларнинг биттамыз. (*Муштирашишга киришади*.)

Убайд (*уларни ажратади*). Келинг, ўйинни давом этдирайлик, шуниси — энг маъқули.

*Саҳна қоронғилашади.*

### ТҶҮРТИНЧИ КҶРИНИШ

Ёзув-лавҳа: “Фуқаро Абу Аза султон бўлиб уйғонади”.

Султоннинг ётоғи, у ерда Абу Аза ётибди. Маймун юзидан меҳр ёғиб, ихлос билан унинг оёғици уқаламоқда. Ниҳоят Абу Аза бошини кўтариб, Маймунга танг қолиб боқади.

Кейин кўзларини тезда юмиб, бошини яна ёстиқнинг остига яширади.

Маймун (*Абу Аза уйғонганлигини сезиб, бошини унинг оёғи сари янада пастроқ эгади*). Уйқудан уйғонишингизни оллоҳ ёрлақасин ва сизга унинг чексиз марҳаматлари ёғилсин, олампаноҳим.

Абу Аза. Бирам ажойиб туш кўряпманки!

Маймун (*уқалашда давом этиб*). Оллоҳнинг ўзи олампаноҳимнинг умрларини узун қилсин ва ўнглариини ҳам, тушларини ҳам ҳамиша чароғон ҳамда обод этсин.

Абу Аза (*сесканиб кетади*). Вой, қитиғим келяпти, етади.

Маймун. Агар силаганларим сизга дағал туюлган бўлса, қўлларим косовга айлансин!

Абу Аза. Йўқ-йўқ, бу энг майин шабададан ҳам майинроқ. Мен бор вужудим билан гаройиб бир сармастлик оғушига чўмиб кетгандайман.



Маймун. Ахир... ахир, олампаоҳим, менга қуёш чиқиши билан уйғотмоқлигимни тайинлагандингиз.

Абу Аза. Қуёшга айт, бир оз чиқишини тўхтатиб турсин.

Маймун. Оллоҳ ҳамма нарсага қодирдир, менинг олампаоҳим эса ҳар ишда ҳамма бандалардан устувордирлар.

Абу Аза кескин ҳаракат билан кўрпадан туради, ҳайратланиб Маймунга тикилади, кейин атрофга аланглайди. Маймун бошини қуйи эгганича, тиз чўккан қуйи тураверади.

Абу Аза (*ўз-ўзи билан гаплашаётгандай*). Наҳотки уйғоқ бўлсам мен? (*Ўзини, кўрпани силаб кўради, ёнидаги курсичада турган кумуш қадаҳни қўлига олади.*) Қўлларим менга буларнинг ҳаммаси ўнгим эканлигини гапириб турибди, бироқ кўзларим эса тушдан сира фарқлай олмаяпти. Бу тўшак, кумуш, тилла, барқут, атлас, жамики бу ҳашамат... Қандай ажойиб туш бу!

Маймун. Ё, Оллоҳим, олампаоҳимни оғир, хунук тушлар кўрмоғидан ёки уйғонгач эса кўнгилларини бирон-бир дард нохуш этмоғидан ҳамиша ўзинг асрагин.

Абу Аза (*Маймунни яна кўздан кечиради, ишонсизлик билан*). Сен кимсан, ошна? Биз қасрдамиз ўзи?

Маймун. Мен нима гуноҳ қилиб қўйдимки, олампаоҳим мени танимаётган бўлсалар? Сиз ўз ётоғингизда уйғондингиз, мен сизнинг тахтингизни ва хобхонангиз эшигини ҳамиша садоқат билан қўриқловчи хизматкорингиз Маймунман.

Абу Аза. Ошна, ўрнингдан туриб, олдимга кел-чи.

Маймун (*бошини эгган қуйи яқинлашади*). Мен бутунлай ихтиёрингиздаман, олампаоҳим, ҳар қандай хоҳишингизни бажаришга тайёрман.

Абу Аза қимтиниб Маймуннинг юзига қўлини теккизади, унинг ёноқларини, сочларини силайди.

Олампаоҳимнинг қўллари нақадар саховатли ва марҳаматлидир, жамики бандаларнинг қўлларидан майинроқдир.

Абу Аза. Мени ташлаб кетма, ажойиб туш.

Вазир либосида Арқуб келади. Унда аввалги енгилтакликдан асар ҳам қолмаган, барча хатти-ҳаракати вазминлик ва салобат касб этган.

Арқуб. Олампаоҳим, қутлуғ тонгингизни оллоҳнинг ўзи ёрлақасин.

Абу Аза (*тезда юзини қўллари билан беркитади*). Эҳ, сен қарғадек қағилладинг-у, ажойиб тушимни, ширин гуйғуларимни тарқатиб юбординг.

Арқуб. Қуёш чиқди, олампаоҳим. Туриш вақти бўлди. Давлат ишлари сизнинг аралашувингизни ва ҳукмларингизни кутмоқда.

Абу Аза. Йўқол бу ердан! Қуёшнинг чиқиши билан нима ишим бор! Чиқса чиқавермайдими. Мен бу жаннатни тарқ этмоқчи эмасман.

Маймун (*шивирлаб, бошини эгиб*). Вазир жаноблари, олампаоҳимиз оғриб қолдиларми, дея хавотирдаман.

Арқуб. Қани, бу ёққа тургин-чи, олампаоҳимизга нима бўлганлигини мен ўзим кўрай.

Абу Аза (*Арқубга диққат билан тикилади*). Эй, Арқуб, наmunча тикилиб қолдинг?

Арқуб. Арқуб? Олампаоҳим эрта тонгдан ҳазил қилмоқдаларми? Ёки мени қандайдир ярамас исм билан атаб, устимдан кулмоқчимилар?

Абу Аза (*жаҳли чиқиб*). Сенинг соҳибинг оч қоринга ҳазил қилишни ёқтирмайди. Мен кимман-у, сен кимсан?

Арқуб. Бу ҳазил бўлмайин нима ўзи? Сиз — улуғ қудрат эгаси султон Фахриддинсиз. Мен эса, ўзингиз марҳамат кўрсатиб тайинлаган вазирингизман ва ҳамма мени Барбир Ёмон кўз деб аташади.

Абу Аза устидан кўрпани тушириб, кескин ўрnidан туради.

Маймун. Улуғ алломаи замонимиз уйқудан турдилар.

Арқуб. Бизнинг қудратимиз ва адолатимиз уйғонди.

Абу Аза. Айтинглар-чи, мен кеча кечкурун нима билан машғул бўлдим?

Маймун. Кеча, олампаноҳим, сиз ўзингизда толиқиш сезиб, барвақт ухлашга ётдингиз.

Абу Аза. Ё худо, нимаики ўнгимда бўлса, тушимда ҳам ўша-я!? (*Хонани айланиб юриб, йўлида нима учраса ушлаб кўра бошлайди.*) Ўнгимда нима бўлса, тушимда ҳам ўша!

Арқуб. Олампаноҳимизнинг кийинадиган вақтлари бўлди, саллани бошларига қўйиб зарур давлат ишларига киришмоқлари даркор. (*Маймунга.*) Ҳой қул, аркони давлатни чорла.

Маймун кетади.

Абу Аза. Ҳой, Арқуб!

Арқуб (*сўзини бўлиб*). Ўтинаман, олампаноҳим, аркони давлат олдида мени ерга урманг, илтимос.

Абу Аза. Бу ёққа кел-чи. Мен барибир қайсиниси ўнг, қайсиниси туш эканлигини аниқламоқчиман. Башарамга тушир-чи.

Арқуб. О, олампаноҳим!

Абу Аза. Тушир башарамга!

Арқуб Абу Азанинг юзига боплаб туриб мушт туширади,  
у юзидаги оғриқ зарбидан сакраб кетади.

О, муштан ҳимоя қилолмаган сийрак соқолимга лаънатлар бўлсин! (*Фазаб билан Арқубга ташланади.*)

Арқуб. Мени афу этинг ва бу зарбани менга қаторасига икки юз марта қилиб қайтаринг. Агар олампаноҳим ўзлари амр этмаганларида мен сизга қўлимни тек-кизмоқликдан кўра кесиб ташламоқликни афзал кўрардим.

Абу Аза (*юзини артиб, уйчан қолди*). Демак, бу туш эмас... (*Сукутдан сўнг.*) Эслатгин менга... Билмайман, бугун бошим говлаб кетгандай... Қачондан буён биз султон ва вазир бўлиб қолдик?

Арқуб. Бир неча кундан кейин бутун мамлакат олампаноҳимиз, улуғ қудрат соҳиби Фахриддиннинг тахтга чиққанлигини нишонлаб байрам қилади. Бу улуғ айёмлар давомида мен, вазир Барбир, олампаноҳимнинг ёнларидан соядек ва соқ-чидек бир зум ҳам нари жилмайман.

Шовқин эшитилади. Маймун, унинг кетидан икки соқчи ва ҳофизлар кириб келади.

Ҳофизлар (*сафга тизилиб, қўшиқ бошлашади*).

Сен — бизнинг нажотимиз,  
Мунаввар ҳаётимиз,  
Тилакларинг ҳаммаси,  
Орзуларинг барчаси —  
Оллоҳ қилса иноят,  
Бўлур, албат, ижобат.

Арқуб. Бизнинг қудратли ва саховатли ҳукмдоримиз вужудини шоҳлик либослари билан буркангиз.

Кўриқчилар тавозе билан таъзим бажо қилади. Маймун Абу Аза елкаларини уқалайди, кийинтириш бошланганда эса ҳар бир либосни у қўллари билан силлиқлаб текислайди.

Кийинтириш дақиқалари хотиржам ва улуғвор, бамисоли сирли,  
муқаддас маросим сингари амалга оширилади.

Абу Аза. Сеҳрланиб қолдимми мен ёки ақлдан оздимми?

Ҳофизлар. Ифтихоримиз, улуғ султонга шон-шарафлар!

Абу Аза. Атрофим бамисоли шиша билан ўралгандек, унинг ортида эса қандайдир сароб... Сеҳрландимми мен ёки жинни бўлиб қолдимми?

Ҳофизлар. Тоабад барҳаёт, мутафаккир, ҳамду саноларга муносиб зотга шон-шарафлар!

Маймун (*Абу Азанинг асабийлашаётганлигини пайқаб, унга шивирлайди*). Оллоҳнинг ўзи ёрлақасин, олампаноҳим, ўз вужудингизни эркин қўйинг.

Абу Аза. Мен бамисоли сувда юриб кетаётгандекман, бироқ оёқларим ботмаяпти ва қуруқлигича турибди. Бамисоли шамол мени ўтмишимдан олис-олисларга учуриб кетаётгандек. Мен, жинни бўлиб қолдим, шекилли?

Ҳофизлар. Қўрқмас, қудратли, ботир ҳукмдоримизга шон-шарафлар!

Арқуб (*Абу Азага саллани узатади*). Эҳтиёт бўлиб ушланг. Уни кўз қорачигидай асранг.

Абу Аза. Мана, шамол ҳам тинди, ўтмиш тамомила ортда қолди. Ҳаммаси хотирадан эриб кетди. Энди олға юраман, ортимда эса баланд қора девор. Сеҳрланиб қолдим мен, шекилли?

Маймун (*унинг қўлини майинлик билан тутати*). Бу бебаҳо бармоқларни нодир лаъл ва ёқутлар билан безамоқликка изн беринг.

Абу Аза. Мен ёруғликни, чеҳраларни кўряпман. Ҳаммасини жуда равшан кўряпман.

Унинг бошига саллани кийдирадилар.

Ҳофизлар.

Султонимизга бахт, шуқуҳ ёр бўлсин!  
Шавкати бундан-да улуғвор бўлсин!

Абу Аза. Мен худди қайтадан туғилгандекман. Ҳашаматли қаср ичидаман, бунда ҳамма нарса шамшир каби ёрқин товланяпти. Бироқ нима учундир менинг ичим бўм-бўш, ёлғизман.

Арқуб. Мана улуғ султонимизнинг асолари.

Абу Аза асони қўлига тутиб, кўриниши қатъийлик касб этади. Вужуди таранглашиб, юзи жиддийлашади.

Ҳофизлар (*худди тиловат қилаётгандек куйлайди*).

Эй даврон соҳиби, зўр саховатда ҳамда қудратда тенгинг йўқ сенинг,  
Тоабад шундоқ қол, юрсин пойингда улусинг масрур.  
Табассуминг билан — қуёшдек ёрқин,  
Қўлингдаги буюк қудратинг ила  
Суюб улғайтиргунг шербаччаларни мағрур шер мисол:  
Сени ёрлақасин оллоҳнинг ўзи,  
Берсин шавкат, ҳурмат ва ҳашаматни юксак ҳиммат-ла,  
Ўзинг — адолатнинг, улуғворликнинг энг тугал рамзи.

Абу Аза (*асосини ерга уради*). Бир неча дақиқадан кейин қабулгоҳимда ўз фуқароларимнинг ишларини кўрмоқ ила машғул бўлғайман!

Арқуб. Ҳаммангиз бўшсиз. Кетишингиз мумкин.

*Саҳна қоронғилашади.*

## ИНТЕРМЕДИЯ

Ёзув-лавҳа: “Султон мулозимлари сафига яна икки одам қўшилади”.

Султон қабулгоҳининг қоронғи бурчакларидан бирига Ҳожи Мустафо ва Ҳожи Маҳмудлар яшириниб олишган, шивирлаб гаплашишади.

Мустафо (*жилмайиб*). Пайқадингми, улар қўшиқни унча қовушмасдан куйладилар? Уларнинг ҳайратдан анграйиб қолишганини, кўрқув ва гангишдан томоқлари қуриб қолганини аён тасаввур қилдим.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Маҳмуд (*жаҳл билан*). Ҳеч нарсани пайқамадим мен, аввалгидек куйлашди. Кўрқувдан томоқлари анграйиб қолгани ҳам йўқ.

Мустафо. Томоқлари анграйиб? Нима деганинг бу, эсинг жойидами?

Маҳмуд. Жойида! Бугун ҳазил-хузулга аҳд қилганмиз-ку, ахир.

Мустафо. Ҳазил-хузул, ўйин-кулги, хуш-хандонлик. Ёки ҳалиям вазирлик либосингга мотам тутиб, ўзингни вужудсиз ҳис қилмоқдамисан?

Маҳмуд. Нафақат вужудсиз, бошсиз ҳам.

Маймун хобхонадан чиқиб, ўзининг эшик олдидаги одатий жойига ўтади.

Мустафо. Мана Маймунимиз ҳам пайдо бўлди. Ҳозир кўрамиз, у қанчалик таажжубга тушаркин ва эшитамиз, нималарни сўйлаб бераркин.

Маҳмуд. Аммоки мен унинг юзида ҳеч бир ҳайронлик аломатини кўрмаяман.

Мустафо. Маймун! Маймун!

Маймун улар томонга ўгирилиб, таажжуб билан боқади.

Бу ёққа кел-чи!

Маймун (*истамайгина уларга яқинлашади ва қизиқсиниш билан уларга тикилади*). Сенга нима керак, нотаниш одам?

Мустафо. Нотаниш?

Маймун. Мени сен билан қачондир кўришган дея ўйлаётган бўлма? Менинг исмиمنى билишлигинг жуда ғалати. Бу ёққа қандай келиб қолганларинг эса бундан ҳам ғалати.

Мустафо (*дарғазаб бўлиб*). Маймун!

Маймун. Ҳаддингиздан ошманг, менга бақиринингиз учун исмиمنى билишингиз кифоя қилмайди.

Мустафо (*ўзини зўрга қўлга олиб, гап оҳангини ўзгартиради*). Майли, йигитча, кечир, лекин бизни танимаганлигинг жуда танг қолдирди. Биз султоннинг аъёнлариданмиз, ахир. Саройда тез-тез бўлиб турамиз ва унда яшайдиганларнинг ҳаммасини таниймиз ва номма-ном биламиз, улар эса, афсуски, бизни ҳар вақт ҳам билаверишмайди.

Маймун. Ахир, мен сизни атайлаб танимаганим йўқ, муҳтарам зот. Мен — олампаҳоқ учун жонимни беришга ҳам тайёрман, шунинг учун унинг аъёнлари ҳам менга жуда азиздир.

Маҳмуд. Оллоҳ ёр бўлсин сенга! Энди айт-чи, олампаҳоқимиз яхши кайфиятда уйғондиларми?

Маймун. Аввал мен у оғриб қолмадимикин, деб кўрқиб кетдим. Кейин аён бўлдики, у шунчаки ёмон тушлар кўрган экан, уйқудан батамом уйғонганларидан кейин эса тағин мунаввар қуёшга айландилар. (*Ўз юзини қўллари билан силайди, масрур ҳолда*.) У ўзининг шоҳлик бармоқлари билан юзимни қандай силаганлигини умримнинг охири қадар унутмайман.

Мустафо. Маймун, айт-чи, бугун сен олампаҳоқининг юзига диққат билан қарадингми?

Маймун. Нега сиз бунақа саволни беряпсиз, ҳурматли жаноб! Қуёш чарақлаб турганида унга ким ҳам боқа олиши мумкин?

Мустафо. Яхши. Энди эса менга синчиклаб боқ.

Маймун (*бетоқатлик билан*). Шундоқ ҳам мен сизга ажратилган вақтимдан кўра кўпроқ боқяпман. Вақтим тифиз.

Мустафо. Нима, сен мени чиндан ҳам танимаяпсанми?

Маймун. Нима десангиз денг, ҳурматли жаноб, илгари мен сизни бирон марта ҳам кўрганимни эслай олмаяпман.

Мустафо (*унга қўлини узатади*). Мана бу бармоқлар эсингда йўқми, уларни бирон марта ушламаганмисан?

Маймун (*Маҳмудга*). Шерингизга нима бўлган? (*Чеккасига бармоғини нуқиб айлантиради*). Фақат унинг, мен султонман, дейиши қолди, холос. Узр сўрайман, ҳурматли зотлар. Олампаҳоқимнинг қабулгоҳда кўринишларига санокти дақиқалар қолди. (*Ҳайронликдан бошини чайқаб, улардан узоқлашади*.)

Мустафо. Мен илгаридан билардим. Маймуннинг галварслигини, аҳмоқлигини, тубан махлуқлигини.

Маҳмуд. Қўрқаманки, фақат унинггина эмас.

Мустафо. Бу билан нима демоқчисан?

Маҳмуд. Шунчаки айтдим-қўйдим-да.

Мустафо. Бугун кечқурун унинг бармоқларини чопиб итларга ташлайман.

*Саҳна қоронғилашади.*

## БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Ёзув-лавҳа: “Султон барибир султон, зеро Абу Аза исми билан аталиб келган фуқаро ўзининг барча душманларини унутиб, давлатни бошқаришининг яккаю ягона тўғри йўлини топишга интилади”.

Ёрқин шуълаларга чулганган султон қабулгоҳи, кенг саҳнанинг ўртасида тахт турибди. Султон Абу Аза, унинг изидан Арқуб чиқиб келади. Абу Азанинг хатти-ҳаракати қатъий, кескин, салобатли. Юзида теран фикр, жиддийлик ва эзгулик акс этган.

Маҳмуд. Мана, султон ҳам чиқди.

Мустафо (*сесканиб*). Султон? Девона-телба ошнализни назарда тутяпсанми?

Маҳмуд. Қаранг, у қанчалар виқор билан одимляпти. Сизнинг либосингиз унга худди қуйиб қўйгандек. Мана буниси, Арқуб эса, қаранг, пучмайиб турибди. Менинг, менинг либосимни у пасткашлик ва меровлик билан тўлдирибди. (*Қирувчиларга ташланмоқчи бўлади.*) Бу ҳолатни кўргандан кўра кўзларим чиқсин менинг!

Мустафо (*уни тутиб қолади*). Ўйинимизни бузма, у эндигина бошланди.

Маҳмуд (*силтаниб чиқади*). Менинг бамисоли теримни шилишиб, унга ёпиб қўйишгандай, қўлларим ҳам, оёқларим ҳам ўз-ўзидан бўшашиб кетмоқда. (*Арқуб олдига югуриб келиб. Унга шивирлайди.*) Менинг тўнимни авайлаб-эҳтиётлашни унутмагин-а.

Султон тўхтади. Арқуб таажжубда. Маҳмуд Арқуб эғнидаги вазирлик либосини силаб-сийпайди, ғижимларини текислайди. Мустафо орқага судрашга уринади.

Султон. Булар қанақа одамлар ўзи? Соқчилар қаерда?

Арқуб (*таажжубини яшириб, муғамбирлик йўлига ўтади*). Эътиборга арзимади, улуғ султон. Узр, мен айтишни унутибман, бу икки дарвешни биз бир вақтлар шаҳар чеккасида учратгандик... ҳалиги...

Мустафо (*пичинг отиб*). Амбар аш-Шарқияда.

Арқуб. Ҳа-ҳа, Амбар аш-Шарқияда. Сиз уларни эслай олмаяпсизми, олампа-ноҳ?

Султон. Йўқ, эслай олмаяпман. Менинг мамлакатимда Амбар аш-Шарқия деган музофот йўқ.

Арқуб. Унда, бу одам ҳазиллашибди-да.

Султон (*қуруққина*). Қисқа қилиб айтганда, кимлар ўзи улар?

Арқуб. Қисқа қилиб айтганда, бу икки дарвеш, бутун мамлакатни кезиб, турли хавфу хатарлардан ўтиб, кеча саройга ўзларини мулозимлар қаторига олишларини сўраб келгандилар. Улар олампа-ноҳимизнинг кўнгилларини ёзиш иштиёқдалар.

Султон. Менинг мулозимларим шундоқ ҳам кўп. Ҳеч қайсиси нодонлик ва жоҳилликда бир-биридан қолишмайди.

Арқуб. Бироқ бу... Мустафо билан Маҳмуд бошқалардан ажралиб туришади.

Султон. Уларнинг қўлидан нималар келади?

Арқуб. Султон ва вазирнинг қиёфасига кириш, ҳар қанақа эрмаклар ўйлаб топиш, ҳазил-мутойиба, итга ўхшаб вовиллаш...

Мустафо (*чинқиради*). Вовиллаш?..

Маҳмуд (*Мустафонинг елкасига жаҳл билан туртади*). Мана, энди сен билан биз итга ўхшаб вовиллайдиган ҳам бўлдик... Шу даражага бориб етдик.

Арқуб. Мен бу... мен бу билан улуғ султон мулозимларининг баъзан қўшиқ деб аталадиган қуйлашларини назарда тутдим. Шунингдек, бу дарвешлар ҳавода айла-

ниб сакраш хунарини ҳам эгаллаганлар, айни чоғда шаҳвату тухмат ишларини ҳам жуда қойиллатиб ўрнига қўядилар.

Султон. Яхши, уларни мулозимларим сафига қўш. Бугун кечкурун синаб кўраман. Бироқ, бу ерда афтидан, сизлар, эргалаб ортиқча одамлар билан учрашишни хуш кўрмаслигимни унутгансизлар, шекилли. *(Уларга орқасини ўгиради ва тантанавор юриш давом этади.)*

Арқуб Мустафо ва Маҳмудга кулимсираб тикилади ва бошини чайқаб, султон изидан эргашади.

Маҳмуд. Кул, Мустафо, яйра. Мана, ниҳоят султоннинг мулозимлари қаторига қўшилишга ҳам муваффақ бўлдик, машаққатлар билан, албатта.

Мустафо. Сен мени ким деб атадинг? Мустафо дедингми? Эсинг оғиб қолганми, нима бало?

Маҳмуд *(уни қабулгоҳнинг бошқа бурчаги сари етаклайди)*. Кел, чеккароққа ўтайлик, у ўгрилиб бизга кўзи тушиши мумкин.

Султон енгил ва одатий қадамлар билан зинадан тахтга кўтарилади ва унга улугвор тусда бемалол жойлашиб ўтиради. Арқуб тахтни ушлаб кўришдан, силашдан, ҳатто ҳидлаб кўриш иштиёқидан ўзини тия олмайди, унинг теграсида гирдикапалак бўлади.

Арқуб.

Султон бўлсайдим мен бу мамлакатда  
Зиндонга итқитар эдим ҳаммани...

Султон *(унга таажжуб ва савол аломати билан боқади)*. Бу яна қанақа аҳмоқона гап?

Арқуб. Ахир, ғанимлар, олапаноҳим, хонавайрон қилдилар, шармандаи шармисор қилдилар... “Кейин дўстларни-да қилардим гумдон...” Кимдан бошласак экан?

Султон. Қандай ғанимлар ҳақида гапирмоқдасан? Умуман, бу ерда нималарни деб вайсаяпсан? Сен масхарабоз эмас — вазирсан, чамамда.

Арқуб *(бошини қуйи эгиб, жиддий ҳолат касб этади)*. Маъзур тутинг, олампаноҳим. Мен бир оз ҳаддан ошиб кетдим, чунки қасос мавриди етиб келди...

Султон. Қанақа ғанимлар? Қанақа қасос?

Арқуб *(Абу Аза овозига тақлид қилиб)*. “Таҳо шайх, аблаҳ-муттаҳам...”

Султон. Аблаҳ? Нима учун?

Арқуб. Чунки унда виждон йўқ. У етимларни талайди.

Султон. Ахир. У жума намозида султонга ҳамд-санолар айтиб, ваъз ўқимадими?

Арқуб *(пешонаси тиришиб)*. Ўқиди, албатта.

Султон. Нима, у одамларни исёнга, итоат қилмасликка чорладими ёки?

Арқуб. Бунга журъат қилиб кўрсин! Йўқ, мен уни виждони йўқ дедим, камбағал-қашшоқларни талайди, дедим.

Султон. Бу мамлакатнинг кулфати шундаки, меҳрибон ва марҳаматли оллоҳ бу юрт одамларининг оғзига тил эмас, илонни жойлаган.

Арқуб. Хўш, бозордаги энг йирик дўконларнинг эгаси Шоҳбандар-чи...

Султон. Дўстимиз Шоҳбандарми?

Арқуб. Дўстимиз? Олампаноҳим, уни ўзингизга дўст санаяпсизми? Ахир, у сизни хонавайрон қилди-ку!

Султон. Сенга бир нарса бўлганми бугун, салтанатимизнинг энг яхши одамлари билан орамизни бузмоққа интиляпсан. Ёки тахтимнинг заифлашмоғини истаб қолдингми?

Арқуб. Маъзур тутинг, олампаноҳим, мен улар ҳақида қачонлардир бошқача гапларни гапирганингизни эшитгандек бўлувдим...

Султон. Қачон?..

Арқуб. Балки... кеча бўлса керак.

Султон бир сония ўйга толади, сўнг асосини ерга уради. Шу заҳоти Маймун унинг қошига етиб келади.

Май мун. Нима буюргайсиз, олампаноҳим?

Султон. Эшит, йигитча, кеча бу пайтда нима иш билан машғул эдинг?

Май мун (*ўзини йўқотиб*). Бу пайтда? Бу пайтда мен, олампаноҳим, тахтни ҳушбўй мой билан артаётган эдим.

Султон. Нега бугун бу ишни қилмаяпсан?

Май мун. Мен шунга киришмоқчи эдим, бироқ олампаноҳим асосини ерга уриб қолдилар... (*Тахтни арта бошлайди*).

Султон (*бирмунча муддат хаёлга чўмган кўйи ўтиради, кейин Арқуб томонга ўгирилади*). Биласанми, ёлғиз қолганимда кўз ўнгимда ғалати нарсалар намоён бўла бошлайди... Балки улар туш бўлиши мумкин. Бироқ, уйғонгач, бу ҳақда оғиз оч-масликка, ўйламасликка ҳаракат қиламан ва унутаман...

Арқуб. Сиз ҳақсиз, олампаноҳим, менинг ҳам кўз ўнгимда нималардир намоён бўлади... тушиммикин деб ҳам ўйлайман. Шунинг учун ғанимларимизни тинч қўяйлик-да, хазинани шу ерга келтиришини буюриб, кўпроқ пул ўмариш тараддудини қилайлик. Кейин эса... “кейин биз тузаймиз дуркун дастурхон, майхўрлик қиламиз то тонгга қадар”. Кейин жононларга борамиз, а, лаббай?

Султон (*жаҳл билан унинг гапини бўлади*). Вазир!

Арқуб жим бўлади, султон унга шубҳа билан тикилади.

Бу ёққа кел-чи.

Арқуб унга жуда яқин келади.

Қани орқанга ўгрил-чи!

Арқуб ҳайкалга ўхшаб, ўтрилади.

Яна! (*Унга ўйчан тикилади, кейин бирдан*). Сен ҳақиқатан ҳам вазир Барбирми-сан?

Арқуб. Олампаноҳим, сиз ўз вазирагингизга шубҳа билдирмоқдасиз?

Султон. Ўйинни бас қилайлик. Хўш, ҳузуримга биринчи бўлиб ким кирмоқчи?

Арқуб. Биринчи бўлиб? Биринчи бўлиб кирувчи, олампаноҳим, бизда бугун... ҳалиги... одатдагидек.

Султон Арқубга яна диққат билан тикилади, кейин асосини ерга уради.

Шу заҳоти Май мун югуриб келади.

Султон. Бор, ким биринчи бўлиб келган бўлса, олиб кир.

Маҳмуд. Пайқадингми, у Арқубга шубҳа билан қараяпти.

Мустафо. Ким тасаввур қила оларди, бу аҳмоқ қиёфасини шунчалар ўзгарти-ра олади деб!

Маҳмуд. У ўйин қияпти деб ўйлаяпсанми?

Мустафо. Бўлмаса, нима қияпти? Одам бир соатда шунчалик тез ўзгариб кета олиши мумкинми, ахир?

Маҳмуд. Бунинг учун баъзан бир соат ҳам шарт эмас. Бундан бир неча йил бурунги ушбу кун эсингдами?

Мустафо. Нима бўлганди ўшанда?

Маҳмуд. Деярли худди бугунгидақа воқеа.

Май мун (*эшик олдидан овоз беради*). Кўриқчилар бошлиғи — улуғ султон ҳузурига!

Маҳмуд (*қаҳри тошиб*). Нима сен, ҳали ҳам унинг этагига ўралашиб, тахтдан ағанаб тушишига умид боғлаяпсанми? Сенга ҳали ҳам кулгу хуруж қилмаяптими, Ҳожи Мустафо? Нимага кулмаяпсан?

Мустафо. Сен тагин ўзингни йўқотиб қўяяпсан. Биз киммиз, мавқеимиз қанақа — эсингда тут.

Маҳмуд. Бўлмасан-чи, бу ҳозир ҳам эсимда. Сен ҳозир — Ҳожи Мустафо, мен Ҳожи Маҳмудман. Мавқеимиз эса — улуғ султон мулозимларининг хизматкорлиги.

Мустафо. Барбир!

Маҳмуд. Қаерда у — Барбирнинг ўзи? Кимни чақирясан? Яхшиси, кўриқчилар бошлиғи ўзини қандай тутишини бир кўрайлик. У ҳамма нарсани кўради, ҳамма нарсадан хабардор — ҳатто фуқароларнинг қайси бирлари ўз хотинлари билан ухлашларига қадар билади.

Мустафо. Ҳа, энди бу, шубҳасиз, гап нимадалигини фаҳмлаб олади.

Кўриқчилар бошлиғи пайдо бўлади ва ўз қадрини биладиган одам сифатида унча-мунчани менсимайдиган ва кибр ила тахт томон йўналади. Унинг қўлида ўрма қамчи. Арқуб уни кўриши билан тахт панасига беркинади. Султон диққат билан, қаттиқ эътибор билан кўриқчилар бошлиғига тикилиб боқади ва унинг юзи янада қаҳрли, жиддий тус олади. Қаҳр-ғазаб ўти сочилиши аён сезилади.

Мустафо (*шивирлаб*). Афтидан, кўриқчилар бошлиғи ҳамма нарсани англаган, шекилли. Қара, унинг қадам олишини.

Маҳмуд. У илгари ҳам шундоқ қадам оларди, бунинг учун мен бир неча бор танбех берганман.

Кўриқчилар бошлиғи (*тахт рўнарасида тўхтаб, ҳеч бир тавозесиз*). Кўриқчилар бошлиғи ҳузурингизга келди.

Султон (*ўзини тутиб*). Мамлакатим бу кеча қандай ухлади?

Кўриқчилар бошлиғи. Ҳар доимгидек. Осойишта ва ҳеч қанақа туш кўрмасдан.

Султон. Бирон-бир кўнгилни нохуш қиладиган воқеалар содир бўлмадими?

Кўриқчилар бошлиғи. Содир бўлмади.

Султон. Салтанатга бирон-бир фитна ораламадими?

Кўриқчилар бошлиғи. Қўл остимдагилар ҳеч бир хуфия хатти-ҳаракатни кузатишмади.

Султон. Ўзинга ортиқча баҳо бериб юбормаялсанми? Бунақа ортиқча ишонч хушёрликни сўндиради.

Кўриқчилар бошлиғи (*кескин*). Мен бунақа оҳангга ўрганмаганман.

Султон. Султон тахтга фитнаю фириблар кирмаслигини истаса, вақти-вақти билан гап оҳангини ўзгартириб туриши зарур.

Кўриқчилар бошлиғи (*ўзини йўқота бошлайди*). Олампаҳо менга ниманидир шама қияптиларми?

Султон. Олампаҳоинг шама қилиб ўтиришга муҳтож эмас. Фитнаю фирибларсиз салтанатнинг ўзи йўқ.

Кўриқчилар бошлиғи. Олампаҳоим нимадандир шубҳа-гумон қилмоқдаларми?

Султон. Шубҳа-гумонсиз султон — тож-тахтсиз султон демакдир?

Маҳмуд (*ҳайратини яшира олмайди*). Оллоҳга қасамки, мен ҳам ҳар доим худди шундоқ ўйлардим!

Кўриқчилар бошлиғи. Нақадар тубанлик! Олампаҳоимга ким қанақа майда гапни етказди экан?

Султон (*бу тўқнашувда у ўзини ғолиб ҳис эта бошлаб*). Сен бу ерда мени сўроқ қилиш учун қаққайиб турмаганлигингни билиб қўй, ҳамма нарса ҳақида менга етказишинг керак. Кейин... (*Унинг овози янада журъат ва салобат касб этади*)... Султонга садоқатни сен майда гап деб аташга қандай тилинг борди?

Кўриқчилар бошлиғи (*қимтиниб*). Гангиб, довдираб қолдим... Олампаҳоим, сизни... ҳар хил майда-чуйда гаплар билан безовта қилгим келмади... Уни зиндондан қочириб юборганларнинг барчасини қатл эттирдим, ҳозир ўзини ҳамма жойда қидирмоқдамиз. У ўз шериклари билан қаерга яширинмаган бўлсин, қочиб қутула олмайди.

Султон тахтдан тушиб кўриқчилар бошлиғи атрофида виқорли қиёфада айланади.

Мустафо (*ўзини йўқотиб*). Бизда нима содир бўлганди ўзи, а?

Маҳмуд. Бу сенинг султонлик даврингда, тож-тахтдан зерикиб юрган пайтингда содир бўлганди. Мен сенга жиддий гаплашиб олайлик, чоралар кўрайлик, дегандим...

Мустафо. Сен, менинг султонлик давримда, деябсанми?



Маҳмуд. Ҳа, бу ерда жумла қурилиши қоидалари фақат ўтган замон қўшимчасини тақозо қилади.

Мустафо. Барбир!

Маҳмуд. Кимни чақиряпсан? Қани у?

Султон (*қўриқчилар бошлиғи олдида тўхтайдди ва қаҳр-ғазаб билан асосини ерга уради*). Зиндондан қочишлар, жиноятчилар тўдаси, фитнаю фириб авжида-ю, қўриқчилар бошлиғи эса чўрисининг олдига келгандек келиб, “Менинг қўл остимдагилар билмаган сир йўқ”, деб бурнини осмонга кўтаради.

Маҳмуд. Олампаноҳим, эзинг уни, эзинг! Оллоҳ номига қасамки, сенинг ҳар бир гапинг юрагимга малҳамдек ёқапти.

Қўриқчилар бошлиғи (*йиқилиб чўк тушади*). Ёлвораман, олампаноҳим, ғазаб ўтларингизни сочманг! Бир хатолик ўтди. Бошқа қайтарилмайди. Қолганлари унчалик кўрқинчли эмас.

Мустафо. Наҳотки қўриқчилар бошлиғи бу?! Салтанатнинг сергак ва бедор кўзи! Ўзининг султонини танимапти. Шунчалар букилиб тазарру қилдики! Ёки туш кўряпманми?

Маҳмуд. Буниси туш эмас.

Султон (*тағин тахтга кўтарилиб, унга виқор билан ўтиради*). “Унчалик кўрқинчли эмас” деганинг нимаси? Сенинг олампаноҳингга лиқилдоқ тахт муносиб эмас.

Қўриқчилар бошлиғи. У бор-йўғи бир дайди, саёқ, холос. Унинг атрофи-га йиғилганлар — қаланғи-қасанғилар.

Султон. Хўш. Бу қаланғи-қасанғиларнинг муддаолари нима?

Қўриқчилар бошлиғи. Мамлакатда тартибсизлик туғдириш, улар биронта чанг заррасини ўрнидан кўзғатгуни қадар, мен барчасини товада қовуриб ташлайман.

Султон. Қандоқ қовурмоқчисан уларни? Нима, уларнинг ҳаммаси зиндонинг-да кишанбанд ётибдими?

Қўриқчилар бошлиғи (*ўзини йўқотиб*). Йўқ, аммо биз уларни ахтариб топамиз, албатта.

Султон. Фақат биттасини топгансизлар, лекин у ҳам қочиб кетибди-ку?

Қўриқчилар бошлиғи. Яна биттасини тутдик... (*Қизариб*). Лекин у ҳеч нарсани бўйнига олмай, қийноқ остида жон берди. Биз уларнинг барчасини, битта қўймай тутажакмиз.

Султон. Чучмал ваъдаларни ёқтирмайман. Агар сен уларни байрамга қадар тутмасанг, ўзингни ўзинг осаверишинг мумкин.

Қўриқчилар бошлиғи. Олампаноҳим!

Султон (*асосини ерга уради*). Жим бўл! Бугунга мен учун келтирган шу ўта муҳим хабаринг ҳам етарли. (*Ўйга толади*.)

Қўриқчилар бошлиғи (*эзилиб*). Айтганларингизни бажо қиламан, олампаноҳ. (*Кетади*.)

Арқуб (*тахт панасидан чиқиб, сакрай бошлайди*). Сен уни ер билан битта қилдинг. Товусдай кириб, каламушдай чиқиб кетди. Ҳақиқий султон иккаламининг тасодифий бу кўрсатган хизматимизга мўмайгина ҳақ тўлаши шубҳасиз.

Султон. Ким?

Арқуб (*ўзига келиб*). Йўқ-йўқ, ҳечқиси йўқ. Мен ўзим билан ўзим гаплашяпман.

Султон. Ўзинг билан ўзинг ичингда гаплаш. Менинг ўйлашимга халал берма.

Мустафо. Сехрланиб қолдиммикин? Қўриқчилар бошлиғи менга хиёнат қилмоқда. Мамлакатимда нималар содир бўляпти ўзи?

Маҳмуд. Бу мамлакатда шунақанги ишлар содир бўляптики, бу ҳолат султонни ўз либосидан воз кечишни эмас, балки салтанат жиловини қўлида маҳкамроқ тутмоғини тақозо қилади.

Мустафо. Хўш. Сен-чи? Сенинг бирон нарсадан хабаринг бормиди?

Маҳмуд. Ўзининг — вазирлик, сенинг эса султонлик пайтингда чакагинга бир неча бор тарсаки туширмаганлигимга афсус қиламан.

Мустафо (*ғазаб билан унинг ёқасига ёпишади*). Сен-а?.. Сен?.. Барбир? Тарсаки?

Маҳмуд. Бас қил, Ҳожи Мустафо, ўзингни шарманда қилма. Зерикадиган, энгилтак султон кимга ҳам керак? Мамлакатда нималар содир бўлаётганлигидан беҳабар вазирнинг ҳам кимга кераги бор?

Мустафо. Бу аҳмоқнинг ҳам кимга кераги бор?

Маҳмуд. Сен аҳмоқ деб атаётган султон мамлакатида нималар содир бўлаётганини дарҳол сезиб олди.

Мустафо (*эзилиб*). Сехр-жоду қилиндимми ёки ақлдан оздимми? Булар бари ниманинг аломати?

Маҳмуд. Ҳеч ҳайратланадиган жойи йўқ, бундан ташқари, улуғ султонимиз онанинг қорнидаги ҳомила сингари ўз шоҳлик либосига эрта чулғанди, асога эса киндикка ёпишгандек ёпишиб олди. Кеча сен ҳам шу ишни қилмоққа қодир эдинг.

Мустафо. Бу алаҳсирашнинг ўзи? Зудлик билан бунга чек қўяман (*Тахтга ташланмоқчи бўлади*).

Маҳмуд уни ушлаб қолади.

Султон (*ўй суришдан тўхтаб, ўзига келади ва асосини ерга уради*). Менга жаллодни чақиринг!

Арқуб. Жаллодни? Оллоҳим, ўзинг қутқар! Нимага керак бўлиб қолди у?

Мустафо. Ҳозир, жаллод кирганидан сўнг бу ўйинга нуқта қўяман. Жаллоднинг болтаси раҳм-шафқатни билмайди.

Маҳмуд. Ушбу ўйинни султон бошлаган, султондан бўлак ҳеч ким бунга нуқта қўя олмайди. Ҳожи Мустафо эса Ҳожи Мустафо-да.

Мустафо. Сехр-жоду қилиндимми ёки...

Жаллод киради.

Жаллод (*таъзим қилиб*). Хизматингизга тайёрман, улуғ султон.

Мустафо. Ақлдан оздимми ёки? Наҳотки султоннинг юзи бошқача эканлигини ҳеч ким сезмаётган бўлса?

Маҳмуд. Султонларнинг ўз юзи бўлмайди.

Султон жаллод ойболтасига кўнгли суст кетиб қарайди.

Арқуб. Ўзинг асрагин, оллоҳ! Бу нақадар кескир-а? Наҳотки, парию жононлар ширин сўзу оғушимизга мунтазир бўлиб турган бир пайтда биз кун бўйи шу ойболтани томоша қилиб ўтирсак?!

Султон (*Арқубга қаҳрли нигоҳини қадайд*). Ҳей, жаллод, сен менинг ўнг томонимда тур, ойболтангни эса кўлимга яқинроқ суриб қўй.

Жаллод қаддини тик тутиб султоннинг ўнг томонида туради, ойболтани эса тахтга шу қадар жилдирадики, унинг дастаси нақ тирсакка тегиб туради.

Арқуб (*таажжубланиб*). О, марҳаматли, раҳмдил оллоҳ, соҳибим билан нималар содир бўлаётибди?

Султон (*астойдил ҳузурланиб ойболтани силайди*). Мана шундоқ... Мен бу кескир пўлатнинг совуқлигини ҳамма бармоқларим, бутун вужудим, онгу шуурим билан ҳис этиб турмоғим учун у ҳамиша ёнимда бўлсин. Мен бу ойболта билан қўшилиб, яхлитланиб — ойболта-султон номини олмоқни хоҳлардим. Сен эса, жойингда тур, жаллод.

Жаллод (*томоқ қириб*). Бош устига, олампаҳо!

Арқуб. Оллоҳ номига қасам ичаманки, мен ҳеч нарсани тушунмаяпман. Биз, ахир, шунчаки ҳазиллашмоқчи эдик-ку! Қани бу, келишилган шартларингиз? Мен соҳибимни таний олмай қоляпман. Султон эса қачон кўнгли ёзилмоғини кутмоқда, ахир. Ҳеч нарсани тушунмай қолдим.

Маҳмуд. Юрагим ҳаприқиб кетяпти! Либосларимни қайтариб олиш иштиёқида энтикиб кетяпман. Вазирнинг хоқон ёнида бўлмоқлигига маврид етилди.

Мустафо. Сехр-жоду қилиндимми ёки ақлдан оздимми? (*Ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб*). Унинг танобини тортиб қўй ҳозирок!

Маҳмуд. Сиз, Ҳожи Мустафо, сиз улуғ олампаҳоимнинг шаштидан қайтармоғимни истаётисизми ёки ўткир ойболтанями?

Мустафо. Мен бу ўйиннинг дарҳол тўхтатилишини буюраман!

Маҳмуд. Кейин балиқ овчиси англадики, унинг тўрига тушган шиша ичига жин қамалган экан. Жин йиғлапти-йиғлапти ва ўзини озодликка чиқариб юборилишини сўраб ёлворибди. Овчининг кўнгли бўшашиб, шишанинг оғзини очибди. Шунда жин шиша ичидан чиқиб улкан девга айланибди ва шундай қаҳқаҳа урибдики, тоғу саҳролар титраб кетибди, кейин овчини ўлдирмоқчи бўлиб, унга ташланибди.

Мустафо (*чайқалиб*). Сеҳр-жоду қилиндимми ёки ақлдан оздимми?

Маҳмуд. Ахир, эртақ шундоқ яқунланадиган бўлса, сенинг қисматингга нечун ачинай!

Саҳна қоронғилашган, фақат ойболта тутган султоннинг кўли кўринади, холос.

## ИНТЕРМЕДИЯ

Ёзув-лавҳа: “Султонлик либосини бер менга, мен ҳам султонлик қила оламан”.

Аввалги саҳнанинг ҳамма қаҳрамонлари тек қотган ҳолатда. Мустафо яширинган жойидан чиқиб, саҳнада телбаларча айлана бошлайди.

Мустафо. Ҳеч ким унинг юзига диққат қилмади! Сеҳр-жоду қилиндимми ёки ақлдан оздимми? Бу ерда нималар содир бўлаяпти ўзи?

Саҳнанинг икки томонидан Убайд ва Зоҳид чиқиб келишади ва саҳна олдида учрашишади. Уларнинг гаплари жуда оддий, табиий ва юракдан чиққан.

Убайд. У либосини ўзгартириб, султон бўлиб олдимми? Нима қипти, бу эврилиш мутлақо қонунга мос. Ҳатто бу эртақ ёки афсона бўлган тақдирда ҳам.

Зоҳид. Қайсики салтанатда фирибу фитна, қаллоблик авж олса, “Султонлик либосини бер менга, мен ҳам султонлик қила оламан”, деган иддао кучга киради.

Мустафо (*саҳнада гир айланади*). Бу ерда нималар содир бўлаяпти ўзи? Ҳақиқат қаерда, фириб қаерда? Туш қаерда, ўнг қаерда?

Зоҳид. Бунда ҳақиқат ҳам, фириб ҳам йўқ. Моҳият қобиқда, мағиз муҳим эмас. Зоҳир ўзгаради, ботин қолаверади.

Убайд. Ҳозир тахтда керилиб ўтирган зот ўзи шафқатсиз туюлади. Ҳолбуки унинг атрофида гир айланаётган ҳам шафқатсиз бўлган. Эртами-кечми, улар барибир янада шафқатсизроқ бўлишади. Шароит ҳар ким ўз салтанатини ҳимоя этишини тақозо қилади.

Зоҳид ва Убайд (*биргаликда*). Зоҳир турфа-ю, моҳият битта. Фирибу қаллобликлар авж олган салтанатда бу қонунга айланади.

Мустафо (*кўзларини катта очган кўйи ҳар бир иштирок этувчининг олдида тўхталиб, саҳнада гир айланади*). Ойна... Ойна... Мен ойналар ўрнатилган хонага қамалгандекман. Бунда ҳамма деворлар шишадан, шифт ҳам, ер ҳам, деразалар ҳам — кўзгудан. Мен эса унинг ичида яккаю ёлғиз бир ўзим чарх уриб тинмайман. Чапак чалсам — ҳамма чапак чалади. Қичқирсам, минглаб овозлар акс-садо бериб қичқиради. Эгилсам, беҳисоб вужудлар қаршимда эгилади. Юрсам, изимдан минглаб оломон ерни гумбурлатиб эргашади. Ва бу оломоннинг барчасида — менинг сўзларим, менинг қилиқларим, менинг ҳаракатим. Теварагим — ойна, кўзгу.

Убайд. Кибр ҳукмдорларни дастлабки ҳақиқатни унутишга мажбур қилади. Фиръавн Хеопс улкан пирамидага тикилганида ўзини вақтдан ҳам устун ҳисоблаб бемисл виқор туйган, бироқ унутганки, бу иншоотни тиклашда ўлиб кетган одамлар унга эмас, унинг салтанатига итоат қилганлар.

Зоҳид. Осурия подшоҳи Ашурбанипал кўшкун саройларини айланиб юриб ўз шавқатидан сурурга тўлган чоғларида бу муҳташам қасрларни бунёд қилган одамларни унутган, зеро улар ҳам унга эмас, унинг тожига, тахтига бўйсунганлар.

Убайд ва Зоҳид (*биргаликда*). “Менга либосини, саллани, тожни бер — сен фиръавнга, султонга, шоҳга эга бўласан”, — бу ҳамма салтанатда ҳаммиша қонда бўлиб келган. (*Кетишади*.)

Мустафо (*саҳнада тек қотган иштирокчилар орасида чарх уришда давом этиб*). Ҳеч ким унинг юзига эътибор қилмади! Чунки уларнинг орқасида ойна бор, ойнанинг орқасида — яна ойна. Сеҳр-жоду қилиндимми ёки ақлдан оздимми? (*Маҳмуд ёнига — боя турган панадаги жойига боради.*)

## ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Ёзув-лавҳа: “Султон барибир султон, илгари оддий фуқаро бўлган Абу Али эса ўзидан ва ўз қариндошларидан воз кечади”.

Тек қолган иштирок этувчилар жонланади.

Маймун (*тахтга яқинлашиб, султон қаршисида тиз чўқади*). Олампаноҳ, садоқатли фуқароларингиздан икки аёл хузурингизга келди. Уларнинг қўлида саройга кириш учун муҳри хат бор. Улар сизни кўришмоқчи.

Арқуб (*қўлларини бир-бирига мамнун ишқаб*). Аёллар? Афтидан, бу ерга илиқлик кирмоқда, илиқлик...

Султон. Олиб киринг.

Маҳмуд. Бу мухтасар жумла бунчалар чиройли!

Мустафо. Икки аёл! Мен эса бутунлай унутибман! Мана энди ҳамма нарса жой-жойига тушади.

Ум Аза ва Аза юрак ҳовучлаб кириб келишади. Улар ўзларини йўқотган, нигоҳларини ердан ололмайди.

Арқуб. Мен кимни кўраяпман? (*Кўзларини уқалайди*). Ё парвардигор! Улар бу ерда қандоқ пайдо бўлишди? Ва ниҳоят ўйин бошланади! (*Тахт ортига яширинишга уринади.*)

Султон (*Арқубга*). Тентакка ўхшаб ўзи билан ўзи гаплашадиган вазирини жинндан баттар кўраман.

Арқуб (*ўзини йўқотиб, дудуқланиб*). Соҳибим... олампаноҳим... Ахир, булар... уларга бир қаранг.

Султон. Қабулдан сўнг сен билан жиддий шуғулланаман... Бу аёллар ўз султонидан нимани исташмоқчи?

Ум Аза (*дафъатан ерга тиз чўқади, машқ қилган оҳангда ёд олган сўзларини изҳор қилади*). Мен жамики оддий бандалар устидан ҳукмронлик қилувчи улуғ султонимизга ҳамиша бўйсунаман, мен хузурингизга ўз қизим билан ёвуз кимсалар хонавайрон қилган, талаган, таҳқирлаган оиламизга ёрдамнингизни ва марҳаматингизни аямасиз деб келдим.

Султон. Бизнинг вазирамиз — жабрланганларга ёрдам қўлини чўзмоқдир. Бироқ сенинг олампаноҳинг йиғиyo дод-войларни ёқтирмайди. Ўрнингдан тур, аёл, нималар бўлганини бир-бир гапириб бер.

Арқуб (*кўрқувни енгиб, тахт ортидан чиқади, қаддини ростлайди*). Эҳ, нима бўлса бўлди! Наҳотки зиёфатдан туз ҳам тотмай кетилса!

Ум Аза (*қизининг ёрдамида ўрндан туради*). О, улуғ султон, бизга ўхшаганларнинг йиғламасликлари, ўз тақдирларидан шикоят қилмасликлари мумкин эмас. Биз адолат сўраб келдик, улуғ султонимизнинг пойдор шавкати эса шикоятлардан асло чўчимайди, унинг қудрати билан хўрланганларнинг сўзсиз жазосини беради. Менинг қисматим ниҳоятда аянчли, чунки мен нодон, алдамчи ва қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган одамга турмушга чиққанман.

Арқуб (*жиддий*). Ҳой аёл, наҳотки сен бу ерга олампаноҳимизнинг вақтларини олиб, эринг ҳақида сўйлаш учун келгансан?

Аза (*Арқубни кўриб, ажабланиб*). Ойи, қаранг, бу Арқуб-ку!

Ум Аза (*бошини кўтариб жаҳл билан шивирлайди*). Ақлдан оздингми? Вазир Барбир билан Арқубни қандоқ чалкаштиришинг мумкин?

Султон. Вазир, халал берма, гапирсин. Менга фуқароларимнинг ўз қалбини тўкиб солаётганларидаги соддалиги, ғам-кулфатлари ҳақида сўзлаётганларидаги жайдарилиги ёқади.

Мустафо. Худди мен ўзим гапирётгандекман! Ёки менинг кўзгудаги аксим гапирётгидимикин? Мен кимман? У ким?

Ум Аза. Молни қурбонликка олиб боришаётганида у ичидагисини яшириб туролмайди. Мана сизга бор гапим. Менинг эримнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, замон эса ким ландовур бўлса, маккорликдан беҳабар бўлса, уни ер юзидан супуриб ташлайди. Эримга отаси ўлганидан кейин каттагина мерос қолади, бироқ у ўша пайтда ёш ва ғўр бўлганлиги сабабли, унга Таҳо шайхни васий қилиб тайинлашади. Таҳо шайх эса пулга ўз виждонини ҳам, динини ҳам сотишга тайёр имонсиз одам экан. У эримга қолган ҳамма меросни ўзлаштириб олишга уринди, эрим унинг ярмини, ҳатто ярмидан ҳам озини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Аввал қозига мурожаат қилдик, у эса айлангирди-ўргилгирди, ҳамма нарсамизни талаб, ўзимизни сўқиб, ҳайдаб солди. Биз эса яна бор буд-шудимизни тўпладик ва эрим бозорда дўкон очиб, газмоллар билан савдо қила бошлади. Аввал иш яхши юришди, бироқ дунёда яхши одамлардан кўра, разиллар кўпроқ эмасми? Дўкондорлар эримга ҳасад қила бошлашди, уларнинг энг каттаси Шохбандар эса эримни ичириб маст қилиб, алдаб, хонавайрон қилди. Бу қандай юз берганлигини ўзимиз ҳам пайқамадик, фақат этни ғажиган қашқирдай бизни ғажиб, адойи тамом қила бошлаганларидагина билиб қолдик. Бизнинг замонамизда на диёнат, на эътиқод бор. Энди эса эрим бутунлай ақлдан озди...

Арқуб томоқ қиради.

ва ичкиликка муккасидан кетди. Ҳеч нарсамиз қолмади. Ҳатто якка-ёлғиз қизимни ҳам дурустроқ кийинтира олмайман.

Аза. Ойи...

Ум Аза. Қизим, сен уялма. У, ахир, ўзимизнинг султонимиз, олампаноҳимиз, бошимизга тушган кулфатдан огоҳ бўлиши керак. Оллоҳдан кейин, сиздан бошқа ҳеч кимимиз йўқ бизнинг, улуғ султон. Мана, хузурингизга марҳаматингиздан умид қилиб, ёрдам сўраб келдик.

Султон ойболтани ўйчан силайди.

Мустафо. Булар, ахир, унинг хотини ва қизи-ку. Ҳеч ким ҳеч нарсани пайқамаяпти. Сеҳр-жоду қилиндими ёки ақлдан оздимми?

Маҳмуд. Унис ҳам, буниси ҳам.

Аза (онаси пинжигга кириб). Ойи, султонга қаранг... Мен кўрқиб кетяпман.

Ум Аза (шивирлаб). “Кўрқиб, кўрқиб”, сени кўрқиб-қалтирашинг учун эмас, менга далда бўлишинг учун олиб келганман.

Аза (дудуқланиб, шивирлайди). Ахир, у... ахир, у нақ... отамнинг ўзи.

Ум Аза. Нима бўлди сенга, қизим? Алаҳдаяпсанми? Тўғри, саройдаги бу ҳашаматлар бошингни айлангирди қўйган сенинг!

Султон (кутилмаганда Арқубга мурожаат қилади). Вазир! Сен бу аёлларни танийсанми?

Арқуб (уст-бошини шошилинч тўғрилаб). Олампаноҳим... балки, эҳтимол, уларни қаердадир... кўргандирман...

Султон. Сен танийсанми ёки йўқми?

Арқуб. Эҳтимол, олампаноҳимнинг ўзлари эслаб қоларлар...

Султон. Йўқ. Мен сўраяпман — жавоб бер.

Арқуб. Ҳмм... танийманми ёки танимайманми? Балки, учрашгандирман.

Султон. Чайналган одамни ёмон кўраман. Очигини гапир, уларга қандайдир дахлинг борми?

Арқуб (қийналиб бошлайди, кейин ўзини қўлга олади). Модомки сиз талаб қиларкансиз... мен дилимдаги гапимни очиқ айтаман. Сизнинг вазирингиз ошиқ бўлиб қолган. Мен бу қизни биламан... бир вақтлар... у юрагимда чуқур из қолдирган.

Султон. Менинг вазирим ўз муҳаббатини қарол каби изҳор қилмоқда.

Арқуб. Мен уни, олампаноҳим, худо ва унинг пайғамбари ҳаққи, хотинликка олмоқчи эдим. Агар сиз уни менга инъом қилганингизда, Арқубга, яъни вазирингизга қанот ўсиб, у етти қават осмон устида учган бўларди.

Султон. Учиб юрадиган вазир менга керак эмас.

Маймун (*яқинлашади*). О, улуғ султон. Суюкли маликангиз тонгги нонуштага сизни муштоқлик билан кутаётганини келиб айтдилар.

Арқуб. Суюкли маликангиз?

Султон. Яхши. Ҳозир бораман.

Маймун (*узоқлашиб*). Бош устига, олампаҳоҳим.

Ум Аза (*Азага шивирлайди*). Султон бизни астойдил тинглади, бу яхшилик аломати.

Аза. Кетдик бу ердан тезроқ. Қўрқиб кетяпман! Уларга кўзимни кўтариб қарашга ҳам юрагим бетламаяпти.

Ум Аза. Ҳечқиси йўқ, у ҳозир ҳаммасини яхшиликка ҳал қилади ва дарҳол кўнглинг жойига тушади!

Султон. Биз сенинг гапларингдан изтиробга тушдик, ҳаётда сизлар чеккан гаму машаққатлар бизга қаттиқ таъсир қилди.

Ум Аза. Олампаҳоҳимиз ва унинг вазирини оллоҳнинг ўзи асрасин.

Султон. Ҳеч бир ғам-қайғу менга фуқароларим бахтсизлиги каби қаттиқ таъсир қилмайди, чунки уларнинг барчасига хусумат ва адоват, фирибу нодонликлар сабабчидир. Зеро, менинг ўзим ҳам тамом бошқа эмас, уларнинг биттасиман. Бахт юз ўгирганда қанчалар оғир бўлишини мен яхши биламан. Шунда одам ҳаммадан нафратлана бошлайди, кўзи атрофдаги нуқсонларнигина кўради. Демак, сен бу ерга менинг ёмон султон эканлигимни, менинг салтанатим разил эканлигини айтмоққа келгансан, шундайми?

Ум Аза. О, худойим, биронта шунақа фикрга борган бўлсам, тилимни кесиб ташла!

Султон. Айт-чи, аёл, султонга масжидда ким ҳамду санолар ўқийди ва унинг ҳақиқа тиловатлар қилади?

Ум Аза. Таҳо шайх, унга қўшилиб бутун шаҳар аҳолиси.

Султон. Агар султонга ҳамду санолар ўқиб, унинг учун тиловатлар қилувчи одам диёнатсиз ва имонсиз бўлса, демак, султон салтанатга ва ишончга лойиқ эмас экан-да.

Ум Аза (*қўрқувда*). Бундоқ фикрга боришдан ҳам сақла ўзинг, худойим.

Султон. Лекин мантиқ шуни тақозо қилади. Агар султоннинг шайхи имонсиз ва диёнатсиз бўлса, султоннинг қозилари таъмагир бўлса, султон салтанатга ва ишончга лойиқ бўлмаса, мамлакатдаги бутун ҳокимият ожиз, қонунлар эса сохта, ясамадир. Сен, аёл, менга шулар ҳақида сўйлагани келдингми?

Ум Аза. Агар шундоқ хаёлга борган бўлсам, худонинг ўзи сўнги томчи қонимдан ҳам маҳрум қилсин.

Маҳмуд. У шу қадар доно, унга ёрдам бермоқликка, афсуски, ёнида эмасман.

Мустафо. Буларнинг ҳаммасини ким гапиратибди, менми ёки уни?

Арқуб содир бўлаётган воқеани ҳаяжон билан кузатади.

Аза. Ойи, мен ёмон бўлиб кетяпман.

Ум Аза (*жаҳл билан шивирлайди*). Ўзингни қўлга ол! (*Титраб, султонга мурожаат қилади*). Кулингизни маъзур тутинг, улуғ султон, гапини ҳам эплаб гапира олмади.

Султон. Ҳечқиси йўқ, аёл. Кулфат одамни сўқир қилишини яхши биламан: Энди олди-сотди ва дўкондорлар хусусида гаплашайлик. Эринг ўз дўконини очганда Шохбандарлардан савдо-сотик учун рухсатнома олганмиди?

Ум Аза. У нима учун рухсатнома олиши керак эди, олампаҳоҳ? Ҳар бир одамнинг дўкон очишга ҳаққи йўқми?

Султон. Ҳа, ҳаққи бор, лекин айни чоғда ҳар бир дўкон очган одам ўз ақли даражасида дўкони ва савдосини ҳимоя қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Шохбандар нимаики қилган бўлса ўзини ва ўз номининг ҳимояси борасида қилган. Савдо — тақиқланмаган иш, шунингдек, рақобат ҳам. Сенинг эринг Шохбандардан изн сўрамай дўкон очганида, Шохбандар унинг рақибига ва рақобатчисига айланган. Демак, сенинг эринг кучи ҳам, имкони ҳам етмайдиган курашни ўз бошига сотиб олган. Натижаси, мана, аён — у ютқазиб, хонавайрон бўлган. Кураш учун ҳаммага

хуқуқ берилган. Шунингдек, ҳар ким ютиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Сен агар эрининг устидан шикоят қилсанг мантиққа мувофиқ келарди — ахир, у-ку барча бахт-сизлигининг сабабчиси. У ишқмас, қўлидан ҳеч бир юмуш келмайди ва ўз кулфатини ҳамиша бошқаларнинг гарданига ағдаришни хоҳлайди. Кейин-чи? Аламидан ичкиликка ружу қўйди! Аёл, қабул жуда чўзилиб кетди. Вазир, менинг қароримни ёз.

Арқуб бехосдан сесканиб тушиб, ёзишга тутинади.

Биз, улуғ султон, бу аёлнинг эрини сазойи қилмоққа ҳукм этамиз, у шаҳарнинг ҳамма бозорларидан ва шаҳар дарвозасидан марказий майдонга қадар олиб ўтилсин. Аёлга эса, вазир унинг қизига уйланаётганлиги ёки уни чўриликка олаётганлиги муносабати билан, вазирлик хазинасидан беш юз дирҳам миқдорида йиллик нафақа тайинлансин.

Аза (онасининг этагини тутиб, қичқиради). Олампаноҳим!

Султон (асосини ерга уради). Қабул тугади. (Тезда чиқиб кетади.)

Арқуб (ўзини йўқотиб). Беш юз дирҳам? Ҳеч нарса тушунмаяпман.

Мустафо. Нима бўляпти ўзи? У ўз қизини сотиб, ўзини эса тавқи лаънатга ҳукм қилмоқда. Биров бировни танимаса-я!

Маҳмуд. Султон ҳамма фуқароларини таниши шарт эмас, Ҳожи Мустафо.

Мустафо. Фуқароларини? Ким гапираётибди бунини? Менми? Уми? Нималар бўлаётибди ўзи?

Ум Аза (ўйга толиб). Султон ҳозир неларни деган бўлса, ҳаммасини шайхдан ҳам, қозилардан ҳам, Шоҳбандардан ҳам эшитганман. Худди улар тил бириктириб олишгандек, сазойилик етмай турувди фақат. Балки сен вазирнинг... хотини бўларсан. Ким билади. Оллоҳнинг марҳамати улуғ, қизим.

Аза. Онажон, мен сира-сира сарой остонасини босолмайман. Менинг ўз танлаганим бор.

Ум Аза. Ўз танлаганим? Ким у?

Аза. Шаҳримизга келиб, бу қашшоқликка, ҳақоратга, зулмга, қаллобликка чек қўядиган инсон.

Ум Аза. Жим бўл. Бизга битта телба — отангнинг ўзи етиб ортади!

Жаллод (иккала аёлни эшикка томон туртиб, ташқарига ҳайдайди). Қани, жўналаринг бу ердан. Эртага қизингни олиб кетиш учун боришади.

Ум Аза (қўрқувда). Кетдик бу ердан, қизим, кетдик.

Ум Аза, Аза ва уларнинг изидан жаллод чиқиб кетади.

Мустафо. Шундоқ қилиб, ҳеч ким ҳеч кимни танимади! Охирги умидим — бу менинг суюкли маликам. (Алаҳлаётган сингари). Хотинимнинг унга кўзи тушгач, қичқириб юборади ва ҳамма нарса аён бўлади. Ўшанда мен ҳамма ойнани парчалаб ташлайман, барча қатнашчиларни, бу ерда турганларнинг ҳаммасини, ким шоҳиди бўлган бўлса барчасини, барчасини битта қўймай чавақлайман. О, суюкли жуфти ҳалолим, қичқир баландроқ! Мен ёнингга келаяпман. (Қабулгоҳ саҳнини кесиб югуради).

Маҳмуд (унинг ортидан чопади). Сен қаёққа, Ҳожи Мустафо?

Мустафо. Менинг мавридим келди. Ҳамма ойналарни чил-чил қиламан, ҳаммани чавақлайман. Мавридим келди.

Маҳмуд унга нафратланиб боқади. Маймун Мустафони тўхтатмоққа уринади, лекин у силтаниб чиқиб, югуриб кетади.

## ИНТЕРМЕДИЯ

Ёзув-лавҳа: “Султон барибир султон, султонга эса вазирликка ярайдиган вазир керак”.

Маҳмуд (саҳна олдида чиқиб). Ҳақиқатан ҳам мавриди келди. Бу йигит ҳали ўзининг рostaкам вазир эканлигига тўлиқ ишонгани йўқ, афтидан, султон кўнгли-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

да ҳам бунга шубҳа-гумон бор. Уни даф қилсам — улуғ султон менинг султоним, олампаноҳимга айланади. (*Хатни чиқариб, Маймун томон юради*).

Маймун. Ошнангизга нима бўлди, муҳтарам зот? Мени оз бўлмаса йиқитаёзиб, у томонга — султоннинг рафиқаси ҳузурига югуриб кетди.

Маҳмуд. У эс-ҳушини йўқотиб қўйган, бундан ташвишланма... Сенга бир иш масаласида ёрдам сўрасам бўладими?

Маймун. Қўлимдан нима иш келса, ҳаммасини қиламан.

Маҳмуд. Мана, хат. Уни дарҳол султонга етказиш керак.

Маймун. Ҳозироқ етказаман, муҳтарам зот.

Маҳмуд (*унга хатни беради*). Худо ёр бўлсин сенга.

Маймун кетади.

Биз сенинг султон эмаслигингни пайқадик. Сенинг ёнингдаги эса вазир эмас. У бунга биледи ва бизга гапириб берди. Шунинг учун сенга ташланмасимиздан аввал саройни тарк эт. Билиб қўйки, вазир либосидаги одам бизнинг дўстимиз. Агар у билан бирон қор-қол рўй берса, бизнинг газабимиз қайнаб-тошгайдир. Бу сўнгги синов, олампаноҳ. Ё бу телба сенинг либосингни тортиб олади, ё бундан буён уни сен кияжаксан. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам салтанат азият чекмайди. Вазирнинг мавқеи кўтарилади. Бироқ менга ҳаммасидан муҳими, ўз либосимни қайтариб олмақдир.

Жаллод қайтиб келади. Фамгин қиёфада у тахт ёнбошига чўккалайди ва ойболтасини силай бошлайди. Маҳмуд унга яқин келади.

Сен ойболтани ёрингни эркалагандек силамоқдасан. Наҳотки сен уни шу қадар яхши кўрсанг?

Жаллод. Дунёдаги ҳамма нарсадан ортиқ кўраман. Бироқ энди ундан айрилмоқдаман, шекилли.

Маҳмуд. Не сабабдан?

Жаллод (*қийналиб*). Сабаби, менинг рақибим пайдо бўлди. У — олампаноҳ.

Маҳмуд. Рост. У бу кескир пўлатни шу қадар сиқиб ушладики, у билан қўшилиб кетмоқчи хоҳлади бамисоли.

Жаллод. Мен ичимдан сезиб турибман, бу совуқ кескир пўлатни у мендан тортиб олади ва ўзиники қилади. Мен худди ҳушимни йўқотаёзгандекман, оёғим остидаги ер ўйилиб кетаётгандек.

Маҳмуд. О, бунга мен яхши тушунаман, айна чоғда шу изтиробни бошдан кечирмоқдаман.

Жаллод. Чиндан тушунасанми? Сен кимсан ўзи?

Маҳмуд. Мен... султоннинг мулозимлариданман.

Арқуб югуриб киради.

Арқуб (*қичқиради*). Ҳожи Маҳмуд, Ҳожи Маҳмуд, қаердасан? Мени қутқар!

Маҳмуд. Нима бўлди сенга?

Арқуб. У бутунлай ақлдан озди, шекилли! Ошнангга айт... бу ишга аралашсин.

Маҳмуд. Нима юз берди?

Арқуб. Фалати ҳол... Маймун келиб, унга қандайдир хатни узатди. Унинг афти бирдан тундлашиб, вулқондай қайнаб-тошди, кейин оёғи билан ер тепиниб қичқирди: “Мен билардим — вазирим вазир эмаслигини, султон эса... Улар султон бўлишмоқчимиз — бекорларни хаёл қилишибди. Султон барибир султон, мен уларга кўрсатиб қўяман!” Сўнг ўзига хос бўлмаган овоз билан: “Жаллодни чақиринг! Саройнинг ҳамма эшиклари ёпилсин!” дея наъра тортиди.

Жаллод (*сесканиб, ўрнидан қалқийди*). Олампаноҳим мени чорламоқда! Тезроқ боришим керак! (*Чиқиб кетади*.)

Арқуб. Даҳшатли ҳолат! У бу ўйинга бош билан шўнғиб кетди. Зиндонга отаман дея менга дағдаға қилди. Менинг ҳақиқий олампаноҳим қаерда? Чақир уни тезроқ, зиндонда чириб кетаман.

Маҳмуд. Султоннинг суюкли хотини-чи? Унинг аҳволи қалай?



Арқуб. Хотини? Малика ўзини унинг қучоғига отди, суюб-эркалади, ўз қўллари билан таом тортиди. У эса ўрнидан туриб кетиб бўкирганида унинг пойига отилиб, оёқларини ўпа бошлади ва: “Сен менинг султонимсан, менинг соҳибимсан, мени нима қилсанг қил, сен — султоним, олампаноҳимсан!” дея чийиллади.

Маҳмуд (*тантанавор тусда*). Мана, айни пайти! Мустафо нима қиляпти?

Арқуб. Мустафоми? У югуриб келиб, “Султон — менман!” деди. Биз қотиб-қотиб кула бошладик. Султоннинг суюкли хотини унинг бўйнига ўзининг белбоғини боғлади. У эса тўрт оёқлаб, ит сингари вовиллади. Тезроқ толинглар, қани олампаноҳимиз?

Маҳмуд. Сен ҳозир унинг олдидан чиқдинг-ку.

Арқуб. Ҳожи Маҳмуд, бу ўйинлардан нақ телба бўлиб қоламиз. Қани менинг ҳақиқий олампаноҳим? Султоннинг ўзи қани?

Маҳмуд. Мен сенга жиддий айтаяпман, султон — ўша, сен ҳозир унинг олдидан чиқдинг.

Арқуб. Йўқ, менинг бошимни айлантирма. Ахир, биламан-ку, у менинг хўжайиним бўлади.

Маҳмуд. Олампаноҳимиз — ўша. Мана бу уст-бош эса — меники. Сени зиндонга ташламасларидан бурун еча қол.

Арқуб. Буларни... ечаман? Нима, зиёфатдан туз ҳам тотмай кетарканман-да?

Маҳмуд. Эшит, унда менинг вазирлик лавозимимни ўзимга сот.

Арқуб. Сенинг лавозиминг? Токи хўжайиним султон бўлиб тураркан, нечун мен вазир бўлмай?

Маҳмуд. Шунинг учунки, у сенинг ҳақиқий вазир эмаслигингни билиб қолди ва сени зиндонга отажак. Кел, бировларнинг кўзи тушмасдан, уст-бошимизни тезда алмаштириб олайлик.

Арқуб. Бунинг учун менга қанча бермоқчисан?

Маҳмуд. Савдолашма.

Арқуб (*бошини чангаллайди*). Дарвоқе, қиз масаласи-чи? Вазирликни, майли, сотаман. Фақат қиз ўзимга қолади.

Маҳмуд. Султонимиз уни вазирга инъом қилди. Шунинг учун пулни ол-да, туғингни шиқиллат. Эшитяпсанми, у бўкиряпти. Яхшиси, бу ердан кетайлик.

Арқуб (*кета туриб*). Ҳамма жойда ақдан озишди. Хўжайиннинг уйида ҳам, султоннинг саройида ҳам.

Маҳмуд ва Арқуб кетади.

## ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Ёзув-лавҳа: “Султон барибир султон, зеро унга сўнги нажот йўли бор — қийноқ ва қатл, қатл ва қийноқ”.

Тахт турган саҳнга султон югуриб киради, унинг газаби жунбушда.  
Ортидан Жаллод ва Маймун киради.

Султон. Ойболта! Салтанатни кескир пўлатдан бошқа ҳеч нарса қутқаролмайди. Ойболта энди менинг қўлим ва юрагим, либосим ва тўшагимга айланади.

Жаллод. Жаллод олампаноҳимизнинг амрларини бажо этса бахтиёр бўларди.

Султон. Бугунги кундан бошлаб султон эълон қилган ўз ҳукмларини ўзи ижро этади.

Жаллод. Мен олампаноҳимнинг бармоқлари булғанишига қараб тургандан кўра, ўз қўлларимни чопиб ташлаганим яхши.

Султон. Қон булғамайди, аксинча, ҳукмдорни ҳеч бир нарса қончалик мусаффо қила олмайди.

Жаллод (*тироқ овоз билан*). Унда жаллод нима иш қилади, олампаноҳим?

Султон. У ёнимда бўлади, менга кўмаклашади. Ҳамма фитнаю фириб билан банд, ҳамма саройга ҳужум қилмоқ қасдида. Кўриқчилар бошлиғи бурнининг тагидан исёнкорлар қочиб улгурмоқда. Йўқ, бу салтанатнинг мурватларини қаттиқроқ бураш мавриди келди.

Вазир (султон олдига югуриб келади). Ҳа, ҳа, мавриди келди, олампаноҳим. Бу мудҳиш фитна мени бир оз вақт сиздан айро қилди. Бироқ бу фитнани биз фош қилдик ва жамики гумон қилинганларни ҳибсга оламиз. Кимнингки юзида исёну тартибсизликка даъватни пайқасак, уларни ҳам зиндонга ташлаймиз.

Султон. Яхши, сен билан қиладиган ишимиз анчагина. Қўриқчилар бошлиғи ва жамики қўриқчилар устидан қарайдиган қўриқчилар ташкил қилишимиз керак.

Вазир. Ажойиб фикр, олампаноҳ. Мен ҳозироқ буни бажаришга киришаман.

Султон (уни кўздан кечиради). Мен вазирман деб юрган у одам қани?

Вазир. Биз уни, албатта, тутамиз, олампаноҳим.

Маймун. Улуғ султон, мамлакат аслзодаларининг вакиллари ҳузурингизга ташриф буюришмоқчи. Уларнинг қандайдир талаблари борга ўхшайди.

Султон. Майли, киришсин.

Таҳо шайх ва Шоҳбандар киради.

Таҳо шайх ва Шоҳбандар. Саломларимизни қабул қилгайсиз, олампаноҳ. Султон. Хуш келибсиз!

Вазир. Мен сизларга ушбу хушхабарни билдирмоқчиман, муҳтарам зотлар. Ҳеч бир нарса тўғрисида қайғурмаслигингиз, ҳеч бир нарсани талаб қилмаслигингиз мумкин. Олампаноҳимиз ўз асоларини темир қўлларида мақкам тутганлар.

Султон. Агар мамлакатда бош кўтарган тартибсизликлар ҳақида гап борадиган бўлса, у аллақачон тугатилди. Жамики исёнкорларни биз зиндонларга ташлаймиз, айни чоғда ойболтани ҳам зудлик билан ишга туширмоқликка тўғри келади.

Вазир. Жарчи ҳозир фитнанинг фош бўлганлиги ҳақида жар солади. Биз халқимизни улуғ султонга тўла итоат этмоқлигига эришамиз.

Шоҳбандар ва Таҳо шайх. Бу — чиндан ҳам яхши хабар.

Султон. Мен ўз фуқароларимизнинг юксак ғоялар асосида ва ўз олампаноҳлари билан тўла ҳамжихатлик ва яқдиллик руҳида тарбияланишини истайман. Бу борада Таҳо шайх бизга мадрасалар учун, олимлару жарчилар учун янги дастурлар тузиб беражак.

Таҳо шайх. Субҳонлоҳ! Фикрларимиз бир-бирига нақадар мос тушди. Менинг ўзим ҳам айнан шуни таклиф этмоқ ниятида эдим.

Вазир. Мен айтдим-ку сизга, ахир, ҳеч бир нарсани талаб қилмоқнинг зарура-ти йўқ — салтанатни темир қўл бошқармоқда. Яхшиси, олдимизда турган байрам тўғрисида гаплашайлик.

Шоҳбандар. Байрамга ҳамма нарса тахт, олампаноҳим. Совғаю саломлар ҳам тайёрлаб бўлинган.

Султон асосини ерга уради. Шоҳбандар ва Таҳо шайх таъзим қилган ҳолда эшикка йўналадилар.

(Шивирлайди). Сен ҳам пайқадингми, султонимиз қандайдир ўзгариб қолибдими?

Таҳо шайх. Ҳа, энди у султонга кўпроқ ўхшабди.

Улар кулишиб, бир-бирини туртишади ва тек қотишади.

Саҳна қоронғилашади.

## ХОТИМА

Саҳнада, худди спектаклнинг бошидагидек, ҳамма иштирокчилар ўз қахрамонлари уст-бошида пайдо бўлишади.

Мустафо (бўйнига аёллар белбоғи худди тизгин каби осилган, саҳна бўйлаб айланади). Бунинг ҳаммаси ўйин, ўйин, холос... Мен — султонман. Менман ёки у. Ҳаммаёқ ойна... Бироқ улар чил-чил бўлди-ку. Менинг юзимга унинг минглаб парча-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

лари теккан. Юзимдан энди у шиша парчаларини ким териб олади? Вазир қани? Қани қўриқчилар бошлиғи? Чўриларим қаёқда? Мен — султонман. Буларнинг ҳаммаси ўйин эди, холос. Бироқ султон — менман-ку, ахир!

Оқ қоғозга босиб муҳрни тезроқ  
Билмасдим дунёда — нима кулфат-ғам!

Арқуб. О, менинг соҳибим, энди сен ўз ёнингда Арқубни бошқа кўрмайсан.

Мустафо. Менинг юзим минглаб парчаларга бўлиниб кетди. Энди мен кимман?

Арқуб. Ҳатто вазирлик лавозимим ҳақиға берилган пуллар ҳам қалбаки бўлиб чиқди. Ва мен уйланишни орзу қилганим — қиздан ҳам айрилдим. Бунинг ҳаммаси ўйин. Мен унда — ҳам иштирокчи, ҳам қурбон бўлдим. Бироқ булардан сабоқ ола билдимми? Қўрқаманки, энди ҳаммаси кеч. Мен ўзим бўлиб қолишни истамадим, мендан юқоридагиларга эса талпиниб етолмадим.

Мустафо. Биз ҳаммамиз ўйнадик, ўйнадик, ўйнадик... Энди мен кимман?

Ум Аза. Мен адолат талаб қилдим, ҳақиқатда эса қизим чўрига айланди, эримнинг шармандаи шармисор бўлишига, сазойи қилинишига эришдим. Энди унинг қаердалигини лоақал билсан эди, мен уни ахтаряпман, изляяпман, ҳеч қаердан топмаяпман. Бу, албатта, ўйин. Мен ҳам бу ўйинда ютқаздим, лекин бундан бирон-бир сабоқ орттиролдимми? Ҳа, юқоридагилар ҳаммасининг тили бир эканлигини ва яқдиллигини билиб олдим. Бироқ бундан менга не наф?

Жаллод (*эзилган оҳангда*). Мен эса бу ўйинда — ҳам иштирокчи, ҳам қурбон бўлдим. Султон мендан ойболтани тортиб олди, энди мен унинг сояси ёки унинг оёғи остидаги чанг заррасиман. Соя ёки чанг зарраси қандай сабоқ ҳам чиқара олади?

Аза. Бу ўйин эди. Мени бу ўйинга нима сабабдан аралаштирганликларини билмайман. Энди мен бу мудҳиш қаср ичра чўриман, вужудимда ўргимчаклар ўрмалайди. Менинг отам ким? Вазир ким? Арқуб ким? Султоннинг ўзи ким? Мен тўшак устига ин солган ўргимчаклар орасида ётаман ва ҳеч нарсани англамайман. Ой! Қани осмондаги ой? Нега у яшириниб, сўниб кетди?

Мустафо. Айтинглар, ахир, бу ўйин эди, деб. Султон барибир султон. Бу менман. Бу — мен. Бу — мен!

Султон, вазир, қўриқчилар бошлиғи, Маймун ва жаллод саҳнанинг чап томонида саф тортаётган гуруҳни ташкил қилишади. Уларнинг ортида, ичкарида Таҳо шайх ва Шоҳбандар томоша бошидаги каби муштларини ҳаракатга келтиришади. Убайд, Зоҳид, икки аёл, Арқуб ва Мустафо бошқа томонга саф тортишади.

Султон. Балки, бу ўйин ҳақиқатан ҳам ўйин эди, бироқ (*амирона товушда*) бугундан бошлаб ўйин ман этилади!

Чап томондаги иштирок этувчилар гуруҳи. (*Такрорлайди.*) Ўйин ман этилади!

Таҳо шайх ва Шоҳбандар чапак чалади.

Султон. Хаёл суриш ман этилади!

Гуруҳ. Хаёл суриш ман этилади!

Таҳо шайх ва Шоҳбандар чапак чалади.

Султон. Орзу қилиш ман этилади!

Гуруҳ. Орзу қилиш ман этилади!

Таҳо шайх ва Шоҳбандар чапак чалади.

Зоҳид. Султонлар ўзгаргани билан, уларнинг йўли фақат битталигича қолаверади — қийноқ ва қатл, қатл ва қийноқ.

Убайд. Биз ўзимизга маъқул мавридни танлашимиз — кечикмаслигимиз ҳам, ошиқмаслигимиз ҳам зарур.

Зоҳид. Бу маврид ҳали етиб келмадими?

У б а й д. Ҳар қалай, унча кўп кутмаймиз.

Актёрлар уст-бошларини ечадилар ва навбат билан аввал секин, сўнг баланд овозда, яна ҳам баланд овозда ва ҳаммаси биргаликда гапирадилар.

Актёрлар. Тарих қадимдаги бир халқ тўғрисида шундай ривоятни сўйлайди...

— Зўровонликка, зулмга, очлик ва бахтсизликка, таҳқирга, қашшоқликка ортиқ чидашни хоҳламаган халқ тўғрисида...

— Улар исён қилдилар...

— Ўз султонини ўлдирдилар...

— Ва еб қўйдилар.

— Қорнилари бир оз оғриди...

— Кимнингдир кўнгли айниди...

— Кейин эса ҳеч нарса кўрмагандек соғайиб кетдилар...

— Ана ўшанда ҳамма одамлар тенглашдилар...

— Ва ҳеч кимнинг яшириниб юришига, уст-бошини ўзгартиришига зарурат қолмади...

— Қаллоблик ва товламачилик йўқолди...

— Ва ҳаёт тўғри изга тушиб, асоишта давом эта бошлади.

Ҳ а м м а. (Биргаликда). Ва ҳаёт тўғри изга тушиб, асоишта давом эта бошлади.

ПАРДА



Ирвин ШОУ

## Тунги дарбон

Роман<sup>1</sup>

## Ўнинчи боб

— Эримдан хавотирдаман, — деди менга Флора.

Биз “Карвелия” клубининг офтоб тушиб турган айвонида, машхур курортларнинг мрамар ҳовузлари ёнида суратга тушишни хуш кўрадиган грек денгизчилари ва Милан саноатчилари орасида ўтирардик. Бу ерда уларнинг изига тушган турли миллатга мансуб аёллар ҳам бор эди. Илгариги пайт бўлганда Флорани “тарбия кўрган” жувон дейишмасди: асабийлашганда Нью-Жерсидаги юк мошиналарининг шофёрларига хизмат қиладиган официантларга ўхшаб кетарди. Аммо бу ерда, айвонда, у ўзини сувдаги балиқдай эркин ҳис этарди. Мен бўлсам, кўққисдан душман исканжасига тушиб қолган аскар мақомида эдим.

“Карвелия” клубига вақтинча аъзолик (икки ҳафтача) менга юз йигирма беш франкка тушди, аммо Слоунлардан ажралиб қолмаслигим учун шу нарса керак эди. Тўғри, Слоуннинг ўзи энди кам кўринарди. Флоранинг зорланишича, эрталаблари соатлаб Нью-Йоркдаги маҳкамаси билан гаплашаркан, кундузи ва кечқурун эса қарта билан банд.

— Офтоб кўрмай кетади бу ердан, — деди Флора куйиб-пишиб. — Альпда бўлганига ҳеч ким ишонмайди.

Ҳозирча мен Флорани тоғдан чанғида тушишга ўргатиш ва уни нонушта билан сийлаш шарафига муяссар эдим. У чидаса бўладиган чанғичи эди-ю, бироқ тик қияликларда чийиллаб юборар ёки нуқул ботинкасида шикоят қиларди. Бегона чамадондан чиққан қизил иштон билан сап-сарик мўйна камзулни кўришга кўзим йўқ эди, шунинг учун ўзимга тўқ кўк чанғи костюми сотиб олдим — харажат устига харажат.

Кечқурунлари Флора билан силламиз қуригунча рақсга тушар ва менинг ҳисобимдан шампан ичардик. Қун сайин унинг меҳри товланиб борарди, гарчи Слоунлар яшаётган хонага кириб, тинтув қилиш ниятидан воз кечмаган бўлсам ҳам, бунинг учун бошқача йўл тутишни маъқул кўрардим. Шуниси ҳам борки, етмиш минг доллардан жудо бўлганимдан бери аёл кишига яқинлашиш хоҳиши ҳам сўнган эди. Пул белни бақувват қилиб тураркан. Буни яхши тушундим. Лекин шу даражада шалвираб қоламан, деб ўйламагандим. Аёлга яқинлашиб, масхара бўлишдан чўчирдим. Флоранинг ноз-карашмалари ҳам етиб ортади, чегарадан ўтсам, у ёғи — қип-қизил хижолатпазлик.

Изқувар сифатида хатти-ҳаракатларим жудаям ночор эди. Эр-хотиндан бирортаси ичкарига таклиф этишидан умидвор бўлиб, бир неча марта ҳар хил баҳона билан улар яшаётган хона эшигини қоқдим, кирсам, ҳеч бўлмаса хонага

<sup>1</sup> Боши ўтган сонда.

кўз югуртириб чиқаман-ку, деб ўйлардим. Аммо улар эшикни қия очиб, осто-нада жавоб-муомала қилишдан нарига ўтишмасди.

Ҳар куни кечаси, ҳамма ухлаганда, йўлаққа чиқишни канда қилмасдим, аммо жигарранг ботинка бари бир кўринмади. Ўзимдан шубҳаланиб қолдим. Балки менга шундай туюлгандир, балки Слоун поездда қизил галстук тақмагандир, оёғида ҳам жигарранг ботинка бўлмагандир. Гап орасида чамадоним аэропорт-да алмашиб қолганига шама қилган эдим, эр-хотиндан на униси, на буниси пинагини бузмади. Начора, ҳар эҳтимолга қарши ҳафта охиригача тураман, кейин бошим оққан томонга кетвораман. Лекин бу бош қаёққа оғади, ўзим ҳам билмайман. Эҳтимол, “темир парда” ортига яширинарман. Ёки Катмандуга жўнаворарман. Бегуноҳ жабрланган Друзекнинг қиёфаси кўз олдидан нари кетмасди.

— Э-э, қартанинг уйига ўт тушсин, — деди Флора жиғибийрон бўлиб. — Билл топган-тутганини бой беради. Ҳар очко учун беш центдан ўйнашпти. Фабиан қартага устаси фаранг, буни ҳамма билади. Ҳар йили қишда икки ой туриб, чўнтагини қаппайтириб кетади. Биллга айтдим, Фабианга бас келолмайсан, дедим. Қани, қулоқ солса! Эримнинг назарида, ўзидан зўр одам йўқ. Ютқизиб қўйиб, аламини мендан олади. Оғзидан чиққан гапларни эшитганингизда эди! Бошимга бало бўлди шу қартаси ўлгур. Келганимиздан буён бирор кун тинч ухлаганим йўқ. Эрталаб кўзимни зўрга очаман. Ойнага қараб, кўрқиб кетаман: қари алвастидан фарқим бўлмайди.

— Қўйинг-е, унақа деманг, Флора, — астойдил эътироз билдирдим. — Минг уринманг, алвастига ўхшаёлмайсиз. Айни гуллаган пайтингиз.

Ростдан ҳам у кундузими, кечкурунми — ҳар қандай либосда очилиб-сочилиб юрарди.

— Сиртимга қараманг, — деди Флора уҳ тортиб. — Сиз ўйлаганчалик тетик-бардам эмасман. Ёш боладай нимжон бўлиб қолганман. Очиги, азизим, агар сиз ҳар куни эрталаб пастда кутмаганингизда, кун бўйи кўрпага ўралиб ётган бўлардим.

— Вой бечора-ей, — дедим ачингандай. Флоранинг кўрпада ётишини тасав-вур этиш мароқли, албатта. Лекин у мўлжаллаган маънода эмас. Менга қолса, ижарага олинган чанғи билан ботинкани ҳозироқ топширардим-да, ўпкамни қўлтиқлаб тоққа чиқиб юрмасдим. Бунинг менга сира қизиғи йўқ, қайтанга, турган-битгани харажат.

— Лекин яхши кунлардан умидим бор, — деди Флора менга маънодор кўз қирини ташлаб. Унинг бундай қарашни меъдамга теккан эди. — Бир гап бўлди шекилли, кейинги ҳафтада Билл Нью-Йоркка учиб кетса керак. Ўшанда доим бирга бўла-миз. — “Доим” сўзига у алоҳида ургу берди. — Маза қиламиз, тўғрими?

— Т-тўғри, — жавоб бердим дудуқланиб. “Муқалдас Августин”дан кетганим-дан бери биринчи марта шундай бўлиши. — Юринг, н-нонушта қиламиз.

Ўша куни у менга салмоқдор бир соат совға қилди. Бу соат юз метр сув остида ҳам, кўп қаватли уйларнинг тоmidан ташлаворсангиз ҳам бузилмайдиган соат эди. Унга секунд нилларини тўхтатиб қўядиган мослама ҳамда йил, ой, кун ва яна алламабалоларни кўрсатадиган мурватлар ўрнатилганди. Соат Швейцариянинг миллий гимниндан бўлак ҳамма нарсани намойиш эта олади-гандай таассурот қолдирарди.

— Бекор овора бўпсиз-да, — йўлигагина эътироз билдирдим.

— Ҳар гал соатга қараганда шу ажойиб ҳафтани эслаб қўйсангиз ёмон бўлмас-ди, — деди у тилини чучук қилиб. — Хўш, энди айтинг-чи, битта бўсангизга арзимайманми?

Биз чанғи сайридан қайтиб, шаҳар марказидаги қаҳвахонада суҳбатлашиб ўтирардик. Бу ер менга ёқарди, чунки қаҳвахонада шампан сотилмасди. Ҳамма ёқни пишлоқ ҳамда тўда-тўда бўлиб пиво ичаётган чанғичилар эғнидаги жикқа хўл юнг либоснинг ҳиди тутиб кетганди.

Флоранинг чеккасидан чўлпиллатиб ўпдим.

— Ёқдимми? — сўради у. — Соатни назарда тутяпман.

— Албатта, — тасдиқладим мен. — Ж-жудаям ёқди. Зўр соат.

— Ростини айтсам, азизим, мен билан бирга чанғи учигача бормаи, шунчаки эркалатиб, вақтимни чоғ қилиб юрганингизда чанғи ўргатувчи ёллашга мажбур

бўлардим. Уларнинг хизмат ҳақи ниҳоятда баланд. Бунинг устига, нонуштасини ҳам бўйнингизга олишингиз керак. Бировнинг ҳисобидан қорин тўйдиришни шунақа яхши кўришадики! Йилнинг кўп қисмини картошка еб ўтказишади, лекин қишда ўшанинг ҳиссасини ўн баравар қилиб чиқазишади. — Флора енгилтак аёл эди, аммо, кўриниб турипти, тежамкорлиги ҳам бор экан. — Қўлингизни беринг, — шундай деб, билагимга кумуш занжирли вазмин соатни тақиб қўйди. — Ҳақиқий эркаклар соати, нима дедингиз?

— Тўппа-тўғри, — гапини тасдиқладим. Лекин булардан қутулишим билан совғани сотиб юборишни кўнглимга тугиб қўйдим. Бунақа соат камда уч юз доллар туради.

— Биллга индаманг, — деди у. — Орамизда қолсин. Иккаламизнинг кичкина, ардоқли сиримиз бўлсин. Хўпми?

Ваъда бердим. Ваъдамда туришга ҳам ичимда аҳд қилдим.

Эртасига эрталаб ҳамма нарса ўзгариб кетди. Одатдагидай, соат ўнда вестибюлга тушганида Флоранинг эғнида спорт костюми йўқ эди.

— Азизим, бугун сиз билан боролмайман, — деди у. — Билл Цюрихга отлан-япти, уни кузатиб қўйишим керак. Минг афсус. Қор қалин, ҳаво бегубор шундай кунда-я! — у ҳиҳилади. — Эрим ўша ерда тунаб қолмоқчи. Ўзингиз айтинг, яхшими шу?

— Яхшимас, — гўё ҳамдардлик билдирган бўлдим.

— Нима қиласиз, чанғи учгани ёлғиз борасизми?

— Иложим қанча.

— Менда ажойиб таклиф бор. Кундузи соат бирда учрашиб, бирор жойда ўтирмаймизми? Биллнинг поезди ўн иккидан кейин жўнайди. Маза қилардик-да.

— Жуда соз.

— Музлатилган шампандан бошлаймиз, — деди у. — У ёғини яна кўрамиз. Нима дейсиз?

— Маъкул.

У маънодор табассумларидан яна бирини ҳады этиб, эрининг олдига қайтиб кетди.

Эрталабки мусаффо ҳавога чиқдим, аёз юзларимни чимчилади. Чанғи учишдан воз кечдим, агар вазият мажбур қилмаганда умуман бормасдим. Чанғи клуби аъзолари билан бир самолётга ўтирганимдан афсусландим. Ҳамма бало шундан бошланди. Аввалига чамадон машмашаси, мана энди Флорани тўшагимга муқаррар судраб кирадиган турфа баҳоналар.

Ўша поездда Слоун билан Цюрихга жўнаворгим ҳам келди, лекин у ерда нима қиламан? Билл қаёққа борса, орқасидан эргашиб юролмайман-ку.

Флора билан ўтадиган эртакнамо кун ва музлатилган шампанни (албатта, менинг ҳисобимдан) кўз олдимга келтириб, беихтиёр инграб юбордим. Рўларамдан келаётган қўлтиқтаёқли, бир оёғи гипсланган йигит менга тикилиб қаради.

Юзимни витрина ойнасига бурдим. Қимматбаҳо чанғи костюми кийиб олган ёшгина йигит дунёга донғи кетган қишки курортлардан бирида дам оляпти. Миямга ғалати фикр келиб, сал оқсоқланганча қўлтиқтаёқли йигит орқасидан эргашдим. Унга етай деганимда обдон оқсоқлана бошладим.

— Сиз ҳам... — деди йигит ачингандай бўлиб.

— Этим лат еди, холос.

Шаҳар марказида жойлашган кичкина хусусий касалхонага келганимда эса ўзимни тоғ ёнбағрининг қоқ ўртасида қулаган чанғичидай кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Икки соатлардан сўнг касалхонадан қўлтиқтаёқда чиқдим, чап тиззам гипсланган эди. Ресторанга кириб, қора қаҳва билан печенье кавшаганча анча маҳалгача “Геральд Трибюн”нинг кечаги сонини ўқиб ўтирдим.

Касалхонадаги ёш дўхтир, оёғимни синдирдим, деган гапимга ишонқирамади.

— Сиртдан билинмайди, — уни ишонтиришга уриндим. — Аввал ҳам икки марта шунақа бўлган.

Дўхтир оёғимни рентгенга солиб кўргач, даъвомни буткул рад этди. Лекин мен айтганимда туриб олдим. Дўхтир ноилож елкасини қисди.

— Майли, оёқ сизники.

Швейцарияда жоиз-ножоиз ҳар қандай тиббий хизмат кўрсатилаверади — ҳақ тўланса, бас. Менга бир одам тўғрисида гапириб беришган эди. Унинг бош бармоғида шиш пайдо бўлади, у рақ деб ўйлаб, ваҳимага тушади. Кўшма штатлар, Англия, Франция, Испания ва Норвегиянинг дўхтирларига кўрсатади, улар буни оддий яллиғланиш дейишади. Ҳалиги одам ишонмай, Швейцарияда катта пул эвазига бармоғини кесдириб ташлайди. Ҳозир Сан-Францискода хотиржам яшаб юрганмиш.

Соат бирга яқин такси тутиб, меҳмонхонага келдим. Меҳмонхона хизматчиларининг ҳамдардлигини сукут сақлаб тингладим, сўнг оғриқни писанд қилмайдиган баҳодирлардай, қўлтиқтаёғимни дўқиллатиб, қаҳвахонага кириб бордим.

Флора бурчакдаги дераза ёнида ўтирарди. Столда, муз солинган челақчада очилмаган шампан шишаси. У тор кўк шим ва кўксига ҳар қандай одамнинг нигоҳини оғдирадиган таранг свитер кийиб олган. Ёнидаги стул суянчиғида қоплон терисидан тикилган пўстин, унинг ҳидидан қаҳвахона тропик ўсимликлар қўйилган гул дўконини эслатади.

Мени қўлтиқтаёқда кўриб, Флоранинг капалаги учиб кетди:

— Ё алҳазар, нима бўлди?

— Ҳеч нарса, — дедим ўзимни бепарво кўрсатишга уриниб. — Ичидан дарз кетган. Олти ҳафтадан кейин гипсни олиб ташлашади. Дўхтирлар шунақа дейишяпти. — Гипсланган оёғимни олдинга узатиб, ўзимни стулга ташладим.

— Вой палакат-ей, йиқилдингизми?

— Чанғилар панд берди. Бир-бирига чапишиб, айланмай қолди. Эҳтиётсизлик қилдим-да. Хаёлим сизда эди, — бу ёғини тўқиб ташладим.

Флора сал юмшади.

— Ҳечқиси йўқ. Босиб-босиб шампан ичворсангиз, оғриқ босилади.

— Дўхтирлар ичишни ман этишди. Суякнинг битишига тўқинлик қиларкан.

— Суяги дарз кетганларнинг ичганини кўрганман. — Флора шампандан кўнгил узолмасди.

— Менинг суягим мўрт эмиш. — Мен ҳам бўш келмадим.

— Қаттиқ оғрияптими? — у нозланиб билагимдан ушлади.

— Симиллаб оғрияпти, — дедим афтимни буриштириб. — Морфийнинг таъсири сусайяпти-да.

— Лекин овқатлансак бўлар?

— Режаларимизни барбод қилганим учун узр, Флора. Дўхтир оёғимни ёстиққа қўйиб, қимир этмай ётишни буюрди. Менга рухсат берасиз, — шундай деб, ўрнимдан турдим.

— Узим авайлаб ётқизиб қўяман.

— Хафа бўлмайсиз, Флора, бир оз ёлғиз қолмоқчиман. Бирор кўнгилсиз воқеа юз берганда ҳар доим шунақа қиламан. Болаликдан қолган одат. — Мен чўзилиб ётсам-у, ёнимда туйғуларига эрк бериб, Флора ўтирса — буни асло хоҳламамасдим. — Иккаламиз учун ҳам шампанни ўзингиз ичинг. Ҳақини менинг ҳисобимга ёзиб қўйинг, — официантга мурожаат қилдим.

— Кейинроқ кирсам майлими? — сўради Флора.

— Ухламоқчиман. Уйғонганимдан кейин ўзим чақираман. Ташвишланманг, азизим.

Шундай деб, тор шим ва таранг свитер кийган бу фусункор ва гўзал фариштани тарк этдим.

Ботаётган куёшнинг сўнгги нурлари олис тоғ чўққиларини алвон рангга бўяган пайтда хонам эшиги аста очилди. Мен шифтга тикилганча каравотда қимир этмай ётардим. Патнисни олиб кетгани ходима кирди, унинг изидан хонага Флора бошини суқди.



— Бирор нарса керак эмасми? — сўради у ичкарига кириб. Ғира-шира қоронғиликда қиёфасини аранг илғадим-у, аммо атирнинг ўткир ҳиди димоғимга гуп этиб урилди. — Қалайсиз, азизим? — Флора каравот ёнига келиб, тажрибали ҳамширалардай, кафтини пешонамга босди. — Хайрият, иссиғингиз йўқ.

— Дўхтирнинг айтишича, кечаси кўтарилармиш.

— Кундузи қийналмадингизми? — У тўшак четига ўтирди.

— Кундузини бундан яхшироқ ўтказишимиз мумкин эди.

Бирдан у ўзини устимга ташлаб, ўпа кетди. Нафасим қайтиб, гавдамни бурган эдим, каравот тахтасига қўйилган гипсли оёғим шунақа зирқираб оғридики, додлаворишимга сал қолди.

Флора ҳансираганча ўрнидан турди. Қоронғи бўлгани учун юзидаги ифода-ни илғаш қийин эди, аммо у менга шубҳа билан қараётгандай туюлди.

— Иккита танишим, — деди у, — кечқурун учрашишга келишишди. Биттаси бугун оёғини синдирган, шунга қарамай, соат ўнда келишга ваъда берди.

— Мендан ёшроқ бўлса керак-да, — жавоб бердим дудуқланиб. — Ё суяги бақувватдир. Ундан ташқари, биринчи марта... сиз билан... бу аҳволда қанақа бўларкин.

— Ҳ-м, — деди Флора тумшайиб. — Майли, мен бораё. Кечқурун йиғилишмоқчи эдик, кийинишим керак. — У энгашиб, пешонамдан ўпган бўлди. — Хоҳласангиз, ўтиришдан кейин кираман.

— Фойдаси йўқдир-ўв, азизим.

— Эҳтимол, гапингиз тўғридир. Яхши ётиб туринг, — шундай деб, хонадан чиқиб кетди.

Яна шифтга тикилдим. Ҳа, оёғи синган анави йигит ўтиришга келади, албатта. Ана қаҳрамонлик! Эртагаёқ қўлтиқтаёқдами, қўлтиқтаёқсизми — бу ердан кетаман. Аммо-лекин Флорани кўриб, миямда бир фикр ғимирлаб қолди. У олдимга калитсиз кирди. Демак, қаватдаги навбатчи фаррош...

Кечқурун бир ўзим меҳмонхона ресторанида овқатландим. Узоқдан эркаклар даврасида ўтирган Флорага кўзим тушди. Чиройли ялтироқ кўйлақда. Эркакларнинг баъзи бирларини танийман, айримлари нотаниш, лекин шулардан ҳар биттаси етмиш минг долларимни ўмарган бўлиши мумкин. Флора мени кўрса ҳам ўзини кўрмаганликка олди.

Шошмасдан тамадди қилдим, кейин дарбондан хонамнинг калитини сўрамасдан лифтда ўз қаватимга кўтарилдим. Йўлак кимсасиз эди. Навбатчи фаррош пайдо бўлгунча кутиб турдим, сўнг Слоунлар эшиги олдига бориб, фаррошга: “Хонамни очиб беринг, ўзимнинг калитимни олишни унутибман”, — дедим. У бир боғлам калит чиқазиб, шуларнинг бири билан эшикни очди. Ичкарига кириб, эшикни маҳкам ёпдим.

Тўшаклар ёйиб қўйилган, каравотлар ёнидаги тунги чироқлар майин ёғду таратар, хонани атир ҳиди тутиб кетганди.

Нафасимни ичимга ютиб, каттакон жавон ёнига аста яқинлашдим-да, эшикларини очдим. Бир бўлмасида аёллар кийими, чанғи костюмлари. Иккинчисида эркаклар костюми билан кўйлақлар. Жавон остида, ерда, олти жуфт ботинка. Поездда, Слоуннинг оёғида кўрганым жигаранг ботинка қаторнинг охирида турипти. Базўр энгашиб, ботинканинг ўнг пойини олдим-да, оёғимга ўлчаб кўриш учун креслога ўтирдим. Ботинка оёғимнинг ярмида қолиб кетди, демак, кичкина — меники эмас. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, ўтирган жойимда шалвираб қолдим. Сохта изга тушиб, бир ҳафтани беҳуда ўтказибман, қанча пулнинг бошига сув қуйибман-а! Шу алфозда яна қанча ўтирардим — билмайман-у, тўсатдан эшик қулфи шиқирлаб, кейин зарб билан очилди ва хонага йўл кийимида, кичкина чамадон кўтарган Билл Слоун кириб келди.

Мени кўриб, бақа бўлиб қолди, қўлидаги чамадон тўп этиб, юмшоқ гилам устига тушди.

— Бу нимаси? — деди у ниҳоят анчадан сўнг.

— О, Билл, — оғзимга келгани шу бўлди. — Мен сизни Цюрихда деб ўйлагандим.

— Йўқ, мен шу ердан! — деди у овозини кўтариб. — Жин ургур Флора қани? — Билл тепадаги чиққонни ёқди. Хотиним бирор бурчакка беркиниб олган, деб ўйладими — ким билади.

— Пастда маишат қилиб ўтирипти, — жавоб бердим бидирлаб. Шартта ўрнимдан туриб, чиқиб кетишим керакми ёки ҳозирча ўтира турганим маъқулми — бир қарорга келолмасдим.

— Маишат қилиб ўтирипти, денг, — такрорлади у. — Сиз нима қилиб ўтирипсиз?

— Калитни олиш эсимдан чиқипти, — дедим мен, жавобим бемаънилигини сезиб турардим, албатта. — Фаррош хотин адашиб сизларнинг хонангизни очиб берипти.

— Ботинкамни нега ушлаб ўтирибсиз?

У кетма-кет савол бераркан, ғазаби тобора қайнаб борарди.

Худди биринчи марта кўраётгандай, қўлимдаги ботинкага қарадим.

— Ўлай агар, билмайман, — шундай дедиму ботинкани қандай ташлаб юборганимни ҳам сезмай қолдим.

— Ие, соатми?! — Билл бақириб юборди. — Ҳали шунақа денг!

Бейхтиёр соатга қарадим. Ундан ўн минут ўтган эди.

— Биламан бу лаънати соат қўлингизда қандай пайдо бўлиб қолганини! — ўшқирди у. — Хотиним совға қилган. Ўша мегажиннинг туҳфаси бу!

— Йўғ-э... қўйсангиз-чи... Ҳазил-да, шунчаки ҳазил, — жавоб бердим мен. Аммо Билл гапимга ишонмаслиги кундай равшан эди.

— Ҳар йили бирорта чанги мураббийсини яхши кўриб қолиб, соат совға қилади. Мавсумни очадиган одамни шу тариқа сийлайди, — деди у хуноб бўлиб. — Бу гал оддий чангичини танлабди-да. Мавсумни сиз очасиз.

— Йўқ, унақамас, шунчаки соат бу, Билл.

— Вой, қанжиг-эй! — У ҳамон ўзини босолмасди. — Лоақал бу йил ишончли одам билан қолдирдим, деб ўйлагандим-а.

Бирдан у ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Раҳмим келиб кетди.

— Қўйинг, хафа бўлманг, Билл. Илтимос, — уни юпатишга тушдим. — Онт ичаман, ҳеч нарса бўлгани йўқ.

— Онт ичармиш, — тўнғиллади у йиғи аралаш. — Ҳаммаси онт ичади. — Тўсатдан билагимга ёпишиб, соатни тортқилай бошлади. — Беринг бу ёққа, ярамас!

— Марҳамат, олинг, — шундай деб, соатни ечдим-да, қўлига тутқаздим.

Билл қизарган кўзларини унга бир оз тикиб тургач, дераза ёнига борди-да, бир қанотини очиб, соатни кўчага улоқтириб юборди. Фурсатдан фойдаланиб, ўрнимдан турволдим. Билл шиддат билан ёнимга келди. Ундан виски ҳиди анқирди.

— Дабдала қилардим-у, аммо ногиронларга қўл кўтариш одатим йўқ. — У рёғимдаги гипсга хиёл тепган эди, чайқалиб кетдим. — Бу ерга нима мақсадда кирганингизни билмайман, билишни ҳам хоҳламайман. Аммо эрталаб меҳмонхонада ва умуман бу шаҳарда қорангизни кўрмайин. Акс ҳолда ўзингизни ҳам деразадан улоқтираман. Худо кўрсатмасин, Швейцария полицияси шуғулланса, уларнинг қорлари-ю, тоғларини томоша қилганингиз бурнингиздан чиқади.

Слоун ечиб қўйган бир пой ботинкамни олиб, уни ҳам деразадан отди. Ўч олиши ғалати экан бу одамнинг.

Кейин, худди яраланган айиқдай, ўзини креслога ташлаб, ҳўнграб юборди. Мен қўлтиқтаёғимни дўқиллатиб, хонадан тез чиқиб кетдим.

## Ўн биринчи боб

Эртаси кунни тонг пайти мен Давос поездида ўтирардим. Бу шаҳар ҳам Сан-Морицдан икки соатлик масофада жойлашган ажойиб курорт. Давос ўзининг чангибоп узундан-узун йўлкалари билан машҳур, лекин мен уларни синаб кўриш фикридан йироқман. Қиш ҳам, ўзига бино қўйган такаббур нусхалар ҳам, оёқ остида қорнинг гичирлаши ҳам, чана қўнғироқларининг жаранг-журунги ҳам,

ола-була чанғи қалпоқлари ҳам — бари жонимга тегди. Кўнглим илиқ-иссиқ жануб томонларни қўмсарди, у ёқларда бугунги ишни бемалол эртанги кунга қолдиравериш мумкин. Чипта харид қилишдан олдин роса ўйладим: натижаси йўқ қидиришдан воз кечиб, Италия, Тунис ва Ўрта денгиз соҳилларига борсаму қолган пулимга, ўша юртларда ялло қилиб юрсам-чи? Аммо биринчи поезд Давосга жўнарди, демак, қишни шу совуқ мамлакатда ўтказиш пешонамга ёзилган экан.

Вагон деразасидан чўққилари кўкка қадалган улугвор тоғлар, ваҳимали адоқсиз даралар ва кўпириб оқаётган сойлар устидаги кунгираддор кўприклар кўзга ташланарди. Мусаффо осмонда офтоб чарақлаб турипти. Аммо бу гўзал манзара мени заррача завқлантирмасди.

Давосга етиб келибоқ, оёғимдаги гипсни олдириш учун касалхонага кирдим. Иккита дўхтир, яна бир рентгенга солиб кўрайлик, деган эди, кўнмадим.

— Қаерда, қачон гипс қўйдиргансиз, ҳеч бўлмаса шуни айтинг, — деди дўхтирлардан бири, гипсни олишлари билан столдан сакраб тушганимни кўриб.

— Кеча, Сан-Морицда.

— Э, шунақа денг, — дўхтирлар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

Дўхтирларнинг ёшроғи хизмат ҳақини тўлаганимга ишонч ҳосил қилиш учун кассагача қузатиб қўйди. Юз франк. Ёмонмас. Чамадонни кўтариб хонадан чиқаётганимда дўхтирлардан бири кассирга менинг америкалик эканимни тушунтираётганини эшитиб қолдим. Америкаликларнинг ҳаммаси шунақа эмиш.

Таксига ўтириб, арзонроқ меҳмонхонага олиб боришни ҳайдовчига чала-чулпа немисчалаб базўр англадим. Биз бир нечта меҳмонхона ёнидан ўтдик. Урушга қадар Давос сил касаллиги пойтахти бўлган, ҳозир эса даволаш муассасалари спортчилар меҳмонхонасига айлантирилган. Йўталганда қон тупурадиган беморлар илгари қиш офтобида тобланадиган сон-саноксиз, бўм-бўш балконлар ҳозир Давоснинг ўтмишини эслатиб туради.

Ниҳоят, таксичи мени куёвининг шаҳар ташқарисидаги уйига олиб келди. У инглизчани дурустгина биларкан, осонгина тил топишдик. Ваннаси бор битта хонанинг ижара ҳақи кўпан арзон бўлмаса-да, ҳар ҳолда, Сан-Морицдаги чиқимлар олдида ҳеч гап эмас эди.

Энсизгина каравот қўйилган хона жудаям тор эди: каттакон чамадоним у ерга сиғмасди. Уй эгаси, йўлакка қўяверинг, Швейцарияда ўғирлик йўқ, деди. Қулворишимга сал қолди.

Нарсаларимни апил-тапил чамадондан олиб, бировнинг кийимларини девор жавонига улоқтирдим. Қора костюмни чамадонда қолдирдим. Уни Сан-Морицда уч-тўрт марта кийгандим, лекин у кунларни ҳавас қилмаса ҳам бўлади. Агар Швейцарияда дуч келиб қолса, костюмни жон-жон деб эгасига қайтариб бераман.

Ваннага тушиб, оёғимдаги гипс ушоқларини ювдим, кейин хонага қайтиб чиқиб, биринчи бор менга насиб этган спорт камзулини кийдим. Ички чўнтагига қолган пулларим турган ҳамённи солган эдим, бир нарса шитирлаб кетди. Пайпаслаб, бир парча қоғозни топдим. Аёл қўли билан майда ҳарфларда алланималар ёзилган, атир ҳиди уфуриб турган пуштиранг қоғоз эди.

Кўлимга титроқ кирди, каравотга ўтириб, ўқий бошладим. Хатда, на манзил, на муддат бор эди.

*“Азизим, севгилим, бу йил Сан-Морицга боролмаслигимдан жазавага тушмасангиз керак, деб ўйлайман. — Титроқ бутун вужудимга ёйилди, гўё тоғ чўққисидан қор уюми кўчиб, ҳамма ёқни ларзага солгандай эди. — Шўрлик Жон уч кун бурун овдан белини майиб қилиб келди. Маҳаллий дўхтир, фақат Қрим уруши вақтида муолажа билан шугулланганими, нима бало, тайинли бир гап айтмай, елкасини қисиб тураверди. Уни Лондонга олиб боришга тўғри келди. У ердаги жарроҳлар ҳам операция қиламизми-йўқми деб узоқ баҳслашишди, бечора жуфти ҳалолим оғриқдан бетиним ингарди. Табиий, унинг суюкли рафиқаси бундай пайтда Альп ёнбағирларида чанғи учиб юрса бўлмасди. Хуллас, у ёққа чопдим, бу ёққа чопдим, касалхонага ҳар кун гул ва ичкилик ташидим. Эримга, келаси йили яна албатта овга борасан, деб тасалли бердим. Биласиз, ов деса у ўзини томдан ташлайди.*

*Лекин, ноумид — шайтон. Флоренциядаги холамга, ўн тўртинчи февралда кўргани бораман, деб ваъда берганман. Ҳадемай эрим оёққа туриб қолади. Ўшанда унинг ўзи мени боришга қистайди. Эми холамникидан меҳмон аримайди, нотинч, шунинг учун “Эксцельсиор” меҳмонхонасига тушаман, қайтанга шароити у ердагидан юз чандон аъло. Ўша рестораннынг қаҳвахонасида кулиб турган чехрангизни кўриб қолишдан умидворман. Беҳад соғинган Л.”*

Хатни яна бир марта ўқидим, ростини айтсам, хат муаллифи менда кўпам яхши таассурот қолдирмади. Мактубда тайин бир манзил ҳам, унинг қайси куни битилгани ҳам кўрсатилмаган, “ўн тўртинчи февраль” французча ёзилган, имзо ўрнида биттагина ҳарф. Қиёфасини тасаввур этишга уриндим. Менимча, у ўттиз-қирқ ёшлардаги олифта, турқи совуқроқ инглиз аёли бўлса керак. Нима бўлганда ҳам шу аёл бор, демакки, уни ўйнаши билан тузоққа илинтириш учун 14 февралда Флоренциядаги “Эксцельсиор” меҳмонхонасида бўлишим шарт. Бирдан бошқа нарса ҳам ёдимга тушди: 14 февраль — Авлиё Валентин куни, ошиқ-маъшуқлар байрами.

Шошма-шошма, ўша ноинсоф олибқочарни Сан-Морицда, ҳатто “Палас” меҳмонхонасининг ўзида учратиб қолишим мумкин-ку, қайтиб борсаммикин? Л.хонимнинг ўйнаши яна бир ҳафта пулларимни ҳавога совиришини кўз олдимга келтириб, жизгинак бўлиб кетдим. Лекин шу пайтгача тополмаган одамимни қайтиб бориб учратармикинман? Бунга ким қафолат беради? Мактубдан шу нарсани тахмин қилиш мумкинки, у маҳбубасининг олдида кулиб туради, эҳтимол, уйланмаган ёки Оврупога хотинсиз келган. Яна: камида ўн тўртгача французча санашни билади. Бор-йўқ маълумот шу. Яхшиси, 14 февралгача сабр қилиш керак.

Кўкраги ботик, тинмай йўталадиган кишилар билан тўлиб-тошган Давосдан жўнаб кетаётганимдан хурсанд бўлдим: қор жонимга теккан эди. Цюрих — Флоренция поезди Миландан ўтарди, ўша ерда тушиб қолиб, бир кеча тунадим. Кундузи ярим хароба черковнинг тош деворларида акс этиб турган буюк ўтмишнинг мунгли акс-садоси бўлмиш “Сирли оқшом”ни томоша қилдим. Леонардо да Винчи мени лол қолдирди, кейин Миланнинг туманли тор кўчаларида дилгир бир кайфиятда айланиб юрдим.

Шу орада нохуш дақиқаларни ҳам бошдан кечирдим. Миланнинг қоқ маркази тепасига қурилган биноларни бирлаштирувчи йиғма равоқ остида сайр қилиб юрганимда узун плаш кийган буғдойранг бир йигит изимга тушгандай туюлди. Сал наридаги қаҳвахонага кириб, қаҳва буюрдим, йигит ҳам эшик рўпарасига ўтирволиб, мендан кўз узмай қараб тураверди. Швейцарияда эмин-эркин юрган эдим, бу ерда, Италияда эса, уюшган жиноятчилик авж олганини эшитганим учун юрагим така-пука бўлиб кетди. Иккинчи қаҳвани ҳам шошмасдан ичдим, сўнг ҳисоб-китоб қилдим-да, иложи борича дадил одимлашга тиришиб, кўчага чиқдим.

Нотаниш йигит аркни кесиб ўтиб, менга етиб олди ва маҳкам тирсагимдан ушлади. Нурсиз кўзлари афтига маъшум бир ифода бериб турар, бармоқлари эса билагимни омбирдай қисиб олганди.

— Намунча шошасиз, хўжайиң? — деди у ёнма-ён қадам ташларкан.

— Учрашувга кечикяпман. — Ўзимни унинг исқанжасидан бўшатишга уришиб, бир юлқинган эдим — фойдаси бўлмади.

У чўнтагига қўлини солди, нафасим ичимга тушиб кетди.

— Ажойиб тилла тақинчоқ бор, олмайсизми? — деб қолди йигит бирдан. — Тоза нарса. Арзон.

У менга латтага ўроғлиқ бир нимани кўрсатди.

— Аёл киши учун бундан зўр совға топиш қийин, — йигит латтани очган эди, тилла занжирга кўзим тушди.

— Менда аёл йўқ, — дедиму қадамимни тезлатдим.

— Ярқирашини қаранг. Америкада бунақа нарса ўн баравар қиммат.

— Мени маъзур тутасиз, — шундай деб, ундан тез узоқлашдим.

Ҳа, Оврупода кумга тушган игнадай кўздан ғойиб бўламан, деб ишонган эдим, мана энди ўша ишончим буткул чил-парчин бўлди. Қаерга бормай, америкаликлигимни билиб қолишди. Соқол қўйворсаммикин...

Эртаси куни тезюрар поездда Венецияга жўнадим, кейин қачон яна бунақа имконият бўлади. Миландан кейин Венецияни кўриб, руҳим тушиб кетди. Устини туман қоплаган каналлар, паромларнинг мунгли ноласи, қорамтир сув ва соҳилдаги мох босган панжаралар Адриатика денгизининг жилосиз ёғдусида мени умрнинг бебақолиги тўғрисида ўйлашга мажбур этди ҳамда Сан-Морицдаги енгилтак ва беташвиш ҳаётни хотирамдан бутунлай ўчириб юборди. Венециянинг аста-секин денгизга чўкаётганини эсладим. Тор кўчалар, сон-саноксиз соҳил ва ибодатхоналарни айландим, Сан-Марко майдонидаги бўм-бўш қаҳвахоналарда хуштаъм оқ мусаллас симириб, италияликларни кузатдим — шу машғулот менга айниқса маъқул келди. Йилнинг ҳамма фаслида америкалик сайёҳлар уймаланишадиган Гарри қаҳвахонасига бош суқмадим. Мени ҳозир фақат битта америкалик қизиқтирарди, лекин уни Венецияда учратишим эҳтимолдан йироқ.

Мана шу сайрдан кейин анча енгил тортдим. Швейцариядаги саргузаштларим оқибатида қақшаб кетган асабларим сал юмшагандай бўлди. Бинобарин, ўн учинчи февраль куни кечкурун Флоренциядаги “Эксцельсиор” меҳмонхонасига кириб борганимда ўзимни тетик ва хотиржам, ҳар қандай тасодифга бардош берадиган кишидай ҳис этардим.

Яхшилаб овқатланиб олганимдан сўнг шаҳар айлангани чиқдим, Микеланжелонинг Давид шарафига ўрнатилган ҳайкали нусхасини узок томоша қилдим, қахрамонлик ҳақида, ёвузликнинг моҳияти тўғрисида ўй сурдим. Тарихи жангу жадаллар, фитна ва қасослар билан тўлиб-тошган Флоренция пулларимни ўғирлаган кимсани гирибонидан олишга бениҳоя муносиб жой эди.

Табиийки, кечаси ёмон ухладим, эрталабки куёш нурлари деразам остида пишқириб оқаётган Арно дарёсига тушмасидан анча олдин уйғониб кетдим.

Меҳмонхонада Лондондан Миланга келадиган самолётлар ва Миландан Флоренцияга қатнайдиغان поездлар вақтини суриштириб, аёлнинг кеч олтиларга яқин пайдо бўлишини тахмин қилдим. Соат олти бўлмасидан вестибюлга, эшикдан кириб келган ҳар қандай одам яққол кўриниб турадиган қулай жойга ўтирволаман.

Ўша куни қаҳвани кўп ичдим, аммо ичкиликни оғзимга олмадим. Ўзимни сайёҳдай кўрсатиб, Уффици тасвирий санъат музейининг залларида айланиб юрдим, аммо Флоренциянинг беқиёс бу мўъжизаси менда ҳеч қандай таассурот қолдирмади. Бу ерга бошқа куни ва бошқа кайфиятда келиш керак.

Ёдгорликлар дўконидан китоб қирқадиган кичкина пичоқ сотиб олдим, у сопи нақшдор, кумуш ханжарга ўхшарди. Пичоқни бирор аниқ мақсад билан харид қилганим йўқ, у кўзимга шунчаки чиройли кўрингани учун олдим, холос.

Кейинроқ, соат олтиларга яқин “Rome Daily American” газетасини сотиб олиб, вестибюлдаги серҳашам креслолардан бирига чўкдим, эшик олдига ёки дарбон хужраси ёнига эмас, йўқ, ичкарироқдаги, ҳамма нарса кўзга ташланиб турадиган креслога ўтирдим. Шубҳа туғдирмаслик учун ўз кийимларимни кийдим.

Соат олтигача газетани икки марта ўқиб чиқдим. Аллақандай америкалик оиладан бошқа ҳеч ким келмади: жуссаси тўла шанғи ота, ҳолдан тойган озғин она ва қалпоқли бир хил камзул кийган учта найнов бола. Эшитишимча, улар Римдан келишган, йўллар сирпанчиқ эмиш. Дарбоннинг олдига бориб, Милан поездди нега кечикаётганини сўрашдан ўзимни аранг тийдим.

Бекорчиликдан газетанинг боя ўқимай ташлаб кетганим оқсуяклар ҳаётига бағишланган саҳифаларига кўз югуртирдим. Пьерролида фалончи (бунақа исми ҳеч қачон эшитмаганман) писмадончи (уни ҳам танимайман) шарафига қабул маросими ўтказган... Хўш... Ихҳ! Шу пайт меҳмонхона эшигида ўттиз ёшлардаги малласоч аёл кўринди, кетидан хизматкорлар юкларини кўтариб келишарди. Юрагим ўйнаб кетди. Бир қарашда истараси иссиқ, қирра бурун, лаблари диққатни тортадиган аёл. Хушбичим жигарранг пальтоси ўзига ярашиб турипти. У ҳамма вақт ҳашаматли меҳмонхоналарда яшашга ўрганган кишиларга хос виқор билан дарбоннинг олдига бориб, исмини айтди. Айни шу пайтда вестибюлда ўйнаб юрган америкалик тирранчалар ваннага ким олдин тушишини

талашиб, жигиллашиб кетса бўладими! Аёлнинг исмини эшитолмай қолдим. Мабодо менинг ҳам пешонамга фарзанд битса, ўла қолсам орқамдан эргаштириб юрмайман.

Аёл рўйхатдан ўтиш варақасини тўлдирди, имзо чеккандан кейин паспортига қўшиб, дарбоннинг столига ташлади. Кейин лифт томонга эмас, тўппа-тўғри қаҳвахонага қараб кетди. Чўнтагимдаги туморим — кумуш долларни бир сийпалаб, ўрнимдан турдим ва аёлнинг орқасидан эргашдим. Аммо қаҳвахона эшигига етганимда у ичкаридан қайтиб чиқди. Унга йўл бўшатаётиб, хиёл таъзим қилган эдим, мутлақо эътибор бермади, шунинг учун юзидаги ифода қанақа бўлганини ҳам айтиб беролмайман.

Қаҳвахонанинг бир бурчига ўтириб, виски буюрдим. Одам сийрак, ним қоронғи. Шу ерда ўтириб, кутишдан бошқа чорам қолмаганди.

Соат еттиларда аёл яна қаҳвахонага кирди. Эгнида одми қора қўйлак, бўйнида икки шода марварид, жигарранг пальтосини билагига ташлаб олган. Назаримда, кетмоқчига ўхшайди. Остонада туриб, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Америкадан келган оила стол атрофида ўтирипти, эр-хотин мартини, болалари эса кока-кола ичишяпти, оила бошлиғи ора-орада: “Худо ҳақи, шовқин солманглар”, — деб, уларга танбеҳ бериб қўяди.

Бир стол нарида қартайиб қолган эр-хотин. Инглизлар. Эри Лондонда чиқадиган “Таймс” газетасининг ўтган кунги сонини ўқияпти, ола-була башанг қўйлак кийиб олган хотини эса бўшлиққа лоқайд назар ташлаб ўтирипти.

Шундоққина ёнбошимда итальянларнинг жағи жағига тегмайди, “уят”, “иснод” деган сўзлар қулоғим остида жаранглайди.

Ёлғиз мен стол четида етимчадай ўтирибман.

Остонада турган малла соч аёл норози қиёфада лабини бурди. Юзи оппоқ, икки чаккаси пушти ранг, кўзлари тўқ кўк, худди бинафшага ўхшайди. Хушбичим қўйлаги таранг қоматини кучиб турибди, оёқлари чиройли. Ҳақиқатан ҳам кетворган аёл.

Унга тикилиб турганимни сезиб, қошини чимирди, бу қилиғи ҳам ўзига жуда ярашди. Кўзимни олиб қочдим. Шахдам одимлаб, зални босиб ўтди-да, менга қўшни стол ёнига келиб ўтирди. Пальтосини кресло суянчигига ташлаб, чўнтагидан сигарета қутиси билан залворли олтин зажигалка чиқазди.

Официант шошиб келиб, зажигалкани ёқди. Бу аёл ўз атрофида гирди-капалак бўлиб хизмат қилишларига кўникиб қолган кўринади. Бугдойранг официант ёш, чиройли йигит эди, қоп-қора кўзлари ниҳоятда сергак. У эҳтиром билан аёл тепасига энгашаркан, садафдай тишларини кўрсатиб, жилмайди.

— Марҳамат қилиб, менга жин<sup>1</sup> келтирсангиз, — деди аёл, — фақат музсиз.

— Менга яна бир қадаҳ виски, — дедим мен.

— Нима? — сўради официант ва шу заҳоти юзидаги табассум ғойиб бўлди. Биринчи марта буюрганимда савол бермаганди.

— Бу жаноб виски сўраяпти, — тушунтирди аёл итальян тилида.

— Хўп бўлади, синьора, — официантнинг юзи яна табассумдан ёришиб кетди.

— Ёрдамингиз учун ташаккур, — аёлга таъзим қилдим.

— Гапингизга яхши тушунди. Лекин у итальян-да. Сиз америкаликсиз, шундайми?

— Яққол кўзга ташланиб туриптими?

— Бунинг хижолатлик ери йўқ. Одамларнинг америкалик бўлишга ҳам ҳаққи бор. Келганингизга анча бўлдими?

— Италиян тилини ўрганиб олиш учун камлик қилади, — жавоб бердим мен. Гапимиз қовушганидан хурсанд эдим, бунақа бўлишини кутмагандим. — Кеча кечкурун келдим.

Аёл қўл силтади:

— Қаҳвахонада анчадан буён ўтирибсизми, демоқчиман.

— Бир соатча бўп қолди.

<sup>1</sup> Жин — арақнинг бир тури.

— Бир соатча... — такрорлади аёл. У тез гапирар, лекин овози ширали эди. — Шу ерда яна бир америкаликка кўзингиз тушмадими? Элликларда, лекин ёш кўринади. Басавлат, сочи мош-гуруч. Бировни қидиргандай бўлмадими?

— Шошманг, — ўзимни ўйлаётганликка солиб, пешонамни тириштирдим, — исми нима?

— Исмини билишингиз шарт эмас, — жавоб берди аёл менга ёвқараш қилиб. Афтидан, бевафо хотинлар, ҳатто улар инглиз бўлса ҳам, ўйнашларининг но-мини ошкор этишни ёқтиришмаса керак-да.

— Эътибор берганим йўқ, — давом этдим лоқайд бир оҳангда. — Лекин эшик олдида сиз тасвирлаган қиёфани кўргандай бўлувдим, шекилли. Соат олти яримларда. — Бирдан-бир мақсадим, аёлни қаҳвахонада иложи борича узокроқ ушлаб туриш эди.

— Ё тавба! — деди у зарда билан. — Бизнинг замонамизда почтага нима бўлган ўзи?

— Тушунмадим, кечирасиз, — шундай деб, аёлнинг чўнтагимда турган хатини пайпаслаб қўйдим.

— Аҳамияти йўқ, — у яна афтини буриштирди.

Официант аёлнинг олдига қадаҳни қўяётган пайтида тиз чўкишига сал қолди. Виски менга ҳеч бир тақаллуфсиз берилди. Аёл қадаҳини кўтариб, бош ирғаб қўйди. Сездимки, бунақа жойда у бегона эркаклар билан ҳадиксиз гаплашаверади.

— Бу ерда кўп турасизми? — сўрадим мен.

— Қайдам, — у елкасини қисди. Қадаҳининг четида қип-қизил бўлиб лаб бўёғининг изи қолди. Исмини билволгим келарди-ю, аммо шошқалоқлик қилиш ҳам ярамасди. — Эски Флоренция гўзал. Лекин бундан зўр жойларда ҳам бўлганман. — Аёл эшикдан кириб келаётган кишиларга қараш учун бошини кескин бурди. Бу немис оиласи эди, бинобарин, унинг ҳафсаласи пир бўлиб, соатига қаради. — Яхши қорайибсиз, — деб қолди у бирдан. — Чанғи учдингизми?

— Озроқ.

— Қаерда?

— Сан-Морицда, Давосда.

— Сан-Мориц — жон-дилим. У ернинг одамлари ҳам бошқача.

— Бу йил бўлдингизми Сан-Морицда?

— Йўқ, бир кўнгилсиз воқеа халақит берди, — аёл атрофга дилгир назар ташлади. — Улғудай диққинафас жой. Дантени шу атрофга дафн этишган бўлса керак. Бу шаҳарда бирорта кўнгилочар ошён борми ўзи?

— Кеча кечқурун яхшигина ресторанда бўлдим. “Саббатини”да. Агар менга ҳамроҳ бўлишни хоҳласангиз...

Шу пайт қаҳвахонага хизматкор бола чопиб кирди.

— Леди Лили Эббот. Леди Лили Эббот...

Аёл болани имлаб чақирди, мен шу заҳоти чўнтагимдаги хатга “Л.” деб имзо чекилганини эсладим.

— Телефонга, синьора, — деди бола ҳансираб.

— Хайрият! — аёл шундай деб, болага эргашди. Сумкаси креслода қолди, очиб қарагим келди-ю, бироқ немис оиласи қараб тургани учун бу ниятдан қайтдим.

Беш минутлардан сўнг аёл қайтиб келди. Юзи газабдан қизариб кетган эди. Ўзини таппа креслога ташлаб, оёқларини стол тагига узатворди.

— Ҳунук хабармасми ишқилиб? — сўрадим ҳамдардлик билдиргандай.

— Йўқ, лекин чиройли хабар ҳам эмас, — жавоб берди у қоғоғини солиб. — Вақтинча мени хузур-ҳаловатдан маҳрум этишди. Ҳаракат жадвали ўзгарипти. Начора, кимдир жазосини тортади. — У қадаҳини бўшатиб, сигарета тутатди.

— Агар бўш бўлсангиз... — аста гап бошладим мен. — Телефонга чақирмасларидан олдин таклиф қилмоқчи бўлиб турувдим, леди Эббот. — Умримда биринчи марта аёл кишига “леди” деб мурожаат қилаётганим учун бу сўзни қоқилиброқ талаффуз этдим. — Бирор жойга бориб...

— Узр, — гапимни бўлди у. — Эътиборингиз учун ташаккур, лекин мен бандман. Кечки таомга таклиф қилинганман. Ташқарида машина кутяпти. — Лили пальтоси билан сумкасини олиб, ўрнидан турди. Мен ҳам қўзғалдим.

Кўзимга тик қараб, аллақачон бир қарорга келиб қўйган, шекилли, шундай деб қолди:

— У ерда узоқ ўтирмайман. Меҳрибон қарияларим барвақт ухлашади. Агар маъқул бўлса, уйқуга ётишдан олдин жиндай-жиндай олишимиз мумкин.

— Ие, албатта... Жоним билан.

— Айтилик, соат ўн бирда. Мана шу ерда, қаҳвахонада.

— Кутаман.

У қаҳвахонани тарк этди, аммо менга ширин бир интиқликни қолдириб кетди.

Тунни Лилининг хонасида ўтказдим. Бари осондан-осон юз берди.

Ечина туриб:

— Флоренцияга гуноҳ қилгани келганман. Қиламан ҳам, — деди у.

Исмимни фақат эрталабга яқин сўради чамамда.

Калондимов ва такаббурлигига қарамай, ўйнаш сифатида меҳрибон, қанотли ва камсуқум аёл эди. Аммо-лекин бу аёлни ўзимга ром эта олганим лаззати ўғирланган етмиш минг учун қасос лаззатидан ортиқ бўлди, деёлмайман.

Лили Эббот аёлларга хос бўлган оддийгина синчковликни ҳам билмаскан. Биз кам гаплашдик, у мен кимман, нима иш қиламан, Флоренцияда нима қилиб юрибман, кейинги режаларим қанақа — мутлақо қизиқмади.

Хонадан чиқиб кетишдан олдин (у меҳмонхонада одамлар уйғонмасидан кета қолишимни илтимос қилди) Лилидан, бирга нонушта қиламизми, деб сўрадим.

— Бир нарса дейишим қийин, — жавоб берди у. — Менга кўнғироқ қилишлари керак. Кетишдан олдин бир ўпиб қўйинг.

Энгашиб, юзидан ўпдим, кўзлари юмуқ эди, чиқишга улгурмасимдан ухлаб қолганга ўхшайди.

Кўркам жиҳозланган холлдан ўз хонамга ўтиб борарканман, бирдан аллақандай ҳаётбахш куч вужудимни чулғаб олганини ҳис этдим. Цюрихда, Сан-Морицда, Давосда ишим юришмади. Мана бу кеча эса... Тўғри, келажагим ҳали даргумон, лекин йилт этган умид учқуни пайдо бўлди-ку.

Авлиё Валентин куни, сенга шон-шарафлар!

Тунги изтироблардан толиққан эканман, каравотга ташладиму тушгача тошдай қотиб ухладим.

Кўзимни очиб, роҳат қилиб керишдим, шифтга тикилганча яна анча вақт ётдим. Танамда ширин беҳоллик бор эди. Кейин гўшакни кўтариб, кўнғироқ қилдим. Узоқ пайтгача жавоб бўлмади, ниҳоят, фаррош аёлнинг овози эшитилди:

— Леди Эббот бугун эрталаб соат ўнда хонани топшириб, жўнаб кетди. Йўқ, хат қолдиргани йўқ.

Меҳмонхонанинг ёзув-чизув ишларини юритадиган хизматчиси билан тил топишиб, ундан леди Эбботнинг яшаш жойини билиб олгунимча қанча ёлғон ишлатишга ва, бу ҳам етмагандай, ўн минг лир беришга тўғри келди. Хизматчига пулни қистириб, қулоғига секин шивирладим: “Леди хонамда қимматбаҳо тақинчоқларини унутиб қолдирипти. Ўз қўлим билан топширмасам бўлмайди”.

— Хўп, синьор, — деди у. — Парижнинг Атенеи майдонидаги меҳмонхона. Фақат бу маълумот жиддий сабабларга кўра берилганини леди Эбботга яхшилаб тушунтиринг.

— Хўп бўлади.

Эртаси куниёқ Парижнинг Атенеи майдонига етиб бордим. Меҳмонхонада бўш жой бор-йўқлигини суриштираётган пайтимда Лилини кўриб қолдим. У шоп мўйловли, сочи мош-гуруч эркак билан вестибюлдан қўлтиқлашиб ўтиб борарди. Эркак бошланг, қора кўзойнак тақиб олган. Дарров танидим: бу киши Сан-Морицдаги “Палас” меҳмонхонасида Билл Слоун билан қарта ўйнаган қиморбоз Майлс Фабиан эди.



Улар мени пайқамай, офтоб нурига ғарқ бўлиб ётган Моньтен кўчасига чиқишди. Бу оламга ҳам, менга ҳам ёт бўлган икки бахтиёр ўйнаш муҳаббат шаҳрининг нурафшон кўчасидан кетиб боришарди.

Мен улардан бир неча қадам нарида турардим, чамадонимда ханжар, қалбимда эса қасос иштиёқи исён кўтарарди.

## Ўн иккинчи боб

Эртаси эрталаб соат саккиз яримда вестибюлдаги кузатув маррасини эгаладим. Икки соатдан сўнг Лили Эббот меҳмонхонадан чиқиб кетди. Флоренцияда уни кун ёруғида кўрмагандим, ҳозир менга нақ ҳурилиқодай туюлди. У америкаликнинг Парижда ўтажак сергуноҳ ҳафта тўғрисидаги орзуси мужас-самлашиши мумкин бўлган айнан ўша аёлнинг ўзгинаси эди.

Мени пайқамай чиқиб кетганига ишонч ҳосил қилгач, ўз хонамга кўтарилдим. Апил-тапил — Лили Эббот тез қайтиб қолиши мумкин — Фабианнинг ҳамма нарсаларини чамадонга илгариги тартибда жойладим. Кейин ҳаммолни қақирдим.

Чарм қинли ханжарни чўнтагимга солганимда юрагим дукурлаб кетди: Фабиан билан бўладиган учрашув ва суҳбатни тахминан тасаввур қилардим.

Ҳаммол чамадонни кўтарди, орқасидан олтинчи қаватга эргашдим. Ё алҳазар, яна олтинчи қават-а! Лифт тўхтаб, эшиклари очилди, ҳаммолнинг ортидан йўлакка чиқдим. Қадамларимиз товушини юмшоқ гилам ютиб юбораётганди. Йўл-йўлакай тирик жонни учратмадик — афтидан, бадавлат мижозлар югур-югурни ёқтиришмаса керак. Фабианнинг хонасига етганда ҳаммол чамадонни ерга қўйиб, эшикни тақиллатмоқчи бўлган эди, уни тўхтатдим.

— Кераги йўқ. Ўзим. Мистер Фабиан эски дўстим.

Ҳаммолга беш франк узатдим. У раҳмат айтиб, қайтиб кетди.

Кейин эшикни аста тақиллатдим.

Фабианнинг ўзи очди.

— Хизмат? — деди у мулоим оҳангда.

— Чамадонингизни опкелдим, — шундай деб, тезгина ичкарига кирволдим. Ҳамма ёқда турли тиллардаги газеталар сочилиб ётарди. Гулдонларда анвойи гуллар. Бунақа хонанинг баҳоси ҳам фалон пул турса керак. Фабианнинг ортимдан эшикни ёпгани эшитилди. Ёнида қуроли бўлса-я...

— Менга қаранг, — деди Фабиан у томонга бурилганимда. — Янглишяпсиз.

— Янглишганим йўқ, — гапини шартта бўлдим.

— Кимсиз ўзи? Илгари сиз билан учрашганмизми?

— Албатта. Сан-Морицда.

— Ҳа-а, эсладим. Бу йил миссис Слоунга ҳамроҳлик қилган йигитсиз-да. Исмингизни унутибман. Гр... Грим... шундайми?

— Граймс.

— Э-э, Граймс. Узр. — Фабианнинг бир туки ўзгармаган, бир маромда, хотиржам гапирарди. — Кетмоқчи бўлиб турувдим, — деди у. — Майли, кепқопсиз, жиндай сабр қиламан. Марҳамат, ўтиринг.

— Ташвишланманг, — мен хонанинг ўртасида турган чамадонга ишора қилдим. — Чамадонингизни очиб, буюмларингизни текшириб кўринг.

— Яна шунақа дейсиз-а! Менинг чамадонимми? Астафурулло!

— Қулфи бузуқ, — давом этдим мен. — Чунки янглишиш содир бўлганига узил-кесил ишонч ҳосил қилиш учун уни бузишга тўғри келди.

— Нималар деяпсиз, тушунмаяпман. Умримда бунақа чамадонни кўрмаганман. — Бир йил машқ қилганда ҳам ҳозирги сўзларини бу қадар ишонч билан айтолмасди.

— Нарсаларингиз жой-жойида турганини текшириб кўринг-да, кейин менинг чамадонимни қайтариб беринг. Цюрихда олиб кетганингиз чамадонни. Ичидаги бор нарсалари билан қайтаринг. — Сўнгги жумлага алоҳида ургу бердим.

Фабиан елкасини қисди:

— Тавба. Ишонмасангиз, марҳамат, хонани тинтув қилиб кўринг...

Чўнтагимдан Лили Эбботнинг хатини чиқаздим.

— Бу хатни камзулингиз чўнтагидан топдим. Ўқишга журъат этдим.

— Борган сари сирли бўлиб кетяпсиз, — Фабиан қоғозга бировларнинг хатини ўқишга ор қиладиган баодоб зиёлидай хиёл кўз ташлади, холос. — Бунда на исм, на манзил кўрсатилган. Уни кимдир кимгадир ёзган бўлиши мумкин. Нима учун хатнинг менга қандайдир алоқаси бор, деган хулосага келдингиз? — Овозида энди андак асабийлик сезиларди.

— Бу фикрга келишимга леги Эббот сабаб бўлди.

— Шунақа денг. У аёл менинг дўстим. Яхши юриптими?

— Юрганда қандоқ! Ўн минут олдин вестибюлда кўрдим.

— Йўғ-э. Наҳотки Лили шу ерда, меҳмонхонада бўлса?

— Бас қилинг, — унинг гапини бўлдим. — Нима мақсадда келганимни билиб турипсиз. Етмиш мингга чўзинг. Тушунарлими?

У росмана кулишга ҳаракат қилди:

— Оббо сиз-ей! Ҳазиллашяпсиз-да, а? Лили ўргатдимиз? У пихини ёрган ҳазилкаш.

— Ўз пулимни олгани келдим, мистер Фабиан, — дедим овозимни кўтариб.

— Эсингиз жойидами, сэр? — жавоб берди у яна жиддий қиёфага кириб. — Етар. Мен кетишим керак.

— Пулни бермагунингизча ҳеч қаяққа кетмайсиз, — бақирдим билагидан ушлаб. Аммо овозим чийиллаб чиқди. Бундай пайтда йўғон, салобатли оҳангда гапириш керак эди. Мен бўлсам, сичқонга ўхша...

— Қўлингизни тортинг! — Фабиан бир силтов билан билагини бўшатди, сўнг бармоқларим теккан жойни ҳазар қилгандай қоқиб қўйди. — Яқинлашманг менга. Ҳозироқ чиқиб кетмасангиз, раҳбариятга кўнғироқ қилиб, полиция чақиртираман.

Стол устидаги чироқни олиб, бошига туширдим. Чироқ чил-чил бўлди. Фабиан адоқсиз бир таажжуб билан секин полга чўкди. Пешонасидан тизиллаб қон қуйила бошлади. Ханжарни чиқаздим-да, то ўзига келиб олгунига қадар устига энгашиб турдим. Фабиан ўн дақиқадан кейин кўзини очди. Нигоҳида бирон-бир ифода йўқ эди. Ханжарнинг учини томоғига тирадим. Шу заҳоти кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Ҳазиллашаётганим йўқ, Фабиан, — дедим мен. Ростдан ҳам шу тобда уни ўлдириб қўйишим ҳам мумкин эди. Аъзойи баданим дағ-дағ титрарди.

— Бўпти, — деди у тили гўлдираб. — Зўравонлик қилманг... Чамадонингизни олганман... Ёрдамлашворинг.

Қўлидан тортиб, турғизиб қўйдим. У бир оз гандираклаб турди-ю, сўнг ўзини креслога ташлади. Пешонасини сийпалаб, қўли қон бўлганини кўрди. Рўмолчасини чиқазиб, жароҳат устига боса бошлади.

— Ўлдириб қўйишингизга сал қолди-я, — деди у заиф товуш билан.

— Омадингиз бор экан, тирик қолдингиз.

Фабиан жилмаймоқчи бўлди, аммо ханжарга кўзи тушиб, афтини буриштирди.

— Тигни кўрсам, эгим жунжикади, — деди у зорлангандай. — Сиз пулни яхши кўрсангиз керак-а?

— Сиздан кўп эмас.

— Пулни деб, бировнинг умрига зомин бўлмасдим.

— Ким билади? Мен ҳам ҳеч қачон бунақа ишга қодирман, деб ўйламаганман. Шу бугунгача. Пул қани?

— Пул йўқ.

Олдинга бир қадам ташладим.

— Шайтонга ҳайф беринг. Худо ҳаққи, ўзингизни босинг. Хўп... Пулингизни қайтараман. Лекин ҳозир ёнимда йўқ. Пичоқни пастроқ туширинг, илтимос. Ўлай агар, тил топишамиз. — Фабиан яна рўмолчасини пешонасига босди.

Бирдан шаштим сўнди. Баданимни қалтироқ босди. Қилган ишимдан кўрқиб кетдим. Одам ўлдиришимга бир баҳя қолди-я. Ханжарни стол устига ташла-

дим. Шу тобда Фабиан, сариқ чақа ҳам бермайман, деганида, қўл силтаб, индамай чиқиб кетган бўлардим.

— Ростини айтсам, — давом этди Фабиан, — бир кунмас-бир кун кимдир пулини талаб қилиб қолишини билардим. Шундан ташвишда эдим. Ҳозир вазият шундоқки, пулнинг қайтишини маълум муддат кутишингизга тўғри келади.

— Тушунмадим? “Маълум муддат”ингиз нимаси? — сўрадим таҳдид оҳангида, аммо кўринишим бу оҳангга мос эмаслигини сезиб турардим.

— Гап шундаки, мистер Граймс, пулларингизга нисбатан сал ўзбошимчалик қилиб, муомалага киритиб юборганман, — деди у худди бедаво дардни ошкор этаётган дўхтирдай. — Шунча пул ҳаракатсиз ётса бўлмасди-да. Ё гапим нотўғрими?

— Билмадим. Илгари менда бунақа пул бўлганмас, шунинг учун у томонларига ақлим етмайди.

— О, кутилмаган бойлик. Мен бу ҳақда кўп ўйладим. Ижозат берсангиз, ваннахонага кириб, қонни ювиб ташласам. Ҳадемай Лили кеп қолади, ҳушидан кетиб юрмасин тагин.

— Боринг, — дедим креслога ўтириб, — сизни шу ерда кутаман.

— Бемалол, — Фабиан шундай деб, ўрнидан турди-да, зипиллаб ваннахонага кириб кетди. Кўп ўтмай, сувнинг шовуллагани эшитилди. Ваннахонадан ётоқхона орқали йўлакка чиқадиган йўл бор эди, лекин Фабианнинг қочиб қолмаслигига ишонардим. Мабодо, қочишга уринганда ҳам орқасидан қувмасдим, чунки ўзим аллақандай қарахт ҳолатда эдим. Муомаладаги пул. Ўғри билан бўладиган учрашувнинг турли вазиятларини кўнглимдан ўтказгандим, аммо бу учрашувнинг ҳозиргига ўхшаб жиддий молиявий муҳокамага айланиб кетишини ўйламагандим.

Фабиан ваннахонадан сочларини тараб, сип-силлиқ бўлиб чиқди. Ҳаракатлари дадил, бир неча минут илгари ерда қонга беланиб ётгани ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

— Дарвоқе, — деди у, — ичкиликка қалайсиз?

Бош силкидим, Фабиан жавондан шотланд вискисини олиб, иккита қадаҳга қўйди. Мен бир кўтаришда бўшатдим, у шошмасдан, ҳўплаб-ҳўплаб ича бошлади.

— Агар Лили бўлмаганда, — кулди Фабиан, — мени икки дунёда ҳам тополмасдингиз.

— Эҳтимол.

— Аёллар, — у уҳ тортиб қўйди. — Бирга ётганингиз йўқми?

— Бу саволга жавоб бермаганим маъқул.

— Ихтиёрингиз. — У яна оғир тин олди. — Энди... Ҳаммасини бир бошдан гапириб берсам, агар ҳўп десангиз? Вақтингиз борми?

— Исталганча.

— Лекин бир шартим бор...

— Ҳўш?

— Лилига оғзингиздан гуллаб қўймайсиз. Хатдан сезган бўлсангиз керак, у мен ҳақимда жуда юксак фикрда. Истардимки...

— Пулимни қайтариб олсам, бировга чурқ этмайман.

— Тушунарли, — у яна хўрсинди. — Эътироз билдирмасангиз, олдин ўзим ҳақимда озгина гапириб берсам.

Эътироз билдирмадим, у ҳикоясини мухтасар қилишга ваъда берди.

Лекин арзиҳол унчалик қисқа бўлмади. Фабиан қашшоқ ота-онасидан бошлади. Отаси Майлс туғилган Массачусетс штатининг Лоуэлл шаҳридаги кичкина пойабзал фабрикасида оддий хизматчи бўлган. Оила йил — ўн икки ой пулга зорикиб яшаган. Майлсга коллежда ўқиш nasib этмаган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида у Лондон яқинидаги ҳарбий-ҳаво кучлари қисмида хизмат қилган. Ўша ерда келиб чиқиши Багам оролларида бўлмиш инглиз қизини учратиб қолади. Қизнинг ота-онаси катта ер-сув эгалари экан. Уруш тугагач, Майлс ҳалиги қизнинг кетидан югура-югура ахири ўзига турмушга чиқишга кўндиради.

— Шуниси қизиқки, — у бадавлат бу қизга уйланиш сабабини тушунтирди, — бирдан менда дабадали ҳаётга мойиллик пайдо бўлди. Меҳнатга тоқатим йўқ эди, айти пайтда, ўзим орзу қилган турмушга эришиш истиқболи ҳам кўринмасди.

Майлс Британия фуқаролигини олиб, хотини билан Багам оролларида жўнаворлади. Қайнотаси билан қайнонаси зикна одамлар эмас эди-ю, аммо уларни жудаям сахий деб ҳам бўлмасди, бинобарин, Майлс ўз аравасини ўзи тортиш мақсадида қиморга танда қўяди. Асосан қартабозлик қила бошлайди.

— Бу орада, — давом этди у, — бошқа қусурим ҳам юзага қалқиб чиқди. Хотинбозлик.

Бир кун оилавий кенгаш чақирилади-ю, ҳаш-паш дегунча бунинг ковушини тўғрилаб қўйишади. Шундан кейин Майлс қиморни ўзига касб қилиб олади. Дурустгина пул топади-ю, аммо мудом хавотирда яшайди. Шаҳарма-шаҳар изғийди. Нью-Йорк, Лондон, Монте-Карло, Париж, Сан-Мориц, Гштаад...

— Фақат бугунни ўйлаб яшадим, — деди у ҳикоясини давом эттириб. — Эртани ўйламадим. Бойиб кетиш имконияти туғилган пайтлар ҳам бўлди-ю, аммо қўлимда сармоя бўлмагани туфайли бу имкониятдан фойдалана олмадим. Албатта, буни фожеа деёлмайман, лекин тақдиримдан норози эдим. Цюрихга учушимдан уч-тўрт кун муқаддам элликка тўлдим, шунда сездимки, олдинда йилт этган ёруғлик йўқ. Чўнтагида ҳемирсини йўқ одамнинг бадавлат кишилар орасида яшаши осонмас. Айттайлик, уч мингни ютқизиб қўйиб, бошқалардай, шу ҳам пул бўптими, дегандай гердаиб юриш жонимга тегиб кетди. Ютган кезларимда ҳашаматли меҳмонхоналарда айш-ишрат қилдим, бошқа пайтлар эса куним харобдан-хароб ижарахоналарда ўтди.

Унинг учун энг қулай жой чанги клублари. Чунки у ерларда ҳар йили қартабозлик бўлади. Кўриниши бинойидек, клуб аъзолигидан чиқиб кетмаслик учун чанги учадди, бадалларни ўз вақтида тўлаб туради, фирибгарлик қилмайди, аёлларга хушмуомала, табиатан қиморбоз бўлган, қартага устаси фаранглиги билан ғурурланиб юрадиган, аслида эса ўлгудай бўш ўйнайдиган грек, Жанубий америкалик ва инглиз миллионерларининг кўпи билан танишиб олган.

Бирорта бева ёки эридан ажрашган сармояли аёлни илинтириш имконияти ҳам бўлган.

— Афсуски, — Майлс оғир хўрсинди, — ёшимга ярашмайдиган даражада нозиктаъбман. Мени хоҳлаганни мен хоҳламайман, мен талпинганим — менидан қочади. Тагин, ўзини бозорга соляпти, деб ўйламанг.

— Асло, — дедим мен.

— Менга ишонсангиз бас.

— Гапираверинг. Ҳали ишонганим йўқ.

— Хуллас, Сан-Морицдаги “Палас” меҳмонхонасининг шинам хоналаридан бирида чамадонни очишга ким урингани-ю, лекин очолганини энди яхши биласиз.

— Шундан кейин қулфни бузишга одам чақиргансиз, — дедим, бу ташвиш менинг бошимга ҳам тушганини эслаб.

— Тўппа-тўғри. Чамадонни очишлари билан меники эмаслигини пайқадим. Лекин индамадим. Сабабини билмайман. Балки энг тепада қўлда кўтариб юриладиган кейс тургани учундир. Қисқаси, ҳалиги одамга чойчақа бериб, жўнатвордим... Кейсни ташлаб юборишга кўзим қиймади. Дарвоқе, ҳозироқ мамнуният билан қайтариб беришим мумкин.

— Миннатдорман.

— Арзимаиди, — деди Майлс мутлақо киноясиз. — Пулни санаганимдан кейин ўғирланган долларлар эканини дарров тушундим.

— Албатта.

— Лекин бу нарса масаланинг ахлоқий жиҳатига жиндай таъсир қилади. Ё унақамасми?

— Қисман.

— Шунча пулни океан устидан олиб ўтган кимса полицияга шикоят қилмаслигини ҳам англадим. Гапим тўғрими?

— Тўғри.

Б.С.

— Чамадондаги нарсаларни кўздан кечиргандан сўнг шундай хулосага келдимки, унинг эгаси ўртаҳол одам, агар бундан баттар бўлмаса...

Тасдиқлаб, бош силкидим.

— Чамадонда на ёндафтарча, на хат-пат — эгасини тасдиқловчи ҳеч нарса йўқ эди. Ҳатто бирорта исм ёзилган рецепт ҳам чиқмади.

Шу ерга келганда беихтиёр кулиб юбордим.

— Тўрт мучалингиз соғ бўлса керак-да, — деди у.

— Сиздан ўтиб қаёққа борардим, — жавоб бердим жилмайиб.

— Ие, сиз ҳам рецепт қидирдингизми?

— Шубҳасиз.

— Шундан кейин ўзимнинг чамадонимда мenden дарак берувчи бирор нарса бор-йўқлигини эслашга уриндим. Ҳеч нарса йўқ, деган қарорга келдим. Лилининг хати ёдимдан кўтарилибди. Ташлаворганман деб ўйладим. Мабодо хатни топганингизда ҳам унда на имзо, на тураржой кўрсатилмаганини билардим. Демак, мен тўғри иш қилганман.

— Сиз бировнинг пулини ўзлаштиргансиз.

— Боя айтдим-ку, муомалага киритвордим. Натижаси ёмон бўлмайди.

— Қанақа муомала?

— Бир бошдан гапириб берайин. Йироқроқ ишни бошлавориш учун менда ҳеч қачон етарли пул бўлмаган. Қартада ютган пулларим бу ёқдан келиб, бу ёқдан кетаверган. Масалан, бир очко учун беш центдан ортиқ тикишга журъат этмасдим.

— Ҳа, Слоуннинг хотини айтувди, эри билан беш центдан ўйнаган экансизлар.

— Фақат биринчи кеча. Кейин ўнга кўтардим. Бориб-бориб ўн бешга чиқди. Албатта, Слоун кўп ютқизгани учун хотинини алдаган.

— Қанча ютқизган эди?

— Сиздан яширмайман. Сан-Морицдан жўнаб кетаётганимда ҳамёнимда Слоун ёзиб берган йигирма етти минглик чек бор эди.

Ҳайратдан ҳуштак чалиб юборганимни сезмай қолдим, бирдан Фабианга ҳурматим ошиб кетди. Менинг Вашингтондаги ўйинларим шунчаки эрмак экан. Қиморбоз деб Фабианни айтса бўлади. Шу ўй кўнглимдан кечди-ю, кейин жаҳлим чиқиб кетди: ахир у менинг пулларимга ўйнаган-ку!

— Бу гапларнинг менга нима кераги бор? — дедим зарда билан.

Фабиан қўлини кўтарди:

— Охиригача эшитинг-да, азизим. Чиройли хотини бор грек йигити эсингиздами?

— Ғира-шира.

— Унинг ҳам ўн мингини қоқволдим.

— Демак, иккаласининг ўзидан ўттиз етти минг. Қойилман, Фабиан. Бундан чиқди, пулингиз бор. Етмиш минг долларимни чўзинг. Яхшилиқча хайрлашайлик.

У бош чайқади:

— Сиз ўйлаганчалик эмас.

— Асабимга тегманг. Ё пулингиз бор, ёки ҳамма гапларингиз ёлғон. Сизга дўстона таклифим: орани очиқ қилганимиз маъқул.

— Яна бир қултумдан отайлик. — Фабиан ўрнидан туриб, жавонга қараб юрди.

Орқасидан гижиниб қараб турдим. Бояги вазиятдан сўнг, — ўлдириб қўйишимга сал қолганини назарда тутяпман, — ҳар қандай дўқ-пўписа мантиқсиз бўлиб қолганди. Балки у мени лақиллатаётгандир, вақтдан ютиш мақсадида гапни аччиқ ичақдай чўзаётгандир. Фаррошми, Лилими ёки танишларидан бирортаси кириб қолишини кутаётгандир. Шунда, гувоҳлар иштирокида менга тўхмат қилиши ҳам ҳеч гапмас. Масалан, йўқ қарзни тўлагин деб, дўқ қиляпти ёки беҳаё суратларни тиқиштиряпти, дейиши мумкин. Бахонадан кўпи борми? Мени хонадан чиқазворса бас. Фабиан қадаҳларни тўлдириб, ёнимга келди.

— Билиб қўйинг, Майлс, агар ёлғон гапираётган бўлсангиз, кейинги сафар тўппонча билан келаман, — дедим унга жиддий оҳангда.

— Менга ишонаверинг, — жавоб берди у креслога ўтираркан. — Иккаламиз учун режа тузиб қўйганман. Бунақа пайтда одам бир-бирига ишониши керак.

— Қанақа режа? — Бир неча минут олдин ўлим ёқасидан қайтганига қарамай, кўпни кўрган туллак бу одам мен билан ёш боладай гаплашарди. — Етмиш мингни устига ўттиз етти минг ҳам ютибсиз-ку, нега пулим йўқ, дейсиз?

— Муомалага киритдим, дедим-ку.

— Қанақа муомалага?

— Олдин тузган режам билан таништирай. — У вискидан бир хўплади. — Ҳозиргача қилган ишимдан кўнглингиз тўлмаслиги мумкин, лекин пировардида мендан хурсанд бўласиз.

Гапини бўлмоқчи эдим, Фабиан йўл қўймади.

— Биладан, етмиш минг озмунча пул эмас. Айниқса, сиздай илгари қўлига катта пул тушмаган ёш йигит учун.

— Нима демоқчисиз, Фабиан? — Қарасам гапнинг нишаби бошқа ёққа қараб кетяпти. Бу аҳволда унга на бир эътироз билдириб бўлади, на бир чора-тадбир қўллай оламан.

У хотиржам давом этди:

— Етмиш минг қанчага етади? Бир йилгами, икки йилгами? Боринг, уч йилга ҳам дейлик. Кейин нима қиласиз? Пулингиз борида пашшахўрдлар кўпаяди. Хўш, кейин-чи? Бунақа пул билан муомала қилиб ўрганмагансиз. Ҳашпаш дегунча осмонга совурасиз. Қолаверса, шунча пулни Оврупого олиб ўтганингизга ҳайронман.

Индамадим.

— Иккинчи томондан, — деди у кўзимга тик қараганча. — Мен қарийб ўттиз йилдан бери пулнинг ичидаман. Сиз, айтилик, уч йилдан сўнг Оврупонинг гадойтипмас бирор бурчида икки қўлингизни бурнингизга тикиб ўтиравасиз, илло Америкага қайтишингизга кўпам ишонмайман. Мен бўлсам... — У тўхтаб, менга сирли нигоҳ ташлади.

— Гапираверинг, — дедим мен.

— Мен бўлсам, ҳозир ишга туширган пулим миллиондан ошса ҳам ажабланмайман.

— Долларми?

— Йўқ, фунт стерлинг.

— Очиғини айтсам, удабурро одам экансиз. Лекин бундан менга нима фойда?

— Ҳамма гап шунда-да. Шерик бўламиз. Даромад ўртада. Хўш, маъқулми?

— Демак, менинг етмиш мингига сизнинг ўттиз етти мингингиз ҳам кўшилади, шундайми? — сўрадим ундан.

— Баъзи харажатларни чегириб ташлаймиз.

— Қанақа харажатлар?

— Масалан, меҳмонхона ҳақи, йўлқиралар, ресторан-песторан дегандай...

Мен қимматбаҳо гуллар қўйиб ташланган хонага яна бир кўз югуртириб чиқдим.

— Менга қаранг, — деди у куйиб-пишиб. — Агар хоҳласангиз, бир йилдан сўнг етмиш минг долларингизни қайтариб олиб, шерикликдан чиқишингиз мумкин.

— Унгача чув тушиб қолсак-чи?

— Э, таваккал-да бу, биродар. Бўлмаса иш битадими? Лекин ишончим комилки, охири яхши бўлади. Ундан ташқари, бу ишнинг афзал бир томони ҳам бор. Америкалик сифатида даромад солиғи тўлашга мажбурсиз. Тўғрими?

— Тўғри, лекин...

— Тўламайман, демоқчимисиз? Рост, етмиш мингни ҳавога совурсангиз, тўламайсиз. Агар сармоянгизни қонуний, ҳатто ярим қонуний йўл билан кўпайтирмоқчи бўлсангиз, тўлашга мажбурсиз. Акс ҳолда Американинг бутун Оврупода иш кўраётган сон-саноксиз агентлари, уларнинг банк ва маҳкамалардаги хабарчиларидан қочиб юришингизга тўғри келади. Чет эл паспортини олиб қўйишмасмикин, жарима солишмасмикин, иш қўзғашмасмикин, деб мудом кўрқувда яшайсиз...

— Сиз-чи?

— Мен Багам оролларида яшовчи Британия фуқаросиман. Солиқ учун ва-рақа ҳам тўлдириб ўтирмайман. Яна бир мисол. Америкалик сифатида сизга олтин сотиб олиш ва сотиш тақиқланган. Мен учун эса бундай чеклашлар йўқ. Биласиз, олтинда гап кўп. Нархи кун сайин ошиб кетаяпти. Слоун билан ёш грекдан ютган пулларимга анча-мунча олтин харид қилганман. Шунинг ўзидан ҳозир ўнг минг тушиб турипти.

— Уч ҳафтада-я? — сўрадим таажжубланиб.

— Ўн кунда.

— Менинг пулларимга нима харид қилдингиз? — ҳамон пул даввосини қилардим-у, аммо энди у пуллар менга тегишли эканига ишончим анча сусайган эди.

— Хўш... — у бир оз ўйланиб турди. — Шерик бўлгандан кейин очигини айтишим керак. От сотиб олдим.

— От? — беихтиёр инграб юбордим. — Қанақа от?

— Пойгачи от. Шу билан овора бўлиб, Флоренцияга ҳам боролмадим, Лили анча хафа бўлди. Ишни битказиш мақсадида Сан-Морицдан Парижга жўнавордим. Ўтган йили ёзда Довиллда ўша отга ишқим тушганди, лекин харид қилишга пулим йўқ эди. У пайтда сотилмасди ҳам. Кентуккилик бир оғайнимнинг от фермаси бор. У зотдор арғумоқларни парвариш қилади. Унга зўр айгирлар керак. Агар шу отнинг дарагини эшитса, ишончим комилки, уйқусидан ҳаловат кетади. Шартга сотвора қоламан.

— Олмаса-чи? — мен чорак соат муқаддам хомхаёлдай туюлган даромадли иш муҳокамасига қандай киришиб кетганимни сезмай қолдим. — Унда нима бўлади?

Фабиан елкасини қисиб, мўйловининг учини буради — тайёр жавоб бўлмаганда доим шунақа қилади.

— Унда ўзимиз ферма очамиз. Фақат ҳали чавандозлар кийимининг ранги қанақа бўлиши кераклиги ҳақида ўйлаганим йўқ. Сизга қайси ранг маъқул?

— Бадандаги мўматалоқни эслатадиган ранг. Қора-кўкимтир.

Фабиан хахолаб кулиб юборди.

— Яхши. Ҳазил-мутойибангиз бор экан. Жиддий одамлар билан иш битириш қийин.

— Ўша жонивор қанчага тушди сизга, билсам бўладими?

— Албатта. Олти минг доллар. Ўтган йили кузда от оёғини сал лат едириб олган экан. Шунинг учун арзонроқ сотилди. Аммо шу отнинг чавандози менинг эски дўстим, — Фабианнинг дўстлари бутун дунёда ва барча соҳаларда борга ўхшайди, — ўша одамнинг айтишича, ҳозир ҳаммаси жойида эмиш.

— Жойида эмиш, — беихтиёр такрорладим мен. — Пулимни яна нималарга ишлатдингиз?

Фабиан тагин мўйловини буради.

— Ҳа энди... нима десамикин? — у андак ўйга ботди. — Жудаям уятчанмасмисиз?

— Меъёрида, — жавоб бердим отамни ва унинг Библияни ўқиган пайтларини эслаб. — Нимаиди?

— Бир танишим бор. Ажойиб француз аёли. Парижга келганда уни кўрмай кетмайман, — Фабиан сермаъно жилмайди, ўша гўзал аёлни кўз олдига келтирди чамамда. — У кино жинниси. Бир пайтлар актриса бўлган экан. Ҳозир продюсер, фильм ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бир жазмани ваъдани беришга бериб қўйиб, энди пулдан қисаётганмиш. Зиқна одам бўлса керак-да. Фильмни суратга олиш айна қизгин паллада экан. Жудаям беҳаё фильм. Менга айрим кадрларни кўрсатишди. Ҳм... қиёмат. Бунақа фильмлар қанча даромад келтиришини биласизми?

— Билмайман.

— Миллионлаб, азизим, миллионлаб! — деди Фабиан энтикиб. — Ўша таниш аёл менга сценарийни ўқишга берди. Яхши ёзилган. Муаллифнинг тасаввурига тан бериш керак. Манзара кетворган, декорация қойилмақом, хуллас, ҳар қандай томошабиннинг дидига мос тушадиган жиндай-жиндай нимадир

бор. Генри Миллер билан “Минг бир кеча”нинг омухтасига ўхшайди. Танишим — дарвоқе, фильм режиссёри ҳам унинг ўзи — сценарийни ватанига сизмаган бир эронликдан арзон-гаровга сотиб олипти. Ҳаражатларни иложи борица камайтиришга муваффақ бўпти. Барибир фильмни охирига етказиш учун анча-мунча пул керак. Бунақа фильмлар қирқ минг долларсиз юзага чиқмайди. Хуллас, француз аёлига ўн беш минг етмай қопти.

— Табиийки, сиз ваъда бергансиз?

— Отангизга раҳмат, — Фабиан яйраб кулди. — Бунинг эвазига аёл даромаднинг йигирма фоизини таклиф қилди.

— Хўп дедингизми?

— Йўқ. Йигирма беш фоизга кўндирдим. Дўстлик ўз йўлига, иш ўз йўлига. Тўғрими?

— Фабиан, — дедим елкамни қисиб. — Кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмаяпман.

— Бориб-бориб кула бошлайсиз. Бугун суратга олинган кадрларнинг намойиши бўлади. Биз таклиф қилинганмиз. Сиз ҳам борасиз. Ишонаманки, афсусланмайсиз.

— Умримда беҳаё фильмларни кўрмаганман.

— Ҳечдан кўра кеч, — деди Фабиан. — Энди қаҳвахонага тушиб, Лилини кутамиз. Ҳализамон кеп қолиши керак. Бу ишни шампан билан ювамиз. Сизни шунақа таом билан сийлайки, оғзингиз очилиб қолсин. Кейин Луврга борамиз. Бўлганмисиз у ерда?

— Парижга биринчи келишим.

— Демак, бари олдинда. Сизга ҳавасим келади.

Бир шиша-шампанни бўшатган пайтимизда қаҳвахонага Лили Эббот кириб келди. Фабиан мени, Сан-Морицда орттирган эски қадрдоним, деб таништирди. Лили илгари учрашганимизни сездирмади.

Фабиан яна шампан буюрди.

Шампанни намунча яхши кўрмаса булар?

## Ўн учинчи боб

Чоғроққина намойиш залида саккиз киши ўтирардик. Луврда кўп айланганимиз учун оёқларим зирқирарди. Кинозалдан тер ва тамакининг қоришиқ ҳиди анқирди. Елисей майдонига жойлашган бу бино путурдан кетган, шақирлаб чиқиб-тушадиган лифтлари ҳам алмисоқдан қолганди. Йўлақлар ним қоронги, бу ерга танда қўйган кишилар гўё бировнинг назарига тушишни хоҳламайдигандай таассурот туғдирарди.

Фабиан, Лили ва мендан ташқари ёнимизда Надин Бонер исмли ғоят гўзал француз аёли ҳам бор эди. Орқада — олтмиш беш ёшлардаги оқсоч, ҳорғин оператор. Бошида берет, оғзидан сигарета тушмайди. У кинодаги бунақа касб учун анчайин қаридай туюлар, худди ҳозир биз кўришимиз лозим бўлган фильмни ўзи суратга олганини инкор этаётгандай, кўзларини хиёл юмиб ўтирарди.

Энг орқадаги бурчакка шу фильмнинг икки қаҳрамони ястаниб олган: африкаликка ўхшаб кетадиган хушбичим қорача йигит ва Присцилла Дин исмли америкалик истараси иссиқ, малла соч қиз. Эғнида сипо кўйлак, чехраси бокира ва соддадил қорқизни эслатади. Мени ҳаммага бетакаллуф, масалан, таништиришди. Ташқаридан қараганда, биз қандайдир йиғилишга, масалан, тўғри овқатланиш қоидаларига доир маърузага тўплангандай кўринишимиз мумкин.

Эғнига пардабоп матодан тикилган доғ-дуғ камзул кийиб олган, сочлари узун, соқолли киши бошқалардан четда бир ўзи ўтирипти. Башараси ҳозиргина бемаза бир нарсани ютиб юборган одамниқига ўхшайди, саломимга жавобан тўнғиллаб қўя қолди.

— Бу киши танқидчи, — шивирлади менга Фабиан. — Надиннинг хусусий мулки.



— Танишганимдан хурсандман, — деди Надин Бонер, нозик ва юмшоқ кўлини узатиб. Ўзи ҳам бежирим, жажжигина аёл эди, қора кўйлагининг чуқур ўйилган ёқасидан иккала кўксининг қоқ ярми тирсиллаб чиқиб турипти. Сен-Тропез соҳилида ўзига ўхшаган шир яланғоч, суюқоёқ эркаклар билан офтобда тобланиб ётганини кўз олдимга келтирдим.

— Намунча имилламаса киномеханик? — кинооператорга мурожаат қилди у. — Ярим соатдан бери кутамиз. — Надин америкаликларга ёқадиган французча талаффузда инглизчалаб гапирди.

Кинооператор телефон гўшагини кўтариб, французчалаб бақирган эди, залнинг чироғи аста ўчди.

Кейинги ярим соат давомида қоронғи жойда ўтирганимга оллога шукроналар айтдим. Гарчи ҳеч ким сезмаган бўлса ҳам, юзим ловуллаб, лавлаги бўлиб кетганди. Рангли экранда бирин-кетин намоён бўлаётган шармисорликни дадам кўрса борми! Жинсий алоқанинг одам боласи хаёлига келтиролмайдиган шакллари...

Воқеа гўё ўтган асрнинг ўрталарида содир бўлади, бошига цилиндр, эгнига белбурма камзул, оёғига нағалли этик кийган эркаклар, ўша пайтда расм бўлган кенг юбкали аёллар. Баъзан кўҳна қаср, чакалақлар орасида зино қилаётган қишлоқ аёллари кўриниб қолади. Бошига қоп-қора ясама сочни ёпиштириб олган, ярим яланғоч Надин Бонер барча айш-ишратни бошқарувчи аёл ролини ижро этган. У, меҳмон кутаётган бека хонага гулдонларни расамади билан жойлаштирганидай, фоҳишаларни одамига қараб тақсимлайди.

Фабиан, сценарий адабий жиҳатдан пухта ёзилган, деган эди, лекин экранда ҳеч ким ҳали бирор оғиз ҳам гапиргани йўқ. Овоз кейин ёзилармиш. Аҳён-аҳён чети мўйнали узун ридо кийган фариштанамо йигит пайдо бўлади, кўлида гулкайчи. У буталарни текисларкан, ора-орада бизга лоқайд назар ташлаб кўяди. Экранда баъзан тилла тахтга ўхшаш креслога ўтирволиб, жуфт-жуфт бўлиб зино қилаётган эркак-аёлни эҳтироссиз томоша қилаётган ўша йигитни кўрамиз. Юзида ҳеч қандай ифода йўқ. Оҳ-воҳлар авжга чиққан пайтда кўлидаги атиргулни бир марта хидлаб кўйди, холос.

Фабианнинг ёнида ўтирган Лилига тан бериш керак: у кулгидан ўзини базўр тияётганди.

— Фильм сюжети жўнгина, — пичирлаб тушунтирди Фабиан. — Воқеа Оврупонинг марказида бўлиб ўтади. Ридо кийган йигит валиаҳд шаҳзода. У яқиндагина чет эллик гўзал маликага уйланган. Шаҳзоданинг отаси, қирол, — уни биз кейинги ҳафтада бўладиган намоишида кўрамиз, — қироллик сулоласининг давом этишини хоҳлайди. Аммо ўғли бокира йигит. Уни аёл зоти қизиқтирмайди. Шаҳзода боғбонликка ружу кўйган.

— Шунинг учун гулкайчи кўтариб юрган экан-да, — дедим мен.

— Албатта, — бош ирғайди Фабиан шоша-пиша ва давом этди. — Қирол сингласига, уни Надин Бонер ўйнайди, жиянида эркаклик ҳирсини уйғотишни топширади. Шаҳзодага турмушга чиққан малика қаср минораларидан бирига чиқволиб, юм-юм йиғлайди. Аммо шаҳзодага ҳеч нарса таъсир қилмайди. У ҳамон ўша-ўша — лоқайд, бепарво. Қаср аҳли ҳайрон. Ниҳоят, сўнги чорани қўллашга мажбур бўлишади. Йигитнинг аммаси, яъни Надин, унинг олдида чўғдек атиргулни тишлаганча ҳарир кўйлақда рақсга тушади. Шаҳзоданинг кўзлари порлаб кетади. Креслодан туради. Гулкайчини бир четга улоқтириб, аммасининг бағрига отилади. Икковлари рақсга тушишади. Йигит аммасини ўпади. Сўнг ҳирсий жазава билан ўзларини ўтлоққа ташлашади. Қаср хитоб ва ҳайқириклардан ларзага келади. Қирол шўрпешона малика билан никоҳни бекор деб эълон қилади, шаҳзода аммасига уйланади. Бунинг шарафига уч кун тўй берилади, чакалакзорларда зино базми авжга чиқади. Тўққиз ойдан сўнг янги оилада ўғил дунёга келади. Шу муносабат билан шаҳзода ва амма-хотин ҳар йили кўнғироқлар садоси остида никоҳ рақсини такрорлашади. Фильмда бошқа бир воқеа ҳам бор, унда таптортмас бир нобакор тахтни эгаллаб, аммани тортиб олишга уринади, лекин ҳозир бу ҳақда гапириб ўтирмайман.

Залда чироқ ёнди, ёлгондан йўталдим, қизариб кетганимни йўталга йўймоқчи бўлдим.

— Хуллас, — гапига якун ясади Фабиан. — Ҳам хўрдадан, ҳам бўрдадан. Нимани назарда тутаётганимни иллаган бўлсангиз керак. Ҳали бунга зиёлиларни ҳам жалб этамиз.

— Хўш, қалай, Майлс, — хитоб қилди Надин Бонер. У бир лаҳзада кўнгилни сусти кетказадиган нозаниндан жиддий, ишбилармон жувонга айланган эди. — Маъқул бўлдимми?

— Зўр, — деди Фабиан. — Жудаям зўр. Ўлжа чакки бўлмайди.

Залдан чиқиб, ҳаммамиз лифтга текилишганимизда кўзимни қаёққа яширишни билмай ҳалак бўлдим. Айниқса, ниҳоятда уят саҳналарда иштирок этган америкалик Присцилла Динга қарамасликка тиришдим. Энди уни бошига қоп кийгизиб қўйишса ҳам, дунёнинг исталган бурчида беҳато танийман. Лили ҳам бошини кўтаролмасди.

Биз Елисей майдонидан ўтиб, тамадди қилиб олиш учун ресторанга қараб юрдик. Надин Бонер тирсагимдан ушлади.

— Америкалик қизимизнинг ижроси ёқдими сизга? — сўради у. — Боплаган, нима дедингиз?

— Жудаям.

— Унинг учун қўшимча иш бу, — давом этди Надин. — Сорбоннада ўқиш ҳақини тўлаш учун озмунча пул керакми? Қиёсий адабиёт факультетига қатнайди. Америкалик қизларнинг иродаси кучли, овруполикларникига ўхшаган эмас. Тўғрими гапим?

— Қайдам. Оврупога келганимга атиги икки ҳафта бўлди.

— Фильмимиз Америкада муваффақият қозонармикин? — сўради у андак хавотир билан.

— Албатта.

— Меъёридан ошиб кетган жойлари бор-да, шундан қўрқаман.

— Мен бу ҳақда ўйламаган бўлардим.

— Майлс ҳам бундан ташвишланаётгани йўқ, — деди Надин ва негадир билагимни қисиб қўйди. — Биласизми, суратга олиш майдонида беқиёс одам у. Ҳамманинг жон-дили. Сиз ҳам шу жараёни бир кўрсангиз бўларди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлашади, асло нолишмайди. Иш ҳақлари кўп эмас, кино юлдузлари эса даромаддан фоиз талаб қилишади. Эртага келасизми? Присциллани роҳиба кийимида суратга оламиз.

— Парижда ишларим кўп. Жудаям бандман.

— Истаган пайтингизда келаверинг. Тортинманг.

— Миннатдорман, — дедим таъзим қилиб.

— Америкада цензура фильмни намойиш этишга рухсат берармикин?

— Менимча, рухсат беради. Билишимча, ҳозир унақа таъқиқлар йўқ. Фақат маҳаллий полиция раҳбарлари у ер-бу ерига тихирлик қилишлари мумкин, — шундай дедим-у, қанур полициячи бўлганимда фильмни ёқиб юборишни буюрардим, қарорим қонунийми-ноқонунийми — қараб ўтирмасдим, деган ўй кечди кўнглимдан. Лекин мен полициячи эмасман, қайтанга шу ифлос ишга шерикман. Менинг ўн беш минг долларим қўшилган. Бинобарин, мавзудан четга чиқмадим:

— Францияда-чи? Бу ерда тўсқинлик бўлмайдимми?

— Францияда тартиб қаттиқ, — деди Надин шикоятмуз ва бекордан-бекорга яна қўлимни қисди. — Нима бўлишини олдиндан айтиш қийин. Бирорта чўчка ваъзхонлик қилиб қолса, эртасига кинотеатрларга ҳеч ким кирмай қўяди. Ёки афишамизга президент ёки бош вазир хотинининг кўзи тушиб қолса ҳам иш чаппасига кетиши мумкин. Санъат бобида французларнинг нақадар калтабинлигини сиз тасаввур қилолмайсиз. Яхшиямки, кейинги ҳафтасига бирорта янги жанжал чиқадию ҳамма ўша билан овора бўлиб, бизни тинч қўйишади. — Кутилмаганда Надин сукутга толди, билагимдан қўлини олиб, икки қадам нарироқ борди-да, мента синовчан назар ташлади. — Зувалангиз пишиқлиги кўриниб турипти.

— Чанғида кўп юрганман, — жавоб бердим мен.

— Жиноятчи ролига одам тополмаяпмиз, — деди Надин. — Иккита жудаям жозибали саҳнада кўриниши керак. Бирида Присцилла билан, иккинчисида

яна Присцилла ва бошқа бир аёл ҳам бўлади. Шу ролни ижро этмайсизми? Ўзингиз ҳам ҳузур қилардингиз.

— Илтифотингиз учун қуллуқ, хоним, — дедим мен. — Америкада онам мени бунақа саҳналарда кўрса... — Марҳум онамни шу суҳбатга аралаштирган-нимдан гижиндим, шундай қилсам Надиндан тезроқ қутуламан, деб ўйлагандим.

— Присцилланинг ҳам Америкада онаси бор, — Надин чекинмади.

— Оналар ҳар хил бўлади. Бунинг устига, мен якка-ёлғиз ўғилман, — давом этдим мен. — Жон деб ёрдам берардим-у, иложим йўқ. Исталган соатда Париждан жўнаб кетишим мумкин.

Надин хафа бўлиб, елкасини қисди.

— Бошимга бало бўлди бу фильм. Нукул ижрочилар етишмайди. Ҳар доим бир хил қиёфа, бир хил ўйин. Сизда шаҳвониятнинг яширин жозибаси бор, худди кўзи оч руҳоний йигитларникидай. Кутқу кўзғайдиган шўхликми, бокира беҳаёликми, нима десамикин... Хуллас, ўйнасангиз зўр бўларди-да.

— Узр, бошқа сафар.

— Лекин ҳали сиз билан шуғулланаман, — Надин ғалати жилмайди.

Икки кружка пиводан кейин соқолли танқидчининг илҳоми жўшиб кетди шекилли, Надинга французчалаб бир нималарни уқтира кетди:

— Филипп, — Надин унга танбеҳ берди. — Инглизча гапиринг. Меҳмонлар бор.

— Биз Франциядамиз, — эътироз билдирди Филипп. — Булар французча гапиришсин.

— Биз англосаксонлар туғма зеҳни пастлармиз, — тушунтирган бўлди Лили. — Қолаверса, ҳар бир француз биладик, ҳаммамиз чаласаводмиз.

— Инглизча яхши гапиради, — деди Надин. — Бемалол сўзлашади. Икки йил Америкада яшаган. Голливудда. “Кино журнал”ида мақолалар эълон қилган.

— Голливуд сизга ёқдими? — сўради Фабиан.

— Меъдамга урди.

— Фильмлари маъқул бўлгандир?

— Улар ҳам кўнгилни айнатади.

— Француз фильмлари-чи? — қизиқсинди Лили.

— Менга ёққан сўнгги фильм “Мурда” деб аталади, — Филипп пиводан ҳўплади.

— Ё тавба, ўн йил бўлди-ку бу фильмнинг чиққанига, — ажабланди Лили.

— Ундан ҳам ортиқ, — деди Филипп бамайлихотир.

— У шунақа инжиқ, — тушунтирди Надин. — Шунақа тегманозик...

— Иккаласи бир, деб неча марта айтганман сенга? — ўдағайлади Филипп.

— Кўп марта айтгансан. Ўзингни бос, илтимос. Дарвоқе, ҳозир у Хитойга қизиқиб қолган, — кўшиб кўйди Надин дабдурустдан.

— Ие, шунақами? — деди Лили. — Хитой фильмларига ҳам қизиқасизми?

Уни чимчиб олаётганидан Лили роҳатланаётганга ўхшарди.

— Ҳали бирорта ҳам Хитой фильмини кўрганим йўқ, — жавоб берди Филипп. — Лекин албатта кўраман. Беш йил кутиш керак бўлса, кутаман. Ўн йил бўлса — ўн йил.

У инглиз тилида, оҳангини бузиброқ бўлса ҳам, равон гапирарди. Кўзлари ёниб турар, шу тобда у ҳар қандай кимса билан исталган мавзуда баҳслашишга тайёр эди. Агар суҳбатдоши унга эътироз билдирмай, ҳамма фикрларига кўши-лаверса, шартта ўрнидан туриб, жўнавориши ҳам ҳеч гап эмас.

— Оғайни, — мурожаат қилди унга Фабиан. — Бизнинг ижодимиз қалай?

— Бир тийинга қиммат.

— Нималар деяпсиз? — Лили таажжублангандай бўлди.

— Филипп, — деди Надин хижолат бўлиб. — Присцилла инглизчани тушунади. У ролни ёмон ижро этган, демоқчимассан-ку, тўғрими?

— Ҳечқиси йўқ, — бидирлади америкалик қиз. — Мен ҳеч қачон французларни бамаъни одамлар қаторига қўшмаганман.

— Биз буюк Расин “Федра”ни намойиш этган шаҳарда турибмиз, — деди дабада билан танқидчи. — Бу ерда Мольер ҳаёт билан видолашган, Флобер

“Бовари хоним”ни судда ҳимоя қилган, “Эрнани” премьерасидан сўнг исён кўтарган оломон кўчаларга сигмай кетган, Гейнени бошқа тилда ижод этгани учун кўкларга кўтаришган, Тургенев бу ерда ўзига мангу паноҳ топган.

Филиппнинг соқоли эҳтиросдан тинмай силкинар, буюк шахсларнинг исмларини у алоҳида нашъа билан тилга оларди.

— Менинг замонамда, — давом этди у, — бутун миллат фахрланадиган фильмлар яратилган. Булар “Пуч хаёллар”, “Кўзиқорин”, “Таъқиқланган ўйинлар”. Бугун бизга кўрсатилган фильмни нима деб аташ мумкин? Бемаънилик, дидсизлик, нопок ҳирсларни уйғотишга шармандаларча уринишдан бошқа нарса эмас бу.

— Ўзингни покдомон қилиб кўрсатишга тиришма, — унинг гапини бўлди Надин. — Саргузаштларингни биламиз.

Танқидчи тумшайиб, яна пиво буюрди.

— Менга нимани кўз-кўз қилдинглар? — тўнғиллади у. — Америкалик енгилтак қиз билан марокашлик олифтанинг тўхтовсиз зиолари...

— Менга қара, Филипп, — гапга яна аралашди Надин. — Ўзинг ирқчиликка қарши мурожаатномаларга ҳар доим қўл қўйгансан-ку.

— Кўявер, Надин, — унга тасалли берди Лили. — Мен французларнинг сафсатасига эътибор бермай қўйганман.

Марокашлик йигит тишларини ярқиратиб кулди. У инглиз тилини яхши билмагани учун бўлаётган суҳбатнинг нозик жиҳатларини англамаётганга ўхшайди.

— Ёки, масалан, “Мейд ин Франс”, яъни Францияда яратилган деган ёрликни олайлик, — танқидчи ҳамон ҳовридан тушмасди. — Францияда ёзилган, Францияда яратилган, Францияда чизилган... Ёдингдами? — у Надинга бармоғини ниқтади. — Буларнинг Франция учун нечоғли қадрли эканини унутма, дегандим-ку. Шон-шараф! Фахр. Гўзалликка, санъатга, инсон қалбининг юксак эврилишларига садоқат белгиси бу! “Мейд ин Франс” тамғасини сизлар нимага айлантирдинглар? Беҳаёликка, кино ва шаҳватга қориштириб юбординглар!

— Нима деб валдираяпти бу одам?! — хитоб қилди Лили.

— Буларнинг бари сизларнинг англосаксонча тизгинсизлигингиз оқибати, — давом этди Филипп стол тепасидан Лили томон энгашиб. — Мана энди сизнинг империянгиз ҳам кулади. Ҳадемай Букингем саройини ҳам ишратхонага айлантирасизлар.

— Менга қаранг, биродар, — деди кулиб Майлс, — сал ўтлаб кетдингиз назаримда.

— Утлаб кетганмишман! — Филипп баттар жиғибийрон бўлди. — Нима демоқчисиз?

— Бу фильмни бошлаганда уч-тўрт доллар ишлаб қолишни мўлжаллаганмиз, — тушунтирди Майлс. — Менимча, бу французларнинг миллий руҳига асло зид эмас.

— Пулни аралаштирманг. Бу миллий руҳ эмас, капиталистик тузумнинг инъикоси. Бошқа-бошқа тушунчалар булар, месъе.

— Яхши, — деди Фабиан мулоийм оҳангда, — пул ҳақида гаплашмаймиз. Лекин беҳаё фильмларнинг аксарияти Швеция билан Данияда яратилган, сизнинг таърифингиз бўйича, социалистик мамлакатлар булар.

— Скандинавлар! — танқидчи бурнини жийирди. — Социализмга тақлид қилмоқчи бўлишди. Туфурдим мен бунақа социализмга!

— Ҳа, сиз билан тил топишиш мушкул экан, Филипп, — деди Фабиан ух тортиб.

— Мен терминларни тўғри ва ўрнида ишлатишни ёқтираман, — жавоб берди Филипп. — Социализм мен учун бутунлай бошқача тушунча.

— Ҳозирча яна Хитойга қайтамиз, — деди Надин кесатиб.

— Гарчи Хитой бенеқсон жамиятнинг ажойиб намунаси бўлган тақдирда ҳам, ҳаммамиз у ерга бориб яшай олмаймиз-ку, — эътироз билдирди Фабиан. — Ёқадими-йўқми, биз тарихи бошқа, дунёқараши ва эҳтиёжлари ўзгача жамиятда истиқомат қиляпмиз.

— Бугун бизга намоиш этилган фильмга эҳтиёжманд жамият бир пулга қиммат! — Филипп тутоқиб кетди, лекин ўзига яна пиво чақиришни унутмади. Қирқ ёшга етмай, қорни кажавага ўхшаб қолади, деган ўй кечди кўнглимдан.

— Бугун кундузи дўстим билан Луврга бордик, — деди Фабиан мен томонга ишора қилиб. — Кеча ўзим “Же-де-Пом”да бўлдим. Импрессионистларнинг асарлари сақланадиган музей бор-ку?

— Раҳмат, месье, Париж музейлари тўғрисида озми-кўпми тасаввурга эгаман, — жавоб берди Филипп истеҳзо билан.

— Мени маъзур тутасиз, — давом этди Фабиан. — Лекин айтинг-чи, месье, ўша музейларга қўйилган асарларга ҳам салбий муносабатдамисиз?

— Ҳаммасига эмас, — жавоб берди Филипп сал паст тушиб. — Лекин айримлари менга ёқмайди.

— Мен яланғоч таналар, кучоқлашиб турган йигит билан қиз, кўкси тирсиллаган аёллар, ожиз бандаларни шахвоний лаззатга чорлаётган илоҳалар, фаришталар, сулув маликалар тасвирини назарда тутаяпман... Буларнинг барига қаршимисиз?

— Гапни қаёққа бураётганингизни тушунмаяпман, месье, — деди Филипп соқолидаги кўпикни артиб.

— Демокчиманки, — Фабиан хотиржам давом этди, — маданиятимизнинг бутун тарихи давомида рассомлар ўз асарларини у ёки бу шаклда шахвоний сюжетга асосланиб яратишган — кўтаринки ва серишва, дағал ва маъсум, ношоён ва бениҳоя нозик дидли кишиларга мўлжалланган асарлар... Рассомлар бу борадаги орзу-хаёлларини турлича ифода этишган. Кеча, масалан, “Же-де-Пом”да Маненинг “Ўтлоқдаги нонушта” суратини ўнинчи ёки йигирманчи марта томоша қилдим. Ёдингиздами? Иккита қип-яланғоч дуркун аёл иккита бошдан-оёқ кийинган суқсурдай йигит билан ўтлоқда ўтирипти...

— Биламан, кўрганман у суратни, — деди Филипп энсаси қотиб. — Гапиравринг.

— Хуллас, — давом этди Фабиан. — Месье Мане томошабинларда бу суратдан тугал таассурот қолишини хоҳламаган. Асарда тасвирланган манзарадан олдин нима воқеа юз берган, шунингдек, нонуштадан кейин нима ҳодиса содир бўлиши мумкинлигига ишора бор. Ҳар ҳолда менда шундай таассурот тугилди. Нима демоқчилигимни англадингизми?

— Англадим, — деди Филипп, — лекин тўла-тўқис эмас.

— Ким билади, — фикрини давом эттирди Фабиан, — Маненинг вақти бемалол бўлганда, эҳтимол, тўхтаб қолган мана шу осуда дақиқалардан сал илгароқ кечган воқеани ҳам тасвирлаган ҳамда серфайз нонушта қандай яқун топганидан бизни огоҳ этган бўлармиди... У ҳолда бу манзаралар бугун кўрсатилган фильмдаги манзаралардан фарқ қилмасди. Тўғри, Надин истеъдод бобида Мане билан беллашолмайди, эҳтимол, Присцилла ҳам суратдаги аёллардай мафтункормасдир, лекин шуниси аниқки, Надиннинг фильми ҳам буюк Мане асаридаги каби олийжаноб мақсадларни кўзлайди. Бунга шубҳа бўлмаслиги керак.

— Офарин! — қичқириб юборди Надин. — Айни нишонга урдингиз! Бу одам мени нукул чакалакзорга судрайди ёки пляжнинг ўзида босиб қолади. Инкор этма, Филипп. Ўтган йили ёзда қилган ишинг эсингдами? Ўшанда нақ бир ҳафта кетимдаги кўмни тозаладим.

— Инкор этаётганим йўқ, — тўнғиллади Филипп.

— Зино деймизми, севги деймизми, — сафсата сотишда давом этди Фабиан, — булар ҳеч қачон фақат яланғоч бадан, ҳирсни қондиришдангина иборат эмас. Бу воқеликда ҳамини хаёл парвози ҳам иштирок этади. Ҳар бир давр санъаткор учун учқур хаёл ва шунақа тилсимотларни тўхта этадики, пировардоқибатда оддийгина жинсий алоқа олам-олам мазмун касб этади. Мана, Надин ҳам замондошларимизнинг хаёлотини бойитишга ўзининг камтарона ҳиссасини қўшишга жазм этган. Бизнинг ноҳуш, бемулоҳаза ва дағал асримизда бунинг учун уни қойиш эмас, кўкларга кўтариш керак.

— Бу одам шайтонга дарс беради! — хитоб қилди Лили завқ билан.

— Тўппа-тўғри, жавоб бердим мен, санокли дақиқалар ичида Фабиан мени душмандан дўстга айлантириб юборганини эслаб. Бирдан миямга, бу одам ман-

сабдан туширилган адвокатмасмикин, деган ўй келди. Агар шундай бўлса, нима сабабдан ишдан ҳайдалгани маълум.

— Ҳечқиси йўқ, месье, — деди Филипп виқор билан. — Сиз билан менинг она тилимда баҳслашадиган пайтлар ҳам келади. Инглизчада сал қоқилиб қолдим-да.

Танқидчи ўрнидан турди.

— Эртага барвақт туришим керак. Надин, ҳисоб-китоб қил, мен такси тутаман.

— Ташвишланма, Надин, — Фабиан қўлини кўтарди, лекин аёл ҳисоб-китоб қилишни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ эди. — Ўзимиз тўлаймиз. Бугунги оқшом учун раҳмат.

Ҳаммамиз кўзгалдик, Надин Фабианнинг иккала юзидан ўпди. Мен билан қўл бериб хайрлашди. Сал хафа бўлдим. Мени ҳам ўпа қолса, бир ери камайиб қолармиди? Қизиқ, Надин билан узоқ давом этадиган иккита антиқа саҳнада бирга ўйнаган марокашлик йигит унинг бошқа эркак билан кетишига қандай қараркин? Дарвоқе, актёр актёр-да, ўйладим ичимда. Уларнинг ҳаёти бошқаларникига ўхшамайди.

— Қаерда турасиз? — сўради Фабиан Присцилладан.

— Узоқ эмас.

— Балки кузатиб қўярмиз...

— Раҳмат, ҳозир уйга бормаيمان, — жавоб берди қиз. — Қаллигим билан учрашувим бор. — У менга қўлини узатди. — Хайр. Бирдан кафтимда думалоқланган қоғозни пайқадим. Шундагина қизга биринчи бор тикилиб қарадим. Лабининг бир четига шоколад теккан, мовий кўзлари гирдоб қаъридан соҳилга сирли хазинани олиб чиқишга ваъда бераётган денгиз мавжини эслатарди.

— Омон бўлинг, — дедим орқасидан, қоғозни маҳкам қисиб.

Ресторандан чиқиб, ҳамма билан хайрлашдик. Учовлон: Фабиан, Лили ва мен, Парижнинг илиқ февраль тунидаги нам ҳаводан нафас олиб, бир оз яёв юрдик.

Чўнтагимдан бир парча қоғозни олиб, аста очдим ва кўча чироғининг ёруғида унга ёзилган телефон рақамини кўрдим. Қоғозни яна чўнтагимга солдим-да, мендан уч-тўрт қадам узоқлашган Фабиан билан Лилига етиб олдим.

— Хўш, Дуглас, Париж сизга ёқдими? — сўради Фабиан.

— Ҳа, ғалати кун бўлди бугун. Сабоқ бўладиган кун.

— Бу бошланиши, — деди Фабиан. — Олдинда ҳали кўп нарсалар кутяпти.

— Ростдан ҳам бояги тузуриқсиз гапларга ишонасизми? — сўрадим Фабиандан. — Надин, Мане ва бошқа нарсалар тўғрисидаги сафсаталарни назарда тутяпман.

Фабиан хахолаб кулди.

— Аввалига ишонмадим, — деди Фабиан. — Кейин жаҳлим чиқди. Французлар Расин, Мольер, Виктор Гюго ҳақида оғиз кўпиртиришса, асабим бузилади. Охири чидаёлмай, санъатнинг чўнг билағони эканимга ўзимни ўзим ишонтирдим.

— Ҳар ҳолда фильмга имзонгизни, тўғрироғи, имзомизни қўймасангиз керак? — сўрадим хавотирланиб.

— Йўқ, — жавоб берди Фабиан. — Нима кераги бор? Лекин компаниямизга муносиб ном топишимиз керак. Ахир, фильмимиз тўғрисида “Таймс”да тақриз босилишини ҳаммамиз хоҳлаймиз-ку. Бу ҳақда эртага бафуржа гаплашамиз. Дарвоқе, Дуглас, энди ётиб ухлаш керак. Эрталаб соат бешда турамиз, Шантйлига бориб, машқни томоша қиламиз.

— Қанақа машқ? — сўрадим ҳайрон бўлиб. Гап нимадалигини тушунмай, Шантйлини беҳаё фильм қаҳрамонлари машқ қиладиган жой деб ўйлабман. Бояги фильмни кўрганимдан кейин шу нарсага амин бўлдимки, уларга ҳам осон тутиб бўлмаскан. Аёллар устида қайта-қайта ишлайвериб, тахминан ўнинчи раунддан кейинги боксчининг аҳволига тушиб қолишаркан.

— Отимизнинг чопишини кўрамиз, — тушунтирди Фабиан, — Луврдан қайганимиздан сўнг телеграмма олдим. Дарвоқе, Луврга борганингиздан хурсандмисиз?

— Жудаям. Телеграмма отга алоқадорми?

— Ҳа. Кентуккилик дўстимдан. У отнинг бир оёғи чатоқлигини билиб қопти. Ҳозирча харид қилмай тураман, депти.

— Оббо! — дедим ҳафсалам пир бўлиб.

— Ташвишланманг, азизим. Олдин отнинг чопишини бир кўрмоқчи. Ўшандан кейин пулини тўлайди. Бунинг учун уни айблаб бўлмайди-ку, тўғрими?

— Уни-ку, айблаб бўлмайди, лекин сизни...

— Менимча, ўзаро гадбиркорлик алоқаларимизни яхши англаб етмаяпсиз, Дуглас, — деди Фабиан хафа бўлиб. — Тренерга учрашиб вазиятни тушунтиришимиз керак. У отга ишонади. Лекин уни пойгага қўйиб кўриб, оёғи тузалиб кетганига тўла кафолат бериши зарур. Гарчи фамилияси инглизча бўлса ҳам — Кумбс, уларнинг авлод-аждоди ўтган асрнинг бошларидан буён Шантильида истиқомат қилади. Кумбс ўз соҳасининг пири, қайси отни қачон пойгага солишни яхши билади. У аравага қўшишдан бошқа нарсага ярамайдиган отлар билан ҳам пойгада ютиб чиққан. Ҳар ҳолда Шантильи сизга маъқул бўлади. Парижга келган от спортининг бирорта ишқибози у ерни зиёрат қилмай кетмайди.

— Мен отга қизиқмайман, — дедим афтимни буриштириб. — Ёмон кўраман отни, кўрқаман ундан.

Меҳмонхонага етиб келганимизда Фабиан ҳомийларга хос оҳангда деди:

— Эҳ, Дуглас, ҳали кўп йўл босишингиз керак. — У елкамга қоқиб қўйди. — Лекин босиб ўтасиз. Мен билан бўлсангиз, албатта, кўзланган манзилга ҳам етасиз.

Хонамга кўтарилиб, тез ечиндим-да, тўшакка кирдим. Шу орада телефонга ҳам бир қараб қўйдим. Бугун кўрган фильмдаги айрим лавҳалар кўз ўнгимда жонланиб, уйқим қочиб кетди. Қаҳвахонага тушиб, виски буюрдим. Қадаҳдан икки марта хўплаб, чўнтагимдан қоғозни чиқаздим, уни пештахта устига очиб қўйиб, Присцилла Диннинг телефон рақамига тикилдим.

— Телефон борми? — сўрадим қаҳвахона хизматчисидан.

— Пастда, — тўнғиллаб жавоб берди у.

Пастга тушиб, телефончи қизга рақамни бердим, кўрсатилган будкага кириб, гўшакни кўтардим. Бир неча дақиқадан сўнг қисқа-қисқа гудок эшитилди. Андак кутиб, гўшакни илиб қўйдим. Начора, камбағалнинг ови юрса ҳам, дови юрмайди.

Қаҳвахонага қайтиб, ҳисоб-китоб қилдим. Ўн минутдан сўнг якка-ёлғиз тўшакда ётардим.

Пойгачи отимизнинг исми антиқа — “Тунги орзу” эди. Ҳали кун ёришмасидан тренер Кумбс билан бирга Шантильи ўрмонидаги йўлчалардан бирида туриб, жуфт-жуфт ҳамда учта-учтадан бўлиб ўтиб бораётган чавандозларни кузатардик. Соат етти. Совуқ. Ботинкам ва шимимнинг почалари жиққа ҳўл. Эгнимда эски пальто, дарахт шоҳларидан устимга сув томчилаб турипти. Дағдағ титрайман. Фабианнинг оёғида эса чавандозлар киядиган этик, шунақа шим, катак-катак камзули устидан овчилар пўстинини ташлаб олган, бошида иссиқ ирланд телпаги, қалин мўйлови устида шудринг йилтирайди. Худди кўп йиллардан буён насли тоза, зотдор отларга дахлдор кишига ўхшайди, тонг палласи гўё унинг учун куннинг энг ёқимли пайти.

Фабианни биринчи бор кўрган одам уни бирорта тренер лақиллатолмаслигига имон келтиради.

Лили ҳам шароитга мос кийинган: оёғида қўнжи узун жигарранг этик, елкасида белбоғли бичими кенг ёпқич, хуллас, чавандоз аёлнинг ўзгинаси. Модомики, шуларнинг даврасида эканман, энди мен ҳам қандай кийиниш тўғрисида ўйлашим керак. Дарвоқе, ҳаётимни ҳозир буларсиз тасаввур этолмасдим.

Тренер Кумбс паст бўйли, юзлари қип-қизил, қувгина қария эди. У бизга отимизни кўрсатди. Шу рангдаги бошқа отлардан фарқ қилмайди. Ҳамма отларникидай кўзлари ёниб турипти, оёқлари узун-узун ва ингичка. Гавдасини кўтариб турганига қойилман.

— Яхши тойчоқ. Зўр, — мақтади уни Кумбс.

Шу пайт дарахт панасига ўтишга мажбур бўлдик, чунки отлардан бири шиддат билан устимизга бостириб кела бошлади.

— Эрталаблари совуқ, отлар сал бетоқат бўлади, — тушунтирди Кумбс. — Бу бия эндигина икки ёшга тўлди. Бир шўхлик қилгиси келди-да.

Ёш чавандоз отни базўр тўхтатди, биз яна йўлгага чиқдик.

— Бизнинг аргумоқ қалай? Оёғи тузалай деяптими? — сўради Фабиан тренердан. Мени Луврда сайр қилдирган тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик билимдони энди отларнинг пирига айланган эди.

— Хавотир олманг, биродар, — жавоб берди Кумбс ишонч билан. — Тез кунда яхши бўп кетади.

— Қачон пойгага солмоқчисиз? — биринчи марта луқма ташладим.

— Вой, дўстим-ей, — тренер бош чайқади, — бу тамомила бошқа масала. Орқасидан итариб чоптирмайсиз-ку. Кўрмаяпсизми, ҳали тўла қувватга киргани йўқ.

— Яна икки ҳафтача машқ қилдириш керак, — деди Фабиан.

— Олдинги оёғи сал оқсаяптими-ей, — қўшиб қўйди Лили.

— Тўғри пайқабсиз, хоним, — жавоб берди кулиб Кумбс. — Лекин бу асабдан. Стартдаги тўппонча овозининг таъсири.

— Айтинг-чи, пойгага тушишига яна қанча вақт керак? — сўрадим отга тўланган олти минг долларни эслаб. — Икки ҳафтами, уч ҳафтами, бир ойми?

— Вой, дўстим-ей, — тренер тагин бош тебратди. — Мана шунақа гирибондан олишларини ёқтирмайман. Бировнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириш одатим йўқ.

— Ҳар ҳолда, тахминан бўлса ҳам айта оласизми? — мен ҳам бўш келмадим.

Кумбс менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди, атрофини майда ажин босган кичкина, кулранг кўзлари жиддийлашди.

— Тахминан айтишим мумкин. Лекин айтмайман. Вақт-соати етганда отнинг ўзи айтади. — Кумбс жилмайган эди, кўзлари яна чарақлаб кетди. — Тонг латофатига роса тўйдик. Энди тамадди қилволайлик. Марҳамат, хоним, — у тавозе билан Лилига қўлини узатди, икковлон катта йўлга олиб чиқадиغان сўқмоқдан юриб кетишди.

— Бу одам билан эҳтиётроқ бўлиб гаплашинг, — деди пичирлаб Фабиан, уларнинг изидан борарканмиз. — Кўнгли жудаям нозик. Ўз ишига устаси фанранг. Омадимиз бор экан, шу кишига рўпара бўлдик. Бу ёғини ўзи ҳал қилсин.

— Ахир, от бизникими-йўқми? Олти минг сарфлаб қўйганмиз-ку!

— Бу ҳақда бошқа гаплашмаймиз. Эшитиб қолишлари мумкин. Эҳ, қандай ажойиб кун-а! — сўнги жумлани Фабиан атайин баланд овозда айтди.

Ўрмондан чиқдик, қуёш энди ҳарир пардани тешиб ўтиб, турна қатор тизилиб отхонага қайтаётган аргумоқлар устида ярқирарди.

— Қалбингизни тўлқинлантирмайдими? — қулочини ёйиб хитоб қилди Фабиан. — Қуёш нурига фарқ бўлган кўҳна замин, бири биридан кўркам жониворлар...

— Э-э, қуруқ гапдан нима фойда? — унинг дамани кесдим мен.

— Кўнглим тўқ, — деди Фабиан қатъий оҳангда. — Омадимиз келишига ишонаман. Олти мингни қайтариб олишдан ташқари, Шантильига яна келиб, ўнлаб отларимизнинг машқ қилаётганига гувоҳ бўламиз. Лонгшан отчопарида ўтириб, аргумоқларимизнинг халойиқ олдидан гижинглаб ўтишини томоша қиламиз. Ҳозирча сабр қилинг, сабр туби — олтин, деганлар.

— Сабр қиламан, — дедим ноилоҳ. Ўзимга ҳам атрофимни қуршаб турган сўлим қишлоқ манзараси, отлар, кўпни кўрган кекса тренер жудаям ёқаётганини тан олгим келмасди. Мен Фабианнинг гапларига ишонмасдим, лекин унинг орзулари мени тобора ўз домига тортиб борарди.

Агар олтин олди-сотдиси ва Сорбоннада адабиётдан сабоқ олувчи америкалик таннозлар суратга тушаётган беҳаё фильмларга тикилган жарақ-жарақ пуллар менга лоақал ойда бир марта мана шундай афсонавий тонгни кўриш имконини берса, Фабианнинг ортидан жаҳаннамга боришга ҳам тայёрман.

Нафсиламбрини айтганда, ўғирлаган пулларим шундай оромбахш дақиқаларни ҳада этди-ку, ўйладим мен, мусаффо қишлоқ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оларканман.



Кумбснинг уйига келдик. Ошхона деворларига ҳар хил кубок ва нишонлар осиб ташланганди. Юзлари қип-қизил, тўладан келган уй бекаси ва бир неча чавандоз билан бирга стол атрофига ўтиришимиздан олдин Кумбс ҳаммамизга катта-катта идишда мусаллас қуйиб берди. Хонани қаҳва, дудланган гўшт, отхона ва этикнинг қоришиқ ҳиди тутиб кетганди. Бу олам ниҳоятда одми ва юрагимга яқин бўлганидан ер юзида ҳалиям мана шундай гўша сақланиб қолганига таажжубланиб ўтирардим.

Қария Кумбс стол ортидан менга кўз қисди:

— Қачон пойгага тушишини отнинг ўзи айтади!

Бунга жавобан мен ҳам кўзимни қисиб қўйдим.

## Ўн тўртинчи боб

— Италияга сафар қилиш фурсати етди, — деди Фабиан. — Нима дейсиз шунга, азизим?

— Жуда соз, — жавоб берди Лили.

Биз Ўрта денгиз соҳилидаги баланд қояга жойлашган “Шато Мадрид” ресторанида ўтирардик. Оқшом ҳавосига анвойи гулларнинг ҳиди омухта бўлиб кетганди. Пастда олис Ницца ҳамда денгиз бўйидаги қишлоқ чироқлари жи-мирларди.

Овқат буюриб, шампанни эрмак қила бошладик. Кеча ҳам биз Париждан жўнаган “Яшил экспресс” поездида анча-мунча шампан ичилганди. Моэт ва Шандон шампани менга ёқиб қолди. Қария Кумбс ҳам биз билан бирга эди. Қарийб уч ҳафталик машқдан кейин чавандозимиз Кумбсга отнинг пойгага тайёрлигини айтди ва буни исботлади ҳам. Бугун кундузи Ницца яқинидаги Канн отчопарида у маррага биринчи бўлиб келиб, юз минг франкни қўлга киритди. Бу йигирма минг доллар дегани. Жек Кумбс бебаҳо тренер эканини яна бир бор намойиш этди. Афсуски, у пойга тугаши билан Парижга учиб кетди, бирга машат қилолмадик. Ошқозонига қанча заҳри қотил сиғдира олишини кузатмоқчи эдим.

Ўзимиз ҳам отимизга беш минг франк гана тикдик. “Қўйнидан тўкилса — кўнжига”, — деди Фабиан касса туйнуғи олдида. Нью-Йоркда гана тикканимда отларнинг фазилатию қусурларини обдан суриштирардим. Фабианга қўшилиб, “таваккалчининг ишини худо ўнглайди”, — деган мақолнинг тўғрилигига юз фоиз ишондим.

Отчопардан Ниццадаги меҳмонхонага қайтиб, кийимларимизни алмаштирдик, Фабиан Париж билан Кентуккига кўнғироқ қилди. Париждан “Уйқудаги шахзода” фильмини суратга олиш тугаганини айтишди. Кеча Фарбий Германия ва Япония киноагентлигининг вакилларига ҳали тўла монтаж қилинмаган фильмни кўрсатишипти, анча-мунча буюртма тушипти.

— Буюртмалар етарли, — деди Фабиан мамнун бўлиб, — харажатларимизни қоплайди. Ҳали навбатда яна қанча мамлакат турипти. Надин хурсанд. Энди жиддий, ифбатли фильм яратмоқчи.

Фабиан телефондаги суҳбат орасида бугун олтиннинг нархи кўтарилганини ҳам билиб олипти.

Кентуккилик дўсти “Тунги орзу”нинг галабасидан севиниб кетди, лекин аниқ бир таклифни ўртага ташлашдан олдин шериги билан маслаҳатлашмоқчилигини айтди. Бугун кечқурун кўнғироқ қилишга ваъда берди.

Кетма-кет қуйилиб турган шампан, ажойиб манзара, отимизнинг галабаси, олтиннинг нархи кўтарилгани, Надин айтган хушхабар, гул-гул очилиб ўтирган Лили — буларнинг бари киши кайфини чоғ етарди. Бирдан олам кўзимга файзли кўриниб, Цюрих аэропортида чамадонимни ўғирлаган одамга меҳрим тов-ланиб кетди. Қизик, дўстлик билан ёвлик орасидаги масофа бир қадамгина экан, ўйладим ичимда.

Иккинчи томондан, агар отимиз ютиб чиқмаганда Фабианни дуч келган жарликка улоқтирган бўлардим. Хайрият, от панд бермади, бинобарин, ҳозир рўпарамда ўтирган мўйловдор, чиройли чеҳрага ҳавас билан тикилардим.

— Нархини айтдингизми? — сўрадим Фабиандан.

— Эллик, дедим шекилли.

— Нима — эллик?

— Минг доллар, албатта, — деди Фабиан нодонлигимдан андак гижиниб.

— Олти минг турадиган отга кўп сўраворибсиз-да. Бунақада харидорни чўчитворамиз-ку?

— Ростини айтсам, Дуглас, — жавоб берди Фабиан шампан симириб, — отга олти минг эмас, ўн беш минг тўлаганман.

— Ие, олти минг дегандингиз-ку?

— Тўғри, айтганман. Сизни ҳам чўчитвормай деганман-да. Ишонмасангиз, тўлов қозонини кўрсатишим мумкин.

— Кераги йўқ. Сиздан шубҳаланадиган жойи қолмади, — иқрор бўлдим мен. — Модомики шундай экан, биратўла фильм масаласида ҳам тўғрисини айта қолмайсизми?

— Йўқ, — Фабиан қадаҳини кўтарди. — Келинлар, ҳозирча “Тунги орзу”-миз учун ичамиз.

Қадаҳларимизни жиринглашиб уриштирдик. Мен Фабианга пойга пайтида энг орқада бораётган отимизни сўкиб ўтирганимни, маррага яқин қолганда эса олдинга ўтиб олганини кўриб, энгил торганимни гапириб бердим.

— Сизда олдсизлик сезгиси ривожланган, азизим, — деди Фабиан истехзо билан. — Аёллар ҳақида ҳам шу гапни айтишим мумкин, — кўшиб кўйди у Лилига қараб. Парижда ораларидан ола мушук ўтганди. Ишни баҳона қилиб, Фабиан уч-тўрт марта Надин Бонерникида узоқ қолиб кетди. Мен бўлсам, студияга қадам босмадим, Надинга ҳам чап бериб юрдим.

— Мошина олмасак бўлмайди, — деб қолди Фабиан кутилмаганда, — “Ягуар” тузук, қаршимасмисизлар?

Мен ҳам, Лили ҳам эътироз билдирмадик.

— “Мерседес”га ўхшаган мошиналар дарров кўзга ташланади, — давом этди Фабиан. — Бизга ярашмайди, тўғрими? Бундан ташқари, инглизларга ёрдам беришни хуш кўраман.

— Гапига қаранг, — тўнғиллади Лили.

Официант увилдириқ келтирди.

— Лимон билан, — Фабиан кесилган тухум ва пиёз солинган ликопчага қўл силтади. — Иштаҳани бўғмайлик.

Официант ликопчаларимизга авайлаб увилдириқ солди. Умримда қора увилдириқни тўртинчи бор татиб кўришим. Олдинги учтасининг мазаси ҳамон оғзимдан кетмайди.

— Энди Цюрихга жўнаймиз, — деди Фабиан. — У ерда озгина чала ишим бор. Мошинани ҳам ўша ердан оламиз. Энг ҳалол мошинафурушлар фақат Швейцарияда қолган. Мен Дугласга кўрсатишим лозим бўлган энг яхши меҳмонхоналар ҳам Цюрихда.

Ҳозир Майлс Фабианни Массачусетс штатининг ўзи туғилиб-ўсган Лоуэлл шаҳридаги таниш-билишлари кўриб қолса нима бўларди? Ёки менга иши юришмаган хўжайиним Друзекнинг кўзи тушса-чи? Фабиан шу пайтгача қўлимга катта пул қай йўсинда тушиб қолганини сўраб-суриштиргани йўқ. Парижда у суратга олинаётган фильм билан овора бўлиб кетди, мен шаҳарнинг пайқатга сазовор жойларини эринмай томоша қилдим. Учовимиз жам бўлган диктларда на мен, на Фабиан икковимиз қандай топишиб қолганимиз тафсилотларини Лилига айтишни хоҳламасдик. Лили эса Флоренциядаги тасодифий ўйнаши кутилмаганда ўзининг доимий ўйнаши билан қалин дўст ва ҳамкор бўлиб кетганига ичида таажжубланса ҳам, сиртига чиқазмасди. Бу хусусда савол ҳам бермасди. У турмуш икир-чикирларига дахли бўлмаган нарсаларнинг барига беписанд қарарди. Лилини ошхонада ивирсиётган ёки бирорта идорада михлаиб ўтирган аёл қиёфасида тасаввур этиб бўлмасди.

— Сафар муносабати билан, — давом этди Фабиан, — нозик бир масалани ўртага қўймоқчи эдим. Нима демоқчилигимни пайқадингларми?

— Йўқ, — дедим мен, Лили индамади.

— Учовимиз етаклашиб юришимиз яхшимас. Орада гап қочиши, рашк ту-  
филиши мумкин. Ё гапим нотўғрими?

— Тўғри, — шундай дедиму дув қизариб кетдим.

— Лили чиройли аёл, шундай эмасми, Дуглас?

Индамай бош силкидим.

— Сиз ҳам келишган йигитсиз, — деди Фабиан оталарча меҳр билан. —  
Чўнтагингизга пул тушгандан кейин янаям очилиб кетасиз, ҳали Римга борга-  
нимизда сизни қўғирчоқдай кийинтириб қўямиз. Тўғрисини айтган маъқул-да.  
Менинг ёшим бир жойга бориб қолган. Бинобарин, сиз ҳам, кабоб ҳам куй-  
майдиған йўл тутишимиз керак. Бирорта таниш аёлингиз йўқми, Дуглас? Бир-  
га олиб кетардик.

Шунда бирдан энтикиб, айна пайтда, афсус-надоматлар билан Пэтни эсла-  
дим. “Муқаддас Августин”да ишлаб юрган кезларимда у ҳақда кўп ўйламас-  
дим. Вермонтда Пэт иккаламиз бир-биримиздан айрилган ўша бехосият кун-  
дан буён мени асраб келаётган ниқоб ҳозир чок-чокидан сўкилиб кетгандай  
бўлди. Эски дард, соғинч, хотиралар жунбушга келиб, кўнглим ғуссага тўлди.  
Бари бир шу тобда Пэт ёнимда бўлганда ҳам, бугунги турмуш тарзимни ва  
Фабиан билан дўстлигимни ҳам қилолмасди. Арзимаган маошининг бир қис-  
мини Биаффра қочоқларига инъом этадиган мактаб ўқитувчиси қаёқда-ю, қора  
увилдирикни қошиқлаб урадиган Фабиан қаёқда? Дарвоқе, ўзим ҳам ундан  
қолишмайман. Бизнинг даврамизга фақат Эвелин Коутс сингиб кетиши мум-  
кин, биласизки, у ҳам сўзни бировдан қарзга олмайди, лекин қайси қиёфада  
қўшилади — бир кечани менинг қучоғимда ўтказган дилбар аёл бўлибми ёки  
Хейлникида қиморбозлик қилган сиртлон қиёфасидами? Яна шуниси ҳам бор-  
ки, Фабиан иккаламиз эртами-кечми қопқонга илинишимиз эҳтимолдан йи-  
роқ эмас. Турмага тушган иккита фирибгар билан яқинлиги Эвелиннинг жо-  
нига ора киришига одамнинг ишонгиси келмайди.

— Таниш аёл ҳозирча йўқ, — дедим мен.

Назаримда, Лилининг чехрасидан табассумнинг шарпаси хиёл сирғалиб ўтган-  
дай бўлди.

— Синглингиз Юнис ҳозир нима иш қиляпти? — сўради Фабиан Лилидан.

— Лондондаги сарой гвардиячилари даврасида ўралашиб юргандир-да. Балки  
Колдрстрим ёки Ирланд полкида жавлон ураётгандир.

— Чақирсак бўлмасмикин?

— Нега бўлмас экан?

— Унда телеграмма жўнатиш, эртага кечкурун Цюрихга келсин.

— Яхши. Бунақа ишларга Юниснинг суяги йўқ.

— Бўлаверадими? — Фабиан менга мурожаат қилди.

— Нега бўлмас экан? — Лилининг сўзларини такрорладим.

Олдимизга ресторан хизматчиси келиб, Фабианни Америкадан телефонга  
чақиришаётганини маълум қилди.

— Хўш, Дуглас, нархни бир оз пасайтирамизми? — сўради Фабиан ўрнидан  
тураркан. — Савдолашаверса, бўлиши қирқ минг, дейман.

— Ихтиёр сизда. Мен ҳеч қачон от сотмаганман.

— Мен ҳам, — кулди Фабиан. — Лекин ҳаётда бўларкан-да.

Лили икковимиз қолдик. У оловда қизартирилган бир паррак нонни кусур-  
лаганча мандан кўз узмасди. Нафасим қайтиб кетди.

— Фабианнинг бошига чироқ билан сиз туширдингизми? — сўради у ни-  
ҳоят.

— Айтдими?

— Сал гижиллашиб қолган экансизлар...

— Шу ерда тўхтатайлик.

— Бўпти. — Лили жим бўлди, салдан кейин яна савол берди: — Флоренци-  
яда учрашганимизни айтганингиз йўқми?

— Йўқ. Сиз-чи?

— Жинни бўпманми!

— Бирор шубҳаси борми?

— У жудаям ориятли одам.

- Бу ёғи нима бўлади?  
 — Синглим келади, — жавоб берди Лили бир туки ўзгармай. — Яхши қиз. Эркакларга ёқади. Бирор ой эрмак қиласиз.  
 — Эрингизнинг олдига қачон қайтасиз?  
 — Эримни қаёқдан биласиз? — сўради у кўзимга тикилиб.  
 — Аҳамияти йўқ, — жавоб бердим совуққина. Синглисига кўшиб қўймоқчи бўлаётгани иззат-нафсимга теккан эди.  
 — Майлс қартабозликни тўхтатмоқчи. Хабарингиз борми?  
 — Сал-пал.  
 — Менга айтадиган гапингиз йўқми? — Лили ҳамон тикилиб турарди.  
 — Йўқ.  
 — Майлс пулга ўч одам. Эҳтиёт бўлинг.  
 — Огоҳлантирганингиз учун раҳмат.  
 У энгашиб, қўлимни ушлади.  
 — Флоренцияда қандай ҳузур қилган эдик... — деди Лили ноз билан.  
 Шу тобда уни бағримга босиб, мен билан қочиб кетинг, деб ёлворгим келди.  
 — Лили...  
 У қўлини тортди.  
 — Узингизни босинг, азизим, — деди Лили насиҳатомуз.  
 Фабиан тумшайиб қайтиб келди.  
 — Ён босишга тўғри келди, — деди у жойига ўтираркан. — От қирқ бешга кетди, — кейин муғомбирона жилмайиб, қўл силтади. — Шунинг шарафига яна бир шиша буюрамиз.

Меҳмонхонадаги ўз хонамда, эман дарахтидан ясалган баҳайбат стол ёнида ўтирардим. Ҳозиргина қўшни хонага жойлашган Лили ва Фабиан билан хайрлашдим. Лили юзмдан ўпди, Фабиан қўлимни маҳкам қисиб, эрталаб, Цюрихга жўнашдан олдин, маҳаллий музейга боришимизни айтди.

Ичкиликдан бошим сал айланаётган бўлса-да, уйқум келмаётган эди. Ғаладондан тоза қоғоз олиб, ҳамёнимизга тушадиган даромадни қайд эта бошладим:

“Пойгадаги ютуқ — 20000, олтин — 15000, қартада ютилган пул — 36000, кинофильм — ҳозирча номальум”.

Ёзилган рақамларга маҳлиё бўлиб қолдим. Шу пайтгача, ҳатто учувчилик қилиб, яхши пул топиб юрган кезларимда ҳам, ҳисоб-китоб қилмасдим, банкда қанча пулим бору чўнтагимда қанча пул бор — аниқ билмасдим. Энди даромадни ҳар ҳафта чўтга ташлашга қарор қилдим. Ишнинг боришига қараб, ҳар куни ҳисоблашга ҳам тайёрман. Кўшув амалининг ўзиёқ бойликнинг беназир латофати эканига иқрор бўлдим. Қоғоздаги рақамлар менга шу пулга олишим мумкин бўлган буюмлардан кўра кўпроқ ҳузур бағишларди. Ўзимга ўзим савол берардим: бундай ожизликни иллат ҳисоблаб, шундан уялиш керакми? Балки вақт-соати келиб, бу қусурдан ҳам халос бўларман...

Деворнинг нарёғида каравотнинг гижирлагани қулоғимга чалиниб, бир гижиниб қўйдим. Фабианга қай даражада ишониш мумкин? У пул масаласида, ўзиникими, бировникими — барибир, уят-андишани тан олмайдиганга ўхшайди. Покдомонлигига баҳо бериш учун унинг ўтмишини ҳам, ҳозирги ҳаётини ҳам яхши билмайман. Эртагаёқ муносабатларимизни қонуний қилиб, ёзма равишда расмийлаштириб қўйишни талаб этишим керак. Бундан ташқари, босган қадамни кузатиб юришимга тўғри келади.

Ниҳоят, кўзим илинганда акам Хэнк тушимга кирипти. У аппарат ёнида дамгин ўтириб, бировларнинг пулини ҳисоблаётганмиш.

Эрталаб Лили сартарошхонага кетди. Фабиан иккаламиз Сен-Поль де Вансдаги музейни томоша қилгани жўнадик, шу баҳона у билан бафуржа гаплашиб олиш имкони туғилди.

Ижарага олинган мошинада Ниццадан йўлга чиқдик, рулга Фабиан ўтирди. Офтоб чарақлаб турган мусаффо тонг пайти эди, йўл ойнадай сип-силлик, чап томонимизда ястаниб ётган поёнсиз денгиз сокин жимирларди. Фабиан моши-

нани шошмасдан, эҳтиётлик билан ҳайдар, мен унинг ёнида ўтирганча биз учун омадли бўлган кечаги кун ҳақида ўй суриб, ҳузур қилиб борардим. Икковимиз ҳам чурқ этмасдик, Ниццадан чиқиб, аэропортдан ўтганимиздан сўнг Фабиан сўраб қолди:

— Бўлган воқеани рўйи рост гапириб бериш фурсати етмадимикин?

— Қанақа воқеани?

— Шунча пул қўлингизга қандай қилиб тушиб қолди? Нима учун АҚШдан жўнавордингиз? Нимадандир хавфсирагансиз-да? Дарвоқе, энди мен ҳам ўша хавфга шерикман, шунақамасми?

— Қисман, — дедим мен.

Фабиан бош силкиди. Алып этакларидан узумзорлар, қарағайзор ва муаттар ҳид таратиб турган зайтунзорлар оралаб илонизи бўлиб чўзилиб кетган йўлдан тепага кўтарила бошладик. Роҳатбахш бу замин, Ўрта денгизнинг илиқ куёши қаердадир дунёнинг нариги чеккасида, Нью-Йоркнинг зимзиё кўчаларида пу-сиб ётган хатарни хаёлга яқин йўлатмасди. Ўтмишни унутгандим, ундан яшириниш учун эмас, йўқ, ҳозир бизни қуршаб турган табиат мўъжизасини тўлароқ ҳис этиш учун унутгандим. Шунга қарамай, Фабианнинг ҳақиқатни билишга ҳаққи бор эди. Гулга бурканган тоққа аста-секин ўрлаб борарканмиз, бўлган воқеани унга ипидан-игнасиғача гапириб бердим.

Фабиан ҳикоямни индамай эшитди, кейин деди:

— Борди-ю ишимиз мана шунақа юришиб турса, айтайлик, маълум муддат ўтгандан сўнг сиз ўмарган юз мингни қайтаришдан ташқари, ўзимизга ҳам анча-мунча сармоя қолса нима қилган бўлардингиз? Пулнинг эгасини топиб, омонатини қайтариб берармидингиз?

— Ҳа, шундай қилардим.

— Яхши жавоб, — деди Фабиан. — Лекин изингизни фош этмай, бунга амалга ошириш қийин. Изимизни демоқчиман, — гапини тўғрилади у. — Жудаям эҳтиёт бўлиш керак. Сизни қидиришаётганига бирор ишора борми?

— Друзекни аёвсиз дўппослашган.

— Жиддий огоҳлантириш, — Фабиан афтини буриштирди. — Гангстерлар билан сира муомала қилганмисиз?

— Йўқ, ҳеч қачон.

— Менинг ҳам уларга ишим тушмаган. Балки бу бизнинг устунлигимиздир. Гангстерларнинг ўй-хаёлида нима бор, режалари қанақа — билмаймиз, бинобарин, уларнинг тузоғига илинишимиз эҳтимолдан йироқ. Менимча, кетмакет жойни ўзгартириб, тўғри иш қилгансиз. Шу йўсинда давом этинг. Саёҳатга қаршимассиз-ку, шундайми?

— Аксинча, жон-дилим. Айниқса, бунга қурбим етадиган ҳозирги кунда.

— Балки ўша одамларнинг гангстерларга мутлақо алоқаси йўқдир, шу ҳақда ўйлаб кўрдингизми?

— Йўқ.

— Авиация ҳалокатида нобуд бўлган бир одам тўғрисида қачонлардир матбуотда ўқигандим. Ёнидан олти миш минг доллар пул топишган. У таниқли республикачи бўлиб, партиянинг Калифорниядаги марказига учиб кетаётган экан. Ўшанда Эйзенхауэрнинг иккинчи сайловолди ҳаракати авжга чиққан пайт бўлган. Долларлар шу мақсадга ажратилган ва яширинча жўнатилган бўлиши мумкин.

— Эҳтимол, — дедим мен, — лекин таниқли республикачининг “Муқаддас Августин”га ўхшаган хароб меҳмонхонага тушишига ишонмайман.

— Қайдам, — елкасини қисди Фабиан, — пулнинг эгаси кимлигини умрбод билмасак, нур устига нур. Айтинг-чи, акангизга берган йигирма беш минг қарзингизни қайтариб олиш ниятидамисиз?

— Йўқ.

— Яшанг. Зиқна эмас экансиз.

Биз музейга етиб келдик.

— Мана бунга бир қаранг, — давом этди Фабиан. — Қойилмақом бино, санъат асарларининг ажойиб мажмуаси. Шу нарсага пул эҳсон этган одам нақадар улкан қаноат ҳиссини туйдийкин...

Мошинани махсус жойга қантариб, тепалик устига қурилган ва атрофини каттакан боғ қуршаб турган чиройли бино томон юрдик. Боғда баланд, бесўнақай ҳайкаллар бўй чўзиб турар, уларнинг теграсидаги дарахтлар тинимсиз чайқалаётганидан ҳайкаллар ҳам мана ҳозир ўрнидан кўзғалиб, юриб кетадигандай туюларди.

Музейда деярли ҳеч ким йўқ эди, лекин мени бошқа нарса ҳайрон қолдирди. Музей ва кўргазмаларда кам бўлганим учун, у ердаги залларга қўйилган рангтавир ва ҳайкалтарошликнинг анъанавий асарларини кўриб ўрганганман. Бу ерда эса рассомларнинг антиқа тасавури маҳсули бўлмиш шакл ва образларга дуч келдимки, суратлар айқаш-уйқаш чаплаган бўёқлардан, оддий буюм ва инсон қиёфалари тасқара шакллардан иборат эди. Табиийки, булардан бирор маъно уқолмадим. Фабиан эса чурқ этмай, бутун диққатини бир жойга жамлаб, бир экспонат олдидан иккинчисининг ёнига ўтарди. Ниҳоят, музейдан чиққанимизда у оғир меҳнатдан толиққан кишидай чуқур уҳ тортиб, хитоб қилди:

— Санъатнинг бебаҳо хазинаси! Бу ерда ғайрат-шижоат, кураш ва телба-тесқари юморнинг чексиз тимсоллари жамулжам бўлган. Сизга ёқдими?

— Ҳеч нарсага тушунмадим.

— Шундай бўлса ҳам, тўғрилигингиз бор-да, — деди кулиб Фабиан. — Музей ва кўргазмаларга тез-тез бориб туришимиз керак. Барибир пировардида борлиқ ва ҳиссиётни жўн идрок этишдан халос бўласиз. Фақат кўпроқ разм солиш лозим. Ҳар қандай қимматли кашфиёт каби бу ҳам кишидан бутун кучни ишга солишни талаб этади.

— Арзирмикин? — сўрадим, унинг кўзига тор фикрли киши бўлиб кўринсам ҳам. Аслида, мен ўрганишим, у ўргатиши кераклиги ғашимни келтирган-ди. Тўғри-да, менинг пулим бўлмаганда у Ўрта денгиз соҳилида юрмасди, аксинча, лоақал меҳмонхона билан ҳисоб-китоб қилиш учун тўрт чақа ютаманми деб, Сан-Морицдаги қарта столи ёнида михланиб ўтирарди.

— Мен учун арзийди, — деди Фабиан оҳиста тирсагимдан ушлаб. — Сиз қалб қувончларининг қадрига етмайсиз, Дуглас. Одам фақат қора увилдириқ ейиш учун дунёга келмайди.

Биз Сен-Поль де Ванс майдонидаги қаҳвахона олдида тўхтаб, кўчага қўйилган столлардан бирининг ёнига ўтирдик. Сал нарида, дарахт остида уч-тўртта қария золдир ташлашар, уларнинг хириллоқ овозлари ўрта асрдан қолган кўҳна қальанинг қорамтир деворида бўғиқ акс-садо берарди. Биз шошмасдан оқ вино симирав, бекорчилик гаштини сурардик.

— Оромни бузманг, — хитоб қилдим мен. — Кимнинг сўзлари бу, бир эсанг-чи?

— Меники, албатта, — Фабиан кулиб юборди. Кейин бирдан сўраб қолди: — Пулга муносабатингиз қандай?

Мен ҳайрон бўлиб, елкамни қисдим:

— Бу ҳақда ҳеч қачон жиддий ўйлаб кўрмаганман. Шу саволга ўзингиз нима деб жавоб берардингиз?

— Биз учун пулнинг ўзи муҳим эмас. Пул кишининг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ. Масалан, менга ҳикоя қилиб берган гапларингизга қараганда, ҳаётга қарашингиз бир кунда ўзгарган, шундайми?

— Ҳа, дўхтирнинг кабинетига, мени учишдан четлатишган куни.

— Ушанда пулга муносабатингиз ҳам кескин ўзгарган, тўғрими?

— Ҳа.

— Менинг ҳаётимда бунақа фожиали воқеалар бўлмаган, — давом этди Фабиан. — Аллақачонлар шундай хулосага келганманки, дунёда адоғи йўқ битта адолатсизлик бор. Нимани кўрдим, нимага гувоҳ бўлдим? Миллионлаб бегуноҳ кишиларни домига тортган урушлар, вайроналик, қурғоқчилик, очлик. Айни пайтда давлат тепасидаги амалдорларнинг сотқинлиги, қўли эгри кимсаларнинг бойигандан бойиб, жафокашлар сонининг тобора кўпайиб борганини кўрдим, шунга гувоҳ бўлдим. Бу қисматдан қочиб қутулишнинг ёки лоақал азоб-уқубатни енгиллатишнинг иложи йўқ эди. Бўйнимга оламан, ўзим қур-

бонлар қаторига қўшилиб қолмасликка ҳаракат қилдим. Билдимки, кимнинг пули бўлса, ўшанинг ошиғи олчи. Пул кишига эрк беради. Камбағал одам эса ўрага тушган сичқондай бир жойда айланаверади. Чиқиб кетолмайди. Уни очлик ҳаракатга келтириб туради. Тўғри, битта-иккитаси чиқиб кетиши мумкин. Ё тасодифан, ёки бизга ўхшаб омади чопиб. Бундан ташқари, шундай одамлар борки, улар нуқул ҳокимиятга интилади, пасткашлик қилади, атрофидагиларни сотади, ўз мақсади йўлида дуч келган одамни босиб-янчиб ўтишдан тоймайди. Айрим президентларимиз ва дунёнинг кўп қисмини бошқараётган полковникларга бир разм солинг. Албатта, тепадан мадад кутгунча ўзига ўт қўйишни афзал кўрадиган ориятли кишилар ҳам йўқ эмас. Ёки бўлмаса, тирикчилик деб, корхоналар, реклама агентликлари ва биржаларда бевақт сочи оқарган кимсалар-чи? Мен ночорликдан тўшақ заҳматкашларига айланган аёллар ҳақида гапириб ўтирмайман. Учувчилик қилиб юрган кезларингизда ўзингизни бахтиёр ҳис этган бўлсангиз керак.

— Албатта, — жавоб бердим мен.

— Учишни ёқтирмайман, — деди Фабиан. — Осмонда ё зерикаман, ё кўрқаман. Ҳамма ҳар хил-да. Тан оламан, истакларим бачкана, ўзим сал худбинроқман. Энг аввало, меҳнатга тоқатим йўқ. Чиройли аёллар даврасини, саёҳат ва ажойиб меҳмонхоналарда яшашни хуш кўраман. Модомики, тақдирнинг тақозоси билан шерик бўлиб қолган эканмиз, дид ва таъбларимиз ҳам бир хил бўлиши керак. Сезишимча, Дуглас, жудаям камтаринсиз. Шунинг учун қалтис пайтларда бир қоп гўштга айланасиз-қоласиз. Пул билан камтарлик — ўт билан сув. Пайқаган бўлсангиз керак, пулни яхши кўраман, лекин умримни сарф қилиб, уни йиғиб ётишни ёқтирмайман. Пулни қулай жойдан топиш керак. Белгиланган қонун ва ахлоқий сафсаталар талабидан холи менга ўхшаган бегона кишилар онда-сонда кириб турадиган ердан қидириш керак. Сизнинг шарофатингиз билан, Дуглас, ҳамда бир хил чамадон билан боғлиқ бахтли тасодиф туфайли, ҳозир хоҳлаганимча яшаб юрибман. Энди сиз тўғрингизда. Ёшингиз ўтгиздан ошган бўлса ҳам, болалигингиз қолмаган. Менда ҳар доим пухта ўйланган режа бор, сизда эса аниқ бир мақсад йўқ. Тўғрими гапим?

— Унчаликмас, — жавоб бердим мен. — Ҳозирча ора йўлдаман.

— Балки қилиб қўйган ишингизнинг оқибатини яхши англаб етмагандир-сиз?

— Қайси ишимнинг?

— "Муқаддас Августин"даги ишингизни-да. Айтинг-чи, ҳозир ҳам илгаригидай учувчилик қилиб юрганингизда мурданинг пулини олармидингиз?

— Йўқ, албатта.

— Афсуски, киши ҳамиша ипсиз боғланиб турадиган бир вазият бор, — деди Фабиан. — Аҳмоқ одам бир кунмас-бир кун аҳмоқона вазиятга тушиб қолиши муқаррар. — У стаканига яна вино қўйди. — Энди менга келсак, сиз дуч келган вазиятларда сира иккиланмаганман... Ўтмишда, албатта. Ҳозир биз пул қаёқдан келганини тамом унутиб, уни катта сармоёга айлантириш ҳақида ўйлашимиз керак.

— Қандай қилиб? Яна от сотиб оламизми?

— Йўқ, унақамас.

— Ёки қартабозлик қиламизми? Йиғиштирдим, дегандингиз-ку.

— Ҳа, йиғиштирганман. Жонимга тегди. Қарта столи атрофида ўтирганларни лақиллатаверишдан уяладиган бўп қолдим. Ўзи ҳақида баланд фикрда юрган одам учун бу қип-қизил азоб. Ҳар кун кечқурун ўйинга ўтирардим шерикларимнинг пулини қоқиб олиш ҳақида ўйлардим. Уларнинг атрофида гирдикапалак бўлардим, дийдиёларини эшитишга, бирга овқатланишга мажбур эдим. Энди кексайиб қолдим. Ҳа, пул ўлсин-а... — у бу сўзларни шундай оҳангда айтдики, гўё уйга берилган вазифанинг асосий шартини худди шудай. — Пул ҳақида қанча кам ўйласанг, ундан шунча кўп роҳатланасан. Аммо биз узлуксиз даромад келтириб турадиган сармоё тўплашимиз зарур. Дарвоқе, Дуглас, сизни йиллик қанча даромад қаноатлантиради?

— Ўн беш-йигирма минг.

Фабиан қулиб юборди.

- Пилигини сал кўтаринг, дўстим.
- Ўзингиз қанчани мўлжалляяпсиз?
- Камида юз минг.
- Ў-ҳў, осонмас.
- Албатта. Бунинг устига, маълум хавф-хатар билан боғлиқ. Қолаверса, кўп куч-қувват талаб қилади. Ишимиз юришадими-йўқми, ўзаро таъна ва айбашлар бўлмаслиги керак. Ханжар ҳақида-ку гапирмай кўя қолай.
- Хотиржам бўлинг, зарурат туғилса, ҳеч нарсадан қайтмайман.
- Муаммоларни биргалашиб ҳал қиламиз. Бу гап иккаламизга ҳам алоқадор.
- Бўпти, Майлс. Шунини ёзма равишда расмийлаштириб қўйсак.
- Фабиан, худди мен башарасига шапалоқ тортгандай, анграйиб қаради.
- Дуглас, азизим, — деди у хафа бўлиб. — Менга ишонмаяпсизми? Бирор фирромлик қилдимми?
- Ишонаман, тўғрироғи, бошингизга чироқ билан тушурганимдан кейин ишонадиган бўлдим.
- Ҳар хил қоғоз ва ҳужжатларга тоқатим йўқ. Шулардан кўра менга самимий кўл қисишган афзал.
- У стол тепасидан қўлини узатди, мен миқ этмай ўтиравердим.
- Майли, агар қатъий талаб қилсангиз, — деди у қўлини тортиб. — Цюрихда расмийлаштирамиз. Бунинг қийин жойи йўқ. — Кейин соатига қараб, ўрнидан турди. — Лили бизни кутиб қолди.
- Ҳисоб-китоб қилиш учун ҳамёнимни чиқазган эдим, қўймади, столга шошапиша беш-олтита чақа ташлади.
- Шу лаззатни менга қўйиб беринг.

## Ўн бешинчи боб

— Нима бўлса бўлди, — деди Фабиан, — ҳуқуқшунос идорасидан чиқиб, Цюрихнинг пилчиллаган кўчасидан борарканмиз. — Энди биз қонун занжирлари билан боғландик.

Ҳозиргина орамизда битим расмийлаштирилган, ҳуқуқшунос компаниямизнинг мақоми бир ой ичида Лихтенштейн князлигида рўйхатдан ўтказилажагини маълум қилган эди. Князликда даромаддан солиқ олинмас, компаниянинг кирим-чиқимлари давлат сири даражасида махфий сақланар, шундан ҳуқуқшунос ва уларнинг мижозлари нуқул ўша ерга талпинаркан.

Компаниямизда иккита ҳақи тўланмаган пай таъсис этилди: бири менга, иккинчиси Фабианга. Бунинг нима зарурати бор эди, тушунмадим. Швейцария қонунларининг мураккабликлари билан боғлиқ қандайдир сабабларга кўра ҳуқуқшунос ўзини компаниямизнинг президенти этиб тайинлади. Мен компанияни “Августин” деб номлашни таклиф қилдим. Иккала томондан ҳам эътироз бўлмади. Биз барча солиқ ва тушумларни тўлаб, ҳуқуқшуносни рози қилиб, чиқиб кетдик.

Фабиан битимга йил охирида етмиш минг долларимни қайтариб олиб, компаниядан чиқиб кетишга ҳаққим борлиги тўғрисидаги моддани киритишга ҳеч оғринмай рози бўлди. Фабианнинг хусусий банкдаги ҳисоб варақаси иккаламизники эканлиги қайд этилди, энди бир-биримизнинг розилигимизсиз унга ҳеч ким теголмасди.

Ҳар биримиз Швейцариянинг Бирлашган банкига беш минг доллардан қўядиган бўлдик. “Майда харажатлар учун”, — тушунтирди Фабиан.

Шериклардан бирови вафот этган тақдирда компаниянинг ҳамма мол-мулки ва банкдаги пуллар иккинчисига ўтарди.

— Сал ноқулай, — деди Фабиан, — лекин бунақа ишда узоқни ўйламаса бўлмайди. Сиз хавотирланманг, Дуглас, менинг ёшим анчага етиб қолган, сиздан олдин оёқни узатворишим мумкин.

— Йўғ-э, нафасни иссиқ қилинг, — жавоб бердим унга. Лекин ичимда ўйлаб ётибман: Фабианнинг ўзи мени тоғда бирор қоядан итариб юбориши ёки заҳар бериб ўлдириши эҳтимолдан узоқ эмас-ку.



— Хўш, хурсандмисиз? — сўради Фабиан кўлмакни айланиб ўтиб. — Энди хотиржам бўлдингизми?

— Хом хаёлларимиздан бошқа ҳамма нарсадан хотиржамман.

Биз олтинчи кун Цюрихнинг бадқовоқ осмони остида тентирардик. Шу орада Фабиан яна йигирма минг долларлик олтин харид қилди, шакар олди-сотдиси билан боғлиқ ишни битказди, икки марта Парижга бориб, бир рассомнинг учта абстракт суратини сотиб олди. Бу рассомнинг номини ҳам эшитмагандим, лекин Фабианнинг айтишича, икки йилга қолмай у дунёга машхур бўлиб кетармиш. Пулнинг бекор ётишини ёқтирмайман, деди Фабиан.

Фабиан мен билан ишимизга боғлиқ барча масалаларни эринмай муҳокама қилар, бозордаги нархларнинг беқарорлиги, кун давомида пулнинг қадри бир тушиб, бир кўтарилиб туришини чидам билан тушунтирар, пайшанбадан жумага ўтар кечаси шакар олди-сотдисидан анча-мунча пул ишлаб қолганимиз ҳақида гапирарди.

Бу гапларнинг маъносига ё тушунар, ёки ўзимни тушунганликка олардим, мабодо мендан маслаҳат сўраса, ўзига ҳавола қилиб қўя қолардим. Соддалигимдан уялар, уйга берилган вазифани бажармагани учун доска олдида мулзам бўлиб турган ўқувчидай, нима қиларимни билмасдим. Фабианнинг режалари шу даражада мураккаб ва хавфли туюлардики, Майлс давру даврон сурган бу оламда ўттиз уч йил мен қандай чидаб яшаётганимга таажжублана бошладим.

Олти кун мобайнида бу диққатвозликка яна қанча бардош беришим мумкинлиги ҳақида ўйлаб, ўйимнинг охирига етолмадим. Эрталаблари уйфонганимда совуқ тер босиб кетарди.

Фабиан эса парвойи фалак: хавф-хатар кучайган сари у вазмин бўлиб борарди. Агар ундан бирор нарсани ўрганишим лозим бўлса, фақат мана шу хислатини ўзимга юқтиришим керак.

Эсимни таниганимдан буён биринчи марта ошқозоним оғриб қолди. Бетўхтов сельтер сувини ичиб, ошқозон оғриғи мутлақо асабдан эмас, кўп овқат ейишдан, деб ўзимга ўзим тасалли берардим (Фабиан кунига икки маҳал бизни энг яхши ресторанга олиб борарди). На Фабиан, на Лили, на унинг синглиси Юнис ҳеч нарсадан шикоят қилишмасди. Бир куни лаззатли таомлар маскани бўлмиш Кроненхаллдаги ресторанда дудланган балиқ, зираворли буғу гўшти, қандайдир антиқа пишлоқ, тоғолча, таркибида кўпиртирилган тухум оқи бўлган шоколад еб, устидан аввал енгил оқ мусаллас, кейин ўткир бургунд виносини тўйгунча ичдик. Шунда ҳам улар миқ этишмади.

Ошқозон оғриғи етмагандай, семириб кетганимни, қорним чиқиб, шимим торлик қилиб қолганини сездим. Аммо Лили Фабиан иккаламиздан кўра кўп овқат еса-да, ҳамон нозик ва хушбичим эди. Синглиси Юнис ҳам ўша-ўша — таранг, жозибали. Фабиан эса қайтанга озиб, ёшариб кетган, гўё ҳаётига укол қилинган пул модда алмашинувини яхшилаб юборгандай. Қанча емасин, қанча ичмасин, кўзлари тиниқ, юзи қип-қизил, мўйлови бароқ, қадам босиши енгил. Менимча, замон тинчлигидан роса зериккан, сўнг урушга чақирилиб, аёвсиз қонли жангларда армияларга қўмондонлик қила бошлаган генералларнинг қиёфаси шундай бўлиши керак.

Юнис истараси иссиқ, бурни қанқайган, кўзлари кўм-кўк қиз экан; сепкилли юзи баҳорги Альп ўтлоқларидай беғубор. У асримизнинг етмишинчи йилларидан кўра ўтган замоннинг қизларига кўпроқ ўхшаб кетади. Майин, заиф товуш билан гапирадиган Юнис ўзига бино қўйган опасининг бутунлай акси. Лили айтганидай, унинг Лондондаги сарой гвардиячилари орасида ўралашиб юришига ишонгинг келмайди.

Қаерга бормайлик, опа-сингил эркакларнинг эътиборини тортарди. Бошқа шароитда, ҳеч шубҳасиз, Юнисга канадай ёпишиб олган бўлардим, аммо Фабианнинг эртаю кеч зимдан кузатиши ҳамда Лилининг Флоренциядаги тунни ёдга солиб, ҳар доим бирга юриши шаштимни сўндирар, бинобарин, мен қиздан ўзимни олиб қочишга ҳаракат қилардим. Гарбиям шундай бўлганки, мен ишқий муносабатларни буткул шахсий иш деб биламан, уни ҳаммага кўз-кўз қилмаслик керак, деб ҳисоблайман. Биринчи кунданоқ Юнис икковимиз лифтда

бир-биримизга яхши тушлар тилаб, одоб билан хайрлашардик, ҳатто номига бўлса ҳам ўпишмасдик.

Яширмайман, опа-сингилнинг бараварига Цюрихдан нолиши менга маъқул бўлди. Улар дўконма-дўкон изғиб чарчашган, шилта об-ҳаво жонларига теккан, диққинафасликдан ўзларини қаёққа қўйишни билишмасди. Биз Фабиан шаҳарнинг молиявий марказидан топиб келган бизнесменлар, банкирлар ва биржа ходимлари билан турли маҳқама ва меҳмонхоналарда соатлаб музокара-лар олиб борардик. Бу арбобларнинг бари инглизча гапирар, тўғрироғи, ҳар хил талаффузда пичирлашарди, бинобарин, уларнинг фикрини базўр илғардим. Лили ва Юнис Фабианнинг қистови билан ана шу музокараларда иштирок этишарди.

Опа-сингил Гштаадга жўнайдиган бўлишди. Об-ҳаво маълумотига қараганда, у ерда кунлар чароғон, қалин қор тушган экан. Биз розилик бердик. Фабиан Цюрихдаги чала ишлар битиши билан уларнинг олдига боришимизни, сўнг Италияга жўнаб кетишимизни айтди. Еб-ичиб туришлари учун ўзимизнинг майда харажатларимизга аталган пулдан икки минг доллар берди. Унинг тўраларга хос бу қилиғи умрининг кўп қисмини тасодифий, шубҳали даромадларни аранг учма-уч қилиб ўтказган одамга сира ярашмасди.

Лили ва Юнис жўнаб кетганидан кейин Фабиан мени Цюрихнинг диққатга сазовор жойлари билан таништиришга аҳд этди. Ярим кун санъат музейида бўлдик, Кранахнинг Яланғоч аёл тасвирланган ҳайратомуз суратини узоқ томоша қилдим. Фабиан бу залга Цюрихга ҳар келганида ташриф буюришини айтди. Ўз диди ва қизиқишлари тўғрисида гапирмасди. Унинг учун шаҳарнинг барча кўргазма ва музейларида бирга бўлишим кифоя эди. Масалан, Брамс концертидан сўнг айтган гапи фақат шу бўлди: “Оврупода Брамсни тинглаш керак”.

Фабиан мени ҳатто Цюрихда вафот этган Жеймс Жойс дафн этилган қабристонга ҳам олиб борди. Ёзувчининг ихчам ҳайкали ўрнатилган қабр тепасида “Улисс” романини ўқимаганимни билиб олгач, шаҳарга қайтишимиз билан мени китоб дўконига бошлаб кириб, ўша романни олиб берди. Турмада фақат ашаддий каллакесарлар эмас, Афлотунга қизиқадиган, мусиқа, адабиёт, тасвирий санъат, ичимлик ҳамда наслдор отларга ақли етадиган туппа-тузук одамлар ҳам ётиши мумкинлиги шундагина хаёлимга келди.

Фабиан билан муносабатларимиз ҳақида ўйларканман, бу одам қандайдир шахсий манфаатларини кўзлаб, мени йўлдан оздирмоқчи, деган хулосага келдим. Агар ростдан ҳам шундай бўлса, у бу ишни ғалати усулда амалга ошираётганди. Парижни тарк этганимиздан буён менга муомаласи ширин-чучмал бўлиб қолди, худди содда, мўмин-қобил жиёнини ҳаётнинг тескари томонлари билан таништираётган донишманд амакига ўхшайди. Воқеалар шу даражада тез ривожланиб, келажак шу даражада фусункор бўлиб кўринардик, бирор нарсадан шикоят қилишга вақтим ҳам, хоҳишим ҳам йўқ эди. Бир ҳисобда чамадоним Фабианнинг қўлига тушгани яхши бўлган экан, энди ундан кўп нарсаларни ўрганаман. Ўтган замонларда кишининг шон-шавкати кибр-ҳаво билан эмас, унинг довураклиги, олийжаноблиги; жисмонан бақувватлиги, эътиқоди ва ҳалол-покизалиги билан ўлчанарди. Аммо кўпчилигимиз нимага амал қилишни билмайдиган, юксалаямизми ё тубанлашаямизми, олға кетаямизми ё ортга чекинаймизми, севамизми ё нафратланамизми, жирканамизми ё сажда қиламизми — мана шу хил саволларга дадил жавоб бера олмайдиган бизнинг замонимизда, ҳеч бўлмаса менга ўхшаган одамлар учун, кибр-ҳаво яшашнинг муҳим дастагидай туюлади.

Майлс Фабианнинг қусурлари қандай бўлишидан қатъий назар, унда кибр-ҳаво бор эди.

— Луганода омад кулиб боқадиганга ўхшайди, — деди Фабиан ўйчан бир қиёфада. Биз унинг одатдагидай Америка, инглиз, Француз, немис ва итальян газеталари сочилиб ётган хонасида ўтирардик. Фабианнинг эғнида чўмилгандан кейин кийиладиган халат, шошмасдан қаҳва хўплайпти. Мен бўлсам, каллаи сахарлаб бир шиша сельдер сувини уриб олганман.

— Гштаадга бормоқчи эдик-ку, — дедим мен.

— Гштаад қочиб кетмайди, — жавоб берди у қаҳвани аралаштираркан. Қўли юзига нисбатан шалвираброқ қолганини биринчи бор пайқадим. — Хоҳласангиз, ўзингиз кетаверишингиз мумкин.

— Луганода бирор иш чиқиб қолдимми?

— Шунақароқ, — деди Фабиан мужмал қилиб.

— Унда бирга бораман.

— Шерик бўлгандан кейин шу-да, — кулди Фабиан.

Бир соатдан сўнг яп-янги яшил “Ягуар” имизда йўлга чиқдик. Фабиан машинани Сан-Бернардино довони томон бурди. У катта тезликда борар, ҳатто Альп тоғининг муз қоплаган йўлларига етганда ҳам секинлашни ўйламасди. Узундан-узун ер ости йўлидан ўтиб, тоғнинг жанубий ёнбағрига чиқиб олгунимизга қадар деярли гаплашмадик. Фабиан чуқур ўйга ботган, афтидан, миясида аллақандай режалар тузаётганди.

Бутун йўл бўйи ҳаво рутубатли бўлиб, осмонни қоп-қора булут қоплаб олганди, ерости йўлидан чиқшимиз билан манзара ўзгарди: қуёш чарақлаб турар, кўм-кўк осмонда лахтак-лахтак оқ булутлар сузиб юради. Фабианнинг чехраси очилиб кетди, менга бурилиб қараб, анча чўзилган сукутни бузди:

— Балки Луганога нима учун бораётганимизни билишни истарсиз?

— Албатта. Айтишингизни кутяпман.

— Танишларим орасида Луганода яшайдиган бир немис бор. Германиянинг иқтисодий мўъжизаси деб аталмиш даврдан бошлаб бу ўлкаларга кўплаб бадавлат немислар кўчиб келган. Иқлим яхши. Йирик банклар мавжуд.

— Танишингиз нима иш қилади?

— Аниқ билмайман, — Фабиан бемаврид сирни ошкор қилгиси келмади. — Сармоясини кўпайтириш дардида кекса рассомлар даврасида ўралашиб юради. Кеча Цюрихга кўнғироқ қилиб, бир масалада ёрдам беришимни сўради. Аммо шартларини ҳали келишганимиз йўқ. Ҳозирча номаълум. Нима ишлиги аниқ бўлиши билан сизга батафсил тушунтираман.

Унга ортиқча савол бериш бефойдалигини биламан. Шунинг учун радио кулоғини бурадим, биз “Аида” операсидаги бир ария садоси остида кўм-кўк Тичино водийсига тушиб бордик.

Луганога етиб келгач, кўл соҳилидаги янги меҳмонхонага жойлашдик. Теварак-атроф гулзор. Найзасимон пальма япроқлари жануб шабадасида енгил тебранади. Очиқ айвонда ёзги кўйлак кийган эркагу жувонлар мириқиб чой ичиб ўтиришипти. Айвонга туташиб кетган ойнаванд ҳовузда малла соч, дуркун бир аёл сузиб юрипти.

— Ҳамма меҳмонхоналарда ҳовуз бор, чунки кўлда чўмилиб бўлмайди. Заҳарланган, — деди Фабиан.

Меҳмонхона рўпарасидаги мовий кўл қуёш нурида жимирларди. Америкада дуч келган чолни, Эри кўли ўлди, беш йилнинг нари-берисида Шамплейн кўлининг қисмати ҳам шундай бўлади, деган қарияни эсладим.

— Швейцарияга биринчи марта келганимда, — давом этди Фабиан, — ҳар қандай кўлда, ҳатто дарёларда ҳам чўмилиш мумкин эди. Қандоқ кунларга қолдик, — хўрсинди у. — Бир шиша вино буюриб тулинг, танишимга кўнғироқ қилиб келай. Тез қайтаман.

Вино буюриб, офтоб ва илиқ кун гаштини суриб ўтирдим. Фабианнинг музокаралари осон кўчмади шекилли, у қайтиб келганида шишани яримлатиб қўйгандим.

— Ҳаммаси жойида, — деди Фабиан завқ билан, кейин ўтириб, ўзига вино куйди. — Соат олтида уйига борамиз. Дарвоқе, исми герр Штюбель. Ҳозирча у ҳақда бошқа гапирмайман.

— Ҳалиям ҳеч нарса деганингиз йўқ.

— Нотўғри фикрга бориб қолманг, дейман-да. Немисларга қарши эмасмиз ишқилиб?

— Шу пайтгача буни сезмаганман.

— Кўп америкаликларда шу нарса бор. Нима сабабдан сизни эргаштириб юрганимга таажжубланмаслиги учун, Миссурий университети санъат факультетининг профессори Граймс билан бирга бораман, дедим.

— Астаффурулло! — хитоб қилдим мен. — Санъатни тушунадиган одам бўлса, бу соҳага мутлақо алоқам йўқлигини дарров сезади-ку. — Нима учун Фабианнинг йўлда узоқ ўй суриб қолганини энди тушундим. Менга муносиб рол қидирган экан.

— Ташвишланманг, — деди Фабиан, — суратларни кўрсата бошлаши билан жиддий қиёфага кириш. Сизнинг фикрингизни сўраганимда, бир оз иккиланиб туриш. Ҳар қандай шароитда иккиланишга ўргангансиз-ку, тўғрими?

— Хўш, кейин-чи? — сўрадим жиддий оҳангда. — Иккиланиб бўлганимдан кейин нима қиламан?

— Шундай дейсиз: “Бир қарашда, муҳтарам мистер Фабиан, асл нусхага ўхшайди”. Кейин, эртага синчиклаб кўздан кечирсам яхши бўларди, деган гапни ҳам қўшиб қўйинг. Кундузги ёруғда, демоқчисиз-да гўё.

— Нима кераги бор бунинг?

— Эрталабгача асабийлашсин, — тушунтирди Фабиан. — Сал гапга кўнадиган бўлиб қолади. Бир нарса ёдингизда турсин: зинҳор завқланиб кетманг.

— Сизни учратганимдан бери мен учун бундан осони йўқ, — дедим қовоғимни солиб.

— Сизга ишонаман, Дуглас.

— Бу ўйин қанчага тушади бизга?

— Ҳамма гап шундаки, ҳеч нарсага.

— Тузукроқ тушунтиринг.

— Ҳозир вақти эмас, — деди Фабиан. — Шошилтирманг. Энг муҳими, бир-биримизга бўлган ишонч.

— Айтинг, бўлмаса бормайман.

Фабиан зарда билан бош чайқади:

— Жудаям қайсар экансиз-да. Бўпти, айтсам айта қолай. Ўша немис, герр Штюбель, баъзи сабабларга кўра уйдаги суратларнинг бир қисмини сотмоқчи. Унинг фикрича, шундай қилса, меросни тақсимлаш пайтида суднинг аралашувидан қутулиб қолармиш. Табиийки, солиқ тўламасдан сотиш ниятида. Чет элга олиб чиқиб кетиш пайтида божхона тўловларига ҳам чап бермоқчи.

— Демак, биз унинг суратларини Швейцариядан яширинча, ғайриқонуний йўл билан олиб чиқиб кетамиз, шундайми?

— Мени яхши биласиз, деб ўйловдим, Дуглас, — деди Фабиан хафа бўлиб.

— Бўлмаса, яхшироқ тушунтиринг. Харид қиламизми ёки сотамизми?

— Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Биз воситачимиз, холос. Ҳалол воситачилармиз. Жанубий Америкада бадавлат бир танишим бор...

— Яна таниш.

— Билишимча, — давом этди Фабиан, — у Уйғониш даврига оид суратларни йиғиб юради, яхши ҳақ ҳам тўлайди. Жанубий Америка мамлакатларига санъатнинг жуда кўп дурдоналари ўтиб кетган. Овруполик буюк рассомларнинг минглаб суратлари океан оша ўша ёқларга бориб қолган, бадавлат кишиларнинг кошоналаридан кўним топган, юз йилгача биров бу асарларнинг дарагини эшитмайди ҳам.

— Швейцариядан ҳеч нарсани олиб чиқиб кетмаймиз, демоқчимисиз? Лекин охири марта харитага қараганимда, Жанубий Америкада Швейцария деган мамлакатни кўрмадим.

— Пичинг қилманг, Дуглас. Сизга ярашмайди. Ўша Жанубий америкалик танишим ҳозир Сан-Морида. У ўз мамлакатининг элчиси билан қалин дўст, демак, дипломатик почта унинг хизматида. Машҳур рассомнинг ҳар битта суратига юз минг долларгача тўламоқчи. Ўртада турганимиз эвазига немисдан керакли фоизни ундириб олишимиз керак.

— Кераклиси қанча?

— Йигирма беш фоиз, — деди Фабиан. — Гўзал Швейцариянинг хушманзара жойлари бўйлаб беш соатлик саёҳат учун йигирма беш минг доллар. Бу ёққа нима сабадан келганимиз маънисига энди тушундингизми?

— Ҳа, тушундим.

— Хўмрайиб қараманг. Дарвоқе, бизга кўрсатиладиган сурат Тинторетто мўйқаламига мансуб. Санъат профессори сифатида сиз уни билишингиз шарт. Рассомнинг исмини эслаб қолдингизми?

— Тинторетто, — такрорладим мен.

— Жуда соз, — мулойим жилмайди Фабиан ва иккаламизга вино қуйди.

Герр Штюбелнинг кўл бўйидаги тошдан қурилган икки қаватли уйига етиб келганимизда қоронғи тушиб қолган эди. Дарпардалар берк бўлгани учун чироқ кўринмасди. Бино қадимги рассомлар асарларини йиғиб юрадиган одамнинг қасрига асло ўхшамасди.

— Шу уймикин? — сўрадим Фабиандан.

— Шу, — бош силкиди у моторни ўчириб. — Кеча эринмай тушунтирган.

Мошинадан тушиб, чакалакзор чорбоғ ичидан ўтган сўқмоқдан уй томон юридик. Фабиан кўнғироқ чилвирини тортди, аммо ичкарида шарпа эшитилмади. Гўё чакалаklar орасидан кимдир бизни кузатиб тургандай туюлди менга. Фабиан яна чилвирни тортди, ниҳоят, эшик гийчиллаб очилди.

— Марҳабо, — деди пешонасига жимжимадор оқ чепчик боғлаб, белига пешбоғ тутган кампир.

— Салом, синьора, — жавоб берди Фабиан остонадан ҳатлаб.

Кампир оқсоқлабини, бизни хира ёритилган залга бошлаб кирди. Деворда бирорта сурат йўқ эди.

Кейин эман оғочидан ясалган залворли эшикни очди, биз баҳайбат биллур қандил ёғду таратиб турган ошхонага кирдик. Тепакал, пахмоқ соқол, қорни осилиб тушган семиз киши хона ўртасида бизни кутиб олди. Эгнида ипдухоба камзул, калта иштон, тиззасигача тортилган қизил юнг пайпоқ йўғон болдирларига ёпишиб турарди. Орқа томонида деворга осиглиқ каттакон қорамтир сурат кўзга ташланади. Унда чақалоқ кўтарган аёл тасвирланган.

Эркак хиёл эгилиб, биз билан немисча саломлашди.

— Минг афсус, герр Штюбель, — деди Фабиан. — Профессор Граймс немисчани билмайди.

— Унда инглиз тилида гаплашаверамиз, — жавоб берди Штюбель немисча талаффузда. — Хуш келибсиз. Чарчоқ босдига озгинадан кетадими?

— Раҳмат, герр Штюбель, — жавоб берди Фабиан, — вақтимиз зиқ. Профессор Граймс соат еттида Италияга, кейин Америкага кўнғироқ қилиши керак.

Штюбель кўзларини қисиб, қафтларини бир-бирига ишқалади. Фабианнинг гапи унга ёқмади чамамда.

— Кўрсам бўладими? — дедим сурат томонга юриб.

— Марҳамат, — Штюбель ўзини четга олди.

— Суратнинг ҳужжатлари борми?

Штюбель қафтларини баттар ишқалай бошлади.

— Бор, албатта. Лекин ёнимда эмас. Уйда... Флоренцияда.

— Тушунарли, — дедим чўзиб.

— Опкелиш қийинмас, — давом этди Штюбель. — Афсус, вақтингиз зиқ экан. — У Фабиан томонга бурилди. — Жаноб ҳафтанинг охирида жўнаб кетди, дегандингиз шекилли?

— Айтсам айтгандирман, очиги, эсимда йўқ, — жавоб берди Фабиан.

— Нима бўлганда ҳам — сурат рўпарангизда. Ўзи учун ўзи жавоб беради, профессор.

Суратга яқинроқдан тикилдим, орқамда Штюбелнинг чуқур-чуқур нафас олиши эшитилиб турарди. Шеригимнинг немисни асабийлаштириш режаси юз фоиз амалга ошганга ўхшайди.

Суратни андак кўздан кечиргач, бошимни сарак-сарак қилиб, орқага ўгирилдим:

— Балки мен янглишаётгандирман, — дедим салмоқ билан, — лекин суратга бир қараган одам унинг Тинтореттоникни эмаслигини дарров сезади. Шогирдлариники бўлиши мумкин, лекин бунга ҳам шубҳам бор.

— Профессор Граймс, — мурожаат қилди менга Фабиан ранжигандай бўлиб, — сунъий ёруғликда наридан-бери кўз югуртириб, узил-кесил хулоса чиқариш ҳам тўғрмас менимча...

Немис тез-тез ва қийналиб нафас ола бошлади, суянчиқ қидириб, овқатланадиган столга ёнбошлаб олди.

— Мистер Фабиан, — дедим мен, — сиз фикримни сўрадингиз, мен жавоб бердим.

— Тўғри... — Фабиан муносиб сўз танлаб, мўйловини бураганча бир оз жим турди. — Одоб юзасидан... тагин бир синчиклаб текшириш лозим. Эртага яна келиб, кундузги ёруғда кўрамыз. Шошмаслик керак. Бунинг устига, герр Штюбелнинг ўзи айтиб турибди, ҳужжатлари бор экан.

— Ҳужжат дейсиз-а! — деди жиғи-бийрон бўлиб Штюбел, — суратнинг асл нусха эканини Беренсоннинг ўзи тан олган. Беренсон-а!..

Бу номни биринчи марта эшитаётгандим, шундай бўлса ҳам таваккал қилдим:

— Ҳаммага маълумки, Беренсон ҳозир ҳаёт эмас.

— Тириклигида айтган! — биғиллади Штюбел. Тахминим ўзини оқлади. Санъат билимдони сифатидаги обрўйим бир даража кўтарилди.

— Бошқаларнинг фикри билан ҳам танишишингиз мумкин. Истасангиз, ҳамкасбларининг рўйхатини бераман.

— Ҳамкасбларингизни бошимга ураманми?! — бақирди Штюбел. Кейин олдинга энгашиди, гўрзига ўхшаган мушти билан сопқоладими деб капалагим учиб кетди. — Асл нусхами, қалбакими — ўзимга тан. Тинтореттони жоҳил америкаликдан сўраб ўтирибман-а!

— Бу ерда қиладиган ишим қолмади, — дедим виқор билан. — Мен билан кетасизми, мистер Фабиан?

— Ҳа, албатта, — бош силкиди у, кейин бир нималар деб гўлдираб қўйди. — Кўнғироқ қиламан, герр Штюбел. Эртани келишиб оламыз, бафуржа гаплашамиз.

— Ўзингиз келинг, — тўнғиллади немис. Сўнг ошхона эшигини очиб, бизни ним қоронғи залга йўллади.

Жимжимадор чепчикли кампир эшик орқасида турар, афтидан, ҳамма гапимизни эшитганди. У чурқ этмай, бизни кўчагача кузатиб қўйди. Хўжайини билан суҳбатимиздан ҳеч нарсани англамаган бўлса-да, турқи-тароватимиздан ҳамда бу қадар тез чиқиб кетаётганимиздан кўнгли нохуш бир нарсани сезган бўлиши мумкин.

Мошинага ўтиришим билан Фабиан эшикни қарсиллатиб ёпди, лекин ўзи томондаги эшикнинг ёпилгани сезилмади ҳам. Индамай моторни ўт олдириб, газни шаҳд билан босди. Йўлнинг кўлга буриладиган қисмигача иккаламиз ҳам миқ этмадик. Ўша ерда мошинани тўхтатиб, менга бурилди:

— Нима қилиб қўйдингиз? — деди у иложи борича ўзини вазмин тутишга тиришиб.

— Нима қипман? — сўрадим бепарвогина.

— Нега суратнинг қалбакилиги ҳақида сўз очдингиз?

— Ўша тўнғизга ўхшаган немисингиз менга ёқмади.

— Ёқмаганмиш! Ёқмади деб, йигирма беш мингдан жудо бўлишимиз керакми?!

— Герр Штюбелингиз қип-қизил қаллоб!

— Ўзимиз-чи? Авлиёмизми?

— Биз тасодифан фирибгар бўлиб қолганмиз, — дедим иккиюзламалик қилиб. — Немисингиз эса уччига чиққан мутгаҳам. Башараси айтиб турипти.

— Бир кўрган одамингиз ҳақида шунақа дейсизми? Мен у билан олдин ҳам иш қилганман, ҳеч қачон панд бермаган. Бу гал ҳам улушимизни олмасдан қўймаймиз.

— Оламизу турмага тушамиз.

— Нима учун? Сурат харид қилиш, ҳатто у қалбаки бўлса ҳам, жиноят саналмайди. Одамларнинг бир хислати ёқмайди менга, Дуглас, юзингизга айтиб қўя қоламан, бу — қўрқоқлик. Немис тўғри гапирди. Ахборотингиз учун, Миссурий университетининг профессори Граймс, ўша сурат ҳақиқатан ҳам Тинтореттонинг асари.

— Хўп. Сурат харид қилиш, ҳатто у қалбаки бўлса ҳам, жиноят саналмас экан. Лекин ўғирланган суратнинг олди-сотдисидида иштирок этиш-чи?

— Ўғирланганини қаяқдан биласиз? — сўради Фабиан жаҳл билан.

— Сезиб турибман. Сиз ҳам сезяпсиз.

— Мен беҳабарман.

— Ўзидан сўрадингизми?

— Нега сўрайман? Менга бунинг алоқаси йўқ. Сизга ҳам. Билмаган нарса-миз учун жавоб бермаймиз. Майли, ўйиндан чиқмоқчи бўлсангиз, ихтиёр ўзингизда. Лекин мен кўнғироқ қилиб, эртага суратни олиб кетаман, дейман.

— Агар шу ишга қўл урсангиз, — жавоб бердим совуққонлик билан, — полицияга кўнғироқ қиламан. Икковингларни ҳам жиноят устида ушлашади.

Фабиан анграйиб қолди.

— Ҳазиллашяпсизми?

— Асло. Мурданинг пулини олганимдан буён нимаики иш қилган бўлсам, бари қонуний ёки деярли қонуний. Сиз билан бирга қилган ишларим ҳам. Балки менинг ҳам айбим бордир, лекин ашаддий жиноятчи эмасман. Мени фақат солиқ тўламаганликда айбашлария мумкин. Бинобарин, қандайдир хуфья ишлар учун қамокда ўтириш ниятим йўқ. У кулоғингиз билан ҳам, бу кулоғингиз билан ҳам эшитиб олинг.

— Агар суратнинг ўғирланмаганини исбот этсам-чи?

— Исбот этолмайсиз, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз.

Фабиан чуқур хўрсиниб, моторни юргизди.

— Бари бир Штубелга кўнғироқ қилиб, эрталаб соат ўнда боришимни айтаман.

— Полиция изингиздан боради.

— Гапингизга ишонмайман, — қўл силтади Фабиан.

— Ишонинг, Майлс. Ҳазиллашаётганим йўқ.

Йўлда бошқа гаплашмадик. Меҳмонхонага етиб келгач, Фабиан кўнғироқ қилгани кетди, мен қаҳвахонага бурилдим. Қадаҳни иккинчи марта бўшатиб бўлганимда Фабиан кириб келди. Кўриниши жиддий эди. Ёнимга ўтириб, барменга қичқирди:

— Бир шиша Моэт ва Шандон. Иккита бокал, — Фабиан қаҳвахона хизматчиси бокалларни шампанга тўлдиргунча кутиб турди, сўнг қадаҳини кўтариб, менга юзланди: — Дўстлигимиз учун, — деди у жилмайиб. — Немис билан гапашолмадим.

— Яхши бўпти, — жавоб бердим унга. — Мен ҳам полицияга кўнғироқ қилганим йўқ.

— Ҳалиги кампир билан сўзлашдим, — давом этди Фабиан. — Йиғлаб-йиғлаб гапириб берди: биз жўнаб кетганимиздан кейин ўн минут ўтгач, полиция хўжайинни Тинтореттонинг суратига қўшиб олиб кетипти. Сурат бир ярим йил муқаддам хусусий коллекциядан ўғирланган экан, — Фабиан хахолаб кулди. — Сизни Луганога бекорга олиб бормаганман-да, муҳтарам профессор Граймс.

Уриштирдик, Фабиан яна қийқириб кулди, қаҳвахонада ўтирганлар унга ўгирилиб қарай бошлашди.

## Ўн олтинчи боб

Луганодаги ишимиз барбод бўлгач, эртасига эрталаб яшил “ягуар”имизда Гштаадга жўнадик. Бу гал рулга мен ўтирдим, машина Цюрих-Берн йўлининг икки томонида ястаниб ётган қорли чўққилар ва сон-саноксиз тепаликлар ора-лаб, чарақлаган офтоб остида қушдай учиб борарди. Фабиан ёнимда ўтирар ва бир неча кун аввал ўзи мени олиб борган Брамс концертидан аллақандай куйни хиргойи қиларди. Баъзан ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ мушукка ўхшаб пишиллаб кўяди. Эҳтимол, иши юришмаган герр Штубелни ўйлаётгандир ёки унинг Лугано турмасидаги аҳволини кўз олдига келтираётгандир. Ким билади.

Биз бир талай кичик-кичик шаҳарчалар, шоҳмот тахтасидай чорқирра экинзорлар, илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалувчи ўлканинг деҳқончилик анъана-

ларини кўз-кўз қилиб турган, катта-катта хўжалик бинолари мавжуд серҳосил далалар ёнидан ўтдик. Инсонни азизу мукаррам этган, ноз-неъматга бой, серунум тупроқ. Бетакрор манзара, осуда ҳаёт — бу ерда саф тортган қўшин ёки тўда-тўда қочоқларни тасаввур этиш қийин — ҳар қандай тўс-тўпалон ва югур-югур бу жойларга ёт. Ё алҳазар, ўйлайман ўзимча, аҳён-аҳён рўпарамизда пайдо бўлиб, чорраҳаларда одоб билан йўл кўрсатиб турган полициячилар яп-янги яшил “Ягуар” ичида кимлар ўтирганини билишганда, аллақачон бизни ҳибсга олиб, мамлакатдан чиқазиб юборишарди.

Рухим тетик, кайфим чоғ. Эркин нафас оляпман. Бир кунга бўлса ҳам Фабианнинг қўл-оёғи боғлиқ, бинобарин, пулимиздан кўнглим тўқ. Илгари Фабиан телефон-автомат ёки бирорта банк олдида тўхтаса саросимага тушиб, шайтонлаб қолай дердим. Бугун эрталаб сельтер сувини ҳам ичмадим, иштаҳам карнай. Бунинг устига, Фабиан Берндаги ўзи ёқтирадиган қайсидир ресторанда мени антиқа таом билан сийламоқчи.

Одатдагидай, машинанинг бир текис юришидан икки соним ораси қизиётганини сездим ва Флоренцияда Лили билан кечган туннинг энг жозибали онларини хаёлимдан ўтказдим, сўнг Юнис билан бўладиган учрашувни, унинг ўзига ярашиб турган сепкиллари, ҳазин овози, нозик бўйни ва тирсиллаган кўксини кўз олдимга келтирдим. Агар ҳозир Фабианнинг ўрнида Юнис ўтирганнида машинани шартта бошқа йўлга буриб, бирорта меҳмонхонадан бир кунга ижарага жой олган бўлардим. Майли, сабр қилсанг гўрадин ҳалво битур. Шундай дедиму газни янада қаттиқроқ босдим.

Йўл четидаги қор босган чўққиларга қараб, яна чанғи эсимга тушиб кетди. Цюрихдаги югур-югур ва ҳар турли банкир ва ҳуқуқшунослар билан мен учун ғайритабиий бўлган музокаралар шу қадар жонимга теккандики, мана энди мусаффо тоғ ҳавоси ва чарақлаган офтоб оҳанграбоддай ўзига чорларди.

— Гштаадда сира чанғи учганмисиз? — деб қолди кутилмаганда Фабиан. Афтидан, унинг кўнглидан ҳам меникига ўхшаган ўйлар кечган шекилли.

— Йўқ, — жавоб бердим унга. — Мен фақат икки жойда: Вермонт билан Сан-Морицда чанғи учганман. Эшитишимча, Гштаадда чанғи йўллари унчалик хатарли эмас.

— Лекин бемалол майиб бўлиш мумкин, — деди кулиб Фабиан.

— Сингилларимиз нима қилишаётганикин?

— О, инглизларни биласиз-ку. Чўққига худди душман қалъасини ишғол этаётгандай ташланишади. Ҳали сиз ҳам роса терлаб-пишасиз. Улар сизга миссис Слоун эмас.

— Кўйинг, эслатманг, — дедим ёлвориб.

— Э, ёқмадимми? — сўз қотди Фабиан кувлик билан.

— Шунақароқ.

— Ўша билан етаклашиб юрганингизга ҳайрон бўлардим. Сизга муносиб эмаслиги бир қарашдаёқ сезиларди.

— Тўғри, — дарров бўйнимга олдим. — Ҳаммаси сиз туфайли.

— Нима учун? — таажжубланди Фабиан.

— Сизни Слоун деб ўйлаганман.

— Йўғ-э?

— Чамадонимни ўша одам ўғирлаганига чиппа-чин ишонгандим, — шундай деб, жигарранг ботинка билан қизил галстук ҳақида гапириб бердим.

— Вой, шўрлиг-ей, — деди Фабиан ачиниб. — Сиз миссис Слоунга қисқа умрнинг бир ҳафтасини сарфлагингиз. Гуноҳимни энди сезяпман. Қулоғингизнинг орқасига тилининг учини теккизармиди?

— Шунақаси ҳам бўлган, — иқрор бўлдим мен.

— Мен буни уч кеча бошдан кечирганман. Ўтган йили. Слоуннинг чамадонга алоқаси йўқлигини қандай аниқлагингиз?

— Бошқа пайт гапириб бераман.

Слоун мени ҳашаматли хонасида оёғимда гипс, қўлимда ўзининг ботинкаси билан ушлаб олганини эслаб, бу мудҳиш сирни ҳеч кимга ошкор этмасликка аҳд қилдим. Ботинкам билан миссис Слоун совға қилган соатни деразадан улоқтириб юборгани-чи... Бай-бай-бай-бай... Этим жунжикиб кетди.



— Шунақа денг? — Фабианнинг қовоғи осилди. — Ахир биз шерикмиз-ку.  
— Тўғри. Вақт-соати етганда билиб оласиз, — дедим мен. — Кулгини соғинган пайтимизда.

— Унда кўп кутмас эканман.

“Ягуар” хушманзара қарағайзор оралаб ўтган силлиқ йўлдан учиб борарди.

— Дарвоқе, Дуглас, — деб қолди Фабиан. — Америкада қариндош-уруғларингиз борми?

Жавоб беришга шошилмадим. Аввал негадир Пэтни эсладим, кейин Эвелин Коутс, акам Хэнк, Шамплейн кўли, Верментдаги тоғ ёнбағирлари ва ҳатто 602-хона ҳаёлимдан ўтди. Жереми Хейл билан мисс Шварц ҳам четда қолмади.

— Очигини айтсам, йўқ, — жавоб бердим ниҳоят. — Нима учун сўраяпсиз?

— Юнис сўраган эди.

— Юнис? — Энди мен ажабландим. — Бир ерим ёқмаптимми?

— Унақамас. Ўзингиз ҳам ҳаддан ташқари камгап, ичимдантопсиз-да.

— Мендан шикоят қилдимми?

— Йўқ. Лили айтди. Юнис ҳайрон бўляпти, деди. Тўғри-да, ҳамма ишини йиғиштириб, Англиядан етиб келса-ю...

Фабиан елкасини қисди.

— Нимани назарда тутаётганимни сезиб турибсиз, албатта.

— Ҳа, сезяпман, — дедим хижолат бўлиб.

— Умуман қизлар сизга ёқади, шунақамасми, Дуглас?

— О, бўлмасан-чи! — Мен Сан-Диегода ҳалигидақа йигитларга радиоэширтириш олиб борадиган укамни эслаб, муюлишда рулни қаттиқроқ буриб юборган эдим, ағдарилиб кетишимизга сал қолди.

— Хафа бўлманг, ҳазиллашдим. Шу кунда бунақа воқеалар тез-тез учраб туради. Лекин ўзи маъқулми сизга?

— Маъқул! Менга қаранг, Майлс, — дедим сал қизишиб, — шерикликка шерикмиз, лекин шартномада мени насл қолдирадиган айғир сифатида фойдаланиш кўзда тутилмаган.

— Тилингиз чатоқ-да! — Фабиан ҳиҳилади. — Ростини айтсам, узоқ йиллар давомида мен ҳам бу вазифани кўп маротаба бажарганман.

— Қизиқ-да, Майлс, — ўзимни оқлашга уриндим, — у қиз билан танишганимга атиги бир йили кам бир ҳафта бўлди.

Шундай дедим-у, тилимни тишладим. Флоренцияда Лилининг хонасида ётганимда танишганимизга бир неча соат ҳам бўлмаганди. Эвелин Коутсни-ку айтмай қўя қолай...

— Тўғриси, буюртма бўйича ўйнашлик қилиш қўлимдан келмайди, — яна севган баҳонамни ишга солдим: — Эҳтимол, тарбиям сизникидан бошқачароқ бўлгандир.

— Қўйсангиз-чи, — деди Фабиан хайрихоҳ оҳангда. — Нима бўлганда ҳам Лоуэлл Скрантондан унчалик фарқ қилмасди.

— Мени шу даражада лақма деб ўйлаяпсизми, Майлс? — жавоб бердим жеркиниб. — Лоуэллда сизнинг изингизни кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмайди.

— Балки ҳайрон бўларсиз, Дуглас, — деди Фабиан яна мулойимлик билан. — Сизга қаттиқ боғланиб қолдим, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — кейинги кунларда фақат сизнинг манфаатингизни ўйлаб иш қиляпман.

— Ишонмайман.

— Иккаламининг манфаатларимиз мос келган тақдирда-чи?

— Бу бошқа гап, — жавоб бердим мен. — Лекин айрим истиснолари ҳам йўқ эмас. Хуллас, нима демоқчисиз?

— Демоқчиманки, ақлни йиғиштириб оладиган пайтингиз келди, — у бу сўзларни шунақаям жиддий оҳангда айтдики, гуё йиллаб ўйлаб юрган режасини мана энди амалга оширишга аҳд қилган кишига ўхшарди.

— Анови манзарага бир қаранг! — хитоб қилдим мен.

— Ҳазиллашаётганим йўқ. Гапимни бўлмай, охиригача эшитинг. Ўттиз учга чиқдингиз, тўғрими?

— Ҳа.

— Демак, бир-икки йил орасида оила қуришингизга тўғри келади.

— Нима учун?

— Чунки таомили шунақа. Қолаверса, келишган йигитсиз. Ҳадемай бадавлат йигит сифатида элга таниласиз. Бирорта қиз сизни ўзиники қилиб олиш ҳаракатига тушади ва ниятига эришади ҳам. Ундан ташқари, ёлғизлик жонимга тегди, дегандингиз. Иннайкейин, фарзанд кўришни хоҳлаб қоласиз. Ё гапим нотўғрими?

Бирдан Вашингтонда, Жереми Хейлнинг уйида қизчаси қўнғироқдай овози билан отасини телефонга чақирганда қўнғлимдан кечган ўйлар ёдимга тушди.

— Тўғри гапиряпсиз.

— Ҳа, баракалла. Ниятим шуки, баъзи валакисалангларга ўхшаб, тасодифни кутманг. Тақдирингизни қўлингизга олинг.

— Қандай қилиб? Балки келинни ўзингиз топиб, никоҳ шартномасини муҳрлаб берарсиз? Буюк Лоуэлл князлигида ҳозир шундай қилишяпти.

— Кулинг, кулинг, — деди Фабиан бошини силкитиб. — Нозик жойингизга тегдим-да, шунинг учун кечираман.

— Менга қаранг, Майлс, намунча осмондан келасиз?

Бу гапимга заррача парво қилмади.

— Ёдингизда бўлсин — тақдирни қўлга олинг. Ҳамма гап мана шунда.

— Ўзингиз бадавлат қизга уйлангансиз, лекин охири вой бўлган, тўғрими? — эслатдим алаимни олиб.

— Ёш эдим, очкўз эдим, — хўрсинди у. — Бунинг устига, ёнимда тўғри йўлга соладиган маслаҳатгўйим йўқ эди. Инжиқ хотинга йўлиқдим — пулдор ота-онаси қизни расво қилган экан. Хатоимни такрорламаслигингиз учун ҳамма нарсага тайёрман. Қизини одобли, ўқимишли, бунинг устига, пулга муҳтожмас йигитга беришни орзу қиладиган ўзига тўқ ота-оналар озмунча дейсизми! Масалан, сизга ўхшаган куёвни орзу қиладиганлар. Бойвучча қизни ҳам камбағал қизни севгандай яхши кўриб қолиш мумкин, дейишади-ку.

— Сиздай бой бўлиб кетишнинг нима кераги бор менга?

— Хавфсизликни таъминлаш учун, — деди Фабиан. — Мен ҳам ҳар хил вазиятга тушиб қолишим мумкин-ку. Тўғри, ҳозир пулимиз бор. Ҳар ҳолда сиз шундай фикрдасиз, лекин мен бундан ҳам кўпроқ бўлишини хоҳлайман. Ҳақиқий бойлар олдида ҳали биз қашшоқмиз, Дуглас.

— Ҳечқиси йўқ, омадингиз чопишига ишонаман, — тасалли бердим унга андак истеҳзо билан. — Сиз бор экансиз — кўчада қолмаймиз.

— Қанийди менда ҳам сиздаги ишонч бўлса, — уҳ тортди Фабиан. — Лекин бу ёғини ёлғиз оллоҳнинг ўзи билади. Пул қўлнинг кири. Келади-кетади. Биз тўнтаришлар, тинимсиз ўзгаришлар даврида яшаймиз. Балки ҳозирги пайт бўрон арафасидаги омонат сукунатдир. Шунинг учун эҳтиёт чораларини кўриб қўймасак бўлмайди. Бунинг устига, сизнинг озгина қўй мижозлигингиз бор. Қўлга тушгунча яна қанча ўйнаб-кулиб юришингиз мумкин? Ҳар дақиқада бирорта бадбашара кимса юз минг долларлик тўлов қоғозини қўлингизга тутқиши ҳеч гапмас. Тўлашга мажбурсиз-да, тўғрими?

— Тўғри.

— Ҳа, баракалла. Яхши оиладан чиққан хушрўйгина хотинча бундай пайтда тенги йўқ ниқоб бўлади. Шундай одобли, эғнига гард юқтирмайдиган, вақтини жамиятнинг энг сара давраларида ўтказадйган ҳамда инглиз зодагонлари сулоласини давом эттирувчи қизга уйланган йигит ўзининг беқийёс парвозини Нью-Йоркдаги бадбўй меҳмонхонада жон берган мурданинг пулини ўмаришдан бошлагани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Тўғри гапиряпманми?

— Уроқдан ҳам тўғри, — жавоб бердим энсам қотиб. — Лекин бунинг сизга нима дахли бор? Умумий манфаатларимиз тўғрисида гапирётган эдингиз-ку. Ёки хотинимнинг сепидан чўтал олишни мўлжаллаяпсизми?

— Э-э, қанақа беадаб йигитсиз, — Фабиан бош чайқаб, таъна билан қараб қўйди. — Агар мен айтгандай бўлса, ҳамкорлигимизга ҳеч нарса хавф солмайди. Хотинингизни молиявий ишлардан халос этсангиз, фақат хурсанд бўлади. Аёлларнинг табиатини яхши биламан. Хотинингизга унинг ҳисоб-китоб ишларини ҳар турли даллолар, васийлар ва банк хизматчилари юрғизганидан кўра сиз қилганингиз маъқул.

— Сизга мана шуниси керак?

— Топдингиз. — Фабиан менга худди қимматбаҳо совға топширгандай, оғзи кулоғига етди. — Эски шартларда шерик бўлиб қолаверамиз. Сиз қўйган ҳар қандай сармоя ўзингизники, даромад эса ўртада. Оддий ва бегидир. Маблағни қандай ишлатишимни кўрдингиз.

— Ҳа, бу ёғини қотирасиз.

— Эшагига яраша тушови, — деди Фабиан. — Менимча, хотинингиз билан тил топишиб кетасизлар.

— Бу хотинга боғлиқ.

— Йўқ, сизга боғлиқ, Дуглас. Фақат сизни севадиган, сизга ишонадиган, сизга беҳад садоқатли оқила қизни танлашингиз керак.

— Фазилатларимни ошириб юбордингиз, Майлс, — жавоб бердим, аёллар билан қилган номаъқул ишларимни эслаб.

— Жудаям камтарсиз, биродар, буни илгари ҳам айтганман.

— Қачонлардир Огайо штатининг Колумбус шаҳридаги бир рестораннынг официантқасига кўнгил қўйган эдим. Уч ой орқасидан эргашиб юрдим, у ёқ-бу ёққа олиб бордим, оқибати шу бўлдики, кинога тушганимизда бир мартагина қўлини ушлатди, холос.

— Парво қилманг, Дуглас, — тасалли берди Фабиан. — Ҳозир баҳонгиз ошиб кетган. Энди сиз танишадиган аёллар атрофида нуқул ўрта ёшдаги пулдор эркеклар айланишади, улар кечасию кундузи сармояларини кўпайтириш билан овора, аёлларнинг кўнглини олишга вақтлари йўқ. Тўғри, уларнинг орасида ҳам заифаларга эътибор берадиганлари учраб туради, лекин бунақа эркеклар ҳам куруқ гапдан нарига ўтишмайди. Ёки молиявий ишларини битириб олиш пайдидан бўлишади. Колумбуслик официантқангиз ўша эркекларнинг бирортаси билан ҳатто кинотеатрнинг остонасидан ҳатлаб ўтолмайди. Сиз қўшиладиган давралардаги ёши қирққа етмаган, ўзига тўқ, маданиятли ва аёллардан ўзини олиб қочмайдиган ҳар бир эркекнинг ошиғи олчи. Сиз одатдагидай ўзингизни табиий тутсангиз бас — аёл зотини сеҳрлаб қўясиз. Гапимга ишонаверинг. Озгина чиқимдор бўлсангиз ҳам ҳечқиси йўқ. Тўйда шофёрлик қилишга мени таклиф этишни унутмайсиз, деган умиддаман.

— Ҳамма жиҳатларини кесиб-бичиб қўйибсиз шекилли.

— Албатта, — жавоб берди Фабиан, — сиз ҳам бир неча юришни олдиндан ҳисоблаб қўйишни ўрганишингиз керак. Мен “ҳисоб-китоб” деган сўзнинг салбий маънода ишлатилишига қаршиман. Майли, мактаб ўқувчилари билан ҳарбийга қақирилувчилар хаёлпараст бўлаверишсин. Сизга тўғри келмайди, Дуглас.

— Ахир, бу... ахлоқсизлик-ку, — дедим сабрим чидамай.

— Шу сўзни ишлатмайсиз, деб ўйлаган эдим, — уҳ тортди Фабиан. — “Муқаддас Августин” меҳмонхонасидан пулни ўмариб, куённи сурворганингизни юксақ ахлоқ намунаси, деб ҳисоблайсизми?

— Йўқ.

— Яшанг. Ёки мен чамадондаги пулни кўриб олийжаноблик қилдимми?

— Йўқ, албатта.

— Отангизга балли. Ахлоқ бир бутун тушунча. Уни қовундай кесиб-кесиб, ликопчаларга тақсимлаб бўлмайди. Ҳақиқатнинг кўзига тик қарашимиз керак, Дуглас. Ахир герр Штубель масаласида зинҳор ахлоққа суянмагансиз, фақат ўша одам билан бир камерага тушиб қолмаслик ҳақида ўйлагансиз, шундай эмасми?

— Сиздан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, — дедим ноилож.

— Шуни тан олганингизга ҳам раҳмат, — жилмайди Фабиан. — Яна такрорлаганим учун кечиринг, мен сизнинг манфаатингизни ўйлаяпман. Чунки сизнинг манфаатингиз — менинг манфаатим. Баъзан келажакдаги ҳаётимиз қандай бўлишини кўз олдимга келтириб, энтикиб кетаман. Ҳар қандай шароитда ҳам бир-биримизга суянишимиз зарур. Фикримга қўшиласизми?

— Ҳа.

— Луганодаги англашилмовчиликни истисно қилганда, ҳамма вақт гапимиз бир жойдан чиққан.

— Тўғри.

Унинг дастидан сельтер суви ичишга мажбур бўлганимни писанда қилмай кўя қолдим.

— Сезиб турибман, бунақа ҳаёт эртами-кечми кўнгилга уради. Чамадон кўтариб, меҳмонхонама-меҳмонхона кўчиб юриш — улар қанчалик жозибали бўлмасин — ҳар қандай одамнинг жонига тегади. Ўз уйинг, ўлан тўшагинг кутаётган тақдирдагина саёҳатлар чинакам қувонч бахш этади. Ҳатто сизнинг ёшингизда ҳам...

— Ёш бола эмасман-ку, — дедим гашим келиб.

Фабиан кулиб юборди.

— Сиркангиз сув кўтармайди-да! Начора — сизнинг ёшингизга ҳавас қиламан. — Унинг нигоҳи жиддийлашди. — Бир ҳисобда, ёшдаги фарқдан иккаламиз ҳам ютамиз. Агар тенгқур бўлганимизда дўстлигимиз узоққа чўзилмасди. Рақобатлашардик, феъл-атворимиздаги тафовут ҳам таъсир этмай қолмасди. Сиздаги қизиққонлик билан мендаги тажриба посангини бараварлаштириб турди.

— Қанақа қизиққонлик? — Яна жаҳлим чиқиб кетди. — Фирибгарлигингиз баъзан одамни қонига ташна қилиб юборди.

Фабиан яна хахолади:

— Бу гапингизни мақтов ўрнида қабул қиламан. Дарвоқе, Лили билан Юнис тирикчилик учун пулни қандай топаётганингизни сўраб-суриштиришмадими?

— Йўқ.

— Сингилларимиз зўр. Ҳақиқий хонимлар. Бошқа одам-чи, қизиқмадими? Меҳмонхонадаги воқеадан кейин, албатта?

— Бир аёл сўрагандай бўлувди. Вашингтонда.

Сезган бўлсангиз, беқиёс Эвелин Коутсни назарда тутдим.

— Нима деб жавоб бердингиз?

— Анча-мунча пул мерос қолган, дедим.

— Боплабсиз. Мабодо Гштаада ҳам шу гап очилиб қолса, яна меросни рўқач қилиб тураверасиз. Кейинчалик бошқа нарса ўйлаб топамиз. Масалан, сиз реклама агентсиз. Бу касбда ишлайдиганлар қанча пул топишини ҳеч ким билмайди. Марказий Резведка Бошқармаси агентлари ёқтирадиган ниқоб. Бунинг устига, ҳар қандай даврада сизни хотиржам қабул қилишади. Кўринишингиз шунақа беғуборки, сўзларингизга шубҳа қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

— Сизнинг кўринишингиз-чи? Биз ҳар доим бирга юрамиз-ку.

— Меникими? — Фабиан ўйланиб қолди. — Баъзан соатлаб кўзгуга тикиламан. Ўзимга бино кўйганимданмас. Ишонинг. Кўнглимни тинчитиш учун шундай қиламан. Тўғриси, четдан қандай таассурот қолдиришимни ҳалигача билмайман.

— Шафтолиқоқига ўхшайсиз.

Фабиан оғир хўрсинди.

— Баъзан, Дуглас, — деди у, — бу қадар юзгачопар бўлмаган маъқул.

— Ўзингиз сўрадингиз-ку.

— Нима қипти? Жавоб бермаслигингиз мумкин эди, — тўнғиллади у. — Бошқа сўрамайман.

Бир оз жим тургач, қўшиб қўйди:

— Кейинги йилларда ўзимни ишни йиғиштириб қўйган инглиз фермеридай тутишга ҳаракат қилдим. Гапингизга қараганда, уддасидан чиқмабман.

— Кекса инглиз фермерларининг кўриниши қанақалигини билмайман. Улар “Муқаддас Августин”га кам келишарди.

— Лекин америкалик эканимни пайқамадингиз?

— Йўқ.

— Шунисига ҳам шукур. — Фабиан мўйловини силади. — Англияда яшашни сира орзу қилганмисиз?

— Йўқ. Умуман бошқа жойда яшаш хаёлимга келмаган. Кўзимдан ишқал топишмаганда Вермонтдан ҳеч қаёққа жилмасдим. Нима учун сўраяпсиз?

— Кўпчилик америкаликларга Англия ёқади. Айниқса, Лондон атрофлари. У ерлар тинч, урди-сурди йўқ, аҳолиси хушмуомала. Дали-ғули одамларни бошларига кўтаришади. Донғи кетган театрлар. Агар пойга ёки балиқ овини ёқтирсангиз...

— Пойга жон-дилим. Айниқса, “Тунги орзу”нинг ғалабасидан кейин.

— Бебаҳо от. Лекин мен фақат пойгани назарда тутаётганим йўқ. Масалан, Юниснинг отаси ҳафтасига уч марта отда ов мусобақасини уюштиради.

— Нима қипти?

— Лондондан атиги бир соатлик йўл нарида ажойиб ерлари бор...

— Нимага шама қилаётганингизни пайқадим. — Фабианнинг гапини бўлдим.

— Йўқ. Юнис батамом мустақил қиз.

— Ишониш қийин-ов...

— Мен ишонаман, — давом этди Фабиан. — Жудаям бамаъни қиз. Опасининг даврасида тортиниб туради, лекин ҳаётда хушчақчақ, куйди-пишди...

— Уч кун мобайнида менга бошини кўтариб қарамади-ю...

— Ҳечқиси йўқ, қарайди. Ҳамма нарсанинг вақт-соати бор.

“Ягуар”да қарағайзор ичидаги хушманзара йўлдан ўтаётганимизда Юнисни эслаб, қандай хаёлларга борганимни Фабианга айтмадим.

— Шунинг учун ҳам Лилидан, Юнисни чақирсак бўлмасмикин, деб сўраган экансиз-да?

— Худо кўнглимга солган-да, — деди Фабиан. — Ўша пайтда.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир таклифимни яхшилаб ўйлаб кўришингизни маслаҳат бераман. Шошманг. Ҳамма жиҳатларини тарозига солиб кўринг.

— Лили нима деркин?

— Гап-сўзларига қараганда, маъқуллайди. — Фабиан бирдан кафтларини қарсиллатди. Бернга яқинлашиб қолгандик. — Бу мавзуга нуқта қўйиб турайлик. Вақтинча. У ёғи бир гап бўлар.

Фабиан мошина эшиги чўнтагидан автомобиль йўллари харитасини олиб, диққат билан кўздан кечира бошлади, илгари сира бундай қилмасди, ҳамма йўлларни беш қўлидай биларди.

— Дарвоқе, — деб қолди у шунчаки сўрагандай. — Ўша куни кечқурун Прицилла Дин сизга ҳам телефон рақамини бибелиска тиқиштирганмиди?

— “Сизга ҳам” деганингиз нимаси?

— У телефон рақами ёзилган қоғозни бировга сездирмасдан қўлимга қистирувди. Мен ҳам анойи эмасман. Шунча одамнинг ичидан фақат мени танлаганига ишонмадим. Аммо-лекин халқпарвар қиз-да. Ҳақиқий америкалик.

— Ҳа, менга ҳам берувди, — иқрор бўлдим мен.

— Фойдаландингизми?

Мен гўшақдан эшитилган қисқа-қисқа гудукни эсладим.

— Йўқ, улгурмадим.

— Омадингиз бор экан, — деди Фабиан. — У марокашлик йигитга сўзак юқтирипти. Кейинги муолишда ўннга бурилиг. Беш минутдан кейин ресторанда бўламиз. У ердаги мартини ер юзида йўқ. Бир-икки стакандан урамиз. Ҳеч бўлмаса, сиз ичасиз. Тушликка вино ҳам олиб кетамиз. Тушдан кейин рулга мен ўтираман.

## Ўн еттинчи боб

Гштаадга қош қорайганда етиб келдик. Қор ёғарди. Тепаликларга сочилган, швейцарча услубда қурилган бежирим уйларнинг чироқлари эндигина ёқилганди; дераза пардалари орасидан йилтираб турган нур ҳарорат ва шинамлик ваъда қилиб, ўзига чорлаётганга ўхшарди. Қор палагига ўралган шаҳарча ғира-шира қоронғиликда ажойиб чирой касб этганди. Бирдан қадрдон Бермонт штатининг қорли тоғ ёнбағирлари ёдимга тушиб, вужудимни чидаб бўлмас соғинч ҳисси чулғаб олди.

Шаҳарнинг шоҳ кўчасидан секин юриб борарканмиз, ширинликлар дўконидан бир тўда ялтироқ камзул ва жинси кийган ёш-яланг отилиб чиқди. Бир зумда ҳамма ёқни шодон қаҳқаҳа ва қўнғироқдай овозлар жаранги тутиб кетди: улар жўшиб-тошиб ниманидир муҳокама қилишарди. Ҳозирнинг ўзида қиёмли неча пуд пирожнийнинг чангини чиқазишдийкин!

— Бу шаҳар ҳар доим ёшлар билан гавжум, — тушунтирди Фабиан, мошинани болалар орасидан ўрмалагандай ҳайдаб ўтаркан. — Шаҳарнинг ўзига хос фазилати шу. Бу ерда уч-тўртта байналмилал мактаб бор. Чанғи курортида ёшлар кўпроқ бўлгани маъқул. Улар спортга зеб бериб туришади. Эртага эрталаб тоғ ёнбағирлари ёшларга тўлиб кетганини кўриб, мактабда ўқиб юрган йилларингизни эслайсиз.

Мошина сирпанчиқ илонизи йўлдан қийналиб юқорига кўтарила бошлади. Шаҳарнинг шундоққина биқинида қад кериб турган чўққи тепасида эски қалъани эслатувчи салобатли меҳмонхона бор эди. Лекин ичи ҳам, ташқариси ҳам унчалик озода ва саришта эмас.

— Гштаад нукул Сан-Морицга ўхшагиси келади, аммо уддасидан чиқолмайди, деган ҳазил юради, — деди Фабиан.

— Менга жудаям ёқди, — жавоб бердим унга. Сан-Морицни эслашни ҳам хоҳламасдим.

Биз қайд дафтарига имзо чекдик. Ҳар вақтдагидай дарбоннинг ҳужрасида Фабианни дарров таниб, типирчилаб қолишди. У ҳамма билан саломлашавериб, зериктирворди.

— Хонимлар хат қолдиришган, — деди дарбон. — Ўзлари қаҳвахонада ўтиришипти.

— Кутилмаган хушхабар, — жилмайди Фабиан.

Улкан зал ним қоронғи бўлишига қарамай, олис бурчақда ўтирган Лили билан Юнисни дарров илғадим. Улар чанғи кийимида бешта эркак даврасида ўтиришарди. Столда беҳисоб шампан шишалари. Лили бир нарсани жўшиб ҳикоя қилар, атрофидагилар хахолаб кулишар, бошқа столдаги мижозлар улар томон бурилиб қарашарди.

Даврага кўшилсакмикин-йўқмикин, деган андиша билан остонада бир оз туриб қолдим.

— Вақтни беҳуда ўтказишмайди, а? — дедим Фабианга.

— Бунга ҳеч қачон шубҳа қилмаганман, — жавоб берди у одатдаги совуқ-қонлик билан.

— Хонамга чиқиб ваннага тушай, — дедим мен. — Овқатга кетаётганингизда қўнғироқ қиларсиз.

— Вой, кўрқоқвой-эй, — кулди Фабиан.

— Қани, ботирлигингизни бир кўриб қўяй, — дейишимни биламан, ҳалиги эркаклар яна хахолашди, Фабиан ўша томонга қараб юрди.

Вестибюлдан ўтаётганимда кегли ўйинидан қайтган бир тўда ёш-яланг ёпирилиб кирди. Фала-говур ичидан инглизча ва французча сўзлар эшитиларди. Успиринларнинг сочи елкасига тушади, баъзилари соқол қўйворган, ваҳоланки энг каттасининг ёши ўн еттидан ошган эмас.

Тўдадаги кўҳлигина бир қиз негадир менга тикилиб қолди. Тўзғиб кетган узун малла сочлари пуштиранг юзини деярли қоплаб олган. Гулдор жинсиси бели ва сонларини кучиб турипти. Қиз сочини аллақандай ноз билан орқага силкиди. Қовоқлари мовий рангга бўялган, аммо лабларига бўёқ тегмаган. Унинг тик қараб туришидан ўнғайсизланиб, дарбондан калитни олиш баҳонасида тескарига ўгирилдим.

— Мистер Граймс, — қиз боланинг норасида овози эшитилди.

Орқага қарадим. Ҳалиги ёшлар кўчага чиқиб кетган, малла соч қизнинг бир ўзи турарди.

— Сиз Дуглас Граймссиз, тўғрими? — сўради у.

— Ҳа.

— Учувчисиз?

Ўтмишимга тузатиш киритмай, бош силкиб қўя қолдим.

— Мени танияпсизми?

— Узр, таниёлмадим, мисс.

— Албатта. Орадан уч йил ўтди. Доротеяни, Диди Вейлсни эсланг. Олдинги тишларим туртиб чиқиб турарди, кечасига тахтакачлаб қўярдим. — У бошини силкитган эди, сочлари яна юзини буткул қоплаб олди. — Таниёлмаслигингизни билардим. Ўн уч яшар қизча кимнинг ёдида туради. — Диди сочини орқага ташлаб, бир текис оппоқ тишларини ярқиратиб жилмайди. Хайрият, тахтакач қўйишдан қутулипти. — Ахён-ахён ота-онам билан чанғи учгани бориб турардингиз, эсингиздами?

— Албатта эсимда. Қалай улар?

— Ажралишди, — деди Диди. (Шундай бўлиши керак эди, ўйладим ичимда). — Ойим — Палм-Бичда чўмилиб юрипти. Бир теннисчи билан, — ҳиринглаб изоҳ берди у. — Мени бу ёққа жўнатишди.

— Бу ер ҳам ёмон эмас.

— Биласизми, — гапимни бўлди у, — чанғида юришингизга қойил қолардим. Бошқа болалардай жилпангламасдингиз, олифтагарчилик қилмасдингиз.

Бола-я! Фақат Фабиан ҳалигача мени бола деб ўйлайди, худди мен йигирма ёшда тўхтаб қолгандай.

— Тоғда сизни бир қақиримдан ҳам танирдим. Ёнингизда ҳар доим чиройли бир қиз бўларди. Ҳозир ҳам шу ердами?

— Йўқ. Сизни охирги марта кўрганимда “Момақалдиқроқли довон” романини ўқиётгандингиз.

— Ёшликда бўлади-да, — деди у калондимоғлик билан. — Ёдингиздами, бир гал бўрон пайтида “Ажал” деб аталган қияликдан тушаётганимизда менга ҳамроҳлик қилгандингиз?

— Албатта, ёдимда, — ёлғон гапирдим унга.

— Мабодо унутган бўлсангиз ҳам буни тан олмаганингиздан хурсандман. Ўша учиб мен учун энг юқори кўрсаткич бўлган эди. Яқинда келдингизми?

— Ҳозиргина.

Оврупога келганимдан буён мени таниган биринчи одам шу қиз бўлди. Илоийм, охиргиси ҳам шу бўлсин.

— Кўп турасизми? — Одатда ота-онасидан айрилиб қолишдан чўчиган ёш болалар беришади бунақа саволни.

— Бир неча кун.

— Шаҳарни биласизми?

— Биринчи марта келишим.

— Балки бу гал мен ҳамроҳлик қиларман? — Диди шундай деб, сочини яна ишва билан орқага силкиди.

— Бош устига.

— Агар бўш бўлсангиз, албатта, — қўшиб қўйди у.

Соқол қўйган бир бола эшикни очиб, қичқирди:

— Ҳой, Диди, эрталабгача валақлаб турасанми?

Диди уни жеркиб ташлади:

— Оиламиз дўстини учратиб қолдим. Туёғингни шиқиллат, — кейин жилмайиб, менга ўгирилди: — Сал бўш келсанг, ўзининг шахсий буюмидай муомала қилади. Соқолинг гўрда чиригур. Бунақа талтайган, одобсиз болаларни кўрмагансиз. Улғайганда қанақа одам бўларкин булар! Мени ҳам шунақа қиз деб ўйласангиз керак, а?

— Мутлақо.

— Таътилдан Женевага қайтишларини кўрсангиз. Оталарининг реактив самолётларида. Мактабга “роллс-ройс”ларда боришади. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ булар!

Кулгидан ўзимни тиёлмадим.

— Наҳот гапим кулгили бўлса? — деди у хафа бўлиб. — Бу ҳақда кўп ўқиганман.

— Биаламан.

— Ундан ташқари, оилада якка-ёлғиз фарзандман, ойим билан дадам нуқул ўзларини мендан нарироқ тутишга ҳаракат қилишган.

— Шунинг учун ҳар бир қадамларини кузатиб юргансиз?

— Унақамас, — деди у бошини тебратиб. — Тўғриси, уларга кўпам меҳрим йўқ, чунки мени аввал-бошданоқ асабий бола деб ҳисоблашган. Аммо-лекин, учрашганимдан хурсандман. Уйга хат ёзсам, сиздан оймга салом айтайми ёки дадамгами?

— Икковларига ҳам.

— Гапингиз қизиқ бўлди-ку. Улар алоҳида-алоҳида яшашади. Майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз.

Диди кўлини узатди, авайлаб ушладим. Бармоқлари силлиқ ва нозик эди. Кейин қайрилиб, эшик томон юрди; таранг думбасига ёпишиб турган жинси гуллари рақсга тушиб кетди.

Орқасидан маъюс қараб қолдим, ота-онасига ичим ачиди. Инсоф билан айтганда, Скрантондаги мен ўқиган мактаб у қадар ёмон эмас экан. Лифтда хонамга чиқиб, ваннага чўзилдим. Илиқ сувда маза қилиб ётарканман, Фабианга қисқаргина хат ёзиб, Гштааддан жўнаворсаммикин, деган ўй ўтди кўнглимдан.

Тўртовлон овқатландик. Юнисни зимдан кузатдим, менга текканидан кейин ўн йил, йигирма йил ўтгач, шаклу шамойили қандай бўлишини кўз олдимга келтиришга уриндим. Мана, унинг отаси, ҳафтасига уч марта овга чиқадиган инглиз зодагони билан вино ичиб ўтирибман. Мана, биз Юнис билан ўғлимизни черковда чўқинтиряпмиз. Чўқинтирган ота ким бўлади, Фабианми? Кейин оқсуяк болаларга мўлжалланган Итон коллежига ўғлимизни кўргани борамиз. Ҳар ҳолда бизнинг ўғлимиз бўлгандан кейин ўша коллежда ўқийди-да. Шуни ўйлаб, бир вақтлар Киплинг, Во, Оруэлл, Конолли китобларида ўқиганим инглиз мактабларини эсладим. Йўқ, ўғлимни Итонга жўнатмайман.

Гштаадга келганидан буён Юнис чанғи учавериб, анча тиниқлашган, юзлари қизариб қолган эди. Шойи кўйлаги тикмачоқдай баданини кучиб турипти. Ҳозирки шунчалик дуркун, кейинроқ қанақа бўлиб кетаркин? Фабиан, бойвучча қизни ҳам камбағал қизни севгандай яхши кўриб қолиш мумкин, деди. Шундаймикин?

Уни опаси билан олифта такасалтанглар (менга шундай туюлди) даврасида кўриб, қаҳвахонадан чиқиб кетдим. Тан оламан, Юнис истараси иссиқ, кўзга яқин қиз, ҳар доим ўзига ўхшаган ёш йигитлар даврасига талпиниши табиий. Хўш, хотиним бўлганидан кейин бу нарсага қандай қарайман? Ўзим жамиятнинг қайси тоифасига мансубман ёки бошқалар мени қайси қатламга раво кўради — бу ҳақда илгари сира бош қотирмаганман. Массачусетс штатининг Лоуэлл шаҳарчасида туғилган Фабиан ўзини инглиз ишбилармонидай тутишга ҳаракат қилади. Пенсильвания штатининг Скрантон шаҳридан чиққан камина, ўлай агар, йўқни йўндирилмайман, яъни маошига кун кўриб юрган учувчи бўлиб қолавераман, ундан ортиқ мартабага даъвогарлик қилолмайман. Юнисни қўлтигидан олиб, инглиз черковининг меҳроби томон юрганимда тўйга келган олиймақом меҳмонлар шивир-шивир қилиб, устимдан роса кулса керак. Бундан ташқари, омадсиз акам ва қашшоқ қариндош-уруғларимни тўйга таклиф қилоламанми-йўқми?

Никоҳимизнинг эр-хотинлик томонига келсак... Қарағайзор ичидан ўтаётиб, мошинада вужудимни чулғанган ўтли эҳтирос ҳали буткул совугани йўқ, бинобарин, тўшакдаги ҳаётимиз ҳам бизга олам-олам лаззат бағишлашига ҳозирча ишониб турибман. Афсуски, мен кучли иштиёқсиз ҳақиқий никоҳ бўлиши қийин, деган эътиқод таъсирида ўсганман, шунинг учун кўнглимда бу оғирвазмин, хийла одамови қизга нисбатан ўшандоқ иштиёқ туғилармикин, деган хавотир ҳам йўқ эмас. Қариндошлик ришталари-чи? Лоақал бўлажак қайн эгачим Лилини олайлик... Ҳар учрашганда Флоренцияда кечган уйқусиз тун ёдимга тушаверади-ку. Мана ҳозир ҳам Лили иккаламиз ёлғиз қолишимизни ва ҳеч ким бизга халал бермаслигини орзу қилиб ўтирибман. Наҳотки ушалай-ушалай деб турган, лекин ҳар гал тутқич бермайдиган орзу пешонамга ёзилган бўлса?

— Бу ерга тенг келадиган жой йўқ, — деди Юнис учинчи булоқчага сарёғ шиббаларкан. У ҳам опаси каби овқатга ўч эди. — Туман чулғанган, рутубатли Лондондаги камбағалларнинг аҳволига ачинади одам. Дарвоқе, менда бир фикр бор, — у ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди. — Баҳоргача шу ерда қолмаймизми, а? Ҳар кун оғтоб чарақлаб турадиган жойни ташлаб қаяққа борамиз?



— Дарбоннинг айтишича, эртага ҳаво айниб, қор ёғармиш, — дедим мен.

— Сиздан фақат шунақа гап чиқади, азизим, — кулди Юнис. У Цюрихга келганининг иккинчи куніёқ менга “азизим” деб мурожаат қилган эди, лекин мен эътибор бермагандим. — Бу ерда қор ёққани билан қуёш шу атрофдалиги сезилиб туради. Лондонда эса бутун қиш юзини кўрсатмайди. — Беихтиёр ўйладим: Бернга келаётиб, йўл-йўлакай ўзининг келажаги тўғрисида сурбетларча кечган суҳбатни эшитганида азизим деб турган кишисининг таклифига рози бўлармиди-йўқмиди? — Чумоли инидай нотинч, ғала-ғовур Римда нима қиламиз? — деди Юнис булочкани ютақиб чайнаган. — Ҳаммамиз Римда неча маротабалаб бўлганмиз-ку.

— Мендан ташқари, — луқма ташладим мен.

— Кўкламгача шу ерда қоламиз, — айтганида туриб олди Юнис. — Розимисан, Лили?

— Яхши бўларди, — жавоб берди опаси спагеттини оғзига олиб бораркан. У бу италян таомини жуда ўхшатиб ерди.

— Майлс, — Юнис Фабианга мурожаат қилди. — Римга боришингиз шартми?

— Йўқ, — жавоб берди у. — Бу ерда қиладиган ишларим бор.

— Яна қанақа иш? — тутақиб кетдим мен. — Ахир дам олиб юрибмиз-ку.

— Бир-бирига халақит бермайди, — деди Фабиан. — Ташвишланманг, чанғи сайри ўз йўлига.

Охир-оқибат Гштаадда яна бир ҳафта қоладиган бўлдик. У ёғига худо пошшо. Овқатдан кейин бир оз айлангим келди, Юнисга ҳамроҳ бўлишни таклиф қилдим, эҳтимол, бу сайр яқинлашувимиз сари ташланган биринчи қадам бўлар. Аммо у кун бўйи совуқда юриб чарчаганини, ҳозироқ ухламоқчилигини айтиб, чуқур эснади. Лифтгача кузатиб, бу гал юзидан ўпиб, хайрлашдим. Сўнг пальтомни кийдим-да, кўчага чиқиб кетдим. Бошим узра қор учқунлари ғужгон ўйнади.

Дарбоннинг гапи нотўғри чиқди. Эрталаб осмонда бир парча ҳам булут йўқ эди. Ижарага чанғи билан ботинка олиб, Лили ва Юнис учаламиз қорга бурканган тоққа жўнадик; иккала ҳамроҳим британияликларга хос чаптастик билан қияликдан пастга қараб ўқдай учиб кетишди. Ишқилиб, бирортаси майиб бўлиб, касалхонага тушиб қолмаса гўрга эди, деб хавотирлана бошладим. Фабиан телефонни рўкач қилиб, шаҳарда қолган эди. Кимга кўнгироқ қилади, нимани гаплашади — айтмади, лекин сезиб турибманки, тез орада навбатдаги яна бир хатарли ишга бош қўшишга мажбур бўламан. Биз соат бир яримда Вассенграат тоғининг тепасидаги “Бургут” клубида учрашишга келишган эдик. Бу тор доирадаги сараланган кишиларгина кира оладиган дабдабали, ёпиқ клуб бўлиб, табиийки, Фабиан ҳаммамизга таклифнома тўғрилаб, бу ёғининг ҳам қаловини топиб қўйган эди.

Ўша кун ҳаво зўр бўлди, қалин қор офтоб нурида нуқрадек ярқирар, иккала соҳибжамол тик ён бағирдан қайта-қайта пастга қараб шўнғир, завқ ва шодликдан терисига сигмасди. Бир сония, мана шундай кун ҳаққи, “Муқаддас Августин”да қилган ишим гуноҳ саналмаса керак, деган ўйга ҳам бордим.

Фақат бир нарса таъбимизни хира қилаётганди. Бўйнига фотоаппарат осиб олган америкалик бир йигит изимиздан қолмас, юрсак ҳам, турсак ҳам бетўхтов суратга оларди.

— Бу йигитни танийсизларми? — сўрадим қизлардан. — Қаҳвахонада уни бирор марта ҳам учратганим йўқ.

— Биринчи бор кўриб турибман, — деди Лили.

— Жазман бўлса керак, — тахмин қилди Юнис. — Ҳуснимизга маҳлиё бўлган.

— Менга жазманнинг кераги йўқ, — чўрт кесдим мен.

Ҳаял ўтмай, Юнис қияликдан учиб кета туриб, йиқилиб тушди. Ёрданга шошилдим, бориб ўрнидан турғаздим, шу пайт аллақайси гўрдан фотоҳаваскор пайдо бўлиб, бизни суратга ола бошлади.

— Ҳой, оғайни, — дедим унга. — Наҳотки плёнкангиз ҳалиям тугамаган бўлса?

— Тугагани йўқ, — жавоб берди у хушчақчақ қиёфада. У баланд бўйли, озғин йигит эди, костюм эғнида қопга ўхшаб осилиб турипти, ҳеч гап бўлма-

гандай, аппаратини чирқиллатиб ётипти. — Газетада танлаб олишлари учун сурат кўп бўлиши керак.

— Газетангиз нимаси? — сўрадим ўтакам ёрилиб.

— “Бугунги аёллар кийими”. Гштаад ҳақида репортаж тайёрлашим керак. Сизлар шунга жуда моассизлар. Чанғида юришингиз жозибали. Сизлар бахтли одамсизлар — ғам-ташвишингиз йўқ.

— Сизга шундай туюлади, — дедим қовоғимни уйиб. — Бу ерда ростдан ҳам қушдай эркин кимсалар кўп. Ўшалар билан шуғуллансангиз бўлмайдими?

Суратим юз минглаб нусхада чиқадиган Нью-Йорк газетасида босилишини хоҳламасдим. Друзекни дабдала қилган анови иккита нусха эрталаблари қанақа газета ўқишини ким билиб ўтирипти?

— Агар хонимлар эътироз билдиришса, майли, зорим бор, зўрим йўқ, — деди сураткаш.

— Биз қаршимасмиз, — бидирлади Лили. — Агар суратимизни жўнатсангиз, албатта. Ўзининг суратларимга қараб тўймайман. Ҳаммасига эмас, чиройли чиққанларига.

— Сизнинг суратингиз фақат чиройли чиқади, — жавоб берди кулиб сураткаш.

Хайрият, бир оздан сўнг биздан узоқлашди. Охирги марта уни Фабианни кутиб, айвонда коктейль ичиб ўтирганимизда кўрдик.

Бу орада бошқа ишқал чиқиб қолди. Тушга яқин изимиздан келаётган қизчанинг жажжи гавдасига кўзим тушди. Бу Диди Вейлс эди. У бизга яқинлашмас, аммо қаёққа борсак, кетимиздан қолмасди. Юрсак — юради, тўхтасак — тўхтайдди. Диди чанғида яхши учар, ҳатто қияликда тезликни ошириб, опасингилларни орқада қолдириб кетганимда ҳам у, худди кўринмас чилвир билан боғлаб қўйгандай, биздан узоқлашмасди.

Охирги қияликдан тушгач, опа-сингилни осма лифтга ўтқаздим-да, ўзим атайлаб пастда қолдим. Ҳаял ўтмай, Диди олдимга келди, узун сочлари жияк билан орқасига боғланган, эгнида ўша гулдор жинси билан мўйнали сариқ камзул.

— Тепага бирга чиқамиз, — таклиф этдим мен.

— Майли.

Биз қўш креслога ўтириб, юқорига кўтарила бошладик, остимизда кун нурига фарқ бўлган шаҳар, теварак-атрофимизда черков гумбазларини эслатувчи тоғ чўққилари.

— Чексам майлими? — сўради Диди чўнтагидан сигарета қутисини чиқазиб.

— Бемалол.

— Дадамга балли, — деди у, кейин ҳиҳилаб сўради: — Яхши дам оляпсизми?

— Зўр.

— Чанғида илгаригидай абжир эмассиз.

Буни ўзим ҳам сезардим.

— Ҳа энди, сал оғир карвон бўлиб қолдим, — жавоб бердим кулиб. — Иш кўп. Доим бандман.

— Кўриниб турипти, — деди Диди эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда, — анови икки аёлингиз бир ерини синдириши муқаррар.

— Огоҳлантирганман.

— Агар ёнларида эркак киши бўлмаса, эртами-кечми дабдала бўлишади. Лекин кийинишлари зўр. Гштаадга энди келган пайтларида дўконма-дўкон изғишганини кўрганман, кўзлари тушган кийимни харид қилишган.

— Нима қипти, чиройли кўрингилари келади-да.

— Шимларини яна озгина торайтирилса, бўғилиб ўлишади.

— Сизнинг жинсингиз ҳам кенг эмас.

— Меники ёшимга яраша.

— Шаҳарни кўрсатмоқчи эдингиз.

— Анувлардан ортмаяпсиз-ку.

— Даврамизга қўшилинг, — таклиф қилдим мен. — Улар хурсанд бўлишади.

— Э, йўқ, — қатъиян рад этди у. — Гаров бойлашаман, бугун “Бургут” клубига тушликка борасизлар.

— Қаёқдан биласиз?  
 — Янглишдимми?  
 — Тўғри, борамиз.  
 — Билувдим, — голибона оҳангда хитоб қилди Диди. — Унақа аёллар фақат ўша ерда овқатланишади.

— Уларни яхши билмайсиз-ку.  
 — Иккинчи мавсум келишим. Кўп кузатганман.  
 — Юра қолинг биз билан?  
 — Раҳмат. Бормайман. Оқсуяқлар даврасини ёқтирмайман. Айниқса, аёлларни. Нуқул ғийбат қилишади. Бир-бировларининг эрларига кўз олайтиришади. Сиздан сал кўнглим қолди, мистер Граймс.

— Нима учун?  
 — Шунақа аёллар билан юрганингиз учун-да.  
 — Унақа деманг. Бамаъни аёллар улар.  
 — Мен бу ёққа келишга мажбурман, — деди Диди гижиниб. — Тарбия кўрган қиз билимини ошириш учун қаерда яшаши кераклигини ойим яхши биларкан. Ўргилдим унақа билимдан! Учта тилни била туриб, кераксиз одам бўлиб қолиш учун билимимни ошираманми? Бу менга жуда қимматга тушади.

У катта кишилардай куйиниб гапирарди. Эртақлардагидай гўзал Альп тоғлари узра осма лифтда бораётган ўн олти яшар америкалик дўндиқчадан бунақа гаплар чиқишини биров хаёлига ҳам келтиролмасди.

— Қайғурманг, — дедим сўзларим бефойда тасаллидай эканини сезиб турсам-да. — Кераксиз одам бўлиб қолмайсиз. Нечта тилни билишингиздан қатъий назар.

— Охири вой бўлмаса майли эди.  
 — Режаларингиз қанақа?  
 — Археолог бўлмоқчиман. Кўҳна маданият харобаларини титкилайман. Қанча эски бўлса, шунча яхши. Асримиздан иложи борича олисроққа кетмоқчиман. Ҳеч бўлмаса, ота-онам ҳаётидан.

— Ота-онангизга бунақа бераҳм бўлманг, — дедим мен. Уларни ҳимоя қиларканман, ўзимни ҳам назарда тутаётгандим. Ҳар ҳолда бир авлодмиз-да.

— Майли, ёқмаган бўлса, аждодларимга тил теккизмаймиз. Сиз ҳақингизда гаплашамиз. Уйланганмисиз?

— Йўқ ҳали.  
 — Масалан, мен турмушга чиқмоқчимасман, — у бу сўзларни мени баҳсга чорлагандай оҳангда айтди.

— Эрга тегиш урфдан қолган, дейишади, шундайми?  
 — Тўппа-тўғри.

Биз чўққига етиб келиб, осма лифтдан тушишга тараддудландик.

— Агар ёлғиз мен билан чанғида учишни хоҳлаб қолсангиз, — давом этди у, “мен билан” деган сўзларга алоҳида урғу бериб, — меҳмонхонадаги почта қутингизга хат ташлаб қўйинг. Кўз-қулоқ бўлиб тураман. Умуман, сизнинг ўрнингизда бўлганимда бу ерда кўп яшамасдим. Бу ердаги муҳит сиз учун бегона, сунъий. — Чанғиларимизни кўтариб, лифт соябони остидан чиқдик.

— Мен учун табиий муҳит қаерда?

— Вермонтда. Одамлар пешона тери билан кун кўрадиган кичкина Вермонт штатида.

Чанғиларимни елкамга ташладим. “Бургут” клуби шу чўққида, бир неча ўн қадам нарида эди. Клубга кураб қўйилган ёлғизоёқ йўлдан бориларди.

— Мендан хафа бўлманг, — деди Диди. — Кейинги пайтларда кўнглимдаги ни ошкора айтадиган бўлганман.

Аллақандай ғалати истак куткуси билан, қанақа истак эканини ўзим ҳам билмайман, бирдан энгашдим-да, унинг қип-қизил, совуқ юзидан ўпдим.

— Куллуқ, — деди у. — Ташаккур. Яхши иштаҳа тилайман.

Шу пайт ҳамроҳларимнинг овозини эшитиб қолди шекилли, апил-тапил чанғиларини кийиб, тоғ ёнбағридан пастга ўқдай учиб кетди. Бош чайқаганча орқасидан қараб қолдим. Кейин клубнинг салобатли, тош биноти томон йўл олдим.

Фабиан клуб айвонида ўтириб, икки қадаҳдан вино ичиб бўлганимиздан кейин келди. У чанғи сайрига мос равишда кийинганди: эгнида ёқаси тик свитер, ҳаворанг камзул, яхши дазмолланган новвотранг чийдухоба шим, оёғида қўнжи бахмалсимон юмшоқ чармдан тикилган чанғи ботинкаси. Унинг ёнида мен ночор одамга ўхшаб қолдим: устимда шалвираган чанғи иштони билан Сан-Морицда арзон-гаровга харид қилинган оддий камзул. Айвондаги башанг кийинган кишилар менга қараб-қараб, шивирлашиб қўйишар, афтидан, бу ерга қай йўсинда кириб қолганимга таажжубланишарди. Диди тўғри айтган шекилли: бу ердаги муҳит ростдан ҳам мен учун бегонага ўхшайди.

Тепамизда, ложувард осмонда баҳайбат қуш қанотларини кериб парвоз қиларди. Балки, бургутдир. Қизиқ, қор босган бу водийда қандай тирикчилик қиларкин?

— Ишлар қалай? — сўрадим Фабиандан, у опа-сингилларни ўпиб сўрашаётганида.

— Кейин гаплашамиз, — жавоб берди у мазмундор қилиб. — Таомдан сўнг шаҳарга тушиб, бафуржа суҳбатлашамиз. Бўптими?

— Агар қизлар рухсат беришса...

— Хотиржам бўлинг, дарров бошқа йигитни топиб олишади.

— Шубҳам йўқ бунга.

— Кечқурун имлама зиёфат бор, — деди Лили. — Биз ҳам сартарошхонага бормасак бўлмайди.

— Мен ҳам таклиф этилганманми?

— Албатта, — жавоб берди Лили. — Бизни доим бирга кўришади-ку.

— Раҳмат сизга.

— Вақтингизни хуш ўтказмаяпсиз чамамда, — деди Лили кўзимга тик қараб. — Балки сизни норасида қизлар кўпроқ қизиқтирар?

Оббо мочағар-ей!

— Сиз айтган ўша норасида минг йиллик қадрдон дўстларимнинг қизи, — тушунтирдим зарда билан.

— Кўпам норасидага ўхшамайди, етилиб қолган, — яна чимчиб олмоқчи бўлди Лили. — Юринглар, овқатланайлик. Бу ер совиб кетди.

Фабиан айтган бафуржа суҳбат кўчмас мулк олди-сотдиси билан шуғулланадиган агентнинг Гштаднинг шоҳ кўчасига жойлашган кичкина маҳкамасида бўлиб ўтди. Бу ёққа келаётиб, йўл-йўлакай Фабиан сотувга қўйиладиган ерларни кўз остига олиб қўйганини гапириб берди.

— Ер — кони фойда, — тушунтирди у, — фалсафам оддийлигини энди англагандирсиз. Биз ҳаётий аҳамиятга молик нарсалар кун сайин танқислашаётган замонда яшаяпмиз. Духкакли ўсимликлар, олтин, қанд, ғалла, нефть ва ҳоказо, ва ҳоказо. Дунё иқтисоди аҳолининг кўпайиб кетишидан, урушлар, эртанги кун хавотири ва умидсизликдан, чайқовчилик ва пулнинг қадрсизланишидан азият чекмоқда. Шуларни илғаган ҳар қандай соғлом фикрли киши эртага бундан баттар бўлиши мумкинлигини ҳис этмай иложи йўқ. Аммо Швейцария барқарор ҳукуматга эга бўлган зиғирдайгина мамлакат, ҳарбий авантюраларга мутлақо аралашмайди. Бинобарин, ҳадемай бу ерда ернинг нархи осмонга чиқиб кетади. Швейцарияда бўйрадеккина ерга эга бўлишни орзу қилиб юрган танишларим сон мингта. Аммо бу давлатнинг қонунлари бунга йўл қўймайди. Бизнинг эса барча тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда рўйхатдан ўтган компаниямиз бор, демак, ер сотиб олишимизга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди. Шинам уйлар қуриб, айтайлик, йигирма йил муддатга ижарага беришимиз мумкин. Банкдан зарур кредитни қуртдай санаб олиб, соғин сигирдай даромад келтириб турадиган жойга эга бўламиз. Ўзимиздан ҳеч қанча чиқим бўлмайди, бунинг устига, дам оладиган бошпана ҳам қидириб юрмаймиз. Қалай, маъкулми?

— Одатдагидай, — жавоб бердим мен. Аслида бу таклиф одатдагидан зўрроқ эди.

— Мана шунақа гаплар, оғайничалиш, — деди кулиб Фабиан.

Пировард-натижада Гштааддан беш чақирим наридан, йўл ёқасидаги тепаликдан ер оладиган бўлди. Хужжатларни расмийлаштириш ва шартномани имзолаш учун маълум вақт талаб этилади, лекин бирон-бир тўсқинлик бўлмайди, деди агент.

Шу пайтгача менда ҳеч вақо йўқ эди. Энди йил ўтиб, ярим миллион доллардан ортиқроқ баҳоланадиган мулкка эга бўлиб турибман. Ҳар ҳолда меҳмонхонага қайтаётганимизда Фабиан шундай деди. Рулни маҳкам қисганча машинани ҳайдаб борарканман, икки ёнимиздан лип-лип ўтиб турган уйларга қараб, ўзимни катта мулкдордай ҳис қилардим. Фабиан ўз ишини дўндириб қўйган кишиларга хос маннун қиёфада ёнимда ўтирарди.

— Бу фақат бошланиши, азизим, — деди у “Ягуар”ни меҳмонхона ёнидаги бекатда тўхтатиб, машинадан тушганимизда.

Телефон жиринглаганда кечқурунги зиёфатга отланаётгандим. Фабиан кўнги-роқ қилаётган экан.

- Кутилмаган иш бўп қолди, — деди у, — сизлар билан боролмайман.
  - Нима бўлди? — сўрадим юрагимга гулгула тушиб.
  - Ҳозиргина пастда Билл Слоунни учратиб қолдим.
  - О, шу одам камлик қилиб турувди, — дедим энсам қотиб. Уни кўришга тоқатим йўқ эди.
  - Ораларингдан нима гап ўтганини барибир гапириб беришингиз керак.
  - Вақт-соати етганда гапириб бераман.
  - Бир ўзи экан. Хотинини Америкага жўнатиб юборипти.
  - Яхши қилпти. Хўш, нима учун зиёфатга бормайсиз?
  - Қарта ўйнаймиз, деяпти. Ҳозироқ.
  - Қиморбозликни йиғиштирган эдингиз, чамамда?
  - Ҳол-жонимга қўймаяпти. Фақат икковимиз ташларканмиз хонасида.
  - Ё тавба! Бандман, десангиз бўлмайдими?
  - Пулини кўп шилганман. Ноқулай. Номардлик бўлади. Қолаверса, мени биласиз-ку, азизим.
  - Эски гап. Охиргиси дейсиз-у, яна ўйнайверасиз.
  - Ишонмасангиз, келинг, ўйинни томоша қилинг.
  - Мени кўриб, Слоуннинг боши осмонга етмаса керак.
  - Нима бўлганда ҳам, қизларга тушунтириб қўйинг.
  - Хўп, айтаман.
  - Агар ютқизишимдан хавотирланаётган бўлсангиз, кўрқманг, сизни кўшмасдан ўзим ўйнайвераман.
- Иккиланиб қолдим, рости, ўйинга қўшилгим йўқ эди, лекин юзим чидамади:
- Қўйинг бунақа гапни. Ютсангиз ҳам, ютқизсангиз ҳам ярмига шерикман.
  - Ҳа, отангизга раҳмат, — деди кулиб Фабиан.

*Давоми бор.*

*Низом КОМИЛ  
таржимаси*

Роберт РОЖДЕСТВЕНСКИЙ

## Сен боқийсан, Ватан

### МАДҲИЯ

**С**ен бўй чўздинг — олам бўлди  
бир чаман.  
Дунё сенинг номинг  
эслади шу зум.

Умр ўтар,  
фақат сен боқийсан, Ватан!  
Ҳаётдай азизим,  
жондай азизим.

Қуёшни кафтимда тутаман ҳозир,  
Ҳар бир қадамимда ўзаман вақтдан.  
Ҳар ишга қодирман,  
ҳар ишга қодир,  
Агарда бағрингда яшасам, Ватан!

Яшаб бўлар куйсиз,  
уйдан йироқда,  
Чўлдан ўтса бўлар  
машғал ёқмасдан.  
Сенсиз яшаб бўлмас қадим  
тупроқда,

Мени улғайтирган,  
эй азиз Ватан!

Қуёшни кафтимда тутаман ҳозир,  
Ҳар бир қадамимда ўзаман вақтдан.  
Ҳар ишга қодирман,  
ҳар ишга қодир,  
Агарда бағрингда яшасам, Ватан!

*Асрор  
МУМИНОВ  
таржимаси*

Роберт Рождественский 1932 йилда Россиянинг Олтой ўлкасидаги Косиха қишлоғида ҳарбийлар оиласида дунёга келди. У бир бурда нонга навбат турган одамларни, Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини ўз кўзи билан кўриб вояга етди. 11 ёшидан бошлаб мусиқа билим юрти ўқувчиси сифатида шаҳарга келтирилган оғир ярадорлар руҳини кўтариш мақсадида шифоналарда берилётган концертларда иштирок этди, шеърлар ўқиди. Шу боис Рождественский ижодида тинчлик ва одамларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати мавзусида битган асарлари салмоқли ўринни эгаллайди.

Рождественскийнинг 1955 йилда нашр қилинган “Баҳор байроқлари” деб номланган илк китоби ва журналда чоп этилган “Менинг муҳаббатим” достони қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Унинг кейинги қирқ йил давомида яратган ўнлаб китоблари адабиёт мухлисларининг бебаҳо мулкига айланди. Шоирнинг элликка яқин кўшиғи таниқли хонандалар томонидан қуйланган. Ўзбек ўқувчиларига унинг “Дўстлар сайёраси” китоби 1979 йилда Ҳ.Шарипов таржимасида тақдим қилинган.

Р.Рождественский 1994 йилда оғир хасталиқдан вафот этди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

150



Шамолдай хаёллар сарбони,  
 Юлдузлар йўлида кезар у.  
 Аслида,  
 бу —  
     хоксор имкони.  
 Аслида,  
 бу —  
     оддий бир орзу.  
 Одамга кўп нарса керакмас!

Аслида,  
     энг катта илтифот,  
 Аслида,  
     энг катта мукофот —  
 Уйингда  
     кимдир зор  
     кутса бас.

## ЎРТОҚ ҚЎШИҚ

Чўл ортида қолди уйим, қишлоғим.  
 Йироққа бошлади илму тариқат.  
 Ўтинчим шу — ўзинг бўлгин ҳамроҳим,  
 Ўртоқ Ҳақиқат,  
 Ўртоқ Ҳақиқат!

Яна мени сафга чорлади даъват,  
 Яна жангда ўққа қалқон кўкрагим.  
 Ярим йўлда портлаб кетмагин фақат,  
 Ўртоқ Юрагим,  
 Ўртоқ Юрагим!

Қасамга собитлик мардликдан нишон,  
 Заминга бор меҳринг бермоқ саодат.  
 Қўрқув не билмасман сен буюрган он,  
 Ўртоқ Жасорат,  
 Ўртоқ Жасорат!

Чорланг, мен доимо ҳозир нозир,  
 Ерни хавф-хатардан этишга озод.  
 Сен эса барини эслаб қол бир-бир,  
 Ўртоқ Хотирот,  
 Ўртоқ Хотирот!

## ИНСОН

Худо номи билан кўрқитдилар.  
 У деди:  
     “Худо меҳрибон!”  
 Уқтирдилар:  
     “Андозадан чиқма...”  
 Файрати ичига сифмади.  
 Боқди самога.  
 Заминда юрса ҳам  
 журъати ичига сифмади.  
 Синди андоза!  
 Ва лекин тиклашди  
 яна андоза...

“Андозадан чиқма...”  
 У қайриб ташлади:  
     “Ўзинг андозани бил...”  
 У кўрқинчни масхара қилди,  
 кулиб яшади!  
 Ҳеч бир  
     андозага сифмади,  
 Ҳатто,  
 тобут аталган андозага ҳам.

## БИРОҚ...

“Ранжитмагин, қодир худони,  
 Сўрайвериб охир дунёни!  
 Ниятингни батамом унут,  
 билиб кўйгин,  
     йўқ сенда имкон.  
 Бу шундайин  
     бир баҳри муҳит,  
 ундан  
     сузиб ўтолмас инсон!”  
 Бироқ...

“Кўкка қараб ўйланма асло,  
 Бизга замин,

    кушларга само!  
 Телбалик бор бундай тилакда —  
 Эшитганлар кулар бегумон.  
 Билиб кўйгин,  
     осмон-фалакда  
 қанот қоқиб  
     учолмас инсон!”  
 Бироқ...

Дейдиларки:  
 “Инонма, инон,  
 Пайдо бўлган  
     маймундан инсон!”



Тирикларга саноклидир кун,  
Азал шундай қурилган олам.  
Уринмасин  
дунёдан бутун,

даф этолмас  
урушни одам!”  
Бироқ...

\* \* \*

Барчаси севгидан бошланган.  
Дейдилар:  
“Аввал  
сўз  
янграган”  
Кўнглим шу ҳикматни англаган:  
Барчаси севгидан бошланган.

Ҳасад,  
рашк  
севгига сингилдир.

Барчаси севгидан бошланган.  
Тоза ўй,  
хавотир,  
масрурлик,

Барчаси севгидан бошланган.  
Яшариш,  
меҳнат,  
гул япроғи,  
Боланинг ҳайратли нигоҳи,  
Барчаси севгидан бошланган.

Фожеа,  
соғиниш,  
жасурлик,  
Барчаси севгидан бошланган.

Барчаси севгидан бошланган.  
Бу сўздан  
доим руҳ  
енгилдир.  
Менимча дилларни ғашлаган,

“Яша” деб,  
баҳор ҳам яшнаган,  
Бу даъват ёритар дилингни.  
Фоз туриб,  
кўзлайсан йўлингни,  
Барчаси севгидан бошланган!

\* \* \*

Кундалик мўъжиза —  
эмас мўъжиза.  
Кундалик ғам-алам —  
ғам-алам эмас.  
Қайғу мавзусида  
зарур маъруза,  
Бу ҳақда,  
шунчаки сўзлагим келмас.  
Кундалик кулгудан  
туймайсан завқ-шавқ,  
Кундалик ташвишлар  
келмайди малол.  
Кундалик кўз ёшлар  
қилмас сени ғарқ,  
Бирон-бир ҳамдардни  
топмоғинг маҳол.  
Кундалик сўрашув  
оддий бир одат.  
Доим чийилласанг тегади жонга.

Узлуксиз хўрсиниш  
уйғотар нафрат,  
Кундалик қасамлар —  
яқин ёлғонга.  
Кундалик жанжаллар  
саналмас жанжал...  
Ўт-ўлан юзини қоплади шабнам,  
Кўринди,  
кундалик қуёш шу маҳал,  
олам нурга тўлди,  
тарқалди шубҳам.  
Шукурким,  
Кундалик замин бус-бутун.  
Шивирлайман,  
бўғиқ овозда илҳақ;  
Майли,  
ишқ ёр бўлсин,  
ҳар кимга ҳар кун,  
кундалик нон каби  
бўлсин у барҳақ.

## ЎША БУЛУТЛАР ОРТИДА...

Осмон тешилгандай ёмғир ҳам қуяр,  
Шамоллар дайиди дала бағрида.  
Қанийди билсайдим, мени не кутар  
Ўша уфқлар ортида.

Доим имкон топиб кўкка интилдим,  
Гоҳ қолсам-да, қорли кўрпа остида.  
Бироқ тонгнинг гўзал бўлишин билдим,  
Ўша булутлар ортида!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

153

Ғоҳо умидларим чиқса ҳамки пуч,  
Яшяапман, дўсту қардош дардида.  
Ишноаман, сен ва севги келар дуч,  
Ўша чорраҳа ортида.

Агарда домига олса фалокат,  
Замин бўйлаб кезма қайғу отида.  
Унутма, юрагим абадул-абад,  
Ўша булутлар ортида!

## МАРҲАБО, МУҲАББАТ!

Неча йиллар ухлабди юрагимда ишқ,  
Ҳеч нарса англатмабди менга кўҳна сўз.  
У жимгина пойлабди бошлашга қўшиқ,  
Мана энди уйғонди, аста очди кўз.

Куйлаётган мен эмас, севгим куйлади,  
Қўшиғига акс-садо бермоқда жаҳон.  
Мен томонга муҳаббат тонгдай  
бўйлади,  
У қалбимда гоҳ йиғлар, гоҳ кулар  
хандон.

Кўз олдимда турфа хил товланди олам,  
Қувончларим қуёшдир, ботмагай  
фақат.  
Унинг меҳр нури етиб борар сенга ҳам,  
Ҳар кўнгилни шод этар бир кун  
муҳаббат.

Неча йиллар ухлабди юрагимда ишқ,  
Ҳеч нарса англатмабди менга кўҳна сўз.  
У жимгина пойлабди бошлашга қўшиқ,  
Мана энди уйғонди, аста очди кўз.

## СЕВГИ НИДОСИ

Мажнунтол бош эгиб етказар розинг,  
Юлдузлар йўғрилар шууримизга.  
Минглаб чақиримдан келар овозинг,  
Биз — нидо,  
Биз — нидо,  
Биз сўнмас нидомиз бир-биримизга!

Йироқда бўлсанг ҳам яқинсан дилга,  
Ахир, тўсиқ йўқ қалб шивиримизга.  
Яна бизни соғинч чорлади йўлга,

Биз — хаёл,  
Биз — хаёл,  
Биз учқур хаёлмиз бир-биримизга!

Дунёнинг четида ўт ёқсин қирон,  
Ажал таҳдид солсин гул умримизга.  
Азизим, биз учун бошланмас ҳижрон,  
Биз — ёдгор,  
Биз — ёдгор,  
Биз боқий ёдгормиз бир-биримизга!

## ҒАМ ЧЕКМА, АЙЛА ТОҚАТ

Ёмғир ҳам томчилаб ёғди уззукун,  
Деразангни чертиб, шивирлади роз.  
Севги ўтиб кетди  
ёнингдан бугун,  
Эртага,  
у сенга чиқади пешвоз.

Ғам чекма, айла тоқат,  
Ҳали олдда ҳаётинг.  
Ҳали олдда ҳаётинг,  
Умид узма, кут фақат.

Баҳор иси тутди атрофни бугун,  
Кунлар ҳам исиди, гуллар очди юз.  
Орзу ўтиб кетди

ёнингдан бугун,  
Эртага,  
у сенга келар юзма-юз.

Тонларга шабнамлар, денгизга тўлқин,  
Осмонга юлдузлар ярашгай албат.  
Худди шундай  
доим сенга ёр бўлсин,  
улуғ орзулар  
ва улуғ муҳаббат.

Ғам чекма, айла тоқат,  
Ҳали олдда ҳаётинг.  
Ҳали олдда ҳаётинг,  
Умид узмай кут фақат.

# Александр ГОРБОВСКИЙ

## Жоду ва ҳокимият

### 5. ШОҶОНА ДАВРА<sup>1</sup>

Меҳмондўстлик ришталари билан  
боғланганларни бағоят кадрлар эди.

*Плутарх. “Улуғ шахслар ҳаёти. Лисандр ҳаёти.”*

#### Нон ушатиш

**Б**у ким биландир шунчаки овқатланишга қараганда ҳамиша катта аҳамиятга эга бўлган. Нон ушатишни — шунга қадар бегона одамларни ажратиб турган қандайдир тўсиқни олиб ташлаш деса ҳам бўлаверади. Элатшуносларнинг айтишлари-ча, ибтидоий овчилар янгигина ўлдирилган йиртқичнинг хом гўштини мана шундай биргаликда баҳам кўрганлар. Бир неча дақиқа аввал ҳаётини гаровга қўйиб таваккал қилганларнинг биргаликда таом тановул қилишлари биродарлик нишониси ҳисобланарди.

Биргаликда овқатланишнинг қадимий, бирламчи моҳияти ҳозиргача ўзгармай келяпти. Ягона дастурхон атрофидагилар, яхлит маросим иштирокчилари, бир бутун доиранинг аъзолари. Шундай даврага қўшилганлар — даврадагиларнинг ўз одамига айланганлар. Хайрхоҳ бўлмаганлар ёки ганимлар даврага қўшила олмайдилар. Бундайлар билан бир дастурхон атрофига ўтирмайдилар. Ва аксинча. У билан бирга хонадониди овқатланган ёки қиттай-қиттай қилган одам бегона ҳам, ёт ҳам эмас, ганим эмаслиги эса шубҳасиз.

Арабларда ривоятга ўхшаб кетадиган воқеа тилдан-тилга, авлоддан-авлодга кўчиб юради. “Ман ибн Заид хузурига бошқа асирлар билан келтирилганлардан бири билан шундай воқеа рўй беради. Ман уни қатл этишни буюради, бунга жавобан асир хитоб қилади:

— Ўлимим олдидан наҳотки лоақал ташналигимни қондиришга ҳам ижозат бермасанг?

Ман асирларнинг ҳаммасига сув беришни буюради, улар тўйиб сув ичганларидан сўнг бояги асир яна тилга киради:

— Наҳотки ўз меҳмонларингнинг бошини олдирсанг?

Ва Ман асирларни қўйиб юборишни амр этади”.

Биргаликда овқатланишнинг ҳамма миллатлар ва элатларга хос сеҳрли моҳияти Русда ҳам азалдан маълум бўлган. Солномаларда икки князнинг келишмовчилиги ҳақида ҳикоя қилинади. Келишмовчилик сулҳ билан барҳам топганида, бу ютуқ умумий дастурхон атрофида нишонланади: “Глеб қароргоҳидан чиқиб келди-да, Изяславга таъзим айлади. Изяслав эса уни тушликка таклиф қилди ва биргаликда овқатландилар”.

Шведлар устидан ғалаба қилган Петр I ҳам аини шундай йўл тутади. Кечаги ганимларига ҳеч қандай хусумати йўқлигини исботлаш учун:

“Чодирда айлади меҳмон,  
Бегона ҳам ўз улуғларин...”

Яна бир урушдан сўнг, 1945 йил май ойида Г.К.Жуков Ғалаба шарафига Берлинда зиёфат беради. Бироқ сабоқ бўлсин деган маънодами, мағлубларни умумий

<sup>1</sup> Охири. Боши аввалги сонда.

дастурхонга таклиф этмадилар. Зиёфатга мағлублар келишларини умуман ҳеч ким ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Росмана сулҳга ҳали узоқ эди. Фақат орадан ўн йил ўтгач, Германия Федератив Республикасининг канцлери Аденауэр Москвага ташир билан келган 1955 йили шўро раҳбарлари “собиқ ганимлари” билан бир дастурхон атрофига ўтирадилар.

Умумий дастурхоннинг сеҳрли моҳиятини турли даражалардаги шўро раҳбарлари ҳамиша теран ҳис этиб, унга оғишмай амал қилганлар. Исталган раҳбар ҳар бир республика ҳамда вилоятда нон ва туз билан бежиз кутиб олинмаган. Бунинг замирида ҳамиша ҳиссий ва амалий мазмун ётарди: юқори мартабали меҳмон маҳаллий раҳбарга беихтиёр биродарлик ва хайрхоҳлик кечинмаларини ҳис этган. Бундай руҳий боғлиқлик уни мезбонларга мойил этиб қўяр, бу эса маҳаллий раҳбарлар учун сув ва ҳаводай зарур бўлган.

Мана шундай боғлиқликдан ҳоли бўлиш учун Н.С.Хрушев жойларда имкон борича маҳаллий раҳбарлар билан дастурхон атрофига ўтирмаган. Ҳикоя қилишлари-ча, Бош котиб айнаи шу мақсадда машинасининг юкхонасида ҳамиша йирик това олиб юрган. Хрушев бориши мўлжалланаётган шаҳарга кираверишда ҳамроҳлари билан катта йўл ёқасида тамадди қилиб олганлар. Шаҳарга етиб келганларида дастурхонга таклиф қилишса:

— Раҳмат, раҳмат. Ҳозиргина тушлик қилиб олдик. Тўғридан-тўғри хўжаликларга чиқиб кетаверамиз, — дея жавоб берган.

Еган оғиз уялар, деган мақолнинг ҳеч қандай дахли йўқлиги учун Хрушев маҳаллий раҳбарларга зарур ҳисоблаган фикрларининг ҳаммасини юзхотир қилиб ўтирмасдан тўғридан-тўғри айта олган. Бундай йўл тутиши бошқа хатти-ҳаракатлари билан биргаликда унинг учун кейинчалик жуда қимматга тушди.

Ҳар қандай дастурхон атрофида, албатта, қадаҳ сўзлари айтилади, тилаклар билдирилади. “Сиёсий зиёфатлар”ни эса бусиз мутлақо тасаввур қилиш мумкин эмас. Бунга оид расмий ахборотларда бу борада шундай дейилади: фалончи билан пистончи зиёфат чоғида нутқ сўзладилар.

Бироқ улар шунчаки нутқ сўзлаб қўя қолмайдилар. Олий мартабали раҳбарлар бир-бирига маълум қиладиган ёки айтадиган фикр-мулоҳазаларнинг ҳаммасини юзма-юз музокаралар чоғида айтиб бўлган ёки айтишлари лозим бўлади. Зиёфат чоғида, одатда, фақат яқуний тилак учун қадаҳ сўзи айтилади:

— Сизга, Маргарет Тэтчер хоним, британиялик меҳмонларга тилакларим... (М.С.Горбачев)

— Корея Меҳнат партиясининг кенг қўламли бунёдкорлик режалари муваффақиятли амалга оширилишини тилаймиз (М.С.Горбачев).

Бундай баландпарвоз тилак, одатда, шунчаки айтиб қўя қолинмайди, балки хитоб қилинади. Афсунгар ёхуд шомон ўзининг онт-қасамини бир замонлар мана шундай жазава билан ҳайқирган. Бу ўхшашлик бежиз эмас. Бир замонлар расмий зиёфатлар чоғида айтиладиган хитоб-ҳайқириқлар воқеликка сеҳр-жоду билан таъсир кўрсатиш воситаси бўлган.

Азбаройи ҳаяжон билан ишҳор этишидан қатъий назар, тилаклари воқеликка ҳеч қандай таъсир кўрсата олмаслигини сиёсий раҳбар тушунмаслиги албатта мумкин эмас. Бироқ бундан қатъий назар, зиёфат чоғида тилакларини хитоб қилишга мажбур, чунки ҳар қандай сеҳру жоду маросими янглиғ дастурхон атрофида қилиниши керак бўлган амалларнинг ҳаммаси ипидан игнасигача адо этилиши даркор.

### Бирга овқатланишдан бош тортганлар қисмати

И. В. Сталин ягона дастурхондан овқатланишнинг сеҳрли моҳиятини ботинан, демак, ниҳоятда аниқ пайқаган. Ўзига жуда яқин раҳбарлар билан тун ярмидан оққанда бир дастурхон атрофида овқатланиш мана шундай таомил тусига эга бўлган. Бу анъана айнаи шу боис Сталиндан кейин ҳам сақлаб қолинди. Сиёсий бюро аъзолари қатъий таомил сифатида ҳамиша биргаликда тушлик қилганлар.

Бундай умумий овқатланишларда кўп йиллар давомида, албатта Хрушев ҳам қатнашади. Бироқ собиқ сафдошлари, ҳамшишалари ва дўстлари орқаваротдан тил бириктириб, уни ҳокимиятдан четлатадилар. Унинг ўғли Н. С. Хрушев шундай ҳикоя қилади:

“Мен дарвозанинг олдида машинага дуч келдим. Қўлимга қора портфелини тут-қазаркан, гапиргани йўқ, уҳ тортди:

— Тамом... Истеъфога чиқдим.

Бир оз жим тургач, қўшиб қўйди:

— Улар билан биргаликда тушлик қилмай қўйгандим”.

Хрущев истеъфога чиққанини айтганидан кейиноқ сафдошлари билан бирга тушлик қилмай қўйганини қўшимча қилгани бежиз эмас.

Биргаликда овқатланишдан бош тортиш — сеҳру жоду тилида — ёқтирмаслик ва пинҳона ғанимлик белгиси ҳисобланади. Бунга бадий асарлардан ҳам мисол топса бўлади. Граф Монте-Кристо таклиф қилинганлар қаторида душманининг уйига бориб қолади. Даврада ёлғиз у ҳеч нарса емайди. Буни Мерседес пайқагач, жиддий безовта бўла бошлайди. Бироқ ҳар қанча урингани билан Монте-Кристо дастурхонга қайрилиб ҳам қарамайди.

— Граф, — ёлворади Мерседес, — арабларнинг жуда ғаройиб одатлари бор: битта хонадонда нон-намакни бирга баҳам кўрганларнинг ҳаммаси умрбод қадрдонга айланадилар.

Монте-Кристо шундан сўнг ҳам нонга қўл узатмаганидан кейин оиласига бу одамнинг хайрхоҳ эмаслигига Мерседес қатъий амин бўлади. Ва у адашмаганди.

Бу одатнинг аҳамиятини адабий қаҳрамонлар билан бирга сиёсий арбоблар яхшигина англайдилар. Бир пайтлар руминиялик диктатор Чаушеску Брежнев Қримда дам олаётганида тез-тез кўргани борарди. Тушлик пайтида Брежнев меҳмонни биргаликда овқатланишга таклиф қиларди, бироқ меҳмон турли важ-қарсонлар билан бўйин товларди. У Руминия билан СССРнинг, ўзи билан Брежневнинг ўзаро муносабатлари биргаликда овқатланиш имконини берадиган даражада эмас, деб ҳисобларди.

Баъзида меҳмон сиёсий шахс сифатида биргаликда овқатланишдан бош тортади. Бошқа ҳолларда, аксинча, уни дастурхонга таклиф қилмасликлари мумкин. Бу таомилда қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар гал сиёсий мазмунга эга бўлади.

1994 йил январиди Билл Клинтон Москвага келганида Ельцин нафақат Кремлда унинг шарафига зиёфат уюштиради, балки Огаревода кечқурун бирга овқатланади ҳам. Икки раҳбарнинг яқинлиги, ўзаро хайрхоҳлиги нон-намакни бирга баҳам кўриш йўли билан изҳор этилади. Орадан бир йил ўтади. Америка Президенти яна Москвага келади. Бироқ эндиликда икки раҳбар муносабатлари дарз кетганди — Чеченистонда уруш борар, Эронга ядровий воситалар етказиб берилганди. Бу гал на понуштага, на тушликка, на кечки овқатланишга Клинтонни таклиф қилмайдилар.

## 6. ЎРИННИНГ СЕҲРИ

### Кучли йиртқичга итоат қиладилар

Йиртқичлар тўдасида ҳамиша энг кучли, энг йириги ҳукмронлик қилади. Бу борада ҳукмрон ўз ҳуқуқини ҳар гал таъкидлаверишининг ҳеч бир ҳожати йўқ. Важоҳатининг ўзиёқ шундан далолат беради. Ҳукмронлик белгилари, тобелик нишонлари янглиғ шуурда туғма муҳрланган бўлади. Бу қонуният жониворларга ҳам, инсонларга ҳам баравар хосдир.

Ҳукмрон ёхуд шунчаки бошлиқ ён-атрофидагилардан йўқ деганда бир қарич баланд бўлса, тобеинлари ва қўл остидагилар учун айна муддао бўлади, чунки бо-тиний тахминларига тўла-тўқис мос бўлади.

Лекин ҳукмрон истаган бўй-бастига эга бўлмаса, бу камчилигини хуфиёна бар-тараф этишга интилиб, пошнаси баланд пойабзал кийишни одат қилади. Мана шундай айёрлик қилган Рим императорларини ёхуд Москва халқига барваста кўри-ниб, маъқул бўлиш учун баланд пошнали этик кийиб юрган Лжедимитрийни эсга олишнинг ўзи кифоя қилади. Лжедимитрий яна ҳам барваста кўриниш учун узун мўйна шапкани бошидан ечмаган.

Бўйи пастлигидан кўнгли тўлмаган сиёсатдонлар орасида Сталин ҳам бўлган. Кейинчалик Фарбга қочиб қолган чекист А. Орлов шундай хотирлайди:

“Сталиннинг баланд пошнали пойабзални афзал кўришини сезган Паукер пойабзал пошнасини яна бир неча сантиметр қалинроқ қилади. У Сталин учун ниҳоятда баланд пошнали, бироқ шундай экани сезилмайдиган махсус этик тикиб беради. Бундай этикни кийиб ўзини кўзуга солган Сталин мамнунлигини яширмаган. Бу билан ҳам кифояланмаган Сталин боз устига Паукерга Ленин Мақбарасида турганида оёғи остига қалингина тахта қўйишни буюради”.

Ҳарбийларда қадди-қоматнинг келишганлиги ва бўйнинг баландлиги ҳамиша қадрланади. Галаба Парадидан сўнг маршал ва генераллар билан Сталин аввалига ўртада, ҳамма унинг атрофида тик турган ҳолда суратга тушмоқчи бўладилар. Бироқ бундай фикрдан дарҳол воз кечадилар, чунки жуда кўп ҳарбий раҳбарлар анчагина бўйдор бўлгани учун Сталин уларнинг ёнида ёш боладай кўринган бўларди. Шу боис ҳамма ўтирган ҳолда суратга тушадилар. Бу тарихий суратни кўпчилик кўрган.

Сталин чет эллик сиёсий арбобларнинг бирортаси билан учрашганида суҳбатдошидан бўйи пастроқ ҳолда суратга тушиб қолишига имкон борича йўл қўйилмаган. Ҳеч нарса қилиб бўлмайдиган ҳолатлар ҳам, албатта, бўлган. Жумладан, генерал де Голл билан учрашув чоғида сураткашларнинг уринишлари самара бермаган. Бироқ бошқа ҳолларда улар ўз маҳоратларидан унумли фойдалана олганлар.

Мао Цзэдун, масалан, Сталиндан хиёл бўйчан бўлган. Бироқ шўро сураткашларининг биронта ҳам суратида бу сезилмайди. Хитой фото ва кино санъати эса икки раҳбарнинг айни мана шу тафовутига алоҳида ургу берган. Деярли аҳамиятсиз мана шу жиҳатга иккала томон ҳам зўр пинҳоний мазмун сингдиришга уринганлар: кимнинг бўйи баландроқ бўлса, халқаро коммунистик ҳаракатда ҳам айни ўша раҳбарлик қилади! Бу ҳар қандай изоҳдан тубанроқ эканини таъкидлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Табиий сезгирлик мулоҳазакорликдан устунлик қилади. Шу боис, ҳукмронларни азал-азалдан ўта бўйчан қилиб тасвирлаш одат тусини олган. Мисрнинг қадимий лавҳаларида фиръавнлар ҳамиша бошқаларга нисбатан баландроқ тасвирланган. Уларнинг ҳалигача савлат тўкиб турган ҳайкалларининг улўғворлигини айтмай-сизми! Уларнинг пойида ғимирлаётган сайёҳларни гўё лилипут дейсиз. Римда императорларнинг улўғвор ҳайкаллари айни шу мақсадда ўрнатилганди.

Тоталитар мамлакатлар раҳбарларининг кўпқаватли бинолар билан баравар улкан портретлари ҳам айни ким Катта занг эканини таъкидлаш мақсадига қаратилган. Булар куни кеча Ленин, Сталин, Гитлер, Муссолини, Иди Амин, Чаушеску, Мао бўлса, бугунги кунда Каддафий, Саддам Ҳусайн, Ким Чен Ир уларнинг ўрнини эгаллаган.

Сталинга қўйилган ўта баланд ҳайкаллар. Волга-Донда улардан бирининг баландлиги супаси билан кўшиб ҳисоблаганда қирқ метрни ташкил этган. Ленин ҳайкали эса ҳаммасидан ҳам, албатта, баландроқ бўлиши талаб этиларди. Замонанинг меъморий талвасаси, Шўролар Саройи, уни само қадар юксалтириши керак эди. Бироқ Парвардигор бунга йўл қўймади.

Юқоридан куйига такабурлик билан назар ташлаш, шубҳасиз, ҳукмронлик белгиси. Ўз навбатида куйидан юқорига қарамоқ — итоатгўйларнинг худди шундай доимий хислати саналади. Дарвоқе, бу инсоннинг кашфиёти эмас, ҳайвонот оламида ҳамиша шундай бўлган ва шундайлигича қолаверарди. “Қушлар дарахтдан кўним топарканлар, кучлилари юқори шохларни эгаллайдилар, энг баланд шох учун эса тез-тез олишишга тўғри келади” (В.Дольник. “Биосферанинг исёнкор фарзанди”). Бошқа кўплаб сутэмизувчилар ва қушлар каби устунликка даъвогарларнинг асосий хислати — ўзгалар наздида улўғвор бўлиб кўриниш, юқори амални эгаллаш ва бошқаларнинг юксалишига йўл қўймасликдан иборат”. (В.Дольник. “Ҳокимиятнинг табиий тарихи”). Жумладан, иттумшуқ маймунлар тўдаси бирон манзилда тўхташи ҳамона тўдабоши энг юқори шохга жойлашиб олади-да, ана шу юксакликдан “гоҳ у, гоҳ бу маймунга хўмрайиб қарай бошлайди” (ўша асарда).

Инсонларда ҳам шундай ҳолат рўй бермайдими? Император, ҳукмрон ҳоким тасарруфидагиларга аллақандай юксакликдан, юқоридан паства қарагандай назар ташлайди. “Ирод шохона либослар кийиб, юқорироқ жойлашиб олганидан сўнг улар билан суҳбатлашди” (Янги Аҳд. Авлиёлар фаолияти, 13.21.) Тиберий дафна япроқларидан шуҳрат гултожини кийган ҳолда “сенатнинг нигоҳи олдида юксакка

кўтарилди”. (Светоний. Ўн икки цезарнинг ҳаёти). Албатта, баланд супага жойлаштирилладиган тахтлар ўз вақтида айни шу муддао билан ўйлаб топилганди.

Бугунги кунда ҳайъатлар, минбарлар, тожу тахтлар — айни ўша энг юқоридаги шоҳ бўлиб, бу юксакликдан галдаги раҳбарлар осий бандаларга кибр билан боқаёттирлар. Бундай имконият бўлмаган жойларда уларнинг ўрнини босадиган воситалардан бемалол фойдаланавериш мумкин. Жўшқин қайта қуриш йилларида биронта ҳам митинг ёки намойишни қолдирмайдиган москвалик эски қадрдоним гапириб берганди:

— Одамларни Манеж майдонига тўпладик. Уч-тўрт минг одам йиғилди. Бироқ биз билан бирга сиёсий муҳолиф рақибларимизнинг кучли гуруҳи ҳам келиб улгурган эди. Улар ҳисоб-китобни тўғри қилишган экан — бу халқни ўз ортларидан эргаштириш учун қулай имконият эди. Боз устига, уларнинг матюгалниги, яъни овоз кучайтиргичи бўлиб, бизларда эса йўқ эди. Ва биз рақибларимизга бой бера бошладик. Ўйинни бой беришимиз шубҳасиз эди. Бахтимизга эсли-хушли оғайниларимиздан бири яшик ола келган экан. Галма-галдан яшик устига чиқиб, нутқ сўзладик. Оломонга юқоридан, гўё минбардан мурожаат қилганимиз туфайли — халқ раҳбариятни аксарият бундан бўлак ҳолатда тасаввур қила олмайди — фақат бизнинг даъватларимизга қулоқ тута бошлади. Қандайдир кутилмаган, жиддий амалий таклифни зудлик билан ўртага ташлаш керак бўлиб қолди. Ва мен яшик устига сакраб чиқдим-да, қичқирдим: “Ҳаммамиз шу ердан Ельциннинг хузурига йўл олиб, уни қўллаб-қувватлашимизни айтамыз!” Ва оломон шундай буйруқ берилишини сабрсизлик билан кутаётгандай, мен юқоридан ишора қилган томон эна бошлади. Горький кўчаси бўйлаб бораяпмиз. Қаёққа бориш кераклиги, Ельцин қаердалиги, уни қаердан қидириш лозимлигини ҳатто ўзим ҳам билмайман. Бироқ энг муҳими — халқни эргаштириш.

Ленин муҳожирликдан қайтиб келганида дохийлигини руҳан таъкидлаш учун бошқалар унга қуйидан юқорига термилган ҳолда қарашлари ташкил этилади. Вокзал олдидаги майдонда Ленин броневикка кўтарилади.

1991 йил августи. ГКЧП ўйинни бой беради. Ельцин устун чиққанини билдириш учун қандай йўл тутати? Халқ ичига, оломон орасига кириб борадими? Мутлақо. Ельцин танкка кўтарилади.

Буларнинг барчаси қамоқхонадагилар амал қиладиган тамойилларга ҳам ўхшайди. Қамоқда жамиятга хос мезон ва меъёрлар тан олинмайди. Бироқ қамоқхоналарда ҳам худди шундай ҳокимият манзарасига дуч келасиз. Қўрбоши ва унинг гумашталари ҳамиша юқори сўрашларда “давру даврон” сурадилар.

Бу тамойилнинг биологик, ҳайвоний хоссага эга эканини билганлари ҳолда турли даражадаги раҳбарлар ҳамон унга амал қилишлари одамнинг энсасини қотиради. Москвада, айрим юқори амалдорларнинг мен кирган хоналарида келувчилар учун ўриндиқлар шундай қўйилганки, хона соҳиби бошқаларга нисбатан анчагина юқорироқ мавқеда бўлади. Хонага эндигина кириб келган одамда муайян руҳий мослашиш пайдо бўлади. Чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, атайлаб шундай қилинади. Горбачевга яқин кишилардан бири унинг хонасидаги ўриндиқлар худди шу тартибда жойлаштирилганини қайд этганди. Унинг кенг ёзув столи яқинига келувчилар учун иккита оромкурси қўйилган бўлиб, уларга чўкканча қуйидан юқорига, бош қотибга тикиларкансан, унинг пайғамбарсифат авлиё-ю, ўзингнинг ҳақиру фақирлигинга, шубҳасиз, иймон келтирасан”.

Итоатгўйлик — ҳукмронликнинг бошқа томони. Ҳайвонот оламида итоатгўй махлуқ тамомила мутелигини исботлаш учун пақанароқ кўринишга интилгандай ерга ётиб олади. Одамларда ҳам худди шундай. Шоҳлар хузурига кирганда узала тушиб ётиш, юзтубан ётганча, пойларини ўпиш лозим бўлган. “Архелий юзтубан ётганича ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, Митридат билан сулҳ тузишни ўтинди” (Плутарх).

Кейинчалик подшо олдида тиз букишнинг ўзи кифоя қилган. Вақт ўтиши давомида унинг ўрнини икки букилиб таъзим қилиш эгаллади, ва ниҳоят, шунчаки таъзим — бошни эгиб кўя қолиш таомил тусини олади. Бу турли хатти-ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти ягоналигича қолаверган: Катта Зангдан бўйинг пастлигини тан олиб, модомики шундай экан, унга итоат этишга тайёрлигини билдириб қўйишдан иборат.

## Ким қаерда ўтириши, ким қаерда туриши керак

Ҳокимият — энг юқори лавозимни император, президент, Бош котиб ёки ҳатто тўдабоши эгаллашидан қатъий назар, иерархия, пирамидалигича қолаверади. Ҳоким атрофидагилардан бирига ваколатларининг муайян қисмини беради. Биронтасига кўпроқ, бошқа бировга эса камроқ ваколатлар тегади. Ҳокимият ваколатларига кўпроқ эга бўлганлар шунга мос равишда ҳокимга яқинроқ бўладилар. “Ҳукмдорга яқин шахс” деган ёрлиқнинг ўзиёқ мана шундай боғлиқни билдиради. Рус шоҳларининг саройларида эса “шоҳнинг энг яқин зодағони” деган унвон ҳам бўлган.

Жой сеҳри билан боғлиқ тамойилга қадим-қадимдан, илк ҳукмдорларнинг саройларидаёқ оғишмай амал қилинган. Қадимги Хитойда император ҳузурида ҳар бир лавозимли шахс мансабига муносиб равишда муайян ўринга жойлашган. Йиғилишлар бўлмасида ким қаерда туриши кераклиги аввалдан ёзиб қўйилган. Император бунга оид қоида бузилишига йўл қўймаган, шундай қилган кимсанинг ҳолига эса, шубҳасиз, маймунлар йиғлаган.

Қадимги ҳукмдор ва шоҳларнинг саройида ҳам шундай тамойилга амал қилинган. Пойабзалларга жавобгар (хранитель сандалий) дейлик, тахтнинг ёнгинасида, Вилоят ноиб тахтдан олти қадам нарида, Чап кўл вазир тўрт қадам йироқда таъзим бажо этиб тураркан, ҳукмдор уларнинг қайси бирига қандай муносабатда бўлиши яққол кўзга ташланарди. “Дастида асо, ўн нафар юқори лавозимли амалдорлар икки тарафида саф тўртган, сарой ичкарисининг бошлиғи ўнг томонида, газнабон чап ёнида, солномачилар эса яқингинасидан жой олишганди (Шаҳар ҳокими тўғрисидаги Қадимги Миср манбаси).

Жойлашув тамойилига кейинчалик Оврупо ҳукмдорларининг саройларида, рус князлари ва шоҳларининг қасрларида, боярлар думасида, зиёфатларда, ҳарбий юришлар чоғида риоя қилинади. Ҳар бир одам машҳурлиги, лавозими ҳамда хизматларига мос равишда муайян ўринни эгаллаган.

Бироқ ким қайси жойни эгаллаши кераклигини ҳаминша шоҳнинг ўзи белгиланган. Бунга оид фармойиш, жумладан, мана шу тарзда бўлган: “Сенинг амакинг, князь Иван, князь Константин Курятев билан баравар мавқега эга, шу боис, сен князь Константин Курятевнинг учинчи ўғли билан тенг мартабада бўласан”. (Князь Федор Троекуровнинг Ёрлиғи”. XVIII аср.)

Мабодо бирон-бир амалдор ўз лавозимидан юқори жойни эгалласа, бу мартабаси уникидан баланд бўлган кимса учун кечириб бўлмас ҳақорат ҳисобланарди. Киевлик боярин Родион Нестерович Москва ҳукмдорининг ҳузурига ташриф буюриб, бояр Акинфдан юқори жойни эгаллаганида, бундай ҳақоратга чидай олмаган бояр Акинф Тверь князининг ҳузурига бош олиб кетади. Ҳақоратлангани учун қасос олиш мақсадида ҳатто Москва устига қўшин тортади. Оқибатда бояр Родион уни ўз кўли билан ўлдиради. Бошини танасидан жудо қилади-да, найзанинг учига илиб, Москва князи Иван Данилович ҳузурига олиб келиб:

— Мана сенга хиёнат қилган ва мендан қасд олишни мўлжаллаган кимсанинг боши, — дея хитоб қилади.

Москва ҳокимининг ҳузурида ҳар ким белгиланган жойини эгалламаслиги мана шундай фожеали оқибатларга олиб келган. Хос хонанинг марказидан шоҳнинг ўзи ва унинг икки ёни бўйлаб лавозимига мос равишда амалдорлар жой оладилар. Бу борада сеҳру жоду ва диний маросимлардан андоза олинган. Жумладан, черковлар, синагогалар, масжидларда, будпарастларнинг ибодатхоналарида мана шундай тамойилга риоя қилинади. Қурбонлик қилинадиган жой ёхуд меҳроб муқаддас ва илоҳий қудрат маркази ҳисобланади. Имом хатиб, энг юқори мартабали руҳоний бево-сита ана шу жойнинг ёнгинасидан жой олади. Бошқалар диний лавозимларига мос равишда жойлашадилар. Диний ва дунёвий ибодатхоналар ва саройлардаги мана шундай ўхшашлик қадимги пайтларда шу қадар яқин бўлганки, шоҳнинг тахти меҳробга қиёсланган.

Жой сеҳру жодуси сиёсий рамз сифатида ҳозирги пайтда ҳам сақлаб қолинган. Давлат арбоблари, дейлик, самолёт олдига қандай тартибда бораётганларини кузатганда ҳам буни яққол пайқаса бўлади.

Сеҳру жоду билан боғлиқ расм-русумларга коммунистик арбоблардай ҳеч ким изчиллик билан риоя қилмаганлар. Улар тилда дахрийликни тарғиб қилганлари билан амалда гайритабиий ақидаларга кўр-кўрона ружу қўйганлар. Хитой импера-



торлари ёхуд фиръавнлар қасрларда жойлашув афсунига қандай амал қилган бўлсалар, Сталин даврида ҳам шундай амал қилинган. Сафдошларининг сиёсий мавқеи тўғрисида уларнинг қайси бири расмий маросимлар ва тантаналарда Сталиндан қандай масофада жойлашганлигига қараб беҳато мулоҳаза юритиш мумкин бўлган. Мана шундай жойлашувдаги ҳар қандай ўзгариш ҳокимиятдаги ўзгаришга олиб келарди. Сталин билан ёнма-ён туриш ёки ўтириш дасти узунликни, ҳокимияти чекланмаганини билдирарди.

Жойлашув афсунига нафақат элнинг кўз олдида, балки ҳукмдор билан яқин кишилари ёлғиз қолган кезларда ҳам оғишмай амал қилинган. В. М. Молотов шундай хотирлайди: “Сталиннинг хонасида йирик стол бўларди. Столнинг ёнида менинг ўз ўрним бор эди”. Бу узоқ йиллар давомида Сталиннинг ёнгинасидаги жой бўлиб қолди. Молотов Ленин мақбарасининг устида ҳам Сталин билан ёнма-ён турар ва 1945 йилги Галаба Паради чоғидагина фақат бир гал бу жой Жуковга насиб этганди.

✓ Ҳеч ким ўз хоҳиши билан Сталинга яқинроқ ёки узоқроқ жойлашиш ҳуқуқига эга эмас эди. Бу ҳам фақат унинг қатъий кўрсатмасига биноан қилинарди. У ёки бу сиёсий тadbир муносабати билан газеталарда унда қатнашган юқори мартабали шахслар рўйхати чоп этилар эди. Рўйхат, албатта, Сталин билан бошланарди. Унинг исми шарифи олдидан кимнингдир исми шарифи берилишини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Ҳокимият билан боғлиқ бошқа тамойиллар сингари буни ҳам болшовойлар ўйлаб топмагандилар. Чор Россиясида ҳам шундай тамойилга изчил амал қилганлар. Унга амал қилмайдиганлар ўз бошига бало орттирар эдилар. Ўқчи Ивашка Хозовский юзбоши шарафига қадаҳ кўтараркан, шундай дейди:

— Микита Дмитриевич ҳамда валинъематимиз шоҳ жаноби олийлари ҳамиша соғ-саломат бўлгайлар!

Подшонинг исми шарифини юзбошининг исми шарифидан кейин тилга олишга журъат этгани учун ўқчини шафқатсиз калтаклайдилар.

Сталин даврида йирик давлат арбобларининг исми шарифи куйидаги тартибда қайд этиларди: Сталин, Молотов, Ворошилов, Каганович, Жданов. Улар ҳайъатлар, минбарларга айна шу тартибда турнақатор бўлиб чиқиб, ўз жойларини эгаллаганлар. Кейин эса, чамаси, хуфиёна нимадир содир бўлади-да, Ворошилов бирданига бешинчи ўринга сурилиб қолади. Жданов эса аввалига учинчи, кейин ҳатто иккинчи ўринга “сакрайди”. Бу ҳокимиятга эгаллик қилиш, ҳокимият учун курашда қандайдир жиддий ўзгаришлар рўй берганини билдирарди. Сўнгра, ўлими арафасида Жданов кўққисдан орқага, аввалги бешинчи ўрнига суриб ташланади.

Сталиндан йироқлашув, рўйхатнинг, столнинг ёхуд минбарнинг энг охирига сурилиб қолиш жазоланиш, амалдан айрилиш, яъни ҳибсга олиниш ва кейинчалик отиб ташланиш яқинлашиб қолганининг аломати сифатида қабул қилинарди. А. И. Микоян мана шундай хотиралар қолдирган: “Сиёсий Бюро аъзоларининг сони ҳамиша тоқ бўлар, иккинчи қаватдаги хонанинг балконига чиқиладиган ойнаванд эшик томон сурилган чорқирра стол атрофида тушлик қилинарди. Столнинг фақат бир тарафи бўш қоларди. Ана шу тарафга ўтирадиган кимса балконнинг эшигига юзланиб қоларди. Бу ўринга Сиёсий Бюродаги хуш ёқмайдиган кимса жойлашар, унинг қисмати қилда аранг илиниб турарди. Суиқасдлардан ҳамиша ҳадиксирайди-ган Сталин мабодо бирон кўнгилсизлик рўй бергудай бўлса, ойнаванд эшик рўпарасида ўтирган кимса биринчи бўлиб ўққа учадди, деб ҳисобларди. Тушлик дастурхони атрофидаги ўринларни одамларга хайрхоҳлигига мос равишда ўзгартириш унинг одати бўлган”.

Микоян буларнинг ҳаммаси ўзининг гувоҳлигида содир бўлгани учунгина шу қадар аниқлик билан эсламаган, — Сталин ҳаётининг сўнгги йилларида ойнаванд эшик рўпарасидаги жойда айнан унинг ўзи ўтиришга мажбур бўлган.

Мустабид билан видолашув чоғида ҳам лавозимий жойлашув тамойилига оғишмай амал қиладилар. Уларнинг ҳар биттаси сиёсий мавқеи гўё яна бир карра мустаҳкамлаб олганлар. Шифокорлардан бири шундай эслайди: “Сиёсий Бюро аъзолари жон таслим қилаётганининг яқинига келдилар. Лавозими пастроқлар остонадан назар ташлаш билан кифояланишди. Хрущёв ҳам эшикнинг олдида остона ҳатлаб ичкарига кирмагани кечагидек ёдимда. Хуллас, иерархияга амал қилинди. Олдинда Маленков билан Берия, уларнинг ортида эса Ворошилов, Каганович, Булганин ва Микоян”.

Жойлашув жодусига Сталиндан олдин ҳам риюя қилганлар. Ва бу тамойил Сталиндан кейин ҳам яшайверди. Маленков Биринчи котиб бўлгач, кечикиброқ бўлсада, ёлғиз у доҳийнинг ягона ҳамда қонуний меросхўри эканини билдириб қўйиш муҳим аҳамият касб этарди. Маленков Сталин билан ёнма-ён тушган фотосуратларнинг ҳаммасида Сиёсий Бюронинг бошқа аъзолари ёки Марказий Кўмита котиблари ҳам акс этгандилар. У доҳий билан ёлғиз ўзи тушган фотосурат, яъни ҳокимиятнинг сеҳрли саҳнига фақат икковлон эгалик қилишлари акс этган сурат талаб қилинарди. Ва Маленков олий мартабани эгаллаши арафасида ана шундай фотосурат газеталарда чоп этилади; тобутда ётган Сталин ва унинг ёнида қайғули алфозда ўрнини эгаллаган янги Бош Котиб. Бу борада сохталаштиришга йўл қўйилган, Маленковнинг ёнида турганлар сурати қирқиб ташланганди. Бирмунча вақт ўтиб, яна бир сохта сурат пайдо бўлади: Мао Цзэдун билан суҳбатлашаётган Сталин ёнида Маленков тасвири акс этганди. Маленков ҳаққонийлик билан сиёсий мақсадга мувофиқликдан биттасини танлар экан, эҳтиётсизлик билан ҳаққўйликни танлайди ва бу “сурат”ни кейинчалик чоп этишларини таъқиқлаб, илк хатоларидан бирини қилади. Сўнгра яна битта хатога йўл қўяди.

Сталин даврида бўлганидек, Маленков раҳбарлиги йилларида ҳам бирон сиёсий тадбир ўтказилса, газеталарда одатда иштирокчиларнинг рўйхати чоп қилинар, биринчи галда Бош котибнинг исми шарифи қайд этиларди. Бу қатъий қоида тусини олган, шунинг учун ҳаммага тушунарли одатий ҳол саналарди. Бироқ бир-икки ой ўтиб, мутлақо галаги ҳол рўй беради. Маленковнинг исми шарифи биринчи ўриндан рўйхатнинг охирига, алифбо бўйича умумий қаторга тушиб қолганди. Маленков, чамаси, давлатда биринчи шахсга сифинишга чек қўйишни мўлжаллаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу унинг дадил ва оқилона мардлиги бўлган — рўйхатда биринчи ўринга даъвогарликдан воз кечган. Бироқ халққа, биринчи галда тоталитар тамойиллар асосида тарбияланган партия аппаратида бундай демократик бағрикенглик хатарли ва тушунарсиз эди. Тўғрироғи, булар уни тушунадилар, бироқ биринчи шахснинг амалдан кетиши аломати сифатида қабул қилнадилар. Аппаратдагиларнинг наздида Маленков устунлик салоҳиятини дарҳол йўқотади ва гўё улардан бирига айланиб қолади, бу эса кейинчалик уни ҳокимиятнинг энг олий лавозимидан олиб ташланишини руҳий жиҳатдан анча енгиллаштиради.

Жойнинг сеҳри ҳокимият даражасида ҳаммиша шубҳасиз бўлиб келган. Бунга Хрушчёвнинг ўзи ҳам бир неча марта амин бўлади. Дарвоқе, Маленковни олиб ташлашда Хрушчёв ҳам бошқалардай жонбозлик кўрсатади. Хрушчёв амалга ошираётган ислоҳот ва ўзгаришлар кўплаб сафдошларининг шахсий келажагини мавҳум қилиб қўяди. Бунинг оқибатида улар 1961 йил июлида уни ағдариб ташлашга уринадилар. Марказий Кўмита Пленумида аҳамиятсиз масала муҳокамаси чоғида лавозимидан олиб ташланган Маленков кўққисдан кун тартибида қайд этилмаган Хрушчёв тўғрисидаги масалани кўтаради. Шу паллада Хрушчёв марказий ўринда — раиснинг жойини эгаллаб ўтирарди. У токи столнинг бошида ўтираркан, номига қандай таъна-дашномлар ёғдирилишидан қатъий назар, моҳиятан раҳбарлигича қолаверарди. Шу сабаб, Маленков билан унинг ҳамфикрлари Хрушчёв бошқа жойга ўтиб ўтиришини талаб этадилар. Расман олганда аввалгидек ўша лавозимида қолиб, олдинги ваколатларини ҳам сақлаб қолаверарди, бироқ раҳбарлик курсисида эмас, балки бошқалар орасидан жой олиб, ҳукмдорлик вазифаларининг таъсир кучини дарҳол бой беради. Бу ғанимлари томонидан қилинган жуда қақшатқич зарба эди.

Бу гал Хрушчёвни ағдариб ташлашни уддасидан чиқа олмайдилар. Лекин йиллар ўтиб Брежнев охир-оқибат бунга эришганида, шу воқеа рўй берадиган мажлис яна ўша тартибда бошланади — ҳали бирон-бир масала муҳокама қилинмасданоқ Хрушчёв Бош котиб ўрни ва ҳатто ҳайъатни тарк этишини, умуман, бир чеккадан жой олишини ғанимлари талаб қиладилар. Фитначилар мўлжални тўғри олишганди. Хрушчёв бошқа жойга ўтиб ўтиради-да, имкониятларининг ярмини бой беради. Жойнинг сеҳри мана шундай қудратга эга.

Брежнев даврида Мақбара устида фақат Сиёсий бюро аъзоларигина у билан ёнма-ён турардилар, уларнинг орғида — Сиёсий бюро аъзолигига номзодлар, уларнинг кетида эса — Марказий Кўмита котиблари... Пастдаги минбарларда таклиф қилинганларнинг ҳар биттаси қатъиян лавозимида биноан жойлашардилар. Жой Мақбарага яқинлашгани сайин лавозим ҳам юқорилашиб борарди. Юқори мартабали раҳбарларнинг аксарияти бир-бирини танишар, улар саломлашар, бир-икки

дақиқа бир-бировларини йўқлардилар ҳам. Бироқ бундай Броун ҳаракати ҳоқимиятнинг сеҳрли саҳнидаги тартиб-интизомни бузмаслиги талаб этиларди. ДХК маҳсус зобитлари бирон кимса ўз ихтиёри билан бирмунча муҳим жойга ўтиб ўтириб олмаслигини жиддий кузатардилар. Бош котиб ўқтин-ўқтин кимнидир ўз олдига, “юқорига” таклиф қилиб қоларди: “таклиф қилинган кимса тез-тез қадам ташлар экан, ён-атрофдагилардан қувончини яшира олмай мамлакатнинг энг юксак минбарига кўтариларди” (В. Медведев).

Брежнев ҳузурига йиғилганларни суратга тушишга таклиф қилганларида даврадагиларнинг ҳар биттаси имкон борича Бош котибга яқинроқ туришга интилардилар. Шундай воқеаларнинг гувоҳларидан бири шохидлик беришича, ГДР раҳбари Эрих Хонеккер бундай кезларда чаққонлик қилиб, шўро раҳбарининг ёнгинасидаги фахрли жойни эгаллай олган. Сурат матбуотда эълон қилинган, унга қараб ким қандай мавқега эга эканини тушуниб олаверганлар.

Аппаратда узоқ йиллар хизмат қилган Ю. Королев хотираларида бу ҳақда шундай ёзади: “Мабодо саркотиб чеккадан иккинчи жойда бўлса, ўнг ва чап томонида — Вазирлар Кенгашининг раиси ва партия аппаратидаги иккинчи шахс жойлашарди. Баъзида битта жой бўш бўларди. (Қоидага биноан, ким учун мўлжалланган бўлса, фақат ўша шахсгина бу ўринга ўтириши мумкин эди). Иккинчи қаторга Сиёсий Бюронинг аъзолари жойлашардилар, улардан сал юқорироқда — Сиёсий Бюро аъзолигига номзодлар ва Марказий Қўмита котиблари ўрнашиб, улар ҳам белгиланган ҳамда одатий тус олган тартибда жойлашардилар. Бир қатордан бошқа бир қаторга ўтиб жойлашиш кузатувицлар томонидан кадрлар масаласида қандайдир жиддий ўзгариш аломати сифатида баҳоланарди. Масалан, Кириленко билан шундай бўлганди, дастлабки кезларда иккинчи-учинчи қаторда ўтирадиган бу шахс кейинчалик орқароқ қаторларга сурилиб қолади ва ниҳоят сиёсий қисмати ҳалокатга учрайди (ўғли чет элда қолиб кетади). Бундай қисмат бошқаларнинг ҳам бошига тушади”.

Жойнинг сеҳру жодуси шўро ҳоқимияти йилларида беҳато ишлаган тартиботлардан бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўқтин-ўқтин бу борада ҳам муаммолар юзага келган, албатта. Янги Саркотиб Ю. В. Андропов оғир хасталиги учун 1983 йил 6 ноябрь куни Кремлдаги тантанали мажлис унинг иштирокисиз ўтиши керак бўлади. Бу олий ҳоқимият аъзоларини саросимага солади: саҳнада одатдаги ўрин бўлмаслиги хавфи пайдо бўлади, ҳолбуки ҳар бир арбоб сиёсий мавқени айни ўша ўринга нисбатан белгилаши керак эди. Ахир улар ҳайъатда дуч келган тартибда жойлаша олмасдилар-да. Халқ буни тушуна олмаган бўларди. Бутун дунё ҳам англай олмасди. Ёки яна ҳам ёмони, ҳоқимиятнинг олий доираларидаги парокандалик ва тартибсизлик сифатида қабул қилган бўлардилар.

Сарой аъёнлари бу қалтис вазиятни осонгина ҳал этадилар ва ақидавий таомилга риоя қилинади. Ҳайъатда битта ўринни бўш қолдиришга келишилади. Ана шу бўш ўриндиқда Бош Котиб ғойибона ўтирибди, деб фараз қиладилар. Сиёсий Бюро аъзолари ўз лавозимлари ва мавқеларига мос равишда ким бўш ўриндиққа яқинроқ, ким эса узоқроқ жойлашадилар.

Орадан бир ой ўтгач, Олий Кенгашнинг сессиясида ҳам асосий ўриндиқ бўш қолади. Тўғри, 78 ёшли Николай Тихонов бўш жойга ўтиришга уриниб, сеҳру жоду билан боғлиқ тартибни бузишига бир баҳия қолади. Сиёсий Бюронинг бошқа аъзолари сўнгги лаҳзада уни бундай шаккокликдан тийиб қоладилар.

### Жойнинг ўзгариши мавқени ҳам ўзгартиради

Ҳоқимиятдаги ўзгаришлар ҳамини иккиламчи бўлади. Одатда, бундай ўзгаришлар кимнингдир мавқени шунчаки қайд этиб, мустаҳкамлайди, холос. Бироқ баъзида бу мантиққа хилоф равишда иш тугилади. Ва ўшанда тескари изчиллик кузатилади.

1976 йил апрель. Қизил майдон, маршал Гречко дафн этилаётир. Мақбара устида Черненко олдинги қаторнинг охирида.

Ўша йил, 8 май. Брежневга маршаллик юлдузи тақдим этилаётир. Черненко бирданига қаторнинг ўртасига силжиган.

29 май. Кремлда СССР ва АҚШ ўртасида шартнома имзоланаётир. Брежнев томон силжиш давом этаётир. Черненко, Сиёсий бюрога аъзо эмас, ҳатто аъзоликка номзод ҳам эмас, бироқ Сиёсий бюро аъзолари орасида — Суслов билан Кириленко ўртасида турибди.

28 июнь. Партия ва ҳукумат делегацияси кузатилмоқда. Черненко Сиёсий бюронинг аъзолари — Суслов, Пельше, Кулаков, Кириленкодан ҳам “юқори мавқе” га чиқиб олган.

6 октябрь. Внуково тайёрагоҳи, Брежневни кутиб олаётирлар. У билан Саркотиб ўртасида ҳеч ким йўқ. Унвон ва лавозим бир оғиз изоҳсиз ҳаммага аён: мамлакатда иккинчи шахс — Черненко.

Горбачевнинг олий партия лавозими га кўтарилишини қатор синаотлари билан бирга жойнинг сеҳр-жодуси билан боғлиқ бир неча ҳолатлари ҳам бўлган. Баъзан шахмат тахтасида бўлганидек, аини ҳокимият саҳнида энг олий лавозим учун асосий кураш олиб борилгандай таассурот пайдо бўлади.

“Силжишлар” Брежнев тириклигидаёқ бошланганди. 1981 йил сентябрь. Черненкога Олтин Юлдуз топширилиши тантанаси. Горбачев — Саркотибдан тўрт киши нарида турибди. Бир неча дақиқадан кейин уларни яна кўрсатадилар. Ҳамма ўша-ўша жойида, ўша-ўша алфозда турибди. Бироқ Горбачев қаёққа гойиб бўлди? У олий ҳокимиятнинг ёзилмаган қонунига биноан мутлақо мумкин бўлмаган ишни қилади: у ўз ихтиёри билан бир неча кишининг “устидан” сакраб, Брежневга яқинроқ келиб олади. Энди у учинчи ўринга “чиқиб олганди”. Бу ҳокимиятдаги мавқеини эмас, балки кўнглидаги муддаосини нисбатан кўпроқ ифода этадиган “ўрин” эди.

1983 йил ноябрь. Кремлда махсус зиёфат берилаётир. Горбачев билан саркотибни фақат уч киши — Черненко, Громико ва Гришин ажратиб турибди. Бир йил ўтгач, қарри ҳукмдор Черненкога навбатдаги Олтин Юлдузни тақдим этади. Ҳамма арча байрамига тўпланган болалардай яйрайди. Лекин Горбачевнинг қувнаб, яйраши учун асос яна ҳам кўпроқ эди. У кўнгли сушт кетиб юрган орзуси — Саркотиб билан ёнма-ён иккинчи ўринга “кўтарилади”. Фалабами? Маълум бўлишича, ҳали унганча бор экан. Черненко ҳали ҳаёт эди, бироқ Сиёсий бюрода “тахт” учун пинҳоний кураш давом этаётганди. Ҳокимиятдаги олий мартаба учун икки киши — Горбачев билан Романов даъвогарлик қилардилар. Бу беллашувда гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг қўли баланд келарди. Буларнинг ҳаммаси ҳал қилувчи эмас, балки шунчаки мағлубият ва ютуқлар ҳисобланарди. Котибиятнинг мажлисини Горбачев олиб бориши хусусида келишиб олганларида бу гарчи ютуқ бўлса ҳам, аҳамиятсиз, расмиятчиликдан нарига ўтмайдиган шунчаки ютуқ сирасига кирарди. Бироқ Горбачевнинг тарафдорлари уни ҳақиқий галабага айлантира олдилар.

Гап шундаки, Горбачев ана шу мажлисдан кейин ҳам эгаллаган жойида ўтираве ради. Унинг янги, бирмунча олий мавқе-мартабаси жой сеҳр-жодуси воситасида ўз аксини топмагунча мақомидаги ўзгариш биронта ҳам кимса томонидан жиддий қабул қилинмайди. У Саркотибдан аввалгидек масофада ҳамон ўтираве ргани “газабини қайнатиб юборди”, — деб хотирлайди унинг сафдошлари. “Д. Ф. Устинов Марказий Қўмита Сиёсий бюросининг мажлисида Горбачев ўзининг янги жойига ўтиб ўтириши кераклигини айтмагунча бу аҳвол давом этаверди. Устиновнинг фикрига қарши боришга ҳеч ким журъат эта олмайди”.

Янги жой Черненконинг ўнг томонида эди. Горбачев янги жойни эгаллаши билан мавқе-мақоми ўзгарганини сезади. “Унинг ҳатто қиёфаси ҳам ўзгариб, ҳукм-фармолиги яна ҳам кучаяди”. У ҳаммадан “юқорироқ” ўтира бошлаганидан сўнг ўзгаришни бошқалар ҳам ҳис этадилар. Руҳан аини мана шу жиҳат катта аҳамият касб этарди. Черненконинг ёрдамчиси В. Печенов буни шундай изоҳлайди: “Бизники сингари давлатда ким қаерда туриши-ю, ким қаерда ўтириши — ёлғиз рамзий маъногагина эга бўлмаган!”

Саркотибнинг ёрдамчиси нимани назарда тутаётганини жуда яхши англари. Дунёга тамомила ҳукмронлик ва итоатгўйлик мезони билан қаровчи олий партия аппаратининг аъзолари эгаллаган янги ўрнига мос равишда Горбачевни дарҳол раҳбар сифатида тан оладилар.

Сиёсий бюро столи атрофида янги жойни эгаллаб, партия аппарати ва мамлакатда иккинчи шахс бўлиб олгач, Горбачев дарҳол янги мавқеини мустаҳкамлашга киришади. Эндилжқда имкон борица тез хонасини ўзгартиришга, янги мавқеига

мос хонага кўчиб ўтишга ошиқарди. Сусловга тегишли бу хонани Брежнев даврида Черненко мерос қилиб олганди. Мана шундай изчиллик ниҳоятда кўп маъноли бўлиш билан бирга, жуда кўп нарса ваъда ҳам қиларди. У токи янги хонасига кўчиб ўтмагунча, янги сиёсий мавқеи тўла тасдиқланмасди. Бунини Горбачевнинг сиёсий муҳолифлари ҳам яхши идрок этишар, шу боис кўчиб ўтишини исталган баҳона билан кечиктиришга қаратилган пинҳона ганимлиқни бошлаб юбордилар. Мана шундай мавҳумлик ҳукм сурган кунлар давомида одатда оғир-вазмин Горбачев ўзини кўярга жой тополмай, асабийлашар, сал нарсага ҳам қизишиб кетаверарди.

Жой юксак лавозимни шунчаки йўлига қайд этиб қолмасдан, аксинча, ҳокимиятга даъвогарлик ҳуқуқини ҳам акс эттиради. Горбачев бунини ўз тажрибасидан яхши биларди. Шу боис ниҳоят Саркотиб бўлиб олгач, янги хонага кўчиб ўтишни бир кунга бу ёқда турсин, бир соатга ҳам кечиктирмайди. Ўша кезларда Горбачевга ҳамроҳлик қилган ёрдамчиларидан бири шундай хотирлайди: “Хўжалик хизматчилари бир кечанинг ўзидаёқ хонани тартибга келтириб, гилам поёндозларни ўзгартирдилар, полларни артиб, ёнғоқ дарахтидан ишланган гарнитурни қайтадан лаклаб чиқдилар”. “Россия империясининг буюк ҳукмдорларини тахт, асоий салтанат ва қудратли давлат бир пайтлар оҳанрабодай тортган янглиғ, бу хона ҳокимиятнинг чинакам рамзи сифатида Горбачевнинг диққат-эътиборини кўпдан тортар эди”.

Бу шубҳасиз, жой сехру жодуси бўлиб, уни Горбачев яхши тушунарди. Горбачевгача бўлгани сингари унинг ҳукмронлиги йилларида ҳам айни шу жиҳат ҳокимиятнинг рамзий забони бўлиб, ўз атрофидагилар ва ташқи дунё билан айни шу тилга мулоқотда бўларди. Ҳайдар Алиев шундай хотирлайди: “Мақбарда ким қасрда туришини Горбачевнинг ўзи аввалдан белгилаб қўярди: “Сенинг жойинг мана бу, сеники эса буниси ва ҳоказо”. Саркотиб демократ бўлиб туюлгани билан у жойнинг лавозимга муносиб бўлишига ҳамisha аниқ амал қиларди. Сиёсий бюро мажлисларида авваллари қандай бўлса, Горбачев даврида ҳам мавқеи ва Сиёсий бюрога аъзолиги муддатига қатъий мос равишда тегишли ўринларни эгаллаганлар. “Ҳамма ўз жойини билар ва ҳеч ким бехосдан бировнинг жойига ўтиришни хаёлига ҳам келтирмасди”. Горбачевнинг ўнг томонидан Е. К. Лигачев жой олган. Бу ҳар доим бўлгани каби партиядоги иккинчи шахснинг доимий ўрни ҳисобланарди. Сиёсий бюро аъзолигига номзодлар, Марказий Қўмита котиблари ҳам айни шундай қатъий тартибда жойлашганлар.

Саркотиб КПСС Марказий Қўмитасининг Пленумига мана шу тарзда кириб келган: “Ҳамма жим бўлиб қолади ва залда сув қуйгандай осойишталик ҳукм суради. Саҳнанинг чап томонидаги эшик очилиб, дастлаб Горбачев, унинг кетидан эса Сиёсий бюродаги стажи ҳамда партия ва давлатда тутган мавқеига қараб бошқа раҳбарлар кетма-кет чиқиб келадилар. Саркотиб, кейинчалик эса СССР Президенти расмий чиқишларида ана шу тамойилга қатъий амал қилинган. Аппарат ходимларидан бири Горбачев учиб кетиши арафасида уни кузатиш маросимини шундай тасвирлайди: “Горбачевни кузатиш учун рухсат берилганларнинг ҳаммаси лавозимга муносиб жойни аниқ билади. Хайрлашув вақти яқинлашгач, ҳамма кузатувчилар уч қатор саф тортадилар. Биринчи қаторни А. И. Лукьянов, В. С. Павлов ҳамда Горбачевнинг партия бўйича ўша пайтдаги муовини В. А. Ивашко эгаллайди. Иккинчи қаторда Сиёсий бюро ва Хавфсизлик Кенгашининг эъзолари, учинчисидан эса вазирлар ва бошқа юқори мансабли раҳбарлар, “Қўл олиб хайрлашиш бошланади. Биринчи қатордагилар билан Горбачев шошилмай хайрлашади, иккинчи қатордагилар билан хайрлашиш эса нисбатан қисқароқ кечади, учинчи қатордагилар билан жуда қисқа, боз устига, совуққина хайрлашилади, тамом-вассалом”. Горбачев ёлғиз ўзи парвоз қилиши ёки бошқа раҳбарлар ҳамроҳлигида сафарда бўлишидан қатъий назар, самолётга биринчи бўлиб чиқар ва биринчи бўлиб тушар, бошқалар эса лавозимларига қатъий риоя қилган ҳолда унга эргашардилар.

Дарҳақиқат, Горбачевдан аввал ҳам шундай тамойиллар амал қилган. Кремл бўйлаб сафдошлари билан кетиб бораётган Сталиннинг фотосурати шундан далолат беради. Арбобларнинг жойлашуви, сафдошлар тўхтовсиз ўзгарарди. Фақат битта нарса ўзгармасди; ҳамма фотосуратларда Сталин ҳамisha барчанинг олдида борарди. У билан биргаликда, тўғрироғи, кетидан бораётганлар иерархияга қатъий амал қилган тартибда қадам ташлардилар. Ўша кезлардаги соқчилардан бири шундай ҳикоя қилади: ҳатто йўл-йўлакай Сталин билан суҳбатлашадиганлар ҳам имкон борича ўзларини орқароқ олишар, ярим ёки чорак қадам ортда келишарди. Бунга

оид ҳеч қандай кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар, албатта, мавжуд эмас эди. Уларнинг ўрнига бошқа омил, янада қудратли омил амал қиларди — улар ҳокимият саҳнини ва ундаги ўз ўринларини ҳис этардилар.

Кремлда тўрт юз йил муқаддам ҳам шундай тамойилларга амал қилинмасмиди? “Улуғ князь ортидан оға-инилари ва болалари, уларнинг ортидан эса боярлар ва бошқа нуфузли кишилар ҳамда княгиналар, боярларнинг болалари, шунингдек, бошқа ёш-яланглар борардилар”. Фақат шуларнинг ортидан бошқалар эргашар, “ҳамма-ҳаммаси лавозимига муносиб тартибда одимларди” (“Иван Грозний даврида шоҳона никоҳ маросими”).

Давлат бошиқлари ёки президентлар расмий ташрифлар ва сафарлар чоғида ҳозирги кунда қандай юришларини кузатадиган бўлсак, манзара ўзгармаганига ишонч ҳосил қиламиз. Энг олдинда, шубҳасиз, биринчи шахс боради. Унинг кетидан ярим-бир қадам ортда ҳокимиятда эгаллаган мавқеларига қараб бошқа арбоблар одимлайдилар. Ва уларнинг кетидан муайян масофани сақлаган ҳолда бошқалар эргашидилар.

Давлатнинг биринчи шахси билан санокли дақиқалар давомида бирга бўлишнинг ўзи сиёсий ва ижтимоий мавқенинг ортишига олиб келади. Ёнма-ён, яна ҳам яхшиси, президент ёки бош вазир билан суратга тушишнинг фойдаси ҳақида-ку, гапирмасангиз ҳам бўлаверади! Мана шундай сурати бисотида борларга Россияда ҳамма ҳавас билан қараган.

Билл Клинтон сайловолди ҳаракати чоғида бундан унумли фойдаланади. Сайловлар қандай тугаши сайлов жамғармасига кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Шу боис жамғарма ҳисобига мўмайгина улуш қўшадиганларга алоҳида хайрхоҳлик билан қараганлар. Ана шундай ҳотамтойларга миннатдорчилик изҳор этиш йўлларидан бири — президент билан суратга тушиш имконияти бўлган. Бу борада муайян мезонга амал қилинарди, 25 мингдан 50 минг долларгача маблағ ўтказганлар ялпи таклиф қилинар ва тахминан юз киши президент билан суратга тушарди. Кўпроқ ҳотамтойлик қилганлар эса чойхўрликка таклиф қилинар, президент билан юзма-юз суҳбатлашиш бахтига ҳам муяссар бўлишарди.

Корейс ишбилармонларидан бири Клинтон билан ёлғиз суратга тушиш учун нақ чорак миллион маблағ ўтказди. Бундан ҳам кўп маблағ ўтказганлар кечки овқатга ёки ҳатто президент билан гольф ўйнашга таклиф қилинишлари ҳам мумкин эди. Нью-Жерсилек ишбилармон партия ҳисобига бир ярим миллион маблағ ўтказди, натижада Иоанн Павел II ни тайёрагоҳда Клинтон билан ёнма-ён кутиб олиш бахтига сазовор бўлади.

Ҳокимият сеҳру жодуси кўриниб турганидек, фақат қадимги салтанатлар ва коммунистларагина хос бўлмаган. Бу Ельцин даврида ҳам ўзгармай қолаётганининг ажабланидиган жойи йўқ. Вице-президент Руцкой ошиғи олчи кезларда Ельциннинг ёнидан асти жилмасди. Назардан қолгани ҳамона шафқатсизлик билан четга суриб қўйилади. Расман вице-президентлигича қолгани билан узоқ вақт президент билан ёнма-ён кўринмайди. Бу Руцкойнинг вице-президент сифатидаги умри тугаб қолганининг, шубҳасиз, аломати эди. Бурбулис (у ҳалиям одамларнинг хотирасидан ўчиб кетмадимикан) Ельцин қаердаки пайдо бўлмасин, ҳамиша ўнг томонида ҳозир у нозир бўларди. Орадан кунлар ўтиб, Бурбулис Президент билан ёнма-ён эмас, балки бошқалар қатори кўзга ташлана бошлади. Ниҳоят ҳеч қандай изоҳсиз ғойиб бўлади.

Шу муносабат билан Лебедни ҳам эсга олишнинг ҳожати бормикан? Президент бўлиши учун сайловчилар генералга берадиган овозлар ҳам Ельцинга керак бўлганида ўзини ғўё Лебедни мамлакатда иккинчи шахс қилмоқчидай қилиб кўрсатади. Телеэкранларда Лебедь билан ёнма-ён кўрина бошлади. Генерал ҳокимиятнинг сеҳрли саҳнини президент билан бир неча сония баҳам кўради. Бу ғаройиб сеҳру жоду забони бўлиб, ҳар қандай лавозим ва тайинловлардан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади.

Барча афсунли ҳолатлар сингари жой сеҳру жодусининг ҳам ўзига хос нозикликлари ва қалтис жиҳатлари мавжуд. Сталин сўнгги марта қатнашган КПСС XIX съездининг ҳайъатида ёлғиз ўзи, Сиёсий бюронинг аҳзоларидан алоҳида ўтиради. Унинг ёнида ҳеч ким йўқ эди. Бу рамзий маънода ҳокимият бўғинларида у билан бошқалар ўртасида қандайдир оралик масофа борлигини билдирарди.

Хасбулатов раислик қилган Олий Кенгаш мажлисида Ельциннинг жойлашуви-ни кўриб, ана шунга эсга олдим. Саҳнада ҳайъат аъзолари учун узун стол қўйилган бўлиб, унинг ортида Хасбулатов ва бошқалар жойлашгандилар. Ельцинга ўхшаган яна ўнта одам учун ҳам ҳайъатда жой кифоя қилган бўларди. Бироқ президент бошқалар билан битта даврада ўтирармиди? Ва мана Ельцин учун бошқа махсус стол қўйиб берадилар. Президент унга калондимоелик билан жойлашади. Президент билан бошқалар оралигида каттагина масофа бўлиб, бу лавозимларидаги жиддий фарқни кўрсатиб турарди.

## 7. ДУНЁНИНГ АФСУНЛИ ҚИЁФАСИ

### Асли рўй бермаган воқелик

Қадим-қадим замонларда ҳоқимият тепасига янги келган ҳукмдор ўздан аввалги шоҳнинг изларини тамомила супуриб ташлаш эркига эга бўлган. Собиқ шоҳнинг ҳайкаллар ва тош лавҳалардаги исми-шарифи, уни эсга солувчи нарсаларнинг ҳамма-ҳаммаси йўқ қилинарди. Ўтмишда гўё ҳеч ким ва ҳеч вақо бўлмагандай.

Фиръавн Эхнатон узоқ йиллар шавкатли ҳукмронлик қилади. У янги шаҳарлар, қасрлар ва ибодатхоналар барпо этади. Шоҳнинг куни битгач, Эхнатоннинг ўзини ҳам, қилган ишларини ҳам ёқтирмайдиганлар ҳоқимиятни эгаллайдилар. Ва улар собиқ шоҳ қилган ишларнинг ҳаммасини, ҳатто исми шарифини ҳам йўқотиб ташлашга қасд қиладилар-да, ҳатто Эхнатон ҳукмронлик қилган йилларни олдинги шоҳлар ҳукмронлиги ҳисобига киритиб юборадилар. Фиръавн Эхнатон деган шоҳ икки дунёда бўлмаганини барча амалдорлар, ҳарбий жангчилар, қоҳинлар, оддий халқ билиши керак бўлган.

Қадимгилар “Ўтмиш олдида ҳатто худодлар ҳам ожиз”, — деган мақолни тез-тез тилга олганлари ҳолда ўт билан ўйнашгандай, бунинг аксини содир этганлар. Ўтмишни ўзгартиришга, рўй берган воқеаларни йўққа чиқаришга уринганлар. Римда собиқ императорни янгиси хушламаса, исми шарифи қасддан мутлақо тилга олинмас, хотирадан тамомила ўчириб ташланарди.

Ўтмишга нисбатан ҳукмфармолик қилишнинг гашти бор. Замон елдай ўтади кетади. Келажак эса шубҳали ва мавҳум. Мангулик қаърига сингиган ўтмишгина чинакам ворқелик тусини олган. Эҳтимол айни шу боис мутлоқ мустабид тузум ҳукм сурувчи Россияда ҳукмронлар ўтмишни ўзгартишга, уни тамомила йўқ қилиб ташлашга жон-жаҳдлари билан уринганлар. Албатта, ўзларига ҳуш ёқмайдиган нарсалардан батамом юз ўгирганлар. Ҳуш ёқмайдиган нарсани эсга олишмаса, бас, гўё ҳеч нараса бўлмагандай, хотиржам юраверадилар.

Шу боис бир пайтлар Пугачев кўзғолони бўлгани, ёвузликлар содир этилгани ва бунга жавобан қирғин қилинганини эсга олишнинг бой-бадавлат тоифалар учун ҳеч қандай қизиғи йўқ эди. Бундай воқеалар ҳеч қачон бўлмаган деб ҳисоблаб, тинч-хотиржам юраверган маъқул эмасми? Сарой ҳузуридаги Учинчи бўлимдагиларнинг фикри шундай эди. Шу боис ўтмишнинг ана шу долғали паллаларини акс эттирувчи асарлар ва мақолалар таъқиқланиб, матбуотда чоп этилмасди. Пушкиннинг “Пугачев исёни тарихи”ни ёзиш истаги айни шу сабаб кимларгадир ҳуш ёқмаган, энг олий даражада — шоҳ томонидан ружсат берилиши муаммосига дуч келганди.

Иван Грозний ҳуқуқий асосда ҳукмронлик қилгани ҳам узоқ замонлар сир сақланган. Карамзиннинг “Россия давлатининг тарихи” асарини навбатдаги жилдигина ҳамманинг хотирасини қайта тиклайди. Асарда битилган далиллар зиёлиларни ҳайратга солади. Ўтмишга қайта ҳаёт бахш этиш керакмиди, деган масала қизгин муҳокама қилинади.

Рус дипломати ва сиёсат арбоби А. Л. Ордин-Нашчекин (1605—1681) Лондонда вабо тарқалганида инглизлар ҳатто буни яширишга ҳам уринмаётганларининг шохиди бўлиб, таажубланади.

— Мутлақо тасаввурга сиғмайдиган ҳолат! — англиялик саяҳатчига азбаройи ажабланиб гапирганди у. — Кулфат — мусибатларингиздан бошқалар огоҳ бўлишига қандай йўл қўя оласизлар.

Англияликлардан фарқли равишда Россиядаги сиёсий ҳаёт андозаларига биноан мамлакат ҳаёти тўғрисида чет элларга ҳеч қандай салбий хабар беришга йўл қўйилмасди. Аракчеев даврида ҳарбийларнинг қўзғолонлари қонга ботирилгани ҳақида биронта газетада бир сатр ҳам тилга олинмайди. Мамлакатда ҳам, чет элларда ҳам бу воқеалардан ҳеч ким хабар топмайди. Фақат орадан даврлар ўтиб, янги авлодлар келганидан кейингина архив ҳужжатларига таянган тарихчилар ана шу қонли воқеалар ҳақида бонг урадилар.

Нохуш воқеа ёки далилни яшириш, уларни тамомила унутиб юборишга уриниш — сиёсий, айти вақтда, сеҳр-жоду билан боғлиқ. Чор Россияси даврида ҳам, Сталин ҳукмронлиги йилларида ҳам, Шўролар ва улардан кейинги замонда ҳам шундай бўлиб келган. Хрушчёв даврида Шимолда маҳбуслар исён қилгани, улар осмондан ўққа тутилгани, қирғин қилингани ҳеч кимга ошкор этилмаган. Новочеркасдаги қонли қирғин ҳам худди шундай мамлакат ва жаҳон жамоатчилигидан сир сақланади. Ваҳоланки бу шаҳарда нарх-наво оширилишига қарши халқ бош кўтарганди. Гўё райком биносининг олдида оломонга қарата биронта ҳам ўқ узилмаган, уларнинг мурдаларини бульдозерлар билан шафқатсизларча суриб ташланмаганди. Устига-устак, шўро газеталарида бунинг тамомила акси эътироф қилинганди. Гўё Новочеркаснинг айти отиб ташланган кишилари партия ва ҳукуматнинг нарх-наво ошиши тўғрисидаги қарорини қизғин қўллаб-қувватлаганимишлар.

Одамлар шафқатсиз отиб ташлангани тўғрисидаги хабар халққа қандай таъсир кўрсатишини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Бироқ замондошлар бу қайғули муждандан беҳабар қолдилар. Отиб ташланганларнинг қони кумга сингигандай самарасиз кетди. Ана шу воқеаларнинг бугунги кунда ошкор бўлгани эса ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Чамаси, ўз даврининг воқеаларини суғуриб олиб, йўқ қилиб ташлашнинг имкони бор экан. СССРда қулоқ қилишдан сўнг даҳшатли очарчилик бошланиб, оч қолган оломон қишлоқлардан шаҳарларга ёпирилганини ҳамма кўриб-билиб турарди. Бироқ на радиода, на газеталарда очарчилик ҳақида лим-мим дейилмасди. Аксинча, тамомила бошқача манзара тасвирланар: тантанавор слётлар, зарбдор меҳнаткашларнинг қурултойлари, физкультурачиларнинг парадлари, коллективлаштириш ютуқлари ҳақида жар солинарди. Ва мана шу саробий манзара ҳаммаонинг гувоҳлигида рўй бераётган даҳшатлар юзига парда тортар, гўёки ҳеч гап йўқдай, таассурот пайдо қиларди. Айниқса чет элларнинг наздида. Модомики Совет Иттифоқида очарчилик ҳукм сурганида, аввалги йиллардагидек чет элларга дон юборармиди?

Бернард Шоу билан таниқли инглиз сиёсат арбоби леди Астор ўша йиллари СССРга таклиф қилинадилар. Нимаики кўрсатишса, оққўнгил меҳмонлар ҳаммасига ишонадилар. Шоу юртига қайтиб боргач, комил ишонч билан жар солади:

— Россияда очарчилик тўғрисидаги гапларнинг ҳаммаси — уйдирма, бўҳтон!

Ваҳоланки ўша йили мамлакатда беш миллиондан саккиз миллионгача аҳоли очликдан қирилиб кетади. Бироқ очликдан ўлганларидан ташқари ҳеч ким очарчиликни тан олгиси келмасди.

Руҳшуносликда салбий хаёлпарастлик тушунчаси бор. Инсон мана шундай ҳолатда нимагадир бевосита тикилиб тургани билан кўз ўнгида нималар содир бўлаётганини мутлақо пайқамайди.

Қайғули ва нохуш воқеликни кўрмаслик, пайқамаслик — руҳий ҳимоянинг маълум усуллари сирасига киради. “Ўғли букчайиб мункиллаб қолгани ҳаққи рост бўлсада, ўғлининг букчайиб мункиллаб қолганини тан олган, эътироф этган отани кўрмадим” (М. Монтень).

Шўро доҳийларидан айрим воқеаларни яширганлару улар ҳақиқатни билмаганлар дея тахмин қилиш керак эмас. Улар ҳаммасини билишган. Бироқ мезон ва мақсадларга мос тушмайдиган воқеликни йўққа чиқариш, рўй бермагандай таассурот ҳосил қилиш талаб этилган.

Хрушчёв Америкадан кўпроқ гўшт ва сут етиштириш шиорини ўртага ташлаганида СССР ва АҚШ қишлоқ хўжалигидаги самарадорликни ҳисоблаб чиқиш топшириғи берилади. Бу борада СССРдаги самарадорлик АҚШдагидан 4—5 баравар пастлиги аён бўлади. Шу боис Америкадан ўтиб кетиш бу ёқда турсин, ҳатто бирон-бир муддат ичида ҳеч қанақасига етиб бўлмасди. Лекин арзимаган шу баҳона деб мана шундай ажойиб ниятдан наҳотки воз кечиб бўлса? Ҳожати бўлмаган да-



лилни инкор этиш, уни тамомила мавжуд эмас деб ҳисоблаш сиёсий нуқтаи назардан тўғри йўл бўларди. Модомики авваллари ҳам шундай қилиб келинган экан, бундан буён ҳам хотиржам қилавериш мумкин. Шундай қиладилар ҳам. Ҳозирланган маърузаларнинг ҳамма нусхалари тортиб олиниб, йўқ қилинади.

Социализм галаба қилган мамлакатда токи ҳамма нарса бекаму кўст экан, табиий офатлар ҳам, ҳалокатлар ҳам рўй бермаслиги керак, деган ақида қарор топганди. Ялпи касалланишлар, очарчилик, поездларнинг ҳалокатга учраши, тайёраларнинг кулаб тушиши фақат капиталистик дунё мамлакатларидагина рўй берарди. Баъзи-баъзида СССРда ҳам бундай кўнгилсизликлар содир бўларди, лекин имкон борича овоза қилинмас; сир сақланар эди. Ўлганларни қабр бағрига олар, вайроналар ўтўланлар остида қолиб кетар, вақт эса ўтиб бораверар ва гўё ҳеч гап бўлмагандай таассурот пайдо бўларди.

Мамлакатнинг кучли футбол командаларидан бири аъзолари ҳам парвоз қилаётган тайёра ҳалокатга учраганида бу ҳақда лим-мим демаслик ҳақида буйруқ берилади. Совет тайёралари дунёнинг энг яхши тайёралари бўлгани учун ҳам уларнинг кулаши, ҳалокатга учраши асти мумкин эмас. Машҳур футболчилар эса ернинг тагига кириб кетишдими, осмонга учиб кетишдими, хуллас, ном-нишонсиз ғойиб бўлишди. Командадаги барча футболчиларни шахсан танийдиган ишқибозлар эса уларнинг тақдири билан кизиқиб сўровномалар юборишар, хавотирга тушишар ва ажабланар эдилар. Уларга хоҳланларича ажабланиш, истаганларича таажжубланиш имкониятини бериб қўйишди. Юқоридагилар ҳафта ўтади, ой ўтади, йил ўтади, охир-оқибат футболчиларни барибир унутиб юборадилар, деб мўлжаллагандилар. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди!

Шўро раҳбарлари бирон-бир ҳодисани воқеликдан сугуриб олиш, гўё содир бўлмагандек — таассурот пайдо қилиш билан кейинчалик ҳам шуғулландилар. Бироқ салтанатнинг умри тугаб қолган, шунинг учун ойни этак билан ёпишга уринишдан ҳамиша ҳам кўнгилдагидек натижа чиқармасди. Шўро давлатининг Узоқ Шарқдаги шавкатли Ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қуролли кучлари Кореянинг йўловчи тайёрасини уриб туширганида бу ҳақда бутун дунё ғазабланиб жар солди. Бироқ шўро одамлари муайян вақт мобайнида шундай воқеа бўлганини ҳатто хаёлларига ҳам келтирганлари йўқ. Матбуотда, шунингдек, радио-телевидение орқали илгаригидек муттасил хабар тарқатилётган бўлса-да, ана шу воқеа мутлақо тилга олинмайди. Москвадагилар узоқ вақтгача ҳеч вақо бўлмагандай, хотиржам юравердилар. “Қанақа тайёра?” — кўзларини лўқ қилиб, талмовсирар эди улар. Тайёра учувчларию йўловчилари билан денгизга кулаб тушганидан кейин бир ҳафта ўтгачгина қандайдир тайёра учиб ўтгандай бўлгани, гўё ҳеч ким уни уриб туширмагани, “Тайёра Япон денгизи томон учиб кетгани” истамайгина маълум қилинади. Раҳбариятдагилар воқеаликни ўзгартиришга, ундан кўнгилсизликни йўқ қилиб ташлашга роп-па-роса бир ҳафта уринадилар.

Чернобиль ҳалокати содир бўлганида ҳам улар шундай афсусли сукут сақлаш йўлини тутадилар. Бу кулфат бутун дунёни хавотирга солаётган бир паллада Кремлдагилар ҳеч нарса бўлмагандай хотиржам юравердилар. Ҳатто Фарб давлатлари ўша кезларда зарур техник ва тиббий ёрдам таклиф қилганларида ҳам шўро раҳбарлари сувдан қуруқ чиқишга уриндилар:

— Ёрдам бермоқчи бўлаётганингиз учун катта раҳмат, бироқ янглишаяпсизлар. Мамлакатимизда ҳеч қандай ҳалокат рўй бергани йўқ.

### Сохта воқелик ижодкорлари

— Иқтисодий аҳволни санокли ойлари мобайнида барқарорлаштириш ва соғломлаштириш жараёнини бошлаш учун жуда яхши имкониятларимиз мавжуд. — Ельцин 1991 йилда шундай деганди. Унинг “башорати”га зид равишда иқтисодий аҳвол яна ҳам танглашаверди. Бир йил ўтиб, 1992 йилда тантанавор хитоб қилди:

— Йилнинг охири — бу иқтисодиёт барқарорлашувининг бошланиши, бу нархнаво арзонлашишининг бошланиши, бу одамлар турмуши яхшиланишининг бошланиши демасдир”. Орадан яна бир йил ўтгач, қўлини қилич қилиб, аҳвол “1993 йил бошларида яхшиланишини” айтади. “Мамлакатимизда эрта-индин барқарорли, фаровонлик томон бурилиш рўй беради”.

Маълумки, на аҳвол яхшиланди, на нарх-наво пасайди, хуллас, ҳеч нарса ўзгармади. 1991 йилда ҳам, 1992 йилда ҳам, 1993 йилда ҳам ҳаммаси эски ҳаммом, эски тослигича қолаверди. Афсуски, аҳвол ҳамон шундайлигича қолаётир. Ельцин ваъда қилган “одамлар турмуши яхшиланиши”ни эса бутунлай эсга олмаган маъқул.

Чеченистонда уруш бошланганида президент қандай муносабат билдирди? Орадан бир ой ҳам ўтмасидан гўё “қуролли кучлар зиммасидаги вазифаларни уддалаганини”, “тартиб-интизомни йўлга қўйиш” билан боғлиқ қолган ишларни Ички ишлар вазирлигининг кучлари ниҳоясига етказишларини овоза қилади. Бу даъвосини бир неча марта такрорлайди. Президент ҳарбий ҳаракатлар ниҳоясига етиб қолди, дея жар солаётган бир пайтда Чеченистонда тўплардан тобора кўпроқ ўқ узилиб, бомбалар тобора кўпроқ портлаётганди. Чеченистондаги уруш яна бир ярим йил давом этди.

Бу Ельцин ҳар сафар орқа-олдига қарамасдан ёлғон гапиришининг аломатими? Эл қатори бир фуқаро сифатида қарайдиган бўлсанг ҳақиқатдан ҳам ёлғон гапирган. Лекин буларнинг ҳаммасини сиёсатчи айтганди. Шу боис бошқача нуқтаи назардан ёндошишга тўғри келади.

— Биз қашшоқлик билан муросасиз курашамиз! — Америка Президенти Линдон Жонсон президентлик қасамёди қабул қила туриб, шундай хитоб қилганди. — Мақсадимиз — қашшоқликка батамом барҳам бериш. Америкаликлар ўттиз йилдан кейин назар ташлаб, олтмишинчи йиллар буюк бурилиш даври бўлганига иймон келтирадилар.

Президент тасвирлаган манзара халқнинг тасаввурини остин-устун қилиб ташлайди ва умид уйғотади. Ваъда қилинган муддат ўтиб кетади ҳамки, на Америкада, на дунёда шу вақт мобайнида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди. Президент илгари сурган хомхаёл саробдай ғойиб бўлиб, одамларнинг ёдидан кўтарилиб кетади. Сиёсатчиларнинг бошқа кўпдан-кўп ваъдаларининг қисмати ҳам мана шундай антиқа бўлади.

Американинг яқин ўтмишдаги бошқа президенти Жорж Буш президентлигининг биринчи даврида мамлакатда ўттиз миллион янги иш жойлари яратишни ваъда қилади. Оз эмас, кўп эмас, нақ ўттиз миллион! Ниҳоятда улкан рақам. Сайловчилар ҳайратдан “оҳ” тортиб юбордилар. Ва шоша-пиша унинг номзодини ёқлаб овоз берадилар. Сайланганидан кейин президент ваъдасини бажариш бу ёқда турсин, ҳатто эсламади ҳам. Ёмғирдан кейинги камалак янглиғ Жорж Буш яратган манзаранинг ҳам умри қисқа бўлди.

Франция президенти Жак Ширак сайловчиларга солиқларни камайтириш, ижтимоий эҳтиёжларга харажатларни кўпайтиришни ваъда қилади. Буни бир йўла амалга оширишни ҳам айтиб ўтади. Иқтисодчилар бунинг имкони йўқлигини халққа тушунтириш учун беҳуда уринадилар: бири иккинчисини муқаррар инкор этади. Ҳавзага қанча сув тушса, шунча чиқади, ахир. Давлат хазинасига тушумлар кам тушаётган пайтда бир неча баробар кўпроқ маблағ сарфлашнинг уддасидан ҳали ҳеч ким чиқа олмаган. Бироқ амалга ошмаслиги аниқ бўлса-да, жуда ҳам оҳанграболи ваъда бўлгани учун сайловчилар Жак Ширак номзодини ёқлаб овоз берадилар. Бундан келиб чиқадикки, Ельцин ҳаққонийлик масаласида дунёдаги бошқа президентлардан деярли фарқ қилмайди.

Мухолифлари сайловолди ваъдаларини бажармаганини таъна қилмайдиган биронта ҳам президент бўлмаса керак. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам буни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган бўлса керак. Чеченистондаги урушни бир ой ичида ғолибона яқунлаб бўлмаганидек, қолаверса, таназулга юз тутаётган иқтисодиёт бирон-бир чорасиз ривожлана олмаганидек, бошқа баландпарвоз ваъдаларни ҳам амалга оширишнинг имкони йўқ.

Сиёсатчиларнинг мана шундай ваъда беришга ўчилиги ибтидоий жамоа кишиси овга отлана туриб ғорнинг деворига чизган суратларни эсга солади. Камон ўқи санчилган кийик. Найза нобуд қилган шер. Бундай суратларни археологлар кўпдан-кўп топаётдилар. Йўлбарс ҳали ўлдирилмаган, кийик ҳам адирларда яйраб юрган бўлса-да, девордаги суратлар ов бўлгандай таассурот қолдирарди. Бу усулни шомонлар ва жодугарлар ҳали-ҳали яхши биладилар.

Сиёсатчи ҳам аини шундай тартибда ҳаракат қилади. Унинг ваъдалари ва ишонтирувлари — ибтидоий одамларнинг ғор деворларига чизган суратларининг аини ўзгинаси. Аслида рўй бермаган воқеа суратда бўлиб ўтгандай тасаввур пайдо қила-

ди. Сиёсатчини ёлғончиликда ёки ваъдасини бажармаганликда айбловчи кимса бу сиёсий мақсадда эмас, сеҳру жоду мақсадида қилинганини англай олмайди, халос.

Сиёсатчи тасвирлаб берган манзаранинг таъсир кучи халқнинг ана шу берилаётган ваъдага қанчалар мойиллигига боғлиқ бўлади. Мабодо ҳозирги Россия раҳбарларининг ваъдаларига шубҳа билан қаралаётган бўлса, Сталиннинг ҳар бир сўзи мутлоқ ҳақиқат сифатида қабул қилинар эди. Ҳатто унинг айтганлари воқеликка мос бўлиб тушмаган тақдирда ҳам одамлар ҳаётнинг ўзига шубҳа билан қарашга мойил эмас эдилар.

Сталин уруш эндигона бошланган кезларда узоғи билан бир-бир ярим йил давом этишини, 1942 йилда Германия батамом тор-мор этилишини айтади ва 1942 йил кириб келади, Курск ва Сталинград атрофидаги шиддатли жанглар олдинда турибди. Немис танклари Волга дарёси ва Кавказ томон шиддат билан илгариламоқдалар. Бироқ доҳий тасвирлаб берган афсунли манзара воқеликни шунчалар пардалаб кўйгандики, айримлар ғалаба кунигача неча ҳафта қолганини тақвимга қараб белгилай бошладилар, қатор ҳарбий қисмларда, ҳатто фронт олди чизигида ҳам зўр бериб саф тортиб юриш машқлари ўтказилади: ғалаба парадига тайёргарлик кўрардилар. Сталин шундан кейин 1943 йил, кейин эса 1944 йилда Ғалаба қиламиз, деб жар солади. Аввал айтилган санада Ғалаба қўлга киритилмаганидан қатъий назар, кейинги сафар албатта ғалаба қиламиз, дея ҳеч бир истиҳоласиз комил ишонч билан айтаверарди.

Сўз воқеликка таъсир кўрсатиб, уни ўзгартиришига шунинг учун ҳам ишонаверамизки, ботинимизда азалий тажрибаларнинг хотираси мавжуд. Ой белгиси ёки бўрининг излари ҳалокатдан далолат берган даврларнинг хотираси ҳамон бизларда яшаб келаётир. Жангчилар эса нафақат қурол-яроғларнинг жарангдор овозлари ва жангчиларнинг ҳайқириқларини, шунингдек, ҳалок бўлаётганларнинг даъватларини ҳам муттасил тинглаганлар. Ҳалок бўлаётганлар сафдошларга, албатта, ғалаба қилинглар, дея васият қилсалар, душманга фақат ўлим тилаганлар.

Социализм ғалаба қилган мамлакатда яшаганлар матбуот саҳифаларидаги, уларнинг деворларидаги, қолаверса, қадам сайин учрайдиган баландпарвоз шиорларни яхши эслайдилар. Одатда шиорлар воқеликни бошқача қилиб кўрсатишга хизмат қиларди. “Бажарамиз ва ошириб удалаймиз...”, “Мана шу ва мана шулар — ҳаётга!”, “...қўлга киритамиз”, “Яшасин...”, ёки “...қўлингни торт!”, деярли ҳар бир шиор ундов белгиси билан тугарди. Бу бежиз эмасди: ҳар бир даъват, ҳар битта дўқ-пўписа томоқ йиртиб айтиларди.

Шомонлар ақидасига биноан, сўзлар воситасида ифодаланган афсунли манзара воқеликка таъсир кўрсатиб, уни ўзгартира олади. Амалда тоталитар тузумларнинг сиёсий амалиётида мана шундай сеҳру жоду амалларига ружу қўйилади. Шўро давлати эндигона пайдо бўлган кезларда мана шу жиҳатни рус файласуфи Лев Шестов айтиб ўтганди. “Қанчалар ғалати бўлмасин, — деб ёзганди 1920 йили у, — лекин болшавойлар жон-жаҳдлари билан материализмни ёқлайдилару, аслида ўта гўл идеалистлар ҳисобланадилар. Инсон ҳаётининг реал шароитлари уларнинг наздида мавжуд эмас. Сўз гайритабиий кучга эга эканига уларнинг ишончи комил. Айтилдими, тамом, албатта амалга ошади — фақат сўзга иккиланмасдан дадил ишониш керак”.

### Тирикларнинг кушанда сароби

Рим легионерлари Арманистонга шитоб билан яқинлашиб келарканлар, шоҳ Тигран ва унинг аъёнлари ночор аҳволда қоладилар: мағлуб бўлажаклари барчага равшан эди. Ушанда ҳаммани, энг муҳими, ўзлари ўзларини ҳеч нарса рўй берма-япти, дея ишонтирмоқчи бўладилар. Ҳеч қанақа Рим қўшинлари йўқ, бўлган тақдирда ҳам салтанат чегараларига яқинлашишга икки дунёда ҳам журъат қилолмайдилар. Чегарага яқинлашган тақдирларида ҳам Рим аскарлари ўз дадилликларидан чўчиб тирақайлаб қочиб қоладилар. Тигран билан унинг аъёнлари шундай бўлажакга ўзларини астойдил ишонтирадилар. Римлик аскарлар отларининг туёқларини товуши ҳатто Арарат тоғлари пойига ҳам эшитилаётгани ҳақида хабар келтирган чопарни шоҳ Тигран аъёнларининг қаҳрли даъватларига биноан қатл этишни буюради. Мамлакатнинг буюклиги ва хавф-хатардан холи экани билан боғлиқ манза-

рага рахна соладиганлар жазоланишлари муқаррардир. (Чинакам воқеликка дуч келиш бундан ҳам даҳшатлироқ эди, бироқ бу энди тамомила бошқа тарихдир).

Худди шундай бир пайтлар афиналиклар ҳам Сиракузлар билан уруш чоғида ҳарбий куч-қувватига ҳаддан ортиқ баҳо бериб, ғалаба қозонишларига ишонадилар ва олдиндан ғалаба нашидасини сурадилар. Аслида эса афиналикларнинг қўшинлари энгилиб, кўпдан-кўп аскарлар нобуд бўлганига Афинада қайсарлик билан ҳеч ким ишонгиси келмайди. Қўшинлар энгилгани тўғрисида шаҳарга нохуш хабар келтирган кимсани эса архоптлар ва Халқ мажлиси аъзолари “ёлғончи хиёнаткор ҳисоблаб, токи мусибатни батафсил ҳикоя қилиб берадиган одамлар келмагунча арава-нинг гилдирагига боғлаб, узоқ азоблайдилар” (Плутарх).

Болшавойлар ҳокимиятни қўлга киритган дастлабки йилларда ўзларини осмони фалакда санаб, эрта-индин жаҳон инқилоби бўлади, дея кута бошлайдилар. Бунга аввало ўзларини ишонтирадилар, сўнг эса бошқаларни қатъият билан ишонтиришга киришадилар.

— Барча мамлакатларнинг ишчилари бизларга умид билан қараётирлар. Уларнинг хитобларини тинглаяписизларми: “Яна бир оз чиданглар... бизлар ёрдам бергани борамиз ва муштарак куч-ғайратимиз билан йиртқич империалистларни жарга улоқтириб ташлаймиз” (В. И. Ленин).

“Бутун дунё шўро республикаларининг Федерациясини тузмагунимизча халқаро пролетариат қиличини қинга солмайди”. (Учинчи Коммунистик Интернационал Манифести”, 1919).

Мана шундай хомхаёл орзу-умидлар яшовчанлик касб этади. Унга шубҳа билан қаровчилар эса шафқатсиз жазоланадилар. Ўша кезларда петербурглик таниқли тарихчи Н. А. Рожковнинг қисмати бунга мисол бўла олади. У бундай хомхаёлларнинг умри қисқалигини эҳтиётсизлик қилиб айтиб қўяди.

— Лениннинг фикрича, — деган эди у, — Фарбий Европада социалистик инқилоб учун шарт-шароит етилди. Мен бу фикрга мутлақо қўшила олмайман.

Саробий хомхаёллар ижодкори ўз даъвосини, албатта, ҳимоя қилади. Боз устига, сиёсий фаолияти ҳам, ҳокимияти ҳам айни ўша хомхаёлларга таянарди. Ленин дарҳол овоза қилади:

“Бу кимса абадул-абад душманамиз бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас”.

“Рожков Питердами? Уни чиқариб юбориш керак” (Лениннинг Зиновьевга мактуби).

“Рожков чет элга ҳайдаб юборилсин” (Лениннинг Марказий Қўмита Пленумига мактуби).

Ана коммунизм ғалаба қилади, мана коммунизм ғалаба қилади, дея жар солиш асримизнинг яна битта хаёлпарастлиги бўлганди.

— Ҳозир ўн бешга кирган авлод 10—20 йилдан сўнг коммунистик жамиятда яшайдилар! — тантанавор эълон қилади Ленин.

Ленин айтган муддат бир неча марта кейинга сурилганига қарамасдан бу хусусда ҳеч қандай иккиланишлар, баҳс-мунозараларга йўл қўйилмайди. Боз устига, орадан қирқ йил ўтиб, унутилаёзган хаёлпарастликка Хрушчёв қайтадан ҳаёт бахш этади:

— Шўро одамларининг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайдилар!

Халқ Ленин давридагидек ҳар нарсага осонгина ишониб кетаверадиган оломон бўлмаганлиги учун Хрушчёв ваъдасига аниқлик киритишни лозим топади ва 1980 йилда Совет Иттифоқида “исталган капиталистик мамлакат билан қиёслаганда халқ ҳаётининг энг юксак фаровонлигига эришилади”, — деб жар солади. Мамлакатда “бутун аҳоли учун моддий ва маънавий неъматларнинг мўл-кўллигига эришилади, ноз-неъматлар эҳтиёжга биноан тақсимланувчи коммунистик қоида асосида ҳаёт кечириладиган навбатдаги босқичга ўтиш учун моддий шарт-шароитлар юзага келтирилади”. КПСС Программасида (1961 йил) 1980 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни “камида олти баробар” кўпайтириш назарда тутилганди.

Бунинг учун заррача ҳам иқтисодий ва бошқа асослар мавжуд эмаслигини ўшанда кўпчилик яхши биларди. Ана шу воқеаларнинг шохидларидан биттаси шундай хотирлайди: А. Н. Косигинга таниш иқтисодчи академик бундай улкан рақамлар қаёқдан пайдо бўлиб қолганини ажаблиниб сўраганида, “Алексей Николаевич истеҳзоли жилмайиб ҳаводан олинган дегандай, шинга ишора қилади”. Бироқ бу бирон-бир аҳамиятга эга эдими? Сехрланган тафаккур ишонадики, гўё шиор, тасав-

вур қилинаётган манзара ўз-ўзидан воқеликка айланади-қўяди. Навбатдаги хом-хаёлларга гумонсираб қарайдиган журъатлилар топилгудай бўлса, шармандала диссидент тамғасига “сазовор” бўладилар.

Горбачевдан ҳаммиша бирон-бир самарали ҳаракат талаб қилишар ва қутишар эди. У эса сўзга, сўзнинг сеҳру жодусига ҳаддан ташқари зўр берарди. Горбачев қисқагина раҳбарлиги даврида Сталин узоқ умри давомида сўзлаган ва ёзган нутқларидан икки барабар кўп нутқ сўзлайди ва мақолалар ёзишга улгуради. Унинг ёрдамчиси шундай хотирлайди: “Юзага келадиган барча масалалар, ҳатто ўта мураккаб муаммолар хусусида гап кетди дегандан, Михаил Сергеевич “Мақола ёки китоб ёзиш керак”, — дер эди”. Бошқача сўзлар билан айтганда, дунёга афсусли нигоҳ билан қараб, каттами-кичикми нутқ сўзласам ёки мақола ёзсам бас, вазият ўзгаради, деб ўйлаган.

Ўз вақтида Гитлер мана шундай афсусли, хомхаёллар тузишга устаси фаранг бўлган. Унинг генераллари танклар ва замбараклар кучи билан ғалаба қозонишга уринганлар, фюрер эса хаёлида шавкатли ғалабаларнинг афсусли манзарасини яратиб, мақсадга эришмоқчи бўлади. Гитлерни яхши билган, у билан бевосита учрашган замондошлари унинг мана шундай тугуруқсиз феълени қайд этганлар. Жанг майдонларидаги вазият ўта оғирлашиб, уни яхшилашда бевосита жиддий иштирок этиши талаб этилган пайтларда фюрер аксинча ўзини четга олган.

Хаёлида ўйлаганлари ҳаққи рослигига нафақат Гитлернинг ўзи, балки атрофдагиларни ҳам ишонтира олган.

Гитлернинг котибаси хотирлайди. 1945 йил март, совет қўшинлари аллақачон Шарқий Пруссияга бостириб кирган. Данциг гауляйтери саросимада бункерга кириб келади: 1000 та совет танклари шаҳар бўсағасида турибди, уларга фақат 4 та “Тигр”ни қарши қўя олади, уларнинг ҳам ёнилғиси йўқ. Ярим соатдан кейин Гитлернинг хонасидан совет қўшинлари шаҳар остоналаридан шубҳасиз улоқтирилиб ташланишига қатъий ишонган ҳолда бутунлай бошқача кайфиятда чиқиб келади.

“Фюрер Данциг учун янги дивизиялар ажратажагини ваъда қилди.

Истеҳзоли жилмайганимни кўрди-да, тушунтирди:

— Бу дивизияларни қаердан олишини мен ҳам тасаввур қила олмаяпман. Лекин Данцигни кутқариб қоламан дея ваъда берди. Шунинг учун энди бунга заррача ҳам шубҳам йўқ”.

Гитлернинг бункерида рўй берган яна бир воқеа диққатни тортади. Фельдмаршал Эрнест Буш Совет қўшинларининг таййиқи остида Ғарбга чекинаётган фронтдан чанг энгил-бошда ҳолдан тойган ҳолатда кириб келади. Котибага аскарлар фақат битта нарасага, совет қўшинларига эмас, америкаликларга асир тушишни истаётганликларини, бундан бўлақ илинжлари йўқлигини айтишга улгуради, халос. Фельдмаршал Гитлернинг хузуридан тамомила бошқача кўтаринки кайфиятда чиқади: энди ғалаба қозонишларига асти шубҳа қилмасди.

СССР билан уруш бошлаш арафасида Қизил Армиянинг заифлигига Гитлернинг ишончи комил бўлган. Унинг барча умидлари айни шунга асосланганди. Лекин унга Қизил Армия, аксинча, жиддий ҳарбий қудратга эга, деган мазмундаги маъруза тақдим этадилар. Бу Гитлернинг хотирасига муҳрланиб қолган манзарага хавф тугдирарди. Фюрер далиллар ва жадвалларнинг моҳиятини тушунишга ҳам уринмасдан маърузани улоқтиради. Маъруза муаллифи, разведка бўлими бошлиғини эса отиб ташлаш ҳақида буйруқ беради.

Бундай вазиятларда Сталин ҳам айни шундай муносабат билдиради. Германияга нисбатан ўз режалари — тахминларига эга бўлгани ҳамда воқеалар қай йўсин авж олишини аниқ тасаввур қилгани учун Сталин нимаики тахмин-тасаввурига зид бўлса, кескин рад этарди. Германия қўшинлари токи чегарадан ўтмагунларича разведканинг шунга оид хабарларининг ҳаммасини қайсарлик билан рад этаверади. Қолаверса, урушдан уч ой олдин немис қўшинларининг Шарққа жойлаштирилишига оид ҳарбий режа Сталинга тақдим этилади. Уруш арафасидаги оқшомда ҳарбий ҳаракатлар бошланадиган аниқ сана — 22 июнь эканини маълум қилишганида, Сталин шу варақнинг ўзига: “Бу ифвогарлик ва ёлғон хабар. Жавобгарлар топилсин ва жазолансин”, — деб аниқ ёзиб қўяди. Сталин “жазолансин” деганда нимани назарда тутаётганини ҳамма жуда яхши биларди.

Хаёлдаги манзара воқеликни тамомила йўққа чиқариб, унинг ўрнини эгаллаб олиши мумкинми? СССРнинг, нацистлар Германиясининг, бугунги Ироқнинг ҳамда

бошқа тоталитар мамлакатларнинг тажрибаси шундай бўлиши ҳам мумкин, дея тахмин қилиш учун асос бўла олади. Ахир миллионлаб шўро фуқаролари “ғоят адолатли ижтимоий тузумда”, “ҳаммаси инсон учун, ҳаммаси инсон манфаатлари” учун хизмат қиладиган социализм ғалаба қилган мамлакатда яшаётганликларига ишониб ва бундан бошлари осмонга етганча ҳаёт кечирмадиларми? Улар учун воқеалик айти шундай тусга эга эди, чунки аслида ҳам шундайлигига ишонардиларда. Уларнинг ўтмишини бугунги кунда тортиб олишнинг имкони йўқ, бундай қилиш адолатдан бўлмайди ҳам. Шундай қилинган тақдирда битта хаёлий манзарани бошқаси билан алмаштириш бўлиб қолмайдими?

\* \* \*

Сиёсий ҳокимиятни мантиқан ва оқилона тушунтиришга уриниш, одатда, ҳеч қандай натижа бермайди. Сиёсатдонлар айти шу боис мантиққа, соғлом ақл-идрокка зид даъволарни тез-тез ўртага ташласалар не ажаб.

Улар ҳар бир инсоннинг ботинида яшаб келаётган азалий андозаларни мўлжаллаб, шундай йўл тутадилар. Харизматик, тоталитар доҳийлар бошқаларга нисбатан кўпроқ шундай йўлга амал қиладилар. Биронта ҳам демократ раҳбар Сталин, Гитлер, Мао Цзедун, Саддам Ҳусайн ёки Иван Грозний сингари машҳур бўла олмагани ҳамда халқнинг самимий меҳр-муҳаббатига сазовор бўла олмаганининг сирини мана шунда эмасмикан?

*“Знамя” журналининг 1998 йил 11-сонидан олинди.*

Абдуҳамид ПАРДАЕВ  
таржимаси



## Ойдин йўл

Нурислом Тўхлиев. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли.  
“Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент — 1999 йил.

**И**қтисод фанлари доктори, профессор Нурислом Тўхлиевнинг “Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли” китоби ўқувчига иқтисодий билим берадиган пухта асарлардан биридир. Мазкур китоб уч қисмдан иборат. Дастлабки боблар Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиш арафасидаги иқтисодий аҳволи, кейинги бобларда иқтисодий ислохот жараёнларининг бориши таҳлил этилган. Учинчи қисмда бозор муносабатларига ўтилгандан кейинги тарихан қисқа даврнинг якуни ва режалари ҳақида сўз боради, Ўзбекистоннинг бугунги кундаги ички ва ташқи бой иқтисодий имкониятлари таҳлил этилади.

Халқимизнинг ҳозирги авлоди шўро тузуми бунёд этган социализм даврида ўсиб вояга етди. Хилма-хил мулк шакллари, рақобат, инқироз (банкрот) деган тушунчалар бизга бегона эди. Шу боисдан бозор иқтисодиётига ўтишни, сир эмаски, аксариятимиз ваҳима, хавотир билан кутиб олдик. Дарҳақиқат, бу халқимиз ҳаётидаги инқилобий ҳодиса эди. 1917 йил октябрдаги давлат тўнтаришидан сўнг собиқ чор империяси ҳудудида большевиклар бир зарб билан барча хусусий завод ва фабрикаларни давлат мулкига айлантиришди, корхона эгаларини эса қамашди, отишди. Қишлоқдаги ерга мулкчиликда ҳам қарийб худди шундай йўл тутишди. Фақат бу ерда фарқи шундай бўлдики, аввал катта ер эгаларининг ерлари тортиб олинди, ерсиз ва

ери кам деҳқонларга тақсимлаб берилди. Кейин бу ерлар давлат ва умум-халқ мулки деб эълон қилинди. Илгари бойга қарам бўлган деҳқон энди давлатнинг хизматкорига айланди. Ерга нима экиш, қаерга сотиб ва қанчадан сотишни белгилайдиган бўлди. Бошқача айтганда, қишлоқда давлат феодализи қарор топди.

Йиллар ўтиши билан большевиклар зўрлаб қурган тузум ўзини оқламаслиги маълум бўлди. Халқ хўжалигида рақобатнинг йўқлиги эгасизлик, тақсимотда барабарлаштириш сиёсати одамлардаги меҳнатнинг пировард-натижасига бўлган қизиқишни сусайтирди, лоқайд, текинхўр кишиларни кўпайтирди. Оқибатда ҳукумат саноят ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришга ҳам қанча катта маблағ сарфламасин, самара кутилгандай бўлмади. Мамлакатда иқтисодий ва сиёсий инқироз кучая бошлади. Охири тўқсонинчи йилларнинг бошига келиб, большевиклар 1917 йилдан сўнг қилган ишларининг ҳаммасидан тўла воз кечишга тўғри келди. Яъни давлат мулкнинг асосий қисмини хусусийлаштириш, мамлакатда хилма-хил мулк шаклларини, рақобатни юзага келтириш, халқ хўжалигини инқироз, таназзул ботқоғидан чиқариб, ривожланишнинг катта йўлига солиб юбориш учун шарт-шароит яратиш керак эди. Бу ишни большевиклар сингари, зўравонлик, маъмуриятчилик билан амалга ошириб бўлмасди. У анчагина вақтни, сабр-тоқат ва кунт би-

лан меҳнат қилишни одамларимиздаги казарма социализмидан мерос қолган иллатларни таг-томири билан тугатишни талаб этарди. Мамлакатимизда бу катта ишнинг бошланганига саккиз йил бўлди, у ҳали ниҳоясига етгани йўқ, лекин дастлабки меваларини бера бошлади, деб айтиш мумкин.

Нурислон Тўхлиевнинг янги китобида мана шу катта ишнинг барча жараёнлари, қирралари муаммолари ҳақида сўз боради. У кўпгина масалаларга ойдинлик киритади, юртимизнинг келажагига умид ва ишонч билан қарашга ундайди.

Одатда яхши бадиий асар кишига кайфият “юқтиради”. Яхши илмий асар эса фикр кўзғайди. “Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли” китоби ҳам ўткир публицистик руҳи, далилларга бойлиги, хулосаларнинг ноёблиги билан ўз Ватан, миллати тақдири ҳусусида фикр уйғотади, яқин ўтмишимиз ва келажгимиз ҳақида ўйга толдиради.

Мана, китобдан жой олган “Бозор: ваҳима ва умид” деб номланган, 1990 йилда ёзилган мақола. Бу пайтда республикамиз ҳали бозор муносабатларига ўтмаган, мустақилликка ҳам эришмаган эди. Собиқ марказ матбуотида эса ўз камбағаллигининг сабабини бошқа республикаларга тўнкайдиган мақолалар дапқир-дапқир пайдо бўлаётган эди. Мақолада шу даврдаги иқтисодий аҳвол чуқур таҳлил қилинади ва республикамизни иқтисодий инқироздан олиб чиқишнинг ягона йўли — бозор муносабатларига ўтиш эканлигини таъқиқланади. “Бозор товар ишлаб чиқариш қонунлари асосида ташкил этилган айрибошлаш, товар ва пул муомаласи муносабатларининг йиғиндиси, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муҳим боғловчи бўғиндир”, деб ёзган муаллиф республикамиз шароитида бозор муносабатларига ўтишда биринчи навбатда нималарга эътибор бериш кераклигига тўхталади. Муаллифнинг фикрича, давлат мулкни хусусийлаштириш, шаҳарда ва қишлоқда хилма-хил мулк шакллари юзага келтириш билан бирга, давлат тасаруфида қоладиган мулкни жонлантириш бозор иқтисодиётига ўтишда жамият аъзоларининг имкониятларини бараварлаш-

тиришга хизмат қилади. Муаллиф ўз фикрини ривожлантириб шундай дейди: “Баҳоларни ўзгартириш уларни ижтимоий меҳнат харажатларига яқинлаштириш нафақат жумҳуриятнинг, балки ҳар бир корхона ва хўжаликнинг ҳуқуқи бўлиши керак. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига харид нархлари қайта кўрилиши керак. Иккинчидан, иқтисодий зарар келтирадиган маҳсулот турларига, тармоқлар, корхоналар, хўжаликларга бериладиган қарзлар тўхтатилиб, бу маблағлар аҳолининг кам даромад оладиган қатламларига — нафақахўрлар, кўп болали оилаларга сарфланиши лозим.

Учинчидан, ташқаридан олиб келтириладиган халқ истеъмоли молларини энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини аста-секин камайтира бориб, бу хил маҳсулотларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Бизнинг, масалан, галла, унни ташқаридан сотиб олиб келишимиз мутлақо мантиққа зиддир... Тўртинчидан, шу ерда етиштириладиган барча ер ости ва ер усти бойликларини шу ернинг ўзида тугал қайта ишлаб, уларни тайёр маҳсулотга айлантириш ўта муҳим вазифалардан бўлиб, тараққиёт ва даромад манбаидир”.

Бу фикрлар бундан тўққиз йил аввал ёзилган. Бугунги кунда эса биз уларнинг ижросини кўриб турибмиз.

Биз бозор иқтисодиётига собиқ иттифоқ парчаланиб кетиб, эскича иқтисодий алоқалар узилган, янгича алоқаларни йўлга қўйиш учун эса маълум бир муддат талаб этилган шароитда ўта бошлади. Зиммамизга ҳам бозор муносабатларига ўтиш, ҳам миллий иқтисодиётни ривожлантириш вазифаси тушди.

Катта қитъа ичкарасида жойлашган, сув йўллари бўлмаган бизники сингари мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини ташқаридан олиб келиш бу маҳсулотлар таннархини қимматлаштириб юборади. Шу боисдан бундай маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилгани маъқул. Шундай маҳсулотлардан бири дондир. Дон — стратегик аҳамиятга эга маҳсулот. У мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигининг муҳим гарови саналади.

Халқда дон асраган — жон асрайди, деган мақол бор. Шундай мақолни тўқиган халқ нега шу пайтгача ўзига



керакли донни ўзи етиштирмай келди? Чунки буни мустамлакачилар хоҳлашмади. Уларга дон эмас, биринчи навбатда, пахта керак эди. Айнан мустамлакачилар пахта монокультурасини юзага келтирдилар. Пахта васвасаси, айниқса ҳокимият большевиклар қўлига ўтгач авж олди. Оқибатда галлани асрлар давомида ўзи етиштириб келган Туркистон бунга қодир бўлмай қолди. “Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли” китобида ёзилишича, агар 1927—28 йилларда Ўрта Осиёга ташқаридан 560 минг тонна дон маҳсулотлари келтирилган бўлса, бу кўрсаткич беш йилдан кейин 820 минг тоннага етди ва кейинчалик бу рақам ортиб борди. 70—80-йилларга келиб, Ўзбекистонда фақат лалми ерларгагина буғдой экиладиган бўлди. Бу буғдой республиканинг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг фақат 20 фоизинигина қоплар, қолган нон ташқаридан келтирилди.

Бизга илгари бу рақамлар маълум эмасди. Мана ҳозир буни билиб, тупроғи олтин, ҳар қандай экиндан кафолатланган мўл ҳосил олиш мумкин бўлган юртимизда шу асрнинг ўзида икки марта (1918—1922 йилларда) Туркистонда очарчилик бўлган.

Галла мустақиллигига эришганлигимиз энг катта ютуғимиздир. Бу келгусида қаҳатчиликлар бўлмаслигини кафолатлашдан ташқари, пахта якка-ҳокимлигига чек қўйишда, тупроқни захарли химикатлардан тозалаб, соғломлаштиришда, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Коммунистик мустабид тузум даврида ўлкамизда етиштирилган пахта ҳосилининг 90 фоизи ташқарида қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилди. Бу ҳам халқимизни тобе, муте қилишнинг бир йўлларида эди. Эндиликда бу соҳада ҳам ўзгаришлар ясашга қулай шароитлар юзага келаяпти.

Республика бозор муносабатларига ўтаётганда мамлакатда хусусий мулкчилик мутлақо йўқ эди. Бундай шароитда давлат асосий инвестор вазифасини бажариши керак эди. Шундай бўлди ҳам. Мустақилликка эришганимиздан сўнг тез вақт мобайнида республикамиз улкан қурилиш майдонига айланиб кетди. Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва вилоятларида ўнлаб

саноат корхоналари бунёд этилди ва этилмоқда. “Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли” китобида биргина 1997 йилнинг ўзида Кўкдумалоқ конида компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона ип йиғирув фабрикаси қуриб ишга туширилганлиги таъкидланган. Бу қурилишларнинг улуғвор миқёсини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантириш учун бир факт-ни қайд этмоқчиман.

1966 йилда Тошкентда зилзила бўлганида собиқ марказ вайрон бўлган шаҳарни қайта тиклаш учун икки миллиард сўм ажратган. Мустақиллигимиз шарофати бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишининг ўзига 600 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланди. Хоразмда шаккар заводи, Асакада автомобил заводи, Тўйтепада тўқимачилик комбинати, Навоийда янги олтин комбинати, Андижон, Кўқон, Янгийўлда спирт заводлари қуриб фойдаланишга топширилди. Самарқандда автобус заводи қурилмоқда. Биз нафақат галлани, балки нефть, спирт каби ғоят муҳим маҳсулотларни ҳам четдан келтиришга чек қўймоқдамиз.

70-йилларда ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. “Тошкент оқшоми” газетасида саноат ва транспорт бўлими мудири бўлиб ишлардим. Олти ойлик маҳсулот реализацияси режасини бажараолмаган корхона раҳбарларини Тошкент шаҳар партия қўмитасига чақирди. Улар йиғирма нафарга яқин эди. Шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби директорларга бир-бир сўз бериб, режани бажаролмаганлик сабабини суриштирди. Директорларнинг аксарияти корхоналарида ишчи кучи етишмаётганлигини айтишди. Биринчи котиб эксковатор таъмирлаш заводи директориға мурожаат қилди: “Сиз бу муаммони қандай ҳал қилаяпсиз?” У: “Ўтган ойда вакилларимни Урал ва Сибирь томонларга юбориб, қирқ нафардан ортиқ ишчи топиб келдим”, деди. Шунда биринчи котиб бу ишни маъқуллади: “Эксковатор ремонт заводи раҳбаридан ибрат олинлар. Сизлар ҳам Россияга ўз вакилларингизни юборинлар. Топиб келган одамларингизни Тошкентга прописка қилдириш ва уй-жой билан таъминлашда биз ёрдам берамиз”.

Шунда: “Нега саноатимизга зарур бўлган янги ишчи кучлари аҳолиси зич, ер майдонлари эса чекланган Фарғона водийси ёки Хоразмдан эмас, Россиядан қидирилиши керак?” деган савол мени қийнади. Дилимдаги гапларни бир-икки дўстларимга ҳам айтдим. Улар: “Юқорида маҳаллий халқ машинасозлик корхоналарида ишлаш учун етарлича лаёқатли эмас, деган қараш ҳукмрон”, деб жавоб беришди. У фикрга мен асло ишонмадим. Сабаби, газетада ишлаган пайтларимда Тошкентнинг деярлик барча саноат корхоналарида бўлиб, энг мураккаб участкаларда қойиллатиб ишлаётган ўнлаб ўзбек ишчи йигитларини кўрган, улар ҳақида мақолалар ёзгандим. Бу ерда гап бошқа жойда эди — ўлкани кўпроқ руслаштириш, маҳаллий халқнинг техник маданияти ортиқча ўсиб кетишига йўл қўймаслик мақсадларида шундай сиёсат юргизиш келинди.

Мустақиллигимизнинг яна бир ажойиб меваси бўлган биргина Асака автомобил заводида энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилаёпти. Бу корхонада меҳнат қилаётган ишчиларнинг асосий қисми эса ўзбек йигитларидир.

Илгари, айниқса, пахтачиликда йиллик режа тўлгач, даладаги ҳосилни йигиб топширишдан деҳқон манфаатдор эмас эди. Шу боисдан кечалари ҳосилли далаларга молларни ҳайдаб юборишарди ҳам. Ҳозир эса деҳқонларнинг экинларидан мўл-кўл ҳосил етиштиришга, уни нес-нобуд қилмай йигиб-териб олишга астойдил интилаётганликларини кузатиш мумкин. Чунки хўжалик билан тузилган шартномада айтилишича, белгиланган ҳосилдан ортиғи деҳқоннинг ўзиники бўлади.

Айни пайтда қишлоқдаги иқтисодий ислохотлар деҳқон руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ташаббускор, ишбилармон кишилар етишмоқда. Айнан мана шундай кишиларнинг ғайрати ва ташаббус билан меҳнат қилиши туфайли Ўзбекистон секин-аста иқтисодий таназулдан чиқаяпти. “Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли” китобида таъкидланишича, “1995 йил Ўзбекистон иқтисодиёти учун бурилиш йили бўлди. Ўшанда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши кескин секинлашди. 1996 йилнинг бошида, то бугунгача ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор ижобий динамикаси давом этмоқда”... 1997 йилдан мамлакатимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан юқори бўлганлиги таъкидланган. Бу, муаллифнинг фикрича, ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Натижада ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 3,2 фозизга кўпайди.

Бугунги кунда эса ўз мустақиллигини қўлга киритган халқимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб бормоқда. Тараққиётнинг ойдин йўлига тушиб, дунёнинг энг илғор халқлари сафидан ўрин олишга интилмоқда. Халқимизнинг бу эзгу мақсадлари республикамиз ҳукумати амалга ошираётган чуқур иқтисодий ислохотларда, унинг дастлабки самараларида яққол намоён бўлади.

Нурислон Тўхлиевнинг мазкур янги китоби республикамизда кечаётган туб ислохот жараёнларини, иқтисодий ўзгаришларни теран таҳлил қилиб бериши билан қимматлидир.



Т. Лобсанг РАМПА

## Учинчи кўз

ОЛТИНЧИ БОБ <sup>1</sup>

## ИБОДАТХОНАДАГИ ҲАЁТ

**И**кки ҳафта ўтди. Баданимдаги яралар деярли тузалди. Оёғим ҳамон азоб бераётган бўлса-да, аста-секин у ҳам бита бошлади. Мен жорий кун тартибига риоя қилишга рухсат сўрадим, оз-оздан бўлса-да, ҳаракат қилмоқ ниятида эдим. Мен машғулотларда қатнашишга ижозат олдим, машғулот вақтларида ё ўлтирар, ё ётиб олар эдим — ўзимга қандай қулай бўлса, шундай қилардим. Барча тибетликлар нилуфар қиёфасида, яъни чордона қуриб ўлтирадилар. Оёғим оғриганидан эса мен бундай ўлтиролмасдим.

Ўртоқларим орасида пайдо бўлганим дастлабки кунда мени навбатчилик қилгани ошхонага юборишмади. Қовурилган арпали қопчиқларни ҳисоблаб бориш учун менга хонтахта беришди. Арпани ҳовури чиқиб турган темир тахталар устига тўкишарди. Мен йиқилиб тушган лаънати қозон пастда турарди. Темир тахта устидаги арпани текислаб бўлиб, қовурилган дон янчиладиган нариги хонага ўтардик. Бунинг учун энг кенг қисми 1,6 метр келадиган бир томони учли тош дўлдан фойдаланардик. Дўлнинг ички деворларида ариқчасимон тарам-тарам чизиқлар ва донни тутиб қоладиган ўйиқлар бор эди. Идиш ичига бир томони учли каттакон тош жойлаштирилган бўлиб, тош идишга тегар-тегмас қилиб ўрнатилганди. Дўлнинг ўзи эса йиллар давомида ишқаланавериб, силлиқлашиб кетган ёғоч ўқда турарди. Ўқдан ҳар томонга нурга ўхшаб ёғоч дасталар чиққан. Бутун қурилма тегарчаксиз арава чархини эслатарди. Арпа дўлга тўкила бошлаши билан роҳиб ва болалар дасталардан тутишарди-да, бир неча тонна келадиган тегирмон тошини айлантиришга киришишарди. Шу дамдан бошлаб иш у қадар қийин туюлмасди, тошни айлантирар эканмиз, биз жўрликда дуолар куйлашга тушардик. Бу ерда мен хумордан чиққунча кўшиқ айта олардим ва ҳеч ким кўшиғимни бўлмасди! Бироқ бу кўполдан кўпол тегирмон тошни ўрнидан жилдириш осон эмасди — ҳамма бор кучини ишга солиб итара бошларди. Унинг тўхтаб қолмаслигига ҳам кўз-қулоқ бўлиб туриш лозим эди. Қовурилган арпанинг янги улуши дўлга келиб тушарди ва арпа ёрмаси тарновдан пастга куйиларди. Бу ёрма тагин ҳовурланиб турган темир тахталар устига тушар, то цампабоп бўлмагунча яна қовуриларди. Ҳар биримиз ўзимиз билан бир ҳафтага етгулик цампа олиб юрардик. Овқатланиш чоғида биз цампали мешимизни олардик-да, косачамизга керагича цампа солар эдик. Унга ёғли чой қуйиб, росмана хамирга айлангунча бармоғимиз билан аралаштирардик ва тановул этар эдик.

Эртасига яна ошхонага навбатчилик қилгани бордим. Бу сафар биз чой қайнатдик. Чой қайнатадиган қозон ошхонанинг бошқа қисмида турарди, унга 675 литр сув кетарди. У кумда обдон ишқалаб ювилганидан худди янгидай ялт-юлт қиларди. Ярмигача сув солинган қозон каллайи саҳарданоқ пишқириб қайнаётган бўларди.

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

Лҳасага Ҳиндистон ё Хитойдан тоғлар оша келтирилган тахтачойни олиб келиб, майдалардик. Роҳиблардан бири чойга туз қўшар, иккинчиси эса ичимлик сода соларди. Туз ва сода қўшилган сув қайнай бошлагач, унга тиндирилган ёғ солинардиги ва оловга яна бир неча соат давомида қўйиб қўйиларди. Бу чой гоётада хушхўр бўлиб, унга цампа қўшилганда тибетликларнинг асосий овқатига айланарди. Чой ҳам қайноқ бўларди. Биринчи қозондаги чой тугаши ҳамон ёнида иккинчиси тайёр турарди. Бу барча ишлар ичида энг ноқулайи ўчоқдаги ўтни ёқиб туриш эди. Ўтин ўрнида тибетликлар қўтасларнинг чалмасидан фойдаланишарди. Чалма деганни бизларда доим худо уриб ётарди. Янги чалма ўчоққа тушиб ёна бошлаганда ундан кўнгилни беҳузур қиладиган аччиқ тутун бурқсир эди.

Ўчоқ ёнида турганларнинг юзи қоп-қорайиб, жудаям бир кўрқинчли тусга киради. Ёғоч буюмлар ҳам қорайиб, мумдан ясалганга ўхшаб кетарди.

Ишчи кучи етмаслигидан эмас, балки орамиздаги барча синфий тафовутларни иложи борича йўқотиш учун бизларни рўзгор юмушлари билан шуғулланишга мажбур этишарди. Тибетликларда одамнинг биргина душмани бўлади, у ҳам бўлса сен билмаган одам, деган нақл бор. Биров билан яккама-якка ишлаб кўринг, у билан гаплашинг, кимлигини билиб олинг — қарабсизки, у сизга душман эмас, дўстга айланади. Тибетда ҳар йили бир марта барча раҳбарлар бир кунга ўз ваколатларидан маҳрум этиладилар ва уларнинг қўл остида ишлайдиганларнинг ҳар бири ўша куни улар ҳақида нима ўйлашса, шуни гапира оладилар. Дейлик, аббатни кўполик ва вайсақиликда айблаб, роса пўстагини қоқишди, буни унинг тўғри юзига айтишади, агар таъналар ўринли бўлса, шикоятчига ҳеч қанақа жазо берилмайди. Бу тизим жуда яхши иш берапти, сунистеъмоллик ҳолатлари камдан-кам учрайди. Бу нарса ҳокимиятни бошқаришда ўзига хос усул бўлиб, қўл остидагилар ва қуйи лавозимда ишловчиларнинг иззат-нафсига тегилмайди, чунки охир-оқибатда шуларнинг айтгани ҳақ бўлиб чиқади-да.

Синфда бизлар нималарни ўрганмас эдик! Бизлар полда қатор бўлиб ўтириб олар эдик. Агар муаллим маъруза қилса ёки тахтага ёзиб тушунтирса, у рўпарамизда турган бўларди. Бироқ биз ўтган дарсларни такрорлаганимизда эса у орқа томонимизга юриб ўтар ва бизлар кунт билан ишлашга мажбур бўлар эдик. Чунки жавоб бериш кимнинг чекига тушади-ю, калтак кимнинг бошида синади — ҳеч биримиз билмасдик! Устоз калтакни сира қўлидан туширмасди, калтак ҳам нақ сўйилдай келарди, у ўйлаб-нетиб ўтирмасди, айлантириб солиб қоларди, кимнинг бошига, кимнинг чотига тушгани билан иши бўлмасди. Толиби илм бу вақтда ўзини қандай ҳис қилишига у заррача эътибор бермасди.

Илми нужум — мунажжимликда қўлланиладиган энг муҳим фан — риёзиёт (математика) билан кўп шуғулланишга тўғри келарди. Тасофиий нарсаларни топиш билан бизнинг мунажжимлигимиз ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эди. У кунт билан ишлаб чиқилган бўлиб, илмий қоидаларга асосланганди. Мен бу фан билан қаттиқ шуғулланардим, чунки тибет мунажжимлиги тиббий амалиётнинг узвий қисми ҳисобланарди. Тиббиётимиз беморга мунажжимлик меъёри билан ёндашади, илгари кимгадир нафи такканига асосланиб, беморга таваккал билан ёзиб бериш унга мутлақо ёт эди. Деворларга осиб ташланган катта-катта мунажжимлик хариталари билан бир қаторда гиёҳларнинг суврати солинган варақлар ҳам осиб қўйилганди. Варақлар ҳар ҳафта алмаштириб турилгани важдан биз ҳаммасини тез ўзлаштириб олар эдик. Кейинчалик бизлар саёҳатларга чиқадиган бўлгандик, саёҳат давомида гиёҳлар тўплар ва улардан дори тайёрлардик, бироқ у ёки бу шифобахш гиёҳлар билан боғлиқ мавзу чуқур ўрганилган ва ўзлаштирилгандагина чиқардик саёҳатга. Ҳеч нарсадан хабари бўлмаган одам нималар тўплаши мумкинлиги ҳеч кимга сир бўлмаса керак! Бундай саёҳатлар бизнинг оғир ва бир маромдаги ибодатхона турмушимизга қандайдир қувват ва тетиклик бағишларди. Баъзи саёҳатлар уч ойгача давом ётарди. Бизлар Ҳимолайнинг денгиз сатҳидан 6—8 минг метр баландликда жойлашган музикларига кўтарилардик, кенг музиклар бағрида қайноқ булоқлар иқлимни юмшатиб турувчи кўм-кўм ўрмонлар кўзга ташланарди. Бундай жойларда табиатнинг ёруғ оламда ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган ноёб манзаралари билан танишиш имконига эга бўлар эдик. Арзимаган беш юз метрлик масофани босиб ўтсангиз бўлди, + 40° бўлиб турган илиқ ҳаво —40° дан ҳам пастга тушиб кетганини

ўз кўзингиз билан кўрасиз. Бир гуруҳ роҳиблар эндигина кўриб турган Тибетнинг бу қисмини бошқалар қаёқдан ҳам биларди!

Бизлар дин ва қонунларни ҳам ўрганиш билан шуғулланардик. Ҳар бир тонг ҳаёт даражалари ва қонун бандларининг тақоррланишидан бошланарди. Мана улардан айримлари:

ибодатхона ва мамлакат раҳбарларини авлиё деб бил;  
 ўз маҳорат мажбуриятларингни адо этиб бор ва яхши ўқи;  
 ота-онангни ҳурмат қил;  
 саховатли одамларни иззат қил;  
 ўзингдан катталарни туғма фазилатга эга бўлганлар каби  
 ҳурмат қил; ватанга хизмат қил;  
 ҳаётдаги барча воқеа-ҳодисаларда ҳалол ва ростгўй бўл;  
 дўстларинг ва ота-оналарингга ғамхўрлик қил;  
 овқат ва бойликдан яхшилик йўлида фойдалан;  
 бошқалар учун яхшиликда ўрнатқил;  
 яхшиликдан миннатдор бўл ва яхшилик билан жавоб қайтар;  
 ҳамма нарсада вазмин бўл;  
 рашк ва ҳасаддан йироқ бўл;  
 сўкиш ва жанжаллардан ўзингни тий;  
 сўз ва ишда ҳалол бўл ва ҳеч кимга ёмонлик қилма;  
 азоб-уқубатлар ва қийинчиликларга мардона ва сабр-тоқат билан чида.

Агар дунё мана шу қонунларга таяниб яшаганда эди, ҳеч қандай келишмовчилик ҳам бўлмасди, дея қулогимизга қуйишгани-қуйишган эди.

Ибодатхонамиз ўзининг шафқатсиз ва қатъий таълим қонун-қоидалари билан ажралиб турарди. Бизга келган кўпгина роҳиблар узоқ қолишмасди, бошқа енгилроқ ҳаётни қидириб кетишарди. Биз уларга омадсиз одамлар деб қарар, ўзимизни эса арши аълода ҳис этардик. Кўпгина ибодатхоналарда тунги ибодатлар адо этилмасди: қош қорайди дегунча роҳиблар ухлагани ётишарди ва саҳари мардонлаб туриб олишарди. Биз бу ландовур ва бир қайнови кам одамларни ёмон кўрар ва ўз тартиб-қоидаларимиздан анча хафа булганимиз етмаганидай, мана бунақа қуруқларнинг ҳаёти билан яшашни ўйлашнинг ўзиёқ дард устига чипқон бўлмоқда эди.

Хулласи калом, заифлардан халос бўлишимиз керак эди.

Дарҳақиқат, Шақпори ибодатхонасининг роҳибларидан бошқа одам оёғи етмаган баланд тоғли иқлими овир жойларга қилинган саёҳатларда фақатгина энг чидамилари қайтиб келар эди. Бизни беқиёс қийинчиликлар билан синаган ва унга бардоши етмаганлардан халос бўлган ҳолда раҳбарларимиз жуда оқилона иш тутмоқда эди, чунки заифлар бошқаларнинг жонини хатарга қўяр эди. Бутун дастлабки йил давомида биз бир нафас ҳам дам олиш, хушчақчақлик нималигини билмасдик, ўйинлар ҳақида ўйламасдик ҳам. Ҳамма нарса ўқишга ва ишга сафарбар этилганди.

Муаллимларимиз хотирамизни қандай чиниқтиргани сира эсимдан чиқмайди. Кўпчилик тибетликларнинг хотираси кучли бўлади, бироқ биз бўлажак роҳиб-табиблар жуда кўп гиёҳларнинг номларини, уларнинг вазифаси ва хоссаларини, улардан қоришма тайёрлаш усулларини ва табиб учун керакли бўлган бошқа жуда кўп нарсаларни ўрганиш ва эслаб қолишимизга тўғри келарди. Бундан ташқари, илми нумумни чуқур билиш талаб этиларди, муқаддас китоблардан оятларни ёддан билишимиз керак бўларди.

Кўп асрлар давомида Тибетда машҳур бўлган хотирани чиниқтириш усулидан фойдаланиб келишган. Бизни бир неча минг қутичалар териб қўйилган махсус хонага олиб киришарди. Ҳар бир қутида узоқдан туриб осонгина ўқиса бўладиган ўз ёрлиғи бўларди. Қараб туриб бирон-бир маълумот олинадиган ҳар қандай буюм муайян бир қути ичида турарди. Биз бутун қидирув ишини аниқ тасаввур этишимиз, кўрмасдан туриб буюмни ҳис қилишимиз ва унинг қаердалигини, яъни қайси қутида эканлигини аниқ билишимиз керак эди. Бир неча бор машқдан кейин ҳаёлан хонага кириш, керакли қутини очиш ва ундан сизни қизиқтирган нарсани олиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди.

Чиниқтирилган хотира қанчалик муҳимлиги ҳақидаги фикрни миямизга сингдириш учун устозлар турли-туман ҳийла-найранглар ишлатар эдилар. Фикримиздан чалғитиб, панд бериш учун улар бизларни саволларга кўмиб ташлашарди. Гоҳо саволлар ўзаро ҳеч қандай мантиқий алоқага эга бўлмасди, гоҳо шундай кутилмаганда савол беришардики, нима деб жавоб беришингни билмай, каловлиниб қолардинг, киши. Аксар ҳолларда улар у ёки бу жиҳатдан гиёҳлар билан боғлиқ муқаддас китобларнинг ҳеч кимга маълум бўлмаган қисмларига тааллуқли бўларди. Ҳеч нарсани билмаганлар қаттиқ жазоланарди, бироқ сўралган парчани эсидан чиқариб қўйган толиблар ҳам аяб ўтирилмасди. Ўйлашга бир дақиқа ҳам муддат беришмасди. Масалан, устоз шундай дерди:

— Қўзичоғим, қани, бизга айт-чи, “Канжур”нинг еттинчи жилди ўн саккизинчи бетидеги бешинчи қаторда нима ҳақида гапирилган? Қутини оч-чи. Қара, бу қаторда нима дейилган?

Жавоб учун бор-йўғи ўн сония ажратиларди, агар тирноқча бўлса ҳам хато қилдингми, тамом бўлдим деявер. Лекин барибир бу хотирани чиниқтиришнинг энг яхши тизими эди. Ахир, тоқайгача зарур маълумотномалар қўлимда бор-ку, деб киши ўзини ишонтириб юради? Китобларимиз иккала томондан ёғоч қозиққа боғлаб қўйилган тўзғоқ саҳифаларда! — одатда уларнинг қалинлиги 40 сантиметр, кенглиги 1 метргача бўларди. Яхши хотирага эга бўлиш нақадар муҳимлигини мен кейинроқ тушундим.

Дастлабки ўн икки ой давомида бизга ибодатхонани ташлаб чиқиб кетиш тақиб қўйилган эди. Бу қоидани бузганлар учун ибодатхона дарвозаси абадул-абад берк бўларди! Бундай қоидага фақат Шакпоридагина амал қилинарди, бу ерда тартиб-интизом шунчалик қаттиқ эдики, ўзингни ибодатхона ташқарисиде тасаввур қилишнинг ўзи ҳам юракка даҳшат соларди. Агар қаерга боришимни билганимда алақачон бу ердан жуфтаникни ростлаб қолардим деб олдин ҳам айтган эдим. Бироқ бир йилдан кейин барчамиз кўниқиб кетдик.

Мана шу бутун дастлабки йил давомида бизга бирон марта ҳам ўйнагани имкон беришмади. Биз узлуксиз ишлар эдик. Заифлар асаби бардош беролмай, ҳайдалиб кетарди. Бирмунча муддатдан кейин биз бирдан ўйинга қизиқмай қўйганимизни пайқаб қолдик. Спорт ва бадантарбия машқларидан мақсад — мушакларимизни мустаҳкамлаш ва танамизни чиниқтириш, ўзимизда фойдали амалий малакалар ҳосил қилиш эди. Илк болалик давримдан ёғочоёқда юришни яхши кўрардим. Ибодатхонада бир-икки марта ёғочоёқда юришимга руҳсат беришди. Бизда гўдаклар фойдалана бошлайдиган дастлабки ёғочоёқларда оёқ қўйиладиган жой — узанги ердан унинг бўйи бараварича баландликда бўларди. Тажриба орта бориши билан баландлик ҳам ўзгариб-ўзгариб уч метргача кўтариларди. Мана шунақа ёғочоёқларда туриб олиб ҳовлида айланиб юрар, деразалардан мўралардик, жавобан эса — ҳар ўнтасидан тўққиз ҳолатда — болохонадор сўкишлар эшитардик.

Бизга лангарчўпнинг кераги йўқ эди. Худди бир жойда одимлаётгандек бир оёқдан иккинчи оёққа ўтиб олаётганда мувозанатимизни сақлаб қола олардик. Шу тариқа, йиқилиб тушмаслик учун озгина хушёрлик бўлса кифоя. Ёғочоёқларда туриб биз уруш-уруш ҳам ўйнардик. Ҳар бирида 12тадан бола бўлган икки гуруҳга бўлинардик. Сўнг бир-биримиздан ўттиз метрча узоқликда саф тортардик ва ишора бўйича ҳаракатга келардик. Булар барчаси баланд ҳайқирлиқлар ва жанговар қичқирлиқлар остида рўй берар, эшитиб, ҳойнаҳой, шайтон ҳам орқасига қарамай қочиб қолган бўларди. Синфимиздаги болалар мендан катта эканлигини олдин айтиб ўтган эдим, бироқ бу жангларда менинг калта бўйим жуда қўл келарди. Мен анчайин бўйи узун ва гавдаси оғирлигидан қўпол ҳаракат қиладиган болаларнинг орасидан чаққон ўтиб кетар, ёғочоёқларидан бирини ушлаб олиб, ўзимга томон тортар, иккинчисини эса нарёққа қараб итариб юборар эдим. Мана шундай оддий усул билан рақибларимдан анчасини ерга қулатишга муваффақ бўлардим. Онда эса бундан кўра омадсизроқ эдим, аммо жасорат кўрсатиш керак бўлганда зинҳор охиргилардан эмаслигимни айтиб қўй.

Шундай бир воқеа тез-тез ҳаёлимдан ўтиб туради. Кунларнинг бирида мен йўлда топиб олган икки метрли ёғочоёқда дарёни кечиб ўтдим. Дарё қирғоқлари тик жарлик бўлиб, яқин орада кечув кўринмасди. Мен қирғоққа ўтирдим, ёғочоёқни сувга

туширдим ва дарёни кечиб ўта бошладим. Қирғоқда сув тиззадан келарди, ўртада эса белдан. Бирдан яқинлашиб келаётган қадам товушлари қулоғимга чалинди. Мен келган томондан бир киши дарёга тушмоқда эди. У тез-тез юриб келаркан, мени дарё ўртасида кўриб, шу ерда кечув бор экан-да, деган хаялга борган бўлса керак.

Ҳалиги киши шалооп этиб сувга йиқилди-ю, сув тагига кириб кетди. Оқиб кетар экан, бир зум сув юзасида пайдо бўлди ва иккала қўли билан қирғоққа тармашди ва ўша ерда жон сақлаб қолди. Қулоғимга шунақанги сўкишлар, шунақанги дўқ-пўпи-салар этиб келмоқда эдики, ёғочоёқда шаталоқ отиб ўзимни нариги қирғоққа урдим, ҳойнаҳой, ҳеч қачон бунақа тез югурмаган бўлсам керак!

Тибетда доимий эсиб турувчи шамол ёғочоёқда юрадиганлар учун маълум хатарлар пайдо қиларди.

Ўйинга берилиб кетиб, баъзан шуни эсимиздан чиқариб қўярдик ва ҳимоя деворларидан узоққа, ҳовли ўртасига бориб қолардик. Шунда озгина шамол бўлса кифоя эди, ерда тана, қўл, оёқ ва ёғочоёқлардан иборат ғарам пайдо бўларди. Лекин биз бундан заррача хавотирга тушмасдик. Дзюдо машғулотлари шарофати билан биз ҳеч қандай жиддий шикаст-заҳматсиз кулашни ўрганиб олгандик. Бироқ кўкарган ва шилинган жойларимиз бўларди, албатта. Бунақа арзимаган нарсалар кимни ҳам ташвишга соларди?! Тўғри, орамизда шундайлар ҳам бор эдики, соясини кўриб қоқилиб кетарди ва йиқилиб тушаётиб ўзини ўнглаёлмай ё қўлини, ё оёғини синдириб оларди.

Эсимда, биздан биттамит ёғочоёқда чир айланиб “қуёш” ясади-да, кейин олға қараб юришда давом этди... Ёғочоёқнинг учига таяниб, у оёқларини узангидан чиқарди-да, орқага томон тўлиқ бурилди. У тик турган ҳолатда ҳам айланиб олса бўларди. Менинг ёғочоёқда қилган биринчи сакрашим фожиали якунланганди: ерга гумбурлаб ағдарилиб, қаттиқ лат егандим. Бунда узангилар панд берганди. Улар ёғочга маҳкам қилиб боғланмаган экан. Шундан кейин ёғочоёққа чиқишдан олдин ҳар доим узангининг маҳкамлигини текширадиган бўлганман.

Саккиз ёшга тўлишим арафасида лама Мингяр Дондуп менга мунажжимлар башоратига кўра эртага, менинг саккиз ёшга тўлишим кунида “учинчи кўз”нинг очилиши учун ғоят қулай кун бўлишини айтди. Ҳаммасини аллақачон билганим ва ҳаммасига олдиндан тайёргарлик кўриб қўйганим учун бу мени заррача ҳайратга солмади. Бундан ташқари, мен ўз устозимга қаттиқ ишонардим. “Учинчи кўз” ёрдамида, олдин ҳам бир неча бор такрорлаганимдек, инсонни у қандай бўлса, шундайлигича кўришга муваффақ бўламан. Биз учун бадан уйқу ёки ўлим чоғида уни бошқариб турадиган катта “МЕН” “олий — МЕН” учун жонли чиғаноқдан бошқа ҳеч нарса эмас. Биз инсон ўзининг номукамал баданида билим олиш ва ривожланиш учун тажассум топган деб ҳисоблаймиз. Уйқу пайтида одам мавжудликнинг бошқа текислигига кўчиб ўтади. У ухлагани ётади, унинг бадани дам олади. Уйқу келиши билан руҳ моддий қобиқдан халос бўлади-да, суза бошлайди, бунда руҳ баданга фақатгина ўлим пайтида узилиб кетадиган “кумуш ип” билан уланиб туради. Тушлар — уйқунинг арвоқлари билан биргаликда яшаб ўтилган, бизни кутиб турган ҳодисалар моҳиятидир. Руҳ баданга қайтганда уйғониш чоғидаги сесканиш тушда кўрганларни шу қадар чалғитиб юборадик, бундан хабардор бўлмаган одам учун булар барчаси ғоят ғайритабиий, ғайриқонуний бўлиб кўриниши мумкин. Лекин бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз. Мен бу борадаги ўз тажрибаларимни китобхонлар билан алоҳида ўртоқлашаман.

Баданни қуршаб олган ҳаёт белгилари кимга ва қандай кўринишидан қатъи назар, жонли мавжудот қаърида ёнаётган ҳаётий қувватдан ўзга нарса эмас. Биз уни чақмоққа ўхшаб электр қувватидан келиб чиққан деб ҳисоблаймиз. Ғарб олимлари миянинг электр тўлқинларини ўлчашга ва белгилашга муваффақ бўлдилар. Одатда бундай нарсалар устидан куладиган одамлар қуёшнинг ўзидан неча миллионлаб километр узоқликда ловуллаётган қуёш тожи ҳақида ўйлаб кўришлари лозим. Оддий одамлар бу тожни кўра олмайдилар, ҳолбуки қуёш тугилиши вақтида уни хоҳлаган киши кузатиши мумкин. Одамлар бундан тожнинг бор ёки йўқлигига ишонишадими, йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Улардаги шубҳа тожнинг мавжудлигига халақит бермайди. Инсон ҳаётий белгилари — сезгилари ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин. “Учинчи кўз”нинг очилиши менга ана шу ҳаётий белги сезгисини кўриш имконини берди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### “УЧИНЧИ КЎЗ”НИНГ ОЧИЛИШИ

Менинг туғилган куним келди. Бу куни мен машғулот ва ибодатдан озод эдим. Нонушта қилаётганимизда лама Мингяр Дондуп менга қараб деди:

— Яхшилаб дам ол, Лобсанг, кечкурун олдинга келамиз.

Офтобда эринчоқлик билан ётиш қандай маза! Поталанинг томлари чарақлайди. Норбу Линг — Марварид боғнинг ложувард сувлари тошиб оқади. Чарм қайиқда шунақанги сузгим келиб кетдики. Жича дарёсидан бир гуруҳ савдогарлар солда қандай ўтишларини қизиқсиниб кузатдим. Бир кун кўз очиб-юмгунча ўтди-кетди-я.

Кеч кирди. Мени бир хонага олиб киришди, энди бу ердан ҳеч қаяққа чиқишга рухсат этилмасди. Енгил қадам товушлари эшитилди. Тош тахталар ётқизилган йўлакдан юмшоқ намат этикда кимдир юриб келарди. Хонага олий тоифадаги уч лама кириб келди. Манглайимга гиёҳлардан малҳам қўйишди-да, уни дока билан боғлашди. Кейин улар кетишди ва кеч оқшом қайтиб келишди. Улар ичида лама Мингяр Дондуп ҳам бор эди. Малҳамни олишди, манглайимни обдан ювишди ва куп-қуруқ қилиб артишди. Гавдаси нақ девдай келадиган бир лама орқамда ўтириб олди ва бошимни ўзининг тиззаларига босди. Иккинчиси қутини очди ва ичидан ялтироқ пўлат асбоб олди. Агар шу кўриниши ва ўткир учида майда тишчалари бўлмаганда асбобнинг бигиздан асло фарқи йўқ эди. Кўриқдан олдин лама уни оловда куйдирди.

— Муолажа оғир бўлади, — деди устозим қўлимдан ушлаб. — Бундан ташқари сен тўла ҳушингда бўлишинг учун бу мутлақо зарурийдир. Бу узоқ чўзилмайди. Шунинг учун ўзингни босишга ҳаракат қил.

Кўз олдимдан бир талай асбоблар ва гиёҳ малҳамлар ўтди. “Қани, Лобсанг кўзичогим, — ўйладим ўзимча, — бардам бўл, барибир пешонангга ёзилганини кўришдан бошқа иложинг йўқ. Ўзингни босишдан бошқа қўлингдан тагин нима ҳам келарди?”

Асбоб тутган лама бошқаларга қараб қўйди-да, сўради:

— Тайёрмисизлар? Бошладик — куёш ҳозиргина ботди.

У учи тишли асбобни манглайим ўртасига қўйди-да, дастани айлантира бошлади. Бир дақиқа ўтди. Назаримда менга минглаб игна санчилаётгандай туюлди. Вақт тўхтаб қолган. Асбоб терини тешиб ўтди ва у қадар оғритмаган ҳолда юмшоқ тўкимага кирди. Лекин учи суякка бориб қадалгач, енгил сесканиб тушдим. Асбобни айлантирар экан, унинг тишли учи манглай суягига пармалаб кириши учун қаттиқроқ босди. Оғриқ унча кучли эмасди. Фақат бошим лўқиллаб оғриётганини ҳис қилардим, холос. Мен қилт этмаётгандим — лама Мингяр Дондуп менидан кўзини узмай диққат билан қараб турган эди-да, қимирлаш ё қичқиришдан кўра жоним чиқиб қўя қолишини афзал билмоқда эдим. У менга ишонарди, мен ҳам унга ишонардим. Мен билардим: нимаики гапирмасин, у ҳақ. У жарроҳ ишини диққат билан кузатиб борарди, киприклари ва хиёл қимтилган лаблари унинг ҳаяжонидан дарак бериб турарди. Тўсатдан қирс этган товуш эшитилди — асбобнинг учи суякни тешиб кирганди. Асбобнинг дастасидан маҳкам ушлаб олган лама-жарроҳ ўша заҳоти ишини тўхтатди. Устозим унга оловда обдон ишлов берилиб, пўлатдай мустаҳкамланган қаттиқ ёғоч пўкакни узатди. Мана шу пўкакни лама-жарроҳ асбоб ўйиқчасига жойлади ва то у манглайимдан пармаланган ёриққа кирмагунча асбоб чуқурчасидан пастга қараб сураверди. Кейин Мингяр Дондуп менинг юзимга яқинроқ келиши учун бир оз ўзини четга олди, сўнг им қоқиб қўйди-да, ҳалиги бир парча ёғочни бошимга чуқурроқ ботира бошлади. Бирдан ғалати ҳолга тушиб қолдим: худди биров бурнимни қовлаб, қитиқлаётгандек бўлаверди. Мен шу пайтгача менга номаълум бўлган бир ҳидни туя бошладим. Сўнг ҳид йўқолди ва мени янги туйғу чулғади, гўё ҳарир тўр бутун баданимни чирмаб олаётгандек бўлди. Кўққисдан нимадир чақнаб, кўзим қамашиб кетди.

— Бас! — амр қилди Мингяр Дондуп.

Вужудимга кучли оғриқ турди. Назаримда оппоқ олов ичида қолиб, ёнаяпман. Олов сусая бошлади, ўчди, бироқ унинг ўрнига лаҳзалик чақнашлар пайдо бўлиб,



паға-паға тутун кўринди. Лама-жарроҳ авайлабгина асбобни суғуриб олди. Манглайимда ёғоч пўкак қолди. Мана шу пўкак билан мен шу ерда қарийб бутунлай қоронғулик ичида уч ҳафталик муддатни ўтказишим керак. Учала ламадан бошқа биронта ҳам одам олдимга кирмайди. Улар навбатма-навбат мен билан суҳбатлар ўтказишади ва йўл-йўриқлар беришади. Пўкак бошимдалик паллада очимдан ўлиб қолмаслигим учунгина менга оз-оздан овқат бериб туришади.

— Энди сен бизникисан, Лобсанг, — деди устозим, бошимни дока билан боғларкан. — Умрингнинг сўнги кунигача сен одамларни улар ҳаракат қилаётган қиёфада эмас, балки аслида қандай бўлишса, ўшандайлигича кўра оласан.

Заррин оловда чўмилаётган учала ламани кўриш чинданам ғоят завқли эди. Кейинчалик мен тилларанг нур улар ҳаётининг софлиги ва муқаддаслиги натижаси эканлигини ва кўпчилик одамларда бу нур мутлақо бошқача рангда бўлишини англадим.

Бу янги туйғу менда ламаларнинг қаттиқ кузатувлари ва раҳбарлиги остида ривожланганда нур марказидаги бошқа ранглари ҳам фарқлай бошлади. Кейинчалик мен нурнинг ранги ва кучайишига қараб инсон соғлиғи ҳолатига ташхис қўйишни ҳам ўрганиб олдим. Худди шундай йўл билан, яъни нурдаги рангларнинг алмашишига қараб мен одамни тўғри ё нотўғри гапираётганини беҳато аниқлайдиган бўлдим. Мен фақатгина одам баданидан бошқа таналарда ҳам бу нарсани кузата бошладим. Менга бир шиша парчасини беришди, мен уни ҳозир ҳам асраб қўйибман ва тез-тез унга мурожаат қилиб тураман. Бундай шиша парчалари “учинчи кўз” учун восита бўлиб хизмат қиларди, унинг ёрдамида одамлар фикрига ёриб кириш, улар унутиб юборишга ҳаракат қиладиган далилларни тўплаш мумкин эди. Бироқ бarchа шиша парчалари ҳам бирдек маъқул бўлавермасди. Баъзи вақтларда тоғ биллури ёрдамида яхши натижага эришсам, баъзан оддий шиша қўл келарди. Баъзилар идишга солинган оддий сувдан фойдаланишса, баъзилар қора ғилдиракни афзал кўрарди. Бироқ фойдаланилган буюм қанақа бўлишидан қатъи назар, қоида ўша-ўшалигича қолаверарди.

Жарроҳликдан кейинги бутун бир ҳафта давомида хона зим-зиё қоронғи ҳолда сақлаб турилди. Саккизинчи кундан бошлаб аста-секин ёруғлик орттириб борилди. Ўн еттинчи кун и ёруғ одатдаги ҳолга келтириб қўйилди ва пўкакни олиб ташлаш учун яна учала лама кириб келди. Ҳаммаси жўнгина бўлди. Энг аввал манглайимни гиёҳ суви билан яхшилаб артишди. Худди жарроҳлик вақтида бўлганидек, ламалардан бири бошимни тиззалари орасида ушлаб турди. Махсус асбоб билан манглайимни ёрган иккинчи лама пўкакнинг учидан тутди. Бир силтаган эди, шу билан ҳаммаси тамом бўлди, пўкак бошимдан олиб ташланди. Лама Мингяр Дондуп манглайимга гиёҳ-малҳам қўйди ва пўкакни кўрсатди. Пўкак шунчалик қорайиб кетган эдики, худди мумга ўхшарди. Лама-жарроҳ уни унча катта бўлмаган манқалга қўйди ва пўкак ёниб турган исриқ ичида ғойиб бўлди. Ёғоч тутуни исриқ тутуни билан қўшилиб, шифтга ўрлади. Менинг покланишимнинг биринчи давраси ана шундай ниҳоясига етди. Ўша кун бошимда минг хил фикрлар ғужғон ўйнади. Менинг қаршимда Цу қанақа бўлиб кўринаркан-а? Отам-чи? Онам-чи? Улар қанақа бўлиб кўринишаркан-а? Бироқ бу сон-саноксиз саволлар ҳозирча жавобсиз қолмоқда эди.

Эртасига эрталаб ламалар яна келишди ва манглайимни диққат билан кўздан кечиришди. Улар энди дўстларим олдига қайтишим мумкинлигини айтишди, бироқ тенг ярим вақтни лама Мингяр Дондуп мен билан шуғулланиб ўтказадиган бўлди. Унинг вазифаси махсус усул ёрдамида маълумотимни давом эттиришдан иборат эди. Куннинг иккинчи ярмини одатдаги машғулотлар ва ибодатлар билан ўтказишим керак экан. Бирмунча муддатдан кейин мени яна сеҳру жодуга ҳам ўргата бошлашди. Бироқ мен ҳозир овқатдан бошқа ҳеч нарсани ўйламас эдим. Мени ўн саккиз кун қатъий парҳезда сақлашди ва мен жуда озиб кетдим. Шуларни ўйлаб ўзимни ошхонага урдим, бироқ йўлакда узун-узун қизил доғлар бўлган кўм-кўм тутун ичида бир одам қораси турганига кўзим тушди. Мен кўрққанимдан додлаб юбордим ва қайтиб хонага кириб кетдим. Ламалар менга таажжуб билан қараб туришарди — мен на ўлик, на тирик эдим.

— Йўлакда бир одам ёнапти! — дедим мен.

Лама Мингяр Дондуп биринчи бўлиб ўзига келди ва жилмайди.

— Лобсанг, бу бизнинг фаррошимиз бўлади, у жудаям ғайратчан одам. Унинг нури кўк тутунни эслатади, чунки у авом. Қора доғлар эса унинг жаҳли чиқаётгани-

ни билдиради. Кўрқмай овқатлангани боравер, қорнинг қаттиқ очкаганини кўриб турибмиз.

Кейин болаларни кузатиш айниқса қизиқ бўлди. Мен уларни яхши биламан деб юрардим, бироқ маълум бўлишича, ҳеч нарса билмас эканман. Улар нималарни ўйлаётганини, кўнглидан нималар кечаётганини, менга қандай муносабатда бўлишларини — ҳавас билан қарашадими ё бепарқми — шуни аниқлаб олишим учун уларга бирров қараб кўйсам кифоя эди.

Бироқ улар нурининг фақат рангини кўриш етарли эмас эди, унинг аҳамиятини тушуниб етиш керак эди.

Бу саволларни биз устозим лама Мингяр Дондуп билан биргаликда ишлаб чиқар эдик. Катта дарвозага кираётган ва чиқаётган одамларни бемалол кузата олишимиз учун пана жойга беркиниб олардик.

— Лобсанг, — деди менга лама Мингяр Дондуп, — ҳозир келган ҳов анави одамга эътибор қилгин-а. Юрагининг тепасида титраб турган ранг-баранг ипларни кўряпсанми? Бундай титраш ва бу ранг унинг ўпкаси касаллигидан далолат.

Ёки савдогар ҳақида:

— Манави тасмага ўхшаш энли ҳаракатланувчи чизиқларга, чақнашга ўхшаган доғларга қара. Ақахонимиз ишбилармон, мана бу молга ўхшаган роҳибларнинг чўнтақларини қандай қилиб қоқиштириб олиш тўғрисида ўйлапти. Нимага келганини билади у. Пул учун кўп одамлар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Улар меъёр туйғусини йўқотиб қўядилар ва шафқатсиз бўлиб қоладилар.

Яна бир гал:

— Мана бу кекса роҳибга қара. Тўлиқ маънодаги авлиё деб шуни айтса бўлади. Лекин у зўр ҳарфхўр, битикларимиздаги кичкина тугунчақдан бошқасини кўришга қодир эмас. Унинг сариқ нури қанчалик унниқиб кетганини пайқадинми? Бу унинг хатоларни четлаб ўтишга кучи етмаслиги ва чаласаводлигини айтиб турибди.

Хуллас, кунлар бирин-кетин ана шундай ўтиб кетаверди. Айниқса жисман касал бўлганлар каби руҳан касал бўлганлар билан ишлаш алоҳида диққат-эътиборни талаб этарди. Бундай пайтларда “учинчи кўз” гоёт қўл келарди.

— Кейинчалик, — деди менга лама Мингяр Дондуп, — хоҳлаган вақтингда учинчи кўзингни ёпа оладиган ҳам бўласан, чунки инсонларнинг номукаммаллиги ҳақида ўша бир хил маънос томошаларни кўравериш жонингга тегиб кетади. Лекин ҳозирча бемалол оддий кўзларингдек ундан фойдаланавер. Тез кунда биз сенга уни қандай очиб-ёпишни ўргатамиз.

Ривоятларимизда айтилишича, қадим замонларда одамлар “учинчи кўз”дан яхшигина фойдаланганлар. Бу воқеа худолар ерда юрган ва одамлар орасида яшаган вақтларда содир бўлган экан. Бошқаларнинг ўзларидан нимаси биландир афзаллигини кўрганда уларни ўлдириш пайига тушиб қолишаркан. Улар кўрган нарсаларини худолар улардан кўра яхшироқ кўриб туришганини ўйлаб ҳам ўтиришмас экан. Бунинг жазоси сифатида худолар одамлардаги “учинчи кўз”ни бекитиб қўйишган экан. Шундан буён кўп асрлар давомида пинҳоний нарсаларни кўриш фазилати айрим одамларгагина насиб қилиб келган экан. Кимдандир бу фазилат туғма бўлса, улар менга қилинган тегишли жарроҳлик шарофати билан уни минг карра кучайтиришга муваффақ бўлишган экан. Бу алоҳида фазилат бўлиб, бошқа ҳар қандай истеъдодга бўлгани каби, унга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиш лозим бўлган.

Кунларнинг бирида мени ота-руҳоний ўз ҳузурига чорлади.

— Ўғлим, — деб менга мурожаат қилди у, — энди сен кўпчилик одамларга насиб этмайдиган фазилатга эга бўлдинг. Сен бу фазилатдан фақат эзгулик йўлида фойдалан ва зинҳор худбинлик мақсадида ишлата кўрма. Чет элларда бўлганинда худди сайилдаги кўзбойлоғичдай сендан уни кўрсат, буни кўрсат, деб талаб қила бошлайдилар. Сенга, мана шуни исбот қиласан, дейишади. Лекин гапим қулоғингда бўлсин, бўтам, уларнинг ҳархашаларига бўйин эгма. Сенга бу фазилат ўзининг бойиб кетишинг учун эмас, балки яқинларингга ёрдам кўрсатиш учун ато этилган. Пинҳоний нарсаларни кўриш сенга кўп нарсаларни очиб беради, аммо ўз яқинларингни азобга қўядиган ва ҳаёт йўлларини ўзгартиришга мажбур этадиган нарсаларни асло кўрсата кўрма. Инсон, бўталоғим, ҳаёт йўлини ўзи танлаши лозим. Сен унга нималарни гапирмагин, инсон тақдирини ўзгартириб бўлмайди — барибир у тақдирга ёзилган йўлни босиб ўтишга мажбур. Бемор ва бахтсизларга ёрдам бер, аммо улар ҳаёт йўлини ўзгартириши мумкин бўлган гапларни айтма.

Ғоят маълумотли бўлган ота-руҳоний Далай Ламанинг шахсий табиби эди. Хайрлашув чоғида Далай Лама мени ўз хузурига чорлаяжигини айтди. Мен билан мураббийим лама Мингяр Дондуп иккаламиз бир неча ҳафта давомида Потала эҳромида меҳмон бўлишимиз керак эди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

### ПОТАЛА

Душанба куни эрталаб лама Мингяр Дондуп тўсатдан Поталага ташрифимиз ҳафтанинг охирига белгиланганини хабар қилди.

— Сен билан иккаламиз машқ қилиб олишимиз керак, — деди у. — Томоша бенеўсон бўлмоғи лозим.

Синфимизнинг ёнида унча катта бўлмаган меҳроб бўлиб, унда Далай Ламанинг ўзи баравар ҳайкали турарди.

— Диққат билан қара, Лобсанг, мен нима қилсам, сен ҳам шундай қил, — деди лама Мингяр Дондуп. — Сен мана бундай кўзингни пастга қилиб кирасан, Далай Ламага яқин борасан-да, мана бу ерда, ундан бир ярим метр берида тўхтайсан. Салом берганингни билдириб тилингни чиқарасан ва таъзим қиласан. Бир, икки, уч. Чўк тушасан-да, бошингни солинтириб, рўмолни унинг оёғи атрофига қўясан. У сенинг бўйинингга рўмол ташлаётганида гавдангни тўғри тут, лекин бошингни қуйи эгиб тураверасан. Ҳушёрликни қўлдан бермаслигинг учун ўнгача сана, сўнг ўрнингдан турасан ва ўзингдан наридаги биринчи ёстиққача тисарилиб борасан.

Мен лама Мингяр Дондуп нимаики кўрсатган бўлса, ҳаммасини ғоят аниқлик билан бажаришга ҳаракат қилдим. У бўлса буларнинг барчасини шу қадар осон бажарардики, бундай ишларда катта тажриба ортдирган одамгина шундай қилиши мумкин эди.

— Яна бир маслаҳат: орқага тисарилишдан олдин у ёқ-бу ёғинга қараб ол. Буни тез ва ҳушёрлик билан қил. Энг яқин ёстиқ қаердалигини эслаб қол. Пошнангни бунча кескин ичкарига бурма, акс ҳолда, худо кўрсатмасин, учиб тушиб, бош-мошингни ёриб оласан. Қани энди... Кўрсат-чи, сен буни қанақа қиласан...

Мен чиқдим. Лама уч марта чапак чалди. Мен олдинга отилдим, бироқ шу заҳоти у мени тўхтатди.

— Лобсанг! Лобсанг! Шошмасанг-чи, ахир пойгада эмассан-ку. Яна бир марта, фақат сал секинроқ. Ўзингни бос-да, ичингда “Оум-ма-ни-пад-ме-хум” деб такрорла. Эсингда бўлсин, сен ёш авлиёларга хос виқор билан кириб боришинг керак, Цанг-По водийсидаги дулдулдай учишинг шарт эмас.

Мен яна чиқдим ва қайтиб кирдим — бу сафар “виқор билан”. Ҳайкалга яқин бориб тиз чўкаман ва чўккалаганча тилимни чиқариб, тибетчасига салом бераман. Уч карралик саломлашув менда аъло даражада чиқди ва ўзимча гурурланиб қўйдим! Лекин, эй худойим-ей, рўмол эсимдан чиқибди-ку! Яна чиқаман ва шуларнинг ҳаммасини ўнинчи марта такрорлайман. Бу сафар ҳаммаси яхши кетади, мен маросим рўмолини ҳайкал пойига тўғри қўяман. Сўнг орқага тисариламан ва атрофга тез кўз югуртириб, ёстиқни топаман-да, ўша ёстиқнинг устига нилуфар шаклида ўлтириб оламан.

— Энди иккинчи босқичга ўтамиз, — деди лама Мингяр Дондуп. Гап ёғоч коса ҳақида кетяпти, сен уни чой улашаётганда чап енгингнинг ичидан суғуриб олишинг керак бўлади. Унда мана бундай қилиб ушлаб оласан. Косани енгингдан бемалол суғуриб оласан-да, олдинга қўйиб қўясан. Энди ҳаммасини такрорла, рўмол ҳам эсингдан чиқмасин.

Ҳафта давомида биз ҳар куни эрталаб барча ҳаракатларни миридан-сиригача то қиёмига етказмагунча ишлов беравердик. Тўғри, аввалига коса даранглаб тушиб кетаверди, лекин бу найрангни ҳам охири ўрганиб олдим.

Жума куни мен ота-руҳонийга имтиҳон топширдим. Нималарни ўрганган бўлсам, барини қилиб кўрсатдим.

— Сенинг кўришувинг мураббийинг, бизнинг оғамиз Мингяр Дондупнинг об-рўйини кўтаради, — хитоб қилиб деди у.

Душанба куни эрталаб биз тепаликдан тушдик-да, Поталага равона бўлдик. Ибодатхонамиз маъмурий жиҳатдан Поталага қарашли бўлиб, ҳужралари саройнинг асосий биносига туташ эди. У “Тиб эҳроми ва мактаби” деб аталарди. Олдин айтиб ўтганимдек, бизнинг ота-руҳонийимиз Далай Ламанинг шахсий ва яккаю ягона табиби эди. Бу лавозим гоят серташвиш эканини эътироф этиш керак. Ота-руҳоний беморларни даволашдан кўра уларни кўпроқ оғоҳлантириш билан машғул бўларди. У ўзининг энг мўтабар беморининг арзимаган тумовларига ҳам жавоб берарди. Ўзи зарур деб ҳисоблаган тақдирда ҳам ота-руҳоний Далай Лама соғлигидан хабар олишга ботинолмасди. Донолар доноси касал бўлиб ётиб қолгандагина уни ўзлари чақирарди.

Лекин ўша куни эрталаб ота-руҳоний ташвишлари ҳақида ўйлаганим йўқ, ўзининг ташвишларим ўзимга етиб ортарди. Тепалик унгурида биз Потала томонга бурилдик ва эҳром мижозлари ва зиёратчилари орасига тушиб қолдик. Бизда Далай Лама деб аталадиган Донолар доносининг гўшасини кўриш учун Тибетнинг чор атрофидан одамлар келар эдилар. Агар улар уни бирровгина кўришга муяссар бўлишса, кўнгиллари тоғдай кўтарилиб қайтишар, чарчаганидан нолишмас, узоқ йўлни яёв босиб ўтишганидан афсусланишмасди. Авлиёлар авлиёсини бир бора кўриш ва у билан саломлашиш учун айрим зиёратчилар бу ерга ойлаб йўл юриб келар эдилар. Бу олақуроқ оломон ичида деҳқонлар, эътиборли меҳмонлар, чўпон чўлиғу савдогарлар, Лҳасада шифо топиб кетишга ишонган беморлар бўлар эди. Улар сарой атрофидаги бутун йўлни нақ тўққиз чақиримгача банд қилиб олишганди. Баъзилари тўрт оёқлаб ҳаракат қилса, бир хиллари сузганга ўхшаб эмакларди. Касал ва нимжонлар бири қўлтиқтаёқда, бири ўртоқларининг ёрдамида бир амаллаб сургалгани-сургалган эди. Чор атрофда чаканафурушлар кўчма ўчоқда тайёрланган ва турлитуман идишларга қуйилган ёғли чой таклиф қиларди. Ҳар қадамда дуою афсунгарлик буюмлари ва “Авлиё тажассуми покланган” туморлар сотиларди. Чоллар ўзларининг соддадил одамлар учун тайёрланган мунажжимлар башоратномасини тезроқ харидорга ўтказиб юборишга ҳаракат қилардилар. Чакана савдогарлар “Лҳаса ёдгорлик буюмлари” — гилдираклар кўринишидаги дуолар ўйиб ёзилган тош дуономаларни таклиф этишарди. Кўча мирзалари уларнинг мижозлари Лҳасани ва унинг барча қадамжоларини бориб кўрганликлари ҳақидаги гувоҳномаларни арзон-гаров пулларди. Биз бу барча шовқин-суронли оломон орасидан тўхтамай ўтиб борардик, чунки фикру зикримизда эҳромдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди шу топда.

Далай Ламанинг шахсий қароргоҳи Потала эҳромининг томида жойлашганди — бу Ҳазрати олийдан юқорироқда яшашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ дегани эди. Кўпроқ дарёга ўхшаб кетадиган улкан тош зина юқорига олиб чиқарди. Кўнгина олий мартабали шахслар тинкаси қуриб қолмаслиги учун зинадан отда юриб чиқарди. Бундайлар йўлимизда кўплаб учраётганди. Лама Мингяр Дондуп юришдан тўхтаганда биз анча юқорига чиқиб олган эдик.

— Ота-онанг уйини кўриб қўй, — деди у бармоғи билан ўша ёқни кўрсатиб. — Қанча хизматкор югуриб юрганини кўряпсанми ҳовлида?

Мен у кўрсатган томонга қарадим. Ўша аснода жаҳлим чиқмаслиги, ўзимни босишим кераклиги ниҳоятда зарур эди. Мен чурқ этиб оғиз очолмасдим. Мен ўз яқинлари билан қаёққадир йўл олган оймни жимгина кузатиб турдим. Кекса Цу ҳам ўша ерда эди. Лекин буларнинг бари нимага ҳам керак? Нимани ўйлаган, нимани ҳис этган бўлсам, барчаси юрагимда ўлиши керак-ку!

Чоғроқ тоғ устида барпо этилган Потала эҳроми мустақил жамоадан иборат эди. Бу ерда Тибетнинг мазҳаб ва жамиятга тааллуқли барча ишлари устидан фатво чиқарилади. Бу бино, тўғрироғи, бир талай бинолар мамлакатнинг юраги ҳисобланар, барча фикрлар моясси, барча умидлар манбаи саналарди. Унинг тош омборхоналарида, хазиналар масканида олтин қўймалари, жавоҳиротга тўла қоплар ва қадимий буюмлар сақланарди. Бинолар кўпи билан уч ярим аср муқаддамгина қурилган бўлса-да, улар анча қадимги пойдеворлар устида қад кўтарган. Қачонлардир бу ерда бир истеҳком бўлиб, тоғ устида савлат тўкиб турарди. Вулқондан юзга келган тоғнинг ҳар иккала биқинидан даралар ўтган бўлиб, улардан бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки йўл чўзилган. Улардан бири қўлга бориб тақалади. Қўлга ҳатто нуфузли табақа вакилларининг барчасига ҳам ўтиш рухсат берилмаганидан унинг мавжудлигидан бармоқ билан санарли одамларгина бохабар эди.

Келинг, яхшиси ўша ажойиб тонг чоғида Потала зинасидан тепага кўтарилганимиз лайтига қайтайлик. Ҳамма томондан гилдирак кўринишидаги тош китобларнинг шақиллаган овозлари эшитиларди — бундай гилдираклар фақат Тибетдагина бор эди. Қадимги башоратларда айтилишича, Тибетда ҳақиқий гилдирак пайдо бўлганда мамлакатда тинчлик йўқолар экан.

Ниҳоят Потала эхромига ҳам етиб келдик. Ҳамма яхши биладиган устозимни кўрган барваста қоматли посбонлар олтин дарвозани очишди. Биз қабрларида Далай Ламадан олдин ўтган авлиё тажассумлари ва Далай Ламанинг ором олаётган шахсий жасади ётган даҳмалар томон юришда давом этдик. Кираверишга кўтас юнгидан тўқилган наформон парда тутиб қўйилганди. Парда сурилди ва биз яшил чиннидан ясалган улкан аждарҳо ҳайкаллари кўриқлаб турган катта таноби уйга кирдик. Деворларни сергул гиламлар безаб турарди, уларда диний ва қадимий ривоятлар мавзуидаги манзаралар тасвирланганди. Пастқам хонтахталарга Тибет диний афсоналарида сажда қилинадиган маъбуд ва маъбудаларнинг ҳайкалчалари териб қўйилган бўлиб, улар ҳеч бир ноёб буюмлар ишқибозини бефарқ қолдирмасди. Бундан ташқари эмалдан ясалган буюмлар ҳам кўзга ташланарди. Йўлакдаги устига парда ташлаб қўйилган бир жавонга “Саховатлилар китоби” жойлаштирилганди. Мен бу китобни шунақанги очиб кўргим ва менинг ҳам исми шарифим киритилганига ишонч ҳосил қилгим келиб кетдики, кўяверасиз!

Бироқ мана бундай кун ва мана бундай жойда мен ўзимни жуда кичкина ва арзимагандай ҳис қилмоқда эдим. Саккиз яшарлик чоғимда мен ўз ҳақимда ҳеч қандай ортиқча хаёлга бора олмасдим-да. Фақат, қай сабаблар мамлакатнинг энг катта одами мени ўз ҳузурига чорлашга мажбур этди экан, дея ўзимга ўзим тинмай савол берардим. Бу учрашув қоидада кўзда тутилганини ва бундан кейин у мендан ишда ва ўқишда янада кўпроқ тиришқоқлик талаб қилишини англаб турардим. Зардўзи “елка” кўндирилган олчаранг кўйлакдаги лама Мингяр Дондуп билан гаплашиб қолди. Менинг мураббийимни ҳамма биларди. У қаерда пайдо бўлмасин, ҳамма жойда уни зўр ҳурмат ва иззат билан қарши олишарди.

— Онҳазрат жаноблари учрашмоққа бағоят орзумандирлар ва у билан яккама-якка гаплашмоқ ниятидадурлар... — қулоғимга чалинди менинг.

Устозим мен томон ўгирилди:

— Кўришув вақти ҳам етиб келди. Мен сенга эшикни кўрсатаман. Биз бир ҳафта машқ қилган ҳамма нарсани ўзингча такрорлаб кўр.

У мени елкадан кучоқлади ва эшик томон йўналдик. Мингяр Дондуп охириги марта қулоғимга шивирлаб деди:

— Ҳаяжонланма, ўзингни бос. Қани...

У елкамга қоқиб қўйди-да, мени кузатганча орқада қолди. Мен ичкарига кирдим — таноби уйнинг энг тўрида Донолар доноси — Далай Лама ўлтирарди.

Далай Лама заъфарон рангли шойи ёстиқда ўлтирибди. Эгнидаги кийими оддий ламалар кийимидан асло фарқ қилмасди. Фақат гардиш чеккалари елкасигача тушган катта сариқ қалпоғи уни бошқалардан ажратиб турарди. У китобни бир четга қўйди. Бошимни солинтирганча мен хонани кесиб ўтдим ва далай Ламадан икки метрлар берида тиз чўкиб, уч карра салом бердим. Сўнг Мингяр Дондуп берган рўмолни унинг оёғига ташладим. Бунга жавобан Донолар доноси ўз рўмолини таомилдагидек бўйнимга эмас, балки бармоқларим учига қўйди. Энди энг яқиндаги ёстиққача тисарилиб боришим кераклигини ўйлаб, бошим айланиб кетди, чунки ёстиқларнинг барчаси мендан анча узоқда эди. Шунда Далай Лама биринчи бўлиб сўз қотди:

— Орқанг билан юриб бориш учун ёстиқлар жуда узоқлик қилади. Бурилиб қарачи, иккаламизнинг юзма-юз ўлтириб сўхбатлашишимизга халақит бермайдиган биронга ёстиқ бормикан?

Мен унинг ёнида бир ёстиқ борлигини кўрдим.

— Менинг рўпарамга келиб ўлтира қол, — деди Далай Лама.

Мен ўлтиргач, у яна гапира кетди:

— Сен тўғрингда менга кўп ажойиб гапларни айтишди, йигитча. Сен ғойибни кўриш хислати билан дунёга келибсан, бунинг натижасида сенда “учинчи кўз” очилган. Мен сенинг сўнгги тажассумингга тааллуқли маълумотлар билан бирга мунажжимларнинг башоратлари билан ҳам танишдим. Ҳаётинг аввалига қийин кечади, аммо охирида муваффақиятга эришасан. Сен жумлаи оламни айланиб чиқасан ва

умрингда эшитмаган мамлакатларда бўласан. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шафқат-сизликни, вайронагарчиликларни кўрасан. Умр йўлинг узун ва машаққатли бўлади, аммо, яна такрорлайман, худди башорат қилинганидек, охирида муваффақият сенга ёр бўлмай.

Бу гапларни у менга нима учун айтаяпти? Етти ёшимдан менга сўзма-сўз ёд бўлиб кетган нарсаларни нега қайтадан сўзлаб бераяпти? Тибетда тиббиёт ва жароҳликка ўқиганимдан кейин маълумотимни Хитойда давом этдиришимни билардим. Лекин Донолар доноси ҳамон сўзларди. У мени хушёрликка чорларди. Фарб оламига ўзимни мутлақо жисмоний ва руҳий қобилиятимни намойиш этишдан мағрурланиб кетмаслигимни огоҳлантирарди.

— Мен Ҳиндистон ва Хитойда бўлганман, — давом этди Далай Лама. — Бу мамлакатларда олий воқелиқлар ёки олий низоом моҳияти ҳақида гаплашиш мумкин. Фарбдан ҳам жуда кўплаб одамларни учратганман. Қадрият борасида уларнинг фикрлари мутлақо бошқача. Улар тижорат ва олтин олдида сажда қиладилар. Уларнинг олимлари шундай дейди: “Бизга руҳни кўрсатинг. Кўрсатинг, токи биз уни ушлаб кўрайлик, ўлчаб кўрайлик, унинг ишқорга таъсирини билайлик. Унинг заррачалари қандай тузилганини, кимёвий хоссаларини айтиб беринг. Исбот. Исбот. Бизга исбот керак”. Улар ўзларининг ишонмаслиқлари ва шубҳалари билан тинмасдан ва беҳуда қичқириб айтган бу исботларга эга бўлишнинг барча имкониятларини қўлдан бой бердилар... Кел, ундан кўра бир пиёладан чой ичайлик.

У занг қоқди ва пайдо бўлган ламага кўрсатмалар берди. У зумдаёқ Ҳиндистондан келтирилган чой ва егуликларни муҳайё қилди. Овқатланар эканмиз, Донолар доноси Ҳиндистон ва Хитой ҳақида ҳикоя қилди. У яна айтдики, менинг бир нафас ҳам қўл қовуштириб ўлтирмасдан ишлашимни хоҳлайди, бунинг учун махсус устозларни танлаб олади. Мен ўзимни тутиб туролмадим ва беихтиёр оғзимдан шундай сўзлар учиб чиқди:

— Устозим лама Мингяр Дондупдан кўра илмлироқ одам йўқ!

Далай Лама менга қараб қўйди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулди. Эҳтимол, шу пайтгача у билан ҳеч ким бундай оҳангда гаплашмаган бўлса керак, лекин саккиз яшар болакай бунга қандай журъат қилди экан? Нима бўлганда ҳам менинг кутилмаганда ташлаган луқмам унга ёққанди.

— Шунақа де? Демак, сенингча Мингяр Дондуп энг маъқул одам экан-да? Хўш-хўш, очигини айт-чи, сен у ҳақда қандай фикрдасан, даканг хўроз?

— Жаноб, — дедим мен жавобан, — сиз мени ғойибдан кўришимни фавқуллода ҳолат дедингиз. Менимча, лама Мингяр Дондуп мен шу пайтгача учратган барча одамлар ичида энг яхшиси!

Кулишда давом этар экан, Далай Лама яна занг қоқди.

— Мингярни чақир, — деди у бизга хизмат қилиб юрган ламага. Донолар доноси га салом берганча мураббийим кириб келди.

— Ёстиқ олиб, ёнимизга келиб ўлтир, Мингяр, — деди Донолар доноси. — Жажжи шогирдинг сен тўғрингда гоят улуг фикрда, мен ҳам уни маъқуллайман.

Устозим ёнимга келиб ўлтирди, Далай Лама эса гапида давом этди:

— Лобсанг Рампани ўқитиш ва тарбиялаш учун барча масъулият сенинг зимманга юкланади. Унинг ўқишини қандай зарур деб ҳисобласанг, шундай ташкил эт. Бунга сен мендан ёзма фармойиш сўраган эдинг, мен уни бераман. Вақти-вақти билан мен Лобсанг Рампани хузуримга чақириб тураман. — У мен томонга эгилди: — Дидинг чакки эмас, йигитча. Мураббийинг менинг болаликдаги дўстим, илоҳий илмлар борасида тенги йўқ устоз.

Яна бир оз гаплашиб ўтирдик-да, биз ўрнимиздан турдик ва кетиш олдидан таъзим бажо этдик. Лама Мингяр Дондупнинг чехрасидан унинг мендан ва Далай Ламадан мамнунлиги кўриниб турарди.

— Биз бу ерда бир неча кун қоламиз, — деди у менга, — мен сенга бу бинолар сақлаётган баъзи сирларни ошқор қиламан. Пастки қаватларда икки асрдан буён ҳеч ким бўлмаган ва кўрмаган кўплаб йўлак ва хоналар бор. Сен Тибет тарихи ҳақида бир дунё янгиликлардан воқиф бўласан.

Шу пайт олдимизга бир лама келди (Донолар доносининг барча хизматкорлари лама унвонига эга эди) ва бизга ажратилган хоналар тайёрлигини, улар томда, Далай Лама бўлмаси билан ёнма-ёнлигини айтди. У бизни ўша ёққа бошлаб борди. Кўз ўнгимда пайдо бўлган Лҳаса манзарасини кўриб лол қолдим.

— Онҳазрат жаноби олийлари сизларга ҳамма жойни кўрсатишимга фармойиш бердилар, — деди бизга ҳамроҳлик қилиб келган лама.

Мураббийим бир оз дам олишимни маслаҳат берди. Чап оёғим ҳамон оғрир, бир оз оқсоқланиб юрмоқда эдим. У бир умр чўлоқ бўлиб қолишимдан хавотирда эди. Бир соатча дам олдим, кейин устоз келди ва чой билан овқат келтирди.

— Кўрдингми, Лобсанг, бўш қорнингни тўлдириш учун нималар олиб келдим. Тан олиш керак, бу ерда яхши боқишади, шундоқ бўлгач, бундан фойдаланиб қолмасак, зўр аҳмоқлик қилган бўламиз.

Менга узоқ такаллуф қилишнинг ҳожати йўқ эди. Овқатланиб бўлганимиздан кейин Мингяр Дондуп мени томнинг нариги чеккасида жойлашган хонага бошлаб кетди. У ердаги деразаларда кўз ўрганиб қолган мойли шаффоф мато йўқлигини кўриб, қаттиқ ҳайратга тушдим. Деразаларда ҳеч нима йўқ эди, лекин шунда ҳам бу ҳеч нимани кўрса бўларди. Мен оҳиста кўлимни чўздим ва шу ҳеч нимани тутиб кўрдим. Кафтим билан бамисоли музга ўхшаган совуқ ва сирпанчиқ сиртни сездим. Шунда бирдан ўзимга келдим — ойна! Мен илгари бунақа дераза ойнасини сира учратмагандим. Тўғри, варрак ясаганда биз шишаларни ишлатардик, лекин у шишалар қалин ва хира бўларди. Бунинг устига улар рангли бўларди, бу эса сувдай тиник.

Лекин мўъжиза шу билан тугамади. Деразани очиб, Мингяр Дондуп чарм қопланган мис карнайни олди. У мусиқа асбобини эслатса-да пуфлайдиган оғзи йўқ эди, бир-бирининг ичидан чиқиб келувчи тўрт қисмдан иборат эди. Устоз карнайнинг бир учини дераза раҳига қўйди-да, унинг иккинчи учи томон эгилди. Мен таажуб ичида у ҳозир чалса керак, деб ўйладим, лекин карнайни лабларига олиб келиш ўрнига, мураббийим уни кўзига тақади.

Бирмунча сукунат ва карнай билан қатор оворагарчиликдан кейин лама Мингяр Дондуп менга қараб деди:

— Тез мана бу ерга қара, Лобсанг, бир кўзингни юм.

Мен у айтгандай тирқишдан мўралай бошладим, бироқ зум ўтмай ҳанг-манг бўлганча ўзимни орқага ташладим: устимга бир суворий бостириб келарди. Мен саросима ичида атрофга алангладим: хонада биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Устоз қотиб-қотиб куларди. Мен унга гина аралаш қараб қўйдим. Нима, мени ростдан калака қилаяптими?

— Онҳазрат жаноби олийлари сизни илоҳий илмлар бўйича буюк мутахассис деган эди, — дедим мен, — бу билан сиз шогирдингизни масҳара қиляпсизми?

Саволимга у яна қаҳ-қаҳ уриб кулди. Сўнг Мингяр Дондуп карнайга яна бир марта қарашимни айтди. Мен юрагим така-пука бўлганча итоат этдим. У карнайни сал нарига суриб қўйди ва кўз олдимда бошқа манзара намоён бўлди. Хулласи қалом, бу оддий кузатув асбоби эди, лекин мен уни ҳаётимда биринчи марта кўриб тургандим. Ҳалиги суворий сира эсимдан чиқмайди. Мен кўпинча қайсидир чет эл мамлакатидан қайсидир ажнабий муайян илоҳий ҳодисаларнинг мавжудлигига ишонишдан қандай бош тортаётганлиги ҳақида ўйлайман. Бундай бўлиши мумкин эмас, бундай бўлиши зинҳор мумкин эмас, деб туриб олади у. Худди шундайин, ҳалиги суворий ҳам мен учун “мумкин бўлмаган” ҳол эди! Далай Лама Ҳиндистондан бир қанча шунақа кузатув асбоби олиб келганди ва улардан табиатни томоша қилишни жонидан яхши кўрарди. Поталада мен ойнани биринчи марта кўрдим, аммо унда акс этган пешонасида қизил чандиғи бор ва бурни катта рангпар болакай қиёфасидаги ўзимнинг даҳшатли гавдамни таниёлмагандим. Ўз аксимни дарё сувида кўришимга тўғри келганди, бироқ у ноаниқ ва сийқа эди, бу эса — худди иккинчи ўзимдек аниқ, равшан, тиниқ эди. Ўшандан бери ойнага қарашдан буткул кўнглим қолганини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади!

Витражлар, кузатув асбоблари ва ойна бўлмаса Тибет жудаям бир ғаройиб мамлакат экан-да, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Лекин халқимиз бундан ўзини заррача бахтсиз ҳис этмайди. Шу билан баробарига у филдиракдан ҳам воз кечган. Филдирак тезликни, яъни маданий тараққиётни билдиради. Ишбилармонлик ҳаёти шу қадар шиддатлики, руҳни англашга бир дақиқа ҳам вақт қолдирмайди деб аллақачондан бери ўзимизни ишонтириб келамиз. Бизнинг сир-синоатларни англаш қувватимиз, сирли ва яширин нарсалар ҳақидаги билимимиз тўпланиб ҳамда ривожланиб бориши учун моддий дунёмиз анча суст тараққий этган. Пинҳонийликни кўриш, телепатия ва метафизиканинг бошқа шохобчалари сирлари қаърига биз минг йил-

лар давомида кириб борганмиз. Дарҳақиқат, айрим ламалар, масалан, қип-яланғоч бўлиб ечиниби, чирсиллаган қишда қорда ўтириб олганлар ва ҳаёл кучи билан тағладиридаги қорни эрита олганлар, аммо улар бу нарсани ўткир туйғулар ишқибозларининг эрмаклари учун қилиб кўрсатишга ҳаргиз рози бўлмайдилар. Хурофий фанларда олий билимларга эришган ламалар ердан кўтарилиб, ҳавода парвоз қила оладилар. Лекин улар ҳам содда халқни озми-кўпми завқлантириш мақсадида бу ишларни намойиш этишни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Тибетдаги хурофий фанларнинг чинакам мутахассислари бу сирларни шогирдининг муносиблиги ва унинг бунга маънан ҳақлигига ишонч ҳосил қилмагунча барча сирларни унга ошкор этишдан тийилиб туришган. Чиндан ҳам фақат муносиб шогирдларга мерос қолдирилиши учун улар пала-партишликка ва зарар кўриш ҳисобига қўлланилмаган. Ҳолбуки, бу қувватларда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ, улар муайян табиат қонунлари амалиётининг натижаси ҳисобланади.

Тибетда инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштируви икки йўналишда олиб борилиши мумкин: борлиқ оламнинг ичида такомиллашув ва борлиқ оламдан воз кечган ҳолда такомиллашув. Иккинчи йўналишни ихтиёр қилганлар ибодатхоналарга чекинадилар, улар қаландар — зоҳидлар масканларида тоғ ёнбағирларида ўйиб ясалган мўъжазгина мағораларда истиқомат қиладилар. Бундай мағораларнинг қалин тош деворлари — уларнинг қалинлиги гоҳо икки метргача етади — ҳар қанақанги шовқинни тўсиб қоларди. Зоҳид одамлардан узил-кесил узлатга чекинишга қарор қилганда унинг форга кириши қатъиян тақиқлаб қўйилади. Бу бўм-бўш тош қопчиқ ичида у чироқсиз, рўзғор жиҳозларисиз — ҳеч нарсасиз мутлақо ёлғиз яшайди. Махсус тўйнуқдан у кунига бир мартагина овқат олиб туради. Дастлабки мана шундай узлат уч йилу уч ою уч кун давом этади. Мана шу вақт давомида зоҳид ҳаётнинг моҳияти, унда инсоннинг вазифаси ҳақида тафаккурга берилади. Ҳеч қандай баҳона унинг жисмоний қобиғи — танаси — бу мағорани тарк этишга сабабчи бўлмайди. Ихтиёрий суратдаги узлат муддати тугашидан бир ой олдин томдан жудаям кичкина тешиқ ўйилади, ундан мағорага гира-шира ёруғлик киради. Зоҳиднинг кўзи кун ёруғига кўника бошлаши учун тешиқ аста-секин катталаштириб борилади. Акс ҳолда у кўр бўлиб қолиши мумкин. Кўпинча бундай зоҳидлар ёруғ оламда бир неча ҳафта бўлишгач, яна узлатга чекинадилар, бу сафар энди умларининг сўнгги дақиқасигача ўша ерда қолиб кетадилар. Бундай ҳаёт тарзи дастлаб қарагандагичалик мутлақо нурсиз ва фойдасиз эмас. Инсон — бу руҳ, бошқа олам мавжудотидир, у бир қарра моддий жисм занжирларидан халос бўлиб, баландликка интилади ва ўз фикрлари орқали бевосита фойдали бўлиши эҳтимол тутилган фалакни айланиб учеди. Фикрлар, дейилади Тибетда — бу қувват тўлқинларидир. Модда — бу таркиблашган қувватдир. Бир нуқтага йўналтирилган ва қисман таркиблаштирилган (жамлаштирилган) фикр нарсаларни жойидан кўзгата олади. Турли-туман нуқталарга йўналтирилган фикр телепатия асбобига айланади. Унинг ёрдамида инсонни узоқдан туриб муайян ҳаракатлар бажаришга мажбур қилиш мумкин. Нима учун бунга ишониш қийину қўлида микрофон тутган кишининг қалин туманда ҳеч нарса кўринмаслигига қарамай самолётни кўндиришга қодирлигига ишонамиз? Машқнинг маълум даражасига етгач ва шак-шубҳаларни бир четга йиғиштириб қўйгач, инсон мутлақо нуқсонсиз бўлмаган ва ишдан чиқиши мумкин бўлган мураккаб асбоб-ускуналарсиз самолётни ерга кўндирди олади.

Менинг мўъжизотни англаш борасидаги таълимим торгина зулмат қаърида узоқ вақт қамалиб ётишимни талаб этмади. У бошқа услубга асосланганиди, бу усулга кўпчилик одамлар зоҳидлик унвони ва мартабалари билан ҳам эриша олишлари амри маҳол эди. Унинг негизда танланган буюмга (Далай Ламанинг тўғридан-тўғри кўрсатмаси бўйича) томон муайян мўлжал олиш ётади. Ўқиш махсус усуллар ёрдамида ҳам, сеҳрлаш воситаси билан ҳам олиб борилар эди, бироқ булар барчаси ҳақида ўқувчилар оммаси учун китобда ҳикоя қилиб берилиши мумкин эмас. Фақат шу нарсани айтманки, мен нисбатан қисқа вақт ичида ўртача зоҳид ўзининг узоқ умри давомида олганидан кўра кўпроқ билимни эгаллашга муваффақ бўлдим. Менинг Поталага ташрифим мана шу ўқув йилининг бошланиши эди.

Кузатув асбоби мени бутунлай ўзига ром этиб қўйганди, мен тез-тез ундан фойдаланар, Лҳасанинг таниш жойларини томоша қилардим. Лама Мингяр Дондуп менга унинг таъсир этиш қонун-қоидаларини батафсил тушунтириб берди ва мен бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқлигини, маълум илмий қонунлар амал қили-



шини англадим ва энди илгаригидай: “Э-ҳа, бу сеҳргарлик-ку!” дея ҳайратга тушмайдиган бўлдим.

Кунларнинг бирида эса устозим мени қоп-қоронғи хонага олиб кирди.

— Шу ерда тур-да, Лобсанг, мана бу оқ деворга қара.

У жинчиروқни ўчирди ва дераза дарчасини нимадир қилди. Шу заҳоти оппоқ деворда Лҳасанинг тўнтарилган манзараси пайдо бўлди. Оёғи осмондан бўлиб юриб кетаётган одамлар ва кўтастарни кўриб ҳайрон қолдим. Бирдан суврат титради-да, манзара ўз ҳолига қайта бошлади. Сўнгра мен нурнинг синиши ҳақидаги маърузани тингладим. Нурни қандай қилиб таркибий қисмларга бўлиб чиқса бўлади? Илгари менга паст ҳуштак товуши билан кўза ёки шиша идишни қандай синдириш мумкинлигини кўрсатишганди. Бу нарса мен учун тушунарли эди. Аммо нурнинг синиши нима дегани экан?! То мураббийим махсус асбобни олиб келмагунча мен ҳеч нарса англолмадим. У чироқни ёқди ва бир нечта пластинка билан унинг ёруғини тўса бошлади. Шу тариқа мен физикадаги ҳайратомуз ҳодиса билан танишдим.

Потала эҳроми омборхонасида жуда ҳам кўп ажойиб ҳайкалчалар, қадимий китоблар бор эди. Диний мавзудаги улуғвор сувратлар унинг деворларига зеб бериб турарди. Айрим овруполиклар, тўғрисини айтиш керак, бу сувратларни кўриб жудаям беўхшов нарса экан деб топибди. Уларнинг баъзиларида аёл руҳи билан жинсий алоқа қилаётган эркак руҳи тасвирланган эди. Инсон руҳи ва хилқатининг бундай тасвири биронта ҳам тибетлик учун беўхшов ёки ифлос туюлиши мумкин эмас. Тибетда бир-бирига чирмалган бир жуфт яланғоч тана онг ва диний ҳаёт иттифоқининг юзага келишидаги, жунбиш тимсоли бўлиб ҳисобланади.

Мен ростданам кўриб кетдим, насронийларнинг азоб чекаётган ва хочга михланган Исога чўқинишларини умрида биринчи марта кўрган одам ҳам кўрқмай иложи йўқ-да. Одамларнинг бошқалар ҳақида ўз эътиқодларига қараб фикр юриштишларидан хафа бўлиб кетасан-да, киши. Потала эҳромига асрлар давомида ер юзининг турли бурчакларидан Далай Ламага совғалар оқиб келар эди. Улар учун ажратилган алоҳида хоналарда мен соатлаб туриб қолардим. Руҳий тадқиқ ёрдамида ҳар бир совғага қараб юзага келган теран маънони белгилашдан қизиқ нарса борми. Инсон руҳининг ҳаракати ҳақида чинакам маълумотнома! Бирон-бир совғанинг аҳамиятини белгилаётганимда мураббийим маълумотлар китобчаси ёрдамида ушбу совға тарихини ҳикоя қилиб берарди. Устозимдан мақтов сўзлари эшитиш менга ҳузур бағишларди.

— Қойил, Лобсанг! Жуда катта муваффақиятларга эришяётирсан!

Потала эҳромини тарк этишдан олдин биз ерости лаҳмларидан бирини бориб кўрдик. Қолганларини кейинроқ кўрсатишди, деб тасалли беришди менга. Қўлимизда машғал билан биз ўзига хос, худди охири йўқдай тойғоқ зиналардан пастга тушдик. Бошимиз узра тоғ жинсларининг қоялари осилиб турарди. Лаҳм табиат қўли билан барпо этилганди, тўғрироғи, вулқон отилиши натижасида пайдо бўлганди. Деворларда маъноси менга тушунарсиз бўлган ҳандасавий шакллар ва сувратлар кўзга ташланарди. Мен, эшитишимча, лаҳмнинг охирида жойлашган ва бир неча чақиримгача чўзилиб кетган кўлни кўришга тоқатим чидамаётганди. Ниҳоят лаҳмнинг энг чуқур жойигача тушдик, бу ердан лаҳм чиқиш томон кенгайиб борарди, бир вақт унинг машғалаларимиз тегай-тегай деб, бошимиз узра қоялар осилиб турган оғзига келиб қолибмиз. Яна юз метрлар юрганимиздан сўнг биз сув лабида пайдо бўлдик — сувки, мен бунақасини табиатда ҳечам кўрмаганман. Сув туриб қолган бўлиб, қоп-қора мумнинг ўзгинаси эди, кўлни эмас, тешикни кўриб тургандайсан, киши. На бир мавж бор, ўлик сукунатда на бир товуш қулоққа чалинади. Машғаллар ёғдуси қояларда мўъжизакор ўйнарди. Тик тош қояда нимадир биланглаб турарди. Мен яқинроқ бордим ва узунлиги беш-етти метрлар келадиган катта-кон олтин ичакни кўрдим. Пастга оқиб тушаётиб шамнинг эриган мумидай қотиб қолган экан.

Лама Мингяр Дондуп сукунатни бузди:

— Бу кўл Цинг-По дарёсигача олти чақирим чўзилган. Қадим замонлардан қолган бир ривоят бор. Ашаддий роҳиблардан бир гуруҳи сол ясабди, машғал ва эшакларни олишибди-да, ерости дарёсидан сузиб кетишибди. Узоқ эшкак эшишибди, номаълум сувлардан сузиб ўтишибди ва охири ерости кўлнинг энг кенг жойига келиб қолишибди. Деворлар ва осилиб турган қоялар кўздан ғойиб бўлибди. Роҳиблар энди қаёққа қараб сузишни билишолмабди.

Устознинг ҳикоясини тинглар эканман, ўзимни жасоратли сайёҳлар билан биргадек ҳис қилмоқда эдим.

— Роҳиблар саросимага тушиб қолишибди, — давом этди лама Мингяр Дондуп, — нима қилишларини билишолмабди. Бирдан сол қайрилиб кетибди, кучли шамол машғалларни ўчирибди. Одамлар тубсиз зулмат қаърига маҳв бўлишибди. Роҳибларга уларнинг ночор солларига сув деви ҳужум қилгандек туюлибди. Солни бирлаштириб турган арқонлардан маҳкам тутганча ҳолдан тойган ва қарахт бўлган роҳиблар ўлимга тайёрлана бошлашибди. Сол у ёқдан-бу ёққа лопиллаб чайқалар, одамлар сувда ивиб, совуқ суяк-суяқларидан ўтиб кета бошлабди. Сол эса бир шўнғиб кетар, яна сувдан сакраб чиқар, гўё қандайдир шафқатсиз дев бечораларни қийнаб-қийнаб ҳузурланмоқчи-ю, охирида ўлимга маҳкум этмоқчига ўхшармиш. Бу қанча вақт давом этганини роҳиблар билмас, зеро улар вақт деган нарсани унутиб қўйишган экан. Милт этган ёруғлик йўқ, ҳар томондан зим-зиё қоронғулик чулғаб олган, гўё улар қоронғи зўлдилр ичига тушиб қолгандек экан — ер юзида бунақа қоронғилик учрамайди. Ҳамма томондан қасирлаган ва гичирлаган овозлар келар экан. Шунча мусибат етмагандай, бир вақт сол ағдарилибди. Учта роҳиб чўкиб кетибди. Иккитаси сув юзига сузиб чиқибди-да, ҳаводан нафас ола бошлабди. Шу аснода рўпарадан ғира-шира қуёш нури кўринибди. Тўлқинлар ва оқим ниҳоят уларни ер остидан чиқариб ташлабди. Улар ҳолатда, ҳамма ёқлари кўқарган ва қонаган бир аҳволда улар дарё қирғоғига етиб олишибди. Роҳиблар бир неча соат ерда ҳаракатсиз ётишибди. Охири кучларини тўплаб улар ўринларидан туришибди ва атрофга қарашибди. Қарашибди-ю, сал бўлмаса ақлдан озиша ёзибди. Узоқдан Потала тоғи кўриниб турганмиш, уларнинг шундоққина ёнларида қўтаслар жимгина ўтлаб юрганмиш. Уларнинг мияларига келган биринчи нарса шу бўлибдики, гўё улар ўлган ва Тибет осмони узра турган эмишлар. Қадам товуши эшитилибди: уларнинг устига подачи тушиб келаётганмиш. У қирғоққа келиб урилган солдан егулик ул-бул олгани тушган экан, бироқ роҳибларга дуч келибди. Рўпарасида ростдан ҳам эғниларидаги либослари лахтак-лахтак бўлиб йиртилиб кетган одамлар турганига ишонч ҳосил қилгач, у замбил келтиргани Поталага йўл олибди. Шундан бери ҳеч ким бу хатарли кўлда саёҳат қилгани журъат этолмас экан. У ерда бир қанча кичик-кичик оролчалар бор эди. Роҳиблар у ердан нималар топишганини сен унвон олганингдан кейин биласан.

Шу аснода шунақанги солда саёҳат қилгим келиб кетдики, қўяверасиз! Ҳикояси давомида мендан кўзини узмай қараб турган устоз қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

— Ҳа, жуда зўр бўларди-я! Худди шу нарсани оддий усулда қилиш мумкин бўлган жойда ўзингни оғир саёҳат билан қийнашинг зарур келибдими? Ундан юлдузларга саёҳат қилсанг-чи! Бунга кучинг ҳам етади, Лобсанг. Бир оз вақт ўтсин, биз иккаламиз биргаликда йўлга тушамиз. Кўлни ўрганишга сен ўз хиссангни қўшасан ҳам. Ҳозирча сен ўқишинг керак, бўталоғиди, икковимизнинг қиладиган ишларимиз жуда кўп ҳали.

Машғалларнинг олови аста-секин сўниб бормоқда эди. Наҳотки, бошқалардай кўр-кўрона юришимга тўғри келса, ўйладим мен. Ўзим билан яна битта машғал олсам бўлар экан. Шу аснода лама Мингяр Дондуп лаҳм деворидаги қандайдир ўйиқ ичига кирди ва у ердан биратўла бир кучоқ машғал олиб чиқди. Сўнг уларни тез-тез эскисидан ёндириб олди.

— Бу ерда машғалларни ғамлаб қўйганмиз, — деди у, — қоронғида йўлни топиш қийин. Энди эса йўлга тушайлик.

Биз юқорига кўтарилди бошладик. Гоҳо нафасимизни ростлаб олиш ва қоядаги сувратларни томоша қилиш учун тўхтар эдик. Уларда улкан одамлар ва мен билмайдиган қандайдир машиналар тасвирланганди. Устозим эса бу ердаги ҳамма нарсани билар ва ўзини жуда тетик тутарди. Мен бу ерга яна қайтиб келишни ва ҳамма нарсани миридан-сиригача аниқлашни орзу қилардим, чунки лаҳмининг барча сирлари тагига етмай туриб бундан кейин қандай яшашимни тасаввур эта олмасдим. Буни устозимга қандай айтсам экан-а? Мен хатарлардан чўчимаётгандим. Лама Мингяр Дондупнинг овози фикрларимни бўлди:

— Лобсанг, чоллардай судралмасанг-чи. Яна бир неча қадам юрсак, ёруққа чиқамиз. Томдан сенга роҳиблар ер тагидан чиққан жойни кўрсатаман.

У сўзида турди, мен эса Поталани ўша жойдан ажратиб турган олтимиш чақиримлик йўлни отда босиб ўтиш учун сабрим чидамаётганди. Бироқ мураббийим:

“Бундан осони бор эканми? — деди. — Кузатув асбобини нега олиб қўйибмиз?” Қўлнинг ер остидан чиққан жойи айтарлик жозибадор эмасди, ҳамма ерда бўлганидек, унинг ён-верида ҳам Далай Ламанинг фармони билан ўтказилган дарахтлар ўсарди.

## ТУЎҚИЗИНЧИ БОБ

### “ЁВВОЙИ АТИРГУЛДАН ЯСАЛГАН ЖОНЛИ ДЕВОР”

Эртасига эрталаб биз Шакпорига жўнаб кетишга тайёрлана бошладик. Биз шояд эшитган эдик — Поталада кечаётган вақтимиз завқли эди. Сўнгги бор атрофни томоша қилиш учун мен томга чиқдим. Шакпори ибодатхонасининг томида ёш толиби илм чалқанча ётганча китоб ўқимоқда эди. Ўқтин-ўқтин у хиёл кўтариларди-да, майда тошчаларни олиб, ўтиб кетаётган роҳибларнинг тақир бошларига отар эди. Шумтака бола панадан туриб жаҳли чиққан роҳибларнинг бошларини юқорига чўзиб қарашларини мароқ билан томоша қилаётгани кузатув асбобидан яққол кўриниб турарди. Далай Лама менинг ҳам шундай қилиқларимни кўриши мумкинлигини ўйлаб, ўзимни ноқулай ҳис қилдим. Бундан кейин Шакпорининг Поталадан узоқ эмаслигини ҳисобга олишда янглишмайман дея ўзимга ўзим сўз бердим.

Жўнаб кетиш вақти келди. Энди хайрлашиш керак эди. Биз яхши кутиб олишгани учун барча ламаларга миннатдорчилик изҳор этдик, Донолар доносининг шахсий муншийига алоҳида миннатдорчилик билдирдик. У тез-тез бизларни Ҳиндистондан келтирилган озиқ-овқатлар билан сийлади, айниқса мен унга жуда ёқиб қолган эдим. Хайрлашувга эса у менга алоҳида луқма ҳадя этди ва мен ўша заҳоти луқмани паққос туширдим. Яна “темир тоғ”да пайдо бўлиш учун биз ўзимизни чоғлаб, зинадан пастга туша бошладик. Зинанинг ўрталарига етай деганимизда кимдир бизни чақирди. Ёнимиздаги роҳиблар сизларни чақиришяпти дегандай бизларга ишора қилишди. Биз тўхтадик. Чопганидан нафаси тиқилган бир роҳиб бизни қувиб етди-да, лама Мингяр Дондупга нома топширди.

— Шу ерда кутиб тур, — деди устоз, — мен тезда қайтаман.

Мен бурилдим-да, шошилмай зинадан юқорига кўтарилдим. Бекорчиликдан Лҳасани томоша қила бошладим. Хаёлимни яна хотиралар чулғаб олди ва тўсатдан таққа тўхтадим: отда менга томон отам келмоқда эди. Нигоҳларимиз тўқнашди. Ҳайратдан отамнинг юзи чўзилди. Лекин у менга бошқа бир марта ҳам қарамасдан олдимдан ўтиб кетди. Мен эса алам билан унинг ортидан қараб қолдим.

— Ота! — беихтиёр кўксимдан шу нидо отилиб чиқди.

Бироқ товушим қулоғига кирмагандай отам йўлида давом этаверди. Кўзимдан қайноқ ёш қуйилди, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб, бир томонга оқиб кетди, баданимда иситма пайдо бўлди. Наҳотки, у мени ҳамманинг олдида изза қилмоқчи бўлса? Тагин Сим эҳромининг зинасида турган пайтимда-я? Бор кучимни муштумимга йиғдим-да, қарамасангиз ундан нари, дея ўзимни овутган бўлдим ва гўё ҳеч нима бўлмагандек, яна Лҳасани томоша қила бошладим. Ярим соатлардан кейин иккита отни олдига солиб, лама Мингяр Дондуп қайтиб келди.

— Дарҳол эгарга ўтир, Лобсанг, Серага кириб ўтишимиз керак экан, у ерда руҳонийларимиздан бирининг аҳволи чатоқ эмиш.

Ҳар иккала отда ҳам устозимнинг асбоб-анжомлари солинган халта бор эди. Линкор йўлида биз уйимиз олдидан отларни йўртдириб ўтиб кетдик. Бизга йўл бериб, тиланчилар шоша-пиша ўзларини четга олишарди. Кўп утмай Сера ибодатхонасига ҳам стиб келдик. У ерда бир неча роҳиб бизни кутиб ўтирган экан. Ерга сакраб-сакраб тушиб, эгардан халталарни олдик ва роҳиб ҳамроҳлигида бемор томон шошилдик. Хонада бир чол ётарди.

Чолнинг чехраси кесак тусига кириб, жони ана чиқаман — мана чиқаман деб турарди. Лама Мингяр Дондуп сув қайнатишга тутинди. Сув келтиришди. Устоз унга гиёҳлар ташлади. Мен қайнатмани қўзғаб тургунимча у йиқилиб тушиб, бошини ёриб олган чолни текширди. Пачоқланган бош суяги мияга ботган эди. Гиёҳли сув совугач, биз у билан беморнинг манглайини ювдик. Устозим жарроҳлик паккисини олди-да, тезда “у” шаклида терини кесди. Бирмунча вақтдан кейин қон кети-

ши сусайди. Яна латта ҳўллаб боса бошладик. Сўнг Мингяр Дондуп чолнинг бошидан бир парча терини кўчириб олди ва бош суяги очилди. Устоз жуда ҳам диққат билан бош суягини тадқиқ қила бошлади. Тезда зарбадан суякнинг пачоқланган жойини топди. У махсус суяқликдаги айрим асбоблар сақланадиган косани олди, унда учи ясси ва тишли иккита кумуш найчани суғурди. У битта найчани суякдаги ёриққа киргизиб, ўрнатиб қўйди, иккинчиси билан эса суякни ўзининг жойига қўйишга ҳаракат қилиб, тўғрилай бошлади.

— Лобсанг, косани менга бер, — деди у найча билан суякни тутиб турганча.

Мен унга косани узатдим, у косадан кумуш қистирғич ва учбурчак шаклидаги кичкина кумуш тангани олди. У тангани бош чаноғи билан ўзининг жойидан хиёл кўтарилиб қолган суяк ўртасидаги ўйиққа қўйди. Аста туртган эди, суяк жойига тушди-қўйди.

— Чок ўзи битиб кетади, кумуш ажойиб тозалаш хоссасига эга ва асорат қолдирмайди.

Устоз жароҳатни яна ювди ва тери парчасини авайлабгина олдинги жойига қўйди. Кесикни у сувда қайнатиб тозаланган, гиёҳ суртма сурилган от қили билан тикди-да, чолнинг бошини боғлаб қўйди.

Чол аста-секин ўзига кела бошлади. Биз уни ёстиққа шундай ётқизиб қўйдикки, ҳеч бир ортиқча зўриқишсиз бемалол туриб ўтира олар эди. Мен асбобларни тозаладим, уларни қайнатдим ва халталарга тартиб билан жойладим. Мен кўлимни юваётган пайтимда чол кўзини очди ва боши узра энгашиб турган Мингяр-Дондупни таниб, заиф жилмайди.

— Фақат сен ёрдам беришингни билган эдим, шунинг учун орқангдан Поталага одам юбордим. Менинг ердаги вазифаларим ҳали чала, жисмимни ташлаб кетишга тайёр эмасман.

Мураббийим унга диққат билан қаради ва деди:

— Бир неча кундан кейин отдай бўлиб кетасан ва тезда ишингга киришасан. Лекин ҳозирча кимдир ёнингда навбатчилик қилиши керак. Уч-тўрт кундан кейин ҳеч нимадан қўрқмаса бўлаверади.

Мен дераза олдига бордим. Ўзга ибодатхона ҳаётини кузатиш қизиқ-да. Лама Мингяр Дондуп менга қараб деди:

— Сен ўзингни қойилмақом тутдинг, иккаламиз биргаликда тиббиёт билан шуғулланамиз. Ҳозир эса бизникидан анча-мунча фарқ қиладиган жамоанинг ҳаёти билан танишайлик.

Кекса руҳонийни бир лама ихтиёрига қолдириб, биз йўлакка кирдик. Тозалик борасида бу ибодатхона Шакпорига етишига анча бор эди. Интизом ҳам, менинг назаримда, у қадар юқори эмас эди. Биздагига қараганда буларнинг сифинадиган жойи хийла жўн кўринарди. Ҳатто тутатқи ҳиди ҳам бу ерда ўткирроқ. Ҳовлида бир тўп увин-тўда болалар ўйнаб юрарди. Шакпориди болалар деярли ҳаммавақт ишлашади. Тош зиналар лиқиллаб қолган. Қайсидир кекса роҳиб уларни таъмирламоқчи бўлган экан-у, аммо урдасидан чиқолмабди. Хуллас, на интизом, на тартиб кўнгилдагидек эди.

— Хўш, Лобсанг, шу ерда қолиб, бу ердаги одамлардай бемалол ҳаёт кечиришни истармидинг? — сўради устоз.

— Йўқ, албатта! Улар бир гала ёввойиларга ўхшайди-ку.

Мураббийим кулиб қўйди:

— Етти минг ёввойи! Кўп эмасмикан? Бутун жамоанинг юзини қора қилишга бир ҳовучгина такасалтанг кифоя, шундай эмасми?

— Бўлмаса-чи, — жавоб бердим мен. — Аммо ибодатхонага номни жуда чиройли қўйишган — “Ёввойи атиргулдан ясалган жонли девор”, мен эса сал бошқачароқ атаган бўлардим...

Лама менга қаради-да, жилмайди:

— Сен бўлганингда бу ерда тартиб ўрнатардинг деб ўйлайман.

Бизнинг ибодатхонамизда ўта қаттиқ интизом ҳукм суришига яна бир карра амин бўлдим, ҳолбуки, бошқаларида роҳиблар нима хоҳлашса, шуни қилишарди. Валакисаланг юргилари келса, юраверишарди, уларга ҳеч ким бир нима демасди.

Сера, ёки “Ёввойи атиргулдан ясалган жонли девор” Поталадан беш чақирим нарида жойлашган бўлиб, “Уч тахт” деган умумий номдаги ибодатхоналар сирасига кирарди. Бу гуруҳдаги ўн минг роҳиби бўлган Дрэпунг энг катта ибодатхона сана-

лади. 7500 роҳиби бўлган Сера ва тахминан олти минг роҳиб бўлган Гэндан ундан кейин келарди. Ҳар уччала ибодатхона кўчалари, эҳромлари, ўқув юртлари, турлитуман маъмурий-хўжалик бинолари бўлган росмана шаҳарга ўхшарди. Кўчаларини Кам вилоятидан келган қўриқчилар қўриқларди. Ҳозир уларнинг ўрнини Хитой аскарлари эгаллаган. Шакпори ҳозир тилга олинган ибодатхоналардан кичикроқ бўлса-да, аммо унинг таъсири кучлироқ эди. Бизнинг “тиб эҳроми” ибодатхонамиз Тибет ҳукумати таркибида муҳим ўрин эгалларди.

Шакпорида бизга дзюдони ўргатишарди. Мен “дзюдо” сўзига алоҳида урғу бериб айтаётиман, зеро курашнинг бу тури номи тибетчада “Сунтру Кьен-катил депо ле-ле-по” бўлиб, уни таржима қилиб бўлмасди. Бу тушунча учун “амаре” деган тибетча техник атама мавжуд. Дзюдо — бошланғич босқичгина бўлиб, тибет кураши тизимига кириш эди, холос. Бу, бўлажак лама табибларига кураш қисмлари ва усулларини билиш инсон рефлексини ўрганишга ёрдам берарди (дейлик, жарроҳлик амалларини қўллаш эҳтиёжи туғилганда). Бу билим поездларда хатарли жойларга борганда кўпроқ дадиллик бағишларди. Ахир қаерларга боришимизга тўғри келмасди, дейсиз...

Кекса Цу дзюдонинг чинакам устаси, айтиш мумкинки, Тибетдаги энг яхши курашчи эди. Биздаги кўпчилик эркаклар дзюдони яхши билишади, аммо Цу менга тўрт яшарлигимдан ўқитишни бошлаб, бу курашнинг фақат унинг ўзигагина маълум бўлган кўплаб қиларини очиб берган. Бизнинг тушунишимизча, кураш инсоннинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва ўзини-ўзи назорат этиш воситаси. Тибетда шундай гап бор: кучли одам истаган вақтида юмшоқ ва очиққўнғил бўла олади, айна ҳолда қўполлик, мақтанчоқлик ва манманлик — бу заифларнинг табиатидир.

Синганни даволаш ёки тишни олиш вақтида оғриқни сезмаслик учун бизга одамни ухлатиб қўйишга рухсат этиларди. Биз одамни ҳушсиз ҳолатда бир неча дақиқа ва соат ушлаб тура олар эдик. У нима бўлганини билмай ҳам қолар эди, чунки ўзига келгач, мутлақо ўзини яхши ҳис этарди. Ўзига келган беморни кузатиш жуда мароқли. Борди-ю, у сунъий ухлоқ бўлса, уйғонгач, суҳбатини келган жойидан давом этдириб кетаверарди. Аммо ухлатиб қўйишнинг бундай услуби замирида соғлиқ учун маълум хатарлар ётарди, шу боис ундан қаттиқ малака синовидан ўтганларгина фойдаланишлари мумкин эди. Бу услуб ҳам дзюдо қисмларини, ҳам бир лаҳзалик ухлатиб қўйиш қисмларини ўз ичига олар эди. Кўпроқ эҳтиёткорлик юзасидан мутахассислар ўз имкониятларини суиистеъмол қила олмасликлари учун маълум магнетик ишловга жалб этилар эди.

Ламанинг Тибет ибодатхонаси на фақат роҳиблар ва диний кайфиятдаги одамлар яшайдиган жой, балки у ўз хизмат турлари ва ўйин-кулгилари билан мустақил шаҳар эди. Бизда диний мазмундаги саҳна асарлари қўйиладиган театр бор эди. Машшоқларимиз ўз маҳоратларини муносиб тарзда намоён этишга тайёр туришарди, бунақаси эса бошқа ибодатхоналарда учрамасди. Роҳиблар озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар, китоблар, жиҳоз буюмлари харид қилишлари мумкин эди. Пул йиғмоқчи бўлганларга банкка ўхшаш махсус жойда уларнинг ҳисобига пул қўйиш асло қийинчилик туғдирмасди. Одамларнинг ҳар бир ҳамжамиятида жиноятчилар бор. Бизда қонунбузарларни роҳиб-миршаблар ҳибсга олар ва судга юборар эдилар, суд уларга жазо чорасини қўллар эди. Агар киши айбига иқдор бўлса, у ибодатхонанинг ахлоқ тузатув зиндонидан жазони ўтар эди.

Болаларни истеъдод ва мойилликларига кўра ўқитадиган мактаблар ҳам бор эди. Лаёқатли болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланар эди, ишەкмаслар эса ўз хоҳишларига кўра таралабедод қилиб юришлари ёки ухлашлари мумкин эди, аммо фақатгина Шакпори ибодатхонаси ҳудудидан ташқарида! Тибетда яқин кишининг ҳаётига таъсир қилиб бўлмайди, аммо кейинги тажассумда, масалан, мактабда қолган бола камчилигини тўлдиришга ҳамиша умид қилса бўлади, деб ҳисоблашади. Шакпорида бошқача йўл тутишар эди: ўз ишини эплаёлмаганларга ибодатхонани тарк этиш, бундан кўра энгилроқ ҳаёт қидириб, истаган ёққа жўнаш таклиф этиларди.

Беморларга ғамхўрлик қилиш бизда яхши йўлга қўйилганди. Ҳар бир ибодатхонада касалхона бўлиб, уларда беморларга тиббиётдан, айниқса, жарроҳликдан яхши хабардор бўлган роҳиблар қарарди. Лама Мингяр Дондупга ўхшаган мутахассислар энг мураккаб жарроҳлик ишларигагина чақириларди. Мен ватанимни ташлаб чиқиб кетганимдан буён кўпгина фарблик мутахассислар оғзидан гўё Тибетдаги эр-

какларнинг юраги кўкрак қафасининг чап томонида, аёлларники эса ўнг томонда жойлашган, деган гапларни эшитиб келаман. Бундай бемаъни гапни эшитиш менга қулгили туюларди, албатта: одам танасини ўрганиш учун бисотимизда озмунча мурда бўлмасди. Бизда таносил касалликлари кенг тарқалгани учун тибетликларни Фарбда “ифлос одам”лар сирасига қўшиб қўйишгани ҳам менга ёмон таъсир қиларди. Бундай бир пулга қиммат гапларни ёзадиган ва гапирадиганлар, афтидан, Англия ёки АҚШнинг фуқароларга “бепоул ва махфий муолажа” тақлиф қилинадиган, ўзларининг ошкора эълон қилинмаган жойларида бўлмаган кўринадилар. Биз ифлос-миз, ҳа, айрим аёллар, масалан, юзларига бўёқни қалин чаплайдилар, лабларини қип-қизил қилиб оладилар, аммо улар буни чиройли бўлиш учун қиладилар. Тўғри, ҳар ким гўзалликни қандай тушунаман деса ўзи билади. Яна аёлларимиз сочни бошқача ялтиратадиган лосьонлардан фойдаланишяпти. Қошларини теришяпти, тирноқларига зеб беришяпти. Аммо наҳотки шу белгилар билангина уларни “ифлос ва энгилтак аёллар” деб эълон қилиш мумкин бўлса?

Келинг, ўзимизнинг ибодатхонага қайтайлик. Бизга тез-тез меҳмонлар келиб турарди, улар савдогарлар, роҳиблар бўлиб, ибодатхона хонақосида кўнар эдилар. Ўзларининг ҳисобига, албатта! Барча роҳиблар ҳам бўйдоқ бўлавермасди. “Бокиралик сафоси” руҳий тараққиётга салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблайдиган роҳибларга “Қизил қалпоқлар” мазҳабига киришлари ва уйланишлари учун изн берардилар. Диний ҳаётда ҳоким синф “бокираликка онт ичган” “Сариқ қалмоқлар” мазҳабига одамлардан ташкил топар эди. Маҳсус ибодатхоналарда роҳиб ва роҳибалар елкама-елка туриб ишлашарди. Соф эркаклар ибодатхонасига қараганда бу ерда анча юмшоқ муҳит ва турмуш юзага келарди. Айрим ибодатхоналарда ўз китоблари чоп этиларди. Қоғозни ҳам ўзлари ишлаб чиқарардилар. Маҳсулот тайёрлаш жараёни соғлиқ учун зарарли эди, чунки заҳарли моддаларни кўллаш талаб этиларди. Улар қоғозни ҳашаротлардан ҳимоя қиларди, бироқ улардан одамларнинг боши қаттиқ оғрир, гоҳо эса оқибати анча жиддий ҳам бўларди.

Бизнинг босмахона ҳарфларимиз маъдандан қилинмасди. Барча матбаа саҳифалари маҳсус ёғочдан ясалган қолипларда бажариларди. Ранг-баранглик учун матн қисми ҳошия билан ажратиларди. Ғоят чуқур маъноли сувратларни ҳам чоп этиш мумкин бўларди. Қолипларнинг ҳажми турлича эди. Гоҳо уларнинг бўйи бир метргача ва эни 0,5 метргача бўларди. Зигирдай хато билан ҳам саҳифалар бекор қилиб ташланаверарди. Китобларимизнинг саҳифалари овруполиқлар одатланган китоб саҳифаларига асло ўхшамасди. Бизда баландлиги, одатда, энидан анча ортиқроқ бўлади. Саҳифалар ҳеч қачон тикилмасди, уларни китобда маҳсус қисқичлар, нақш туширилган ёғоч жазваллар ушлаб турарди. Босма чоғида қолип ясси майдонга қўйилади. Роҳиблардан бири кунинг устидан ғўлача билан текис қилиб сиёҳ суртиб чиқади. Иккинчиси қолип устидан қоғоз ёяди, учинчи роҳиб эса шу заҳотиёқ унинг устидан зилдай ғўлани айлантиради. Тўртинчи роҳиб тайёр саҳифани олади-да, саҳифаларни тартиб билан тахлаб чиқаётган шогирд-матбаачига узатади. Босилган варақлар бир четга олиб қўйилади ва ўқиш учун фойдаланилади. Шакпоридида ўқув қўлланмаларимизнинг саҳифалари янада каттароқ бўлиб, уларнинг ўлчамлари тахминан 2×1,5 метргача боради. Бундай саҳифада бутун тана аъзолари билан одамнинг сувратини ўзи билан баравар қилиб ишласа бўлади. Бундай матбаа қолипларидан деворий ўқув варақалари қилиниб, кейин биз уларни бўяб чиқардик. Бизда яна мунажжимлик хариталари ҳам бўлар эди. Кейинчалик мунажжимлар башоратномаси тузилган хариталар 60 квадрат сантиметр майдонни эгалларди. Улар боланинг ҳомила бўлиши ва туғилиши вақтида сайёраларнинг жойлашувини кўрсатарди. Хариталардаги маҳсус бўш жойларга ибодатхонамизда ҳисоб-китоб қилиб чиқилмаган аниқ ҳисоб жадвалидан маълумотларни киритиш қолар эди, холос.

Кўз олдимида алайна-ошкор Шакпоридан орқада қолаётдан “Ёввойи атиргулдан ясалган жонли девор” ибодатхонасини кўриб чиққандан кейин биз кекса руҳонийни кўргани кетдик. Икки соатдан сўнг унинг аҳволи анча яхшиланган бўлиб, аллақачон ўз ибодатхонаси ишларига қизиқа бошлаган эди. Шу нарса яққол кўриниб турардики, чол Мингяр Дондупни қаттиқ хурмат қилар ва унга зўр хайрихоҳлик билан қарар эди.

— Биз кетяпмиз, — деди устозим. — Мен сизга туйилган гиёҳлардан қолдирияпман. Сизга қараб турадиган роҳибга улардан қандай фойдаланиш йўлларини ўргатиб қўйдим.

Шундай дея у халтадан учта кичкина-кичкина чарм ҳамёнча олди ва уларни роҳибга узатди.

Ҳовлида бизни мириқиб дам олган отларнинг юганидан тутган роҳиб кутиб турарди. Отлар учиб кетишга чоғланиб, тоқатсизлик билан қулоқларини чимиради. Лекин пойга чопишга ҳушим йўқ эди. Бахтимга Лама Мингяр Дондуп ҳам шошмасдан юришни яхши кўрарди. “Ёввойи атиргулдан ясалган жонли девор” ибодатхонаси Линкорнинг айланиб ўтувчи халқа йўлидан олти чақиримлар нарида жойлашганди. Мен ҳаргиз ота-онам уйлари олдидан ўтишни хоҳламаётгандим. Мурабийим бамисоли фикрларимни ўқигандай:

— Йўлни кесиб ўтамиз-да, китоб растаси кўчасидан кетамиз. Шошилишимизга ҳожат йўқ. Худонинг куни кўп, ризқимизни ўзи етказди, — деди.

Хитойликлар савдо қилаётган савдо расталарини томоша қилиш, нарх талашиб бўлаётган қизгин баҳсларни эшитиш, тортишувларнинг жанжалгача бориб тақалишини кўриш ғоят мароқли эди. Кўчанинг нариги томонида абадият рамзи бўлмиш ёдгорлик — Чортен қад кўтарган. Унинг орқасида Шида Гомпа ибодатхонасидан бир тўда роҳиблар йўл олган улуғвор эҳром савлат тўкиб турибди. Бир неча дақиқа ўтгач, Жоканг эҳроми ортида бир-бирига зич қилиб қурилган биноларга яқинлашдик. “Ана холос, — кўнглимдан кечирдим мен, — ахир куни кеча бу ерларда кўча чангитиб чопиб юрган эдим, энди бўлса ўқияпман, роҳиб бўларканман. Қизиқ, ўнгимми бу ё тушимми?”

Яна бир оз юриб ўнг томонга бурилдик ва Тошбақа кўпригидан ўтиб, олға қараб кетдик. Мен томонга ўгирилиб олиб лама Мингяр Дондуп суҳбатини давом этдирди:

— Ҳали ҳам роҳиб бўлгинг келмаяптими? Бекор қиласан. Роҳибнинг ҳаёти жуда қизиқ бўлади. Шу ҳафтанинг охирида роҳиблар гиёҳ йиққани тоққа чиқиб кетишадди. Бу гал сен улар билан бормайсан. Ўн икки ёшга тўлганинда траппага имтиҳон топшириш учун сен билан машгулотларни давом этдирамиз. Анча кейинроқ гиёҳларнинг энг ноёб тури ўсадиган Юқори Ер вилоятига қилинадиган ғаройиб саёҳатда иштирок этасан.

Мана, ниҳоят Шо қишлоғидан ҳам чиқиб олдик. Лҳаса воҳасининг чап қаноти-га, Парго Калининга яқинлашиб келмоқда эдик. Бирдан кўзимиз деворга қапишиб олган бир тиланчига тушди:

— Эй авлиё ва улуғ мартабали лама-табиб, мени дардлардан халос этма, менга раҳминг келсин, бўлмаса бир бурда нон топишим амри маҳолдир.

Биз дарвозадан ўтиб кетаётганимизда устознинг чеҳраси тунд эди.

— Бу қанақа тиланчилар-а! Тагин уларга бемалол чидаб юрибмиз. Асосан мана шуларнинг бастидан чет элларда Тибет ҳақида бўлмағур миш-мишлар тарқалмоқда. Онҳазрат билан бирга Хитой ва Ҳиндистонда бўлганимда у ёқларда тиланчиларимиз ҳақидаги суҳбатларни эшитдим. Одамлар тиланчилардан баъзилари жуда бой деб гапиришди ва бунга шубҳа қилмайдилар ҳам. Охири бориб-бориб Темир Йўлбарс йилида пайғамбарлик амалга ошгандан кейин (1950 йилда хитойликлар Тибетга бостириб киришадди) барча тиланчилар ишлашга мажбур бўлишадди. Бунга сен, на мен кўра оламиз. Сен ўзга юртларда яшайсан, мен эса Арши Аълога қайтиб кетаман.

Бир кун келиб қадрдон устозим мени ташлаб кетишини, еримизни тарк этишини ўйлаб, ғалати бўлиб кетдим. Ушанда ердаги ҳаёт рўёдан, қатор синовлардан иборатлигини, мактабдан бошқа нарса эмаслигини унча яхши тушунмас эдим. Ўлим билан юзма-юз турган инсоннинг аъмоллари ҳақида мен қандай фикр юрита олардим ҳам? Тажрибам кейинчалик ортди!

Кунда Лингдан ўтгач, чап томонда Шакпорига олиб борадиган йўлни кўрдик. Мен бу рангли тошдан ясалган, йўлнинг бир томонидан чўзилиб кетган ҳайкалларга қизиқсиниб қарай бошладим. Бироқ кун уфқ сари оғиб, вақтни ортиқ исроф қилмаслигимиз керак эди. Эгарда чайқалиб кетиб борарканман, гиёҳ йиғувчилар ҳақида ўй сурардим: Йилда бир марта Шакпорининг роҳиблари гиёҳ тергани тоғларга йўл олишадди, кейин гиёҳларни ҳаво ўтказмайдиган халталарга солишадди ва қуритишадди. Тоғларда улкан гиёҳ хазиналари яшириниб ётибди. Шунга қарамай, менга ҳикоя қилишган ноёб гиёҳлар ўсадиган Юқори Ер тоғларида камдан-кам одамлар бўлган. Бўпти, бу йил бормасам, бормапман-да, лекин кейин лама Мингяр

Дондуп мени шундай бир саёҳатга олиб борадики, қўяверасиз! Мунажжимларнинг башорат қилишича, траппага имтиҳонларни биринчи киришдаёқ топширарканман. Аммо яхшилаб тер тўкиш керак бўлади. Муваффақият ҳеч қачон ҳеч кимга ўзидан-ўзи келиб қолмайди.

## ЎНИНЧИ БОБ

### ТИБЕТ ДИНИНИНГ АСОСЛАРИ

Динимиз буддавийликнинг бир тури ҳисобланади, бироқ унинг ўз номи йўқ. Биз учун у шунчалик дин, холос. Динимизга иймон келтирганларни биз “мухлис-лар” деб, барча қолганларни “бегоналар” деб атаймиз. Динимизни белгилаш мумкин бўлган янада аниқроқ сўз бу ламавийликдир. Фарбада у ана шу ном билан машҳур. Ламавийлик буддавийликдан шуниси билан фарқ қиладики, унинг замирида умид ва ишонч ётади, айни пайтда эса буддавийлик, бизнинг тушунчамизга кўра, тушкунлик ва умидсизликка асосланган. Биз ҳамма нарсанинг қодир отанинг мавжудлигига ва барча оламлар устидан назорат ўрнатиши ҳамда уларни ҳимоя қилиши мумкин бўлган Биру борга ишонмаймиз.

Кўпгина билимдон мутахассислар динимизнинг моҳиятини очиб беришга уришиб кўрдилар. Уларнинг аксарияти бу динга тавқи лаънат тақишди, чунки ўзларининг дини кўз олдиларини пардадай қоплаб, шахсий нуқтаи назарига тўғри келмаган ҳамма нарсани улар аёвсиз қораладилар. Айримлар ҳатто динимизни “шайтоний” деб эълон қилдилар, чунки расм-русмларимиз уларга ғалати бўлиб кўринди. Кўпгина овруполиклар ўз фикрларини ё оғзаки ривоят уларга қўйиб кўрдилар, ёки ўзларининг ватандошлари ёзган нарсалар асосида шаклантирганлар. Улардан фақат озгина қисми эҳтимол динимизни ўрганишга жазм қилгандир, шунда ҳам бир неча кун давомида, холос. Шундан сўнг улар шу нарсага амин бўлишганки, донишмандларимиздан энг билимдонлари ўзларининг бутун умрлари мобайнида буюк меҳнат ва тафаккурлари эвазига нимани англаган бўлсалар, шуни ўзларича талқин этган ва тушунтирган ҳолда китоб ёза олиш ва барчасини англаб етиш мумкин экан. Инжилни бир-икки соат варақлаган ва насронийлик таълимотининг барча нозикликларини тушунтириб беришга тайёр бўлган аллақандай “маърифатли” буддавийни кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а! Ламавийлик бўйича бундай мутахассислардан биронтаси ламавийлар ибодатхонасида яшаб кўрмаган, бизнинг муқаддас китобларимизни кунт билан ўрганмаган-ку. Китобларимиз кўз қорачиғидай сақланмоқда ва ҳақиқатларимизни тезкор ва енгил йўл билан англашни хоҳлаганларнинг қўлига осонликча тушиб қолавермайди. Агар китобимиз ёрдам беришга қодир бўлса, ибодатдан ёки ихлоснинг бирон-бир шаклидан тасалли қидирувчи диндорлар бу китобни топишга муяссар бўлишлари тайин. Аммо улар ҳам олий моҳиятни англаб етмай, ўз хомхаёлларининг қурбонига айланадилар. Айримлар: шунча гуноҳим устига яна гуноҳ ортдириб нима қиламан, деб ўзига тасалли беради. Лекин виждон азобини ҳис қилгач, яқин атрофдаги эҳромга боришади, илоҳларга қандайдир назру ниёзлар бағишлашади, қарабсизки, илоҳлар уларни афв айлаб, барча гуноҳларидан фориғ этишади. Аммо фақат битта Худо, ягона олий хилқат бор. Сиз уни нима деб атасангиз атайверинг, бунинг аҳамияти йўқ. Худо бу — ҳақ ва барҳақдир.

Будданинг асл таълимотидан яхши хабардор бўлган тибетликлар ҳеч қачон авф ҳам, мурувват ҳам тиламайдилар, улар фақат адолат тилайдилар. Айни пайтда адолатнинг олий ифодаси бўлган олий мавжудот бир кишига шафқат қилиб туриб, худди шу нарсада иккинчи кишини шафқатидан бебахра эта олмайди — бу адолат қонунининг ўзини инкор этиш бўлур эди. Дуолари мустажоб бўлган тақдирда эвазига олтин ваъда қилиб, афв ёки мурувват тилаш — назр-ниёз қанча қимматли бўлса, дуонинг қадри шунча баланд бўлишини англамайдимиз? Бу Худо камбағал, уни сотиб олса бўлаверди, дегани эмасми?

Инсон ўз келажаги борасида ҳамдардлик кўрсатишга муносиб эканлигини исботлаши мумкин (бу ҳам камдан-кам ҳолларда). Бизнинг жонларимиз абадийдир. Юқорида шакли чизиб берилган “Оум! Мани падме хум!” деган дуомиз сўзма-сўз:



“Нилуфар севинчи ҳаққига халоскорлик ато қил!” деб таржима қилинади. Лекин биз бунга янада теранроқ тушунамиз: “Банда ўзидан ўзи халос топмоғи керак!” Ўлим йўқ нарса. Кеч тушиши билан кийимларимизни ечганимиз каби уйқу чоғида жон (руҳ) ҳам баданимиздан халос бўлади. Тутилавериб эскирган буюмларимизни ташлаб юборганимиз каби жонимиз ҳам эскирган ва шартли кетиб, парти қолган баданимизга шундай муносабатда бўлади. Ўлим — бу туғилишдир. Ўлиш — бу бошқа ҳаётда туғилиш демакдир. Инсоннинг жони абадий. Жисмоний бадан кийим вази-фасини ўтайди, унда жон ёки боқий жисм вақтинча умр кўради. Ердалик чоғида жон бажариши керак бўлган вазифа жисмоний баданнинг моҳиятини белгилаб беради. Жисмоний баданнинг ташқи кўринишлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Ҳамма гап жонда. Буюк пайғамбар камбағал бўлиб туғилиши мумкин — шундай бўлмаса инсоний мурувват даражасини у қандай англай оларди? Гуноҳга ботган қашшоқ бой бўлиб қолиши мумкин — шунда у аввал содир этган хатоларини такрорлаган бўларми?”

“Ҳаёт Чархпалаги” деганда биз доирани, такрорларни тушунамиз: туғилиш — ҳаёт — ўлим — баҳога қайтиш ва бирмунча муддатдан кейин турли шароитлар ва ҳолатларда қайта туғилиш. Бу шароит ва ҳолатлар нима ўзи? Инсон ердаги ҳаётини қайта фикр тарозусига сола олиши ва у даҳриёна кечган эди деган хулосага келиши мумкин. Шу муносабат билан кечинмалар ва азоб-уқубатлар муайян нарсаларни тушуниб етиш учун энг яхши восита бўлиб ҳисобланади. Инсон тажрибаси — энг яхши устоздир! Ўз жонига суиқасд қилган одам қолган умрини яшаш учун ерга қайтиб тушиши мумкин. Бироқ бундан, масалан, ёшлигида ўлиб кетган барча болалар, одамлар ўз жонига қасд қилган собиқ қотиллар экан-да, деган ҳаёлга бормаслик керак. “Ҳаёт Чархпалаги” барча учун бирдек: гадога ҳам, бойга ҳам, аёлга ҳам, эркакка ҳам, тўрт мучали соғларга ҳам, ногиронларга ҳам. Тўғри, “Ҳаёт Чархпалаги” — бу рамзий нарса, аммо бу рамз ушбу муаммоларни ўрганишга вақти бўлмаганлар учун хийла жиддийлик туғдириши табиий. Бир ёки бир неча бобда динимиз моҳиятини тушунтириб беришнинг иложи йўқ. Муқаддас китобимиз “Канжур” юзга яқин рисолаи ўз ичига олган бўлса-да, аммо улар ҳам таълимотни тўла очиб бера олмайди. Бизда фақат мухлисларгина биладиган ва ташқи оламдан ажратиб қўйилиб, ибодатхоналарда сақланадиган бошқа китоблар ҳам бор.

Асрлар давомида шарқ одамлари табиатга зид келмайдиган ақл бовар қилмас хурофий куч ва қонунлар мавжудлигига ишониб келганлар. Бизнинг олимларимиз уларни ҳеч қачон инкор этишмаган. Аксинча, улар бу хурофий куч ва қонунлар устидан назорат ўрнатишга, ўрганишга ва уларни йўлга солишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишган. Масалан, ғойибни кўриш воситасидан кўра уларни кўпроқ унинг натижаси маҳлиё этган. Кўплар ғойибни кўришнинг ростлигига ишонмайди: тугма кўрни одамларнинг кўришига ишонтириб бўларканми? Уни ҳаргиз бунга ишонтира олмайсиз, чунки унинг ўзи умрида кўрмаган-да. Кўр одамга нарсани узоқдан кўриш мумкинлиги ва бу ҳолда унга ҳеч қандай дахл қилиб бўлмаслигини не йўсинда исботлай оласиз? (Ахир кўр одам нарсани албатта, пайпаслаб кўриши керак-да).

Инсон бадани кўп рангли нурга чулғаниб туради. Тажрибали мутахассислар уни нурланиш кучи, ранглар ёрқинлигига қараб инсон соғлиғи ҳолатини аниқлаб, унинг моҳияти ҳақида фикр юрита оладилар. Нурлар — бу самовий жисм ёки руҳ (жон)-дан оқиб келадиган ички нур радиациясидир. Инсон боши ўша оқимдан келиб чиққан нур ҳалқаси билан қуршалган. Ўлимдан кейин нур сўнади: жон баданни тарк этади ва ўз мавжудлигининг янги қатлами сари равона бўлади. У сояга айланади ва сузаётгандай бўлади — табиий жисм ичидан қутулиб чиққандаги ўлимнинг кучли зарбасидан у қарахт бўлиб қолади. Эҳтимол, дастлабки дақиқаларда унга нималар бўлаётганини жудаям аниқ пайқаймасдир. Ламалар ўлим чоғида ҳозир бўлиб, ўлаётган одамга бундан кейин у қандай босқичларни босиб ўтиши кераклигини тушунтириб туришларининг сабаби шунда. Акс ҳолда жон жисмоний хоҳишлар риштаси ила ер билан боғланиб қолиши ҳеч гап эмас. Руҳонийларнинг вази-фаси мана шу ришталарни узиб ташлашдир.

Бизда ўз марҳум қариндош-уруғлари доирасига бағишлаган махсус ибодатлар ташкил этиб турилади. Тибетликлар ўлим олдида ҳеч қандай даҳшатга тушмайдилар, шундай бўлса-да, улар жонларининг бир ер ҳаётдан бошқа ҳаётга кўчиб ўтишини осонлаштириш мақсадида ўз жонлари учун бундай маросимларда албатта

иштирок этадилар. Марҳумлар онгига раҳбарлик қилган ҳолда улар руҳини чизиб қўйилган йўлга солиб юбориш зарур. Ибодат маросими уч юз роҳиб ҳозирлигида махсус эҳромда ўтказилади. Энг ўртада марҳумга юзма-юз бўлиб тўрт ё бешта ламадан иборат телепатлар гуруҳи ўлтиради. Қўшиқ айтилаётган пайтда улар жон (руҳ) билан алоқа ўрнатиб, мулоқотда бўладилар. Ҳар жиҳатдан мақбул ва машҳур бўлишга қарамай, Тибет дуоларини таржима қилиб бўлмайди. Аммо шундай бўлса-да, биз улар ҳақида китобхонда унча-мунча таассурот пайдо қилишга уриниб кўрамиз:

— Эй ер куррасидан ташқарида беихтиёр адашиб сарсонун саргардон юрганлар, барчангиз руҳимиз нидосига қулоқ беринглар! Тириклар ва ўликлар бошқа-бошқа оламларда яшайдилар. Ўлганлар чехрасини қаерда кўриш мумкин? Улар овозини қаерда эшитиш мумкин?

Гумроҳ руҳ сояси йўлини кўрсатганча тутатқининг биринчи чўпи ёнади.

— Эй беихтиёр йўлини йўқотганлар, руҳимиз нидосига қулоқ беринглар! Тоғлар фалаклар сари чўзилиб кетган. Ҳеч нарса сукунатни бузолмайди. Енгил шамол сувни мавжлантиради ва гуллар очилади. Сизлар яқинлашганингизда қушлар учиб кетмайди. Қушлар сизларни кўра олмайди, сизларнинг келганингизни улар била олмайди.

Гумроҳ руҳга хитоб қилганча ва унга йўл кўрсатганча тутатқининг иккинчи чўпи ёнади.

— Эй гуноҳингиз туфайли йўлини йўқотганлар, барчангиз руҳимиз нидосига қулоқ берингиз. Бу дунё — рўёлар дунёси! Ҳаёт тушдан бошқа ҳеч нарса эмас. Барча туғилганлар ўлиши керак. Фақат Будда йўли абадий ҳаётга олиб боражак.

Гумроҳ руҳ соясига хитоб қилганча ва унга йўл кўрсатганча тутатқининг учинчи чўпи ёнади.

— Эй ҳокимият эгалари, тоғ ва дарёларнинг ҳукмдорлари, барчангиз руҳимиз нидосига қулоқ беринг! Ҳукмронликларингиз бир лаҳзагина давом этади, халқларингизнинг дарду ҳасратларига эса чек-чегара йўқ. Ер юзи бўйлаб қон дарёлари оқмоқда, мазлумларнинг оҳ-фарёдидан эса барглар титрайди.

Қироллар ва мустабид шоҳларнинг соясига хитоб қилганча ва уларга йўл кўрсатганча тутатқининг тўртинчи чўпи ёнади.

— Эй ўзга юртлар ҳудудига бостириб кирган жангчилар, ярадорлар ва ўлганлар, барчангиз руҳимиз нидосига қулоқ беринглар! Қўшинларингиз қани? Ер инграмоқда, жанг майдонини эса баравж ўланлар қопламоқда.

Ёлғиз саркардалар руҳининг соясига хитоб қилганча ва унга йўл кўрсатганча тутатқининг бешинчи чўпи ёнади.

— Эй ҳаётини расм чизиб ва китоб ёзишга бахшида этган рассомлар ва ёзувчилар, барчангиз руҳимиз нидосига қулоқ берингиз! Кўзларингиз толиққани бекорга кетди. Қаламларингиз бекорга ейилиб адо бўлди. Сизлар йўқликка маҳв бўлдингиз ва руҳингиз сизларни қидириб юрибди.

Рассомлар ва ёзувчилар соясига хитоб қилганча ва уларга йўл кўрсатганча тутатқининг олтинчи чўпи ёнади.

— Эй бокира қизлар ва кўҳлик аёллар, руҳимиз нидосига қулоқ берингиз! Сизларнинг ёшлигингиз — мусаффо баҳор тонгидек шаффоф ва тиниқ. Маҳбублар кучоғида қалблар пора-пора бўлади. Куз ўрнини қиш эгаллайди. Дарахтлар қип яланғоч бўлади, гўзаллик тезда қоқшол суякка айланади.

Бокира қизлар ва кўҳлик аёлларнинг сояларига хитоб қилганча ва уларни тутқунликдан халос этишга уринганча тутатқининг еттинчи чўпи ёнади.

— Эй гадолар ва ўғрилар, эй ўз қариндош-уруғларига қарши жиноят содир этганлар, ўзига қўнин ва ором тополмаганлар, барча-барчангиз руҳимиз нидосига қулоқ беринглар! Рухларингиз дўстларнинг ёрдамисиз саргардон юрибди ва адолат қалбингизга паноҳ беришдан бош тортмоқда.

Танҳоликда ватангадо бўлган гуноҳкорлар руҳига хитоб қилганча тутатқининг саккизинчи чўпи ёнади.

— Эй суюқоёқ хотинлар, тунги ишрат соҳиблари, эй эркаклар билан гуноҳкорона алоқаларга мубтало бўлганлар, қўланкалар салтанатида ҳозир адашиб юрганлар, барчангиз руҳимиз нидосига қулоқ беринглар!

Суюқоёқ хотинларнинг соясига хитоб қилганча ва уларнинг олдинги алоқа ришталарини узиб, халоскорлик бахшида этишга уринганча тутатқининг тўққизинчи чўпи ёнади.

Олтин суви юргизилган ҳайкаллар ортидаги тутатқининг қалин булут ичида липиллаб ёнаётган чироғ ёруғида жонли соялар рақс тушади. Вазият тобора жиддий тус ола боради. Фикрларини бир нуқтага жам қилган роҳиб-телепатлар ердаги ҳаётга бўлган муҳаббатларидан халос топмай бу дунёни тарк этганлар билан алоқа ўрнатишга жон-жаҳдлари билан тиришадилар.

Қизил кўйлақдаги роҳиблар марҳумларга тиловат қилганча бир-бирига қарама-қарши жуда яқин ўтиришибди. Кўзга кўринмас ноғоралар инсон қалбининг бир маромдаги урушини издан чиқаради. Эҳромнинг турли нуқталаридан ички аъзоларнинг қулдирашлари, сувнинг кулқиллагани, ўпка ҳайдаётган ҳавонинг гувиллаши қулоққа чалинади... Маросимдан сўнг руҳларнинг сояларига йўл кўрсатиш бошланиб кетади. Товуш ва шовқинларнинг оҳанги ўзгаради, аста-секин пасайиб боради. Ниҳоят руҳ баданни тарк этади: ихраш, босиқ хириллаш ва сукунат. Сукунат ўлим билан бирга бошланади. Ҳатто ўта сезгир бўлмаган роҳиблар ҳам уларни марҳумларнинг соялари қуршаб олганини ҳис қилишади. Телепатик кузатув маросими давом этади — тиниб-тинчимас руҳлар учун саёҳатнинг навбатдаги босқичи бошланган эди.

Бизлар шу нарсага қаттиқ ишонамизки, ҳаёт бизга сонсиз марталаб ато этилган. Аммо фақат ерда эмас. Миллионлаб оламлар бор ва уларнинг кўпчилигида одамлар яшайди. Уларнинг одамлари биздан мутлақо фарқ қилиши мумкин. Эҳтимол, улар тараққиётда биздан жуда илгарилаб кетишгандир. Инсон эволюциянинг энг ривожланган ва бекаму кўст шохобчаси деган нуқтаи назарга ҳеч қачон қўшилган эмасмиз. Биз атом бомбалари ташлашмайдиган цивилизациянинг анча олий шакллари мавжудлигига ишонамиз. Тибетда мен “Илоҳий чархпалаклар” деб аталмиш ғалати учар машиналар ҳақида гапирилган китобни ўқиган эдим. Лама Мингяр Дондуп менга мана шу машиналарни бошқарадиган мавжудотлар билан телепатик алоқа ўрнатган роҳиблар ҳақида ҳикоя қилганди, улар унга ерни ҳайвонот боғидаги йиртқич ҳайвонларни томоша қилган одамлардек кузатаётганлари ҳақида гапиришган экан.

Левитация<sup>1</sup> ҳақида жуда кўп ёзилган. Мен ўзим ҳам шу нарсани шоҳиди бўлганман. Бироқ анча енгил, масалан, оддий ва тушунарли самовий саёҳатлар турган жойда бундай мураккаб нарсаларни гапиришга на ҳожат? Кўплаб ламалар бундай саёҳатлар техникаси билан яхши таниш. Кимда-ким сабр-тоқати етарли бўлса, бу фойдали ва мароқли санъатни эгаллаб олиши мумкин.

Ерда кечирадиган барча онгли умримиз давомида руҳимиз ёки бизнинг Менимиз жисмоний бадан ичига яширинган бўлади ва махсус машқларсиз уни бадандан ажратиб бўлмайди. Ухлаган вақтимизда фақат бадан дам олади — дам олишга фақат бадан муҳтождир. Уйқу вақтида руҳ ундан халос бўлади ва мактабдаги машғулотдан сўнг кечкурун уйга қайтган бола каби руҳ салтанатига кўчиб ўтади. Жон ва жисмоний бадан ўзаро чексиз равишда узатишга қодир “қумуш ришта” билан боғланган бўлади. Мана шу ришта узилмагунча баданда ҳаёт сақланиб туради. Ўлим келиши билан ришта узилади ва жон руҳ оламига кўчиб ўтади, бамисоли онадан ажратиб олиш учун киндиги кесилган бола каби у янги ҳаёт учун дунёга келади. Дунёга келиш чақалоқ учун она қорнидаги ҳаётнинг тугагини билдиради. Жисмоний ўлим жон учун спиритик, янада эркинроқ оламда туғилишни англатади.

Инсон ухлаб, унинг жони бадан билан “қумуш ришта” воситасида боғланиб турар экан, жон ундан халос бўлиш ва бутун дунёни кезиб чиқиш ҳолатида бўлади. Бедорлик пайтда ҳам самовий саёҳат қилиш мумкин, аммо бунинг учун инсон махсус ўқув жараёнини босиб ўтиши керак. Инсоннинг узоқ сайрлари уйқуга мойил қилиб, тушлар кўрсатади. Туш — бу жоннинг бевосита “қумуш ришта” орқали узатиладиган таассуротларидир. Улар миягача етиб келганда, мия уларни “тартибга солади”, қайта фикрлаб кўради. Спиритик оламда вақт йўқолади, чунки у мутлақо физик (жисмоний) тушунча ҳисобланади. Масалан, туш бизга узун ва чалкашдек туюлади, аслида эса у бор-йўғи бир неча сония давом этади. Ҳар биримиз тушимизда гарчи минг чақирим нарида бўлса ҳам бир кишини кўрамиз ва у билан гаплашамиз, ёки бўлмаса, дўстларимиздан, қариндош-уруғларимиздан хат оламиз. Уйғониб, биз яна бир неча муддат кўрган тушимиз таъсирида бўламиз ва бизни

<sup>1</sup> Левитация — улкан маълумотлар ҳақидаги тушунча (тарж.).

кимдир эслаяпти деб ўйлаймиз. Бир неча кун ўтгач, дарҳақиқат, узоқдаги дўстимиз ёки қариндошимиздан дарак топиб, бир оз таажжубланамиз. Оддий одамларнинг хотираси, одатда, унча шаклланмаган, тажриба ортдирмаган бўлади, шу боис улар тушларида ҳеч қандай мантиқ кўрмайдилар, улар учун туш кўпинча босинқирашга айланади.

Тибетда биз тез-тез саёҳатга чиқиб турамыз — бунда мен самовий парвозларни назарда тутяпман, албатта. Бу ишни бизда жуда қойилмақом қилиб дўндирадилар. Жон баданни тарк этишдан қўрқади, мудом у билан “кумуш ришта” ёрдамида боғланиб туради. Шундай бўлса-да, у эркиндир ва ҳаёл тезлигида қаёққа хоҳласа, ўша ёққа парвоз қилиб кетаверади. Бундай саёҳат уюштиришни истаганлар учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Бироқ зарурий машқларсиз бу ишга киришганлар кўпинча кўнгилсиз ҳодисаларга дучор бўлишади. Эслаб кўринг-а, наҳотки, тушингизда ер узра равон учиб кетаётган ёки ҳавода сузиб бораётгандай ҳисни туймаган ва кучли зарбадан уйғониб кетмаган бўлсангиз? Бу шу билан изоҳланадики, жон бадандан жуда тез узоқлашади. У кескин ажралган вақтда унинг “кумуш ришта”лари қисқара бошлайди ва жон шоша-пиша ўзининг қобигига, яъни жисмоний баданга қайтади. Бундай саёҳатдан қайтиш янада ачинарли бўлиши мумкин. Пўлат симдаги ҳаво шаридек, жон жисмоний бадандан жуда ҳам баландда парвоз қиляпти. Тўсатдан, айтايлик, қандайдир шовқин уни ғайриоддий тезлик билан баданга қайтишга мажбур этади. Ухлаётган одам уйқусида сапчиб тушади: худди тубсиз жарга қулаб тушаяпти-ю, айни вақтда уйғониб қолгандек ҳис этади ўзини.

Тўлиқ назорат ва тетик хуш остидаги бундай самовий сайрлар деярли ҳар кимнинг қўлидан келади. Фақат махсус машқ зарур бўлади. Аммо ўқишнинг дастлабки босқичларида битта ўзингиз бўлишингиз гоёт муҳим, чунки сизни ҳеч ким безовта қилмаслиги ва ҳеч ким ҳалақит бермаслиги лозим. Бу китоб метафизик рисола эмас, унда амалий маслаҳатлар баён этилмаган, шундай бўлса-да, мен яна таъкидлаб айтмакчи, тажрибали мураббий билан сиз хайратомуз натижаларга эришасиз. Самовий сайрлар тарз-тариқаларини эгаллаш умуман хатардан холидир, бироқ барибир ҳам бадандан руҳнинг номаврид учиб чиқиши ва унинг бадан билан қайта бевосита бўлиш чоғларида ҳиссий ларзага тушиш эҳтимоли йўқ эмас. Аммо самовий сайрлар юраги заиф одамларга салбий таъсир кўрсатади. Хонага биров кириб қолиши, руҳни безовта қилиши мумкин, шунда... Ларзанинг оқибати фожиали яқунланиши мумкин: руҳ ерда деярли қайта туғилишга ва ривожланишнинг кейинги даражасига кўчиб ўтишдан олдин унда маълум муддатгача қолиб кетишга мажбур бўлади.

Тибетликлар “инсоннинг тубан кетишигача” иноният парвоз қилиш, ғойибни кўриш, телепатия ва левитацияни бошдан кечириш қобилиятига эга бўлганлигига ишонадилар. “Инсоннинг тубан кетиши” инсон зотининг умумий тараққиёти учун фойдаланиш ўрнига хурофий кучларни суиистъомол қилишимиз, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланишимиз оқибатида содир бўлади. Қабила тили фақат унинг вакиллари ўртасидаги ўзаро муомала учунгина фойдаланилган. Телепатия тили эса худди она тилидай ҳар бир кишига тушунарли бўлган. Телепатияни суиистъомол қилиш ортиб бориши билан бу неъмат қўлдан бой берилган — афсонавий Бобил минораси қурилиши бошланиб кетган<sup>1</sup>.

Биз насронийча “тирилиш”ларга риоя қилмаймиз, аммо ойнинг 8- ва 15-кунларига тўғри келувчи “табаррук айёмларни” албатта нишонлаймиз. Шу кунларни махсус диний ибодатлар қилиб ўтказамиз. Бу кунлар табаррук саналиб, ҳеч ким ишламайди. Назаримда, бизнинг ҳар йилги байрамимиз насронийларники билан мос келади, бироқ яхши билмаганим боис, улар ҳақида гапириб ўтирмайман.

Мана бизнинг байрамларимиз. Дастлабки ойнинг (Ғарб тақвими бўйича феврал) 1-дан 3-кунгача Ло-сарни нишонлаймиз, бу Ғарбдаги Янги йилга тўғри келади. Бу — умумхалқ шодиёнаси ва диний ибодатлар байрами. Йилнинг энг асосий маросими 4-дан 15-кунгача давом этиб, “Тоат кунлари” деб аталади. Бу ҳам диний, ҳам дунёвий йилнинг энг юқори нуқтасидир. “Будданинг вужудга келиши”

<sup>1</sup> Ривоятларга қараганда, ер юзидаги эл-эгатлар дастлаб битта тилда гаплашишган. Улар осмонга чиқмоқчи бўлиб минора қура бошлашибди. Бундан чўчиган Тангри бир-бирини тушунмамай минора қуриша олмасин деб, уларнинг тилини бошқа-бошқа қилиб қўйган экан (тарж.).

йиллиги 15-кунга тўғри келади. Бу тантанали шукроналик куни бўлиб, унда шодиёна тадбирлар ўтказиш муносиб саналмайди. Ниҳоят, 27-куни ярим диний, ярим афсонавий “Муборак Ханжар” маросими шу ойдаги байрамлар силсиласига яқун асайди.

Иккинчи ой (март) деярли байрамларсиз ўтади, фақат 29-куни “Бадбахт қисматли иблисининг қувилиши ва ҳайдаб чиқарилиши” нишонланади. Унча катта бўлмаган жамоатчилик маросимлари учинчи ой (апрел)да ўтказилади, шулардан энг асосийси “Вахий” йиллиги 15-кунга тўғри келади.

“Будданинг Дунёни тарк этиши” йиллиги тўртинчи ой (ғарб тақвими бўйича май)нинг 8-кунида нишонланади. Ҳаётнинг одатдагидан кўра янада қатъийроқ ва вазминроқ даври бошланади. Бу насронийларнинг Буюк рўзасига тўғри келади. “Будданинг ўлими” йиллиги 15-кунга тўғри келади, бу ердаги ҳаётни тарк этганларни хотирлаш байрамидир. У яна “Барча Жонлар куни” номи билан ҳам машҳур. Бу кунда гумроҳ жонлар, ер тутқунларини жалб этиш учун тутатқи чўплари ёқилади.

Мен асосий байрамларимиз ҳақида сўзлаб бердим. Бироқ яна кўплаб бошқа байрамларимиз ҳам бор, аммо у қадар муҳим байрамлар сирасига кирмагани учун уларни биттама-битта санаб ўтиш жоиз деб билмайман.

5 июнда ўзим ҳам мансуб бўлган лама-табиблар бошқа ибодатхоналардаги маҳсул маросимларда иштирок этишимиз керак. Будданинг ўзи асос солган Тиб тарикатига шукроналик дуолари ўқилади. Бу куни биз учун ҳар қанақанги эркинлик яратилади, бироқ эртасига бошлиқлар ҳатто уларнинг ўзларига ҳам номаълум бўлган, аммо тасаввурлари ҳисобига осонгина тўлдирилади, ҳамма нарса учун сўроқ қилиш имкониятини қўлдан бой беришмайди.

Олтинчи ой (июл)нинг тўртинчи кунда “Будданинг туғилиши” ва “Биринчи Додҳо” йиллиги нишонланади.

“Ҳосил байрами” саккизинчи ой (октябр)нинг 8-кунида нишонланади. Тибет — қуруқ иқлимли мамлакат бўлиб, унинг ҳаёти бошқа ҳар қандай жойдагидан ҳам кўпроқ дарёларга боғлиқдир. Бу ерда ёғингарчилик ҳаддан ташқари кам бўлади. Шу боис “Ҳосил байрами” сув билан қоришиб кетган: сув бўлса — ерда ҳосил ҳам бўлади!

“Будданинг фалакдан мўъжизавий нозил бўлиши” тўққизинчи ой (ноябр)нинг 22-кунида, “Чироқлар куни” — кейинги ойнинг 25-кунида нишонланади.

Йилнинг сўнги диний намойишлари ўн иккинчи ой (январнинг охири — февралнинг боши)нинг 29- ва 30-кунларида ўтказилади. “Эски йилни кузатиш”дан кейин “Янги йилни кутиб олиш”га тайёргарлик бошланиб кетади.

Бизнинг тақвимимиз ғарб тақвимидан кескин фарқ қилади. Биз олтмиш йиллик даврдан фойдаланамиз, бунда ҳар бир йилга ҳайвон номи (улар жами 12 та) ва табиат унсурлари (5 та) номи берилади. Янги йил февралда киради. Мана 1927 йилда бошланган жорий даврага белгиланган тақвим:

1927 — Оловли Қуён йили	1945 — Ёғоч Қуш йили
1928 — Ер Аждарҳоси йили	1946 — Оловли Ит йили
1929 — Ер Илони йили	1947 — Оловли Чўчка йили
1930 — Темир От йили	1948 — Ер Сичқони йили
1931 — Темир Қўй йили	1949 — Ер Ҳўкизи йили
1932 — Сув Маймуни йили	1950 — Темир Йўлбарс йили
1933 — Сув Қуши йили	1951 — Темир Қуён йили
1934 — Ёғоч Ит йили	1952 — Сув Аждарҳоси йили
1935 — Ёғоч Чўчка йили	1953 — Сув Илони йили
1936 — Оловли Сичқон йили	1954 — Ёғоч От йили
1937 — Оловли Ҳўкиз йили	1955 — Ёғоч Қўй йили
1938 — Ер Йўлбарси йили	1956 — Оловли Маймун йили
1939 — Ер Қуёни йили	1957 — Оловли Қуш йили
1940 — Темир Аждарҳо йили	1958 — Ер Ити йили
1941 — Темир Илон йили	1959 — Ер Чўқаси йили
1942 — Сув Оти йили	1960 — Темир Сичқон йили
1943 — Сув Қўйи йили	1961 — Темир Ҳўкиз йили
1944 — Ёғоч Маймун йили	

Биз келажакдаги воқеа-ҳодисаларни олдиндан айтиш мумкинлигига қаттиқ ишонамиз. Пайғамбарлик — бу фандир, гарчи бунда турли-туман воситалар қўлланиши мумкин бўлса-да, барибир, у аниқ фандир. Мунажжимликка ҳам биз ишонамиз. “Юлдузлар таассуроти” жисм билан “бўялган” ёки дағаллашган, шу боисдан ҳам ерда акс этган самовий нурлардан бошқа ҳеч нарса эмас. Камера ёки оқ нур билан фотосувратга олиш мумкинлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Орқа томонидан кўзгулар ўрнатилган махсус натижаларга — ортохроматик (яшил ва сариқ ранглари юқори даражада сезадиган), панхроматик (қизил нурларни юқори даражада сезадиган), инфрақизил нурларни аниқлашга имкон туғдиради. Бу нурлар юзлаб бошқа нурлар ичида айримларигина эканини гапирмаса ҳам бўлади. Самовий нурлар ўзининг кимёвий ва электр хоссалари билан одамларга бирдек таъсир ўтказиб туради.

“Аломатларга қараб инсоннинг бахтли ё бахтсизлигини уқиш санъати, қувонч ё мусибатни олдиндан айтиш санъати мунажжимлик ва фалакшуносликка киради ва тақиқланади”, — деган Будда. Бироқ бизнинг муқаддас китобларимизда анча кейинги гаплар бор. Унга кўра: “Бу қобилият камдан-кам одамларга берилади, улар унга машаққат билан эга бўладилар, шу боис бу қобилиятни қўллай олишлари мумкин. Руҳий хоссага эга бўлган ҳеч қандай куч ғаразли мақсадларда ёки моддий манфаат йўлида фойдаланилмайди. Ҳеч қандай куч унинг мавжудлигига далолат воситаси бўлиб хизмат қилмаслиги керак. Бундай эҳсонга сазовор бўлмаганларни бу куч ўз паноҳида сақлагай”.

“Учинчи кўз”нинг очилиши оғир кечган эди, бироқ у илоҳий неъмат қудратини оширганди, мен туғилишимдан шундай неъматга сазовор бўлган эдим. Лекин бунга биз бошқа бобда яна қайтамиз. Ҳозир эса юлдузшунослик ҳақида гаплашиш ва бир пайғамбарликнинг аниқлигини исботлашга муваффақ бўлган уч машҳур инглиз исмини эслаш учун энг қулай фурсат етиб келди.

1027 йилдан бери Тибетда мунажжимларсиз биронта ҳам муҳим қарор қабул қилинмайди. Ҳаттоки 1904 йилда инглизларнинг бостириб кириши ҳам ғоят аниқ башорат қилинганди. Китобда бу пайғамбарлик Тибет тилида келтирилган. Мана унинг таржимаси: “Ёғоч Аждарҳо йилида. Йилнинг биринчи ярми Далай Ламани кўриқлайди, бироқ кўп ўтмай қуролланган ўғри ва қароқчилар ҳужумга ўтишади. Душман жуда кўп бўлади, уларнинг қуроллари бахтсиз-бечораларга қарши қаратилган бўлади ва халқ урушни бошлайди. Йил охирида бир сулҳпарвар зот жангларга хотима ясайди”. Бу башорат (1904 йилга) 1850 йилгача айтилган эди.

Британия кўшинлари қўмондони полковник Янгхасбанд пайғамбарлик матнини Лҳасада кўрган эди. 1902 йили Британия кўшинлари таркибида бўлган аллақандай Д. Л. А. Уэдделл деган одам ҳам уни кўрган. Кейинчалик Лҳасада бўлган Чарлз Бел ҳам уни кўрган.

Мана воқеа-ҳодисаларнинг аниқ башоратларига яна бир қанча мисоллар: 1910 йилда — Хитой кўшинларининг бостириб кириши, 1911 йилда — Хитой инқилоби ва миллий ҳукумат тузилиши, 1911 йилда хитойликларнинг Тибетдан ҳайдаб чиқарилиши, 1914 йилда — Англия ва Германия ўртасидаги уруш, 1933 йилда — Далай Ламанинг ёруғ оламдан кўз юмиши, 1935 йилда — Далай Ламанинг янги тажассумда қайтиб келиши, 1950 йилда — хитойликларнинг Тибетга бостириб кириши.

Мунажжимлик башоратлари тузиш хийла мураккаб фан бўлиб, уни ушбу тарздаги китобнинг бир неча саҳифаларидагина баён этиб бўлмайди. Агар мухтасар қилиб айтмоқчи бўлсак, мунажжимлик башоратномасини тузиш инсоннинг она қорнида вужудга келиши ва туғилиши вақтида юлдузли осмон харитасини аниқ қайта тасаввур этишдан иборат. Бунинг учун туғилишнинг аниқ вақтини билиш зарур. У жаҳоннинг бирон-бир соати билан қайд этишнинг иложи бўлмаган юлдуз вақтига кўчирилади.

Харита тайёр бўлгач, уларни махсус мутахассислар кўриб чиқишлари лозим. Энди сайёраларнинг ўзаро бир-бирига нисбатан жойлашувларини ҳамда уларнинг чақалоқ юлдузлар харитасига таъсир кучини ҳисоблаб чиқмоқ керак бўлади. Ҳомила харитаси унинг она қорнидаги ҳаётининг илк дақиқаларидан уруққа таъсир қилувчи етакчи кучини аниқлашга имкон беради. Туғилиш харитаси чақалоққа у дунёга келганидан кейин таъсир қилувчи кучларни аниқлайди. Келажакдаги қандайдир

ишни белгилаш учун яна бир харита тайёрланиб, у туғилиш харитаси билан таққосланади. Баъзан мендан қайси от пойгада енгиб чиқишини айта оласизми, деб сўраб қолишади. Йўқ, албатта! Бунинг учун барча отбозлар, отлар ва от эгалари учун мунажжимнома тузиш талаб этилган бўлур эди. Айни ҳолатда энг яхшиси, игна олиб, кўзни юмиш керак-да, игнани таваккалига иштирокчилар руйхатига санчиш керак! Биз касал тузалиб кетадими, йўқми, Том Мериға уйланадими, йўқми, йигит қиз билан бахтли бўлиб кетадими, йўқми — шуларни олдиндан айтиб бера оламиз. Бу айрим одамларгагина тааллуқли нарсадир. Биз яна Англия билан АҚШ коммунизмнинг шармандасини чиқаришини олдиндан айтишимиз мумкин. Бу ҳол Ёғоч Аждарҳо йилида содир бўлади, қайсики бизнинг солномамизда 1964 йилга тўғри келади. Ушбу башоратдан келиб чиққан ҳолда асримизнинг охиридаги улкан мушакбозликка тайёрланиб туриш лозим бўлади, бунда ҳеч шубҳасиз, Марс ва Венера кузатувчиларининг бир дақиқа ишдан чалғишларига тўғри келади. Амин бўлингки, аср сўнгига бориб коммунистлар мот бўлишади.

Иккинчи масала, афтидан, овруполикларни қаттиқ ташвишга солса эҳтимол — илгари яшаб ўтган ҳаёт тарзлари қайта тикланади. Онадан туғма кар бўлиб туғилган одам ҳеч қандай товуш йўқ дегани каби, эътиқодсиз одамлар бундай бўлиши мумкин эмас деб қарайдилар. Шундай бўлса-да, гарчи кўплаб хариталарни бир-бирига солиштириш ва мураккаб ҳисоб-китоблар ўтказиш талаб этилса-да, ҳар қандай одамнинг келгусидаги ҳаётини олдиндан аниқ тасаввур қилиш мумкин. Тайёрагоҳда қўнаётган самолётнинг қаёқдан келганига қизиққан одамни кўз олдимизга келтирамиз. Агар у шунчаки бир томошаталаб одам бўлса, самолётнинг қаёқдан келганини ўзича билгиси келади, айни пайтда агар у парвозни бошқарувчи мутахассис бўлса, буни аниқ билади. Бироқ агар бир киши қўлига қатнов рўйхати ва яхши соат тутқазсангиз самолётнинг қаердан келганини унинг ўзи бемалол билиб олаверади. Келажакдаги ҳаётни олдиндан тасаввур қилиш ҳам шунга ўхшаган бир гап. Мен бу ерда мураккаб ҳисоб-китоблар услубини келтириб ўтирмайман, аммо шу масалага қизиқадиган китобхонлар учун Тибет мунажжимлари қандай таянч нуқталаридан фойдаланишларини баён этишим мумкин. Уларнинг ихтиёрида 19 рамз бор: ҳисоб-китоблар 12 мунажжимнинг уйида ўтказилади.

Уларнинг йўналишлари қуйидагилардир: шахс ва шахсий манфаат, молия (пулни қандай топиш ва сарф қилиш керак), қариндош-уруғчилик ва бошқа муносабатлар, қисқа саёҳатлар, тафаккурга берилиш ва ёзувчилик фольятига мойиллик, болалари, лаззатланишлари, фалсафа, касаллик, иш ва майда ҳайвонлар, ишбилармонлик, никоҳ, душманлар ва суд жараёнлари, ирсият, касб ва номус, дўстлик ва нафсоният, безовталиқ, даҳшатлар ва қайғунинг сирли шакллари.

Биз тахминан қуйидагиларни олдиндан айта оламиз: ишқ-муҳаббат, маҳбуб (маҳбуба) шахсининг қай тоифалиги, учрашув кунни, никоҳдан ўтиш вақти, жиловлаб бўлмайдиган иштиёқ, ҳалокат (умуман содир бўладими, йўқми, қачон содир бўлади), ўлим (қачон ва қандай ҳолатда келади), қамоқхона ва қамоқхонанинг бошқа шакллари, келишмовчилик (одатда оилавий ёки иш жойида) онг, маънавий ўсиш даражаси.

Агар таъбир жоиз бўлса, Тибетда табиат қонунларига атаб кўплаб ёдгорликлар ўрнатилган. Улар чортен деб аталади (бу ҳақда биз эслатиб ўтган эдик). Чортенлар насронийлардаги Исо пайгамбар миҳланган хоч рамзига ўхшаб кетади. Уларни ҳамма жойда учратиш мумкин. Энг баланд чортен (16 метр) Лхасада жойлашган, унда шаҳарга кириладиган дарвозалардан бири қурилган. Барча чортенлар бир хил кўринишга эга. Устида сув золдири турган чорси (квадрат) она-замин рамзини билдиради, унинг устидан ўз навбатида учли олов шакли жой олган. Учли оловнинг чўққисида ҳаво идиши ўрин олган, ундан ҳам юқорида эса онг (ифор) рамзи бўлиб, у моддий оламни тарқ этишга мунтазир бўлиб турибди. Билим босқичлари бу унсурларнинг ҳар бирига етишиш имконини беради.

Чортен — динимизнинг соф рамзидир. Бизлар ерда туғиламиз. Бутун умримиз давомида билимлар пиллапоясидан кўтарилиб борамиз ёки улардан юриб ўтишга ҳаракат қиламиз. Ниҳоят, сўнгги нафасимизни олгач, Онг ёки Рух салтанатига доҳил бўламиз. Сўнг янги сабоқ олиш учун биз қайтадан туғиламиз. “Ҳаёт Чархпалаги” бу сўнгсиз давра рамзини англатади: туғилиш — ўлим — руҳ — туғилиш ва ҳ.к.

Кўпгина толиби илмлар гоҳо чархпалакда тасвирланмиш дўзахга иймон келтиришимизга даъват этиб, қўпол хатога йўл қўядилар. Эҳтимол қандайдир жоҳил махлуқот дўзахнинг борлигига ишонар ҳам, аммо бизнинг динимиз вакиллари зинҳор ундай қилмайдилар. Наҳотки насронийлар уларнинг ўлимидан кейин Шайтон ва унинг саҳобалари улар учун манқалдон ва дига тайёрлаб қўйишларига ростданам ишонишса? Ёки улар озчилик фикрига қўшилишга ва тунги кўйлакларида булут устида ўтириб, соз чалишни ўрганишга умид боғлашадими?

Бизлар фақат ердагина сабоқ олишимизга, ердагина “ёниб”, азоб-уқубатларга гирифтор бўлишимизга ишонамиз. “Бошқа жой” дегани аслида руҳ маъвосини, жисмоний бадандан халос бўлиб, ўзига ўхшаган эркин руҳлар билан учрашиши мумкин бўлган руҳларнинг маъвосидан ўзга ҳеч нарса эмас. Спиритуализмга ҳеч қандай ўрин йўқ. Гап эътиқод устида бораепти: биз тушимизда эркинмиз ва ўлим чоғида самовий оламлар қанотида Олтин Олам Мамлакати деб аталадиган энг баланд минтақаларда парвоз қиламиз. Биз шу нарсага аминмизки, биз у ерда севган одамларимизни учратамиз, чунки биз улар билан бир жон, бир тан бўлганмиз. Лекин ёмон кўрган одамларимизни учратмаймиз, чунки нафрат ихтилоф келтириб чиқаради, Олтин Олам Мамлакатади эса ихтилоф тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Булар барчаси вақт синовидан ўтиб, ўз исботини топган ва Фарбнинг шубҳапарастлиги ва моддиюнлиги фан имкониятларини жиддий тадқиқ этишга имкон бермаганидан афсусланишимизга тўғри келади. Энг янги кашфиётларга бошда жиддий қарамаслик ҳоллари тез-тез учраб туради. Гоҳо уларнинг тан олиними ва ҳаётга татбиқ этилиши кўп вақтни талаб этади. Радио, телефон, телевидение ва биринчи галда авиация ҳақида шу гапларни айтиш мумкин.

*Давоми бор.*

